

А.САИДОВ

ЖАЛҚАРО
ҲУҚУҚ

“АДОЛАТ”

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси

А. Х. Саидов

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ

Дарслик

Ўзбекистон Республикаси Олий ва махсус-ўрта таълим вазирлиги Олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш Президиумининг 1999 йил 19 июндаги 9-сонли қарорига биноан тегишли олий ўқув юртлари учун дарслик сифатида тавсия этилган.

5741

Тошкент
«Адолат»
2001

Ушбу китоб халқаро (оммавий) ҳуқуқ фани бўйича ўзбек тилидаги илк дарсликлардандир. Унда ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг келиб чиқиши ва ривожланиши, унинг асосий тушунчалари ва принциплари, институтлари ва соҳаларининг тараққиёт қонуниятлари ўз аксини топган. Мавзулар Ўзбекистон Республикасининг халқаро-ҳуқуқий амалиётидан келиб чиққан ҳолда очиб берилган.

Дарслик олий юридик ўқув юртларининг талабалари, аспирантлари, докторантлари, ўқитувчилари, Ташқи ишлар вазирлиги ва бошқа халқаро муносабатлар соҳасига ихтисослашган идоралар, ташкилотларнинг ходимлари учун ҳамда халқаро ҳуқуқ муаммолари билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул
муҳаррир:

У. Тожихонов,
ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор

Тақризчилар: Тошкент Давлат юридик институти халқаро ҳуқуқ
ва қиёсий ҳуқуқшунослик кафедраси

Ш. З. Ўразаев, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор

А. М. Қосимов, тарих фанлари доктори, профессор

Hominum causa omne jus gentium constitutum est.-
Барча халқаро ҳуқуқ инсон фаровонлиги учун тузилган.

Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг бахлисизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қондаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қондалари ва нормаларига асосланади.

Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддаси.



Кириш

XX аср ижтимоий-сиёсий ривожланишининг бош йўналиши мишум халқларнинг ўз озодлиги учун кураши бўлди. Халқаро майдонда мустамлакачилик сиёсати сиёсий воқелик сифатида инқирозга учради. Аср охирига келиб тарихнинг иродаси билан жаҳондаги энг йирик империя ҳисобланаган СССР қулади. Ер шарининг олтидан бир қисмини эгаллаб турган улкан мамлакатда мутеликда яшаган халқлар истиқлолга эришди. Уларнинг ҳар бири ўз миллий манфаатлари ва имкониятларидан келиб чиқиб мустақил давлатчилигини тузишга киришди.

Ҳар бир давлат ўз асослари негизда ривожланади, шу билан бирга иқтисодиётда, сиёсатда, мафкурада, ҳуқуқ ва ҳуқуқий онгда юбора умумийлик жиҳатлари вужудга келмоқда. XXI аср давлатларнинг сиёсий ва ҳуқуқий тизими инсоният бой тажрибасининг барча ижобий томонларини синтези билан характерланади. Ушбу тажрибалар барқарор ривожланиш ва ижтимоий тараққиёт учун энг мақбул шарт-шароитни демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти вужудга келтиришини тасдиқлайди.

Ҳуқуқий давлат жамият ҳаётининг барча жабҳаларида Конституция ва қонун устуворлигини тақозо этади. Бирон бир давлат ёки унинг органи белгиланган ҳуқуқий меъёрлардан четга чиқиши мумкин эмас. Ҳуқуқ меъёрлари бузилган тақдирда эгаллаб турган мавқидан қатъи назар, фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг юридик жавобгарлиги вужудга келади. Демократик давлатда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар томонлама таъминланади. Айни пайтда барча юридик ва жисмоний шахслар қонун талабларини бузса, жавобгарликка тортиладилар.

Миллий ҳуқуқий тизим ҳаёт тақозоси билан доимий равишда ривожланиб боради. Бу демократик ҳуқуқий давлатнинг халқаро стандартларига мос келади. Ташқи сиёсат халқаро ҳуқуққа асосланиши керак.

Давлатнинг халқаро нуфузи учун миллий ҳуқуқий системанинг характери катта аҳамият касб этади. Демократик давлат ҳуқуқий халқаро ҳамжамиятнинг зарурий элементи ҳисобланади ва ҳар бир давлат ва ҳар бир инсоннинг муҳим ҳаётий манфаатлари унинг қарор топиши билан узвий боғлиқдир. Фикримизча, XXI асрда инсониятнинг энг катта муаммосини ҳал қилиш мумкин бўлади. Бу муаммони таниқли немис файласуфи И.Кант “умумжаҳон ҳуқуқий фуқаролик жамиятига эришиш” деб таърифлаган эди.

Давлат мустақиллигига қадар қизил империя маркази халқаро алоқаларни ўз исканжасида қаттиқ ушлаб турган, Ўзбекистон эса юксак даражадаги чет эллик меҳмонлар олдида фақат “гуллаб яшнаётган совет Шарқи”ни намойиш қилишигина мумкин эди холос. Фақат расмий равишдагина миллий мустақиллигига эга бўлган Ўзбекистон, амалда жаҳон ҳамжамиятида бўлиб ўтаётган жараёнлардан четда қолиб келди. Айниқса жаҳон иқтисодий системасидан ажралиб қолиш Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига жиддий зарар келтирди.

СССРнинг қулаши билан Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятдан ажралиб қолишига барҳам берилди. Қадимий ўзбек миллий давлатлари, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Амир Темури ва Темурийлар, ўзбек хонликлари даврларидаги сингари Ўзбекистон яна ўз ташқи сиёсатини мустақил белгиламоқда.

“Мустақиллик ва суверенитет жаҳон ҳамжамиятига кириб боришимизга, барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатлар ўрнатишимизга имкон яратди”.¹

Ўзбекистоннинг 1992 йилдаги Конституцияси 1991 йил 31 августдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги конституциявий қонуннинг асосий қоидаларини ривожлантиради. Унда халқаро ҳуқуқ суверен давлат қуришнинг муҳим манбаи сифатида белгиланган. Шу билан Ўзбекистон ўзини жаҳон ҳамжамияти олдида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойиллари ва қоидаларига содиқлигини конституциявий даражада намоеён қилган. Бу ёш мустақил давлатнинг энг нуфузли халқаро ташкилотларга тўлақонли аъзо сифатида киришига, Ўзбекистонни умумий дипломатик тан олиш ва халқаро сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларга қўшилишига имкон берди.

Ўзбекистон халқи ўзини халқаро ҳамжамиятнинг таркибий қисми сифатида англамоқда. Бу Ўзбекистон Республикасининг фақат бошқа давлатлар билан ҳамкорликдагина таъминланиши мумкин бўлган миллий манфаатларига тўла мос келади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати — бу жаҳон ҳамжамияти тенг ҳуқуқли аъзосининг, бошқа давлатлар билан ҳамкорликда ХХI аср халқаро ҳуқуқий тартиботини яратаётган суверен давлатнинг сиёсатидир. Ўзбекистон умумбашарий ҳамда Европа миқёсидаги янги халқаро ҳуқуқий тартиботни қуришда иштирок этмоқда.

¹ Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. — Тошкент: “Ўзбекистон”, 1996. 3-бет.

Бугунги кунда “халқаро-ҳуқуқий саводсизлик”ни тугатиш жуда **дағдир** зарифадир.¹ Ўзбекистонда бу соҳадаги юристлар етарли эмас, **шунингдек**, бошқа давлатларнинг ҳам юристлари бунга тайёр эмас-**лини** куришиб қолди. Масалан, АҚШда бу борада 50-йилларнинг **кириди** бонг ура бошлаганлар. Ўша вақтдаёқ Америка Юристлари Ассоциацияси Президенти Ч.Райн халқаро ҳуқуқ тамойиллари яхши **маълум** эмас ва кам қўлланилади, деган эди.²

Кунгина юристлар учун халқаро ҳуқуқ бугун ҳам сирли бир **фан-лек** туюлади. Шу боис барча юристлар бугунги давр талабидан **келиб** чиқиб халқаро ҳуқуқни чуқурроқ ўрганишлари зарур.

XXI аср бошида дунёнинг бугунги юзини туб ислоҳотлар ўзгар-**тирмоқда**. Давлатлар ўртасида инсоният манфаати йўлида тинчлик, демократия, инсон ҳуқуқлари, хавфсизлик, атроф-муҳитни муҳофа-**зи** қилиш каби умумбашарий муаммоларни ҳал қилиш учун халқаро-ҳуқуқий шароит яратиш мақсадида ўзаро манфаатдорликка **иёсланган** халқаро алоқалар кенгаймоқда.

Мазкур жараёнларда халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги му-**носабатларни** тартибга солувчи халқаро ҳуқуқ биринчи даражали роль **уйнайди**.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятига фаол кириб бор-**моқда**, хорижий мамлакатлар билан халқаро алоқаларни мустаҳкам-**лаб**, шартномавий ва дипломатик амалиётни кенгайтирмоқда.

Бундай шароитда олий юридик таълим тизимида халқаро ҳуқуқ **курсининг** ўрганилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Ушбу курс мустақил ўқув фани сифатида Жаҳон иқтисодиёти ва **дипломатия** университетети, Тошкент Давлат юридик институти, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ва мамлакатимизнинг **қатор** бошқа олий ўқув юртлари дастурига киритилган.

Курсни ўқитишдан мақсад: талабаларни халқаро ҳуқуқнинг умум **тироф** этилган тамойиллари ва меъёрлари билан таништириш, **тингловчилар** томонидан халқаро ҳуқуқнинг умумий масалалари **ҳамда** муҳим институтлари ва тармоқларини ўзлаштиришдан ибор-**рат**. Бунда Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатидаги халқаро **ҳуқуқ** масалаларига кўпроқ эътибор қаратилган.

¹ Англиялик юрист лорд Макнейр қуйидагича ёзган эди: “Бирлашган Қиролликда, **балки** Ҳиндистонда ҳам, кўп шахслар, жумладан, юристлар ҳам халқаро ҳуқуқни “**академик**” фан, яъни профессорлар тафаккурининг маҳсули ёки функцияси ва шу-**нинг** учун ҳам кам амалий аҳамиятга эга, деб ҳисоблайдилар”// The Indian Journal of International Law. 1963. № 3. P. 271.

² *Rhyne Ch. World Law or World Holoeflist //Oklahoma Bar Journal. 1957. № 28.*

Халқаро ҳамжамият томонидан халқаро ҳуқуқ ва уни ўқитишга бўлган катта эътибор БМТ Бош Ассамблеясининг халқаро ҳуқуқни ўрганишни рағбатлантириш ва халқаро-ҳуқуқий билимларни ёйишга йўналтирилган Резолюциясида ўз аксини топган.

**БМТ халқаро ҳуқуқ таълими ўн йиллиги тўғрисидаги
БМТ Бош Ассамблеясининг 44F23 Резолюцияси**

“Бош Ассамблея, БМТнинг мақсадларидан бири халқаро тинчлик ва хавфсизликни сақлашдан иборат эканлигини ва шундан келиб чиқиб тинчлик воситалари билан, адолат ва халқаро ҳуқуқ принципларига мувофиқ тинчликни бузишга олиб келиши мумкин бўлган халқаро низолар ва вазиятларни халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги Декларацияга, БМТ Уставига мувофиқ давлатлар ўртасидаги дўстона алоқалар ва ҳамкорликларга тааллуқли ва халқаро низоларни тинчлик йўли билан ҳал қилиш тўғрисидаги Манила Декларациясига таяниб ҳал қилаётганини ҳисобга олиб,

БМТнинг халқаро ҳуқуқ принципларини тобора кенгроқ ҳурмат қилиши ва унга риоя қилиши ва халқаро ҳуқуқнинг прогрессив ривожланишини ва уни кодификация қилишни рағбатлантиришидаги ролини ҳисобга олиб,

Халқаро муносабатларда ҳуқуқнинг устуворлигини мустаҳкамлаш заруриятига ишонган ҳолда, халқаро ҳуқуқни ўқитишга, ўрганишга янада кенг эътироф этилишига ва тарқатишга кўмаклашиш зарурлигини таъкидлаб,

XX асрнинг сўнги ўн йиллигида халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиши билан боғлиқ бўлган муҳим саналар, хусусан, 1999 йилда Гаагада бўлиб ўтган халқаро тўқнашувларни тинчлик йўли билан ҳал қилиш тўғрисидаги Конвенция қабул қилинган ва ҳакамлар суди Доимий Палатаси тузилган биринчи Халқаро Конференциясининг юз йиллиги, Устави имзоланганлигининг элик йиллиги ва халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги Декларация қабул қилинганлигининг йигирма беш йиллиги байрам қилинишини таъкидлаб,

1. 1990 — 1999 йилларни Халқаро ҳуқуқ таълими ўн йиллиги, деб эълон қилади.

2. Қуйидагиларни Ўн йилликнинг асосий мақсадлари бўлиши лозим, деб ҳисоблайди, хусусан:

а) халқаро ҳуқуқ принципларининг қабул қилиниши ва ҳурмат қилинишига кўмаклашиш;

в) давлатлар ўртасидаги низоларни тинчлик йўли билан ҳал қилишни методлари ва воситаларига кўмаклашиш;

г) халқаро ҳуқуқнинг прогрессив ривожланиши ва уни кодификация қилишига кўмаклашиш;

д) халқаро ҳуқуқни ўқитишни, ўрганишни, ёйиш ва янада кенг эътироф этилишини рағбатлантириш.

3. Бош котибдан аъзо-давлатлардан ва мазкур соҳада ишлайдиган тегишли халқаро органлардан, шунингдек, нодавлат ташкилотлардан ўн йиллик давомида ўтказиладиган тадбирлар ва ўн йилликнинг дастури хусусида, жумладан, Ўн йиллик сўнггида Халқаро тинчлик Конференциясини ёки бошқа тегишли халқаро конференцияни ўтказиш имконияти тўғрисидаги фикрларини сўраб олиш ва шу тўғрида Ассамблеяга маъруза тақдим қилишини сўрайди.

4. Ўзининг қирқ бешинчи сессиясининг дастлабки кун тартибига “БМТ халқаро ҳуқуқ таълими Ўн йиллиги”, деб номланган банд киритишга қарор қилади”.

БМТ халқаро ҳуқуқ таълими ўн йиллиги тўғрисидаги БМТ Бош Ассамблеясининг 45F40 Резолюцияси:

“Бош Ассамблея,
ўзининг 1989 йил 17 ноябрдаги 1990-1999 йиллар даврини халқаро ҳуқуқ таълими ўн йиллиги, деб эълон қилган 44F23 Резолюциясидан келиб чиққан ҳолда,

Олтинчи кўмита ўн йилликка нисбатан умумий маслаҳатларни тайёрлаш мақсадида халқаро ҳуқуқ ўн йиллиги бўйича ишчи гуруҳ ташкил қилинганини таъкидлаб,

БМТ халқаро ҳуқуқ таълими ўн йиллиги фаолият Дастурини тасдиқлайди. У қуйидагиларни ўз ичига олади:

Халқаро ҳуқуқнинг кенгроқ эътироф этилиши ва ўқитишни, ўрганишни, тарқатишни рағбатлантириш

1. Халқаро ҳуқуқни ўқитиш, ўрганиш, ёйишни рағбатлантириш ва унинг кенгроқ эътироф этилиши соҳасида БМТ ёрдам Дастури бўйича тегишли раҳбарий принципларни ишлаб чиқиш ва мазкур раҳбарий принципларга мувофиқ Дастур доирасида амалга оширилган фаолият тўғрисида Олтинчи кўмитага маъруза тақдим қилиш. Алоҳида эътиборни халқаро ҳуқуқни ўқитиш ва тадқиқ қилишни олиб бораётган академик ва профессионал муассасаларни қўллаб-қувватлашга, шунингдек бундай муассасалар йўқ жойларда, айниқса, ривожланаётган мамлакат-

ларда ташкил қилишга қаратиш. Давлатларга ушбу Дастурни мустаҳкамлашга кўмаклашишлари тавсия қилинади.

2. Давлатлар ўқув муассасаларни ҳуқуқни, сиёсий фанларни, жамиятшунослик ва бошқа тегишли фанларни ўрганувчи талабалар учун халқаро ҳуқуқ курсини киритишлари учун рағбатлантиришлари лозим, улар халқаро-ҳуқуқий мавзуларни бошланғич ва ўрта мактабларга киритиш имкониятларини ўрганишлари лозим. Бир томондан, ривожланган мамлакатларнинг университетлар даражасидаги ўқув юртлари, иккинчи томондан, ривожланган мамлакатларнинг шундай ўқув юртлари ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантиришлари лозим.

3. Давлатлар халқаро ҳуқуқ бўйича типовой ўқув режалар ва материаллар ишлаб чиқиш, халқаро ҳуқуқ бўйича ўқитувчиларни тайёрлаш, халқаро ҳуқуқ бўйича дарсликлар тайёрлаш, халқаро ҳуқуқ соҳасидаги тадқиқотларни ўтказиш ва ўқитишда замонавий техника ёрдамидан фойдаланиш тўғрисидаги масалани ўрганиш мақсадида миллий ва минтақавий даражада экспертлар конференциясини чақириш имкониятини кўриб чиқиши керак.

4. БМТ тизими ташкилотлари, минтақавий ташкилотлар (Африка-Осиё маслаҳат-ҳуқуқий қўмитаси, Халқаро ҳуқуқ Ассоциацияси, Халқаро ҳуқуқ институти, Марказий ва Жанубий Американинг испан ва португал тилида сўзлашувчилар учун Халқаро ҳуқуқ институти ва бошқалар) ва давлатлар халқаро ҳуқуқнинг турли жиҳатлари бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва семинарлар, симпозиумлар, ўқув курслар, лекциялар ва мажлислар ташкил қилиш масаласини кўриб чиқишлари лозим.

Давлатлар ва минтақавий ташкилотлар қуйидаги мавзулар бўйича шундай тадбирларни ўтказишга тайёрлигини билдирдилар:

ривожланган мамлакатлар ва халқаро ҳуқуқ (Хитой); ривожланган мамлакатлар ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар (Хитой); денгиз ҳуқуқи (Югославия); сув ости чуқурликларини ўрганиш соҳасидаги қўшма корхоналар (Африка-Осиё маслаҳат-ҳуқуқий қўмита); қочоқлар масаласи бўйича конвенцияни ратификация қилишга кўмаклашиш (Африка-Осиё маслаҳат-ҳуқуқий қўмита).

5. Давлатларга юристлар учун, жумладан, судьялар, ташқи ишлар вазирлиги ходимлари ва бошқа тегишли вазирлик ходимлари учун халқаро ҳуқуқ соҳасида махсус тайёргарликни ташкил қилиш тавсия этилади. БМТ, ЮНЕСКОнинг ўқув ва илмий-тадқиқот институтлариغا, Гаага халқаро ҳуқуқ академиясига, минтақавий ташкилотларга бу борада давлатлар билан ҳамкорлик қилиш таклиф қилинади.

6. Ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликлар ҳамда ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорликни, айниқса халқаро ҳуқуқ амалиёти билан шугулланадиган шахслар ўртасидаги тажриба алмашиш, халқаро ҳуқуқ соҳасида ўзаро ёрдам кўрсатиш, жумладан, халқаро ҳуқуқ бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш борасидаги ҳамкорликлар рағбатлантирилади.

7. Халқаро-ҳуқуқий амалиёт тўғрисидаги хабардорликни ошириш учун давлатлар минтақавий ва бошқа халқаро ташкилотлар, агар буни қилмаган бўлсалар, қисқа маълумотлар, ахборотномалар ёки уларнинг амалиётига боғлиқ йилномаларни нашр эттиришни кучайтиришлари лозим.

8. Халқаро суднинг консултатив хулосалари ва қарорларининг БМТнинг барча расмий тилида мавжуд бўлиши халқаро ҳуқуқни ўқитишга ва ёйишга кўмаклашган бўлур эди.

Бош Ассамблеянинг 1989 йил 4 декабрдаги 44F28 Резолюциясини бажариш учун, давлатларнинг таклифларини ҳисобга олиб, Олтинчи қўмита Бош Ассамблеянинг қирқ олтинчи сессиясида Бош котибнинг Халқаро суд нашрларини инглиз ва француз тилларидагига қўшимча равишда барча расмий тилларда молиялашнинг мавжуд даражаси доирасида нашр эттириш, шу билан суд томонидан айтилган таклифларни ҳисобга олиш бўйича маърузасини кўриб чиқади.

9. Бошқа халқаро судларга ва трибуналларга, жумладан, инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди ва инсон ҳуқуқлари бўйича америкалараро судга ўз қарорлари ва консултатив хулосалари кенгроқ оммалаштириш ва тематик ёки тахлилий резюме тайёрлаш масаласини кўриб чиқиб таклиф қилинади.

10. Халқаро ташкилотлар, агар улар аввал буни қилмаган бўлсалар, ўзларининг доирасидаги тузилган шартномалар матнини чоп эттириш таклиф қилинади. БМТнинг шартномалар тўплами сериясини ўз вақтида нашр қилдириш ва нашрларнинг электрон шаклини йўлга қўйиш бўйича ҳаракатларни давом эттириш тавсия этилади. Шунингдек, “Бирлашган Миллатлар Ташкилотини юридик йилномаси”ни ўз вақтида нашр эттиришни таъминлаш тавсия этилади”.

Ушбу дарсликни ёзишда биз мамлакатимиз олий ўқув юртларида ва хорижда халқаро ҳуқуқ фанини ўқитиш тажрибасини ҳисобга олишга ҳаракат қилдик. Дарслик тузилишига кўра “Умумий қисм” доирасида халқаро ҳуқуқнинг асосий тушунчалари ва институтлари ҳақида “Махсус қисм”да — халқаро ҳуқуқ соҳалари, учинчи қисмда — Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқий фаолияти ёритилди.

Хорижий мамлакатларда чоп этилган янги адабиётлардан фойдаланилди.

Халқаро ҳуқуқни ўрганишда халқаро шартномалар билан танишиш муҳим аҳамият касб этади, зеро, улар ҳозирги халқаро ҳуқуқнинг асосий манбаи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси иштирок этган халқаро шартномаларга алоҳида эътибор берилиши лозим.

Халқаро шартномалар билан танишиш учун қуйидаги тўпламлар тавсия этилади:

Республика Узбекистан и международные договора по правам человека/Отв.ред. А.Х.Саидов. — Ташкент, 1998.

Конституции мира. Сборник конституций государств мира: в 6 тт./Составители и авторы вступ.статей У.Тажиханов и А.Х.Саидов. — Ташкент, 1997—1999.

Конституционное право Республики Узбекистан. Сборник нормативных актов./Составитель А.Х.Саидов. Т. 1,2. — Ташкент, 1995.

Права человека: единство общечеловеческого и национального. Сборник международных договоров и законов Республики Узбекистан./Составитель А.Х.Саидов. — Т. 1,2. — Ташкент, 1995.

Международные конвенции по защите прав человека и борьбе с преступностью. Сборник международных договоров./Составитель Ю.С.Пулатов. — Ташкент, 1995.

Международные конвенции по таможенному делу. Сборник международных документов./Составитель Ю.С.Пулатов. — Ташкент, 1995.

Права человека. Сборник международных договоров. Т.1. Универсальные договора. — Нью-Йорк, Женева, 1994.

Действующее международное право. В 3-х тт./Составители Ю.М.Колосов и Э.С.Кривчикова. — М., 1996—1997.

Международное право в документах./Составители Н.Т.Блатова и Г.И.Мелков. — М., 1997.

Международное публичное право. Сборник документов. В 2-х тт./Составители К.А.Бекашев и А.Г. Ходаков. — М., 1996.

Международные нормативные акты ЮНЕСКО. Конвенции, соглашения, протоколы, рекомендации, декларации./Составитель И.Д.Никулин. — М., 1993.

Международное гуманитарное право в документах./Составители Ю.М.Колосов и И.И.Котляров. — М., 1996.

Международное сотрудничество в области прав человека. Документы и материалы. — М., 1993.

Международные акты о правах человека. Сборник документов./ Составители В.А.Карташкин и Е.А.Лукашева. — М., 1998.

Халқаро ҳуқуқ ўқув курсини ўрганишда қуйидаги дарслик, маълумотнома ва энциклопедик нашрлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

Дипломатический словарь в 3-х томах. — М., 1985—1986.

Словарь международного права./Отв.ред. Б.М.Клименко. — М., 1986.

Паинсон И.И. Англо-французско-испанско-русское руководство по терминологии международного публичного права. — Брюссель, 1983.

Додонов В.Н., Панов В.П., Румянцев О.Г. Международное право: Справочник. — М., 1997.

Шреплер Х.А. Международные организации. Справочник. — М., 1995.

Маматкулов А. Халқаро ҳуқуқ. — Тошкент, 1998.

Тузмухамедов Р.А., Хакимов Р.Т. Основы международного права. — Ташкент, 1998.

Мирзажонов К., Хакимов Р. Международное право: Учебные схемы. — Ташкент, 1993.

Қосимов А.М. Дипломатия асослари. Дарслик. Тошкент, 1996.

Умарохунов И.М. Республика Узбекистан и международное договорное право. — Ташкент, 1998.

Ушаков Н.А. Международное право: Учебник. М., 2000.

Броунли Я. Международное право./Пер. с англ., под ред. и с вступ. статей Г.И. Тункина. Кн. 1-2. — М., 1997.

Кольяр К. Международные организации и учреждения./Пер.с франц.; под ред. В.Г. Шкунаева. — М., 1972.

Оппенгейм Л. Международное право./Пер.с англ. изд., дополненного Г.Лаутерпахтом; под ред. и с предисл. С.Б. Крылова. Т. I-II/ — М., 1948-1950.

Фердросс А. Международное право./Пер. с нем.; под ред. и с предисл. Г.И.Тункина. — М., 1959.

Хайд Ч. Международное право, его понимание и применение Соединенными Штатами Америки./Пер. с англ.; под ред. В.Н.Дурденевского и др. Т. 1-6. — М., 1950-1954.

Хименес де Аречага Э. Современное международное право./Пер. с испан.; под ред. и со вступ. статей Г.И.Тункина. — М., 1983.

Курс международного права: в 7-ми тт./ Гл. ред. В.Н.Кудрявцев, зам. гл. ред. В.С.Верешетин, Г.И.Тункин. — М., 1983.

Ушбу дарсликни ёзишда биз халқаро ҳуқуқ бўйича тадқиқотларнинг назарий хулоса ва амалий натижаларидан, шунингдек, қўпгина давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг халқаро-ҳуқуқий амалиёти материалларидан фойдаландик. Шу билан бирга биз ўқувчилар доирасини кенгайтириш мақсадида мавзуларни имкони борича тушунарли даражада очиқ беришга ҳаракат қилдик.

Биз ҳар қандай танқидий фикр, таклиф ва мулоҳазалар учун миннатдор бўламиз.

УМУМИЙ ҚИСМ

Халқаро ҳуқуқнинг асосий тушунчалари ва институтлари

- Халқаро ҳуқуқнинг тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти.
- Халқаро ҳуқуқнинг ривожланиши тарихи.
- Халқаро ҳуқуқ манбалари.
- Халқаро ҳуқуқ субъектлари.
- Халқаро ҳуқуқ тамойиллари.
- Халқаро ҳуқуқда ҳудуд ва бошқа майдонлар.
- Халқаро ҳуқуқда аҳоли.
- Халқаро ҳуқуқда жавобгарлик.

1-мавзу. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

- Халқаро ҳуқуқнинг пайдо бўлиши.
- Халқаро ҳуқуқ тушунчаси (таърифи).
- Халқаро ҳуқуқ объектлари.
- Халқаро ҳуқуқ функциялари.
- Халқаро ҳуқуқ ва давлатларнинг миллий ҳуқуқий тизими.
- Халқаро оммавий ҳуқуқ ва халқаро хусусий ҳуқуқ.
- Халқаро ҳуқуқда меъёрларни яратиш жараёни.
- Халқаро ҳуқуқ тизими.
- Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати ва дипломатияси.
- Халқаро ҳуқуқ ва Конституция.

Халқаро ҳуқуқнинг пайдо бўлиши

Халқаро ҳуқуқ ҳуқуқнинг бошқа соҳалари каби ўз-ўзидан пайдо бўлган эмас. У муайян ижтимоий жараёнларнинг ривожланиши натижасида вужудга келган. Инсоният тараққиётининг дастлабки босқичларида қадимий илк жамоалар ва қабилалар бир-биридан алоҳида ажралган ҳолда эмас, балки қабилаларнинг ёзилмаган қонунлари билан бирлашган эди. Биринчи одат меъёрлари давлатчиликнинг вужудга келишидан олдин ибтидоий жамоа тузуми давридаёқ пайдо бўлган.

Агар, “халқаро ҳуқуқ” тушунчасини давлатлараро ҳуқуқ сифатида тушунилса, у ҳолда, давлатчилик пайдо бўлиб, ривожланиши билан вужудга келганини эътироф этиш лозим.

Халқаро ҳуқуқ — тарихий ижтимоий-ҳуқуқий амалиёт ривожланиши натижасидир. Инсонларнинг (гуруҳлар, табақаларнинг) ўз миллий манфаатларининг англаш воситаси сифатида пайдо бўлиши, айниқса халқаро муносабатларнинг доимий ўзгариб туришига алоқадорлиги билан халқаро ҳуқуқ миллий давлатлар ва халқларнинг тараққиётига муҳим таъсир кўрсатган ва кўрсатиб келмоқда. Кишилиқ тарихи давомида халқаро ҳуқуқ нафақат халқаро муносабатларнинг тараққиёти билан бирга ривожланиб келган, балки уларга маълум даражада таъсир ҳам кўрсатган.

Халқаро ҳуқуқнинг келиб чиқиши табиий-объектив жараёнدير. Халқаро ҳуқуқ пайдо бўлишининг умумий шарт-шароити — давлатларнинг хоҳиш-иродаси эмас, балки инсоният ҳаётининг шароити, унинг тарихий тараққиёти, инсоннинг атрофдаги дунё билан ўзаро

муносабати, ижтимоий меҳнат тақсимоти, давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишидир.

Халқаро ҳуқуқ — бизни ўраб турган дунёнинг муҳим бир ажралмас қисмидир. У доимий равишда инсонга, халқларга, давлатларга таъсир кўрсатиб келади.

Халқаро ҳуқуқ муҳим ҳуқуқий категория бўлиб, халқаро муносабатлардан, уларнинг иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, маданий ва бошқа хусусиятларидан ўсиб чиққан.

Шундай қилиб, халқаро ҳуқуқнинг пайдо бўлиши бевосита давлатларнинг вужудга келиши ва ривожланиши билан боғлиқ. Давлатлар тараққиётининг объектив шарт-шароити улар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий ва ҳуқуқий муносабатларни ўрнатиш заруратини келтириб чиқаради. Бунинг натижаси ўлароқ ҳуқуқнинг мустақил тизими сифатида халқаро ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ва ривожланишидир.

Халқаро ҳуқуқ давлатлар, халқлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги турли хил муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Халқаро ҳуқуқ тушунчаси (таърифи)

“**Халқаро ҳуқуқ**” тушунчасини аниқлаш ва унга таъриф бериш халқаро ҳуқуқ фанининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Агар, давлат ва ҳуқуқ назарияси фани давлатларнинг миллий ҳуқуқий тизимига хос бўлган ҳодисаларни ўрганса, халқаро ҳуқуқ фани эса давлатлараро ёки кенгроқ маънода халқаро муносабатларга хос бўлган ҳодиса ва жараёнларнинг ҳуқуқий хусусиятларини кўриб чиқади.

Халқаро-ҳуқуқий меъёрларда миллий давлатларнинг ўзаро муносабатларидаги мураккаб жараёнлар ўз аксини топади. Уларнинг асосида шаклланаётган, халқларнинг субъектив хоҳиш-иродасига эмас, балки ижтимоий тараққиётнинг объектив омилларига мос келадиган ҳуқуқий онг халқаро ҳуқуқда ўз ифодасини топади.

Ҳозирги халқаро муносабатларга таъсир қилувчи кўплаб омиллар ичида халқаро ҳуқуқ устуворлиги тўғрисидаги қоида ХХI асрдаги цивилизация ва ҳуқуқий онг даражасига кўпроқ мос келади.

Халқаро ҳуқуқ фанида халқаро ҳуқуқ тушунчасига турли хил таърифлар берилган. Шулардан бир нечтасини келтириб ўтамыз:

Биринчи таъриф: халқаро ҳуқуқни “давлатларнинг иродасини мувофиқлаштириш асосида тузилган ва ривожланадиган давлатларнинг тинч-тотув яшashi, халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилашини таъминлаш мақсадида халқаро муносабат-

ларни тартибга солувчи юридик меъёрлар тизими” сифатида таърифлаш мумкин¹.

Иккинчи таъриф: халқаро ҳуқуқ — бу “давлатлар ва ушбу ҳуқуқ тизимининг бошқа субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи юридик меъёрлар тизими” дир.²

Учинчи таъриф: халқаро ҳуқуқ “ижтимоий тараққиёт қонуниятларининг таъсири билан боғлиқ равишда халқаро муносабатларни тартибга солувчи ва давлатлар иродасининг нисбий уйғунлигини ифодаловчи шартномалар, одат меъёрлари ва тамойиллар тизимидир”.³

Тўртинчи таъриф: халқаро ҳуқуқ — бу “халқаро (давлатлараро ва бошқа турдаги) муносабатларни тартибга солувчи меъёрлар мажмуи ва тизимидир”.⁴

Бешинчи таъриф: халқаро ҳуқуқ — бу “ҳуқуқнинг мустақил тармоғи бўлиб, ўзида бир бутун ва яхлит тамойиллар ва меъёрлар тизимини, яъни энг аввало давлатлар ўртасидаги халқаро муносабатлар соҳасини тартибга солувчи, юридик мажбурий бўлган ҳуқ-атвор қоидаларини ифодалайди”.⁵

Олтинчи таъриф: “Халқаро ҳуқуқ ғоят кенг ва турли тармоқларни ўз ичига олувчи алоҳида ҳуқуқлар тизимидир. Шу билан бирга фақат меъёрлар йиғиндиси бўлибгина қолмай, уларнинг тизими ҳамдир”.⁶

Халқаро ҳуқуққа берилган юқоридаги ва бошқа кўплаб таърифларнинг муаллифлари имкон қадар кўпроқ халқаро ҳуқуққа хос бўлган ҳодисаларни қамраб олишга ҳаракат қилганлар. Бироқ, таъкидлаб ўтиш жоизки, бундай вазифани уддалаш жуда мушкулдир. Ҳар қандай илмий таъриф унда фойдаланилган атамалар, тушунчаларнинг, шунингдек, улардан келиб чиқадиган тушунчаларнинг изоҳланишини талаб қилади.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи иккинчи жаҳон урушидан кейин Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави қабул қилинганидан сўнг юзага келиб, ривожланган. Шу боис, “**ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи**” тушунчаси халқаро муносабатларнинг умум эътироф этилган

¹ Курс международного права. В 6-ти томах. — М., 1967, Т.1., с.38.

² Курс международного права. В 7-ми томах. — М., 1988, Т.1., с.9.

³ Словарь международного права. — М., 1989, с. 170.

⁴ Ушаков Н.А. Международное право: основные понятия и определения. — М., 1996, С. 5-6.

⁵ Тузмухамедов Р.А., Хакимов Р.Т. Основы международного права. — Ташкент, 1998, С.7.

⁶ Маматқулов А. Халқаро ҳуқуқ. — Тошкент, 1997, 7-бет.

тамоийллари ва меъёрлари ривожланишининг янги босқичини акс эттирган ҳолда, халқаро ҳуқуқ ҳаракатининг хронологик доирасини белгилайди.

Фикримизча, халқаро ҳуқуқнинг умумий тушунчасини (таърифини) қуйидагича ифодалаш мумкин:

Халқаро ҳуқуқ — бу тинчлик ва ҳамкорликни таъминлаш мақсадида давлатлараро муносабатларни тартибга солувчи юридик меъёрлар тизимидир.

Халқаро ҳуқуқ айнан юридик меъёрлардан ташкил топган. Таъкидлаб ўтиш лозимки, давлатлар ўртасидаги муносабатлар нафақат халқаро-ҳуқуқий меъёрлар билан, балки сиёсий, ахлоқий меъёрлар ҳамда амалиёт ва бошқа меъёрлар билан ҳам тартибга солинади.

“Халқаро ҳуқуқ” атамаси халқаро оммавий ҳуқуқни билдиради, ундан халқаро хусусий ҳуқуқни фарқлаб олиш лозим. Шу боис, “халқаро ҳуқуқ” атамаси маълум даражада шартли эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.¹ Шу маънода тарихан шаклланиб ва давлатлар ҳамда халқаро ҳужжатларда, дарсликларда қўлланиладиган “халқаро ҳуқуқ” атамаси ўзининг туб маъносига тўла мос келади деб бўлмайди. Мазкур атаманинг бошқа тиллардаги маъноси ҳам айнан ўхшашдир: рус тилида — “международное право”, инглиз тилида — “International Law”, француз тилида — “Droit international”, немис тилида — “Volker recht”, испан тилида — “Derecho internacional”, украин тилида — “Міжнародное право” ва ҳақозо.

Халқаро ҳуқуқ объектлари

Халқаро ҳуқуқ объектига ҳар қандай эмас, балки муайян халқаро муносабатлар киради.

Халқаро муносабатлар — бу давлатлар ва давлатлар тизими ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий, ҳуқуқий, дипломатик, ҳарбий ва бошқа турдаги алоқалар ва муносабатлар мажмуидир. Шунингдек,

¹ “Рим ҳуқуқида юзага келган “jus gentium” (“халқлар ҳуқуқи”) атамаси халқаро ҳуқуқ атамасининг намунаси ҳисобланади. jus gentium нинг қоидалар тўплами сифатидаги дастлабки тушунчаси Рим давлати ҳудудидаги, миллати бўйича қандай қабилага тегишли бўлишидан қатъий назар, барча одамларга нисбатан қўлланилган, кейинроқ Римнинг бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатларидаги умумий тан олинган меъёрлар комплекси сифатида кенгроқ маъно касб эта бошлаган (“Барча халқлар учун умумий ҳуқуқ”). Кейинчалик ушбу атама замонавийлаштирилган — “jus inter gentes” (“халқлар ўртасидаги ҳуқуқ” ёки “халқаро ҳуқуқ”). Қаранг: Международное право/под ред. Г. В. Игнатенко. — М., 1995, С.12-13; Лукашук И. И. Международное право. Общая часть. — М., 1996, С.4.

дунё миқёсидаги асосий сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа ташкилотлар, ҳаракатлар ўртасидаги ҳамкорликлардан иборат.

Халқаро муносабатлар ўзининг мазмунига кўра бирон-бир давлатнинг ваколати ва юрисдикцияси доирасидан чиқиб, давлатларнинг биргаликдаги ёки бутун жаҳон ҳамжамиятининг ваколатлари ва юрисдикциялари объекти ҳисобланади.

Халқаро муносабатларда давлатлараро муносабатлар асосий роль ўйнайди. Шу билан бирга нодавлат характеридаги халқаро муносабатлар, яъни турли давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари ўртасидаги (“чет эл элементи” ёки “халқаро элемент” кабилар), шунингдек, халқаро ноҳукумат ташкилотлар ва халқаро ҳўжалик бирлашмалари иштирокидаги халқаро муносабатлар ҳам мавжуд.

Халқаро ҳуқуқ объектига, энг аввало, суверен давлатлар ўртасидаги муносабатлар киради. Давлатлараро муносабатлар — бу, авваломбор ҳокимиятлараро муносабатлардир. Давлатлар ўртасидаги мавжуд муносабатлар тегишли халқаро битимлар билан тартибга солингандагина халқаро-ҳуқуқий шаклга эга бўлади. Давлатлар ўртасидаги муносабатларни ўрнатиш БМТ Уставида мустаҳкамлаб қўйилган умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ тамойиллари асосида амалга оширилади.

Халқаро ҳуқуқ ҳуқуқ тармоғи сифатида қуйидаги муносабатларни, яъни:

биринчидан, давлатлар ўртасидаги — икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларни (уларнинг ичида бутун халқаро ҳамжамиятни қамраб оладиган муносабатлар алоҳида аҳамият касб этади);

иккинчидан, давлатларнинг халқаро ташкилотларга аъзо бўлиши билан боғлиқ давлатлар ва ҳукуматлараро ташкилотлар ўртасидаги;

учинчидан, ҳукуматлараро ташкилотлар ўртасидаги;

тўртинчидан, давлатлар ва нисбий мустақил халқаро мақомга эга бўлган давлат кўринишидаги тузилмалар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади (масалан, Ватикан рим-католик черковининг маркази сифатида алоҳида ўзига хос халқаро-ҳуқуқий мақомга эга).

Демак, **халқаро-ҳуқуқий муносабатлар объекти** — бу шундай воқеликдирки, унга кўра субъектлар халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойиллари ва меъёрлари асосида ўзаро ҳуқуқий муносабатларга киришадилар.

Қуйидагилар халқаро-ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатида намоён бўлади:

биринчидан, ҳудуд (территория) ва халқаро ер кенглиги;

иккинчидан, хатти-ҳаракатлар;

учинчидан, хатти-ҳаракатлардан тийилиш.

Худуд халқаро-ҳуқуқий муносабатлар объекти сифатида жуда кўп намоён бўлади (масалан, тинчлик шартномаларида).

Хатти-ҳаракатлар давлатлар ўртасидаги турли ҳуқуқий муносабатлар объекти бўлиши мумкин (масалан, ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги ҳужжатларда, иттифоқ шартномаларида).

Муайян **хатти-ҳаракатлардан тийилиш** ҳам халқаро-ҳуқуқий муносабатлар объекти ҳисобланади (масалан, нейтралитет тўғрисидаги, уруш одатлари ва қонунлари тўғрисидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда).

Халқаро ҳуқуқ функциялари

Халқаро ҳуқуқнинг функцияларини кўриб чиқмай, унинг моҳиятини очиб бериш мумкин эмас.

Халқаро муносабатларни тартибга солувчи халқаро ҳуқуқ қуйидаги функцияларни бажаради:

1. **Мувофиқлаштирувчи функция.** Давлатлар халқаро ҳуқуқ меъёрлари ёрдамида халқаро ҳамкорликнинг турли соҳаларида умумий қабул қилинган хулқ-атвор стандартларини белгилайди.

2. **Тартибга солувчи функция.** Бу давлатлар томонидан қатъий қоидаларни белгилашда намоён бўлади. Буларсиз давлатларнинг жаҳон ҳамжамияти билан муносабатлари ва биргаликда мавжудлигини тасаввур қилишнинг имкони йўқ.

3. **Таъминлаш функцияси.** Бунда халқаро ҳуқуқ шундай меъёрларни ўзида мусаҳкамлайдики, бу давлатларнинг кўп йиллик алоқалари жараёнида белгиланган маълум хулқ-атвор қоидаларига риоя қилишига ундайди.

4. **Муҳофаза функцияси.** Бу давлатлар миллий манфаатлари ва қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Халқаро ҳуқуқнинг ўзига хос хусусияти шундаки, халқаро муносабатларда давлатлардан юқори турувчи мажбурлаш механизми мавжуд эмас. Зарур ҳолларда давлатларнинг ўзлари жамоа тарзида халқаро-ҳуқуқий меъёрларнинг бажарилишини ва халқаро ҳуқуқий-тартиботни таъминлайдилар.

Халқаро ҳуқуқ ва давлатларнинг миллий ҳуқуқий тизими

Реал воқеликда бир-бирига боғлиқ, лекин мустақил икки ҳуқуқий тизим мавжуд: **бир томондан**, ички давлат ҳуқуқи (алоҳида миллий давлатнинг ҳуқуқий меъёрлари мажмуи) ва **иккинчи томондан**, ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос объекти ва субъектига эга бўлган

халқаро ҳуқуқ. Агар, ички давлат ҳуқуқида ҳуқуқий тартибга солиш объекти бир давлат доирасидаги ижтимоий муносабатлар бўлса, халқаро-ҳуқуқий муносабатлар объектига давлатлар ва уларнинг бирлашмалари ўртасидаги ижтимоий муносабатлар киради.

Ҳуқуқ бир-бирига боғлиқ, мустақил икки ҳуқуқий тизим (ички давлат ҳуқуқи ва халқаро ҳуқуқ) томонидан ташкил қилинади деб тушунилиши халқаро ҳуқуқ фанида ҳам, давлат ва ҳуқуқ назарияси фанида ҳам тан олинган, эътироф этилган. Ушбу муаммо хусусида ҳуқуқшунослик фанида турли хил назариялар олға сурилган.

Баъзи бир олимлар халқаро ҳуқуқни ягона ҳуқуқий тизим деб ҳисоблайдилар. Улар давлатларнинг ички муносабатларини ҳам халқаро ҳуқуқ тартибга солади, деб маълум бир босқичда давлатларни ички ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланишини ҳам инкор қилмайдилар, лекин келажакда халқаро ҳуқуқнинг ривожланиши билан йўқ бўлиб кетади, деб ҳисоблайдилар.

Бошқа бир муаллифлар халқаро ҳуқуқ фақат давлатларнинг миллий ҳуқуқида назарда тутилган доирадагина мавжуд бўлади, яъни у муайян давлатнинг ташқи ҳуқуқи сифатида хизмат қилади, деб ҳисоблайдилар.

Ички давлат ҳуқуқи ва халқаро ҳуқуқнинг ўзаро алоқадорлиги шундаки, халқаро ҳуқуқ давлатларнинг конституциявий тузуми билан, давлатлар ва халқаро муносабатларнинг бошқа субъектлари билан ўзаро муносабатларда давлат иродасини ифодалашга ваколатли давлат ҳокимияти органлари тизими билан, шунингдек, ҳар қандай давлатнинг ички иши ҳисобланадиган ва одатда халқаро-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш доирасига кирмайдиган ишларнинг мавжудлиги билан ҳисоблашишга мажбурдир.

Ички давлат ҳуқуқи давлатнинг мажбуриятларини мустаҳкамловчи, маълум ҳолларда ушбу давлатнинг миллий ҳуқуқида акс эттирилиши лозим бўлган халқаро-ҳуқуқий меъёрларнинг мавжудлиги билан ҳисоблашади.

Халқаро ҳуқуқ ва ички давлат ҳуқуқи бир-бирдан алоҳида мавжуд бўлмайди. Халқаро ҳуқуқ меъёрларини ишлаб чиқишга миллий ҳуқуқий тизимлар таъсир кўрсатади, у давлатнинг ташқи сиёсати ва дипломатиясида ўз ифодасини топади.

Халқаро ҳуқуқ ўз навбатида миллий қонунчиликнинг ривожланишига катта таъсир кўрсатади.

Халқаро ҳуқуқ меъёрлари ўз субъектлари учун, яъни энг аввало давлатлар учун ҳуқуқ ва мажбуриятлар туғдиради. Давлатнинг расмий органлари, унинг юридик ва жисмоний шахслари эса бевосита халқаро ҳуқуқ меъёрларига бўйсунмайдилар, чунки унинг субъекти

бўлиб ҳисобланмайдилар. Халқаро мажбуриятларнинг ички давлат ҳуқуқи даражасида реал амалга оширилишини таъминлаш учун халқаро-ҳуқуқий меъёрларни миллий қонунларда мустаҳкамлаш, яъни трансформация қилиш чоралари кўрилади.

Кўпгина давлатларнинг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг қонунларида шундай қоида мустаҳкамлаб қўйилган, унга кўра давлатларнинг ички қонуни билан халқаро шартномалари ўртасида зиддият мавжуд бўлса, халқаро шартномалар устуворликка эга бўлади. Бундай қоида халқаро ҳуқуқни давлатларнинг ички ҳуқуқи қоидалари устидан устуворлиги деб аталади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 7-моддасида шундай дейилган: “Агар халқаро шартномалар ва битимларда фуқаролик қонунчилигидагидан бошқача қоида назарда тутилган бўлса, халқаро шартномалар ва битимлардаги қоидалар қўлланилади”.¹

Халқаро оммавий ҳуқуқ ва халқаро хусусий ҳуқуқ

Халқаро муносабатлар давлатлараро муносабатлар билан чекланиб қолмайди. Турли давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари ўртасида, халқаро ноҳукумат ташкилотлари ўртасида доимий равишда алоқалар бўлиб туради. Бундай алоқалар тегишли давлатнинг миллий ҳуқуқ меъёрлари ёки халқаро хусусий ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинади.

Халқаро оммавий ҳуқуқ ва халқаро хусусий ҳуқуқ ўртасида яқин ўзаро алоқадорлик мавжуд. Ҳар иккиси ҳам кенг маънода халқаро муносабатларни тартибга солади. Халқаро хусусий ҳуқуқ халқаро характердаги фуқаролик-ҳуқуқий меъёрлар мажмуи сифатида халқаро оммавий ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойилларига зид бўлмаслиги керак.

Халқаро оммавий ҳуқуқ ва халқаро хусусий ҳуқуқ ўртасидаги узвий алоқадорлик ҳеч ким томонидан инкор қилинмайди. Айни пайтда халқаро оммавий ҳуқуқ ва халқаро хусусий ҳуқуқ ўртасидаги нисбати борасида халқаро-ҳуқуқий адабиётларда яқдиллик йўқ. Баъзи бир олимлар халқаро хусусий ҳуқуқ халқаро ҳуқуқнинг бир тури деб ҳисоблайдилар. Иккинчи гуруҳ ҳуқуқшунослар эса халқаро хусусий ҳуқуққа фуқаролик ҳуқуқининг бир тармоғи сифатида қарайдилар. Учинчи бирлари эса халқаро хусусий ҳуқуқни халқаро ҳуқуқ билан айнан бир хил деб ҳисоблайди. Тўртинчилар, халқаро хусусий ҳуқуқ

¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. — Тошкент. 1996, 7-бет.

маълум бир маънода фуқаролик ҳуқуқининг тармоқларидан бири ҳисоблансада, асосан халқаро оммавий ҳуқуқ билан жуда яқин алоқадордир, деб таъкидлайди.

Халқаро хусусий ҳуқуқ халқаро оммавий ҳуқуқ билан айнан бир хил эмас ва унинг соҳаларидан бири ҳисобланмайди. Халқаро хусусий ҳуқуқ тартибга соладиган ўзининг мустақил предметига эга.

Халқаро ҳуқуқда меъёрларни яратиш жараёни

Халқаро оммавий ҳуқуқ — давлатлараро муносабатларни тартибга солувчи юридик меъёрларнинг мустақил тизимидир.

Халқаро ҳуқуқий тизими меъёрларини яратишнинг ўзига хос томони шундаки, бу жараёнда субъектларнинг ўзи ихтиёрий равишда, хоҳиш-иродасини билдириш йўли билан иштирок этадилар. Бинобарин, халқаро ҳуқуқ уйғунлаштирувчи ҳамда мувофиқлаштирувчи характерга эга.

Халқаро ҳуқуқий тизим субъектларининг ўзидан бошқа қандайдир бир бу тизимга нисбатан “ташқаридан” бўлган субъектлар меъёрлар яратиш жараёнида иштирок этмайди. Шу боис, халқаро ҳуқуқий тизимнинг субординарлик характери инкор қилинади. Ҳеч ким халқаро ҳуқуқ субъектларининг ихтиёрига қарши улар учун ҳуқуқатвор қоидаларини, яъни меъёрларни ўрнатиши мумкин эмас. Бинобарин, халқаро ҳуқуққа нисбатан “қонунчилик”, “ҳалқаро қонунийлик” тушунчаларни қўллаш маълум маънода нотўғри.

Халқаро ҳуқуқ тизими

Халқаро ҳуқуқ тизими — бу қуйидаги ўзаро ички боғлиқ элементларнинг объектив мавжуд бўлган бир бутунлигидир.

Биринчидан, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойиллари, меъёрлари(шартномавий ва оддий-ҳуқуқий).

Иккинчидан, халқаро ташкилотларнинг қарорлари, тавсиявий резолюциялари, халқаро суд органларининг қарорлари.

Учинчидан, халқаро ҳуқуқ институтлари (халқаро тан олиш институти, шартномаларга нисбатан ҳуқуқий ворислик институти, халқаро жавобгарлик институти ва бошқалар).

Тизимнинг қайд этиб ўтилган барча элементлари турли бирикмаларда халқаро ҳуқуқ тармоқлари (дипломатик ҳуқуқ, халқаро шартномалар ҳуқуқи, халқаро денгиз ҳуқуқи ва бошқалар) ташкил қилади, ушбу ҳар бир тармоқ ўзи мустақил тизим сифатида намоён

бўлади, бундай тизимлар халқаро ҳуқуқнинг яхлит ягона тизими доирасида шу тизимнинг бир қисми ҳисобланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати ва дипломатияси

Ташқи сиёсат тушунчаси давлатнинг халқаро муносабатлардаги умумий йўналишини қамраб олади.

Ташқи сиёсат давлатнинг бошқа давлатлар, халқлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро муносабатлари соҳасидаги фаолиятининг мақсадлари ва воситалари мажмуини қамраб олади.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари Конституциянинг 17-моддасида қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган.

“Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати ва халқаро фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалар тўғрисида”ги Қонуни”, Ўзбекистон Республикаси “Мудофаа тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси ҳарбий доктринаси тўғрисида”ги Қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидаги тамойиллар ва меъёрларга, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг тамойил ва мақсадларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ратификация қилган Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари ва битимларидан келиб чиқадиган мажбуриятларга асосланади” дейилади, 1996 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасида.

Дипломатия ташқи сиёсатнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Айна ташқи сиёсат дипломатиянинг мақсад ва вазифаларини белгилаб беради. Дипломатия амалий тадбирлар, шунингдек, ташқи сиёсатни амалга оширишда фойдаланиладиган шакл, воситалар ва методлар мажмуини ифодалайди. Дипломатия билан бир қаторда давлатнинг иқтисодий, маданий ва бошқа муҳим алоқалари ҳам унинг ташқи сиёсий воситалари ҳисобланади.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг бош мақсади давлат суверенитетини ҳимоя қилиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини қуриш учун халқаро замин яратиш, тинчликни ва сиёсий барқарорлигини таъминлаш, халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш мақсадида барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ҳамкорликдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси ўз ташқи сиёсатини юритишда қуйидаги асосий устуворликлардан келиб чиқади:

биринчидан, ўз миллий-давлат манфаатлари устуворлигида ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш;

иккинчидан, инсон ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларда умуминсоний қадриятларга устуворлик бериб, Ўзбекистон халқаро майдонда тинчлик ва хавфсизликни мустақамлаш, можароларни тинчлик йўли билан ҳал қилишни ёқлайди;

Ўзбекистон ядро қуролидан ҳоли ҳудуд ҳисобланади, агрессив ҳарбий блоклар, иттифоқларга қўшилмайди, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги, ҳужум қилмаслик тўғрисидаги, низоли масалаларни ҳал қилишда куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик ҳақидаги халқаро ҳужжатларни эътироф этади ва уларга қатъий риоя қилади;

учинчидан, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик тамойилларига, ички ишларига аралашмаслик, мустақилиқ ва суверенитетни чеклаш мумкин бўлган имкониятларни бартараф қиладиган тамойилларга, давлатлараро муносабатларни мафкурадан холи қилиш тамойиллари асосида қурилади;

тўртинчидан, Ўзбекистон ташқи сиёсатида очиқ мафкуравий қарашлардан ҳолилик тамойилларини амалга ошириш, кенг ташқи алоқаларни барча тинчликсевар давлатлар билан ўрнатишга интилади;

бешинчидан, Ўзбекистон давлатининг ички ҳуқуқи олдида халқаро ҳуқуқ меъёрларининг устуворлигини тан олади, халқаро-ҳуқуқий стандартларга риоя қилади;

олтинчидан, Ўзбекистон ўзаро ишонч тамойили бўйича икки томонлама ва кўп томонлама ташқи алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни ривожлантиришни ёқлайди.

Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан муносабатлари давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинчлик йўли билан ҳал қилиш, бошқа давлатларнинг ички ишига аралашмаслик тамойилларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойил ва меъёрларига риоя қилиш асосида қурилади. Ушбу тамойилларнинг Конституцияда мустақамланиши халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойиллари ва меъёрлари Ўзбекистон ҳудудида давлатнинг ички қонуни сифатида амалда бўлишини тасдиқлайди. Уларнинг конституциявий тамойил даражасига кўтарилиши уларнинг нафақат ҳар томонлама қўлланишини ҳамда давлатнинг ички қонунчилигини уларга мослаш талабини, балки уларнинг барча давлат ҳокимияти органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан оғишмай риоя қилинишини билдиради.

Давлатларнинг ташқи сиёсати ҳар доим у ёки бу даражада конституциявий тартибга солиш предмети бўлган. XVIII асрнинг охирилари — XX асрнинг бошларида қабул қилинган Конституцияларда олий ҳокимиятнинг анъанавий ваколатлари рўйхатида “уруш эълон қилиш” тўғрисида қайд этиш билан “уруш ҳуқуқи” суверенитетнинг зарурий белгиси сифатида кўрилган. Бироқ, ўша пайтда ҳам сиёсий восита сифатида урушдан тийилиш тўғрисидаги “тинчлик моддалари” бўлган. Бу, энг аввало, Франциянинг конституциявий ҳужжатларига тааллуқли. 1791 йилда Франция Конституциясида босқинчилик урушларидан тийилиш тўғрисидаги қоидалар мустаҳкамланган, 1931 йилдаги Испания Конституцияси “урушдан тийилишни миллий сиёсий восита” сифатида эълон қилган.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг аҳвол тубдан ўзгарди. Тинчлик моддалари Италия, Япония, ГФР ва бошқа бир неча давлатларнинг конституцияларида мустаҳкамлаб қўйилди. Япониянинг 1947 йилдаги Конституциясининг 9-моддасида урушдан сўзсиз воз кечишни эълон қилиб, мамлакатда қуролли кучларни ташкил қилиш тақиқланди.

XX асрнинг иккинчи ярмида қабул қилинган конституциялар учун давлатларнинг ташқи сиёсатини тартибга солиш доирасини кенгайтириш тенденцияси характерлидир. Бунга қуйидагилар киради:

биринчидан, ташқи сиёсатнинг айрим тамойилларини расмий равишда эълон қилиш, халқаро муносабат масалаларини тартибга солиш;

иккинчидан, уруш эълон қилиш ва тинчлик ўрнатиш;

учинчидан, халқаро ҳуқуқ ва ички давлат ҳуқуқларининг муносабати;

тўртинчидан, халқаро шартномалар тузиш, ратификация қилиш, денонсация қилиш бўйича давлат органларининг ваколатларини белгилаш;

бешинчидан, инсон ҳуқуқларини — фуқаролик, инсон ҳуқуқлари ва эркинлигилари, экстрадиция (шахсни давлатга қайтариш), бошпана ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасида ҳамкорликни белгиловчи қоидаларни ўрнатиш;

олтинчидан, давлатларо иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий интеграцияни солиш.

Байналмилаллик (интернационализация) — ҳозирги замон конституцияшунослигининг асосий тенденцияларидан биридир. Бу жаҳоннинг демократик мамлакатлари конституциясининг халқаро ҳуқуқ билан яқинлашуви ва ўзаро таъсирчанлигида намоён бўлади. Айрим

давлатларнинг конституциявий ҳуқуқи ютуқлари халқаро даражада умумлаштирилади ва халқаро ҳуқуқ ҳужжатлари, декларация, конвенциялар, пактларга киритилади, бу ўз навбатида иштирокчи давлатларнинг ўз миллий қонунчилигига у ёки бу демократик конституциявий-ҳуқуқий институтларни (масалан, инсон ҳуқуқлари тушунчаси) киритишни мажбурият қилиб қўяди.

Халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқий тизимга таъсири ҳам катта. Кўп конституцияларда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойиллари ва меъёрлари миллий ҳуқуқни (жумладан Конституциянинг) таркибий қисмини ташкил қилади, миллий меъёрлар билан тафовут бўлган ҳолда улар устуворликка эга деб тўғридан-тўғри мустақкамлаб қўйилган. Масалан, ГФР Асосий Қонунининг 25-моддасига биноан “халқаро ҳуқуқнинг умумий қоидалари Федерация қоидаларининг таркибий қисми ҳисобланади. Улар қонунлар олдида устуворликка эга ва федерация ҳудудида аҳоли учун бевосита ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келтиради”. Франциянинг 1958 йилдаги Конституциясининг 55-моддасида: “Ўрнатилган тартибда ратификация қилинган ёки маъқулланган шартномалар ёки битимлар ички қоидалардан юқори кучга эга...”, деб ёзиб қўйилган.



Такрорлаш учун саволлар

- ◆ Халқаро ҳуқуқ қандай пайдо бўлган?
- ◆ Халқаро ҳуқуқнинг моҳияти нимада?
- ◆ Халқаро ҳуқуққа таъриф беринг.
- ◆ Халқаро ҳуқуқ ва ички давлат ҳуқуқи нисбати нимада?
- ◆ Халқаро оммавий ҳуқуқ билан халқаро хусусий ҳуқуқ ўртасида ўзаро алоқадорлик борми?
- ◆ Халқаро ҳуқуқ меъёрларини яратиш жараёни қандай амалга оширилади?
- ◆ Халқаро ҳуқуқ тизими нимани англатади?
- ◆ Халқаро ҳуқуқ давлатларнинг ташқи сиёсатида ва дипломатиясида қандай ўринга эга?
- ◆ Ўзбекистон Республикаси дипломатияси ва ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари қандай?

2-мавзу. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ

- Қадимги дунё халқаро ҳуқуқи.
- Ўрта асрларда халқаро ҳуқуқ.
- Ҳозирги давр халқаро ҳуқуқининг шаклланиши ва ривожланиши

Қадимги дунё халқаро ҳуқуқи

Шарқда икки дарё оралиғи ва Нил водийларида биринчи давлатларнинг вужудга келиши билан бир вақтда улар ўртасида аста-секинлик билан ҳуқуқий хусусият касб этиб борган турли ижтимоий муносабатлар вужудга кела бошлаган. Давлатлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар мажмуи — халқаро ҳуқуқ шу тарзда юзага келган.

Халқаро ҳуқуқ жаҳон цивилизациясининг ютуғи ва энг муҳим умуминсоний қадриятдир.

Энг қадимий давлатлараро юридик ҳужжат Месопотамияни Лагаш ва Умма шаҳарларининг ҳукмдорлари ўртасида (эрамиздан аввалги 3100 йил) тузилган шартнома ҳисобланади. Ушбу шартнома давлатлар ўртасидаги мавжуд чегараларни тасдиқлаган. Томонлар низоли вазиятларни тинч йўл билан ҳал этиш мажбуриятини олганлар. Қасам ичиш ва худоларга мурожаат қилиш шартномани бажариш кафолатлари бўлиб хизмат қилган. Шумер тилида ёзилган бу шартнома матни тошга ўйиб ёзилган.

Тахминан эрамиздан аввалги 1300 йилда хетлар подшоси Хаттушил III ва Миср фирауни Рамзес II томонидан тузилган шартнома ўз даври учун хос шартнома бўлган (эрамиздан аввалги XIII аср боши). Бу Миср ва Хет подшолиги ўртасидаги узоқ йиллик урушга барҳам берувчи тинчлик ва иттифоқ шартномаси эди.

Эрамиздан аввалги I мингинчи йилнинг ўрталарига келиб, ҳар қандай давлатлар ҳам халқаро шартномаларнинг тенг ҳуқуқли қатнашчилари ҳисобланмаган. Бу вақтга келиб Миср, Бобил ва Хет подшолиги ҳукмдорлари тенг ҳуқуқли қатнашчилар ҳисобланганлар. Улар бир-бирларига ака-ука сифатида: “Мен фаровонман, сен ҳам, сенинг оиланг, сенинг хотинларинг, сенинг ўғилларинг ҳам фаровон бўлишсин”, деб мурожаат қилганлар.

Тобе ҳукмдорлар ва шоҳлар ўз хатларини: “Шоҳга, менинг ҳукмдоримга, менинг Куёшимга” “Сенинг қулинг Робадди шундай дей-

ди”, “Менинг ҳукмдорим оёқларига, ўз Қуёшига мен етти ва етти мартаба йиқиламан”, деб бошлаганлар.

Уруш вақтларида енгилганлар ва уларнинг мол-мулки ғолибларнинг қонуний ўлжасига айланган. Ҳарбий ўлжани бўлиш тартиби, қочиб ўтганларни қайтариб бериш, бошпана ҳуқуқи шартномалар асосида белгиланган.

Бўйсундирилган подшоҳлар тақдири тўлиқ равишда ғолиблар иродаси ва манфаатларига боғлиқ бўлган. Уруш масалалари энг қадимий давлатларнинг барчаси ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган. Уруш табиий ҳолат деб ҳисобланган ва ташқи муносабатларда ҳукмрон мавқеига эга бўлган. Урушлар турли мақсадларни кўзлаб олиб борилган. Асосий мақсадлардан бири — асир олиш бўлган. Европалик асирлардан фарқли ўлароқ, Америкада асирлар катта ҳурматга сазовор бўлишган, чунки улар диний маросимларни ўтказишда худоларга қурбонлик сифатида хизмат қилганлар.

Инклар бўйсундирилган халқларнинг бир қисмини қул қилишган. Шу билан бирга асир тушган доҳий ва зодагонлар вакиллари аксари ҳолатларда афв этилган ва, ҳатто, ғолиб тарафнинг бошқарув аппаратида муайян лавозимларга эга бўлганлар. Инклар ўзлари олиб борган урушларни адолатли деб билганлар, чунки урушлар натижасида бўйсундирилган аҳоли ҳақиқий худо Виракочи маданиятига қўшилган.

Эрамиздан аввалги II-I минг йилликларда халқаро ҳаётнинг алоҳида марказлари Ҳиндистон, Хитой, Ўрта Осиё худудларида, кейинроқ эса Қадимги Греция ва Римда ҳам вужудга келган.

Хитойда шаклланган халқаро ҳуқуқий меъёрлар учун диний ибодатларнинг таъсири сезиларли бўлган. Масалан, совға-салом билан келган барча шоҳлар покланиш учун махсус “ҳаммом ҳовли” дан ўтишлари лозим эди. Музокара қатнашчилари қурбон қилинган ҳўкиз қонини лаблари четларига суртганлар ва бамбук ёки ёғоч тахтачаларга ёзилган шартнома матнларига пуркаганлар.

Қадимги Хитойда элчиликка катта эътибор берилган. Элчи таниқли уруғ вакили, босиқ ва оғир ҳаётга кўниккан бўлиши лозим бўлган. Элчи ўз ҳукмдори номидан нутқ билан мурожаат қилган. Элчига бошқа давлат ҳукмдори олдида қандай қилиб нутқ сўзлаш лозим эканлигини ўзида ифодалаган қадимги хитой асарининг бир қисми сақланиб қолган.

Эрамиздан аввалги VII-VI асрларда Хитойда Цаньши номини олган алоҳида сиёсат шаклланган. Цаньши “ипак қурти барғни еб тугатгани каби, қўшни ерларини аста-секинлик билан еб тугатиш”

тарзида таржима қилинади. Хитой анъанаси “ҳарбий юриш” ва “жиной жазо”ни айнан бир деб билувчи қадимий хитой тамойилдан келиб чиққан. Хитой давлатлари ўртасидаги муносабатларда ўзгалар ҳудудига ҳужум қилиш кундалик иш деб ҳисобланган. Бу борада эрамиздан аввалги 546 йилда урушдан воз кечишни эълон қилишга қаратилган умумхитой курултойини чақиришга уриниш кутилмаган ҳодиса бўлган. Хитой амалиётида бошқа давлат ҳудудига зарар етказмаслик тамойили шаклланган. Бу, авваломбор, хўжалик ва транспорт аҳамиятига эга бўлган дарёларга тегишли бўлган.

Эрамиздан аввалги I аср ўрталарига келиб Қадимги Грецияда ҳам халқаро муносабатлар фаол ривожланган. Ушбу муносабатларнинг ўзига хослиги шунда эдики, греклар учун халқаро-ҳуқуқий муносабатлар қатнашчилари монархлар эмас, балки давлат-полислар ҳисобланган. Қадимги грек шаҳар-давлатлари бир-бирларига ва Грециядан ташқарига элчиларни юборганлар. Элчиларга музокара-лар олиб бориш ҳуқуқини берувчи мумланган тахтачалр шаклидаги дипломлар деб номланган гувоҳномалар берилган. “Дипломатия” сўзи шундан келиб чиққан.

Қадимги Грецияда шартномалар турли масалалар бўйича тузилган. Улар шартнома томонлари тан олган тилда пергаментларга ёки териларга ёзилган. Баъзан улар тош плиталарга ўйиб ёзилиб, майдонлар ёки ибодатхоналарга ўрнатиб қўйилган ва улар худолар ҳимоясида деб ҳисобланган. Шартнома бузилган ҳолларда ёдгорлик тошлари бўлинган ёки ибодатхонадан чиқариб ташланган.

Элчилик фаолияти вақтинчалик характер касб этган. Элчилар дахлсизлиги тан олинган. Унинг бузилиши урушга олиб келиши мумкин эди. Греклар асирлик режимини билмаганлар. Асир-варварлар қул қилинган, уларни қийнаш ёки ўлдириш мумкин бўлган.

Римликлар учун халқаро муносабатлар ва тегишли меъёрлар икки ҳолат билан белгиланган:

биринчидан, римликлар учун фойдали бўлган нарса худолар учун ҳам мақбул;

иккинчидан, галабага эришиш учун, яъни худолар иродасини бажариш учун ҳар қандай воситалар қўлланиши мумкин деб ҳисобланган.

Ўрта асрларда халқаро ҳуқуқ

Ўрта асрларга келиб ҳам уруш одатий ҳодиса бўлиб қолаверган. Ўрта аср ҳуқуқий онгида уруш суд тортишувига мос келган. Урушни

хуқуқ тўғрисидаги низо сифатида тушуниш қарор топган. Ушбу низода куч ишлатиш суд далилларининг бири сифатида тан олинган. Ўрта асрларда урушни адолатли эканлигини асослаш муаммоси гез-тез вужудга кела бошлаган. 1352 йилда тузилган Швейцария кантонларининг иттифоқ шартномасига кўра, агар иттифоқчи “адолатсиз уруш”га киришса, иттифоқчилар бир-бирларига ёрдам бериш мажбуриятини олмаганлар. **Уруш хуқуқи** муфассал равишда гиртибга солинган. Уруш бошланиши муҳим сабабга эга бўлиши ва маълум хуқуқий шакллардан келиб чиқиши лозим бўлган.

Қонуний мулкни қайтариш ва Ватанни ҳимоя қилиш урушнинг адолатли асослари ҳисобланган. Урушни фақат дунёвий ҳокимият олиб бориши мумкин бўлган, унинг қатнашчилари эса фақат эркаклар эди. Уруш аввалдан эълон қилиш билан бошланиши лозим эди. 1187 йилда қабул қилинган “империя дунёси” қарорига кўра уруш эълон қилиш ҳарбий ҳаракатларни бошлашдан уч кун олдин амалга оширилиши лозим бўлган. Флоренция кутилаётган уруш тўғрисида махсус қўнғироқ орқали бир ой давомида огоҳлантирган.

XV-XVI асрларда уруш манифест орқали эълон қилинган. Бу ўрта аср халқаро ҳушмуомалалигининг намоён бўлиши эди. Уруш эълон қилиш давлатнинг махсус вакили орқали етказилган. У ўз давлати даъволарини маълум қилган ва урушга чақириқни англатувчи қўлқопни топширган. Бу одат то XVI асргача сақланиб қолган. Урушни эълон қилмай бошлаш мунофиқлик ҳисобланган. Уруш олиб бориш воситаларига нисбатан ҳеч қандай юридик чеклашлар белгиланмаган. Фақат ўқ отиш қуролини вужудга келиши билан уни тақиқ этишга уринишлар бўлган.

Латеран Собори (1139 йил) черков лаънати қўрқуви остида “Худога ҳуш келмайдиган” ихтиролар сифатида арбалет ва камонлардан фойдаланишни тақиқлаган. Папа Иннокентий III (XIII аср) ўқ отиш қуролини хоинлик ва христиан учун хилоф деб ундан фойдаланишни тақиқлаган.

Асирлик режими асосан асир олинган кишининг ижтимоий аҳволига боғлиқ бўлган. Бу борада умум тан олинган меъёрлар мавжуд бўлмаган. Агар асирга олиш вақтида, асирга олинувчининг қуроли бўлса, ҳарбий ҳаракатлар пайтида қўлга туширилган бўлса ёки ўзини асирга топширса, хуқуққа мувофиқ ҳисобланган. Асирлар узок вақт давомида уларни асир қилиб олган шахснинг мулки бўлиб қолган. Асирларни сақлаш голиб ҳисобидан амалга оширилган. Ҳарбий асирни сотиб олиш мумкин бўлган. Асир учун тўлов миқдори асирнинг мавқеи, нуфузи ва лавозимидан келиб чиқиб белгиланган. Шунинг учун ўрта аср урушларида шоҳлар жанг пайтида оддий кийим

кийиб олишган. Акс ҳолда уларнинг кетидан ҳақиқий ов бошланар эди.

Агар асирни ўлдириш уни тўлов ҳисобига озод қилишдан афзалроқ бўлса, у қатл этилган. Уруш одатлари асирларни қатл этишни тақиқламаган.

Ярадорларнинг аҳволи янада оғирроқ бўлган. Агар уларни мародёрлар ўлдиришмаса, ярадорлар жанг майдонларида қолиб кетиб ҳалок бўлган. Фақат ўрта асрнинг иккинчи ярмига келиб, ярадорлар тўғрисида қайғуриш ҳоллари кузатилади. 1393 йилда Швейцарияда икки томон ярадорларига ҳам ёрдам беришни кўзда тутувчи Семпах ёрлиғи қабул қилинган. Одатда бадавлат ярадорга унинг шахсий табиби хизмат кўрсатган. Агар уруш денгизда олиб борилган бўлса, XII асрдан бошлаб душман билан савдо-сотиқ қилиш ва унга хизмат кўрсатиш тақиқланган. Энг дастлабки шундай тақиқлашлардан бири инглиз қироли Генрих III га (1223 йил) тегишли эди. Урушаётган томонларнинг чет эл портларига кириши уларнинг юки ва кемасини мусодара қилиш хавфи остида бўлган. Қўлга туширилган кемаларни чўктиришган ёки ёндиришган.

Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, ўрта асрларда Европада кенг тарқалган. Бу даврга келиб дипломатия ҳуқуқи, шартнома ҳуқуқи ва консуллик ҳуқуқи институтлари вужудга келган ва ривожланган денгиз, ҳудуд ва аҳоли масалаларини тартибга солувчи меъёрлар шаклланган.

Ҳакамлик суди ва арбитраж халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш воситалари ҳисобланган. Бизгача кўпгина ҳакамлик суд ёзувлари етиб келган. 1244 йилда император Фридрих II ва Рим папаси Иннокентий IV ўртасидаги низода Париж парламенти ҳакамлик ролини бажарган. У 1368 йилда Франция қироли Генрих Кастильский ва Леон Арагонский ўртасидаги низони ҳал этган. Асосан, император, Рим папаси ёки қироллар судьялик қилган. Шу билан бирга ўз функцияларини ваколатли шахсга бериш ҳоллари ҳам учраб турган. Ҳакамлик судида ишни кўриш коллегиял характер касб этган. Ҳар икки томон тенг сонли ҳакамларни тайинлаган. Дунёвий шахслар, руҳонийлар ҳамда зодагонлар ҳакам бўлишлари мумкин эди. Ишни кўриб чиқиш махсус битим (келишув) — ҳакамлик ёзувининг қабул қилинишига олиб келган. Унда низо предмети ва суд қарорига бўйсунуш мажбурияти белгиланган. 1381 йилда Англия ва Шотландия арбитраж тўғрисида шартнома тузганлар, чунки “Англия ва Шотландия қироллари ўзларидан юқорида турувчи ҳокимиятга эга бўлмаганлар”.

Ўрта асрларда халқаро ҳуқуқ халқаро мажбуриятларнинг рию этилишига асосий эътиборни қаратган. Кафиллик тарзида махсус

"шартномаларни сақловчилар"ни ажратиш амалиёти шаклланган. Француз қироли Людовик XII ва герман императори Максимиллиан ўртасида тузилган шартнома моддалари сақловчилари герман княз-курфюрстлари бўлганлар. Уларга тузилган битимга риоя қилаётган томонни қўллаш ва уни бузаётган томонга қарши бўлиш ҳуқуқи берилган.

Ўрта асрларда тузилган шартномалар сони жуда кўп. Уларнинг ичида аксариятини тинчлик ва иттифоқ тўғрисида тузилган шартномалар ташкил қилган. Аста-секинлик билан битимлар доираси кенгая борган. Унга никоҳ масалалари, тахтни бериш шакли сифатида ўғил қилиб олиш, ҳудудий ўзгаришлар, дарёлар бўйлаб сузиш тартиби ва денгизда сузиш каби масалалар ҳам киритилган. XI асрдан бошлаб "савдо-сотик мақсадларида иттифоқлар" тўғрисида шартномалар тузила бошланган.

Дастлаб шартномаларнинг асосий қисми оғзаки шаклда тузилган. Сўнг томонлар ўз тилларида ва ўз одатлари бўйича қасамёд қилганлар ва қўл бериб кўришганлар. Бироқ кейинчалик шартномаларнинг аксарият қисми ёзма шаклда тузила бошланган. Шартномалар томонларнинг тилларида тузилган. Сўнг ҳар бир томон матнни ўз она тилига таржима қилган. Кейинчалик параллел матнларни қўллаб бошлаганлар. Шартномаларнинг халқаро тили сифатида латин тилидан тез-тез фойдаланилган.

Доимий ваколатхоналарнинг вужудга келиши билан шартномалар элчилар томонидан имзоланадиган бўлган. Имзолар шартнома тилидан келиб чиқиб, алфавит тартибда қўйилган. Муқаддимага катта эътибор берилган. Унда ҳукмдорларнинг барча унвонлари ва қарам ерлари, вакил қилинганларнинг мансаблари, унвонлари ва ҳатто орденлари атрофлича санаб ўтилган. Шартномалар муайян муддатга (бир йилдан 30-50 йилгача) ёки муддатсиз тузилган.

Қасамёд қилиш шартнома бажарилишини таъмин этувчи воситалар қаторида узоқ вақт давомида асосий ўринни эгаллаб турган: "Ҳукмдор ўпиши билан исталган тинчликни мустаҳкамлаган". Шартнома шахсий муҳр билан мустаҳкамланган. Шартнома вақти дастлаб қасамёд келтириш куни билан белгиланган. Кейинчалик у ратификация қилинган вақт билан белгиланадиган бўлган. Шартномани таъмин этишнинг кенг тарқалган шаклларида яна бири одамларни, қимматбаҳо буюмларни, ҳудудларни гаровга бериш эди. Ҳукмронлик қилаётган оиланинг аъзолари аксарият ҳолларда гаровга олинган. Масалан, 1526 йилда Мадрид тинчлик сулҳи тузилаётган пайтда Франциск I гаров сифатида ўз ўғилларини Карл V га берган. Уч йилдан сўнг улар тилло эвазига қайтариб олинган. Гаровга

беришнинг ёрқин мисоли бу — Корсика тақдиридир. Корсика Генуя томонидан гаров сифатида Францияга берилган. Шартнома бажарилмаган ва натижада Корсика батамом Франция ихтиёрига ўтган.

Ўрта асрларда учинчи шахслар томонидан шартномаларни кафолатлаш институти ҳам маълум бўлган. Асосан кафил сифатида герман императори ёки Рим папаси иштирок этган. Шартномалар дахсизлиги тамойилини қадимда ҳам билишган. Мазкур тамойил римликлардан ўрта аср ҳуқуқшуносларига ўтган. Бироқ энди амалиёт ҳам, назария ҳам янада ривожланган. Ушбу тамойил юридик меъёр сифатида қарор топган.

Дипломатик ҳуқуқ соҳасида ўрта аср Европаси қадимги дунёнинг жуда кўп меъёрларини ўзида мужассамлаштирган. **Маросим қондалари** янада катта аҳамият касб эта борган. Бу борада Византия энг илғор саналган. Унинг амалиёти араблар ва европаликлар томонидан кенг қабул қилинган.

Кейинчалик папалик фаоллигининг ошиб бориши билан мазкур масалада **рим курияси**¹ фаолияти сезиларли аҳамият касб эта борган. Элчилар таркибига аксарият ҳолларда диний унвонга эга бўлган шахслар киритилган. Қабул ва кузатиш маросими, совғаларни, **ишонч ёрлиқларини** топшириш илк ўрта асрнинг кўпгина давлатлари учун умумий эди.

Дастлаб ёзма ишонч ёрлиқлари кенг қўлланилмаган. Элчига унинг ваколатларини тасдиқловчи белги, яъни қўлқоп ёки ҳасса беришнинг ўзи кифоя эди.

Қадимда бўлгани каби, элчилар дахсизлигини бузиш оғир жазоларни қўллашга олиб келган. Бироқ, давр руҳидан келиб чиқиб улар баъзан катта миқдордаги тўловлар билан алмаштирилган.

Саройга бориш ва ундан қайтишда элчилар маҳаллий ҳокимиятдан ва аҳолидан маблағ олганлар. Улар ўзлари билан совғалар олиб келишган ва жавоб тариқасида совғалар олишган. Элчилар фахрий имтиёзлардан ҳам фойдаланишган.

Аста-секинлик билан элчилар ҳуқуқий ҳолати билан боғлиқ масалалар шартномаларга киритила бошланган. Улар бир қатор халқаро-ҳуқуқий меъёрларни ўзида ифодалаган Грициан Кодексида ўз ифодасини топган. XII-XIII асрларда элчини ҳақорат қилиш, уни ўлдириш нафақат халқлар ҳуқуқини бузиш, балки черковнинг алоҳида ҳимоясида бўлган шахсларга тажовуз қилиш сифатида кўрилган. Шунинг учун ҳам айбдорлар дунёвий жазо билан бирга черков-

¹ **Курия** — кенгаш; бу ерда: католик черковининг олий маъмурияти.

дан четлатиш билан ҳам жазоланган. Элчини ўзининг шахсий куролланган мулозимлари кузатиб юрган.

Узоқ вақт давомида дипломатик миссиялар даврий характер касб этган. Унинг бошлиқлари турли номлар билан, яъни: рим папалари жўнатган элчилар легатлар ва нунцийлар деб номланган; прокурорлар, элчилар (ушбу ибора биринчи бор 877 йил ҳужжатларида учрайди); ваколатли вакиллар, комиссарлар, глашатайлар, деб аталган.

Ғарбий Европа XV асрга қадар доимий элчихоналарни билмаган. Дипломатия ва элчилик ҳуқуқи меъёрлари ривожланишида шаҳарлар XIII асрдан бошлаб шимолий Италия шаҳарлари сезиларли роль ўйнаган. Мазкур шаҳарларнинг кўпчилиги шаҳар-давлат ва шаҳар-республикалар бўлганлиги боис, бу ерда элчиларни сайлаш одати шаклланган.

Элчихона аъзолари (вакиллари) божхона текшируви ва бож тўловларидан озод қилинганлар. Элчилар ўзларининг диний расм-русмларини бажаришлари учун “кичкина ибодатхоналар”га эга бўлганлар. Элчи сифатида асосан машҳур ёзувчилар тайинланган (масалан, Данте, Петрарка, Боккаччолар элчи бўлган).

Консуллар савдогарлар ва денгизчиларнинг мустақил ташкилотларидан вужудга келган. Улардан аввал X асрда Ўртаер денгизиде вужудга келган савдо кемалари ва, шунингдек, консул унвонига эга бўлган, сайлаб қўйиладиган мансабдор шахслар мавжуд бўлган деб ҳисобланади. Улар маҳаллий ҳокимият билан келишган ҳолда фаолият олиб борганлар. VIII-XIV асрлардаёқ консуллик институти Европада кенг тарқалган ва маълум вақт ўтиши билан давлат муассасасига айланган. **Чет элликлар мақоми** тўғрисидаги қоидаларни ўзида мустақамловчи (Пиза-Марокко (1133 йил), Венеция-Миср (1238 йил)) шартномаларни биринчи консуллик шартномалари деб ҳисоблаш мумкин.

Маълумки, бу вақтда фақат шу давлат фуқароларигина юридик ҳуқуқларга эга бўлишган. Бундан ташқари ўзига хос **репрессия ҳуқуқи** институти мавжуд бўлган. Унга мувофиқ хорижликдан зарар кўрган маҳаллий фуқаро ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлган. Унга зарар етказган чет элликнинг шахси ёки мулкига нисбатан зўравонликни қўллаш руҳсат этилган. Бунга 1235 йилда тузилган инглиз-француз шартномаси мисол бўла олади. XIV асрдан бошлаб хусусий репрессиялар чеклана бошланган.

Чет элликни мамлакатдан чиқариб юбориш учун алоҳида йиғим ундирилган. Кема фалокати оқибатида қирғоққа чиқариб юборилган шахс ва мулк қирғоқнинг шу қисмига эгалик қилган шахснинг тассаруфига ўтган.

Айрим халқаро муносабатларда бундай шафқатсиз амалиёт бир мунча юмшатишган. Куддус қироллигининг Ассизлари бунга мисол бўлиши мумкин. Уларга мувофиқ қирғоқ бўйи феодалга фалокатга учраган кеманинг фақат мачтаси ва рули берилган холос. Шимолий Италиянинг савдо республикалари бу ҳуқуқни умуман рад этишган.

Вафот этган чет эллик фуқаронинг мулки у яшаган ҳудуд сеньорининг мулкига айланган. Ерлар ва дарёлар қирол мулки ҳисобланган, чет элликларнинг улар орқали ўтишлари учун бож тўлашлари лозим бўлган.

Бир неча давлатлар ҳудудидан оқиб ўтувчи дарёлар қисмларга бўлинган ва шу дарё қирғоғида жойлашган давлатларнинг мулки ҳисобланган. Кемалардан йиғимларни ундириш қулайроқ бўлиши учун дарёлар занжирлар билан тўсилган.

Айрим давлатлар ўзларини денгиз ва океанлар ҳўжайини деб билишган. Венеция Адриатик денгизига, Испания бутун Тинч океанига, Туркия Қора денгизга даъвогарлик қилган. Фақат XVI асрга келиб испанларнинг денгиздаги ҳукмронлиги ниҳоясига етганидан сўнг океанлар барча давлат кемалари учун очиқ бўлган.

Шундай қилиб, очиқ денгиз ҳуқуқий мақоми тўғрисида сўз юритиш имконияти туғилган. Дастлабки пайтларда Европада денгизда кемаларнинг юриши масалаларида **Родосс ҳуқуқи** ва Византия ҳуқуқи кодекси саналмиш **Базилика** асосида тартибга солинган. Родосс ҳуқуқи эраמידан аввалги III-II асрларда Родосда тузилган қоидалар тўпламига асосланган эди. Кейинчалик улар тўлдирилган. Базилика (VII аср) расмий давлат ҳужжатларида мустақамланган меъёрлардан иборат бўлган. XII асрга келиб яна бир кодекс — Бордо яқинидаги Олерон ороли денгиз суди томонидан қабул қилинадиган қарорлар тўплами — **Олерон номалари** пайдо бўлган. Денгиз ҳуқуқининг мазкур манбаи Англия, Франция ва Испанияда машҳур эди. Ганзей иттифоқи ҳаракати доирасида Висби Қонунларидан (XIV аср) фойдаланишни афзал кўрганлар, Ўртаер денгизи ҳавзаси давлатлари эса “**Денгизнинг марҳаматли одатлари**”га (XIII аср) риоя қилган.

Денгизнинг ҳудудий сувлари кенглиги уч денгиз мили эканлигини белгиловчи тўп отиш ҳуқуқи, деб юритилган меъёр шаклланган. Давлат ҳокимияти қуролнинг реал кучи тугаган ерда тугаган. Ушбу қоида биринчи марта XIV асрда новгородликлар билан Норвегия ўртасидаги 1326 йил 3 июнь шартномасида ҳамда 1327 йилда қабул қилинган Жак Арагонскийнинг регламентида қўлланилган.

Халқаро ҳуқуқнинг юзага келиш даври учун **минтақавийлик** характерли бўлган. Месопотамия, Миср, Ҳиндистон, Хитой, Ўрта Осиё,

Греция ва Рим дастлабки минтақалар ҳисобланган. Уларнинг ҳар бирида ўзлари учун хусусиятли бўлган халқаро-ҳуқуқий институтлар ривожланган. Ўрта асрларда янги давр халқаро ҳуқуқи шаклланишига кучли таъсир кўрсатган халқаро алоқаларнинг янги қатнашчилари вужудга келган. Халқаро ҳуқуқнинг турли-туман масалалари ичида асосан давр талабларига жавоб берадиганлари ривожланган. Булар энг аввало саройлар ўртасидаги алоқалар, унвонлар, маросимлар, уруш ҳуқуқи ва айниқса, денгиз ва дипломатик ҳуқуқ кенг тараққий топган. Вақт синовидан ўтган меъёрлар ҳозирги давр халқаро ҳуқуқи меъёрларига айланган.

Ҳозирги давр халқаро ҳуқуқининг шаклланиши ва ривожланиши

Янги тарихда жаҳондаги мавжуд ҳолат халқаро алоқаларни тартибга солиш учун янги меъёрларга эҳтиёж сеза бошлаган. Илк тарихий даврларда ушбу меъёрларни ақлга сиғдириб бўмасди. Агар эски халқаро ҳуқуқ халқлар қарамлигининг турли шакллари ҳуқуқий жиҳатдан белгиловчи меъёрлар ва институтлардан иборат бўлган бўлса, халқларнинг тенглиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаши тамойили ҳозирги давр халқаро ҳуқуқида энг асосий тамойиллардан бири бўлиб қолган. Давлатларнинг суверен тенглиги, ўзга давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик каби тамойиллар мустаҳкамланган.

Ҳозирги давр цивилизациясининг яхлитлиги, бир бутунлиги ва ўзаро боғлиқлиги универсал асосда ҳуқуқий тартибга солиш заруриятини белгилаган. Натижада ҳозирги универсал ҳуқуқ меъёрлари тизими вужудга кела бошлаган.

Тинч-тотув яшаш, ҳамкорлик тамойиллари аҳамиятининг умум тан олинishi уруш ҳуқуқи институти, халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик, консулик ва дипломатик ҳуқуқларда сезиларли ўзгаришнинг юз беришига олиб келган.

Халқаро ҳуқуқнинг янги тамойиллари ва институтлари ичида аввалом бор, халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик, агрессия учун давлатларнинг жавобгарлиги ҳамда халқаро ҳуқуқнинг алоҳида соҳасига айланган инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш кабиларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Ҳозирги ҳуқуқий онг жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамкорликни ўрнатиш имкониятини туғдирди.

Ҳозирги давр фан ва техника ютуқлари халқаро космик ҳуқуқи меъёрларини ишлаб чиқишга замин яратди.

Ҳозирги давр халқаро ҳуқуқи учун халқаро ташкилотлар, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш каби янги халқаро ҳуқуқ соҳаларининг вужудга келиши билан характерлидир.

Ҳозирги давр ҳалқаро ҳуқуқи давлатлар томонидан яратиладиган улар ўртасидаги ва халқаро муносабатларнинг бошқа қатнашчилари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш учун ҳамда халқаро тинчлик ва ҳамкорликни таъминлаш мақсадига қаратилган юридик меъёрлар тизимидан иборат.

Халқаро ҳуқуқни ҳозирги давр нуқтаи-назарида тушуниш юз йиллар давомида шаклланган. XVII асрда инглиз олими Зёч (1650 йил) биринчи бор “халқлар ўртасидаги ҳуқуқ” иборасини қўллаган. Кейинчалик ундан анъанавий “халқлар ҳуқуқи” ўрнига “халқаро ҳуқуқ” ибораси келиб чиққан.

XVII-XVIII асрларда Вестфал битими (1648 йил), тинч аҳоли мулкани ҳимоя қилишга қаратилган Утрехт битими (1713 йил), уруш вақтида тиббиёт ходимларининг дахлсизлигини таъминлаш тўғрисидаги Франция ва Пруссия ўртасидаги битимнинг (1759 йил) тузилиши, шунингдек, 1780 йил 28 февралдаги денгизда ҳарбий нейтралитет тўғрисидаги Россия Декларациясининг қабул қилиниши халқаро ҳуқуқ ривожланишига муҳим ҳисса қўшган. Декларациянинг Лондон, Версал, Мадрид саройларида нашр қилиниши ҳам сиёсий, ҳам халқаро-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган. АҚШ континентал конгресси 1780 йилда Декларация тамойилларини фойдали, оқилона ва адолатли деб тан олиш тўғрисида қарор қабул қилган.

Ўттиз йиллик уруш (1618—1648 йиллар), биринчи умумевропа уруши, Вестфал тинчлик сулҳининг ва Вестфал битимининг (1648 йил 24 октябрь) имзоланиши билан яқунланган. Охириги ҳужжат ўзаро боғлиқ икки: Оснабрюк ва Мюнстер шартномаларидан иборат бўлган. Ушбу тинчлик шартномалари кейинги барча халқаро муносабатлар учун юридик асос бўлиб қолган. Вестфал битими низоларни тинч йўл билан ҳал этиш ва ҳужум қилувчи томонга қарши жамоавий санкцияларни қўллашни белгиловчи меъёрларни шакллантирган. Шунингдек, Европа давлатларининг давлат тузилиши шакли ва динидан қатъий назар тенглигини тасдиқлаган, Швейцария ва Нидерландиянинг мустақиллигини тан олиш орқали халқаро-ҳуқуқий тан олиш тамойилини шакллантирган. Мазкур ҳужжат Европа давлатлари муаммоларини дунёвий асосда келишилган тарзда ҳал этишни бошлаб берган.

XIX асрда халқаро муносабатларнинг янги шакллариининг вужудга келиши халқаро ҳуқуқий онгда ҳам ўз аксини топган. Аввалом бор, давлат тўғрисидаги тассавурлар ўзгарган. Халқаро муносабат-

ларда ҳукмдор ўрнини давлат эгаллаган, алоҳида сулолалар манфаатлари ўрнига жамият манфаатлари келган. Фуқаролар гражданинга айланган.

XIX асрда бўлиб ўтган Вена (1814—1815 йиллар) ва Париж (1856 йил) Конгресслари халқаро ҳуқуқ ривожланишида сезиларли из қолдирган. Вена конгресси янги давлатлар вужудга келиши масаласини муҳокама қилган, шунингдек, XVII аср ўртасидан бери ҳукмрон мавқега эга бўлган сиёсий мувозанат тамойилини **легитимлик тамойили** билан бойитган.

1815 йил 8 февралда негрлар билан савдо қилишни тақиқлаш тўғрисида давлатлар декларацияси қабул қилинган. Негрлар билан савдо қилиш “қонунларга, инсонпарварликка ва умумий ахлоққа зид” фаолият сифатида қораланган.

Париж конгресси қарори (1856 йил) халқаро денгиз ҳуқуқига сезиларли ўзгаришлар киритган. У каперликни¹ батамом бекор қилган, бетараф байроқ остида ҳарбий контрабандадан ташқари, душман томоннинг юклари ҳам ҳимоя қилинишини белгилаган, шунингдек, душман томон байроғи остидаги бетараф томон юклари ҳам босиб олиниши мумкин эмаслиги, ҳарбий контрабанда бундан мустаснолиги белгиланган.

Халқаро ҳуқуқнинг демократик тамойиллари бирданига тан олинмаган. Масалан, Вена конгресси ўз қарорида Европада ўрнатилган адолатли чегаралар ва монархия тартибларини ҳимоя қилишда жамоа интервенциясини амалга ошириш мумкинлигини қонуний деб эълон қилган. Демократик тамойиллар Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг “маданиятсиз” халқларига нисбатан тан олинмаган.

1856 йилда Қрим урушига яқун ясаган Париж конгресси “Европа концерти” тизимини яратган. Унга кўра халқаро муаммолар буюк Европа давлатлари (шунингдек, Туркия)нинг ўзаро келишуви асосида ҳал этилган.

XIX асрда кўп сонли халқаро шартномалар, алоқа, алоқа йўлларига тегишли кўптомонлама битимлар тузилган. Уларнинг асосида махсус масалалар бўйича биринчи халқаро ташкилотлар: Халқаро телеграф иттифоқи (1856 йил), Бутунжаҳон почта иттифоқи (1874 йил), Халқаро темир йўл иттифоқи (1886 йил) ва бошқалар тузилган. Халқаро ҳуқуқ ривожидида ўзига хос сакраш юз берган. Доимий фаолият олиб борувчи халқаро ташкилотлар халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъектларига айланган. Ўрта асрларда тузилган кўптомонла-

¹ Ўз ҳукумати руҳсати билан қарши мамлакат савдо кемаларига ҳужум қилишни амалга оширадиган қароқчилик.

ма халқаро шартномалардан фарқли ўлароқ, бу шартномалар уларга янги давлатларнинг қўшилиши имкониятини назарда тутган.

Халқаро шартномалар ўз шаклига кўра замонавий кўринишга кирган. Масалан, турли унвонларни батафсил санаб ўтишга чек қўйилган, шартномаларга рия қилишни таъминлаш учун худоларга муурожаат қилиш муомаладан чиққан. Шартномаларга иловалар қилиш вужудга келган.

Икки томонлама шартномалар, одатда, шартнома томонлари тилларида, кўптомонлама шартномалар эса француз, кейинчалик инглиз тилларида тузиладиган бўлган. Халқаро шартномаларга рия қилишнинг — қасам ичиш, гаровга олиш, рим папаларининг кафилликка олиши, худудларни гаровга қўйиш каби эски усулларига барҳам берилган. Халқаро шартномалар бажарилишини таъминлашнинг асосий усуллари сифатида халқаро кафиллик, учинчи давлатларнинг кафиллиги, қимматбаҳо нарсаларни гаровга қўйиш кабилар вужудга келган.

Уруш барча шартномалар ҳаракатини автоматик тарзда тўхтатган. Мазкур қоида уруш ҳолатларини кўзда тутиб тузилган махсус шартномалар учун тааллуқли бўлмаган.

Давлатларнинг уруш (очиш) ҳуқуқи ўзининг қонунийлигини сақлаб қолган. Қуролли кучлардан давлатлар ўртасидаги низоларни ҳал этишда қонуний восита сифатида фойдаланилган. **Аннексия** давлат худуддини босиб олишнинг қонуний воситаси саналган. Голиб томон мағлубиятга учраган томонга **контрибуция** тўлашни белгилашда миқдорини ўз хоҳишига кўра белгилаш ҳуқуқига эга бўлган.

XIX асрга келиб **уруш ҳуқуқи институтига** оид янги меъёрлар шаклланган. Бу, аввало, уруш эълон қилиш қоидалари ва адолатли уруш мезонларини аниқлашга қаратилган меъёрлар бўлган.

III Гаага конференциясига (1907 йил) кўра ҳарбий ҳаракатлар аниқ ифодаланган дастлабки огоҳлантиришсиз бошланиши мумкин бўлмаган. Бу огоҳлантириш уруш эълон қилишни асослаш шаклига эга бўлган.

1899 ва 1907 йиллардаги Гаага конвенциялари қоидаларига мувофиқ ҳарбий ҳаракатлар фақат “комбатантлар”га, яъни жангчиларга нисбатан олиб борилиши мумкинлиги белгиланган. Тинч аҳоли, шунингдек, ҳарбий мухбирлар ва руҳонийлар бундан эътиборан ҳарбий ҳаракатлар объекти саналмаганлар.

1974 йилга келиб, 70 йилдан сўнг, **агрессия** (тажовузкорлик) таърифи қабул қилинди. Унга кўра, ҳеч қандай уруш эълон қилишни оқлаш мумкин эмас.

Ҳарбий асирлар мақоми 1949 йилда қабул қилинган ҳарбий асирларга нисбатан муносабатни белгиловчи Женева конвенцияси билан тартибга солинади. Жанг қилувчи томонларга душман томони беморлари ва ярадорларига ғамхўрлик кўрсатиш мажбурияти юкланган. Ҳарбий асирлар вақтинча ушланган шахслар сифатида қаралган. Асирларга нисбатан инсонийлик муносабатида бўлиш белгиланган. Барча ҳарбий асирлар уларни асир қилиб олган алоҳида шахслар қўлида эмас, балки душман томон ҳукумати ҳокимияти остида бўлишлари лозим. Ҳарбий асирга тегишли барча шахсий буюмлар, қуроллар, отлар ва ҳарбий қозғолардан ташқари, уларнинг мулки бўлиб қолиши лозим. Офицерлардан ташқари қолган барча асирлар уларнинг унвони ва имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда ишга жалб қилинишлари мумкин. Мазкур ишлар “ўта оғир” бўлмаслиги ва ҳақ тўланадиган бўлиши керак.

Заҳарлар, қурол, снарядлар ва ортиқча азоб етказадиган моддалар, асирга тушганларни ўлдириш ва “ҳеч кимга нисбатан раҳм-шафқат бўлмайди деб эълон қилиш” тақиқланди. Командирлардан тарихий ва маданий ёдгорликларни, тиббиёт муассасаларини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш талаб қилинди.

Парламентёрлар — ҳарбий қўмондонлик томонидан душман томони ҳарбий қўмондонлиги билан музокаралар олиб бориш ваколатини олган шахслар алоҳида мақомга эга бўладилар. 1907 йилдаги Гаага конвенциясига мувофиқ, парламентёр, уни кузатиб борувчи карнайчи (трубач) ёки барабанчи, байроқни кўтариб борадиган шахс ҳамда таржимон дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлганлар.

XX асрдаги икки жаҳон урушлари давомида халқаро ҳуқуқда куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик тамойили пайдо бўлган. Мазкур тамойил аввал халқаро ҳуқуқда мавжуд бўлган давлатни уруш (очиш) ҳуқуқи тамойили ўрнига келган. 1917 йилда Россия томонидан олдинга сурилган агрессив (босқинчилик) урушларининг ғайриҳуқуқий ва жинояткорона эканлиги ғояси жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланган. Кейинчалик ушбу ғоялар Миллатлар Лигаси — тарихдаги илк халқаро тинчлик ва халқаро ҳуқуқ меъёрларини таъминлашга қаратилган умумжаҳон халқаро ташкилотининг — бир қатор ҳужжатларида ўз ифодасини топган.

Хусусан, Миллатлар Лигаси Ассамблеяси томонидан 1927 йилда қабул қилинган босқинчилик урушлари тўғрисидаги Декларацияда босқинчилик уруши “халқаро жиноят сифатида” таърифланган.

Куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик тамойили илк бор ҳозирги халқаро ҳуқуқнинг асосий ҳужжатиغا айланиб қолган БМТ Уставида эълон қилинган.

“Бирлашган миллатлар” номининг ўзи илк бор 1942 йилда Вашингтонда 26 давлат вакиллари томонидан Бирлашган Миллатлар Декларацияси имзоланиши билан юзага келган. Мазкур ҳужжатда унда иштирок этувчи давлатлар фашистлар Германиясига қарши умумий куч билан кураш олиб бориш мажбуриятини олганлар. Ушбу атамани АҚШ Президенти Франклин Д. Рузвельт таклиф қилган эди.

1944 йилда СССР, АҚШ, Англия ва Хитой давлатлари вакиллари Американинг Думбартон-Оксе шаҳрида БМТни тузиш режасини ишлаб чиққанлар ва кейинчалик БМТ Устави асосини ташкил этган таклифларни тайёрлаганлар. 1945 йил 24 октябрда Сан-Францискода БМТ Устави уни имзолаган кўпчилик давлатлар томонидан ратификация қилинган. Шундан бери ҳар йили 24 октябрни жаҳон ҳамжамияти БМТ Куни сифтида нишонлайди.

Дастлаб ушбу ташкилотга 51 давлат кирган. 1997 йилга келиб унинг аъзолари сони 170 га етди. БМТ қароргоҳи АҚШда, Нью-Йоркда жойлашган. Худди шу ерда 1946 йилда Бош Ассамблея Манхэттен оролининг шарқий чегарасида 18 акр майдонга эга бўлган жойни эгаллаган. Ҳозир бу жой — БМТ мулки ва халқаро худуд ҳисобланади. БМТ ўз расмий нишони ва байроғига эга. БМТ нишонидан зайтун шоҳлари билан ўралган ер шари ифодаланган. Байроғи кўк матоли бўлиб, унинг марказида БМТ нишони оқ рангда ифодаланган. Инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз тиллари БМТнинг расмий тиллари ҳисобланади. **БМТнинг бош органлари Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш, Васийлик Кенгаши, Халқаро Суд ва Котибият ҳисобланади.**

Бош Ассамблея таркибига БМТнинг барча аъзолари киради. Ассамблеянинг кўпгина резолюциялари мажбурий аҳамият касб этмайди, бироқ жаҳон ҳамжамиятининг иродасини ифодалайди. Бош Ассамблеянинг ҳар бир аъзоси бир овозга эга. Унинг қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Бош Ассамблея халқаро тинчликка хавф туғдирувчи ҳолатларни аниқлаш ва бу тўғрида БМТ Хавфсизлик Кенгашини хабардор қилиш ваколатига эга.

Хавфсизлик Кенгаши 15 аъзодан иборат. Улардан Хитой, АҚШ, Франция, Буюкбритания ва Россия Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари ҳисобланади. Хавфсизлик Кенгаши аъзо-давлатлар учун мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш ваколатига эга. Мазкур орган халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш ва тиклашга қаратилган қандай чора-тадбирлар қўлланиши лозимлигини ҳал этади ва тавсия қилади. Хавфсизлик Кенгаши халқаро тинчликни бузган давлатга нисбатан мажбурий чораларни қўллаш ҳуқуқига эга. Ушбу чораларга тўлиқ ёки қисман иқтисодий муносабатларни узиш, темир

Йўл, денгиз, ҳаво, почта ва бошқа алоқаларни тўхтатиш, дипломатик муносабатларни узиш кабилар киради. Бу чораларга қамал ва бошқа ҳарбий операциялар ҳам киради. Мажбурий чораларнинг қўлланиши Хавфсизлик Кенгаши ихтиёрига аъзо-давлатлар томонидан қуролли кучларни тақдим этиш орқали таъминланади. Амалда қуролли кучларни шакллантириш ва улардан фойдаланишга тегишли БМТ Устави қоидалари ҳар доим ҳам бажарилмайди. Масалан, 1950 йил Корея, 1960 йил Конгога қарши қуролли кучлардан фойдаланишда БМТ Устави қоидаларини жиддий бузишларга йўл қўйилган. 1990 йил Ироқнинг Кувейтга қарши босқинчилик ҳужуми билан боғлиқ ҳолатда Хавфсизлик Кенгашининг барча доимий вакиллари Кенгашнинг босқинчига нисбатан муносабатида яқдилликни намойиш қилдилар. Ироққа нисбатан иқтисодий ва молиявий чоралар қўлланилди.

БМТнинг бош суд органи — Халқаро Суд. У асосан икки функцияни амалга оширади: давлатлар ўртасидаги юридик муаммоларни кўриб чиқади ва БМТ органларига ҳуқуқий масалалар бўйича консултатив хулосалар беради.

БМТнинг кундалик фаолияти билан Котибият шуғулланади. Котибиятга Бош котиб раҳбарлик қилади. БМТнинг биринчи Бош котиби норвегиялик Трюгве Ли бўлган.



Такрорлаш учун саволлар

- ◆ Халқаро ҳуқуқ қачон пайдо бўлган?
- ◆ Халқаро ҳуқуқ тараққиётини қандай босқичларга бўлиш мумкин?
- ◆ Энг қадимги халқаро шартномалар номини айтинг.
- ◆ Қачон ва қаерда илк бор урушдан қонуний йўл билан воз кечишга уриниш бўлган?
- ◆ Ўрта асрларда “адолатли” уруш тушунчасига нима кирган?
- ◆ Элчиларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида сўзлаб беринг. Қачон “элчи” ибораси ҳужжатларда илк бор ишлатилган?
- ◆ Консуллик қандай вужудга келган?
- ◆ Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари қандай?
- ◆ Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг ривожланишида БМТнинг роли қандай?
- ◆ XXI асрда халқаро ҳуқуқ истиқболлари қандай?
- ◆ Ўрта Осиёда, хусусан Ўзбекистон ҳудудида халқаро ҳуқуқ ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари қандай?

3-мавзу. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ МАНБАЛАРИ

- Халқаро ҳуқуқ нормалари тушунчаси.
- Халқаро ҳуқуқий муносабатлар.
- Халқаро ҳуқуқ нормаларини таснифлаш (классификациялаш).
- Халқаро ҳуқуқ манбалари тушунчаси.
- Халқаро ҳуқуқнинг асосий манбалари.
- Халқаро ҳуқуқни системалаштириш ва кодификациялаш.

Халқаро ҳуқуқ нормалари тушунчаси

“Норма” сўзи лотин тилида — қоида, раҳбарий кўрсатма, намуна маъносини англатади.

Ҳуқуқ нормаси ҳуқуқ субъектлари деб аталувчи ва унда кўрсатилган шахсларнинг юридик мажбурий характердаги хулқ-атвор қоидаларини билдиради. Нормаларнинг юридик мажбурийлиги шундаки, у билан белгиланган юриш-туриш ва хулқ-атвор қоидалари мажбурий ҳисобланади ва лозим бўлган тақдирда мажбурлов чоралари орқали таъминланади. Миллий ҳуқуқда юридик нормалар давлат томонидан ўрнатилади, муҳофаза қилинади ва таъминланади.

Халқаро ҳуқуқ нормалари — давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари томонидан юридик мажбурий деб тан олинадиган хулқ-атвор қоидаларидир.

Халқаро ҳуқуқ нормалари мазмунини давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ташкил қилади.

Халқаро ҳуқуқ субъекти ўзининг ҳамда бошқа субъектларнинг лозим даражадаги ва эҳтимолли хулқ-атвори тўғрисида фикрлаши мумкин.

Халқаро ҳуқуқ нормалари — субъектларнинг нормаларида кўзда тутилган, зарурат бўлганда мажбурлаш йўли билан таъминланган юридик мажбурий характердаги хулқ-атвор қоидаларидир.

Халқаро ҳуқуқнинг ўзига хослиги шундаки, унинг субъектлари бир-бирларидан ҳамда мажбурий хулқ-атвор қоидаларини белгилаши ва унга риоя қилинишини таъминлаши мумкин бўлган қандайдир юқори турувчи, учинчи ҳокимият тузилмасидан мустақилдир. Зеро, ўзаро муносабатларга киришувчи давлатлар ва уларнинг бирлашмалари

устида уларни ўзига бўйсундирадиган қандайдир юқори турувчи тузилма ёки бошқа бирон-бир ҳокимият йўқ.

Халқаро ҳуқуқ нормалари ўзаро келишув бўйича ва субъектлар ўртасидаги битим асосида белгиланади ва улар томонидан якка тартибда ёки жамoa йўли билан муҳофаза қилинади ҳамда лозим бўлган тақдирда риоя қилишга мажбурлаш чораларини кўради.

Белгиланган нормаларнинг моҳияти тўғрисида ва уларнинг юридик мажбурийлик характери, одатда ўзаро ён бериш ва муроасага келиш асосида тегишли субъектларнинг иродасини мувофиқлаштириш йўли билан таъминланади. Демак, халқаро ҳуқуқ нормалари уни қабул қилган субъектларнинг мувофиқлаштирилган иродасини ифодалайди.

Барча халқаро-ҳуқуқий нормалар мажмуи ягона меъёрий тизим — халқаро ҳуқуқни ташкил қилади.

Халқаро-ҳуқуқий муносабатлар

Халқаро ҳуқуқ томонидан тартибга солинадиган халқаро муносабатлар — субъектлари ўртасидаги шундай ижтимоий муносабатларки, улар халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш **объекти** ҳисобланади. Бинобарин, бундай муносабатлар халқаро ҳуқуқий муносабатлар характерини касб этади.

Халқаро ҳуқуқ миллий ҳуқуқ сингари субъектлар ўртасидаги ҳар қандай муносабатларни эмас, балки фақат ҳуқуқий тартибга солиш талаб қилинадиган қисмини тартибга солади. Бундан ташқари ҳуқуқ — халқаро ва миллий ҳуқуқлар ўзининг маълум консервативлиги туфайли одатда вужудга келадиган ҳуқуқий тартибга солиш талабидан орқада қолади.

Халқаро-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган халқаро муносабатлар халқаро-ҳуқуқий муносабатлар характерига эга бўлади. Халқаро ҳуқуқ субъектлари у ёки бу халқаро-ҳуқуқий муносабатларга киришиш билан ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширадилар.

Халқаро ҳуқуқий муносабатлар турли-туманлиги билан характерланади ва халқаро ҳуқуқий нормаларнинг турли-туман бўлишини белгилайди. Бир турдаги халқаро муносабатларни муайян гуруҳларга ажратиш мумкин, бу ўз навбатида халқаро ҳуқуқ институтлари ва тармоқларини ташкил қилувчи бир турдаги халқаро ҳуқуқий нормалар гуруҳи ва мажмуи (комплекси) мавжудлигини билдиради.

Халқаро-ҳуқуқий институт — бир турдаги халқаро муносабатларни тартибга солувчи, ушбу муносабатларнинг умумий объекти билан ўзаро яқин алоқадор бўлган ҳуқуқий нормалар гуруҳидир.

Ҳуқуқий нормалар ва институтлар халқаро ҳуқуқ тармоғига бирлашади. Барча бир турдаги халқаро муносабатлар мажмуи тармоқ объекти ҳисобланади (масалан, халқаро шартнома ҳуқуқи, халқаро ташкилотлар ҳуқуқи, дипломатик ҳуқуқ, халқаро денгиз ҳуқуқи, халқаро атом ҳуқуқи, халқаро космик ҳуқуқ). Уларни ташкил қилишнинг ягона йўли халқаро ҳуқуқ субъектларининг келишуви ҳисобланади. Фақат халқаро ҳуқуқ субъектларигина ўзининг у ёки бу хатти-ҳаракатларига, хулқ-атвор қоидаларига юридик мажбурий характер бериши мумкин.

Халқаро ҳуқуқий нормаларни бажариш асосан ушбу ҳуқуқ тизими субъектлари томонидан ихтиёрийлик асосида амалга оширилади.

Халқаро ҳуқуқ нормаларини таснифлаш (классификациялаш)

Халқаро ҳуқуқ нормалари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи субъектлар турли хил бўлади. Улар барча субъектларга ёки барча асосий субъектлар — давлатларга қаратилган **умумий (универсал)** халқаро ҳуқуқ нормаларига ва икки ёки бир неча субъектлар ўртасидаги келишув асосида белгиланган ва уларга қаратилган **локал (партикуляр)** нормаларга бўлинади. Локал нормалар жумласига субъектларнинг муайян бир ҳолатдаги хулқ-атворини белгиловчи индивидуал нормаларни ҳам киритиш мумкин.

Партикуляр нормалар универсал нормаларга мос келиши лозим. БМТ Уставининг 103-моддасига мувофиқ аъзо-давлатларнинг Устав бўйича мажбуриятлари бошқа шартномалар бўйича олган мажбуриятларига нисбатан устуворликка эга.

Ҳуқуқий тартибга солиш услуги бўйича халқаро-ҳуқуқий нормалар **диспозитив** ва **императив** нормаларга бўлинади.

Диспозитив нормаларда халқаро ҳуқуқ субъектлари ўз хулқ-атворини, муайян ҳуқуқий муносабатлардаги ҳолатдан келиб чиқиб ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўзлари белгилаши мумкин.

Халқаро ҳуқуқнинг аксарият қоидалари диспозитив норма ҳисобланади, яъни улардан давлатлар ва бошқа субъектлар ўзларининг ўзаро локал муносабатларидан келиб чиқиб, умумий халқаро ҳуқуқнинг ушбу нормаси моҳиятига зид келмайдиган маълум ўзгартиришлар киритиш билан четлаб ўтиши мумкин.

1969 йилда Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенцияси қабул қилинганидан сўнг халқаро ҳуқуқ нормалари тизимида **jus cogens** (умуммажбурий ҳуқуқ) характериға эға бўлган императив нормалар ажратила бошланди. 1969 йилдаги Вена конвенциясининг 53-моддасига мувофиқ халқаро ҳуқуқнинг императив нормаси давлатларнинг халқаро ҳамжамияти томонидан четлаб ўтиш мумкин бўлмаган нормаси сифатида тан олинади ва бундай нормалар фақат кейин қабул қилинган худди шундай нормалар билангина ўзгартирилиши мумкин.

Халқаро ҳуқуқда императив нормалар рўйхати йўқ. Бироқ, халқаро ҳуқуқ назарияси *БМТ Уставида*, *БМТ Уставига мувофиқ давлатлар ўртасидаги дўстона алоқалар ва ҳамкорликларға тегишли бўлган 1970 йилдаги халқаро ҳуқуқ тамойиллари тўғрисидаги Декларацияда* ифодаланган халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларини яқдиллик билан императив нормалар қаторига киритади.

Императив нормалар маълум хатти-ҳаракатларнинг аниқ ва муайян чегарасини белгилайди. Халқаро ҳуқуқ субъектлари ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ҳажми ва мазмунини ўз ҳолича ўзгартиришға ҳақли эмас.

Халқаро ҳуқуқнинг **jus cogens** нормаси давлатларнинг халқаро ҳамжамияти томонидан қабул қилинган ва четлаб ўтиш мумкин бўлмаган нормаси сифатида тан олинандиган нормалар сифатида тушунилади ва бундай нормалар фақат кейин қабул қилинган айнан шундай характердаги нормалар билангина ўзгартирилиши мумкин. *Jus cogens* нормасининг халқаро ҳуқуқнинг бошқа императив нормаларидан фарқи шундаки, давлатларнинг *jus cogens* нормасидан ҳар қандай четлаши бундай хатти-ҳаракатни аҳамиятсиз қилади.

Императив нормаларнинг мавжудлиги халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг иерархияси масаласини кун тартибига қўяди. *Jus cogens* нормаси олий юридик кучға эға ва барча халқаро-ҳуқуқий нормалар уларға мувофиқ бўлиши шарт. Давлатлар халқаро майдонда ўз хатти-ҳаракатларини сўзсиз равишда *jus cogens* нормаларига мослаштиришлари лозим.

Халқаро ҳуқуқ нормалари ичида **бирламчи** деб ҳам юритиландиган **тартибға солувчи нормалар**, яъни давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектларининг ўзаро муомала ва ҳамкорлиги жараёнидаги хатти-ҳаракатини тартибға солувчи нормалар, шунингдек, **иккиламчи** деб юритиландиган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи нормаларға бўлинади. Сўнггисининг иккиламчилиги шундаки, бундай нормалар фақат субъектлар томонидан тартибға солинувчи бирламчи нормалар

бузилган тақдирда кучга киради ва улар учун салбий юридик оқибатларни келтириб чиқаради. Жумладан, бунга халқаро ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракати учун *давлатларнинг халқаро жавобгарлиги* тўғрисидаги нормалар киради.

Халқаро ҳуқуқ — ўзаро алоқадор халқаро-ҳуқуқий нормалар тизимидир. Халқаро ҳуқуқ:

биринчидан — халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари ва императив нормалар қоидаларига бошқа барча халқаро-ҳуқуқий нормалар мос бўлиши тўғрисидаги;

иккинчидан — амалдаги халқаро-ҳуқуқий нормаларни, жумладан умумий халқаро ҳуқуқ нормалари ва маҳаллий(локал) нормаларнинг бир-бирига зид бўлмаслиги тўғрисидаги;

учинчидан — нормаларни ҳақиқийлик шароити тўғрисидаги, уларни ретроактив эмаслиги тўғрисидаги;

тўртинчидан — сўнгги норма билан нормаларнинг ўзгартирилиши ва бекор қилиниши тўғрисидаги;

бешинчидан — махсус нормаларни умумий характердаги нормаларга нисбатан устуворлиги тўғрисидаги қоидаларни белгилайди.

Халқаро-ҳуқуқий нормалар ягона яхлит — *халқаро-ҳуқуқий тизим* халқаро ҳуқуқни ташкил қилади. Натижада унинг нормалари фақат уларнинг бошқа барча нормалари билан ўзаро алоқадорлигини ҳисобга олган ҳолда талқин қилинади ва қўлланилади.

Халқаро ҳуқуқ манбалари тушунчаси

Давлат ва ҳуқуқ назариясида “**ҳуқуқ манбалари**” атамаси икки маънода — **моддий ва формал** маънода қўлланилади. Моддий манбалар деганда жамият ҳаётининг моддий шарт-шароитлари тушунилади. Ҳуқуқнинг формал манбалари — ҳуқуқ нормалари ўз ифодасини топадиган шаклини англатади. Фақат ҳуқуқнинг формал манбалари юридик категория ва юридик фаннинг, шу жумладан халқаро ҳуқуқ фанининг ўрганиш предмети ҳисобланади.

“**Ҳуқуқ манбалари**” — давлат ва ҳуқуқ назарияси томонидан ишлаб чиқилган ва умуман ҳуқуққа тааллуқли бўлган, яъни миллий ҳуқуққа ҳам, халқаро ҳуқуққа ҳам тегишли бўлган тушунчадир. Юридик маънода ҳуқуқ манбаи хулқ-атвор қоидалари ифодаловчи ва юриштуриш қоидаларига ҳуқуқий норма тусини берувчи шакл ҳисобланади. Мазкур тушунча икки элементдан ташкил топади:

биринчидан, юридик аҳамиятга эга бўлган хатти-ҳаракат қоидалари муайян шаклда ифодаланиши керак;

иккинчидан, бундай шакл мазкур қоидаларни ҳуқуқий норма сифатида эътироф этиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Халқаро ҳуқуқ манбалари — халқаро-ҳуқуқий муносабат субъектларининг хатти-ҳаракат қоидаларини ифодаловчи ва мазкур қоидаларни халқаро ҳуқуқ нормалари тусини берувчи шаклдир.

Манбаларидан келиб чиққан ҳолда халқаро ҳуқуқнинг ўзига хослик томонлари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, халқаро ҳуқуқ нормалари унинг субъектлари томонидан тегишли хатти-ҳаракатлар бўйича ва уларга халқаро-ҳуқуқий норма тусини бериш хусусида ўртадаги ўзаро келишувни мустаҳкамлайди. Нормаларни белгиловчи бундай келишувга субъектларнинг иродасини мувофиқлаштириш йўли билан эришилади ва шу билан уларнинг умумий хоҳиш-иродасини ифодалайди. Шу боис, бундай келишув шакли мазкур халқаро-ҳуқуқий норманинг манбаи ҳисобланади.

Иккинчидан, халқаро-ҳуқуқий нормани унда кўрсатилган субъектнинг субъектив ҳуқуқига ҳар доим бошқа субъектнинг тегишли субъектив мажбурияти қарама-қарши туриши (миллий ҳуқуқдан фарқли равишда) характерли бўлади. Шунинг учун халқаро ҳуқуқнинг манбалари тўғрисида гап гапанда халқаро-ҳуқуқий муносабатларнинг потенциал ёки реал иқтидорларининг субъектив ҳуқуқ манбаи ёки субъектив мажбурият манбаи тўғрисида гапириш мумкин. Бу ўринда субъектив мажбурият тўғрисида сўз юритиш маъқулроқ, чунки мажбурият олган субъект ўзи учун ноқулай юридик оқибатларнинг олдини олиш учун ҳам уни ижро этишдан бўйин товламайди.

Учинчидан, субъектив халқаро-ҳуқуқий мажбуриятлар кўп мартаба қўллашга мўлжалланган (умумий хатти-ҳаракат) нормаларда ва индивидуал, қандайдир бир марталик вазиятда ёки жуда кам учрайдиган вазиятларда (масалан, қарз ёки кредит бериш тўғрисидаги мажбурият, ўз худудида ҳарбий самолётларнинг қўнишига рухсат бериш, ўз худудида йўқолганларнинг қидирув ишларини олиб беришга рухсат бериш, муайян ишлар бўйича халқаро арбитраж ёки суд қарорларига бўйсунтириш) қўлланиладиган нормаларда акс эттирилишини ҳисобга олиш лозим.

Тўртинчидан, халқаро ҳуқуқнинг айрим субъектлари ўртасидаги келишув асосида четлаб ўтиш мумкин бўлмаган халқаро ҳуқуқнинг императив нормалари мавжудлигини ҳисобга олиш зарур.

Халқаро ҳуқуқнинг асосий манбаларини белгилашда БМТ Халқаро суди Статутининг 38-моддасига мурожаат қилинади. Мазкур

моддада: “Суд ўзига берилган низоларни халқаро ҳуқуқ асосида ҳал қилишга мажбур ва қуйидагиларни қўллайди:

а) даъвогар давлатлар томонидан муайян тан олинган қоидаларни белгиловчи умумий ҳамда махсус халқаро конвенцияларни;

б) ҳуқуқий норма сифатида тан олинган, умумжаҳон амалиётининг исботи сифатида халқаро одатларни;

в) маданиятли (цивилизациявий) миллатлар томонидан тан олинган ҳуқуқнинг умумий принципларини;

г) ҳуқуқий нормаларни белгилаш учун қўшимча восита сифатида 59-моддада кўрсатилган шартлар билан турли миллатларнинг оммавий ҳуқуқ бўйича энг малакали мутахассисларининг назарияларини ва суд қарорларини”, деб ёзилган.

БМТ Халқаро суди Статутининг 38-моддасини талқин қилиш кўплаб тортишувларга сабаб бўлмоқда, бироқ унда кўрсатиб ўтилган барча халқаро ҳуқуқ манбалари барча давлатлар томонидан тан олинади.

Халқаро ҳуқуқнинг асосий манбалари

Халқаро ҳуқуқ фанида халқаро ҳуқуқнинг манбалари икки турга, яъни асосий ва қўшимча манбаларга ажратилади. Халқаро ҳуқуқ манбаларининг бундай бўлиниши шартлидир.

Ҳозирги халқаро ҳуқуқнинг асосий манбаларига халқаро шартнома, халқаро одатлар, давлатларнинг мажбуриятлари бўйича ва халқаро ташкилотларнинг аъзо давлатларига кўрсатма берувчи бир томонлама юридик ҳужжатлар киради.

Биринчи асосий манба халқаро ҳуқуқ томонидан тартибга солинадиган, халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги ёзма битим сифатида тушуниладиган *халқаро шартномадир*. Халқаро шартномаларнинг тузилишини тартибга солувчи нормалар тизими халқаро шартномалар ҳуқуқи деб юритиладиган халқаро ҳуқуқнинг алоҳида, мустақил соҳасини ташкил қилади.

Сўнги вақтларда халқаро ҳуқуқ фанида *норасмий халқаро шартнома* тушунчаси қарор топмоқда. Мазкур тушунча расман тасдиқланмаган (имзолаш ёки бошқа бир тартибда) ва юридик кучга эга эканлиги тўғрисидаги қоида мустаҳкамланмаган бўлсада, мазкур давлатлар томонидан ёзма битим қоидаларини юридик мажбурий деб тан олинadиган кўп томонлама характердаги ёзма битим тушунилади.

Халқаро ҳуқуқнинг **иккинчи** муҳим манбаи *халқаро одатлардир*. БМТ Халқаро суди Статутининг 38-моддасида халқаро одатлар “ҳуқуқий норма сифатида тан олинган умумжаҳон амалиётининг исботи” сифатида белгиланади. Ушбу тушунчада, **биринчидан**, давлатларнинг амалиёти тўғрисида, **иккинчидан**, уларнинг бир хил вазиятлардаги тегишли хатти-ҳаракатлар амалиёти тўғрисида ва, **учинчидан**, давлатларнинг халқаро ҳамжамияти томонидан шундай кўп такрорланадиган хатти-ҳаракатларни юридик мажбурий деб тан олиш, яъни давлатларнинг сўзсиз келишуви, мазкур хатти-ҳаракатларга халқаро-ҳуқуқий норма сифатини бериши тўғрисида ҳам гап боради.

Халқаро одатлар тўғрисида гапирилганда, халқаро ҳуқуқ нормаси сифатида сўз боради. Чунки, локал халқаро одат қоидаларини яратиш мумкин бўлсада, лекин жуда кам учрайди. Икки томонлама одатлар эса ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг БМТ ва бошқа универсал халқаро ташкилотлар доирасида *халқаро ҳуқуқ одат нормаларини* кодификация қилиш бўйича муҳим ишлар амалга оширилди, бу ишлар уларнинг прогрессив тараққиёти билан давом этган. Натижада, дипломатик ва консуллик ҳуқуқи, давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги, халқаро шартномалар ҳуқуқи, денгиз ҳуқуқи ва бошқа бир неча соҳаларда универсал конвенциялар тузилган, яъни халқаро ҳуқуқ нормаларини кодификация қиладиган конвенциялар қабул қилинган.

Мазкур халқаро шартномаларни талқин қилиш ва қўллаш одатлар қоидаларига қараганда қанчалик қулайлигини кўрсатади. Бироқ, одатлар бунда ўз аҳамиятини йўқотмайди, чунки тегишли универсал шартнома қатнашчилари учун бу нормалар конвенциявий характер касб этади, иштирок этмаган давлатлар учун эса оддий ҳуқуқий характерда бўлади.

Халқаро одатлардан **халқаро таомилларни** фарқлаш лозим. Халқаро таомиллар давлатларни ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектларини юридик мажбурий бўлмаган хатти-ҳаракат нормаларидир. Бунга масалан, **comitas gentium** нормалари — **халқаро хушмуомалалик нормалари**, хусусан, дипломатик этика ва дипломатик протокол нормалари киради.

Халқаро ҳуқуқнинг **учинчи** манбаларига *давлатларнинг мажбуриятлари* — *бир томонлама юридик ҳужжатлар* киради. Бунга давлатларнинг бошқа барча давлатларга ёки уларнинг айримларига қаратилган ва мазкур давлатнинг бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатларидаги муайян халқаро аҳамиятга эга бўлган мажбурият-

ларини ифодаловчи расмий баёноти киради. Бундай баёнотлар бошқа давлатлар томонидан баёнот мазмунига сўзсиз розилик беришлари (протест деб юритиладиган эътирознинг йўқлиги) билан у келишув характерини касб этади.

Халқаро ҳуқуқнинг **тўртинчи** манбаи давлатларга — халқаро ташкилотлар ёки органлар уларнинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ ёки мазкур ташкилот ёки органларнинг аниқ амалиёти натижасида қарор топган мажбурий характерга эга бўлган аъзоларига кўрсатма берувчи ҳужжатлар киради.

Бешинчи халқаро ҳуқуқ манбаи унинг индивидуал нормаларига (қандайдир-бир муайян ишга) тааллуқли бўлган унинг шаклланиши шароити бўйича ишда кўрилаётган тарафлар учун юридик мажбурий бўлган халқаро арбитраж ёки суд қарорлари ҳисобланади.

Замонавий халқаро ҳуқуқнинг **олтинчи** манбаи халқаро ҳуқуқ бўйича юристларнинг илмий асарлари, доктриналаридир. Доктриналар халқаро ҳуқуқ соҳасида махсус ва чуқур билимга эга бўлган айрим ҳуқуқшунос олимларнинг шахсий фикрлари, мулоҳазаларини билдиради. Доктриналарнинг аҳамияти шундаки, халқаро ҳуқуқ бўйича юристларнинг илмий асарлари амалдаги халқаро ҳуқуқ у ёки бу принциплари, нормалари ва институтларининг мазмунини тушуниш учун қўшимча материал бўлиб хизмат қилади. Доктриналар халқаро муомаланинг янги қоидаларини ишлаб чиқиши ва шакллантириши мумкин.

Ушбу қоидаларга мамлакат ичкарисида халқаро-ҳуқуқий нормаларни қўлловчи давлат органлари ҳам риоя қилишлари мумкин. Юқорида санаб ўтилганларга қўшимча сифатида шундай нормаларни ҳамда мавжудлиги ва мазмунини аниқлаштирувчи муҳим ёрдамчи восита халқаро ташкилотларнинг Резолюцияларини киритиш мумкин. Улар БМТ Халқаро суди Сатутини тузиш вақтида бундай ўринга эга бўлмаган, балки кейинроқ шундай роль ўйнай бошлаган. Ҳозир Суд халқаро органларнинг энг аввало БМТ Бош Ассамблеяси Резолюциялари нормаларининг мавжудлиги ва уларнинг мазмунини тасдиқлаш учун фаол фойдаланиб келинмоқда.

Бундай Резолюциялар ўз-ўзидан тавсиявий характерга эга ва халқаро ҳуқуқ нормаларини яратмайди. Бироқ улар халқаро-ҳуқуқий нормаларни шакллантириш жараёнида муҳим босқич бўлиб хизмат қилади. Резолюциялар қоидаларни шакллантиради, давлатлар эса уларнинг юридик кучини тан олади ва шу йўл билан улар халқаро ҳуқуқнинг оддий нормаси сифатида қарор топади.

Халқаро ҳуқуқ нормалари ичида унинг **асосий нормалари** — **принциплари** алоҳида ажралиб туради. Халқаро ҳуқуқнинг асосий прин-

циплари — шундай умумий характердаги нормаларки, барча бошқа нормалари унга мувофиқ равишда белгиланиши лозим. Улар халқаро-ҳуқуқий нормалар тизимида бошланғич ҳисобланади ҳамда давлатлар ва бошқа халқаро ҳуқуқ субъектларининг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш йўли билан халқаро муносабатлардаги хатти-ҳаракатларини умумлаштирилган ҳолда тартибга солади.

Дастлаб сўз, асосан ҳуқуқни қўллашнинг умумий қоидалари хусусида борган, бу халқаро ҳуқуқда процессуал соҳасининг ривожланмаганлиги туфайли уни қўллашда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Кейинроқ асосий принциплар тизими сезиларли равишда бойиди. Унга моддий нормалар, энг аввало, инсон ҳуқуқларига, демократия ва қонунийликка оид нормалар ҳам киритилди. Натижада ҳуқуқнинг умумий принципларининг аҳамияти беқиёс ошиб кетди.

Ҳуқуқнинг умумий принциплари давлатларнинг судлари томонидан ҳам қўлланилади. Ҳуқуқнинг умумий принциплари халқаро ҳуқуқнинг қандайдир алоҳида манбаини англатмайди. Улар одатий ҳуқуқ норма мақомини тан олиниши билан халқаро ҳуқуқ нормаси мақомига эга бўлади.

Халқаро ҳуқуқ мураккаб катта қўламли тизимни билдиради. **Халқаро ҳуқуқ** — давлатлараро муносабатларни тартибга солувчи юридик нормалар мажмуидан иборат. Ушбу тизимнинг ўзагини нормалари барча давлат учун мажбурий бўлган халқаро ҳуқуқ ташкил қилади. У умум эътироф этилган принциплар ва нормалардан иборат. Мазкур принциплар ва нормалар одат шаклида мавжуд бўлади. Зеро, истисносиз барча давлатлар иштирокидаги шартнома мавжуд эмас. Қатнашмайдиган давлат учун эса шартнома ҳеч қандай кучга эга эмас. Оддий нормалар ҳамма давлатлар томонидан эмас, балки аксарият кўпчилик давлатлар томонидан тан олиниши натижасида халқаро ҳуқуқ нормасига айланиши мумкин.

Икки ва кўп томонлама муносабатларни тартибга солишда шартномалар бош ролни ўйнайди. Шартномавий нормалар сони жиҳатидан халқаро ҳуқуқ нормаларидан кўпроқ, лекин улар сўнгги турдаги нормаларга таянади, хусусан уларнинг мажбурийлиги умумий ҳуқуқ принциплари — халқаро мажбуриятларни виждонан бажариш принципи билан белгиланади.

Халқаро ҳуқуқни системалаштириш ва кодификациялаш

Халқаро ҳуқуқ — конвенциявий ва оддий, умумий ва индивидуал, универсал ва локал халқаро-ҳуқуқий нормалар тизимидир.

Халқаро ҳуқуқ жуда мураккаб тизимга эга. Бироқ, халқаро ҳуқуқ миллий ҳуқуқ билан қиёслаганда нисбатан кучсиз тузилмага эга. Бу унинг нормаларини мунтазам равишда қандайдир ягона ёзма ҳужжат — кодекс (миллий қонунлар тўплами каби) ёки бир қатор ўзаро боғлиқ, лекин мустақил ҳужжат — кодекслар (фуқаролик, жиноят кодекслари ва шу сингарилар) йўқлигида кўринади.

Халқаро ҳуқуқни шундай ёритиш учун унинг нормаларини ёзма ҳужжатларда — шартномаларда, бошқача айтганда, оддий ҳуқуқий нормаларни ёзма равишда ёритиш ва уларни қандайдир бир ягона ҳужжатга ёки бир неча тегишли ҳужжатларга бирлаштиришни тақозо қилади. Бундай ишлар олиб борилмоқда, лекин бу борадаги ютуқлар тўғрисида гапиришга ҳали эрта.

Халқаро ҳуқуқ нормаларини системалаштириш инкорпорация ва кодификация тартибида амалга оширилиши мумкин.

Халқаро ҳуқуқни **инкорпорация** қилиш халқаро-ҳуқуқий нормаларни шундай қайта ишлашки, унда уларнинг моҳияти ўзгармаган ҳолда муайян тартибда жойлаштирилади. Халқаро ҳуқуқ нормаларининг шундай бирлаштирилиши турли тўпламларда, халқаро муносабатларнинг айрим масалалари бўйича кўп томонлама битимларда — савдо, транспорт, алоқа ва бошқаларда амалга оширилади.

Халқаро ҳуқуқни **кодификация** қилиш халқаро-ҳуқуқий нормаларни халқаро ҳуқуқ субъектлари томонидан системалаштиришни англатади. Кодификация қилиш фақат халқаро-ҳуқуқий нормаларни ягона тизимга солишни эмас, балки уларни янада аниқ ифодалашни ва халқаро одатларни шартнома шаклида акс эттиришни кўзда тутлади.

Расмий кодификация қилиш фақат халқаро шартномалар шаклида амалга оширилади. Бу маънода ҳозир фақат халқаро денгиз ҳуқуқи тўлиқ кодификация қилинган. Кодификация қилиш жараёнида БМТ алоҳида ўринга эга ва бу борада унинг Халқаро ҳуқуқ Комиссияси катта иш олиб бормоқда.

Халқаро ҳуқуқни кодификация қилиш халқаро ҳуқуқ нормаларини системалаштириш ва амалдаги нормаларнинг мазмунини мустаҳкамлаш ва аниқ ифодалаш йўли билан такомиллаштириш, эски нормаларни қайта кўриб чиқиш ва халқаро муносабатларнинг ривожланиши талабини ҳисобга олган ҳолда янгиларини ишлаб чиқиш ва ушбу нормаларни ягона ички мувофиқлаштирилган тартибда халқаро муносабатларнинг муайян соҳасини имкон қадар яхшироқ тартибга солишга йўналтирилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлашдан иборат.

Халқаро ҳуқуқни системалаштириш аввалдан халқаро-ҳуқуқий назариялар, доктриналар билан амалга оширилган. Аммо бундай системалаштириш, ҳатто, бир тарихий даврда ҳам ва муаллифларни айнан бир ҳуқуқий мактабга алоқадорлигидан қатъий назар, муқаррар равишда субъектив ва қўп вариантлидир.

Аввал уруш ҳуқуқи деб аталган халқаро можаролар ҳуқуқи халқаро ҳуқуқнинг икки қисмидан бирини ташкил этади, иккинчи қисмини эса тинчлик ҳуқуқи ташкил қилган.

Халқаро қуролли можаролар ҳуқуқи икки кичик тармоққа: ҳарбий ҳаракатларни олиб боришни тартибга солувчи ва уруш одатлари ва қонунлари деб юритилувчи соҳа (жанг олиб боришнинг маълум воситалари, усуллари қўллашни тақиқлаш) ва жанговар ҳаракатлар иштирокчилари (комбатантлар ва комбатант бўлмаганлар), шунингдек, босиб олинган ҳудуддаги тинч аҳоли фойдасига давлатларнинг зиммасига мажбурият юклайдиган, гуманитар ҳуқуқ деб аталадиган соҳага бўлинади.



Такрорлаш учун саволлар

- ◆ Халқаро ҳуқуқ нормалари тушунчасини беринг.
- ◆ Халқаро-ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси қандай?
- ◆ Халқаро ҳуқуқ нормалари қандай таснифланади (классификация қилинади)?
- ◆ Халқаро-ҳуқуқий институт нима?
- ◆ Халқаро ҳуқуқ манбалари нимани англатади ва уларнинг қандай турлари бор?
- ◆ Халқаро ҳуқуқни системалаштириш ва кодификация қилиш деганда нима тушунилади?
- ◆ Халқаро ҳуқуқнинг асосий манбаларига тавсиф беринг.
- ◆ Халқаро ҳуқуқ манбаларини яратишда БМТнинг роли қандай?
- ◆ Халқаро ҳуқуқ соҳаси тушунчасини беринг.
- ◆ Халқаро ҳуқуқнинг *jus cogens* нормасининг хусусиятлари нималардан иборат?

4-мавзу. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ СУБЪЕКТЛАРИ

- Халқаро ҳуқуқ субъекти тушунчаси.
- Давлат — халқаро ҳуқуқнинг асосий субъекти.
- Давлатларнинг ички ҳуқуқи ва халқаро ҳуқуқда суверенитет.
- Халқаро-ҳуқуқий тан олиш.
- Давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги.
- Давлатга ўхшаш тузилмалар — халқаро ҳуқуқ субъекти.
- Миллатлар ва халқлар — халқаро ҳуқуқ субъектлари сифатида.
- Халқаро ташкилотлар — халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида.
- Ўзбекистон Республикаси — халқаро ҳуқуқ субъекти.

Халқаро ҳуқуқ субъектлари тушунчаси

“**Ҳуқуқ субъекти**” тушунчаси давлат ва ҳуқуқ назариясида ишлаб чиқилган бўлиб, давлатларнинг ички ҳуқуқи ёки халқаро ҳуқуққа нисбатан эмас, балки умуман ҳуқуққа нисбатан қўлланилади.

Халқаро ҳуқуқ маълум халқаро муносабатларни тартибга солади, бунинг натижасида улар халқаро-ҳуқуқий муносабатга айланади. Халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинган халқаро-ҳуқуқий муносабатларнинг қатнашчилари халқаро ҳуқуқ субъектлари деб аталади.

Ҳуқуқий муносабатлар бошқа ижтимоий муносабатлардан шуниси билан фарқланадики, уларнинг иштирокчилари — субъектлари ҳуқуқ меъёрларида белгиланган юридик ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Ҳуқуқ меъёри асосида субъектга тегишли бўлган муайян юридик ҳуқуқ унинг *субъектив ҳуқуқи* ҳисобланади. Унга халқаро ҳуқуқда ҳар доим бошқа халқаро — ҳуқуқий муносабат субъектининг *субъектив мажбуриятлари* қарама-қарши туради.

Ҳуқуқ меъёрлари тизими объектив маънодаги ҳуқуқ ёки объектив ҳуқуқ деб юритилади. Халқаро ҳуқуқ том маънода объектив ҳуқуқ ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқ субъектлари — халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан субъектив ҳуқуқ ва субъектив мажбуриятларга эга бўлган халқаро-ҳуқуқий муносабатлар қатнашчиларидир.

Давлатлар дипломатик ваколатхоналарининг иммунитетлари ва имтиёзлари, юридик мақоми тўғрисидаги меъёрларни кодификация қилган 1961 йилдаги Дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена Конвенцияси халқаро-ҳуқуқий муносабатларнинг потенциал ишти-

рокчилари, яъни барча давлатлар ўртасидаги тегишли муносабатларни кўзда тутди. Бироқ, А ва Б давлатлари ўртасидаги бундай халқаро ҳуқуқий алоқаларни амалга ошириш учун улар нафақат ушбу Конвенция қатнашчилари бўлиши зарур, шунингдек, маълум бир юридик факт мавжуд бўлиши, яъни: ушбу давлатлар ва доимий дипломатик ваколатхона муассасалари ўртасида ўзаро келишувга мувофиқ дипломатик алоқалар ўрнатилиши зарур (Конвенциянинг 2-моддаси). Бунгача улар ҳар қандай бошқа давлат каби тегишли ҳуқуқий муносабатларнинг потенциал субъектларигина бўлиши мумкинлигини англаш қийин эмас. Айнан шундай потенциал имконият уларни тегишли юридик факт мавжуд бўлган тақдирда халқаро ҳуқуқий муносабатларнинг реал субъектига айлантиради.

Халқаро ҳуқуқ субъектлари — халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган, шунингдек, тегишли ҳуқуқий муносабатларнинг реал қатнашчилари бўлиши мумкин бўлган тарафлар, шахслардир.

Халқаро ҳуқуқда “**бурч**” атамаси ўрнига “**мажбурият**” атамаси қўлланилади, чунки тегишли мажбуриятлар фақат халқаро-ҳуқуқий меъёрлар билан тартибга солинган ижтимоий муносабатларнинг потенциал иштирокчиларининг розилиги билангина мажбурият тусини олади. Хусусан, бу халқаро-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг бир-биридан юридик мустақиллигини, юридик мажбурий бўлган хатти-ҳаракат қоидаларини белгиловчи, ўзига бўйсундирувчи ташқи ҳокимиятнинг йўқлигида ўз ифодасини топади.

Агар “**халқаро ҳуқуқ субъекти**” атамаси узоқ вақт давомида фақат халқаро ҳуқуқ назариясида фойдаланиб келинган бўлса, сўнги вақтларга келиб халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам, хусусан БМТ доирасида қабул қилинган универсал конвенцияларда фойдаланилмоқда. Масалан, 1986 йилдаги давлатлар ва халқаро ташкилотлар ёки халқаро ташкилотлар ўртасидаги шартнома ҳуқуқи тўғрисидаги Вена Конвенциясининг 3-моддасида “битта ёки бир неча давлатлар ўртасида, битта ёки бир неча халқаро ташкилотлар ва бир ёки бир неча давлат ёки халқаро ташкилот ҳисобланмайдиган халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасида тузилган халқаро битимлар тўғрисида сўз боради”. Бошқача айтганда, давлатлар, халқаро ташкилотлар ва халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган қандайдир бир ижтимоий тузилмалар халқаро ҳуқуқ субъекти ҳисобланиши белгиланган.

Халқаро ҳуқуқ субъекти — халқаро ҳуқуқнинг умумий меъёрларига ёки халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабига мувофиқ пайдо

бўладиган халқаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар эгасидир. Шунингдек, бу хатти-ҳаракатлари тўғридан-тўғри халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ва халқаро-ҳуқуқий муносабатларга киришадиган ёки кириши мумкин бўлган шахсдир.

Халқаро ҳуқуқ фанида **бирламчи** ва **иккиламчи** (ҳосилали) халқаро ҳуқуқ субъектларига бўлинади. Бундай фарқланиш — объектив воқелик, табиий-тарихий жараёни ва ҳозирги халқаро ҳуқуқнинг ривожланиши натижасидир.

Бирламчи халқаро ҳуқуқ субъектлари — аввало давлатлар ва айрим ҳолларда халқлар ва миллатлардир. Улар ижтимоий организм сифатида пайдо бўлиб, муқаррар равишда ўзаро алоқа ўрнатади, ўзи учун ўзаро халқаро муомала қондасини яратади.

Иккиламчи (ҳосилали) халқаро ҳуқуқ субъектлари бирламчи субъектлар томонидан яратилади. Уларнинг халқаро ҳуқуқий лаёқатининг ҳажми унинг ташкилотчиларининг ихтиёри ва мақсадига боғлиқ. Бу ҳукуматлараро ташкилот бўлиши ҳам мумкин ёки эркин шаҳарлар сингари давлатга ўхшаш тузилма бўлиши ҳам мумкин. **Ташкилотчилар уларни ўз номидан давлатлараро муносабатларга киришиш ҳуқуқини беради.**

Давлат — халқаро ҳуқуқнинг асосий субъекти

Узоқ вақт давомида давлатлар халқаро ҳуқуқий муносабатларнинг ягона субъекти бўлиб келган. Ҳозирги халқаро ҳуқуқ меъёрлари ҳамон аксарият, давлатлар ўртасидаги, шунингдек, давлатлар билан халқаро ташкилотлар ва бошқа халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солади. Шу боис, **давлатлар — халқаро ҳуқуқнинг асосий субъектларидир** ва халқаро ҳуқуқий муносабатларнинг асосий реал иштирокчиларидир, чунки улар доимий равишда бир-бири билан, халқаро ташкилотлар ва бошқа халқаро ҳуқуқ субъектлари билан ўзаро муносабатда бўлиши зарур.

Халқаро ҳуқуқда **“давлат”** атамасининг умумий тушунчаси берилмаган. Лекин, бу тушунча юридик жиҳатдан ҳар қандай давлатга хос бўлган умумий хусусиятдан — **суверенитет** тушунчасидан келиб чиқади. Хусусан, халқаро ҳуқуқнинг барча субъектларига ҳар қандай давлатнинг суверенитетини ҳурмат қилиш, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, халқаро муомалада давлатларнинг суверен тенглигидан келиб чиқиш мажбуриятларини белгилайди.

Давлатлар — халқаро ҳуқуқнинг асосий ва бирламчи субъекти, шунингдек, халқаро муносабатлар фаол иштирокчисидир. Халқаро-ҳуқуқий маънода давлат уч элемент —

биринчидан, муайян ҳудуд,

иккинчидан, унда яшайдиган аҳоли,

учинчидан, сиёсий ташкилот(ҳокимият) бирлигини намён қилади.

Халқаро майдонда давлат сиёсий ҳокимият ташкилоти сифатида, айниқса, унинг олий органи номидан халқаро ҳуқуқ субъекти бўлиб, давлатнинг расмий вакили сифатида чиқади. Давлатнинг халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида характерловчи асосий белгиси давлат суверенитети ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида давлатнинг бирламчилиги шундаки, улар ҳеч ким томонидан, ташкил қилинмайди, улар объектив тарихий реаллик сифатида мавжуддир. Бошқа томондан, давлатлар ўзлари халқаро ҳуқуқнинг иккиламчи (ҳосилали) субъекти — халқаро ташкилотларни ташкил қилиши мумкин.

Бирламчи субъект сифатида давлатлар универсал халқаро ҳуқуқ лаёқатига эга. Бирламчилик давлатнинг халқаро ҳуқуқни асосий субъекти сифатидаги ролини белгилайди. Айнан давлатлар халқаро ҳуқуқ меъёрларини ишлаб чиқади, уларни бузганлик учун жавобгарликни, халқаро ҳуқуқий тартиботни ва халқаро ташкилотларнинг функцияларини белгилайди. Давлатларнинг ушбу имкониятлари ўзлари томонидан яратилган халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва меъёрларидан бошқа ҳеч нима билан чегараланмаган. Мазкур тамойиллар ва меъёрларга мувофиқ давлатлар халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида халқаро ҳужжатларда, хусусан БМТ Уставида мустаҳкамлаб қўйилган асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Бироқ, ҳанузгача бундай ҳуқуқ ва мажбуриятлар рўйхати ишлаб чиқилмаган.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ доктринаси давлатларнинг қуйидаги асосий ҳуқуқларини ажратади:

— мустақиллик ва ўзининг қонуний ҳуқуқларини эркин амалга ошириш;

— ўз ҳудуди устидан ва унинг доирасида халқаро ҳуқуқ томонидан тан олинган иммунитетларга риоя қилган ҳолда барча шахслар ва бошқа нарсаларга нисбатан ўз юрисдикциясини амалга ошириш;

— бошқа давлатлар билан тенг ҳуқуқлилиқ;

— қуролли босқинчиликка нисбатан яқка ва жамоа тартибида ўзини мудофаа қилиш.

Асосий мажбуриятлар:

-бошқа давлатларнинг ички ва ташқи ишларига аралашмаслик;

- инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш;
- ўз ҳудудида шундай шароит белгилаш лозимки, унда халқаро тинчликка хавф туғдирмаслиги лозим;
- бошқа давлатлар билан низоларни тинчлик йўли билан ҳал қилиш;
- куч ишлатмаслик ёки куч билан бошқа давлатларнинг ҳудудий яхлитлигига ва сиёсий мустақиллигига ёки халқаро ҳуқуққа зид бўлган бошқа тарзда тажовуз қилмаслик;
- ўз мажбуриятларини бузаётган давлат ёки БМТ томонидан огоҳлантирувчи ёки мажбурловчи чора қўлланилаётган давлатга ёрдам кўрсатмаслик;
- ўз халқаро мажбуриятларини виждонан бажариш сингари ҳолатларни киритиш мумкин.

Халқаро ҳуқуқ учун давлатларни оддий(унитар)га ва мураккабга бўлиш маълум аҳамиятга эга.

Давлатнинг ҳудудий-ташкилий тузилмаси турли хил бўлиши мумкин. Давлат тузилишининг **оддий(унитар)** ва **мураккаб(федератив ва конфедератив)** шакллари фарқланади.

Унитар давлатлар жойлардаги ҳокимият органлари тўлиқ бўйсундирилган юқори давлат ҳокимияти органларининг яхлит тизимини билдиради. Унитар давлат ҳудуди сиёсий мустақилликка эга бўлмаган маъмурий-ҳудудий бирликларга бўлинади. Бу ҳолда фақат давлат яхлит тузилма сифатида халқаро ҳуқуқ субъекти бўлади.

Унитар давлат — давлатнинг ҳудудий ташкилланишининг икки шаклидан биридир. Давлат, агар бу давлатнинг кўп қисми давлат тузилмаси мақомига эга бўлмаса унитар (оддий) ҳисобланади. Унитар давлат таркибида алоҳида автоном миллий-давлат, шу жумладан ўз давлатчилик белгиларига эга бўлган тузилмаси бўлиши мумкин (масалан, унитар Украина таркибида Крим Республикасининг мавжудлиги). Унитар давлатда фақат ягона Конституция, бир фуқаролик, юқори давлат ҳокимияти органларининг ягона тизими мавжуд бўлади. Унитар давлатнинг таркибий қисмлари аксарият ҳолларда маъмурий-ҳудудий бўлинма мақомига эга: улар марказий орган томонидан қабул қилинган қонунлар асосида бошқарилади, уларнинг ҳудуди оддий умумдавлат қонуни асосида, маҳаллий органлар ва маҳаллий аҳолининг розилигисиз ўзгартирилиши мумкин.

Унитар давлатнинг икки тури: марказлаштирилмаган (децентрализованный) ва марказлашган тури мавжуд. Биринчи турдаги давлатларда минтақавий органлари марказий органдан мустақил равишда тузилади. Шунинг учун уларнинг ўртасидаги юридик муно-

сабатлар марказлашмаган асосда қурилади (Буюк Британия, Янги Зеландия, Япония, Испания, Италия). Иккинчи турдаги унитар давлатларда минтақавий органларнинг марказга бўйсунishi бевосита марказ томонидан тайинланадиган мансабдор шахслар орқали амалга оширилади (Нидерландия, Қозоғистон).

Федерация мураккаб давлат тузилмасини билдиради. Унитар давлатдан фарқли ўлароқ федерация аъзолари (штатлар, ерлар, вилоятлар, кантонлар, миллат номи билан ҳам юритилиши мумкин) муайян мустақилликга эга. Шу билан бирга федерация аъзоларининг мустақиллиги халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида тан олиш учун етарли эмас. Федерация яхлит давлат тузилмаси сифатида халқаро ҳуқуқ субъекти ҳисобланади.

Федератив давлат (Бирлашмалар, Иттифоқлар) — ўзидан мураккаб (иттифоқ) давлатни англатувчи, юридик жиҳатдан муайян сиёсий мустақилликка эга бўлган давлат тузилишининг шаклидир. Федератив давлатни ташкил қилувчи давлат тузилмалари (штатлар, ерлар, вилоятлар) федерация субъекти ҳисобланади ва ўзининг маъмурий-ҳудудий бўлинмасига эга. Унитар давлатдан фарқли равишда федерацияда юқори ҳокимият органининг икки тизими — федерал органлар ва федерация аъзоларининг тегишли органлари мавжуд. Федерал органлар мамлакатнинг бутун ҳудудида ўз функцияси ва ваколатларини амалга оширади. Федерацияни ташкил қилувчи давлат тузилмалари туб маънодаги давлат эмас. Улар суверенитет, бир томонлама ташаббус билан иттифоқдан чиқиш, юридик жиҳатдан халқаро муносабатларда иштирок этиш ҳуқуқларига эга эмас. Иттифоқ Конституциясини ёки қонунчилигини бузган тақдирда марказий ҳокимият федерация субъектига нисбатан мажбурий чоралар қўлаши мумкин. Федерациянинг мажбурий элементларидан бири икки палатали федерал парламенти тузилмасидир. Одатда федерация аъзолари ўз Конституциясига эга бўлади.

Миллий омилларнинг ролига қараб федерация тузилмаси ҳудудий асосда (АҚШ, Австралия, Австрия, ГФР, Венесуэла, Бразилия, Мексика), миллий асосда (Ҳиндистон, Бельгия, Нигерия, Покистон) ва аралаш миллий-ҳудудий асосларда (Россия, Швейцария, Канада) бир-бирдан фарқланади.

Давлат ва ҳуқуқ назариясида айрим вақтларда конституциявий федерация (АҚШ, Канада, Бразилия), конституциявий-шартномавий (Россия) ва шартномавий (Швейцария, Танзания Бирлашган Республикаси, Бирлашган Араб Амирлиги) федерацияларга ажратилади ҳамда марказлашган федерация (масалан, Ҳиндистон, унда

биттасидан бошқа штаталарда ўз Конституцияси ва фуқаролигига эга эмас) билан марказлашмаган федерация (АҚШ, ГФР, Швейцария)ларга ажратилади.

Конфедерация — умумий масалалар (ўзаро муносабатлар, ташқи алоқалар, давлат хавфсизлиги ва бошқалар)ни ҳал қилишга қаратилган умумий қонуний маслаҳат органини тузувчи суверен давлатлар иттифоқидир. Туб маънодаги конфедерация халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида тан олинмайди, фақат конфедерация аъзолари — суверен давлатлар тенг ҳуқуқли субъект ҳисобланади.

Конфедерация — давлатлар иттифоқининг шакли бўлиб, иттифоққа кирувчи давлатлар ўз суверенитетини тўлиқ сақлаб қолади. Конфедерация ўзида халқаро-ҳуқуқий ҳамда давлат ташкилоти хусусиятларини мужассамлаштиради.

Бугунги кунда жаҳонда фақат битта конфедерация — Европа Ҳамжамияти мавжуд. Турли даврларда конфедерация бўлган: 1918 йилгача Австро-Венгрия, 1905 йилгача Швеция ва Норвегия, 1781 йилдан то 1789 йилгача АҚШ, 1815 йилдан 1848 йилгача Швейцария, 1958 йилдан 1961 йилгача Миср ва Сурия ва 1982 йилдан 1989 йилгача Гамбия ва Синегал давлатлари конфедерация ташкил қилганлар.

Конфедерация тарихининг тажрибаси шуни кўрсатадики, ушбу давлат қурилиши шакли фақат иттифоқнинг батамом тугаши ёки давлат қурилишининг федерация шаклига ўтиши даври учун хосдир.

Конфедератив давлат қурилиш шакли учун куйидаги хусусиятлар характерлидир:

1. Конфедерация тегишли шартнома асосида ташкил қилинади.
2. Конфедерация субъектлари ундан эркин чиқиш ҳуқуқига эга.
3. Конфедерацияда **суверенитет уни таркибига кирувчи давлатларга** тегишлидир. Конфедерация субъектларининг розилигисиз иттифоқ ҳокимиятининг қарори ҳеч қандай кучга эга эмас.
4. Конфедерация ихтиёридаги масалалар (уруш ва тинчлик, ташқи сиёсат, ягона армия тузиш каби масалалар) тор доирага эга.
5. Конфедерацияда фақат шартномада алоҳида кўрсатилган масалаларни ечишга ваколатли бўлган давлат органларигина тузилади. Хусусан, суд органлари тузилмайди.
6. Конфедерация парламенти субъектларининг вакиллик органлари томонидан тузилади, улар депутатларидан ўзларига берилган кўрсатма ва йўриқномаларга қатъий риоя қилишни талаб қилади.
7. Конфедерациянинг доимий фаолият кўрсатадиган давлат органлари буйруқ бериш ваколатларига эга эмас.

8. Конфедерация субъектларига нулификация ҳуқуқи берилади, яъни Иттифоқ ҳокимиятининг қарорларини қўллашдан бош тортиш ёки тан олмаслик.

9. Конфедерация бюджети субъектларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан тузилади.

10. Конфедерация субъектлари шахслар, товарлар, хизмат ва капиталларнинг ҳаракатини чекловчи божхона ва бошқа турдаги чеклашларни белгилаш ҳуқуқига эга.

11. Одатда конфедерацияда ягона пул муомаласи тизими мавжуд эмас.

12. Ҳарбий тузилмалар конфедерация субъектлари томонидан йиғилади, бунда кўп ҳолларда уларнинг икки томонлама, конфедерация органларига ва унинг субъектига бўсуниш сақланиб қолади.

13. Конфедерацияда иттифоқ фуқаролиги мавжуд эмас.

Давлатларнинг ички ҳуқуқи ва халқаро ҳуқуқда суверенитет

Давлатларнинг ички ҳуқуқида ва халқаро ҳуқуқда суверенитетнинг роли ва ўрни масаласи муҳим аҳамият касб этади.

Суверенитет — кўп маъноли тушунча. Унинг бир неча жиҳатлари мавжуд. Аввалом бор, бу — **халқ суверенитети**. Сўнг бу — **миллатларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқи**. Ва ниҳоят бу — **давлат суверенитетидир**.

Кўрсатиб ўтилган тушунчалар қанчалик бир-бирига яқин бўлмасин, уларнинг ҳар бири мазкур муаммонинг муайян жиҳатларини таъкидлаб, биринчи даражага чиқаради. Шу боис, суверенитетни давлатга, халққа ва миллатга бирдай тааллуқли бўлган ягона тушунча сифатида асослайдиган муаллифларнинг фикрига қўшилиб бўлмайди.

Ҳақиқатан ҳам халқ суверенитети, миллий суверенитет ва давлат суверенитети — айнан бир тушунча эмас. Улар турли ижтимоий воқеликнинг хусусиятлари бўлиб, шу билан бирга бу тушунчалар маълум бир умумийликка эга. Ушбу тушунчалар ичида **халқ суверенитети** бирламчи ҳисобланади. Миллий суверенитетга ҳар доим миллатга доир хусусият сифатида ёндашиб бўлмайди, унга миллатларнинг тенг ҳуқуқийлиги сифатида тушунилиши лозим. Умуман олганда халқаро ҳуқуқда “миллат”нинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқи йўқ, фақат “халқ”нинг бундай ҳуқуқи мавжуд (БМТ Уставининг 1-модда 2-банди).

Давлат суверенитети — давлатнинг эмас, балки давлат ҳокимиятининг устуворлиги ва мустақиллигидир. “Давлат” ва унинг “ҳокимияти” турли тушунча ва категория ҳисобланади. Давлат суверенитети мамлакат ичкарисида ва ташқарисидаги давлатнинг фаолияти ёрдамида амалга оширилади. Давлат суверенитетининг ушбу икки жиҳати, яъни: **биринчидан**, давлат ҳокимиятининг мамлакат ичида устуворлиги, **иккинчидан**, бошқа давлатларнинг суверен ҳуқуқлари ва умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва меъёрларига риоя қилган ҳолда ташқи алоқаларда мустақиллиги — яхлит ва ажралмасдир.

Давлат суверенитети кенгайтирилиши ҳам камайтирилиши ҳам мумкин эмас, чунки унга нисбатан бевосита саноқ мезонларини умуман қўлаб бўлмайди. Давлат суверенитети давлатнинг суверен ҳуқуқи билан боғлиқ бўлиши мумкин эмас, бироқ шу билан бирга айнан суверен ҳуқуқларнинг тўлиқлиги билан таъминланади.

Давлат суверенитети билан боғлиқ тарзда “иқтисодий суверенитет” ва “сиёсий суверенитет” тушунчаларидан ҳам фойдаланилади. Давлатнинг **иқтисодий суверенитети** деганда халқни ўз миллий бойликларини мустақил тасарруф қилиш, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш мақсадларида ўз табиий ресурсларидан фойдаланиш усулларини эркин белгилаш англашилади. У ўз табиий ресурслари устидан мутлақ назоратни амалга ошириш ва иқтисодиётнинг барча соҳаларидаги ҳар қандай корхоналар фаолияти ички юрисдикциясига олишини билдиради.

Давлатнинг **сиёсий суверенитети** мамлакат халқининг ўз иродасини эркин ифодалашни акс эттиради. “Халқ” тушунчасига албатта, миллатидан қаъти назар, ушбу мамлакатнинг барча фуқаролари киради. Табиийки, бундай кўпмиллатли оилада давлатга ўз номини берган миллат белгилловчи аҳамиятга эга. Умуман, аксарият ҳолларда “сиёсий” ва “давлат суверенитети” тушунчалари синоним сифатида қўлланилади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ушбу тушунчаларга бўлган муносабат “униси ёки буниси” деган тамойил бўйича қаралиши мумкин эмас. Улардан бирини илмий муомала тилида ишлатилиши иккинчи тушунчани инкор қилиш деб ҳисобланмайди. Бу ўринда сўз ўзаро алоқадор тушунчалар хусусида кетмоқда, улардан бири иккинчисига қараганда бир мунча тор маънода, лекин ўзининг мустақил мазмунига эга.

1913 йилда ер қуррасида 57 давлат мавжуд эди. Ҳозирга келиб уларнинг сони икки юзга яқинлашади. Бошқача сўз билан айтганда, XX асрнинг иккинчи яримида ер қуррасидаги давлатларнинг сони

уч бараварга ошди. Ушбу омилнинг ўзи бизнинг давримизга келиб ижтимоий-сиёсий ривожланиш халқларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқи, давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши ва жамият ҳаётининг давлат-ҳуқуқий шаклидан фойдаланиши билан узвий боғлиқдир.

Бироқ, сўз саноқ кўрсаткичларида эмас, бундан ташқари давлатларнинг сони кейинчалик ҳам сезиларли кўпайиши эҳтимолдан йироқ. Яна шуниси муҳимки, давлатлар томонидан амалга оширилаётган функциялар доираси кенгайди, жамият ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан иқтисодий ҳаётида ҳуқуқнинг роли ошди. Бинобарин, давлат ҳокимиятининг зарурий хусусияти сифатида суверенитет ролининг ўсиш жараёни кузатилмоқда. Бундай жараён турли шакларда ўтади ва турли мамлакатларда турли хил оқибатларга олиб келади. Лекин, ҳамма жойда суверенитет муаммоси мазкур жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий тизимининг марказида туради.

Суверенитет ролининг ошиб бориши давлатларнинг ички ҳуқуқида ҳам ўз ифодасини топади. Аввалгидек, миллий ҳуқуқий тизимни шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий йўлларидан бири сифатида хизмат қиладиган, одат ҳуқуқининг даври ўтди.

Суверенитетни давлатларнинг ички ҳуқуқидаги роли хусусида юқорида гапирилганлар суверенитетнинг халқаро ҳуқуқдаги роли ва ўрнига ҳам тегилишидир.

Суверенитет юридик жиҳатдан умум эътироф этилган халқаро муносабатлар ва ўзаро алоқалар тизимида муҳим роль ўйнайди. Давлат ва унинг суверенитети билан халқаро ҳуқуқнинг ривожланиши ҳам чамбарчас боғлиқдир, чунки, **биринчидан**, халқаро ҳамжамятнинг асоси аввалгидан ҳам кўпроқ ҳозирги суверен давлатлар ҳисобланади, **иккинчидан** халқаро тартибот авваломбор давлатларнинг келишувига асосланади.

Албата халқаро ҳуқуқ ривожланишида муҳим роль ўйнайдиган умумжаҳон ва минтақавий — халқаро ташкилотларни эътиборга олмаслик мумкин эмас, лекин улар ҳам суверен давлатларнинг ёки бир гуруҳ давлатларнинг мувофиқлаштирилган фаолияти натижасидир. XX асрнинг иккинчи ярмидаги тарихий ривожланиш давлат суверенитетини илмий(доктринал) танқид қилиш, “давлатлардан юқори турувчи жаҳон ҳамжамияти”га ўтиш талабларининг мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатди.

Давлат суверенитетини амалга оширишда ҳуқуқ юқори роль ўйнайди, шунингдек, давлатларнинг ички ҳуқуқи ва халқаро ҳуқуқ уни амалга оширишнинг икки асосий шакли ҳисобланади.

Миллий давлатлар томонидан халқаро ҳуқуқ тамойилларини тан олиш ва шу билан уларни давлатларнинг ички ҳуқуқига киритишнинг турли юридик шакллари мавжуд. Халқаро ҳуқуқ меъёрларини давлатларнинг ички ҳуқуқига имплементация қилишнинг уч йўналишини ажратиш мумкин:

биринчидан, Конституцияда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойил ва меъёрларини тан олиш;

иккинчидан, давлатлар томонидан тузилган халқаро шартнома ва битимлар меъёрлари;

учинчидан, минтақавий иттифоқларнинг ҳуқуқлари аъзо-давлатларнинг ҳуқуқий тизимларига нисбатан. Бироқ, таъкидлаб ўтиш жоизки, халқаро-ҳуқуқий меъёрларнинг амалий роли турли давлатларнинг ички давлат ҳуқуқи тизимидаги кўрсатиб ўтилган шаклларида ҳар доим ҳам унчалик аҳамиятга эга эмас.

Халқаро-ҳуқуқий тан олиш

Тан олиш — давлатнинг ихтиёрий равишда, бир томонлама қабул қилган ҳужжатиدير. Унда давлат тўғридан-тўғри ёки билвосита бирон-бир давлатни халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида тан олиши ва у билан расмий муносабат ўрнатиш мақсади борлиги ёки давлатда ёхуд унинг бир қисмида ғайриконституциявий йўл билан келган ҳокимиятни халқаро муносабатларда ушбу давлатнинг ёки шу ҳудудда яшайдиган халқнинг вакили сифатида самарали иштирок этиши мумкин деб ҳисоблаши тўғрисида баёнот беради.

Тан олиш мажбурияти мавжуд эмас. Бу — давлатларнинг ҳуқуқидир.

Халқаро-ҳуқуқий тан олиш — халқаро ҳуқуққа мувофиқ давлатлар томонидан янги давлатни ёки ҳукуматни ёхуд расмий ёки норасмий, тўлиқ ёки қисман, доимий ёки вақтинчалик муносабатларни ўрнатиш мумкин бўладиган бошқа давлат органини тан олишдир. Қуйидагилар халқаро-ҳуқуқий тан олишнинг турлари ҳисобланади:

- 1) давлатни тан олиш;
- 2) ҳукуматни тан олиш;
- 3) кўзгалон кўтарган тарафни тан олиш;
- 4) миллий озодлик органларини тан олиш;
- 5) қаршилик кўрсатиш органлари ва бошқаларни тан олиш.

Шундай тан олишнинг ҳозирги дипломатик амалиётда энг кўп тарқалган шакли у ёки бу давлат ҳукуматлари томонидан мавжуд давлатнинг янги ҳукумати билан ёки янги пайдо бўлган давлатнинг ҳукумати билан дипломатик алоқалар ўрнатиш ёки унга розилик бериш ҳисобланади.

Халқаро-ҳуқуқий тан олишнинг де-юре ва де-факто шакллари анъанавий ҳисобланади.

Ҳеч қандай шартсиз расмий тан олиш тўғрисидаги, де-юре ва де-факто тан олиш тўғрисидаги, дипломатик алоқалар ўрнатиш ёки шунга рози бўлиш ҳақидаги баёнотлар **расмий тан олиш** ҳисобланади.

Норасмий тан олиш у ёки бу давлатнинг ҳукумати расмий равишда тан олинмаган мамлакат ҳукумати билан алоқага кириши, баъзан **ad hoc** халқаро-ҳуқуқий тан олиш деб аталадиган, бир бирини тан олмайдиган давлатлар томонидан халқаро конференцияларда ёки халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик қилиши ҳисобланади.

Тан олаётган тараф томонидан тан олинган тараф билан зарурат бўлганда бевосита халқаро-ҳуқуқий муносабатларга кириш ниятини тасдиқловчи гувоҳнома — халқаро-ҳуқуқий тан олишни расмийлаштирувчи ҳужжатдир. Шу билан бирга бу янги давлат ва ҳукуматни тузиш воситаси ҳисобланмайди.

Ҳукуматни тан олиш — давлатлар томонидан бирон-бир мамлакатнинг ғайриконституциявий йўл билан ҳокимиятга келган ҳукуматни тан олишдир. Расмий тан олишнинг икки шакли — **де-факто(de-facto) ва де-юре(de-jure)** мавжуд.

Де-факто тан олиш — мавжуд давлат ва ҳукуматлар томонидан у ёки бу мамлакатда янги пайдо бўлган давлат ёки ҳукуматни тан олишнинг анъанавий шаклларида бири ҳисобланади. Бундай тан олишнинг сабабларини кўрсатиш талаб қилинмайди. Одатда де-факто тан олиши тан олаётган давлат янги ҳукуматни ёки давлатнинг ўзини етарли даражада узоқ яшаши мумкинлигига ишончсизлик билан қараганда қўлланилади ёхуд маълум вақт ўтгунга қадар янги халқаро ҳуқуқ субъектини ёки унинг ҳукуматини расман ва тўлиқ тан олиш нияти йўқлигини ифодалайди. Де-факто тан олишда дипломатик алоқалар ўрнатиш шарт эмас. Де-факто тан олиш айрим ҳолларда консуллик муносабатларини ўрнатишга олиб келиши мумкин, лекин бу мажбурий қоида эмас. Бу тан олаётган давлат мазкур ҳукуматнинг мавжудлиги билан ҳисоблашади ва у билан бирон-бир масала бўйича алоқа қилиши мумкинлиги англатади. Де-факто тан олинган давлат билан ҳамкорлик турли соҳаларда бўлиши мумкин, чунки бундай тан олиш натижасида халқаро муносабатларда суверен давлат

сифатида қатнашади. Де-факто тан олиш де-юре тан олишдан кўп фарқ қилмайди (АҚШ ҳукумати томонидан 1919 йил 7 майдаги Финландияни де-факто тан олиши шу билан характерлики, 1920 йил 12 январда берилган тушунтириш бўйича бу тўлиқ тан олиш ҳисобланади).

Де-юре тан олиш — тўлиқ, ҳал қилувчи тан олишдир. У одатда дипломатик алоқалар ўрнатишга олиб келади.

Де-юре тан олиш — мамлакатда вужудга келган янги давлат ёки ҳукуматни халқаро майдондаги мавжуд давлатлар ҳамда ҳукуматлар томонидан расмий тан олишнинг анъанавий шаклларида биридир. Тан олишнинг бу тури тан олувчи давлатнинг мазкур давлат билан тўлиқ дипломатик муносабатларни ўрнатишга тайёр эканлигини ифодалайди.

Халқаро амалиётда бундай тан олиш, одатда, қачонки, тан олувчи давлат тан олинувчи давлатнинг келиб чиқиши қонунийлигига шубҳа қилмаса ёки мавжуд шароит уни тан олинувчи давлат билан нормал дипломатик муносабатлар ўрнатиш ва ҳамкорликни йўлга қўйишни талаб қилса юз бериши мумкин.

Де-юре тўлиқ расман тан олишдир. Де-юре тан олиш оқибатида давлатлар олий тоифадаги дипломатик вакиллар билан алмашади-лар, тан олинувчи давлатнинг ҳорижда маълум мулк ва бошқа қимматбаҳо буюмларни таассаруф қилиш ҳуқуқи ҳамда уни тан олувчи давлат юрисдикциясидан иммунитетни тан олинадилар ва ҳ.к. Бироқ баъзан маълум шарт (оговорка) илова қилиниши ҳам мумкин (масалан, тан олинадиган ҳокимиятни эътироф этишнинг ҳудудий чегаралари тўғрисида (1924 йилда Буюкбритания билан СССР, 1950 йилда — ХХР) ёки халқаро мажбуриятларга нисбатан (1947 йилда Буюкбритания билан Болгария Халқ Республикаси)).

Давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги

Давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги — бир давлатга тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бошқасига ўтишидир. Давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги тўғрисидаги масала:

биринчидан, ижтимоий инқилоб натижасида ижтимоий тузумнинг алмашиниши юз берганда (масалан, 1949 йилда Хитой ҳудудида ХХР эълон қилиниши);

иккинчидан, миллий-озодлик кураши натижасида янги мустақил давлатнинг вужудга келиши (1993 йилда Эритреяни Эфиопиядан ажраб чиқиши);

учинчидан, ўтмишдош — давлат ҳудудида бир неча янги давлатларнинг пайдо бўлиши (1991 йилда СССР ва СФРЮнинг парчаланиб кетиши) ва икки ёки бир неча давлатларнинг бирлашиши натижасида янги давлатнинг вужудга келиши (1990 йилда икки Германиянинг ҳамда 1991 йилда икки Яманнинг бирлашиши) натижасида юзага келади.

Давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги янги давлатлар учун муайян юридик оқибатларга эга. Чунки бунинг натижасида халқаро шартномаларни қайта кўриб чиқиш ва уларни денонсация қилиш, халқаро ташкилотларга аъзолик, мулкка бўлган мерос ҳуқуқи каби масалаларни қайтадан кўриб чиқиш эҳтиёжи туғилади.

1978 йилда *Шартномаларга нисбатан давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги тўғрисида Вена конвенцияси* қабул қилинди (ҳали кучга кирмаган). Конвенция куйидаги ҳолатларда вужудга келадиган давлатларни шартномаларга нисбатан ҳуқуқий ворислигини тартибга солади:

биринчидан, аввалги тобе ҳудудларда янги мустақил давлатни ташкил топиши;

иккинчидан, бир неча давлатларнинг бирлашиши ёки давлатни бир неча мустақил давлатларга бўлиниб кетиши;

учинчидан, келишувга мувофиқ бир давлатга тегишли ҳудуднинг бир қисмини бошқа бирига бериши.

Конвенцияда қатор ижобий элементлар:

— янги мустақил давлатнинг ўз халқаро-ҳуқуқий алоқаларини мустақил белгилаш ҳуқуқи;

— озодликка эришган давлатнинг ўз табиий бойликларига нисбатан ажралмас суверенитетини тасдиқлаш;

— ўз юрисдикцияси остида бўлмаган ҳудудларда чет эл ҳарбий базаларини барпо этишнинг ноқонунийлиги;

— меросхўр-давлатнинг халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган меъёрларига риоя қилиш мажбуриятини мустаҳкамланиши мавжуд.

1983 йилда *Давлат мулки, давлат архивлари ва давлат қарзларига нисбатан давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги тўғрисидаги Вена конвенцияси* қабул қилинди (ҳали кучга кирмаган). Ушбу Конвенциянинг давлат мулки тўғрисидаги қисмидаги муҳим қоида (9-модда) — ўтмишдош-давлат мулкининг меросхўр-давлатга ўтиши билан унинг мулкка нисбатан ҳуқуқи бекор бўлиб, меросхўр-давлатда эса ушбу мулкка нисбатан ҳуқуқ пайдо бўлишидир. Конвенция умумий таъмоий сифатида ўтмишдош-давлат мулкининг меросхўр-давлатга ҳеч

қандай товоносиз (компенсациясиз) ўтишини белгилаган. Давлатнинг мерос ҳуқуқи амалга ошириладиган вақтда ўтмишдош-давлат ҳудудида бўлган ва унинг ички ҳуқуқига мувофиқ учинчи давлатга тегишли бўлган мулк ҳуқуқ ва манфаатларига нисбатан меросхўр-давлат дахл қилмайди.

Шундай қилиб, давлат ҳуқуқий ворислиги учинчи давлатлар мулкига нисбатан ҳеч қандай оқибатлар туғдирмайди. Конвенция давлатлар давлатлар ҳуқуқий ворислигининг беш турини ажратади. Булар:

1. Давлат ҳудудининг маълум қисмини бошқа давлатга берилиши;
2. Янги мустақил давлатнинг тузилиши;
3. Давлатларнинг бирлашиши;
4. Давлат қисми ёки қисмларининг ажраб чиқиши;
5. Давлатларнинг бўлинишидан иборат.

СССР парчаланиб кетганидан сўнг *Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги* (МДХ)га кирган давлатлар ўртасида давлатлар ҳуқуқий ворислик бўйича комплекс келишувга эришилган ва улар томонидан ҳуқуқий ворислик бўйича қатор қарорлар, хусусан, собиқ СССРнинг ўзаро манфаат касб этувчи шартномаларига нисбатан ҳамфикрлик тўғрисидаги меморандум (1992 йил), собиқ СССРнинг чет эллардаги барча мулкни тақсимлаш тўғрисидаги келишув (1992 йил), собиқ СССРнинг давлат архивларига нисбатан ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги келишув, Ҳуқуқий ворислик масалалари бўйича МДХ давлат бошлиқлари Кенгаши қарори (20 март 1992 йил) қабул қилинган.

Россия СССРнинг ҳуқуқий вориси эмас, балки давомчиси ҳисобланади. Бу тўғрида у 1992 йил январь ойида барча давлатларга нота орқали расман билдирган.

Давлат чегараларига нисбатан ҳуқуқий ворислик — давлатлар ворисийлиги натижасида чегара чизиқлари ҳолатига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бошқа давлатга ўтишини англатади. 1978 йилда қабул қилинган Шартномаларга нисбатан давлатлар ҳуқуқий ворислиги тўғрисидаги Вена конвенциясига мувофиқ давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги давлат чегаралари ҳуқуқий тартибига тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятлар ва шартнома билан белгиланган чегараларга дахл қилмайди. Бу, агар давлат ҳуқуқий ворислиги фактининг ўзидан шартномавий ҳуқуқ ва мажбуриятларни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун қандайдир асослар вужудга келса, бундай асослар шартнома билан белгиланган чегаралар ёки чегара режимига тааллуқли ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўзгартирилишида фойдаланилиши мумкин эмаслигини англатади.

Агар маълум давлат билан ўзаро келишув асосида ва халқаро ҳуқуққа мувофиқ чегаралар ўзгартирилишига келишилмаган бўлса,

чегаралар тўғрисидаги шартномалар меросхўр-давлат томонидан бажарилиши лозим.

Америка қитъасидаги собиқ испан мустамлакалари XIX аср бошларида ўз мустақилликларига эришганларида улар мустамлака чегараларини давлат чегаралари сифатида сақлаб қолдилар.

XX асрнинг 50-60-йилларида мустақилликка эришган Африка давлатлари ҳам мустамлака чегараларни сақлаб қолдилар.

Африка Бирлиги Ташкилотининг давлат ва ҳукумат бошлиқларининг 1964 йилда бўлиб ўтган I-сессияси резолюциясида таъкидланганидек, “барча давлатлар миллий мустақилликка эришишда мавжуд чегараларни ҳурмат қилиш мажбуриятини оладилар”. Мавжуд чегараларга ворислик тамойили Осиё қитъасида ҳам тан олинган.

1969 йилдаги халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенциясининг 62-моддасига мувофиқ халқаро шартнома тузишда вазиятнинг тубдан ўзгариши тўғрисида кўйилган шарт(оговорка) чегараларни белгилаш учун тузилган шартномаларга нисбатан қўлланмайди. Чегараларни белгилловчи халқаро шартномалар фақат шартнома томонларининг ўзаро келишуви асосидагина ўз ҳаракатини бекор қилиши ёки ўзгартирилиши мумкин, бироқ у халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини инкор этмайди.

Ҳукуматларнинг ҳуқуқий ворисийлиги — давлат ичкарасидаги ўзгаришлар натижасида ҳуқуқ ва мажбуриятларга нисбатан мерос ҳуқуқидир. Файриконституциявий йўл билан ҳукуматлар алмашинуви натижасида янги ҳукуматнинг хорижий давлатлар билан ўтмишдош ҳукумат томонидан тузилган шартнома ва битимларга нисбатан муносабати масаласи кун тартибига чиқади. Бироқ бу масалада бошқа нуқтаи назар ҳам мавжуд. Унга мувофиқ ҳукумат алмашинуви давлатларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир қилмайди.

Давлат бўлиниши натижасида мустақил давлатларнинг вужудга келишидаги ҳуқуқий ворислик — халқаро ҳуқуқ бўйича ўтмишдош-давлат ҳуқуқ ва мажбуриятларини меросхўр-давлатларга ўтиши тушунилади. Агар давлатнинг бирор қисми ажраб чиқиб кетганидан сўнг ҳам у ўз фаолиятини давом эттирса, давлатга ҳуқуқий ворислик ўтаётган пайтда ўтмишдош-давлатга нисбатан кучда бўлган ҳар қандай шартнома унинг қолган барча ҳудудлари учун ўз кучини сақлаб қолади. Бу авваломбор давлатлар ўртасида барқарор шартномавий муносабатларни сақлаб қолиш мақсадини кўзда тутлади.

Ушбу ҳолатда шартномалар ҳуқуқий ворислигига нисбатан белгиланадиган асосий тамойил — шартномаларга риоя қилиш тамойилидир. Ҳали кучга кирмаган 1978 йилда қабул қилинган Шартномаларга нисбатан давлатларнинг ҳуқуқий ворисийлиги тўғрисидаги

Вена конвенциясининг 35-моддаси кўрсатилган умумий қоидадан истисно бўлган ҳолатларни кўрсатиб ўтади:

биринчидан, агар меросхўр-давлат ва шартноманинг бошқа қатнашчи-давлати ёки давлатлари ўзгача келишган бўлсалар;

иккинчидан, шартнома фақат ўтмишдош-давлатдан ажраб чиққан ҳудуд учунгина тегишли эканлиги белгиланган бўлса;

учинчидан, агар шартнома қоидаларини меросхўр-давлатга нисбатан қўллаш унинг объект ва мақсадларига мувофиқ келмаслиги ёки унинг ҳаракат шартларини тубдан ўзгартириб юбориши мумкинлиги шартноманинг ўзидан кўриниб турган бўлса ёки бошқача тарзда белгиланган бўлса.

Янги мустақил давлатлар ташкил топишида ҳуқуқий ворисийлик маълум ўзига хос хусусиятларга эга. Узоқ йиллар давомида мустақил ҳукмронлиги остида ёки ноқонуний оккупация остида бўлган тобе ҳудудлар халқаро шартномалар тузишда иштирок этмайдилар. Ушбу функция метропол-давлат томонидан тобе ҳудудларда яшовчи аҳоли манфаатлари инобатга олинмаган ҳолда амалга оширилган.

Тобе ҳудудларга тегишли бўлган шартномаларнинг аксарият қисми асоратга солувчи шартномалар саналган. Бу каби шартномалар ҳаракатнинг давом эттирилиши ёш давлатларнинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини хавф остида қолдирар эди.

1978 йилда қабул қилинган Шартномаларга нисбатан давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги тўғрисидаги Вена конвенцияси янги мустақил давлатни ўтмишдош-давлат шартномаларидан озод қилишни кўзда тутади. Конвенция қатор ижобий элементларни ўзида мужасамлаштиради. Булар:

— янги мустақил давлатларнинг халқаро шартномавий алоқаларини мустақил (эркин асосларда) белгилай олиш ҳуқуқи;

— уларнинг табиий заҳиралари устидан ажралмас суверенитетини тан олиш;

— ўзга ҳудудларда чет эл ҳарбий базаларини қуришни ғайриқонуний деб белгилаш тўғрисидаги қоида;

— меросхўр-давлатларнинг халқаро ҳуқуқнинг умум тан олинган тамойилларига риоя қилиш мажбурияти кабилардир.

1983 йилда давлат мулки, давлат архивлари ва давлат қарзларига нисбатан давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги тўғрисидаги Вена конвенциясига мувофиқ, агар меросхўр-давлат янги мустақил давлат бўлса ва давлат ҳуқуқий ворисийлик объекти ҳисобланмиш ўтмишдош-давлатнинг кўчмас давлат мулки унинг ҳудудида жойлашган бўлса, у ҳолда у меросхўр-давлат ихтиёрига ўтади. Меросхўр-давлатга, шунингдек, ушбу ҳудуддан ташқаридан бўлган, бироқ ўтмиш-

дош-давлат томонидан мустамлака давомида эгаллаб олинган кўчмас мулк ҳам ўтади. Агар хориждаги бундай мулкнинг яратилишида тобе давлат ҳам иштирок этган бўлса, у ҳолда янги давлатга унинг қўшган улуши миқдоридаги ҳиссаси ўтади.

1983 йил Конвенциясида давлат кўчмас мулки тўғрисида қуйидагилар таъкидланади, ўтмишдош-давлатнинг давлат ҳуқуқий ворисийлиги объекти ҳисобланган ҳудуддаги фаолияти билан боғлиқ мулки меросхўр-давлатга ўтади. Шунингдек, ўтмишдош-давлатнинг мустамлака даврида давлат ҳуқуқий ворисийлиги объекти ҳисобланган ҳудудда орттирган давлат мулки ҳам меросхўр-давлатга ўтади. Ўтмишдош-давлатнинг ўзга давлат кўчмас мулки, агар унинг яратилишида тобе давлат иштирок этган бўлса, меросхўр-давлатнинг қўшган улуши миқдорида ўтади.

1983 йилдаги Конвенциянинг 28-моддаси янги мустақил давлатларга бағишланган. Мазкур модда бошқа тоифадаги мерос ҳуқуқлари учун умумий бўлган қоидалар, шунингдек “маъмурий” ва “тарихий” архивларни топширишдан ташқари, ривожланаётган давлатлар учун ўзига хос ва муҳим бўлган бандларни ўзида мужассамлаштиради.

Биринчидан, собиқ метрополия янги мустақил давлатга тобе ҳудудга тегишли бўлган ва кейинчалик метрополиянинг давлат архивларига айланиб қолган архивларни қайтариши лозим (11а банд).

Иккинчидан, ўтмишдош-давлат давлат ҳуқуқий ворисийлиги объекти ҳисобланган ҳудудга тегишли ва мустамлака даврида тарқалиб кетган ҳар қандай архивларни қайтариш шарт-шароитлари борасида ҳамкорликни амалга ошириши лозим (4-банд).

Учинчидан, ўтмишдош-давлатнинг янги мустақил давлат билан меросхўр-давлат давлат архивлари борасида тузган битимлари ушбу давлатларнинг халқлари ҳуқуқига уларнинг ривожланиши, тарихи тўғрисидаги ахборотлар ва маданий қадриятларига зарар етказмаслиги лозим (7-банд).

Ҳуқуқий ворисийликнинг энг мураккаб муаммоларидан бири давлат қарзларига нисбатан ворисийлик ҳуқуқидир. Конвенциянинг 38-моддасида ўтмишдош-давлатнинг давлат қарзлари меросхўр-давлатга ўтказилмаслик тамойили қабул қилинган. Мустамлака асоратидан қутилган давлатлар учун ушбу қоида жуда муҳимдир. Бироқ Конвенцияда давлат қарзларига нисбатан ворисийлик ҳуқуқи тўғрисида битимлар тузиш мумкинлиги имконияти инкор этилмайди. Бунга, агар ўтмишдош-давлатнинг қарзи давлат ҳуқуқий ворисийлик объекти ҳисобланган ҳудуддаги фаолияти билан боғлиқ бўлса, йўл қўйилиши мумкин.

Шундай қилиб, метропол-давлатнинг тегишли тобе ҳудуд билан боғлиқ бўлмаган фаолиятдан келиб чиқувчи қарзларининг ўтказилиши инкор қилинади. Тегишли ҳудуддаги фаолият билан боғлиқ тарзда вужудга келган қарз янги мустақил давлатга ўтаётган мулк, ҳуқуқ ва манфаатлар билан ҳам боғлиқ бўлиши лозим. Конвенцияда ўзига хос кафолатли шартлар белгиланган. Унинг мақсади — собиқ метрополия томонидан янги мустақил давлатга унинг иқтисодий мустақиллиги ва фаровонлигига путур етказиши мумкин бўлган шартнома шартларини мажбуран юклашга йўл қўймасликни таъминлашдир.

Икки ёки бир неча давлатларнинг бирлашиши натижасида ягона меросхўр-давлат ва шу билан бирга мазкур давлатнинг ҳуқуқий ворисийлиги вужудга келади.

Давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги вужудга келган пайтда уларнинг ҳар бирига нисбатан кучда бўлган ҳар қандай шартнома меросхўр-давлатга нисбатан ўз кучини сақлаб қолади. Қачонки мазкур ҳудудга нисбатан ушбу шартномани қўллаш унинг объект ва мақсадларига мувофиқ келмаслиги ёки унинг ҳаракат шартларини тубдан ўзгартириб юбориши шартномада аниқ ифодаланган ёки ўзга тартибда белгиланган бўлса, у ҳолатда умумий қоидадан истисно бўлиши мумкин (1978 йилда қабул қилинган шартномаларга нисбатан давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги тўғрисидаги Вена конвенциясининг 31-моддаси). Охириги ҳолатга ГДРнинг 1990 йилда ГФР билан бирлашиши натижасида унинг халқаро мажбуриятлари меросхўр-давлатга ўтмаганлиги мисол бўлиши мумкин.

Давлатнинг ажралиб чиқишида ҳуқуқий ворисийлик қачонки давлат ҳудудининг маълум бир қисми ёки қисмлари ундан ажралиб чиқиб, ўтмишдош-давлатнинг мавжудлигидан қатъи назар бир ёки бир неча мустақил давлатларни ташкил қилиши оқибатида вужудга келади. Ушбу ҳолатда давлатлар ҳуқуқий ворисийлиги юз бераётган вақтда ўтмишдош-давлат ҳудудида кучда бўлган ҳар қандай шартнома янги ташкил топган меросхўр-давлатларга нисбатан ўз кучини сақлаб қолади. Давлатлар ҳуқуқий ворисийлиги юз бераётган вақтда ўтмишдош-давлатнинг меросхўр-давлат бўлиб қолган қисмига нисбатан кучда бўлган ҳар қандай шартнома фақат шу давлат учун ўз кучини сақлаб қолади.

1978 йилда қабул қилинган шартномаларга нисбатан давлатларнинг ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги Вена конвенциясининг (ҳали кучга кирмаган) 34-моддасида ушбу қоидадан истиснолар кўрсатиб ўтилган:

биринчидан, агар тегишли давлатлар ўзгача келишувга эга бўлсалар;

иккинчидан, агар мазкур ҳудудга нисбатан ушбу шартномани қўллаш унинг объект ва мақсадларига мувофиқ келмаслиги ёки унинг ҳаракат шартларини тубдан ўзгартириб юбориши шартномада аниқ ифодаланган ёки ўзга тартибда белгиланган бўлса.

Ҳудудларга нисбатан ҳуқуқий ворисийлик давлат ҳудудининг бирор қисми ёки давлат ҳудуди қисми ҳисобланмаган, бироқ унинг халқаро муносабатлари учун шу давлат жавобгар бўлган қандайдир ҳудуднинг бошқа давлат ҳудуди қисмига айланиб қолган ҳолатларда вужудга келади. Бундай ҳолатда:

биринчидан, ўтмишдош-давлат шартномалари маълум ҳудуднинг бошқа давлат ихтиёрига ўтиши билан унга нисбатан ўз кучини йўқотади;

иккинчидан, мазкур ҳудудда меросхўр-давлатнинг шартномалари юридик кучга эга бўлади.

Қачонки, мазкур ҳудудга нисбатан ушбу шартноманинг қўлланиши унинг объект ва мақсадларига мувофиқ келмаса ёки мажбуриятлар ҳажмини тубдан ўзгартириб юборса, ушбу қоидалардан истисно бўлиши мумкин.

Ўтаётган ҳудуднинг чегараларига нисбатан учинчи давлатлар билан тузилган шартномалар унга нисбатан ўз кучини сақлаб қолади (1978 йилда қабул қилинган шартномаларга нисбатан давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги тўғрисидаги Вена конвенциясининг 15-моддаси).

Ижтимоий инқилоб вақтидаги ҳуқуқий ворисийлиги ушбу инқилоб натижасида вужудга келган янги давлатга эски давлатга тегишли бўлган баъзи халқаро ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ўтиши тушунилади.

Ижтимоий инқилоб натижасида юз бераётган кескин (радикал) ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар ағдариб ташланган тузумнинг халқаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини қайтадан кўриб чиқиш учун асос бўлади. Бунда янги давлат тузуми асосларига зид бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларгина бекор қилинади.

Ижтимоий инқилоб юз берганда вужудга келиши мумкин бўлган ҳуқуқий ворисликнинг турли назариялари мавжуд. Улардан бирига мувофиқ, ижтимоий инқилоб натижасида ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг қайта кўриб чиқилиши халқаро ҳуқуқнинг сифат жиҳатидан янги субъекти вужудга келганлиги билан характерланади. Иккинчи бир назарияга кўра, ижтимоий инқилоб мамлакатда тубдан ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларни амалга ошириш билан бирга унинг халқаро ҳуқуқий субъектлигига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Бироқ пировардида, баъзи халқаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни қайта кўриб чиқиш ҳуқуқини беради.

Октябрь инқилоби натижасида вужудга келган Совет давлати (янги ҳукуматнинг фикрига мувофиқ) Россия империясининг тенг ҳуқуқлилика асосланмаган, махфий ҳамда иттифоқчилик мажбуриятларини бажаришга қаратилган битимларидан воз кечди. Шунингдек, Совет давлати подшо ҳукумати қарзларини тўлашдан воз кечди ва хорижий кредитларни бекор қилди. Шу билан бирга гуманитар, маъмурий ва техник соҳалардаги кўпгина битимлар ҳамда бир қатор халқаро мажбурият ва ҳуқуқлар сақлаб қолинди.

Давлатга ўхшаш тузилмалар — халқаро ҳуқуқ субъекти

Давлатга ўхшаш тузилмалар — халқаро ҳуқуқ субъектларининг бир тури ҳисобланади. Давлатга ўхшаш тузилмаларга “эркин шаҳарлар” (ўтмишда — Венеция, Гамбург, Новгород) киради. Ушбу ибора умумлаштирилган тушунча ҳисобланади, чунки у нафақат шаҳарларга, балки маълум районларга нисбатан ҳам қўлланади. Баъзи ҳолатларда тегишли тузилмаларни эркин шаҳарлар, баъзан эса мустақил (озод, эркин) ҳудуд ёки минтақа (зона) деб аташган (масалан, Эркин шаҳар Данциг, Мустақил ҳудуд Триест).

Умуман эркин шаҳарлар ҳудудий даъволарни тўхтатиб қўйиш, халқаро муносабатларда маълум ҳудуднинг тегишлилиги борасида вужудга келадиган кескинликни юмшатишнинг бир услуби сифатида вужудга келган.

Эркин шаҳар халқаро шартнома ёки халқаро ташкилотнинг қарорига биноан барпо этилади ва чекланган ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган ўзига хос давлат ҳисобланади. У ўз Конституцияси ёки ўхшаш (аналогик) характердаги ҳужжатга, олий давлат органларига, фуқаролигига эга бўлади.

Эркин шаҳар одатда, қуролсизлантирилган ва бетараф ҳисобланади.

Унинг қуролли кучлари фақат мудофаа характерини касб этади. Улар анъанавий тушунчадаги қуролли кучлар эмас, балки чегараларни ҳимоя қилиш ва ҳуқуқий тартиботни сақлаб туришга хизмат қилувчи кучлардир.

Эркин шаҳарни барпо қилувчилар, одатда, унинг мақомини бошқа ҳуқуқ субъектлари томонидан риоя этилишини назорат қилиш усуллари белгилаб қўйдилар. Масалан, ушбу мақсадларда ўз вакиллари ёки вакилини тайинлайдилар.

Халқаро майдонда эркин шаҳар манфаатларини манфаатдор давлат ёки халқаро ташкилот ҳимоя қилади. Икки жаҳон уруши ора-

лигида мавжуд бўлган эркин шаҳар Данциг мақомини Миллатлар лигаси кафолатлаган, унинг ташқи алоқалардаги манфаатларини Польша ҳимоя қилган.

Эркин шаҳар Триест 1947 йилда Италия билан тузилган тинчлик сулҳи асосида ташкил топган, кейинчалик, 1954 йил битимига асосан Италия ва Югославия ўртасида бўлинган ва БМТ Хавфсизлик Кенгаши ҳимоясида бўлган.

Шаҳар-давлатлар Ватикан ва Мальта ордени каби давлатга ўхшаш тузилмалар ўзига хос жиҳатларга эга. Четдан қараганда Ватикан (католик черковининг Муқаддас тахти) давлатининг барча атрибутларига — унча катта бўлмаган ҳудуд, давлат ҳокимияти ва бошқарувчи органлари тизимига эга. Бироқ Ватикан аҳолиси тўғрисида фақат шартли равишда гапириш мумкин: бу — католик черковида тегишли лавозимларда ишловчи мансабдор шахслар. Шу билан бирга Ватикан — ижтимоий мазмундаги, яъни маълум жамиятни бошқарувчи механизм, унинг томонидан яратилган ва уни ҳимоя қилувчи давлат эмас. Кўпроқ у католик черковининг маъмурий маркази сифатида кўрилиши мумкин.

Ватикан мақомининг ўзига хослиги уни расман халқаро ҳуқуқ субъекти деб тан олувчи давлатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатганлиги билан изоҳланади. Бундай тан олиш католик черковининг сиёсий ролини амалда тасдиқлашни англатади.

1889 йилда суверен тузилма сифатида тан олинган Мальта орденининг халқаро ҳуқуқ субъекти эканлиги масаласи муайян ўзига хос хусусиятларга эга. Орден манзилгоҳи — Рим шаҳрида жойлашган. Унинг расмий мақсади — хайрия фаолиятини амалга ошириш. У кўпгина давлатлар билан дипломатик муносабатларга эга. Орденининг ўз ҳудуди ва аҳолиси йўқ. Унинг суверенитети ва халқаро ҳуқуқ лаёқати — ҳуқуқий **фикция**.

Шуни таъкидлаш лозимки, бу каби тузилмаларнинг ҳаммаси ҳам халқаро ҳуқуқ субъектлари ҳисобланмайди.

Миллатлар ёки халқлар — халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида

Ўз озодлиги учун курашаётган ва маълум ҳокимият тузилмаларини тузган, ягона марказ билан бирлашган миллат ёки халқлар миллат ёки халқ номидан халқаро муносабатларда иштирок этиши ва халқаро ҳуқуқ субъекти мақомига эга бўлишни талаб қилиши мумкин. Амалда бундай тузилмалар қаторига ягона қўмондонликка эга

бўлган ҳамда аксарият ҳолларда бир вақтнинг ўзида сиёсий раҳбарликни амалга оширувчи қуроли отрядлар киради.

Миллатлар ёки халқлар халқаро ҳуқуқнинг алоҳида ва махсус субъектлари ҳисобланади. Императив характердаги меъёр-тамойилга — тенг ҳуқуқлилиқ ва халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойилига — мувофиқ барча халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи, яъни ташқаридан ҳеч қандай аралашувсиз эркин асосларда ўзининг сиёсий мақомини белгилаш ва иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишини амалга ошириш ҳуқуқи тан олинади. 1970 йилда қабул қилинган *Халқаро ҳуқуқ тамойиллари тўғрисидаги декларацияга* мувофиқ ҳар бир давлат ушбу ҳуқуқни ҳурмат қилиши лозим. Сўз халқлар ва давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар (халқаро ҳуқуқий муносабатлар) тўғрисида бормоқда.

Халқаро ҳуқуқ тамойиллари тўғрисидаги декларацияга мувофиқ суверен ва мустақил давлатнинг пайдо бўлиши, мустақил давлатга эркин қўшилиши ёки у билан бирлашиши ёки халқ томонидан эркин асосларда белгиланган бошқа сиёсий мақомнинг ўрнатилиши ушбу халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилашни амалга оширишнинг усуллари саналади.

Халқаро ҳуқуқда “халқ” тушунчаси аниқланмаган. Бизнинг назаримизда, **халқ** — ҳудудий характер касб этувчи тушунчадир. Халқ — мазкур ҳудудда, улар ўртасидаги ирқий, этник, диний ёки бошқа характердаги фарқлардан қатъий назар, доимий яшовчи (балоғат ёшидаги) шахсларнинг йиғиндисидир. Бундай тарзда ўз тақдирини ўзи белгилаш бир вақтнинг ўзида ушбу ҳудуднинг сиёсий мақомини ҳам белгилашдир.

Яқин вақтларда ҳам ўз тақдирини ўзи белгилаш тўғрисида сўз борганда биринчи галда тобе ҳудудларнинг халқлари, яъни мустамлака остида бўлган халқлар кўзда тутилар эди. Ва ҳар бир давлатга уларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашда кўмаклашиш мажбурияти юкланган.

Энди, қачонки, мустамлака тузуми тугатилганда (озгина истиснодан ташқари), ўз тақдирини ўзи белгिलाган ва белгилаётган халқлар тўғрисида фақат мавжуд суверен давлатлар халқларига нисбатан гапириш мумкин.

Биринчидан, ҳар бир давлатнинг халқи амалдаги конституциявий тузумни қўллаш ёки унинг у ёки бу йўналишда ўзгартирилишини талаб қилишни мустақил тарзда ҳал қилиши ҳамда ўз иродасини овоз бериш орқали ёки, зарур ҳолатларда, норозилик ҳаракатлари кўзғолон ва инқилоб орқали ифодалаш ҳуқуқига эга.

Иккинчидан, давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда ҳудудий ўзгаришлар — бир ёки бир неча давлатларнинг ягона давлатга бирлашиши, давлат ҳудуди бирор қисмининг ажраб чиқиши ва янги давлатнинг узилиши ёки мавжуд давлатга қўшилиши ва давлатнинг икки ёки бир неча мустақил давлатларга бўлиниб кетиши — тегишли давлат ёки давлатлар халқлари иродасининг эркин ифодаланиши, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг бошқа асосий тамойилларини инobatга олган тарзда амалга оширилиши лозим.

Давлатлар ўзаро муносабатларида ички ҳуқуқ қонун ҳужжатларида хорижий давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари, ўз ҳудудидаги барча индивидлар ҳамда ноҳукумат ташкилотларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга ўзаро рия қилиш мажбуриятини (аввалом бор тегишли халқаро шартномалар асосида) оладилар.

Миллий ҳуқуқ субъектлари фойдасига халқаро мажбуриятлар бажарилиши билан боғлиқ халқаро ҳуқуқий муносабатлар субъектлари фақат тегишли битимнинг (одатий ёки шартномавий меъёрлар) қатнашчи-давлатлари ҳисобланади. Шартнома қатнашчиси ҳисобланган давлат органлари ёки мансабдор шахслари томонидан ички ҳуқуқ субъектлари ҳуқуқлари таъминланмаганда, улар у ёки бу халқаро инстанцияга фақат ушбу давлатнинг очиқ ифодаланган розилиги мавжуд бўлгандагина шикоят билан мурожаат қилишлари мумкин.

Жисмоний ва юридик шахслар, ноҳукумат ташкилотлар ёки миллий ҳуқуқнинг ўзга субъектлари халқаро ҳуқуқ субъектлари эмас, чунки улар ички давлат ҳуқуқий тартибига бўйсундилар. Халқаро ҳуқуқ субъектларининг ўзига хос жиҳати ҳам уларга юридик мажбурий хатти-ҳаракат қондаларини белгилаб берувчи куч ёки ҳокимиятнинг мавжуд эмаслиги билан изоҳланади.

Халқаро ташкилотлар — халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида

Халқаро ташкилотлар таркибига ҳукуматлараро ташкилотлар ҳамда аъзолари шахсий тартибда ҳаракат қилувчи давлатлараро механизмлар ва органлар (халқаро арбитражлар, комитетлар, экспертлар гуруҳи ва бошқалар) киради.

Ҳукуматлараро конференцияни вақтинчалик халқаро муассаса деб ҳисоблаш мумкин.

Халқаро ташкилот ўзининг халқаро ҳуқуқ лаёқатига таъсис шартномасига мувофиқ эга бўлади. Шартнома халқаро ташкилотни маъ-

лум ҳуқуққа эга бўла олиш, яъни давлатлар ва ҳукуматлараро ташкилотлар билан шартномалар тузиш, ўз номидан қарорлар қабул қилиш қобилияти билан таъминлайди.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда халқаро ташкилот — бу ҳукуматлараро ташкилот деб кўрсатилган таърифдан бошқа “**халқаро ташкилот**” тушунчаси мавжуд эмас. Бироқ бундай таъриф фақат ҳукуматлараро (халқаро) ташкилотни ноҳукуматлараро ташкилотдан фарқлайди холос.

Халқаро ташкилот халқаро тузилма бўлиб, унинг таъсис этилиши ва фаолияти халқаро ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади. Халқаро ташкилотнинг таъсис этилиши ва фаолияти ҳозирги давр халқаро ҳуқуқининг асосий тамойилларига мувофиқ келиши лозим. Халқаро ҳуқуқий муносабатларда халқаро ташкилот аъзо-давлатлар иродасидан фарқли ўлароқ, ўз иродасини ифодалаб, фақат ўз номидан қатнашиши мумкин. Халқаро ташкилот аъзо-давлатлар, ўзга ташкилотлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан бўладиган ҳуқуқий муносабатларда унинг иродасини белгиланган қоидаларга мувофиқ шакллантирувчи ва ифодалаб бера олувчи органларга эга бўлиши лозим.

Аъзолари таркиби ва фаолият доираси бўйича халқаро ташкилотлар **универсал халқаро ташкилотлар**, яъни барча давлатлар қатнашиши учун очик бўлган, **ҳудудий (регионал)**, яъни қандайдир йирик регион давлатларини бирлаштирувчи ва **маҳаллий** — бир неча (одатда учтадан оз бўлмаган) давлатларни бирлаштирувчи турларга бўлинади.

Ўз таркиби, фаолият соҳаси ва халқаро муносабатлардаги тутган алоҳида ўрнига кўра энг универсал ташкилот — **Бирлашган Миллатлар Ташкилотидир**.

Яна **халқаро органлар** деб номланадиган халқаро тузилмалар ҳам халқаро ҳуқуқ субъектлари ҳисобланади. Булар халқаро арбитражлар ва судлар (доимий ва ad hoc), тергов, яраштирувчи ва бошқа комиссиялар, чунки улар давлатлар ўртасидаги ўзаро битимлар асосида яратилади ва ўз фаолиятида халқаро-ҳуқуқий қоидаларга риоя қилади. Шундай халқаро органлардан баъзилари, масалан, **БМТнинг Халқаро Суди** универсал характер касб этувчи орган ҳисобланади, чунки у барча давлатлар ўртасидаги шартнома (масалан, БМТ Устави) асосида тузилган. Аксарият ҳолатларда бу маҳаллий (иккитомонлама ва кўптomonлама) характердаги органлар ҳисобланади.

“Ўзбекистон — халқаро муносабатлар субъекти” деган конституциявий формула нафақат Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги жаҳонда тутган ўрнинигина эмас, балки Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг ажралмас бир қисми, унинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлигини англатади. Бу қуйидагиларда кўринади:

биринчидан, Ўзбекистон суверен давлат сифатида фақат ҳозирги халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойиллари ва меъёрлари ҳамда ўзи иштирок этган халқаро шартномалар қоидалари билан боғлиқдир ва ўзининг розилигисиз бошқа ҳеч қандай мажбурият юкланиши мумкин эмас;

иккинчидан, Ўзбекистон ҳудуди ичида давлат ҳокимияти чекланмаган ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа бирон бир субъекти унга аралашшига ҳақли эмас. Унинг ҳудудидан ташқарида эса ҳокимият бошқа манфаатдор давлатнинг розилиги билангина амалга оширилиши мумкин;

учинчидан, Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан дипломатик алоқалар ўрнатиш ва улар билан шартномалар тузиш билан бевосита давлатлараро муносабатларда иштирок этади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон жаҳоннинг 120 дан зиёд давлатлари билан расмий дипломатик алоқалар ўрнатди. Тошкентда 35 мамлакатнинг элчихоналари очилди ва 19 хорижий давлатларнинг элчилари ўриндошлик асосида Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган. Республикада 88 хорижий ваколатхоналар, 24 та ҳукуматлараро ва 13 халқаро нодавлат ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда.

Конституция асосида Ўзбекистон Республикасини халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида белгиловчи ҳуқуқий асос яратилган. Қуйидагилар ташқи сиёсат соҳасида энг аҳамиятли ҳисобланади:

1. 1996 йилдаги Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари тўғрисидаги Қонун;

2. 1992 йилдаги Дипломатик ваколатхоналарнинг раҳбарларини тайинлаш ва чақириб олиш тартиби тўғрисидаги Қонун;

3. 1992 йилдаги Дипломатик унвонлар ва даражаларни бериш тўғрисидаги Қонун;

4. 1992 йилдаги Халқаро шартномалар тўғрисидаги Қонун;

5. 1996 йилдаги Консуллик Устави.

Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида қуйидаги қонун ҳужжатлари қабул қилинган:

1. 1992 йилда Хорижий сармоялар тўғрисидаги Қонун;
2. 1994 йилда Хорижий сармоядорларнинг фаолиятларини кафолатлаш тўғрисидаги Қонун;
3. 2000 йилги янги таҳрирдаги Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги Қонун.

Ўзбекистоннинг ташқи алоқаларини таъминловчи давлат органлари тузилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлис депутатлари умумхалқ томонидан муқобиллик ва кўппартиявийлик асосида сайланди, мамлакат ҳукумати тузилди. Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятининг йўналишлари ва вазифалари тубдан ўзгартирилди. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий Банки тузилди. Ташқи савдо фирмаларининг ихтисослашган тармоқлари ташкил қилинди, 260 дан зиёд чет эл фирмалари, банклари ва компанияларининг ваколатхоналари очилди.



Такрорлаш учун саволлар

- ◆ “Халқаро ҳуқуқ субъекти” тушунчаси нимани англатади?
- ◆ Оддий ва мураккаб давлатлар ҳамда уларнинг иттифоқлари деганда нимани тушунасиз?
- ◆ Уларнинг барчаси халқаро ҳуқуқ субъекти ҳисобланадими?
- ◆ Халқаро ҳуқуқда суверенитет масаласи қандай аҳамиятга эга?
- ◆ Миллатлар ва халқлар халқаро ҳуқуқ субъекти ҳисобланадими?
- ◆ Давлатга ўхшаш тузилмалар ҳам халқаро ҳуқуқ субъекти ҳисобланадими?
- ◆ Халқаро ташкилотлар халқаро ҳуқуқ субъекти ролида иштирок эта оладими?
- ◆ Халқаро-ҳуқуқий тан олиш нимани англатади?
- ◆ Халқаро-ҳуқуқий тан олишнинг қандай шакллари мавжуд?
- ◆ Давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги деганда нимани тушунасиз?
- ◆ Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатидаги мақоми нималарда намоён бўлади?

5-мавзу. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ТАМОЙИЛЛАРИ

- Халқаро ҳуқуқ тамойиллари тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари.
- Давлатларнинг суверен тенглиги тамойили.
- Куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик тамойили.
- Давлат чегараларининг дахлсизлиги тамойили.
- Давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги тамойили.
- Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойили.
- Давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойили.
- Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойили.
- Халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши тамойили.
- Давлатларнинг халқаро ҳамкорлик тамойили.
- Халқаро мажбуриятларни виждонан бажариш тамойили.

Халқаро ҳуқуқ тамойиллари тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари

Ҳуқуқ тамойили — воқеликнинг объектив тартиби, ижтимоий амалиёт, ижтимоий ривожланиш қонуниятларининг меъёрий инъи-косидир.

Халқаро ҳуқуқ тамойиллари — ижтимоий амалиёт натижасида ву-жудга келадиган халқаро ҳуқуқнинг юридик мустақамланган асос-лари бўлиб, ҳуқуқ субъектлари хатти-ҳаракатининг раҳбарий қоида-лари ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқнинг бир қатор меъёрларини, гарчи улар халқаро ҳуқуқ меъёрлари бўлсада, **тамойиллар** деб номланади. Бироқ улар-нинг баъзилари азалдан тамойиллар деб номланган, баъзилари эса халқаро-ҳуқуқий тартибга солишда тутган аҳамияти боис шундай деб атала бошланган. Шу билан бирга халқаро ҳуқуқий тартиботни таъминлашда халқаро ҳамжамият учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган ва умумий характер касб этувчи алоҳида тамойиллар ҳам мавжуд.

Тамойиллар ичида ҳозирги давр халқаро ҳуқуқий тартиботининг асосини ташкил этувчи **халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари** аж-ралиб туради. Давлатнинг қандайдир асосий тамойилни бузиши

халқаро ҳамжамият томонидан бутун халқаро ҳуқуқий тартиботга тажовуз қилиш деб тушунилиши мумкин.

Халқаро ҳуқуқ тамойили — аввалом бор халқаро ҳуқуқ меъёридир.

Ҳуқуқ тамойилларидан ҳуқуқий онг тамойилларини, яъни кишилар, ижтимоий ҳаракатлар, сиёсий партиялар ва ҳақозоларнинг субъектив тасаввурларини фарқлаш лозим.

Ҳуқуқ субъектлари учун халқаро ҳуқуқ тамойилларига риоя қилиш қатъиян мажбурийдир. Халқаро ҳуқуқ тамойилини ижтимоий амалиётни ўзгартириш орқалигина бекор қилиш мумкин. Бу эса алоҳида давлатлар ёки давлатлар гуруҳи имконияти доирасида эмас. Шунинг учун ҳар бир давлат халқаро ҳуқуқ тамойилларини бузиш орқали ижтимоий амалиётни “тузатиш”га қаратилган ҳар қандай бир томонлама тартибдаги уринишларга ўз муносабатини билдириши лозим.

Халқаро ҳуқуқ тамойиллари одатий ва шартнома усуллари орқали шаклланади. Улар бир пайтнинг ўзида **икки хил функцияни** бажаради:

биринчидан, халқаро муносабатларни уларнинг маълум меъёрий доиралар билан чегаралаш орқали барқарорлашишига кўмаклашади;

иккинчидан, халқаро муносабатлар амалиётида вужудга келадиган барча янги ҳолатларни мустаҳкамлайди.

Халқаро ҳуқуқ тамойилларининг ўзига хослиги уларнинг универсаллигидир. Яъни халқаро ҳуқуқнинг барча субъектлари тамойилларга қатъиян риоя қилишлари лозим, чунки мазкур тамойилларни ҳар қандай тарзда бузиш муқаррар равишда халқаро муносабатларнинг бошқа иштирокчилари қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қилишга олиб келади. Халқаро ҳуқуқ тамойиллари бутун халқаро-ҳуқуқий меъёрлар тизимининг қонунийлик мезони ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари БМТ Уставида мустаҳкамланган. БМТ Устави тамойиллари *jus cogens* характерини касб этиши кенг тан олинган, яъни улар давлатлар томонидан бекор қилиниши мумкин бўлмаган олий даражадаги мажбуриятлар саналади.

Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойиллари — ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи бош мазмунини ифодаловчи ва унинг мақсадларининг амалга ошишида муҳим аҳамият касб этувчи энг муҳим ва универсал мажбурий меъёрлардир. Умум эътироф этилган тамойиллар деб жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қуватландиган ва тегишли халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган тамойиллар ҳисобланади. Мазкур тамойиллар умумий тинчлик ва халқаро хавфсизликни, халқлар эркинлиги ва мустақиллигини таъминлаш-

нинг, давлатлар ўртасида нормал муносабатларни ривожлантириш, улар ўртасида ҳамкорликни, бир-бирини тушуниш ва ишончни мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асоси сифатида кўрилади. Халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш тизимида умум эътироф этилган тамойиллар ва меъёрлар ўрни ва аҳамиятнинг ўсиб бориши ҳозирги замон халқаро ҳуқуқига хос хусусиятлардан биридир.

Халқаро ҳуқуқнинг аксарият тамойиллари БМТ Уставининг 2-моддасида қисқа ва лўнда қилиб баён этилган. Ушбу тамойиллар БМТ Уставига мувофиқ давлатлар ўртасида дўстона муносабатлар ва ҳамкорликка тааллуқли 1970 йил халқаро ҳуқуқ тамойиллари тўғрисидаги Декларацияда ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши (ЕХХК)нинг Яқунловчи ҳужжатида батафсил ёритиб берилган.

Умум эътироф этилган тамойиллар ва меъёрлар у ёки бу шаклда ҳозирда кўп давлатларнинг Конституцияларида ҳам мустаҳкамланган. Қонунчилик, шунингдек, ижро ва суд ҳокимиятлари фаолияти уларга мувофиқ келиши лозим. Мазкур тамойиллар Ўзбекистон Конституциясининг тўртинчи бобида мустаҳкамлаб қўйилган.

Халқаро ҳуқуқда унинг умум эътироф этилган тамойил ва меъёрларини батафсил баён қилиб берувчи ягона меъёрий ҳужжат мавжуд эмас. Агар БМТ Уставида беш тамойилнинг номи келтирилган бўлса, Халқаро ҳуқуқ тамойиллари тўғрисидаги Декларацияда уларнинг еттитаси ифодалаб берилган. Булар қуйидагилардир:

- 1) Куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик тамойили.
- 2) Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойили.
- 3) Давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойили.
- 4) Давлатларнинг халқаро ҳамкорлик тамойили.
- 5) Давлатларнинг суверен тенглиги тамойили.
- 6) Халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойили.
- 7) Давлатларнинг халқаро мажбуриятларини виждонан бажариши тамойили.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг Хельсинки Яқунловчи Ҳужжатида мазкур тамойилларга яна учтасини қўшган. Булар:

- 1) чегаралар дахлсизлиги;
 - 2) давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги;
 - 3) инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилишдир.
- Жаҳон ҳамжамияти олдида турган умумбашарий муаммоларни ҳал этиш заруриятини ифода этувчи янги тамойиллар ҳам (масалан, атроф муҳитни ҳимоя қилиш мажбурияти) шаклланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида юқорида кўриб ўтилган тамойиллардан бештаси аниқ белгилаб қўйилган ва “халқаро

ҳуқуқнинг бошқа умум тан олинган тамойил ва меъёрлари”ни ҳурматлаш айтиб ўтилган. Халқаро ҳуқуқнинг Конституцияда кўрсатилмаган тамойил ва меъёрлари қаторига инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш, давлатларнинг халқаро ҳамкорлиги, халқаро мажбуриятларни виждонан бажариш, ўзаро ҳамкорлик, давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги тамойиллари киради.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятнинг умум эътироф этилган тамойил ва меъёрларига риоя қилмоқда, халқаро шартномалар тузмоқда ва уларни бажармоқда, халқаро ташкилотлар фаолиятида, жамоа хавфсизлик тизимларида иштирок этмоқда. Қолган давлатлар билан бир қаторда Ўзбекистон ҳам ялпи ва адолатли тинчликни таъминлаш, ўзаро фойдали ҳамкорликни ўрнатиш, инсоният олдида турган умумбашарий муаммоларни ҳал этишда ўз ҳиссасини кўшмоқда.

Давлатларнинг суверен тенглиги тамойили

Халқаро ҳуқуқий тартиботни фақат унинг қатнашчилари юридик тенглигини ҳурмат қилиш орқали таъминлаш мумкин. Ҳар бир давлат халқаро тизимнинг бошқа иштирокчилари суверенитетини ҳурмат қилиши керак. Бу ерда уларнинг ўз ҳудуди доирасида қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятини амалга оширишлари ҳамда мустақил ташқи сиёсатни олиб бориш ҳуқуқи назарда тутилмоқда. Давлатларнинг суверен тенглиги ҳозирги давр халқаро муносабатларининг асосини, халқаро ҳамкорлик базасини ташкил қилади.

Суверен тенглик тамойилининг асосий мақсади — барча давлатларни, уларнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ёки бошқа хусусиятларидан қатъи назар, халқаро муносабатларда юридик тенг асосларда қатнашишини таъминлашдир. 1970 йил Декларациясига мувофиқ суверенитет тушунчаси қуйидаги элементларни ўз ичига олади:

биринчидан, барча давлатлар юридик тенгдирлар;

иккинчидан, ҳар бир давлат тўлиқ суверенитетга хос бўлган ҳуқуқлардан фойдаланади;

учинчидан, ҳар бир давлат бошқа давлатларнинг ҳуқуқ лаёқатини ҳурмат қилмоғи лозим;

тўртинчидан, давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ва сиёсий мустақиллиги дахлсиздир;

бешинчидан, ҳар бир давлат ўзининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий тизимларини эркин асосларда танлаш ва ривожлантириш ҳуқуқига эгадир;

олтинчидан, ҳар бир давлат ўзининг халқаро мажбуриятларини тўлиқ ва виждонан бажариши лозим.

Суверен тенглик тамойили Ўзбекистон Конституциясида эълон қилинган ва бу ўзга давлатларнинг ўзига хослигини, уларнинг мустақиллиги, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилишни, ўзининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий тизимларини эркин асосда танлаш ва ривожлантириш ҳамда ўзининг қонунлари ва маъмурий қоидаларини белгилаш ҳуқуқини тан олишни кўзда тутди.

XXI асрда жаҳондаги давлатлар сони 200га яқинлашмоқда: улар ҳудудий ҳажми, аҳолиси сони, иқтисодий ривожланиши даражаси, сиёсий тизими характери билан бир-биридан фарқ қилади. Бироқ барча давлатлар тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга.

Конституцияда сўз халқаро муносабатларда халқаро ҳуқуқнинг энг асосий тамойилларидан бири ҳисобланган халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши тамойили тасдиғини топиши ва амалга оширилиши тўғрисида боради. Шунини таъкидлаш лозимки, **тамойиллар халқаро алоқаларда давлатлар хатти-ҳаракатини белгилаб берувчи асосий қоидалардир.**

Халқаро муносабатларда суверен тенглик тамойили мазкур давлатнинг ўзга давлатлар билан муносабатларини халқаро ҳуқуқ талабларига мувофиқ ўз ихтиёридан келиб чиқиб белгилаши ва амалга оширишини, халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш, кўптомонлама, шунингдек, иттифоқ шартномаларида қатнашиш ҳуқуқини ва нейтралитет ҳуқуқига эга бўла олиш ваколатини англатади. Ўзбекистон ушбу тамойилдан келиб чиқиб халқаро муносабатларнинг кўпгина масалаларини ҳал этишда тенг асосларда қатнашмоқда.

Куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик тамойили

Халқаро муносабатларни демократик асосларда қайта қуриш муқаррар равишда куч ишлатиш ва куч билан таҳдид солишнинг чекланишига олиб келади. Биринчи бор мазкур объектив қонунийлик халқаро ҳуқуқ тамойили сифатида БМТ Уставида мустақамланган. Уставнинг 2-модда 4-бўлимига мувофиқ, “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча аъзолари ўзларининг халқаро муносабатларда ҳар қандай давлатнинг ҳудудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши куч билан таҳдид қилиш ва уни қўллашдан ўзларини тийиб турадилар”.

Куч ишлатмаслик мажбурияти барча давлатлар учун тааллуқлидир, чунки халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш зарурияти

барча давлатларнинг ўзаро муносабатларида ушбу тамойилга риоя қилишлари лозим эканлигини талаб қилмоқда.

ЕХҲКнинг Яқунловчи ҳужжатида иштирокчи-давлатларнинг ўзаро муносабатларида “бошқа иштирокчи-давлатни мажбур қилиш мақсадида куч ишлатишнинг ҳар қандай кўринишларидан” ҳамда “ҳар қандай иқтисодий мажбур этиш хатти-ҳаракатларидан ўзини тийиб туриш” бевосита кўрсатиб ўтилган.

БМТ Уставининг 42-47 ва 51-моддаларида қуроли кучлардан қонуний фойдалана олиш мумкин бўлган ҳолатлар айтиб ўтилган. 41 ва 50-моддаларда эса ҳарбий бўлмаган кучларни қонуний қўллаш тўғрисида сўз боради. Уларда “иқтисодий муносабатларни, темир йўл, денгиз, ҳаво, почта, телеграф, радио ёки алоқанинг бошқа воситаларини тўлиқ ёки қисман узиш ва, шунингдек, дипломатик муносабатларни узиш” чоралари санаб ўтилган.

БМТ Устави қуроли кучларни қонуний қўллашнинг фақат иккита ҳолатини назарда тутди:

биринчидан, ўзини мудофа қилиш мақсадида (52-модда);

иккинчидан, тинчликка хавф туғилганда, тинчлик бузилганда ёки босқинчилик ҳаракати содир бўлганида БМТ Хавфсизлик Кенгаши қарори билан (39 ва 42-моддалар).

Ўзини мудоффа қилиш тартибида қуроли кучларни ишлатиш, агар давлатга қарши қуроли ҳужум содир этилган ҳолатдагина қонуний ҳисобланади. БМТнинг Хавфсизлик Кенгашига келадиган бўлсак, агар у низони ҳал этиш учун тавсия қилинган ноҳарбий чораларни етарли эмас деб ҳисобласа, у ҳолда “халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш ёки тиклаш учун зарур бўлган ҳаво, денгиз ёки қуруқликдаги кучлар билан бундай ҳаракатларни амалга ошириш ваколатини олади”.

Халқаро муносабатларда куч ишлатишдан ёки куч билан таҳдид қилишдан воз кечиш тамойили томонларни бошқа давлатга қарши бевосита ёки билвосита куч ишлатишни ифодаловчи ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиб туришини англатади. Бу ерда шуни эсда тутмоқ лозимки, БМТ Уставида (2-модда, 4-бўлим) таърифланган “куч” тушунчаси мазмуни нафақат қуроли кучни, балки мажбурлашнинг қолган барча шакллари ҳам кўзда тутди.

1970 йилда қабул қилинган Халқаро ҳуқуқнинг тамойиллари тўғрисидаги Декларация муқаддимасида давлатларнинг ҳар қандай шакл ва ҳажмда куч ишлатишга мурожат қилишлари тақиқланади. Куч ишлатишни ёки куч билан таҳдид қилишни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Декларация мазкур тамойил доирасини кенгайтириб, унинг мазмунини янги жиҳат билан бойитган. Унда давлатдан

бошқа аъзо-давлатга қарши куч ишлатиш ва куч билан таҳдид қилиш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиб туриш қоида-си ифодалаб берилган. Декларацияда таъкидланишича, куч ўзининг барча кўринишларида бошқа аъзо-давлатни ўзининг суверен ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишдан воз кечишга мажбур қилиш мақсадида қўлланмаслиги керак ва ҳар қандай репрессалий тақиқланади.

БМТ Уставида ўзга давлатлар “ҳудудий дахлсизлиги” ва “сиёсий мустақиллиги”га қарши куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилишга таяниш тақиқланиши тўғрисида сўз боради. Барча давлатлар халқаро муносабатларда бошқа давлатнинг сиёсий мустақиллигига ёки ҳудудий дахлсизлигига қарши қаратилган ҳар қандай ҳарбий, сиёсий, иқтисодий ёки тазйиқ кўрсатишнинг ҳар қандай бошқа шаклларида фойдаланишдан ўзларини тийиб туришлари лозим.

Давлат чегараларининг дахлсизлиги тамойили

Давлат чегараларининг дахлсизлиги тамойили давлат миллий хавфсизлигининг энг муҳим асосларидан бирини ташкил қилади.

Мазкур тамойил Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Кенгашнинг 1975 йилда қабул қилган Яқунловчи ҳужжатида таърифлаб берилган. Унда айтилишича, “иштирокчи-давлатлар бир-бирларига тегишли, шунингдек, Европадаги барча давлатлар чегараларини бузилмас деб ҳисоблайдилар, ва шунинг учун улар ҳозир ва келажакда ушбу чегараларга нисбатан ҳар қандай тажовуз қилишдан ўзларини тиядилар”.

Ушбу тамойилни тан олиш ҳар қандай ҳудудий даъволардан воз кечишни ҳам англатади.

ЕХҲК иштирокчи-давлатлари Европа давлатларининг мавжуд чегараларини тан олишларини ва тасдиқлашларини изҳор қилганлар. Ушбу тан олиш халқаро-ҳуқуқий бўлиб, маълум юридик оқибатларга эга, хусусан уни бекор қилиш мумкин эмас.

Чегаралар дахлсизлиги ва бузилмаслиги тамойилининг асосий мазмунини куйидаги уч элемент билан ифодалаш мумкин:

биринчидан, мавжуд чегараларни халқаро ҳуқуққа мувофиқ тарзда юридик белгиланган деб тан олиш;

иккинчидан, ҳозирда ва келажакда ҳар қандай ҳудудий талаблардан воз кечиш;

учинчидан, ушбу чегараларга нисбатан ҳар қандай бошқа тажовузлардан воз кечиш.

Чегаралар дахлсизлиги тамойили барча давлатларнинг худудий устунлиги ва яхлитлигини ҳурмат қилишни ҳам англатади. Ушбу тамойилга мувофиқ, давлатлар умумий чегараларнинг, шунингдек, бошқа давлатларга тегишли чегараларнинг бузилмаслигини тан оладилар. Улар ҳар қандай давлат худудининг маълум бир қисми ёки унинг бутун худудини босиб олишга қаратилган ҳар қандай талаб ва ҳаракатлардан ўзларини тийиш мажбуриятини оладилар. Бу алоҳида олинган давлатлар ўртасида низоли худудлар масаласи бўлмайдигани эмас, бироқ чегарага дахлдор масалалар музокаралар ва халқаро ҳуқуққа мувофиқ тарзда бошқа воситалар ёрдамида ҳал этилмоғи лозим. Чегаралар дахлсизлиги тамойили универсал характер касб этиб, барча қитъаларда қўлланиши лозим. Бу эса ўз ўрнида халқаро тинчликни ва хавфсизликни мутаҳкамлайди.

Давлатларнинг худудий яхлитлиги тамойили

Давлатларнинг худудий яхлитлиги тамойили БМТ Устави қабул қилиниши билан ўз ечимини топган. Бироқ мазкур тамойилнинг номланиши охиригача ўз ечимини топгани йўқ. Шунинг учун ҳуқуқий адабиётларда худудий яхлитлик ва худудий дахлизлик ибораларини учратишимиз мумкин.

БМТ Устави ҳар қандай давлатнинг сиёсий мустақиллиги ва худудий дахлсизлигига (яхлитлигига) қарши куч ишлатиш ва куч билан таҳдид қилишни тақиқлайди. 1970 йилги Халқаро ҳуқуқ тамойиллари тўғрисидаги Декларацияда БМТ Уставининг 2-модда 4-бўлими мазмунини ёритишда бу ерда бевосита худудий яхлитлик тамойилининг ўзи тилга олинмасда, унинг кўпгина элементлари ўз аксини топган. Хусусан, ҳар бир давлат:

биринчидан, “бошқа давлатнинг миллий бирлиги ва худудий дахлсизлигини бузишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиб туриши керак”;

иккинчидан, “давлат худуди Устав қоидаларини бузиш орқали куч ишлатиш натижаси ҳарбий босиб олиш объекти бўлмаслиги лозим”;

учинчидан, “давлат худуди куч билан таҳдид қилиш ёки уни ишлатиш натижасида бошқа давлат томонидан эгаллаб олиниш объекти бўлиши мумкин эмас”.

Мазкур тамойилни ривожлантиришнинг кейинги босқичи 1975 йилги ЕХҲКнинг Яқунловчи ҳужжати бўлди. Ушбу ҳужжат худудий яхлитлик тамойилининг тўлиқ таърифини ўзида ифодалаган. Унда шундай дейлади:

“Иштирокчи-давлатлар ҳар бир иштирокчи-давлатнинг ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилади. Унга мувофиқ улар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави мақсад ва тамойилларига зид бўлган ҳар қандай ҳаракатлардан: ҳудудий яхлитлик, сиёсий мустақиллик ёки ҳар қандай иштирокчи-давлатнинг бирлигига қарши, хусусан, куч ишлатиш ёки куч билан таҳдид қилишни англатувчи ҳар қандай ҳаракатлардан ўзларини тийиб турадилар. Шунингдек, давлатлар бир-бирларининг ҳудудини босиб олиш объекти ёки халқаро ҳуқуққа хилоф равишда бевосита ёки билвосита куч ишлатиш ёки шундай чоралар ёрдамида ёки уни амалга ошириш таҳдиди остида эгаллаб олиш объектига айлантиришдан ўзларини тийиб турадилар. Бу тарзда босиб олиш ёки эгаллаб олиш қонуний деб ҳисобланмайди”.

Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойили

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқига мувофиқ давлатлар ўз низоларини тинч йўллар билан ҳал этишлари лозим.

БМТ Уставининг 2-модда 3-бўлимига мувофиқ, “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча аъзолари ўзларининг халқаро низоларини халқаро тинчлик, хавфсизлик ва адолатни хавф остида қолдирмаслик учун тинч йўллар билан ҳал этадилар, яъни музокаралар, текшириш ўтказиш, воситачилик, яраштириш, арбитраж, судда ишни кўриш, регионал органлар ёки кенгашларга мурожат қилиш ёки ўз хоҳишига кўра бошқа воситалар ёрдамида” ҳал этадилар.

Сўнгги чорак аср халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш воситалари аҳамияти ва салмоғининг ўсиб бориши билан характерланади.

Ўзбекистон Конституциясида мустақамлаб қўйилган давлатлар ўртасидаги низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойили барча низоли масалалар халқларнинг қонуний манфаатлари, тинчлик ва хавфсизлик хавф остида қолмаслиги учун халқаро ҳуқуққа мос равишда тинч усуллар билан ҳал этилишини белгилаб беради. 1970 йилдаги Халқаро ҳуқуқ тамойиллари тўғрисидаги Декларацияда айтилишича: “Ҳар бир давлат ўзининг бошқа давлатлар билан мавжуд халқаро низоларини, халқаро тинчлик, хавфсизлик ва адолатни хавф остида қолдирмаслик учун тинч йўллар билан ҳал этади”. Ўзбекистон ушбу тамойилга оғишмай риоя қилмоқда.

Низоларни фақат тинч йўл билан ҳал этиш мажбурийлиги тамойили БМТ Уставининг VI-боб 2-модда 3-бўлимида баён қилинган. Ушбу тамойил низолар келиб чиққан ҳолатда уларни ҳал этиш

учун бевосита музокаралар, текширув ўтказиш, воситачилик, арбитраж ёки ишни судда кўриб чиқиш каби воситаларга мурожаат қилиш мажбуриятини юклайди. Шубҳасиз, агар низолашувчи томонлар юқорида санаб ўтилган воситалардан бирини қўллаш билан низонинг ҳал этилишига эришмаган бўлсаларда, уни ўзаро келишган ҳолда тинч йўл билан ҳал этишга интилишлари лозим.

Давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойили

Давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойили БМТ Уставининг 2-моддаси 7-бўлимида акс эттирилган ва 1970 йилдаги Халқаро ҳуқуқ тамойиллари тўғрисидаги Декларация, ЕХХКнинг Яқунловчи ҳужжати, давлатларнинг ички ишларига аралаштишга йўл қўйиб бўлмаслик, уларнинг мустақиллиги ва суверенитетини ҳимоя қилиш тўғрисидаги БМТ Резолюцияси каби халқаро ҳужжатларда ўзининг янада аниқ баёнини топган.

БМТ Уставининг 2-моддаси 7-бўлимига мувофиқ Ташкилот “ўз моҳияти бўйича ҳар қандай давлатнинг ички ваколатига кирадиган ишларга аралаштиш ҳуқуқига эга эмас”. Бироқ давлат ҳудуди доирасида юз бераётган баъзи ҳаракатлар Хавфсизлик Кенгаши томонидан фақат муайян давлатнинг ички иши эмас деб баҳоланиши мумкин. Масалан, агар БМТ Хавфсизлик Кенгаши маълум ҳодисани халқаро тинчлик ва хавфсизликка хавф туғдиради деб ҳисобласа, ушбу ҳаракатга нисбатан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан амалга оширилган хатти-ҳаракатлар давлатнинг ички ишларига аралаштиш деб қаралмаслиги лозим.

Аралашмаслик концепцияси давлатлар ҳар қандай масалаларни ихтиёрий равишда ўз ваколатлари доирасига киритиб олишини аниқлатмайди. Давлатларнинг халқаро мажбуриятлари, шунингдек, уларнинг БМТ Уставидан келиб чиқувчи мажбуриятлари мазкур масалаларни тўғри ҳал этишга ёндашишда мезон бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг конституциявий тамойили ҳисобланган бошқа давлатлар ва халқларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойили, авваломбор, БМТ Устави (2-модда 7-бўлим), давлатларнинг ички ишларига аралаштишга йўл қўйиб бўлмаслик, уларнинг мустақиллиги ва суверенитетини ҳимоя қилиш тўғрисидаги БМТ Резолюцияси каби халқаро ҳужжатларда баён қилинган халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойилларига асосланади. Кўрсатилган қоидалар ҳар бир давлатнинг ўз ривожланишини ҳар қандай давлат ёки халқаро ташкилотдан мустақил равишда белгилаши ҳуқуқи билан боғ-

лиқдир. Бироқ бу ерда давлатнинг хатти-ҳаракатлари халқаро тинчлик ва хавфсизликка хавф туғдирмаслиги лозим. Ушбу тамойилнинг умум тан олиниши давлатларнинг бошқа давлат ички ваколатига кирувчи масалаларга нисбатан қаратилган ҳар қандай, бевосита ёки билвосита, якка тартибда ёки жамоа тарзида аралашшидан воз кечишга келишганликларини англатади. Шунини алоҳида таъкидлаш муҳимки, халқаро ҳуқуқда аралашмаслик тамойили бошқа давлат сиёсий тузумини зўравонлик билан қўпоришга қаратилган террористик, қўпоровчилик ва бошқа фаолиятларни амалга оширишда бевосита ёки билвосита ёрдам беришдан ҳам ўзини тийиб туришни англатади.

Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойили

Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойили шаклланиши бевосита БМТ Уставининг қабул қилиниши билан боғлиқ. Уставнинг 1-моддасида Ташкилот аъзоларининг мақсади сифатида “барча учун уларнинг ирқи, жинси, тили ва динидан қатъий назар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рағбатлантириш ва ҳурмат қилишни ривожлантиришда” давлатлар ўртасида ҳамкорлик тўғрисида сўз боради. Уставнинг 55-моддаси муҳим аҳамиятга эга. Унга мувофиқ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти —

биринчидан, аҳолининг яшаш даражаси юксалишига, тўлиқ бандлигига, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш шарт-шароитларига;

иккинчидан, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилишга ва риоя этишга қўмаклашади.

Бу ерда давлатларнинг мажбуриятлари энг умумий шаклда баён қилинган, шунинг учун давлатлар инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойилининг меъёрий мазмунини аниқлашга интилмоқдалар. Бу вазифа 1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ва 1966 йилда қабул қилинган иккита пакт: Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги ҳамда Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактларда тўлиқ ва универсал тарзда бажарилган. Қайд этилган халқаро ҳужжатлар умумий характер касб этади, яъни инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига барча давлатлар томонидан риоя қилиниши лозим.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлатлараро ҳамкорликнинг асосий мақсади миллий қонунчиликни бир хил қилиш (унификациялаштириш) эмас, балки давлатлар учун миллий қонунчиликни ишлаб чиқишда бошланғич нуқта вазифасини ўташга хизмат қилувчи стандартларни яратишдир.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини бевосита тартибга солиш ва ҳимоя қилиш аввалгидай ҳар бир давлатнинг ички иши бўлиб қолмоқда. Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро меъёрларнинг аксарият қисми бевосита давлат ҳудудида қўлланиши мумкин эмас. Мазкур меъёрлар имплементацияси суверен давлатдан муайян чора ва тадбирлар амалга оширилишини талаб қилади.

Халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши тамойили

Ҳар бир халқ ўзининг ривожланиш йўли ва шакллари эркин танлай олиш ҳуқуқини сўзсиз ҳурмат қилиш халқаро муносабатларнинг асосларидан бирини ташкил қилади.

Халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши тамойили БМТ Устави қабул қилингандан сўнг мажбурий меъёр сифатида ривожланмоқда. БМТнинг асосий мақсадларидан бири — “давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатларни халқларнинг тенглиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаши тамойили асосида ривожлантириш” дир (Уставнинг 1-модда, 2-бўлими). Ушбу мақсад Уставнинг бошқа кўпгина қоидаларида аниқлаштирилган.

Ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойили мустамлака ва тобе халқлар муаммоларини ҳал этишда асос бўлиб хизмат қилади, чунки мазкур тамойилнинг субъекти давлатлар эмас, балки халқлар ва миллатлардир.

БМТ ҳужжатларида ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойили меъёрий мазмунининг асоси ифодалаб берилган. Мисол учун, 1970 йилда қабул қилинган Халқаро ҳуқуқ тамойиллари тўғрисидаги Декларацияда таъкидланишича: “Суверен ва мустақил давлатнинг тузилиши, мустақил давлатга бирлашиши ёки у билан қўшилиши, ёки халқ томонидан эркин белгиланган ҳар қандай сиёсий мақомнинг ўрнатилиши мазкур халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга ошириш шакллари ҳисобланади”.

Агар миллат мустақил давлатни яратса ёки давлатлар федерацияси таркибига кирса, ўз тақдирини ўзи белгилаши ҳуқуқи йўқ кетмайди. Ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқининг субъектлари нафақат тобе давлатлар, балки суверен миллат ва халқлар ҳам саналади. Миллий мустақилликка эришиш билан ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи фақат ўз мазмунини ўзгартиради, бу эса тегишли халқаро ҳуқуқий меъёрларда ўз ифодасини топади.

Давлатларнинг халқаро ҳамкорлик тамойили

Давлатлар уларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тузумидан қатъий назар халқаро ҳамкорлик ғояси БМТ Уставини ташкил этувчи меъёрлар тизимида асосий ҳисобланади.

Ҳамкорлик тамойили кўпгина халқаро ташкилотлар Уставларида, халқаро шартономаларда, кўп сонли резолюция ва декларацияларда акс эттирилган. Мисол учун, БМТ Уставида давлатлар “иқтисодий, ижтимоий, маданий ва гуманитар характердаги халқаро муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамкорликни амалга оширишлари лозим”лиги мажбурияти кўрсатиб ўтилган.

Албатта, ҳамкорликнинг аниқ шакли ва унинг ҳажми давлатларнинг ўзига, уларнинг талаб ва моддий захираларига, ички қонунчилик ва улар қабул қилган халқаро мажбуриятларга боғлиқдир. Бироқ давлат мақсадларини ифодаловчи ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили давлатлар ҳамкорлик тамойилига универсал характер беришга интилаётганликларини кўрсатмоқда. Барча давлатлар БМТ тамойилларига мувофиқ ҳаракат қилишлари мажбурияти уларга турли хил халқаро муаммоларни ечишда ўзаро ҳамкорлик асосида ҳаракат қилишлари лозимлиги мажбуриятини юкламоқда.

Халқаро мажбуриятларни виждонан бажариш тамойили

Халқаро мажбуриятларни виждонан бажариш тамойили давлатчиликнинг илк босқичларида халқаро-ҳуқуқий одат шакли сифатида — **pacta sunt servanda** — вужудга келди. Мазкур тамойил ҳозирги вақтда кўп сонли кўптомонлама ва икки томонлама халқаро шартномаларда ўз аксини топган.

Халқаро мажбуриятларни виждонан бажариш тамойили халқаро ҳуқуқ субъектлари хатти-ҳаракатини белгиловчи умум эътироф этилган меъёр сифатида БМТ Уставида қайд этилган. Ушбу халқаро ҳужжат Муқаддимасида БМТ аъзолари қатъийлик билан “шартномалар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа манбаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларга нисбатан адолатли ва ҳурматли муносабатда бўла олишни таъминлашга хизмат қилувчи шароитларни яратиш”ни таъкидлайдилар.

Халқаро ҳуқуқнинг ривожланиши халқаро мажбуриятларни виждонан бажариш тамойилининг универсал характерини тасдиқламоқда. Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенциясига

мувофиқ, “амалдаги ҳар бир шартнома унинг иштирокчилари учун мажбурий ва улар томонидан виждонан бажарилиши лозим”.

Халқаро мажбуриятларни виждонан бажариш тамойилининг ҳаракат доираси охириги йилларда сезиларли кенгайди. Буни қуйидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таърифидан ҳам билсак бўлади: 1970 йилги Халқаро ҳуқуқ тамойиллари тўғрисидаги Декларация ва 1975 йилги ЕХХК Яқунловчи ҳужжати.



Такрорлаш учун саволлар

- ◆ Халқаро ҳуқуқ тамойиллари қандай аҳамиятга эга?
- ◆ Уларнинг қандай характерли жиҳатлари мавжуд?
- ◆ Давлатларнинг суверен тенглиги тамойили нимани англатади?
- ◆ Куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик тамойилини қандай тушунасиз?
- ◆ Давлат чегараларининг дахлсизлиги тамойили деганда нимани тушунасиз?
- ◆ Давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги тамойили нимани англатади?
- ◆ Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойилини қандай тушунасиз?
- ◆ Давлатнинг ички ишларига аралашмаслик тамойили нимани англатади?
- ◆ Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш нимани англатади?
- ◆ Халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши тамойили нимани англатади?
- ◆ Халқаро ҳамакорлик тамойили нимани англатади?
- ◆ Халқаро мажбуриятларни виждонан бажариш тамойили нимани англатади?
- ◆ Халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларида қандай ўз аксини топган?

6-мавзу. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА ҲУДУД ВА БОШҚА МАЙДОНЛАР

- **Халқаро ҳуқуқда ҳудуд тушунчаси ва турлари.**
- **Давлат ҳудудининг ҳуқуқий мақоми.**
- **Давлат чегараси тушунчаси ва турлари.**
- **Давлат чегараларини ўзгартириш.**
- **Халқаро дарёлар.**
- **Ҳудудий низо.**
- **Қуролсизлантирилган ва бетараф (нейтрал) ҳудудлар.**
- **Антарктиканинг халқаро-ҳуқуқий мақоми.**
- **Денгиз майдони.**
- **Ҳаво бўшлиғи.**

Халқаро ҳуқуқда ҳудуд тушунчаси ва турлари

Халқаро ва миллий ҳуқуқда “ҳудуд” ибораси ердаги бошқа майдонлардан маълум юза (чегара) билан чегараланган, юридик мақом ва шунга мос равишда ҳуқуқий тартибга эга бўлган ердаги ва, шунингдек, ердан ташқаридаги космик майдонни белгилаш учун қўлланади.

Ер майдонини космик майдондан ажратиб турувчи **чегара** Ер конфигурациясини такрорловчи ва унинг юзаси(денгиз даражаси)дан бир қадар масофада жойлашган шарсимон юза ҳисобланади. Ушбу шарсимон юзанинг аниқ баландлик даражаси ҳали белгилангани йўқ, бироқ у Ер йўлдошини атмосферада жиддий тўхташларсиз ва куйиб кетмасдан ҳаракат қила олишига имконият берувчи даражада бўлиши лозимлигидан келиб чиқилади. Бу даража 110 километрни ташкил этади.

Космик фазо (борлиқ)ни шартли равишда яқин жойлашган, яъни Қуёш тизимини ўраб турувчи ва унда жойлашган осмон jismlари ҳамда унинг ташқарисидаги космик майдонга бўлиш мумкин. Космик борлиқни тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланишга дахлдор халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш асосан Қуёш тизими маконига тегишли.

Ер майдонининг ўзи, агар унинг юридик мақоми нуқтаи-назаридан келиб чиқадиган бўлса, иккита катта тоифага, яъни давлат ҳудудини ташкил этувчи ҳамда давлат ҳудуди доирасидан ташқарида бўлган майдонга бўлинади.

Бундай майдоналар — давлат ҳудуди ва давлатга тегишли бўлмаган ҳудуд — бир-биридан чегаралар билан ажратилади. Чегаралар хариталарда, шунингдек, (агар имконияти бўлса) жойларда белги-ланган чизиқлар ва ушбу чизиқлар бўйлаб ер майдонини фазо билан ва назарий жиҳатдан Ернинг маркази ер ости бойликлари туби, аслида ер остига кириш мумкин бўлган жойгача ўтувчи вертикал юза ҳисобланади.

Кўрсатилган майдон давлат ва давлатга тегишли бўлмаган ҳудуд доирасидаги қуруқлик, сув, ер ости бойликлари ва ер юзасидаги ҳаво майдонини ўзида бирлаштиради. Уларнинг ҳуқуқий тартиби ва улардан фойдаланиш шарт-шароитлари, одатда, алоҳида белгиланади ҳамда халқаро денгиз ва ҳаво ҳуқуқларининг тартибга солиш предметини ташкил қилади.

Демак, халқаро ҳуқуқда ҳудуд тушунчаси остида ер шарининг турли майдонлари тушунилади. Булар: қуруқлик ва сув юзаси, табиий захиралар ва ҳаво бўшлиғи ҳамда космик майдон ва фазодаги осмон жисмлари.

Халқаро ҳуқуқда барча ҳудудлар ўз ҳуқуқий мақомининг асосий турларига қараб уч гуруҳга:

биринчидан, давлат ҳудудлари;

иккинчидан, халқаро режимга эга бўлган ҳудудлар;

учинчидан, аралаш режимдаги ҳудудларга бўлинади.

Давлат ҳудуди деб, маълум миллий давлатнинг суверенитети остида бўлган ҳудудлар тушунилади. Бир томондан, ушбу ҳудуднинг давлатга тегишлилиги ва, иккинчидан, мазкур ҳудудда ушбу давлатнинг устуворлиги — давлат ҳудудининг асосий белгилари ҳисобланади. Ҳарбий оккупация ҳолатларида ва ҳудуд халқаро-ҳуқуқий ижарага олинган ҳолатларда бир қатор вақтинчалик чекинишларга йўл қўйилиши мумкин.

Халқаро режимдаги ҳудудлар, деганда, давлат ҳудуди чегарасидан ташқарида бўлган, алоҳида олинганда, ҳеч қайси бир давлатга тегишли бўлмаган ва халқаро ҳуқуққа мувофиқ барча давлатлар томонидан умумий фойдаланиладиган майдонлар тушунилади. Бу тур ҳудудларга, энг аввало, очиқ денгиз, унинг устидаги ҳаво майдони ҳамда континенталь шельф доирасидан ташқаридаги чуқур денгиз тублари киради.

Аралаш режимга эга бўлган ҳудудларга континенталь шельф ва иқтисодий зоналар (минтақа) киради. Ушбу ҳудудлар миллий давлатлар суверенитети остида бўлмайди ва давлат ҳудуди таркибига кирмайди. Бироқ қирғоқ бўйи давлатлари континенталь шельф ва

иктисодий денгиз зонасига туташиб турувчи майдонларда фойдали қазилмаларни излаб топиш ва уларни қазиб олиш, ушбу ҳудудларда табиий муҳитни ҳимоя қилишга нисбатан суверен ҳуқуқларини сақлаб қолади. Бундай ваколатлар ҳажми халқаро ҳуқуқ билан белгиланади.

Антарктикада алоҳида халқаро-ҳуқуқий тартиб ўрнатилган. 1959 йилда қабул қилинган Шартномага кўра, Антарктика бутунлай қуролсизлантирилган ва барча давлатларнинг илмий тадқиқотлар ўтказишлари учун очиқ ҳудуд деб эълон қилинган. Антарктиканинг ҳеч бир қисми бирор давлат суверенитети остида эмас.

Космик фазо ер ҳудудидан ташқарида бўлиб, унинг ҳуқуқий мақоми халқаро космик ҳуқуқ тамойил ва нормалари билан белгиланади. Хусусан, 27 январь 1967 йилда қабул қилинган Космик фазони, шу жумладан Ой ва бошқа осмон жисмларини тадқиқ қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича давлатлар фаолияти тамойиллари тўғрисидаги шартномага асосан белгиланган. У маълум давлат томонидан эгаллаб олиниши мумкин эмас ва барча давлатлар учун тадқиқот олиб бориш ва фойдаланиш учун очиқдир.

Давлат ҳудудининг ҳуқуқий мақоми

Давлат ҳудуди — ер майдони бўлиб, унинг доирасида давлатга хос бўлган ҳудудий устуворлик амалда бўлади. Мазкур майдон доирасида давлат олий ҳокимиятни амалга оширади ва уни тасарруф қилади, маъмурий асосда (бошқариш мақсадлари келиб чиқиб) уни ташкил этади ва унинг (бутун ҳудудда ёки унинг қисмида) ҳуқуқий тартибни ўрнатади.

Давлатлар ўртасида давлат ҳудуди борасидаги ўзаро муносабатлари ҳар бир давлат учун хос бўлган халқаро ҳуқуқда белгиланган, хусусан давлат суверенитетини ҳурмат қилиш, давлатларнинг суверен тенглиги, уларнинг халқаро муносабатларда мустақиллиги, ҳудудий яхлитлик ва дахлсизлик, ҳар бир давлатнинг ҳудудий бирлиги каби императив нормалардан келиб чиқадиган ҳудудий устуворлик билан ифодаланади.

Давлат ҳудудининг ҳуқуқий тартибини ҳамда миллий ҳуқуқий тартиботни ўрнатиш ҳар бир давлатнинг ички ваколатига тегишлидир.

Ҳудудининг ҳуқуқий тартибини давлат ўз ихтиёри билан белгилайди, давлат халқаро ҳуқуқ ёки шартнома асосида халқаро-ҳуқуқий мажбурият олган ҳолатлар бундан истисно саналади.

Ички давлат ҳуқуқи давлат ҳудуди таркибига кирувчи табиий муҳитни ҳам инобатга олади ва табиатдан фойдаланиш тўғрисидаги (давлатнинг халқаро мажбуриятларини ҳам ифодаловчи) нормаларда, уни сақлаб қолишнинг зарурий шарт-шароитларини белгилайди.

Давлат ҳудуди таркибига қуруқлик ва сувлар, ер ости бойликлари билан бирга ҳамда қуруқлик ва сувлар устидаги ҳаво майдони киради. Уларнинг чегараси давлат чегараларини белгилайди.

Давлатнинг қуруқлик ҳудуди унинг чегараси доирасидаги барча қуруқлик майдонларидир.

Давлатнинг сув ҳудудини ички (миллий) сувлар ва ҳудудий денгиз ташкил этади. 1982 йилда қабул қилинган БМТнинг Денгиз ҳуқуқи тўғрисидаги конвенциясига мувофиқ, ички сувларга:

биринчидан, денгиз сувлари, хусусан, ҳудудий денгиз кенглигини ўлчаш учун қабул қилинган давлат-архипелаглarning қирғоқдан тўғри чиқиқ бўйича жойлашган сувлари;

иккинчидан, портлар сувлари;

учинчидан, бўғозлар сувлари, агар уларнинг қирғоқлари бир давлатга тегишли бўлса ҳамда 24 денгиз милясидан ошмаса, шунингдек, “тарихий” бўғозлар киради.

Ҳудудий денгиз деб, қирғоқ бўйи денгиз сувлари қисмига айтилади. 1982 йил Конвенциясига кўра, унинг кенлиги 12 денгиз милясидан ошмаслиги керак.

Қуруқлик ва сув ости бойликлари, улар қандай чуқурликда жойлашганидан қатъий назар, давлат ҳудуди таркибига киради.

Давлатнинг ҳаво ҳудудини унинг қуруқлик ва сув чегаралари доирасида жойлашган ҳаво майдони ташкил этади.

Давлат ўз ҳудуди доирасида устуворликни амалга оширади. У ҳудудий устуворлик деб номланади ва давлат суверенитетининг таркибий қисмини ташкил этади. Давлат устуворлиги мазкур давлат ҳокимияти унинг ҳудуди чегарасидаги барча шахслар ва ташкилотларга нисбатан олий ҳокимият эканлигини англатади.

Давлат ҳудуди нафақат мазкур давлат ҳокимияти амалга ошириладиган макон бўлибгина қолмай, балки унинг таркибий қисмлари билан бирга: қуруқлик ва сувлари, ҳаво макони ва ер ости бойликлари билан бирга табиий муҳитдир.

Ҳеч ким давлатни унга тегишли ҳудуд ва, албатта, табиий бойликлардан маҳрум қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Давлат ҳудуди, хусусан ер, ер ости бойликлари, хорижий давлатлар, уларнинг юридик ва жисмоний шахслари томонидан ишлаб

чиқариш мақсадларида ҳудудий сувереннинг розилигисиз фойдаланиши мумкин эмас.

Халқаро муносабатларда ўз давлати номидан иштирок этувчи давлат ҳокимияти ва бошқарувининг олий органлари халқаро муносабатларда ҳудудни тасарруф қилиш ваколатига эгадирлар. Бундай ваколатлар, агар улар мамлакатнинг конституциявий қоидаларига тўғри келсагина, қонуний ҳисобланади. Халқаро муносабатларда мазкур ваколатлардан фойдаланиш қачонки улар халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойил ва нормаларига мувофиқ келса, қонуний (ҳуқуқий) ҳисобланади.

Давлатнинг ҳудудий устуворлиги муҳим аҳамият касб этади. Мазкур давлат ҳокимияти унинг ҳудуди чегаралари доирасидаги барча жисмоний ва юридик шахслар учун олий ҳисобланади. Давлатнинг олий ҳокимияти қонунчилик, ижро, маъмурий ва суд соҳаларида давлат органлари тизими орқали амалга оширилади. Давлат ҳудудида ҳар қандай бошқа давлатнинг ҳокимият фаолиятига йўл қўйилмайди.

Давлат ўз ҳудуди доирасида шахсларга нисбатан, агар халқаро шартномаларда ўзга ҳолат белгиланмаган бўлса, амалдаги қонунчиликка мувофиқ давлат мажбурлаш воситаларини қўллайди. Давлат юрисдикцияси унинг ҳудуди ташқарисида фақат очиқ денгиздаги ҳарбий кемаларига, ҳаво кемаларига, космик объектлар ва уларнинг экипажига нисбатан тааллуқли бўлиши мумкин. Ҳеч ким зўравонлик билан давлатни унга тегишли ҳудуддан, тегишли табиий захиралардан маҳрум қилиш ва давлат чегараларини ўзгартириш ҳуқуқига эга эмас. Давлат ерлари табиий бойликлари бошқа давлат ва унинг вакиллари томонидан саноат мақсадларида ҳудудий сувереннинг рухсатисиз фойдаланишлари мумкин эмас.

Давлат чегараси тушунчаси ва турлари

Давлат чегараларининг асосий вазифаси давлат ҳудуди доирасини белгилашдан иборат. Давлат чегараси — муайян чизик ва мазкур чизик орқали ўтган вертикал текисликдир.

Давлат ҳудуди **қуруқлик, сув ва ҳаво чегаралари** каби турлардан иборат.

Қуруликдаги чегаралар қўшни давлатлар билан шартнома асосида ўрнатилади. Одатда ушбу чегаралар жойнинг рельефи (тоғлар, дарёлар ва бошқа хусусиятли белгиларни) ҳисобга олган ҳолда ўткази-

лади ва орфографик чегаралар деб номланади. Баъзан чегаралар иккита нуқтани бир-бирига боғлаб, тўғри чизик орқали (**геометрик чегаралар**), шунингдек, меридиан ёки параллеллар орқали (**астрономик чегаралар**) ҳам ўтказилади.

Сув чегаралари дарё, кўл, денгиз ва бошқа сув ҳавзалари орқали ўтадиган чегара турларига бўлинади. Дарёларда чегаралар қирғоқ бўйи давлатларининг ўзаро келишуви асосида ўрнатилади: кема қатнайдиغان дарёларда-тальяга бўйлаб (дарёнинг энг чуқур жойи орқали) ёки бош фарватери¹ ўртасидан, кема қатнамайдиган дарёларда — дарё ўртасидан, кўлларда ва бошқа сув ҳавзаларида давлат чегараси қуруқликдаги чегараларни сувга чиқиш нуқталарини тўғри чизик орқали бир-бирига боғлаш билан ўрнатилади.

Давлатнинг **денгиз чегаралари** унинг худудий денгизи ташқи четлари (чегаралари) ёки чегарадош ёки қарама-қарши ётувчи давлатларнинг худудий денгизлари чегарасини белгиловчи чизиклар ҳисобланади. Худудий денгизнинг ташқи чегаралари қирғоқ бўйи давлатининг қонун ҳужжатлари билан халқаро ҳуқуқнинг умум тан олинган тамойил ва нормаларига мувофиқ ўрнатилади. 1982 йилда қабул қилинган **Денгиз ҳуқуқи бўйича БМТ Конвенциясига** кўра ҳар бир давлат ўзининг худудий денгизи кенглигини 12 денгиз милясидан ошмаган даражада белгилаш ҳуқуқига эга.

Давлат ҳаво майдонининг ён ва юқори чегаралари давлат худудининг **ҳаво чегаралари** ҳисобланади. Давлат чегараларининг қуруқлик ва сув чизиклари бўйича ўтадиган вертикал текислик ҳаво майдонининг ён чегараларини ташкил этади.

Ҳозирги даврда давлатнинг қуруқлик ва денгиз чегаралари шакланган амалиётга мувофиқ чегарадош давлатлар ўртасида тузиладиган шартномалар асосида ўрнатилади.

Қуруқлик чегаралари (қисман денгиз чегаралари) чизикларининг ўтказилиши халқаро шартномада батафсил ёритилади ва ушбу тасвирга мос равишда чизиклар ҳолати харитага туширилади. Давлат чегараларини шартнома асосида бундай аниқланиш жараёни **делимитация** деб номланади. Жойларда қуруқлик чегаралари чизикларини аниқлаш учун чегарадош давлатлар қўшма комиссия тузадилар. Мазкур комиссия жойларда чегара чизикларини махсус чегара белгиларини (**демаркация**) ўрнатиш орқали белгилайди.

Қўшни давлатлар чегаралар дахсизлигини таъминлаш учун шартномавий тартибда ўзаро чегараларнинг маълум тартибини белгилайдилар. Ушбу шартнома томонларга чегара чизикларини лозим тар-

¹ Денгизнинг кемалар юра оладиган йўли, кема йўли.

тибда сақлаб туриш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар юклайди ва, шунингдек, уни кесиб ўтишнинг тегишли тартибини белгилайди. Чегаралар тартибини белгилаш тўғрисидаги шартномалар, одатда, жойларда чегара чизикларининг келиб чиқиши ва уларни белгилаш, чегара белгиларини сақлаб туриш, чегараларни текшириш бўйича қўшма комиссиялар тўғрисидаги, чегара сувларидан, чегараларни кесиб ўтувчи темир йўл ва автомобиль йўлларида фойдаланиш тартиби, шунингдек, ов, ўрмон ва қишлоқ ҳўжалиги ҳамда давлат чегараларига яқин жойларда тоғ ишларини амалга ошириш тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олади.

Турли чегара можароларини ўз вақтида томонлар келишуви асоида ҳал этиш муҳим аҳамият касб этади. Халқаро ҳуқуқда шакланган амалиётга кўра, бу каби можароларни тартибга солиш мақсадида чегара комиссарлари институти яратилган.

Давлат чегараларини ўзгартириш

Давлат ҳудудининг четлари ер майдони каби чегаралар билан белгиланади. Мазкур чегаралар давлат ҳудудини қўшни давлатлар ҳудуди ёки уни давлат ҳудудига тегишли бўлмаган бошқа ҳудудлардан ажратиб туради. Давлатнинг **халқаро чегаралари** деб номланган бундай чегаралар **халқаро тан олинган** ва **халқаро белгиланган** бўлиши лозим.

Халқаро тан олинган давлатлараро чегаралар — ўтказилиши қўшни давлатлар билан келишилган чегаралардир. Агар чегараларнинг ўтказилиш чизиклари халқаро шартноманинг таркибий қисми бўлмиш хариталарда белгиланган, яъни **делимитация** амалга оширилган ҳамда **чегаралар демаркацияси**, агар имкони жойларда белгиланган ва ўтказилган ва чегара демаркацияси тўғрисидаги баёнларда тасвирлаб берилган бўлса, давлат чегаралари ўрнатилган саналади.

Давлатнинг **халқаро тан олинган ва белгиланган чегаралари** унинг ҳудудини давлат ҳудуди ҳисобланмаган ҳудуддан ҳам ажратиб туради (одатда бу ҳудудий денгизнинг ташқи чегаралари ҳисобланади). Ушбу чегаралар мазкур давлат томонидан делимитация қилинган ва чегара чизикларининг ўтказилиши бошқа давлатлар томонидан очиқ ёки индамай тан олинган бўлади, чунки бу белгиланган халқаро-ҳуқуқий талабларга жавоб беради.

Қачонки давлатлар ўртасидаги чегара дарё чегараси бўлса ва унда кема қатнови амалга оширилса, чегара чизиклари тальвега бўйича

Ўтказилади, юқорида айтилганидек, дарёнинг энг чуқур қисмидан ёки бош фарватернинг ўртасидан, акс ҳолда дарёнинг ўртасидан белгиланади. Умуман олганда қўшни давлатларнинг ўзаро келишувига мувофиқ бошқача тартибда ҳам бўлиши мумкин.

Дарё чегараларининг ҳуқуқий тартиби ҳам манфаатдор давлатлар томонидан ўзаро келишув асосида белгиланиши мумкин.

Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқига мувофиқ чегараларни икки асосга кўра:

биринчидан, халқлар ва миллатлар томонидан ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга оширишлари натижасида (бу ҳолатда давлатларнинг бўлиниши ёки қўшилиши юз беради ва, табиийки, унинг оқибатида янги давлат чегараларини ўрнатиш ёки бекор қилишга зарурият туғилади);

иккинчидан, чегарадош давлатлар ўртасида унча катта бўлмаган ҳудудларни алмашишлари натижасида ўзгартириш мумкин.

Халқаро дарёлар

Икки ёки бир неча давлатлар ҳудудини кесиб ўтадиган ёки ажра-тиб турадиган дарёлар **халқаро дарёлар** тоифасига киради. Баъзан уларни ҳам бевосита **халқаро дарёлар**, яъни денгизга чиқиш йўли мавжуд бўлган, ундан фойдаланишда эса барча давлатлар ёки қирғоқ бўйи давлатларидан ташқари бу тоифага кирмайдиган давлатлар ҳам манфаатдор бўлган ва **кўпмиллатли дарёлар**, фойдаланишда фақат қирғоқ бўйи давлатлари манфаатдор бўлган дарёлар каби турларга бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Одатда, халқаро дарёга нисбатан қирғоқ бўйи давлати (баъзан кенг-роқ аҳамиятга эга бўлган “**халқаро очик сув оқимлари**” ибораси ишлатилади) ўз ихтиёри билан мазкур дарёнинг унинг ҳудуди доирасидаги қисми ҳуқуқий тартибини белгилайди. Шу билан бирга халқаро ҳуқуққа мувофиқ давлат ўз ҳудудининг табиий шарт-шароитларини, агар бу ўзга давлат ҳудуди табиий шарт-шароитларига зарар келтирадиган бўлса, ўзгартириши мумкин эмас. Шунинг учун, халқаро дарё қисмининг унинг ҳудудидан оқиб ўтувчи сувидан фойдаланувчи қирғоқ бўйи давлати бошқа мазкур дарё сувидан фойдаланувчи давлатга зарар етказиши ёки дарёнинг унга тааллуқли қисмидан тегишли тарзда фойдаланишига тўсқинлик қилиши мумкин эмас. Бошқача айтганда, мазкур ҳолатда қирғоқ бўйи давлатларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўзаро боғлиқ ва бу ўз навбатида халқаро дарёлар сувидан фойдаланишни халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш заруриятини туғдиради.

Бироқ бу соҳада умумий халқаро ҳуқуқ даражасида, ҳатто намунавий келишувни ҳам ишлаб чиқишнинг имконияти йўқ, чунки, **биринчидан**, кўпгина (орол ва архипелаг) давлатлар ҳудудида халқаро дарёлар умуман мавжуд эмас; **иккинчидан**, ҳар бир шу каби дарёнинг ҳисобга олиниши лозим бўлган шарт-шароити шу қадар турли-туманки, уларни оқилона умумлаштиришнинг иложи йўқ.

Халқаро дарёлардан фойдаланишни халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш қирғоқ бўйи давлатлари томонидан тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади. Бу каби шартномаларда, агар қирғоқ бўйи давлатлари томонидан мақсадга мувофиқ деб топилса, қирғоқ бўйида жойлашмаган давлатларнинг ҳам қонуний манфаатлари ҳисобга олиниши мумкин.

Халқаро дарё тушунчаси уни ташкил этувчи сувларга нисбатан моҳиятан аниқлик киритилишини талаб қилади.

Биринчидан, дарёнинг бошидан ёки уни бошқа нуқтасидан дарё куйилиши жойигача;

иккинчидан, ўзида дарёнинг барча ирмоқларини бирлаштирувчи дарё ҳавзасини кўриб чиқиш;

учинчидан, дарё тизимидан келиб чиқиб, уни озиклантирувчи сув ости ва сув усти сувларини инобатга олиш мумкин.

Дарё юқориси ва қуйида жойлашган давлатлар манфаатлари ҳам бир-биридан жиддий фарқ қилади. Таъкидлаб ўтилган ва бошқа кўпгина омиллар натижасида халқаро дарёлардан фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солишга эришиш — кўп саъй-ҳаракатни талаб қилувчи, манфаатдор давлатлар ўртасида қатор низоларни келтириб чиқарувчи фаолият ҳисобланади.

Ҳудудий низо

Ҳудудий низо давлат ҳудудининг у ёки бу қисмини юридик тааллуқлилигини белгиловчи халқаро ҳуқуқ (шартнома ёки одат) нормаларининг мавжудлиги ёки ҳаракатига нисбатан томонларнинг турли (бир-биридан фарқ қилувчи) нуқтаи-назарларининг мавжудлигидан келиб чиқади. Бу ҳолатда шу нарсани таъкидлаш лозимки, ҳудудий низо тан олиш ҳали юридик тааллуқлилиги тугал белгиланмаган маълум ҳудуднинг мавжуд эканлигини тан олиш билан барбардир.

Барча келишмовчиликлар ҳам ҳудудий низо келтириб чиқармайди. Давлат чегаралари демаркациясини амалга ошириш мобайни-

да жойларда чегара чизикларини белгилаш борасида тез-тез келиш-мовчиликлар вужудга келади, бироқ улар чегаралар демаркацияси учун тузилган қўшма комиссия томонидан ҳал этилади.

Худудий низолар қолган барча халқаро низолар каби низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойили асосида ҳал этилмоғи лозим.

Қуролсизлантирилган ва бетараф (нейтрал) ҳудудлар

Қуролсизлантирилган ҳудуд — давлат ҳудудининг шундай ҳудудики, мазкур давлат ушбу ҳудудда мудофаа иншоотлари ва истеҳкомларни қуриш, қуролларнинг маълум турларини жойлаштириш ҳамда қуролли кучларни қисқартириш ёки эга бўлмаслик (халқаро) мажбуриятини олади. Бундай ҳудудлар халқаро битимлар (шартномалар) асосида манфаатдор давлатлар томонидан ўзаро хавфсизликни мустаҳкамлаш мақсадида яратилади.

Тўлиқ қуролсизлантирилган ҳудуднинг элементлари: мажуд мудофаа иншоотларини тугатиш ва янги қурилаётганларини тақиқлаш, ушбу ҳудудларда полиция кучларидан бошқа қуролли кучларни сақлаб туришни тақиқлаш. Шунингдек, қуролсизлантирилган ҳудудда ҳарбий материалларнинг ишлаб чиқарилиши ва олиб кирилиши, ҳарбий самолётларнинг учиб ўтиши ҳам тақиқланиши мумкин. Умуман ушбу йўналишда амалга ошириладиган барча ҳаракатлар давлат ҳудудининг мазкур қисмини ҳарбий мақсадларда фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган.

Қисман қуролсизлантириш одатда янги ҳарбий иншоотларни қуришни тақиқлаш, ушбу ҳудудда жойлашган қуролли кучлар сонини ва қуроллар турлари ва қудратини чеклашга қаратилгандир.

Маълум ҳудудни бетараф деб эълон қилиш деганда давлат ҳудудининг мазкур қисмида ҳарбий ҳаракатларни амалга ошириш ёки ундан ҳарбий ҳаракатлар учун таянч сифатида фойдаланиш тақиқланади. Давлат ҳудудининг маълум қисмини бетараф қилиб қўйиш давлатнинг ҳарбий ҳаракатлар бошланганда бетараф бўлиб қолишини аниқлатмайди. Бироқ ҳарбий ҳаракатлар театридан бетараф қилинган ҳудуд истисно бўлиши лозим.

Бир вақтнинг ўзида маълум ҳудудни бетараф қилиб белгилаш ва қуролсизлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро муносабатлар амалиётида қуролсизлантирилган ва бетараф қилиб белгиланган ҳудудлар асосан чегара ҳудудлари, халқаро канал ва бўғозлар, ороллар, шунингдек, алоҳида олинган шаҳарлардан иборат бўлади.

Антарктиканинг халқаро-ҳуқуқий мақоми

Антарктиканинг қалин муз билан қопланган ушбу қитъанинг унга туташиб турувчи сув ва оролларнинг алоҳида халқаро-ҳуқуқий мақоми XX аср бошида бир қатор давлатлар томонидан у ёки бу асосларда ушбу ҳудуднинг алоҳида районларига нисбатан ўз суверенитетини эълон қилишлари ва бунинг натижасида давлатлар ўртасида низолар ва қуролли тўқнашувлар келиб чиқиши билан боғлиқ.

Бундай ҳолатнинг истиқболи йўқлиги ва инсониятнинг умумий манфаатлари йўлида Антарктикани ўрганиш ва ундан фойдаланишга қаратилган халқаро ҳамкорликнинг жадал ривожланиши унинг алоҳида халқаро-ҳуқуқий мақомини ва ҳудуди тартибини белгилашни талаб қилди. 1959 йилда Антарктика бўйича халқаро конференция чақирилди. Ушбу конференция Антарктика тўғрисидаги Шартномани ишлаб чиқди. Дастлаб музқур шартнома қатнашчилари 12 та давлатдан иборат эди. Бугун унинг қатнашчилари сони 40 дан ортиқдир. Ушбу Шартнома асосида кейинчалик Антарктика ҳуқуқий ҳолатини тартибга солувчи, хусусан, Антарктика захираларидан фойдаланиш борасида шартномалар тузилди.

1959 йилда қабул қилинган шартнома икки асосий ҳолатдан келиб чиқади:

биринчидан, у қандайдир давлатнинг Антарктика ҳудудининг бирор қисмига нисбатан суверенитетини тан олмайди ва шу билан бирга мавжуд ҳудудий даъволарни инкор ҳам этмайди (мазкур шартнома бундай даъволарни “тўхтатиб қўйган”);

иккинчидан, шартнома давлатлар халқаро ҳамжамияти маслагидан келиб чиқиб, Антарктика фақат тинч мақсадларда фойдаланиши лозимлигини белгилайди.

Шунга мувофиқ Антарктиканинг тўлиқ қуролсизлантирилганлиги ва бетарафлиги бегиланган.

Антарктикада илмий ва ўзга тақиқотлар олиб бораётган станция ва экспедиция аъзолари уни жўнатган давлат юрисдикцияси остида бўлади, станция ва экспедициялар ўртасида улар ходимлари алмаштирилганда ҳам бу ҳолат сақланиб қолади.

Денгиз майдони

Ҳозирги замон денгиз ҳуқуқи маълум халқаро-ҳуқуқий меъёрлар мустақил тизими сифатида 1982 йилда қабул қилинган Денгиз ҳуқуқи

бўйича БМТ конвенциясида кодификация қилинган. Унда барча денгиз майдонлари, шу жумладан денгиз ва океанлар туби ва табиий бойликлари, уларнинг устидаги ҳаво бўшлиғи ҳуқуқий мақоми ва ҳуқуқий тартиби белгилаб берилган. Ушбу универсал кодификация қилинган Конвенция матни, иштирокчи-давлатлар томонидан консенсус асосида Денгиз ҳуқуқи бўйича III Конференцияда ишлаб чиқилган бўлиб, денгиз майдонларидан тинч мақсадларда ва инсоният фаровонлиги учун фойдаланиш ва уни тадқиқ қилишни тартибга солувчи кенг кўламдаги халқаро-ҳуқуқий нормаларни кодификация қилиш ва ижобий (прогрессив) ривожлантиришнинг ёрқин мисолидир.

Конвенция икки турдаги, яъни:

биринчидан, қирғоқ бўйи давлатлари ҳудуди таркибий қисмини ташкил этувчи ҳамда;

иккинчидан, давлатлар юрисдикцияси доирасидан ташқарида жойлашган денгиз майдонлари ҳуқуқий мақоми ва ҳуқуқий тартибини белгилайди.

Конвенцияга мувофиқ, қирғоқ бўйи давлати суверенитети (ва унинг миллий юрисдикцияси) унинг қуруқлик ҳудуди ва ички сувлари ташқарисига, архипелаг-давлат суверенитети эса — унинг архипелаг сувлари чегараси ташқарисига ва унга туташган **ҳудудий денгиз** деб номланувчи денгиз минтақаси (поёси)га ёйилади. Кўрсатилган суверенитет ҳудудий денгиз, худди шунингдек, унинг туби ва табиий бойликлари устидаги ҳаво бўшлиғига ҳам тарқалади. Ҳудудий денгиз устидаги суверенитет Денгиз ҳуқуқи бўйича Конвенция ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа меъёрларига мувофиқ амалга оширилади. Ички сувлар ва ҳудудий денгиз ва тегишли равишда архипелаг сувлар ва ҳудудий сувлар, шунингдек, уларнинг устидаги ҳаво бўшлиғи, туби ва ер ости бойликлари бундан келиб чиқувчи барча оқибатлар билан тегишли давлат ҳудудининг қисми ҳисобланади. Ушбу майдонларнинг ҳуқуқий тартиби тегишли давлат томонидан ўз халқаро-ҳуқуқий мажбуриятларидан келиб чиқиб ва унга мос равишда эркин асосларда ўрнатилади. Шу каби ҳудудий денгизга тегишли халқаро мажбуриятлардан бири, яъни бошқа барча давлатлар кемаларига **тинч ўта олиш ҳуқуқининг** берилиши мажбурияти мазмуни ва ундан фойдаланиш шарт-шароитлари Конвенцияда кўрсатиб ўтилган.

Конвенция ҳудудий денгизнинг ички ва ташқи чегараларини ва уларнинг делимитация тартибини белгилайди. Шунингдек, Конвенция **“архипелаг-давлат”** ва **“архипелаг сувлар”** ибора-тушунчалари аҳамиятини аниқлайди. Ҳудудий сувлар чегарасидан ташқаридаги

(шу жумладан, унинг устидаги ҳаво бўшлиғи, туби ва табиий бойликлари), яъни қирғоқ бўйи давлатлари миллий юрисдикцияси доирасидан ташқаридаги денгиз майдони **халқаро майдонни** ташкил этади. Унинг юридик мақоми ва ҳуқуқий тартиби фақат халқаро ҳуқуқ билан белгиланади, мазкур ҳолатда халқаро денгиз ҳуқуқи меъёрлари томонидан ўрнатилади.

Маълум бир давлат суверенитети остида бўлмаган бу каби майдонлар **халқаро майдонлар** ёки **умумий фойдаланиш майдонлари** ҳисобланади.

Уларнинг ҳуқуқий тартиби давлатлар ва баъзи тегишли ваколатга эга бўлган халқаро ташкилотлар (хусусан, Европа Иттифоқи) томонидан келишилган бўлиб, Конвенция қоидаларида ўз ифодасини топган бўлади. Умуман олганда бу каби тартиб халқаро денгиз майдонидан фойдаланувчи барча давлатлар учун ўрнатишган. Бироқ халқаро денгиз майдонларининг баъзи қисмлари ҳуқуқий тартибини ўрнатишда қирғоқ бўйи давлатлари ва ушбу давлатларнинг алоҳида манфаатлари ҳисобга олинади. Шундан келиб чиқиб бу турдаги майдонлар учун алоҳида ҳуқуқий тартиб белгиланади.

Халқаро денгиз майдони таркибида:

- 1) (худудий денгизга) **туташиб турувчи зона**;
- 2) **алоҳида иқтисодий зона**;
- 3) **континенталь шельф** каби қисмлар мавжуд. Ушбу иборалар моҳияти ва уларнинг ҳуқуқий тартиби Конвенцияда аниқлаб берилган.

Денгиз ҳуқуқига тааллуқли бошқа муҳим тушунчаларга “**очиқ денгиз**” тушунчаси киради. Очиқ денгиз ҳуқуқий тартибини ташкил этувчи энг муҳим қисмлардан бири “**очиқ денгиз эркинлиги**” ибора-тушунчаси билан ифодаланувчи тартиб ҳисобланади.

Денгиз ва океанларни тинч мақсадларда, шу жумладан, ўрганиш, химоя қилиш ва денгиз муҳитини сақлаш мақсадларида фойдаланишни тартибга солишнинг энг муҳим халқаро-ҳуқуқий асослари шулардан иборат.

Ҳаво бўшлиғи

Ҳаво ер бўшлиғи халқаро ҳуқуққа мувофиқ икки турдаги майдонни, яъни:

биринчидан, давлат ҳудудининг таркибий қисми ҳисобланган майдонларни;

иккинчидан, давлат ҳудуди чегарасидан ташқарида жойлашган майдонларни ўз ичига олади.

Биринчи турга кирувчи ҳаво майдони юридик мақоми — маълум давлат суверенитети (мутлақ юрисдикцияси) остидаги майдон ҳисобланади. Давлат мазкур майдон ҳуқуқий тартибини халқаро-ҳуқуқий нормалардан келиб чиқувчи халқаро мажбуриятларни инobatга олган ҳолда белгилайди.

Давлат ҳудуди чегаралари ташқарисидаги ҳаво майдони, бошқача айтганда, **халқаро ҳаво майдони** — юридик мақоми маълум давлатнинг суверенитети (мутлақ юрисдикцияси) остида бўлмаслиги жиҳати билан характерланади. Шунга мувофиқ бу майдон барча давлатлар ва уларнинг фуқаролари учун тадқиқотлар олиб бориш ва тинч йўлларда фойдаланиш учун очиқдир.



Такрорлаш учун саволлар

- ◆ Халқаро ҳуқуқда ҳудуд тушунчаси қандай белгиланади?
- ◆ Давлат ҳудуди қандай турларга бўлинади?
- ◆ Давлат ҳудуди таркибига нималар киради?
- ◆ Давлат ҳудудининг юридик ҳолати қандай белгиланади?
- ◆ “Давлат чегараси” ибораси орқали нима тушунилади?
- ◆ Давлат чегараларининг қандай турлари мавжуд?
- ◆ Давлат чегараларини ўзгартириш халқаро ҳуқуқда белгиланганми?
- ◆ Қандай ҳолатларда ҳудудий низолар вужудга келиши мумкин ва улар қандай ҳал этилади?
- ◆ Халқаро дарёларнинг ҳуқуқий мақоми қандай белгиланади?
- ◆ Куролсизлантирилган ва бетараф (нейтрал) ҳудудлар ҳуқуқий мақоми қандай?
- ◆ Антарктиканинг ҳуқуқий мақоми қандай?
- ◆ Халқаро денгиз майдони тушунчаси ва таркиби қандай?
- ◆ Халқаро ҳаво майдони нима?

- Халқаро ҳуқуқда аҳоли тушунчаси.
- Халқаро ҳуқуқда фуқаролик.
- Фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш усуллари.
- Икки фуқаролик ва фуқаросизлик.
- Халқаро ҳуқуқда қочоқлар.
- Халқаро ҳуқуқда кўчирилган шахслар.
- Чет эл фуқароларининг ҳуқуқий мақоми.
- Давлатга кириш ва чиқиб кетиш тартиби.
- Сиёсий бошпана тушунчаси ва унинг берилиши оқибатлари.

Халқаро ҳуқуқда аҳоли тушунчаси

“Аҳоли” атамаси халқаро ҳуқуқда у ёки бу муайян давлат ҳудудида ўша вақтда яшаб турган шахслар мажмуи тушунилади. Ҳар қандай давлатнинг аҳолиси қуйидаги уч категориядан:

биринчидан, ушбу давлат фуқароларидан;

иккинчидан, чет элликлардан;

учинчидан, фуқаролиги бўлмаган шахслардан ташкил топади.

Бундан ташқари айрим ўрта категориялар (масалан, икки фуқароликка эга бўлган шахслар) ҳам мавжуд.

Аҳолига бевосита ва билвосита тааллуқли бўлган, хусусан, фуқаролик, жиноятчини ушлаб бериш, инсон ҳуқуқлари, чет эллик фуқароларнинг режими масалалари бўйича қатор халқаро ҳуқуқ нормалари, шартномавий ва одат нормалари мавжуд.

Халқаро ҳуқуқда фуқаролик

Фуқаролик — жисмоний шахсни давлат билан, уларни ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари мажмуида акс эттириладиган барқарор ҳуқуқий алоқаларидир.

Фуқаролик масалалари асосан давлатнинг ички қонунчилиги билан тартибга солинади.

Фуқаролик — давлатчилик билан узвий боғлиқ бўлган тушунча. Фуқаролик тўғрисидаги қонуннинг йўқлиги фуқароликнинг ўзи йўқлигини англатмайди. Бинобарин, ҳар бир давлат бу борада мус-

тақил иш кўради, шу боис турли давлатларнинг фуқаролик тўғрисидаги қонунларининг тўқнашуви (коллизияси) муқаррардир.

Бундай коллизияларни бартараф қилиш ёки олдини олиш учун давлатлар кўпроқ халқаро шартномалар тузади, яъни халқаро ҳуқуқнинг тегишли нормаларини ишлаб чиқади.

Фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш усуллари

Фуқароликка эга бўлиш йўли икки катта гуруҳга бўлинади: **биринчи гуруҳ** — умумий тартибда фуқароликка эга бўлиш усулини қамраб олади; **иккинчиси** — истисно тариқасида фуқароликка эга бўлишдир.

Умумий тартибда фуқароликка эга бўлиш усули миллий давлатлар қонунчилиги учун озми-кўпми одатий ва барқарор қоида ҳисобланади. Уларга фуқароликка эга бўлишнинг куйидаги усуллари киради:

биринчидан, туғилиш натижасида;

иккинчидан, натурализация (фуқароликни қабул қилиш) натижасида;

учинчидан, инъом этиш натижасида.

Фуқароликка истисно тариқасида:

биринчидан, гуруҳ бўлиб фуқароликка эга бўлиш ёки жамоа билан натурализация;

иккинчидан, оптация ёки фуқароликни танлаш;

учинчидан, реинтеграция ёки фуқароликни тиклаш йўли билан эга бўлиш мумкин.

Туғилишдан фуқароликка эга бўлиш — фуқароликка эга бўлишнинг энг оддий тартибидир. Давлатларнинг миллий қонунчилиги ушбу масала бўйича икки тамойилдан: **қон ҳуқуқи (jus sanguinis)** ёки **тупроқ ҳуқуқи (jus soli)**дан бирига асосланади. Юридик адабиётларда қон ҳуқуқи асосида фуқароликка эга бўлишнинг келиб чиқиши асосида фуқароликка эга бўлиш деб ҳам юритилади. **Қон ҳуқуқи** шахс туғилган жойидан қатъи назар, ота-онасининг фуқаролигига эга бўлишини билдиради; **тупроқ ҳуқуқида** — шахс ота-онасининг фуқаролигидан қатъи назар, қайси давлат ҳудудида туғилган бўлса, ўша давлат фуқаролигига эга бўлади. Кўп давлатлар қон ҳуқуқига риоя қиладилар. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳам асосан қон ҳуқуқига асосланади.

Натурализация (илдиз отиш) — манфаатдор шахснинг илтимосига кўра яқка тартибда фуқароликка қабул қилишдир. Ўзбекистон

Республикаси қонунчилигидан бундай атама қўлланилмаган, лекин бу тushунча халқаро ҳуқуқ назариясида умум эътироф этилган.

Натурализация — ихтиёрий актдир. Мажбурий тарзда натурализация қилиш халқаро ҳуқуққа хилоф бўлиб, уни амалга оширишга қарши доимо норозилик нотаси эълон қилинади.

Инъом этиш натижасида олинган фуқаролик натурализациядан фарқли ўлароқ, доимо ваколатли давлат ҳокимиятининг ташаббуси билан давлат олдидаги алоҳида хизматлари учун берилади.

Оптация (фуқароликни танлаш) ҳар доим ҳам фуқароликка эга бўлиш йўли сифатида кўрилмайди. Масалан, икки фуқаролик тўғрисидаги конвенцияларда оптация имкониятлари кўзда тутилади. Агар бирон-бир миллий давлатнинг фуқароси бир вақтнинг ўзида хорижий давлат фуқаролигига ҳам эга бўлса, унга иккисидан бирини оптация қилиш, шу билан иккинчисидан воз кечиш ҳуқуқи берилди. Бу ҳолатда фуқароликка эга бўлинмайди, чунки оптацияда фуқароликнинг биридан маҳрум қилишга олиб келади.

Истисно тариқасида фуқароликка эга бўлиш усулидан бири — **реинтеграция** ёки **фуқароликни тиклашдир**.

Айрим мамлакатларда фуқароликни тиклаш масалалари фуқаролик тўғрисидаги махсус қонунда эмас, балки умумий қонунчиликда кўзда тутилган. Бу ҳолатда фуқароликка тиклаш фуқароликка эга бўлишнинг мустақил усули сифатида хизмат қилмайди, балки соддалаштирилган натурализация ҳисобланади.

Фуқароликни йўқотишга келсак унинг уч шакли:

биринчидан, фуқароликни автоматик равишда йўқотиш;

иккинчидан, фуқароликдан чиқиш;

учинчидан, фуқароликдан маҳрум қилишни кўрсатиш мумкин.

Фуқароликни автоматик равишда йўқотиш фақат халқаро битимларда ва махсус қонунларда учрайди.

Фуқароликдан чиқиш — манфаатдор шахснинг илтимосига кўра чиқариладиган давлатнинг ваколатли органлари қарори асосида фуқароликни йўқотишдир.

Фуқароликдан маҳрум қилиш ўз ичига жазолаш элементини олади ва давлат органлари ташаббуси билан ушбу давлатга душманлик фаолиятига аралашган шахсларга нисбатан қўлланилади.

Икки фуқаролик ва фуқаросизлик

Бир шахсда икки ёки ундан ортиқ давлат фуқаролигига эга бўлиш имконияти мавжуд. “Икки фуқаролик” атамаси кўп фуқаролик (уч

фуқаролик ва ҳоказо)ни ҳам қамраб олади. Икки фуқаролик турли давлатларнинг фуқаролик тўғрисидаги қонунлар коллизияси оқиба-тида, масалан, тупроқ ва қон ҳуқуқига асосланган қонунларда, ву-жудга келади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик тўғрисидаги қонунига мувофиқ Ўзбекистон фуқароси бошқа давлат фуқаролигига эга бўли-ши мумкин эмас.

Икки фуқаролик муайян салбий оқибиатларни келтириб чиқара-ди. Уларнинг ичида қуйидагиларни алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин:

биринчидан, икки фуқароликка эга бўлган шахсларга дипломатик ҳимоя кўрсатиш билан боғлиқ оқибатлар;

иккинчидан, икки фуқароликка эга бўлган шахсларнинг ҳарбий хизматни ўташи билан боғлиқ бўлган оқибатлар.

Икки фуқаролик масалаларига бағишланган халқаро шартнома-ларнинг икки тури мавжуд.

Булардан биринчиси — икки фуқаролик оқибатларини бартараф қилишга қаратилган шартномалар (Дипломатик ҳимоя кўрсатиш ёки ҳарбий хизмат билан боғлиқ);

иккинчиси — икки фуқаролик тўғрисидаги шартномалар — икки фуқароликни йўқ қилишга қаратилган шартномалардир.

Фуқаросизлик — шахснинг бирон бир миллий давлатнинг фуқа-ролигига мансуб эмаслигидир. Фуқаросизлик мутлақ ва нисбий бўли-ши мумкин.

Фуқаросиз шахслар (**апатридлар**) ҳуқуқсиз бўлмаслиги керак. Умуман уларнинг ҳуқуқий мақоми улар яшаётган давлатнинг ички қонунлари билан белгиланади. Ўзбекистонда фуқаросиз шахслар-нинг мақоми чет эллик фуқароларнинг мақомига тенглаштирилган. Бунда фақат бир истисно мавжуд, яъни уларга чет эл дипломатик ваколатхоналари ёрдам кўрсатишга ҳақли эмас. Улар чет эл фуқаро-лари каби ҳарбий мажбуриятга ва сайлов ҳуқуқларига эга эмаслар. Фуқаросиз шахсларга ҳам чет эл фуқаролари сингари айрим касбий чеклашлар қўлланилади.

Ўзбекистон ички чора-тадбирлар билан чекланиб, фуқаросиз шахсларга тааллуқли бирон-бир халқаро шартномада қатнашгани йўқ. Масалан, Ўзбекистоннинг фуқаролик тўғрисидаги қонунига мувофиқ Ўзбекистон ҳудудида туғилган фуқаросиз шахснинг фар-занди Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

Ички қонунларда қандай ҳужжатлар ва омиллар шахснинг у ёки бу давлат фуқароси эканлигининг исботи бўлиб хизмат қилишини белгилайди. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик тўғрисидаги қонунига мувофиқ фуқароликни тасдиқловчи ҳужжат аввало пас-

порт, паспорт олгунга қадар туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ҳисобланади. Кўп хорижий мамлакатларда судда фуқароликни аниқлаш процедураси мавжуд.

Халқаро ҳуқуқда қочоқлар

Қочоқлар — таъқиб остида, ҳарбий ҳаракатлар ёки бошқа фавқулотда ҳолатлар натижасида доимий яшаб турган мамлакатини ташлаб чиққан шахслардир.

Қочоқлар муаммоси қатор халқаро шартномалар билан тартибга солинади. БМТ доирасида қочоқлар муаммосини ечишга ёрдам бериш учун *Қочоқлар иши бўйича Бош Комиссариат Бошқармаси(ҚБКБ)* ташкил қилинган. 1951 йил 28 июлда эса кўптомонлама *Қочоқлар мақоми тўғрисида Конвенция* қабул қилинган.

1966 йили Бош Ассамблея конвенцияга баъзи ўзгартиришлар киритишни назарда тутадиган *қочоқлар мақомига тааллуқли Протоколни* маълумот учун қабул қилди. “Қочоқлар” атамаси табиий офат оқибатида ўз мамлакатини ташлаб чиққанларга нисбатан қўлланмайди.

Конвенция ва ҚБКБ Устави “қочоқ” шахслар тушунчасига дини, фуқаролиги, муайян гуруҳларга кириши ёки сиёсий қараши оқибатида таъқиб қилинишига тўла асосли хавф остидаги аввал фуқароси бўлган мамлакатдан ташқарида яшовчи ва мазкур мамлакат ҳукумати ҳимоясидан фойдалана олмайдиган ёхуд бундай ҳимоядан фойдаланишни истамайдиган шахсларни киритади. Улар кўпинча *de facto* фуқаролиги йўқ шахслар деб аталади, чунки уларнинг сиёсий мақоми фуқаролиги йўқ шахсларнинг сиёсий мақомидан ҳеч нарса билан фарқ қилмайди.

Сиёсий қочоқлар категориясига тегишли бўлиш сиёсий бошпана олишга даъвогарлик қилишга асос сифатида қаралиши мумкин. Бироқ, ушбу масаланинг пировард натижаси қочоқлар турган давлатнинг қонунчилиги ва сиёсатига боғлиқдир.

Қочоқлар муаммосини турли омиллар таъсири (қочоқларнинг ижтимоий ва миллий таркиби, уларни ўз юртини ташлаб чиқишга мажбур қилган сабаблар ва бошқалар) остида ягона тартиб билан ҳал қилиш мумкин эмас. БМТнинг баъзи органларида аҳолининг оммавий кетиши ёки келиши(*mass exodus*) тўғрисидаги масалани инсон ҳуқуқларини поймол қилиш билан боғлаб бир неча маротаба кўтариб чиқилган. “Оммавий кетиш (келиш)” тушунчаси қочоқлар

муаммосини ва аҳолининг иқтисодий миграция муаммосини сезиларли даражада бирлаштиради.

Халқаро ҳуқуқда кўчирилган шахслар

Кўчирилган шахслар — иккинчи жаҳон уруши даврида гитлерчилар томонидан босиб олинган ҳудудлардан мажбурий тарзда кўчириб кетилган шахслардир.

Собиқ Совет Иттифоқи қатор давлатлар билан совет фуқароларидан иборат кўчириб кетилган шахсларни репатриация қилиш тўғрисида битим тузган. 1951 йилдаги Қочоқлар мақоми тўғрисидаги Конвенцияда “кўчирилган шахслар” атамаси учрамайди.

Сўнгги йилларда ҚБКБ амалиётида айрим “ички” қочоқлар категориясига, яъни ўз мамлакатининг бирон-бир қисмидан ўз ихтиёрига қарши ташлаб кетиб бошқа бир қисмида яшаётган шахсларга нисбатан қўллаш тенденцияси кўзга ташланади. Баъзан уларни “мажбурий кўчирилганлар” деб аталади.

Чет эл фуқароларининг ҳуқуқий мақоми

Чет элликларнинг икки тушунчаси мавжуд.

Улардан бири умумий назарий аҳамиятга эга. **Чет эллик** — ҳар қандай давлат ҳудудида турган, ушбу давлат фуқаролигига эга бўлмаган ва бошқа давлат фуқаролигига мансуб бўлган шахс.

Иккинчи тушунча одатда ички давлат ҳуқуқида учрайди. Бу муайян амалий ва ички аҳамият касб этади, чунки у ёки бу давлатда қандай шахслар чет эллик деб ҳисобланишини белгилайди.

Иккинчи турдаги тушунчанинг таърифи қуйидагича: чет эл фуқароси сифатида келган давлатининг фуқароси бўлмаган, бошқа давлат фуқаролигига мансублиги тўғрисида исботга эга бўлган шахслар чет эл фуқаролари деб тан олинади.

“Чет эллик” атамаси ўрнига “чет эл фуқароси” атамасининг қўлланиши тўғрироқдир, чунки кўпгина давлатларнинг қонунчилигида “чет эллик” атамаси кенгроқ маънода қўлланилади ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни ҳам қамраб олади.

Чет эллик фуқаролигига эга бўлган давлатнинг дипломатик ҳимоясидан фойдаланишга ҳақли.

Гарчи чет эллик бошқа давлат ҳудудида қонунга зид равишда келган бўлса, унда мазкур давлат ушбу чет эл фуқаросини гайриқо-

нуний равишда давлат ҳудудига киргани учун жавогарликка тортиши ва ҳудудидан мажбуран чиқариб юбориши мумкин.

Миллий режим чет элликларни у ёки бу соҳада ўз фуқаролари билан тенглаштирилишини англатади.

Чет элликларнинг қуйидаги режимлари мавжуд.

Биринчи режим: бир мунча яхшироқ режим бўлиб, ушбу давлат ҳудудидаги энг мақбул ҳуқуқий ҳолатда бўлган ҳар қандай учинчи давлат фуқароси учун назарда тутилгани сингари чет элликларга бирон-бир соҳада шундай ҳуқуқлар бериш ва мажбуриятлар ўрнатишни билдиради.

Иккинчиси: махсус режим бўлиб, у чет элликларга бирон-бир соҳада шундай ҳуқуқлар бериш ва мажбуриятлар ўрнатишни билдирадики, бунда ўз фуқаролари учун белгиланган тартибдан бир мунча фарқ қилади (масалан, чегара олди районларида яшовчи фуқаролар учун чегарадан ўтишнинг соддалаштирилган тартибини ўрнатиш).

Махсус режим салбий характерда, яъни фақат чет элликлар учун белгиланган ҳуқуқий чеклашлар мажмуидан иборат бўлиши ҳам мумкин.

Чет элликларнинг ҳуқуқий ҳолати одатда чет элликларнинг ушбу давлат ҳудудидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларининг мажмуини билдиради.

Халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан чет эллик фуқаро ҳолатининг мураккаблиги шундаки, у қандайдир икки томонлама — ҳудудий жиҳатдан қайси давлатда турган бўлса — ўша давлатнинг ҳуқуқий тартибот қоидаларига бўйсунди ва бир вақтнинг ўзида шахсий жиҳатдан фуқаролигига мансуб бўлган давлатнинг қонунларига бўйсунди. Бу борада, агар ўз давлати қонунчилиги билан ҳудудида турган давлатнинг қонунчилигида қандайдир зиддиятлар бўлса, маълум қийинчиликлар вужудга келиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатда кўрсатиб ўтилган асосларнинг рақобати юзага келади.

Чет эллик (ўз давлатининг қонунларида назарда тутилган) ҳуқуқларидан фойдаланиши ва мажбуриятларини бажариши мумкин, фақат ҳудудида турган давлатнинг суверенитетига, унинг хавфсизлигига зид келмайдиган даражада йўл қўйилиши мумкин. Бош-қа томондан давлат чет элликлар режимини ўрнатишда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойиллари ва меъёрларини бузмаслиги лозим.

Халқаро ҳуқуқнинг чет элликлар режимига қиладиган таъсирининг энг муҳим жиҳатлари:

биринчидан, чет элликларнинг сиёсий ҳуқуқларида;

иккинчидан, чет элликларнинг ҳарбий хизматида;
учинчидан, чет элликларнинг келиши ва кетишни тартибга солишда;

тўртинчидан, чет элликларга нисбатан давлатнинг жиноий юрисдикциясининг чегарасини белгилашда;

бешинчидан, дипломатик ҳимояда кўринади.

Баъзан чет элликлар бошқа давлат ҳудудида қандай даражада сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин, деган савол туғилади. Бу ўринда, сўз аввало сайлов ҳуқуқи хусусида боради: одатда чет элликлар бундай ҳуқуқлардан фойдалана олмайдилар.

Бошқа сиёсий ҳуқуқларга келсак, унинг даражаси ўша давлатнинг қонунлари билан белгиланади.

Чет элликлар ҳарбий мажбуриятга эга бўлмайдилар, акс ҳолда бу халқаро ҳуқуқнинг бузилишига олиб келади. Бунда чет эллик ўз ихтиёрига хилоф равишда ўз юртига қарши қурол кўтариши мумкин бўлган вазиятга тушиб қолиши мумкинлигидан келиб чиқилади. Бундан ташқари айрим тоифадаги чет элликларни мажбурий ҳарбий хизматга жалб қилиш манфаатдор давлатларнинг эътирозини билдирмайдиган ҳолатлар ҳам учраб туради.

Чет эл армиясида ўз ихтиёри билан хизмат қилиш халқаро ҳуқуққа хилоф эмас. Тўғри, айрим пайтларда чет эл армиясида хизмат қилган фуқаролар ўз давлати томонидан жавобгарликка тортилиши мумкин.

Давлатга кириш ва унда чиқиб кетиш тартиби

Ҳозирги даврда деярли барча давлатларда ўз фуқаролари ва чет элликларга ҳам кириш ва чиқишнинг рухсат этилган тартиби мавжуд. У баъзан бир мунча халқаро ҳуқуққа мувофиқ равишда содда-лаштирилган.

Давлат ҳудудига кириш ва чиқишга рухсат этиш тартиби, давлатга кириш ва чиқиш вақтида давлат ўз фуқароси ҳамда чет эл фуқаросини бу борада чеклаши мумкинлигини ҳам назарда тутди. Халқаро-ҳуқуқий соҳада давлатнинг ўз фуқароси билан чет эл фуқаросини давлат ҳудудига кириш ва чиқиш тартибида жиддий фарқлар мавжуд. Бундай қоидалар ички давлат ҳуқуқида ҳар доим ҳам ўз ифодасини топмайди, давлатларнинг ташқи алоқалари борасида мазкур қоидалар халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойиллар билан белгиланади.

Юқоридаги қоидадан фарқли ўлароқ, агар чет эл фуқароси бошқа давлат ҳудудидан чиқиб кетишни истаб мурожаат қилса, тегишли

давлат органлари мунтазам равишда унга рад жавобини бериши мумкин эмас. Агар мазкур шахснинг иши судда қўрилаётган ёки тергов олиб борилаётган ёхуд чет эллик фуқаролигига мансуб бўлган давлат билан ушбу давлат уруш ҳолатида бўлса, чет эл фуқаросига давлат ҳудудидан чиқиб кетишига рад жавобини бериш узрли сабаб сифатида тан олиниши мумкин.

Агар сиёсий бошпана бериш асослари давлатнинг миллий қонунчилигидан келиб чиқадиган бўлса, давлатларнинг муайян тоифадаги шахсларга бундай бошпана бермаслик мажбурияти эса халқаро ҳуқуқ нормалари (шартнома принциплари ва одат нормалари)да белгиланган.

Сиёсий бошпана тушунчаси ва унинг берилиши оқибатлари

Сиёсий бошпана беришнинг асосий халқаро-ҳуқуқий оқибати бундай бошпана берилган шахсни давлат томонидан бермаслик мажбурияти ҳисобланади.

Сиёсий бошпана бериш билан бирон-бир шахсга маълум бир давлат ҳудудида доимий яшашга рухсат беришни фарқлаш лозим. Зеро, иккинчи ҳолатда давлат ҳеч қандай халқаро-ҳуқуқий мажбурият олмайди.

Кўпинча сиёсий бошпана олишга ўз давлатида сиёсий жиноятчи ҳисобланган шахс даъвогар бўлади. Бу борада кўп низолар келиб чиқади. Ҳудудий бошпана тўғрисидаги декларацияда мустаҳкамланган тамойилга кўра пировардида мазкур масала бошпана берган давлат томонидан ҳал қилинади.

Умумий жиноят содир қилган шахсларга сиёсий бошпана берилмаслиги лозимлиги тўғрисидаги қоидалар умум эътироф этилган қоида ҳисобланади.

Сиёсий бошпана беришнинг иккинчи халқаро-ҳуқуқий оқибати шундан иборатки, бирон-бир шахсга сиёсий бошпана берган давлат ушбу шахснинг ҳуқуқлари хорижий давлатларда бузилган тақдирда квазидипломатик ҳимоя кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Сиёсий бошпана беришнинг учинчи оқибати бирон-бир шахсга бошпана берган давлат мазкур шахснинг фаолияти учун жавобгар бўлади. Бошқача сўз билан айтганда, бошпана берган давлат бундай шахслар томонидан қочиб чиққан давлатига нисбатан жиноий хатти-ҳаракатлар қилишига йўл қўймаслиги шарт.

Бевосита халқаро ҳуқуқ нормалари асосида шахсга бошпана ҳуқуқи берилмайди. Шахснинг бундай ҳуқуқлари ички давлат ҳуқуқида ўз

аксини топади. Халқаро ҳуқуқ нормалари фақат давлатларнинг муайян тоифадаги шахсларга бошпана бериш ҳуқуқини ва бошқа давлатларнинг мазкур ҳуқуқни ҳурмат қилиш мажбуриятини мустақамлайди.

Агар сиёсий муҳожир (эмигрант)ни бошпана қидиришга мажбур қилган вазият бартараф қилинса ёки сиёсий муҳожир бошпана берган давлатда натурализация қилган бўлса, сиёсий бошпана тугатилади.



Такрорлаш учун саволлар

- ◆ Халқаро ҳуқуқда “аҳоли” тушунчаси нимани англатади?
- ◆ Халқаро ҳуқуқда “фуқаролик институти”нинг аҳамияти қандай?
- ◆ Фуқароликни қабул қилиш ва тугашининг қандай усуллари мавжуд?
- ◆ Икки фуқаролик мавжудми?
- ◆ “Фуқаросизлик” нима?
- ◆ Қандай ҳужжатлар билан фуқароликни олиш ёки фуқароликнинг йўқлиги тасдиқланади?
- ◆ Қочоқлар тоифаси нимани билдиради?
- ◆ Кўчирилган шахслар кимлар?
- ◆ Чет элликлар тоифасига кимлар киради?
- ◆ Чет элликларнинг ҳуқуқий ҳолати қандай?
- ◆ Чет элликларнинг ўз давлати ва ҳудудида турган давлат билан ўзаро муносабатлари қандай?
- ◆ Давлатга кириш ва ундан чиқиб кетиш тартиби қандай белгиланади?
- ◆ Сиёсий бошпана тушунчаси нимани англатади?
- ◆ Уни беришнинг қандай шартлари мавжуд?
- ◆ Сиёсий бошпана беришнинг қандай халқаро-ҳуқуқий оқибатлари мавжуд?

8-мавзу. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА ЖАВОБГАРЛИК

- Халқаро ҳуқуқда жавобгарлик тушунчаси.
- Халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик турлари ва шакллари.
- Халқаро-ҳуқуқий жавобгарликнинг келиб чиқиш асослари ва уни амалга ошириш.
- Халқаро жиноят тушунчаси.
- Халқаро жиноят содир этган жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги.
- Халқаро жиноят содир этган халқаро ташкилотларнинг жавобгарлиги.

Халқаро ҳуқуқда жавобгарлик тушунчаси

Жавобгарлик — халқаро ҳуқуқнинг энг қадимий институларидан биридир. Бироқ, ушбу институтнинг ҳуқуқий меъёрлари ҳонузгача кодификация қилинмаган, шу боис у одатда прецедентлар ва суд қарорлари негизида шакланган оддий-ҳуқуқий меъёрларга асосланади.

Халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик — ҳуқуқбузарлик субъектининг халқаро ҳуқуқни бошқа субъектига етказган зарари оқибатларини бартараф қилиш бўйича юридик мажбуриятларидир.

Халқаро ҳуқуқбузарлик халқаро қилмишларга ва халқаро жиноятларга бўлинади. Халқаро жиноятларга халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойиллари ва меъёрларини бузадиган, шунинг учун бутун жаҳон ҳамжамияти тизимига салбий таъсир кўрсатадиган алоҳида хавфли қилмишлар киради.

Халқаро ҳуқуқда шакланган умумий тамойилга кўра халқаро ғайриҳуқуқий қилмишлар халқаро-ҳуқуқий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Жавобгарлик масалаларини тартибга солувчи меъёрлар асосан халқаро шартномаларда ўз аксини топган, шунингдек, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг резолюцияларида тасдиқланган.

Халқаро ҳуқуқда халқаро жавобгарлик деганда ҳуқуқ меъёрларидан келиб чиқадиган субъектив мажбуриятларини бузган, яъни халқаро ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат содир этган субъект учун ноқулай салбий юридик оқибатлар тушунилади.

Халқаро ҳуқуқ меъёрлари ички давлат ҳуқуқи меъёрлари сингари уч элементдан:

биринчидан, белгиланган хулқ-атвор қоидалари шарт-шароитини англатувчи *гипотезадан*;

иккинчидан, ушбу қоидаларни ифодаловчи *диспозициядан*;

учинчидан, ушбу қоидаларни бузган субъект учун вужудга келадиган салбий оқибатлар учун кўзда тутилган *санкциядан* иборат.

Халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик — халқаро-ҳуқуқий меъёрларда назарда тутилган субъектив мажбуриятларни бузиш ва ушбу меъёрларда белгиланган санкцияларни қўллаш натижасида келиб чиқадиган юридик оқибатлардир.

Санкция меъёрларнинг зарурий элменети эканлиги тўғридан-тўғри маънода, ҳуқуқнинг ҳар бир алоҳида меъёрида муайян санкция кўрсатилиши сифатида тушунилмаслиги лозим. Бу миллий ҳуқуқ учун ҳам, халқаро ҳуқуқ учун ҳам бирдек тегишлидир. Халқаро ҳуқуқда халқаро жавобгарлик меъёрлари тизими уни, ҳуқуқ билан тартибга солинадиган халқаро муносабатларнинг барча соҳаларига оид бўлган умумий институтларидан бирини ташкил қилади.

Халқаро ҳуқуқда энг аввало *давлатларнинг халқаро жавобгарлиги* хусусида сўз боради. 1969 йилдан БМТнинг Халқаро ҳуқуқ Комиссияси тегишли меъёрларни кодификация қилиш билан шуғулланиб келмоқда.

Давлатнинг ҳар қандай халқаро ҳуқуққа ҳилоф қилмиши ушбу давлатнинг халқаро жавобгарлигини келтириб чиқаради.

Қуйидаги ҳолатлар мажуд бўлганда давлатнинг халқаро ҳуқуққа ҳилоф қилмиши:

биринчидан, ҳаракат ёки ҳаракатсизликда намоён бўладиган қандайдир хулқ-атвор халқаро ҳуқуққа мувофиқ давлатга тегишли бўлганда ва,

иккинчидан, бундай хулқ-автор ушбу давлатнинг халқаро мажбуриятларини бузиш ҳисобланганда аён бўлади.

Халқаро ҳуқуқий муносабатларда давлатлар юридик аҳамиятга молик хатти-ҳаракатлари (ёки ҳаракатсизлиги) билан ҳуқуқий асосда (ўз халқаро мажбуриятгарига риоя қилиш билан) ёки ҳуқуққа ҳилоф (мажбуриятларини бузиш билан) фаолиятни амалга оширади. Ҳар қандай давлат органининг хатти-ҳаракати ушбу давлатнинг ички ҳуқуқи асосида шундай мақомга эга бўлса (халқаро ва миллий ҳуқуқнинг ўзаро алоқадорлиги), халқаро ҳуқуққа мувофиқ мазкур давлатнинг қилмиши деб ҳисобланади.

Давлат томонидан халқаро мажбуриятларнинг бузилиши, давлатнинг қилмиши ушбу мажбурият бўйича давлатдан талаб қилинадиган ҳаракатга номувофиқ бўлган тақдирда намоён бўлади.

Фақат халқаро ҳуқуқ субъектларигина халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик субъекти бўлиши мумкин. Жисмоний ва мустақил юридик шахслар оддий ҳуқуқбузарлик учун бундай жавобгарликка тортилмайдилар, чунки бунда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик вужудга келади.

Амалиётда халқаро ҳуқуқ субъектларининг хатти-ҳаракатлари давлат номидан иш кўришга ҳақли бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатларида ифодаланади. Уларнинг хатти-ҳаракатлари учун давлат ўзининг бутун миллий бойлиги билан жавоб беради.

Халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик турлари ва шакллари

Халқаро ҳуқуққа хилоф қилмиш икки тоифага, яъни: **халқаро ҳуқуқбузарлик ва давлатларнинг халқаро жиноятларига** бўлинади. Сўнгги тоифа, агар давлатлар ҳамжамияти томонидан муайян халқаро ҳуқуққа хилоф қилмишларни халқаро жиноят тоифасига киритилса, мавжуд бўлади. Ҳуқуқбузар давлат икки турда халқаро жавобгарликка: моддий ва сиёсий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Халқаро-ҳуқуқий жавобгарликнинг иккита: сиёсий ва моддий тури мавжуд.

Сиёсий халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик сатификация шаклида ифодаланади. Бу зарар кўрган тарафни содир этилган ҳуқуқбузарлик қайтарилмаслиги тўғрисида ишонтириш ва узр сўраш, ҳуқуқбузарликни содир этишдаги аниқ айбдорларни жазолашдир.

Сиёсий жавобгарлик ҳуқуқбузар давлат зиммасига турли чеклаш ёки тиклаш хусусиятига эга бўлган мажбуриятлар юклатишда:

биринчидан, бузилган халқаро мажбуриятларни тиклашда;

иккинчидан, ҳуқуққа ҳилоф қилмиш содир этишда гумон қилинган шахсларни жавобгарликка тортиш ва бунда айбдор бўлган шахсларни жазолашда;

учинчидан, жисмоний шахслар ва уларнинг бирлашмаларини муайян фаолиятини тақиқлашда;

тўртинчидан, юридик шахсларни жавобгарликка тортиш ва бошқаларда намоён бўлади. Давлат томонидан халқаро жиноят содир этилганда, масалан, агрессия, ушбу давлатнинг сиёсий жавобгарлиги ҳарбий характер (қуролий кучларни ва қуролланишни чеклаш қабиларда)даги мажбуриятлар юклатилиши, милитаристик ёки бошқа

турдаги ташкилот ва бирлашмаларни тақиқлаш, демилитаризация чора-тадбирларини амалга ошириш, шунингдек тажовузкор давлат худудининг бир қисмини ажратиб олиш мумкин.

Репрессалия деб юртиладиган, ҳуқуқбузарликка жавобан зарар кўрган субъект томонидан амалга ошириладиган зўрлик хатти-ҳаракатлари (масалан, ноқонуний равишда балиқ овлагани учун балиқ овлаш кемасини қўлга олиш, мулкни хатлаш ёки мусодара қилиш кабилар) сингари сиёсий жавобгарлик шаклини ҳам эслаб ўтиш лозим.

Репрессалиядан реторсияни фарқлаш керак. **Реторсия** — ҳуқуқбузарлик ҳисобланмайдиган, лекин дўстона муносабатларга зид бўлган хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ бўлган (масалан, нодўстона тарздаги баёнотга жавобан элчиларни чақириб олиш) жавоб чораларидир.

Индивидуал репрессалиядан жамоа санкцияси фарқлидир. Бундай санкциялар БМТ Уставига мувофиқ фақат Хавфсизлик Кенгашининг қарори асосида қўлланилиши мумкин.

Реституция ва репарация давлатларнинг моддий жавобгарлик шакли ҳисобланади. **Реституция** — ҳуқуқбузар давлат томонидан ноқонуний равишда эгаллаб олинган моддий бойликларни зарар кўрган давлатга қайтариш ёки улар йўқ бўлиб кетган тақдирда, зарарни бошқа тенг қийматли моддий бойликлар билан қоплашдир. **Репарация** — талофат кўрган давлатга етказилган моддий зарарни (шу жумладан олинмай қолинган фойдани ҳам) пул ёки натура шаклида қоплашдир.

Моддий халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик реституция (ҳуқуқбузарликка қадар бўлган моддий ҳолатни тиклаш) ва **репарация** (зарар кўрган тарафга етказилган зарарни пул билан ёки бошқа тарзда қоплаш) шаклларида амалга оширилиши мумкин бўлган, етказилган моддий зарарни қоплаш мажбуриятида ифодаланади.

Уруш низоларини ҳал қилишнинг қонуний воситаси ҳисобланган пайтларда моддий жавобгарликнинг **контрибуция** — енгилган тарафдан голиб ўз ҳарбий харажатларини ундириш шакли мавжуд бўлган.

Ҳақиқий моддий зараргина (бевосита ва билвосита) ундирилиши мумкин. Одатда қўлдан бой берилган фойда ундирилмайди.

Мутлақ (абсолют) ёки объектив жавобгарлик сингари моддий жавобгарликнинг турлари фақат шартнома асосидагина вужудга келади. Бу ерда сўз, зарар етказган тарафнинг айбсизлигидан қатъи назар вужудга келадиган жавобгарлик хусусида бормоқда. Зарар кўрган

тараф фақат хатти-ҳаракат (ҳаракатсизлик) билан етказилган зарар ўртасидаги сабабли боғланишни исботлаш талаб қилинади.

Халқаро-ҳуқуқий жавобгарликнинг келиб чиқиш асослари ва уни амалга ошириш

Сиёсий жавобгарлик бошқа субъектларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи халқаро ҳуқуқ меъёрларини бузиш (масалан, дипломатик ваколатхоналарнинг дахлсизлигини бузиш) ҳолатидан келиб чиқади.

Моддий жавобгарлик халқаро ҳуқуқ меъёрларини бузиш ҳолатлари мажмуининг мавжудлигидан, ҳуқуқбузарлик оқибатида мулкӣ зарар келиб чиқиши ва ҳуқуқбузарлик билан зарар ўртасида бевосита сабабли боғланишнинг мажудлигидан келиб чиқади.

Давлатнинг қилмиши фақат халқаро ҳуқуқ асосида халқаро ҳуқуққа хилоф деб баҳоланиши мумкин. Фақат субъектнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) мазкур мажбурият бўйича ундан талаб қилинадиган хатти-ҳаракатларга мос келмаган тақдирдагина халқаро мажбурият бузилиши тан олинади. Бунда ушбу мажбурият шартномавий ёки оддий-ҳуқуқий ҳаракатерга эга эканлигининг аҳамияти йўқ.

Ҳуқуқбузарлик ҳолати (мутлақ жавобгарликда — моддий зарар етказиш ҳолати) аниқланганда зарар кўрган тараф даъво кўзғатади. Даъво кўзғатувчи фақат бевосита халқаро ҳуқуқнинг зарар кўрган субъекти бўлиши мумкин.

Халқаро жиноят содир этилганда ҳуқуқбузарга даъвони ҳар қандай давлат ёки бир неча давлатлар кўзғатиши мумкин.

Моддий зарарни қоплаш миқдори ҳужжатлар билан асослантйрилиши ва тасдиқланиши лозим.

Халқаро жиноят тушунчаси

Халқаро жиноятларга давлатлар ва халқларнинг ҳаётига, халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларига, халқаро тинчлик ва хавфсизликка тажовуз қиладиган оғир халқаро ҳуқуққа хилоф қилмишлар киради.

Умумжаҳон тинчлиги ва халқаро хавфсизлик, давлатлар ва халқлар ўртасидаги яхши қўшничилик ва дўстона муносабатлар, халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқи, уруш

қонунлари ва одатлари, инсон ҳуқуқлари халқаро жиноятнинг объекти бўлиши мумкин.

Халқаро жиноятларга тажовузкорлик хатти-ҳаракатлари, зўрлик билан мустамлакачиликни ўрнатиш, геноцид, апартеид ва бошқалар киради.

Халқаро жиноят содир этган жисмоний шахсларнинг жавобгарлиги

Ҳозирги халқаро ҳуқуқда жисмоний шахсларнинг тинчликка ва инсоният хавфсизлигига қарши жиноят содир этганлиги учун индивидуал жавобгарлиги тан олинади. Жисмоний шахсларнинг халқаро жиноят учун жавобгарлиги кўпроқ уларнинг жиноий қилмиши давлатнинг жиноий фаолияти билан боғлиқ равишда вужудга келади. Жиноят содир этган давлат халқаро-ҳуқуқий жавобгарликка, жисмоний шахслар — жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Шахс томонидан буйруқни (ўз ҳукумати ёки раҳбарининг буйруғини) бажариш натижасида жиноий хатти-ҳаракат содир этиши жиноий жавобгарликдан озод қилмайди. Бундай шахсларни жазолаш учун халқаро ва миллий қонунчилик қўлланилади.

Шахснинг расмий мақоми (давлат ёки ҳукумат раҳбари) уни жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлмайди.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг асосий ҳарбий жиноятчиларни судлаш учун икки: Нюрнберг ва Токио халқаро ҳарбий трибуналлари ташкил қилинган. Хавфсизлик Кенгашининг қарори (1993 й.) билан собиқ Югославия ҳудудида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларни судлаш учун халқаро трибунал ташкил этиш назарда тутилган.

Халқаро ҳуқуқ халқаро жиноят учун жавобгарликка тортиш муддати қўлланмаслигидан келиб чиқади.

Агар тегишли битим асосида махсус халқаро суд ташкил этилмаган бўлса, жиноят бўлган ҳудуддаги давлат уни судга ёки ҳудудида жиноят содир этилган бошқа давлатга беришга мажбур.

**Халқаро жиноят содир этган
халқаро ташкилотларнинг жавобгарлиги**

Халқаро ташкилотларнинг жавобгарлиги уларнинг халқаро шар-
тномалардан ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа манбаларидан келиб чи-
қадиган ўз халқаро мажбуриятларини бузиши оқибатида вужудга
келади.

Халқаро ташкилотлар ўз органларининг низомидаги ва бошқа
мажбуриятларига риоя қилмаслиги ва халқаро мансабдор шахслар-
нинг хатти-ҳаракатлари билан келтирилган зарар учун жавобгар
буладилар.



Такрорлаш учун саволлар

- ◆ “Халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик” тушунчаси нимани билдиради?
- ◆ Халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик институти манбалари мавжудми?
- ◆ Кимлар халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик субъекти бўлиши мумкин?
- ◆ Халқаро-ҳуқуқий жавобгарликнинг қандай турлари ва шакллари
мавжуд?
- ◆ Халқаро-ҳуқуқий жавобгарликни вужудга келтирувчи қандай
асослар бор?
- ◆ Халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик қандай амалга оширилади?
- ◆ “Халқаро жиноятлар” нима дегани?
- ◆ Халқаро жиноят содир этган жисмоний шахслар қандай
жавобгарликка тортилади?
- ◆ Халқаро жиноят содир этган халқаро ташкилотлар қандай
жавобгарликка тортилади?
- ◆ “Реституция” ва “репарация” нима?
- ◆ “Репрессалия” ва “реторсия” нима?

МАХСУС ҚИСМ

Халқаро ҳуқуқнинг асосий соҳалари

- Халқаро шартномалар ҳуқуқи.
- Дипломатия ва консуллик ҳуқуқи.
- Халқаро ташкилотлар ҳуқуқи.
- Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорлик.
- Халқаро иқтисодий ҳуқуқ.
- Халқаро экология ҳуқуқи.
- Жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамкорлик.
- Ҳалқаро денгиз ҳуқуқи.
- Халқаро ҳаво ҳуқуқи.
- Халқаро космик ҳуқуқ.
- Халқаро низоларни ҳал этишнинг халқаро ҳуқуқий воситалари.
- Қуролли зиддиятлар даврида халқаро ҳуқуқ (халқаро гуманитар ҳуқуқ).
- Халқаро хавфсизлик ҳуқуқи.

9-мавзу. ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР ҲУҚУҚИ

- Халқаро шартномалар ҳуқуқи тушунчаси ва манбалари.
- Халқаро шартнома тушунчаси ва унинг юридик табиати.
- Халқаро шартнома объекти ва мақсади.
- Халқаро шартномаларни таснифлаш(классификациялаш).
- Халқаро шартнома шакли, тузилиши ва номи.
- Халқаро шартноманинг кучга кириши ва ҳаракат тартиби.
- Халқаро шартномаларнинг ҳақиқийлиги.
- Халқаро шартномаларнинг бекор қилиниши ва ҳаракатининг тўхтатилиши.
- Халқаро шартнома ижросини таъминлаш усуллари.
- Давлатларнинг халқаро шартномаларга нисбатан ҳуқуқий ворислиги.

Халқаро шартномалар ҳуқуқи тушунчаси ва манбалари

Халқаро шартномалар ҳуқуқи халқаро ҳуқуқнинг алоҳида соҳаси бўлиб, халқаро шартномаларни тузиш, уларнинг ҳаракати ва уларни бекор қилиш борасида давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасидаги муносабатларнинг тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий меъёрлар йиғиндисини ташкил қилади.

Халқаро шартнома шартнома томонларининг ўзаро ҳуқуқ ва бурчларини аниқ ва очиқ-ойдин белигилаб бериш учун тузилади. Халқаро муносабатларнинг шартномаларга асосланиб мустаҳкамланиши халқаро ҳуқуқий тартибот барқарорлигини таъминлайди.

Халқаро шартномалар ҳуқуқи субъектлари халқаро ҳуқуқ субъектларидир.

Узоқ вақт давомида халқаро шартномалар ҳуқуқининг бирдан-бир ягона манбаи халқаро одат бўлиб келган. 1986 йилда Давлатлар ва халқаро ташкилотлар ёки халқаро ташкилотлар ўртасидаги шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенцияси қабул қилинди. Мазкур конвенция халқаро ҳуқуқнинг ижобий (прогрессив) ривожланиши ва кодификациялаштирилишининг натижаси бўлиб, халқаро ташкилотлар иштирокидаги шартномаларнинг ўзига хослигини инобатга олувчи қоидаларни ифодалайди.

Халқаро шартномалар ҳуқуқи — халқаро ҳуқуқнинг алоҳида соҳасидир. Мазкур ҳуқуқ соҳаси нисбатан мустақил меъёрлар мажмуи ва тизимидан иборат бўлиб, тартибга солиш предметининг умумийлигига (бирлигига) асосланган. Ушбу ҳолатда шартномаларни тузиш ва ижро этиш ҳуқуқ соҳасининг предмети ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда халқаро шартномалар ҳуқуқи асосан қуйидаги уч универсал конвенцияларда кодекслаштирилган:

Биринчиси — Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенцияси (1969 йил).

Иккинчиси — Давлатлар ва халқаро ташкилотлар ёки халқаро ташкилотлар ўртасидаги шартномалар тўғрисидаги Вена конвенцияси (1986 йил).

Учинчиси — Давлатларнинг шартномаларга нисбатан ҳуқуқий ворислиги тўғрисидаги Вена конвенцияси (1978 йил).

Мазкур учала конвенциялар ўз матнларида конвенциялар давлатларнинг халқаро жавобгарлиги ҳамда давлатлар ўртасидаги ҳарбий ҳаракатларнинг бошланишидан келиб чиқадиган оқибатлар билан боғлиқ қоидаларга эга эмаслигини уқтиради, яъни ушбу қисм бўйича бошқа халқаро-ҳуқуқий меъёрларга ҳавола қиладилар.

Халқаро шартнома тушунчаси ва унинг юридик табиати

Халқаро шартномалар тўғрисидаги 1969 йилги Вена конвенцияси қоидаларига кўра, **халқаро шартнома** — давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасида бир, икки ёки бир-бири билан боғлиқ бўлган бир неча ҳужжатларда мужассамланганлигидан ҳамда унинг аниқ номидан қатъи назар ёзма шаклда тузиладиган халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган битим ҳисобланади.

Халқаро ташкилотнинг шартномалар тузиш ҳуқуқий лаёқати ушбу ташкилот қоидалари билан тартибга солинади. Агар давлатларнинг халқаро шартномалар тузишга нисбатан ҳуқуқ лаёқати чекланмаган ва улар ҳар қандай масалалар бўйича шартномалар тузиш ҳуқуқига эга бўлса, халқаро ташкилотларнинг шартнома тузиш ҳуқуқ лаёқати уларнинг таъсис ҳужжатлари билан белгиланади.

“Халқаро шартнома” — давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари томонидан бир, икки ёки бир-бири билан боғлиқ бўлган бир неча ҳужжатларда ифодаланганидан ҳамда унинг аниқ номидан қатъи назар ёзма шаклда тузиладиган халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган битим ҳисобланади.

Халқаро шартнома — оғзаки тарзда тузилган бошқа битимлардан, яъни жентльменлик битимлари (маълум матндан иборат, бироқ халқаро шартноманинг бошқа атрибутларини, хусусан унга юридик куч берувчи, кучга кириш шарт-шароитларини ва ҳаракат муддатини белгиловчи қоидаларни ўзида ифодаламаган оғзаки битим)дан фарқли ўлароқ давлатлар ўртасида тузилган ёзма битимдир.

Халқаро шартнома объекти ва мақсади

Халқаро ҳуқуқ субъектларининг моддий ва номоддий неъматларга қаратилган муносабатлари, ҳаракатлари ва маълум хатти-ҳаракатдан ўзларини тийиб туришлари **халқаро шартнома объекти** ҳисобланади. Халқаро ҳуқуқнинг ҳар қандай объекти халқаро шартнома объекти бўлиши мумкин.

Халқаро муносабатларга тегишли ҳамда давлатнинг ички ишларига тааллуқли ҳар қандай мавзу халқаро шартнома объекти бўлиши мумкин. Бироқ давлатлар ички давлат ваколати доирасига кирувчи масалаларни халқаро шартнома объектига айланишидан ўзларини тийиб турадилар.

Халқаро шартнома мақсади деганда халқаро ҳуқуқ субъектларининг шартнома тузиш орқали амалга ошириш ва эришишга қаратилган фаолияти тушунилади.

Халқаро шартнома мақсади, одатда, шартнома Муқаддимасида ёки унинг дастлабки моддаларида белгилаб берилади.

Халқаро шартнома томонлари ёки субъектлари фақат халқаро ҳуқуқ субъектлари ҳисобланади.

1969 йилда қабул қилинган Вена конвенциясининг 6-моддасида белгиланганидек, “ҳар бир давлат шартномалар тузиш ҳуқуқ лаёқатига эга”.

1969 йилги Вена Конвенцияси меъёрлари давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга ҳамда халқаро шартномалар доирасида халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари, хусусан халқаро ташкилотлар ўртасидаги муносабатларга ҳам қўлланади. Мазкур Конвенция қоидалари яна шунингдек, **биринчидан**, халқаро ташкилотнинг таъсис ҳужжати ҳисобланаган ҳар қандай шартномага, **иккинчидан**, халқаро ташкилот доирасида қабул қилинган ҳар қандай шартномага нисбатан ҳам қўлланади.

1969 йилги Конвенциясининг халқаро одатга мувофиқ кучга эга бўлган меъёрлари ёзма шаклда тузилган шартномалар қаторига ки-

рувчи давлатлар ўртасидаги норасмий шартномаларга нисбатан ҳам қўлланади.

Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги 1969 йилги Вена конвенциясига мувофиқ **шартнома матнини тайёрлаш ва қабул қилиш: “музокараларда қатнашаётган давлатлар”**, яъни шартнома матнини тайёрлаш ва қабул қилишда қатнашган ёки кўптомонлама шартнома матнига нисбатан **халқаро конференцияда** иштирок этаётган ва овоз беришда қатнашаётган давлатларнинг учдан икки қисми (овоз беришда бетараф бўлганлар овози ҳисобга олинмайди) овоз бериши орқали амалга оширилади.

Халқаро шартномаларни таснифлаш (классификациялаш)

Халқаро шартномалар турли асосларда таснифланиши (классификацияланиши) мумкин.

Иштирокчилар сонига кўра халқаро шартномалар **икки томонлама** ва **кўп томонлама** турларга бўлинади.

Кўп томонлама халқаро шартномаларга барча давлатлар иштирокини кўзда тутувчи универсал шартномалар ҳамда иштирокчилар сони чекланган шартномалар киради.

Халқаро шартномалар **очиқ** ёки **ёпиқ** бўлиши мумкин. **Очиқ халқаро шартномалар** деб, ҳар қандай давлат иштирок эта олиши мумкин бўлган шартномаларга айтилади.

Ёпиқ халқаро шартномалар уларда иштирок этиш учун мазкур шартнома иштирокчилари розилиги талаб қилинадиган шартномалардир.

Тартибга солиш объектига кўра халқаро шартномалар сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва бошқа турларга бўлиниши мумкин.

Кўп сонли иштирокчилардан иборат кўптомонлама шартномалар, айниқса универсал шартномаларда, одатда, икки сана: шартноманинг умуман кучга кириш санаси ҳамда шартноманинг фақат алоҳида давлат учун кучга кириш вақти кўрсатилади. Бундай шартномалар ратификация қилиб бўлинганидан ва шартномада белгиланган миқдордаги давлатлар ратификация ёрлиқларини сақлаш учун топширганларидан сўнг кучга киради.

Шартноманинг мажбурий юридик кучини тан олган давлат (унинг учун кучда бўлган вақт давомида) Вена Конвенциясига мувофиқ унинг **иштирокчиси** деб номланади.

“Аҳдлашувчи давлат” деб, шартнома кучга кирган ёки кирмаганлигидан қатъи назар уни мажбурийлигини тан олган давлатга айтилади.

Ушбу формула куйидаги хусусиятларга эга:

биринчидан, икки томонлама шартномалар учун: бир давлат шартномани ad referendum имзолайди, имзони тасдиқлайди ва иккинчи давлат бундай имзони тасдиқлагунга қадар аҳдлашувчи давлат бўлиб саналади; бир давлат шартномани ратификация қилади ва иккинчи бир давлат шундай ҳаракатни содир этмагунча ва ратификация ёрликлари алмашингунга қадар аҳдлашувчи давлат бўлиб қолади;

иккинчидан, иштирокчилар сони чекланган кўптомонлама шартномалар учун: белгиланган тарзда улар ўзлари учун шартнома қондалари мажбурийлигига рози бўдилар ва қолган давлатлар шундай қилмагунча аҳдлашувчи томонлар бўлиб қоладилар; шундан сўнг барча шундай давлатлар шартнома иштирокчилари бўлиб қоладилар;

учинчидан, кўптомонлама шартномалар учун, шу жумладан универсал шартномалар учун ҳам: ратификация ёрликларини ёки шартнома билан белгиланган бошқа ёрликларни сақлаш учун топширган ҳар бир давлат шартнома кучга киргунга қадар ёки кейинги (қолган) давлатлар учун — уларнинг ҳар бири учун шартнома кучга киргунга қадар аҳдлашувчи давлатлар бўлиб қоладилар.

1969 йилги Вена конвенцияси шартномаларнинг уч турини белгилайди. Булар:

- 1) иккитомонлама шартномалар;
- 2) кўптомонлама шартномалар;
- 3) чекланган сонли иштирокчиларга эга бўлган кўптомонлама шартномалардир.

Чекланган сонли иштирокчиларга эга бўлган кўптомонлама шартнома тушунчаси Конвенциянинг 20-модда 20-бандидан келиб чиқади. Унга кўра:

“Агар музокараларда иштирок этаётган чекланган сонли давлатлардан ҳамда шартноманинг объект ва мақсадларидан унинг барча иштирокчилари ўртасида шартномани қўллаш ҳар бир иштирокчининг унга нисбатан шартноманинг мажбурийлигига розилиги муҳим шarti бўлса, у ҳолда эътироз барча иштирокчилар томонидан қабул қилинишини талаб қилади”.

Ушбу тушунча кўрсатилган шартнома қондалари ва эътирозларга нисбатан қўлланган бўлсада, барча иштирокчиларнинг розилиги мавжудлиги шартнома тузиш ва уни ижро этишнинг бошқа кўпгина шарт-шароитлари учун ҳам жуда муҳимдир.

Мисол орқали буни изоҳлаб берамиз. Уч ёки кўп миқдордаги давлатлар ҳар бирларининг тегишли имкониятларини инобатга олиб, қандайдир учиш апаратини биргаликда яратиш ва ишлаб чиқаришга келишадилар. Бу ўз ўрнида ушбу давлатлар билан тузиладиган ва тузилган шартнома объекти ва мақсадини ташкил қилади. Шартнома мақсадига, агар барча давлатлар шартнома шартларига рози бўлсаларгина (хусусан, у ёки бу эътирозни қабул қилишлари билан), эришилиши мумкин. Шундан сўнг барча давлатлар виждонан ва белгиланган муддатларда уни бажаришга киришадилар. Мазкур давлатлардан бирининг шартномада иштирок этишдан, шу жумладан уни ратификация қилмаслик ёки шартномага мувофиқ етказиб беришдан у ёки бу сабабларга кўра бош тортиши шартнома мақсадини эришиб бўлмайдиган қилиб қўяди ва шартнома ўз мазмунини йўқотади.

1969 йилги Вена Конвенциясида “**умумий ёки универсал шартнома**” тушунчаси берилмаган.

Халқаро шартнома шакли, тузилиши ва номи

Халқаро шартнома **ёзма** ва **оғзаки** шаклда, яъни жентльменларча келишув тарзида тузилиши мумкин. Оғзаки тарздаги халқаро шартномалар жуда кам тузилади.

Халқаро шартнома тузилишига унинг таркибий қисмлари, яъни **шартнома номи, муқаддима, асосий ва хулоса қисмлари, томонлар имзоси** сингарилар киради.

Муқаддима халқаро шартноманинг муҳим қисмларидан бири ҳисобланади, чунки унда асосан шартнома мақсади ифодаланади.

Халқаро шартноманинг **асосий қисми** моддаларга бўлинади. Улар ҳам ўз навбатида бўлимларга бўлиниши мумкин.

Шартноманинг **хулоса қисми**да халқаро шартноманинг кучга кириш ва тўхтатилиш шартлари, шартнома тили каби қоидалар ўз ифодасини топиши мумкин.

Халқаро шартномалар аксар ҳолатларда баённомалар шаклидаги иловаларга эга бўлади. Иловалар халқаро шартноманинг ажралмас қисми бўлиши мумкин.

Халқаро шартнома турли номлар билан, масалан, битим, конвенция, шартнома, протокол, декларация, низом, хартия, — ёки маълум номга эга бўлмаслиги ҳам мумкин. Халқаро шартнома номи ҳеч қандай юридик аҳамият касб этмайди.

Халқаро шартнома матни тайёрланадиган тил томонлар келишув-ви асосида белгиланади. Икки томонлама шартнома одатда, шартнома томонлари тилида тузилади.

Шартноманинг асл нусха билан мувофиқлиги (асл нусхага мослиги) — икки ёки бир неча тилларда тузилган шартнома матнининг бир хилда юридик кучга эга бўлишидир. Шартнома матнининг туғаллиги одатда уни имзолаш, ad referendum имзолаш (давлатнинг ваколатли органи имзоси билан ҳақиқийлигини тасдиқлаш шarti), музокарада қатнашаётган барча давлат вакиллари томонидан шартноманинг тасдиқланиши (парафирование) ёки шартнома матни ифодаланган конференциянинг якуний ҳужжтини имзолаш орқали тасдиқланади.

Албатта давлат вакиллари шартнома матнини қабул қила олишлари учун зарурий ваколатлар (ёзма ҳужжатлар) билан таъминланган бўлишлари лозим. Ex officio (ўзининг эгаллаб турган лавозими кучи билан) шартнома матнини қабул қила олишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган давлат вакиллари бу тоифага кирмайди. Бундай ваколатдан давлат ва ҳукумат бошлиқлари, ташқи ишлар вазири билан бир қаторда шартнома тузилаётган давлатдаги мазкур давлатнинг дипломатик ваколатхона бошлиғи ҳам фойдаланади.

Давлат ўзи учун шартнома қоидалари мажбурийлигига нисбатан розилигини шартномани имзолаш, шартномани ташкил этувчи ҳужжатларни айирбошлаш, шартномани ратификация қилиш, уни қабул қилиш, тасдиқлаш, унга қўшилиш ёки шартнома матнини қабул қилишда иштирок этган давлатлар (шартнома матнида ёки бошқа тарзда) шартлашган бошқа усулларда ифодаланиши мумкин.

Ўз имзоси билан шартнома мажбурийлигини ифодалаётган давлат вакили зарурий ваколатлар билан таъминланган бўлиши лозим. Давлат ва ҳукумат бошлиғи, ташқи ишлар вазири шартнома тузиш билан боғлиқ бўлган барча ҳаракатларни амалга оширишда ваколатга эга бўлган шахслар ҳисобланади.

Халқаро шартноманинг кучга кириши ва ҳаракат тартиби

Фақат кучга кирган халқаро шартномагина юридик оқибатлар туғдириши мумкин. Бу мазкур халқаро шартнома томонлари учун юридик мажбурий меъёрга айланганидан далолат беради. Халқаро шартномалар тўғрисидаги Вена конвенциясига мувофиқ, халқаро шартноманинг кучга кириши тартиби ва вақти бевосита шартнома-

нинг ўзида ёки унинг иштирокчилари томонидан белгиланади. Халқаро шартномалар шартнома имзоланган, **ратификация** қилинган, ратификация ёрлиқлари алмашинган кундан ёки депозитарийга маълум сондаги ратификация ёрлиқлари топширилган вақтдан бошлаб кучга киради.

Баъзан халқаро шартномаларда кучга кириш вақти кўрсатилмайди. Бу аввало юридик кучи шартлашувчи томонлар имзоси билан тасдиқланадиган икки томонлама шартномаларга тегишли. Улар имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради.

Халқаро шартноманинг кучга кириши унинг ҳаракат муддатига боғлиқ. Одатда шартнома муддати шартноманинг ўзида белгиланади. Халқаро шартномалар маълум муддатга (**муддатли шартномалар**), номаълум муддатга, ҳаракат муддати кўрсатилмай ёки ҳаракатининг муддатсизлиги белгиланмаган муддатларга тузилиши мумкин.

Маълум муддатга ҳам икки томонлама, ҳам кўптомонлама шартномалар тузилиши мумкин. Баъзи икки томонлама шартномаларда, агар маълум муддат ўтиб бўлганидан сўнг томонларнинг бири шартномадан чиққанини баён қилмагунга қадар ўз кучини сақлаб қолиши тўғрисидаги шарт белгилаб қўйилади. Бошқа халқаро шартномалар шартнома ҳаракатини автоматик тарзда маълум муддатларга, масалан, 3, 5 йилга ёки ундан кўпроқ муддатга узайтиришни мустақамлаб қўяди. Бу тартибда шартнома ҳаракатини узайтириш иштирокчилардан бири халқаро шартномани **денонсация** қилгунча ёки унинг ҳаракатини узайтиришдан бош тортгунча давом этади. Шартнома муддатини узайтириш **пролонгация** деб аталади. Келтирилган ҳолатлардан ташқари пролонгация махсус келишув асосида ҳам амалга оширилиши мумкин. Агар шартнома ўз ҳаракатини тугатган бўлса, ва томонлар унинг ҳаракатини узайтириш тўғрисида махсус шартлашсалар, бундай узайтириш шартнома ҳаракатини тиклаш ёки шартномани қайтадан тузиш (шартноманинг қайтадан тузилиши) деб номланади.

Муддатсиз деб, ҳаракат муддати кўрсатилмаган халқаро шартномаларга айтилади.

“Ратификация қилиш”, “қабул қилиш”, “тасдиқлаш” ва “қўшилиш” маълум ҳолатларга боғлиқ тарзда шу ном билан юритилувчи халқаро ҳужжат бўлиб, давлат у орқали мазкур шартномани ўзи учун мажбурийлигига розилигини ифодалайди.

Шартномани ратификация қилиш — давлат олий органининг ички давлат ҳуқуқига (Конституция ёки конституциявий қонунга) мувофиқ амалга оширадиган ҳаракатдир. Шартномани ратификация

қилиш давлат бошлиғи ёки олий қонунчилик органи (парламент) томонидан амалга оширилади. Шартномани қабул қилиш, тасдиқлаш ва унга қўшилиш ҳаракатлари алақачон тузилган шартномалар билан боғлиқ бўлиб, уларда иштирок этиш мазкур шартномаларни қабул қилиш билан амалга оширилади. Уларнинг асосида ратификация ҳужжатлари ётади.

Шартномани уни ташкил этувчи ҳужжатларни алмашиш орқали тузиш — шартнома қабул қилишнинг энг соддалаштирилган усули бўлиб, давлатларнинг кам аҳамият касб этувчи мажбуриятларига нисбатан қўлланади. Одатда у ташқи ишлар вазирлиги ёки шартнома тузилаётган давлатдаги дипломатик ваколатхонадан юбориладиган **шахсий ёки оғзаки (имзосиз) нота** алмашиш орқали амалга оширилади. Бир давлат иккинчи бир давлатга ўзи учун маълум қонидани юридик мажбурий кучини тан олишга тайёр эканлигини баён қилиб нота жўнатади. Иккинчи бир давлат нота мазмунини (қўштирноқ ичида) қайтариш орқали уни олганлигини тасдиқлайди.

Шартноманинг кучга кириш тартиби ва вақти унинг ўзида белгиланган ёки уни тузишда қатнашган давлатлар ўртасидаги ўзга келишувлар асосида белгиланган бошқа бир тартибда амалга оширилади.

Одатда, шартнома уни имзолаш, ad referendum имзолани тасдиқлаш, ратификация ёрлиқларини алмашиш ёки уларни шартномани тузишда қатнашган барча давлатлар томонидан депозитарийда сақлаш учун топшириш вақтидан бошлаб кучга киради.

Ҳар бир шартнома маълум ҳудуд ёки майдон билан белгиланувчи ҳаракат доирасига эга бўлади. Қатор кўптомонлама шартномалар давлатлар ҳудудидан ўзга майдонлар доирасини кўзда туттади. Мисол тариқасида 1959 йилда қабул қилинган Антарктика тўғрисидаги шартномани айтиб ўтиш мумкин.

Умуман олганда, халқаро шартнома учинчи давлатлар ёки халқаро ташкилотларга нисбатан уларнинг бунга розилигисиз ҳеч қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлар туғдирмайди.

Агар унинг иштирокчилари бундай мақсадни кўзда тутган бўлса ва учинчи давлатнинг ўзи бунга розилик берган бўлсагина, унинг учун халқаро шартномадан маълум ҳуқуқ келиб чиқиши мумкин.

Халқаро шартномаларнинг ҳақиқийлиги

1969 ва 1986 йилги Вена конвенциялари халқаро шартномаларнинг ҳақиқийлиги презумпциясидан келиб чиқади, чунки халқаро

шартноманинг ҳақиқийлиги ёки иштирокчининг шартнома қоидаларини унинг учун мажбурийлигига розилиги фақат халқаро ҳуқуқ асосидагина белгиланиши мумкин. Фақат ҳақиқий халқаро шартномагина унда ифодаланган ҳуқуқ ва мажбуриятларни келтириб чиқариши мумкин.

Халқаро амалиётда алоҳида шартномалар ҳақиқий эмас деб топилган ҳолатлар ҳам мавжуд. Шартноманинг ҳақиқий эмаслигини белгиловчи асослар қаторида давлатни мажбур қилиш, алдаш, хато, шартнома қоидаларини халқаро ҳуқуқнинг *jus cogens* меъёрларига зид келиши кабиларни санаб ўтиш мумкин.

Шартноманинг ҳақиқий эмаслиги шартлари икки турда:

мутлақ ва нисбий, яъни улардан фойдаланмаслик ёки фойдаланишга йўл қўювчи турларда бўлади.

Шартнома, агар уни тузиш вақтида халқаро ҳуқуқнинг императив меъёрларига зид бўлса, ҳақиқий эмас ва юридик жиҳатдан аҳмиятсиз ҳисобланади.

Шартнома унинг мажбурийлигига ўз розилигини берган давлат томонидан, “агар унинг ички ҳуқуқи шартномалар тузиш ваколатига тегишли қоидалари бузилган бўлса; шартномада маълум характердаги хато мавжуд бўлса; шартнома бошқа бир давлатнинг ёлгон ҳаракатлари таъсири остида ёки унинг вакилига бевосита ёки билвосита пора бериш ёки мажбурлаш натижасида тузилган бўлса”, ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Давлат ушбу ҳолатларни инobatга олмаслиги ва ўзи учун шартнома қоидалари мажбурийлигини сақлаб қолиши мумкин.

Давлат, агар ушбу ҳолатлар мавжудлигини била туриб, шартнома қоидаларини қўлласа ва уларни бажарса, шартнома мажбурийлиги борасида билдирган розилигига нисбатан норозилик билдириш ҳуқуқини йўқотади. Чунки давлатнинг ушбу хатти-ҳаракати шартнома қоидаларига индамай рози бўлиш деб ҳисобланади. Мазкур қоида халқаро ҳуқуқда **эстопель (estoppel) қоида**си деб номланади.

Агар шартнома қоидаларида бошқа мақсад ифодаланмаган бўлса, **шартнома орқага қайтиш кучига эга эмас**. Бу шунинг англатадики, шартнома қоидалари унинг иштирокчиси ҳисобланган давлатнинг шартнома кучга киргунга қадар содир этган ҳар қандай ҳаракатлари, фактлар ёки ҳолатларга нисбатан қўлланмайди. Шартномаларга орқага қайтиш кучини бериш нафақат энг кам, балки фавқулодда ҳодисадир.

Шартнома унинг ҳар бир иштирокчи-давлатининг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлади. Бу ҳолда шартномада иштирокчи-

давлат ҳудудининг фақат алоҳида қисмига нисбатан қўлланиши белгиланмаган бўлса (мисол учун, ҳудудни қуролсизлантириш ёки бетараф ҳолатга келтиришда), тааллуқли бўлади.

Ушбу қоида иштирокчи-давлатни унитар ёки федератив ёхуд давлатнинг у ёки бу тарзда маъмурий-худудий тузилиши, яъни республикалар, штатлар, кантонлар ва бошқа тарзда бўлинишидан қатъи назар тааллуқли бўлади. Давлат ҳудуди, ички ҳуқуққа асосан давлат бошқарувини енгиллаштириш учун қандай тарзда бўлинганидан қатъи назар, ягонадир. Давлат ҳокимияти ҳам ўз функцияларига кўра, қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларига бўлинганига қарамай ягонадир. Шунинг учун ҳам давлатнинг маъмурий-худудий ва сиёсий қисмлари умуман халқаро ҳуқуқ, шунингдек, халқаро шартномалар ҳуқуқи субъекти бўлиб ҳисобланмайди.

Иштирокчи-давлат шартномани бажармаганлигини оқлаш учун ўз ички ҳуқуқи меъёрларига ҳавола қила олмаслик қоидаси халқаро шартномалар ҳуқуқининг тамойил-меъёри ҳисобланади.

Давлатлар ва халқаро ташкилотлар ёки халқаро ташкилотлар ўртасидаги шартномалар тўғрисидаги қоидалар 1986 йил Вена конвенциясида кодекслаштирилган.

Конвенцияга мувофиқ халқаро ташкилот — ҳукуматлараро ташкилотдир.

Расмий тасдиқлаш ҳужжати — давлатнинг шартномани ратификация қилиш ҳужжатига мувофиқ келадиган халқаро ҳужжат бўлиб, у орқали халқаро ташкилот шартнома мажбурийлигига ўз розилигини изҳор қилади.

Халқаро ташкилотнинг барча хатти-ҳаракатлари унинг қоидаларига мувофиқ тарзда амалга оширилади.

Халқаро ташкилот қоидалари — ташкилотнинг таъсис ҳужжатлари, улар асосида қабул қилинган қарор ва резолюциялар, шунингдек, ташкилотнинг муқим шаклланган амалиёти, яъни бу шундай амалиётки, унга нисбатан аъзо-давлатлар консенсусга (эътирознинг мавжуд эмаслигига) эга.

Халқаро ташкилот томонидан халқаро шартномалар тузилаётган вақтда бериладиган ваколат — бу ташкилотнинг ваколатли органи томонидан қабул қилинадиган ҳужжат бўлиб, унга мувофиқ бир ёки бир неча шахс ташкилот номидан музокаралар олиб бориш, шартнома матнини қабул қилиш ёки унинг матни ҳақиқийлигини аниқлаш, ушбу ташкилотнинг шартнома мажбурийлигига розилигини ифодалаш ёки шартнома тузиш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошира олиш ваколатига эга бўлади.

Халқаро шартномаларнинг бекор қилиниши ва ҳаракатининг тўхтатилиши

Халқаро шартноманинг бекор қилиниши (туғатилиши), яъни юридик кучини йўқотиши ёки ундан иштирокчининг чиқиши шартнома қоидаларига мувофиқ тарзда ёки шартнома қатнашчиларининг розилигига биноан хоҳлаган вақтда амалга оширилиши мумкин.

Халқаро шартномани тўхтатиш шартнома ҳаракат муддатининг тугаши, унинг бажарилиши, янги *ius cogens* меъёрининг вужудга келиши, шартномада белгиланган шарт-шароитлар асосида денонсация қилиниши натижасида юз бериши мумкин.

Шартномани тўхтатишда **денонсация**, яъни шартномани бекор қилиш тўғрисида билдириш кенг қўлланади. Агар шартнома денонсация қилишни назарда тутмаган ва шартнома иштирокчиларининг бундай имкониятдан фойдаланишлари мақсад қилиб қўйилмаган бўлса, шартнома денонсация қилинмайди.

Халқаро шартномани тўхтатишнинг яна бекор қилиш ва шартномадан воз кечиш каби турлари ҳам мавжуд. Бекор қилиш ибораси орқали томонлар келишуви бўйича халқаро шартнома юридик кучининг бекор қилинишига айтилади. Шартномадан воз кечиш деб, давлатнинг шартномадан бир томонлама воз кечишига айтилади. Мисол учун, шартноманинг ўзга иштирокчиси томонидан унинг қоидалари жиддий бузилган ҳолатларда бунга йўл қўйилади.

Халқаро шартнома ижросини таъминлаш усуллари

Халқаро шартнома ижросини таъминлаш халқаро ҳуқуқ субъектлари томонидан амалга оширилади. Халқаро шартномаларнинг бажарилиши:

биринчидан, халқаро кафолатлар;

иккинчидан, халқаро назорат;

учинчидан, халқаро ташкилотларнинг қўллаб-қувватлаши орқали таъминланиши мумкин.

Халқаро кафолатлар деганда маълум давлат ёки давлатлар гуруҳининг тузилган шартноманинг бажарилишини тасдиқловчи ёки кафиллигини олганлигини белгиловчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжат тушунилади.

Шартномаларнинг ижро этилишини таъминлаш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар учун халқаро жавобгарлик институтини ҳам мавжудлигига кўмаклашади.

Халқаро ҳуқуққа мувофиқ, амалдаги ҳар бир халқаро шартнома унинг иштирокчилари учун мажбурий ва улар томонидан виждонан бажарилиши лозим. Ушбу қоида кенг тан олинган латин формуласида **pacta sunt servanda**, деб ифодаланади. Бироқ бу бошқа бир умум тан олинган қоидадан келиб чиқувчи алоҳида бир ҳолдир, яъни давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари халқаро мажбуриятларини унинг келиб чиқишидан қатъи назар (одатий, шартномавий ёки бошқа тарзда) виждонан бажаришлари лозим.

Давлатларнинг халқаро шартномаларга нисбатан ҳуқуқий ворислиги

Халқаро ҳуқуқда ҳуқуқий ворислик — халқаро ҳуқуқнинг умумий институтларидан бири бўлиб, фақат давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар соҳасига тааллуқлидир.

Ҳуқуқий ворислик бир ҳуқуқ субъекти ҳуқуқ ва мажбуриятларини иккинчи бирига ёки ҳуқуқнинг бошқа субъектларига ўтишини англатади. Бунда ўзаро боғлиқ ҳуқуқий муносабатларда иштирок этаётган субъектлар ўртасида ҳуқуқий ворисликнинг вужудга келиши ва амалга оширилишида юридик аҳамиятга эга бўлган ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлиши лозим.

Халқаро ҳуқуқ фанида кўрсатиб ўтилган ўзаро боғлиқлик, яъни тегишли юридик фактнинг мавжудлиги, баъзан **де-факто ҳуқуқий ворислик** деб, ҳуқуқий ворисликнинг ўзи эса, яъни тегишли юридик фактнинг ҳуқуқий оқибатларининг мавжудлиги — **де-юре ҳуқуқий ворислик** деб номланади.

Давлатларнинг ички ҳуқуқида де-юре ҳуқуқий ворисликнинг ўзига хос кўриниши мерос олиш ҳуқуқидир. Мерос олиш ҳуқуқини келтириб чиқарувчи юридик факт, — индивид — субъектлар ўртасидаги қариндошлик муносабатлари (оталар, болалар, набиралар ва бошқалар) ёки у ҳамда бу ҳуқуқ субъекти фойдасига васият қилишдир.

Халқаро ҳуқуқда ҳуқуқий ворислик муносабатлари умуман икки универсал конвенция қоидалари билан тартибга солинади. Булар 1978 йилда қабул қилинган Давлатларнинг шартномаларга нисбатан ҳуқуқий ворислиги тўғрисидаги Вена конвенцияси ва 1983 йилда қабул қилинган Давлатларнинг давлат мулки, давлат архивлари ва давлат қарзларига нисбатан ҳуқуқий ворислиги тўғрисидаги Вена конвенциясидир.

Уларнинг биринчиси, бир томондан — халқаро ҳуқуқда ҳуқуқий ворислик институтининг бир қисмини, иккинчи томондан — халқа-

ро ҳуқуқ соҳаси — халқаро шартномалар ҳуқуқининг таркибий қисмини ташкил қилади.

Давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги маълум ҳудуддаги халқаро муносабатлар учун жавобгарликни бир давлатдан иккинчи бирига ўтишига айтилади. Ушбу таъриф ўтмишдош-давлат ва меросхўр-давлат ўртасидаги муносабатларда юридик аҳамиятга эга бўлган алоқа мавжудлигини, яъни конвенцияларда давлатлар ҳуқуқий ворислигининг (юридик) оқибатлари сифатида тасвирланган ҳуқуқий ворисликни вужудга келтирадиган юридик фактнинг мавжудлигини кўрсатади.

Ўтмишдош-давлат ва меросхўр-давлат ўртасидаги муносабатларда, яъни:

биринчидан, бир давлат ҳудудининг маълум қисми иккинчи бир давлатга берилганда;

иккинчидан, икки давлат бирлашганда ва уларнинг бирлашган ҳудудида ягона давлат вужудга келганда (унитар ёки федератив);

учинчидан, ўтмишдош-давлат бўлинмоқда ва унинг ҳудудида иккита ёки бир неча мустақил давлат вужудга келганда юридик аҳамиятга эга бўлган алоқанинг мавжудлиги ҳудудий характердаги боғлиқлик ҳисобланад.

Янги давлат вужудга келишининг ўзига хос кўриниши — тобе ҳудудда мустақил давлатнинг вужудга келишидир. Конвенцияларда бу каби давлатлар **янги мустақил давлатлар** деб номланади.

Бир давлат ҳуқуқ ва мажбуриятларининг иккинчи бирига ўтишидан, масалан, 1978 йил конвенциясида белгиланган ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги меъёрларга мувофиқ шартномалардан келиб чиқувчи мажбуриятлардан, ташкил топган ҳуқуқий ворисликни вужудга келтирувчи юридик фактлар мана шулардир.

Давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги ҳуқуқий ворисликни вужудга келтирувчи юридик фактни, қачонки, у халқаро ҳуқуққа мувофиқ қонуний деб ҳисоблансагина, ташкил этиши мумкин. Юқорида номи тилга олинган ҳар икки конвенцияда таъкидланганидек, уларнинг қоидалари фақат давлатлар ҳуқуқий ворислигининг халқаро ҳуқуққа ва энг муҳими БМТ Уставида ўз ифодасини топган халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларига мувофиқ тарзда амалга оширилиши натижа-сида вужудга келган оқибатларга нисбатан қўлланади.

Ушбу тамойиллар, яъни императив меъёрлар қаторида — халқлар тенглиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш тамойили бор. Давлатлар ҳуқуқий ворислигида ҳудуд ва уни ташкил этувчи аҳоли ўртасидаги ўзаро боғлиқлик шу билан (шунингдек, ҳудудий характер туншунчаси билан) белгиланади. Бошқача айтганда, давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги янги давлат, шу жумладан, янги мустақил давлат

бўлиб шаклланаётган ҳудудда яшовчи аҳоли иродасига мувофиқ тарзда амалга оширилиши лозим.

“Давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги” тушунчаси орқали Конвенциянинг қолган бошқа асосий иборалари аниқланади. Мисол учун, меросхўр-давлат деб, давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги натижасида бошқа бир давлат ўрнига келаётган давлатга айтилади.

Янги мустақил давлат — давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги вужудга келганда тобе ҳудуд бўлади. Унинг халқаро муносабатлари учун ўтмишдош — давлат жавобгардир.

Конвенцияда ифодаланган давлатларнинг ҳуқуқий ворислигига тегишли меъёрлар:

биринчидан, фақат умумий (раҳбарий) характердаги меъёрлар;

иккинчидан, диспозитив меъёрлар;

учинчидан, иштирокчи-давлатларнинг ҳуқуқий ворислик билан боғлиқ ўзаро ҳуқуқий муносабатларида, яъни улар ўртасидаги у ёки бу битимларда аниқлаштирилишини талаб этувчи меъёрлардир.



Такрорлаш учун саволлар

- ◆ Халқаро шартномалар ҳуқуқи тушунчаси ва манбалари деганда нимани тушунасиз?
- ◆ Халқаро шартнома тушунчаси ва юридик табиати қандай?
- ◆ Халқаро шартнома объекти ва мақсади деганда нима тушунилади?
- ◆ Халқаро шартномалар қандай ва нима асосида таснифланади (классификация қилинади)?
- ◆ Халқаро шартномаларнинг қандай турларини биласиз?
- ◆ Шартномалар шакли, тузилиши ва номи бўйича қандай бўлиши мумкин?
- ◆ Халқаро шартномаларнинг ҳаракати ва кучга кириш тартиби қандай?
- ◆ Халқаро-ҳуқуқий шартномалар ижроси қандай усуллар билан таъминланади?
- ◆ Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена конвенцияларига тавсиф беринг.
- ◆ Халқаро шартномаларнинг бекор қилиниши ва ҳаракатининг тўхтатилиши тартиби қандай?
- ◆ Халқаро шартномаларнинг ҳақиқийлиги деганда нима тушунилади?
- ◆ Халқаро шартномаларни ратификация, денонсация ва пролонгация қилиш дегани нимани англатади?
- ◆ Депозитарий нима дегани?
- ◆ Давлатларнинг халқаро шартномаларга нисбатан ҳуқуқий ворислиги нимани англатади?

10-мавзу. ДИПЛОМАТИК ВА КОНСУЛЛИК ҲУҚУҚИ

- Дипломатик ҳуқуқ тушунчаси, тизими ва манбалари.
- Ташқи алоқалар органларининг турлари.
- Дипломатик ваколатхонанинг функцияси ва таркиби.
- Дипломатик корпус.
- Дипломатик ваколатхона ва унинг ходимларининг иммунитети, имтиёзлари ва имкониятлари.
- Давлатларнинг халқаро ташкилотлар ҳузуридаги доимий ваколатхоналари.
- Консуллик ҳуқуқининг тушунчаси ва манбалари.
- Консуллик муассалари тоифалари ва ходимлари.
- Консуллик муассалари ва улар ходимларининг иммунитет ва имтиёзлари.

Дипломатик ҳуқуқ тушунчаси, тизими ва манбалари

Дипломатик ҳуқуқ — халқаро ҳуқуқнинг қадимий ва алоҳида мустақил соҳасидир. Дипломатик ва консуллик ҳуқуқини бир-биридан фарқлаш мақсадга мувофиқдир, чунки уларнинг охиригиси давлатлараро муносабатларнинг махсус ва етарли даражада тор соҳасини ифодалайди.

Дипломатик ҳуқуқ — халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг нисбатан мустақил тизими бўлиб, халқаро муносабатларда давлатлар вакилликни тартибга солади. Мазкур муносабатларнинг иштирокчилари давлатларнинг ўзлари бўлиб, ушбу халқаро муносабатлар ҳуқуқий муносабатлар характерини олади. Тегишли дипломатик муассасалар функцияси ўз давлати манфаатларини у иштирок этаётган турли халқаро (сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа) муносабатларда ҳимоя қилишдир.

Консуллик ҳуқуқи — халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг нисбатан мустақил тизими бўлиб, давлатлар ўзаро муносабатларининг ўзига хос соҳаларида, хусусан иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда вакилликни тартибга солади.

Дипломатик ҳуқуқ, умуман, гарчи чекланган доираларда бўлсада, консуллик муносабатларини ҳам қамраб олади. Консуллик муассасалари, амалиётда мавжуд бўлганидек, мазкур давлат томонидан таъсис этилмаслиги ҳам мумкин.

Дипломатик ҳуқуқ — халқаро ҳуқуқнинг муҳим соҳасидир. У, аввало, халқаро одат ҳуқуқ нормалари тизимини ташкил этади. Бироқ ҳозир ушбу нормаларнинг аксарият қисми бир қатор универсал конвенцияларда кодекслаштирилган. Булар амалдаги:

1961 йилда қабул қилинган **Дипломатик алоқалари тўғрисидаги Вена конвенцияси**;

1969 йилда қабул қилинган **Махсус миссиялар тўғрисидаги конвенция**;

1975 йилда қабул қилинган **Давлатларнинг универсал характердаги халқаро ташкилотлар билан ўзаро муносабатларидаги вакилиги тўғрисидаги Вена конвенцияси**;

1963 йилда қабул қилинган **Консуллик алоқалари тўғрисидаги Вена конвенциясидир**.

Дипломатик ҳуқуқ — “ташқи алоқалар ҳуқуқи” деб номлаш лозим бўлган халқаро ҳуқуқ институтининг бир қисмидир, чунки халқаро ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган халқаро муносабатларда нафақат давлатлар, балки бошқа субъектлар, хусусан, халқаро ташкилотлар — универсал, регионал (БМТ Устави мазмунида) ва маҳаллий, халқаро органлар ва ўз ташқи алоқаларини улар номидан қатнашувчи тузилмалар орқали ифода этувчи бошқа халқаро институтлар иштирок этади.

Ташқи алоқалар ҳуқуқи — халқаро-ҳуқуқий нормаларнинг шундай тизимики, у халқаро муносабатларда халқаро ҳуқуқ субъектлари вакилигини тартибга солади. Бу, асосан, одат нормалари саналади. Бироқ универсал характердаги конвенциялар (масалан, **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти имтиёз ва иммунитетлари тўғрисидаги 1946 йил конвенцияси** ва **Ихтисослашган муассасалар имтиёз ва иммунитетлари тўғрисидаги 1947 йил конвенцияси**) ҳам мавжуд.

Дипломатик ҳуқуқ — давлатнинг ташқи алоқалари соҳасида фаолият юритувчи органлари мақоми ва функцияларини тартибга солувчи нормалар йиғиндисини ифодаловчи халқаро ҳуқуқ соҳасидир.

Дипломатик ҳуқуқ тизими дипломатиянинг асосий шаклларига: **биринчидан**, дипломатик ваколатхоналар ёки тузилган шартноманинг бажарилишини таъмин этишга хизмат қилувчи давлатларнинг махсус миссиялари томонидан амалга ошириладиган икки томонлама дипломатия;

иккинчидан, халқаро конференция ва халқаро ташкилотлар сессияларида давлатлар делегациялари томонидан амалга ошириладиган кўп томонлама дипломатия;

учинчидан, халқаро ташкилотлар ҳузуридаги давлатларнинг доимий ваколатхоналари томонидан амалга ошириладиган дипломатия мос келади.

Ташқи алоқалар органларининг турлари

Дипломатик ҳуқуқ халқаро ҳуқуқнинг узоқ вақт давомида ягона субъекти бўлиб келган давлатларнинг ўзаро амалиёти натижасида шаклланган ва ривожланган. Қадимда бўлгани каби ҳозирда ҳам давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар бир давлат томонидан иккинчи бирига юбориладиган ташқи алоқалар органлари томонидан амалга оширилади. Ташқи алоқаларнинг бундай органлари қаторига давлатларнинг ўзаро келишуви асосида ташкил қилинадиган **доимий дипломатик ваколатхоналар**, ва бир давлат томонидан иккинчи бир давлатга юбориладиган **махсус (вақтинча, ad hoc) миссиялар киради**.

Дипломатик ваколатхона ва махсус миссияларга тегишли нормалар мажмуи 1961 ва 1969 йилларда қадул қилинган Вена конвенцияларида мужассамлашган.

Халқаро-ҳуқуқий адабиётда ташқи алоқалар органларини **ички давлат ва хорижий** турларга бўлиш мавжуд.

Ички давлат турига қуйидаги давлат органлари:

биринчидан, давлат ташқи сиёсати асосларини белгиловчи давлатнинг олий вакиллик органи;

иккинчидан, халқаро майдонда олий вакилликни амалга оширувчи давлат бошлиғи (у коллегиял ёки яқка бир шахсга тааллуқли бўлиши мумкин);

учинчидан, давлат ташқи сиёсатида умумий раҳбарликни олиб борувчи ҳукумат;

тўртинчидан, ташқи ишлар идораси киради.

Доимий органларга дипломатик ваколатхоналар, яъни элчихоналар, миссиялар, халқаро ташкилотлар ҳузуридаги доимий ваколатхоналар, консуллик муассасалари киради.

Вақтинчалик органларга халқаро конференциялар ёки халқаро органлардаги махсус миссия ва делегациялар киради.

Дипломатик ваколатхонанинг функцияси ва таркиби

Давлатлар ўртасида дипломатик муносабатларнинг ўрнатилиши, одатда, дипломатик ваколатхоналар билан алмашишга олиб келади.

Бироқ бундай алмашишни амалга ошириш учун махсус келишув зарур. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи кўрсатилган дипломатик ваколатхоналар билан алмашишнинг уч даражаси мавжудлиги имкониятидан келиб чиқади. Ҳар бир даража учун ваколатхона бошлигининг маълум тоифаси тўғри келади.

Энг юқори даража — элчихонадир. Унга Фавқулодда ва Мухтор Элчи даражасига эга бўлган дипломатик вакил раҳбарлик қилади. Ундан сўнг Фавқулодда ва Мухтор Вакил раҳбарлик қиладиган ҳамда муваққат ишлар вакили томонидан бошқариладиган миссия туради.

Кўпгина давлатларда дипломатик ходимларга бериладиган дипломатик даражалар ҳам мавжуд.

Дипломатик ваколатхона ходимлари уч тоифага бўлинади. Булар дипломатик, маъмурий — техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлардир.

Дипломатик ваколатхона функциялари:

биринчидан, вакил қилиб юборувчи давлатнинг ваколатхона жойлашган давлатда вакиллик қилишида;

иккинчидан, вакил қилиб юборувчи давлатни ваколатхона жойлашган давлатда (халқаро ҳуқуқ рухсат берган доирада) манфаатларини ҳимоя қилишида;

учинчидан, дипломатик ваколатхона жойлашган давлатда ҳукумат билан (кенг маънода — давлат ва ҳукумат бошлиғи, ташқи ишлар вазарлиги ва ваколатли органлар билан) музокаралар олиб боришида;

тўртинчидан, ваколатхона жойлашган давлатдаги шарт-шароитлар ва воқеаларни мумкин бўлган барча қонуний воситалар орқали ўрганиш ва улар тўғрисида ўз давлатини хабардор қилишида;

бешинчидан, вакил қилиб юборувчи ва қабул қилувчи давлатлар ўртасида барча соҳаларда ўзаро дўстона алоқаларни рағбатлантириш ва ривожлантиришда намоён бўлади.

Махсус миссия функциялари — унинг вазифаларини ҳамда юборувчи ва қабул қилувчи давлатларнинг ўзаро келишуви бўйича вакил қилиб юборувчи давлат манфаатларини ваколатхона жойлашган давлатда ифодалашда белгиланади.

Доимий дипломатик ваколатхона таркибида вакил қилиб юборувчи давлат номидан иш кўриш унинг бошлиғига юклатилади.

Ваколатхона бошлиқлари уч тоифага бўлинади. Улар:

биринчидан, элчилар тоифаси ёки ўзгача ном билан юритилувчи уларга мос бўлган шахслар (нунцийлар, олий комиссарлар ва ҳ.к.);

иккинчидан, юборувчи давлат томонидан қабул қилувчи давлат бошлиғи ҳузурида унинг номидан вакиллик қилиш учун тайинланган мухтор вакиллар тоифаси (интернунцийлар);

учинчидан, қабул қилувчи давлат ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида юборувчи давлат номидан вакиллик қилиш учун тайинланган муваққат ишлар бўйича вакилдир.

Дипломатик ваколатхона бошлиғини тайинлаш учун қабул қилувчи давлатнинг розилиги — **агреман** — сўралади. Шундан сўнггина унга юборувчи давлат томонидан унинг тайинланганлигини тасдиқловчи **ишонч ёрлиғи** берилади.

Махсус миссия таркибида вакил қилиб юборувчи давлат номидан вакиллик қилиши учун бир ёки бир неча шахс тайинланади. Улар юборувчи давлатнинг вакиллари номи билан юритилади. Махсус миссия таркибига кирувчи шахслар ичидан юборувчи давлат миссия бошлиғини тайинлаши мумкин.

Доимий дипломатик ваколатхона таркибига **дипломатик ходимлар**, яъни дипломатик мартабага (рангга) эга бўлган шахслар (мухтор вакил, биринчи, иккинчи ва учинчи котиблар, атташе, котибархивариус), ҳарбий, ҳарбий-денгиз ва ҳарбий-ҳаво атташелари, шунингдек, **маъмурий-техник ва хизмат кўрсатувчи** ходимлар кириши мумкин.

Махсус миссия таркибига ўз навбатида **дипломатик, маъмурий-техник ва хизмат кўрсатувчи** ходимлар киради.

Дипломатик ходимлар дипломатик ваколатхона ёки махсус миссия бошлиғи топшириғига биноан қабул қилувчи давлат билан ўзаро муносабатларда юборувчи давлат номидан маълум функцияларни бажарадилар.

Маъмурий-техник ва хизмат кўрсатиш ходимлар дипломатик ваколатхона ёки махсус миссияга тегишли хизмат кўрсатиш бўйича ўз функцияларини бажарадилар.

Дипломатик, маъмурий-техник ва хизмат кўрсатиш хизмати ходимларини тайинлаш тартиби ва уларнинг сони қабул қилувчи ва юборувчи давлатларнинг ўзаро келишуви асосида белгиланади. Қабул қилувчи давлат дипломатик ходимни хоҳлаган вақтда **persona non grata**, яъни “**номақбул шахс**” деб эълон қилиб, бу шахсларни юборувчи давлатдан дипломатик ваколатхона ёки махсус миссия таркибидан чақириб олишларини талаб қилиш мумкин.

Дипломатик корпус

Дипломатик корпус кенг маънода ушбу давлатдаги чет эл дипломатик ваколатхонаси дипломатик ходимлари шунингдек, уларнинг оила аъзолари йиғиндисиدير.

Дипломатик корпус ташкилот ҳисобланмайди. Дипломатик корпус бошлиғи унвони (мансаби) бўйича юқори ва тегишли давлатга вакил қилиб юборилган вақти жиҳатидан энг кўп ишлаётган дипломатик вакил (дуайен, оқсоқол) саналади. Баъзи католик давлатларда дипломатик корпус бошлиғи Рим папаси нунцийси ҳисобланади.

Дипломатик корпуснинг чиқиши фақат расмий тантана вақтларидагина (миллий байрамлар, табриклаш маросимларида) рухсат берилади.

Дипломатик корпус аъзоларининг дипломатик сифатларини тасдиқлаш учун кўпгина давлатларнинг маҳаллий ҳокимияти органлари дипломатик гувоҳномалар беради.

Дипломатик ваколатхона ва унинг ходимларининг иммунитети, имтиёзлари ва имкониятлари

Дипломатик ваколатхона ёки махсус миссия ўз фаолиятини қабул қилувчи давлат ҳудудида амалга оширади. Улар, ўзларининг вакиллик характери ва функциясидан ҳамда ходимидан келиб чиқиб, қабул қилувчи давлат томонидан таъминлаб берилиши лозим бўлган алоҳида юридик мақомга эга бўладилар.

Ташқи алоқалар органларининг ушбу халқаро-ҳуқуқий мақоми иммунитет, имтиёз ва имконият тушунчалари билан белгиланади.

Иммунитет юборувчи давлат ташқи алоқалар органлари ва улар ходимларининг ваколат ва функцияларини қабул қилувчи давлатдан мустақил тарзда амалга ошира олишларини таъминлайди. **Имтиёз ва имкониятлар** улар фаолиятининг самарадорлигига кўмаклашиш учун хизмат қилади.

Дипломатик ваколатхона ёки махсус миссия ва улар ходимларининг иммунитет юборувчи давлат органлари сифатида давлат имунитети деган янада кенгроқ тушунчанинг эманациясидир.

Давлат иммунитет — тегишли давлатлараро ҳуқуқий муносабатлар моҳиятининг **жамланган кўринишидир**. Халқаро ҳуқуқда давлат иммунитет барча давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда амал қилувчи давлатлараро муносабатларнинг тамойилларидан (умумий

нормаларидан) биридир. У одатий норма сифатида шаклланган ва шу асосда давлатлараро муносабатларни тартибга солмоқда. Ҳозир мазкур тамойил юқорида тилга олинган Конвенцияда ҳам ўз ифодасини топган. Шунинг учун уни нафақат давлатларнинг узоқ амалиётини умумлаштириш натижасида, балки мазкур Конвенцияда ўз ифодасини топган халқаро -ҳуқуқий нормалар моҳиятидан келиб чиқиб ҳам белгилаш мумкин.

Иммунитет тамойили “ҳар бир давлат бошқа бир давлат юрисдикциясидан иммунитет ҳуқуқига эга” эканлигини англатади. **Иммунитет** — юрисдикцияни истисно қилиш ёки ундан озод этилишидир. Бу эса ўз ўрнида юрисдикцияга бўйсунмаслик билан баробар. Шубҳасиз, “ҳар бир давлат бошқа бир давлат юрисдикциясига бўйсунмайди”.

“Юрисдикция” тушунчаси халқаро ҳуқуқда (шунингдек, миллий ҳуқуқда ҳам) турли маъноларда қўлланади. Бироқ давлат иммунитетини тамойилига нисбатан у ўзининг кенг маъносига, яъни давлатнинг ўз ҳокимияти ваколатларини амалга ошириш тарзида ишлатилади. Бошқача айтганда, давлат иммунитетини тамойили бир давлатнинг иккинчи бир давлатга бўйсунмаслигини англатади.

Давлат ҳокимияти ягона бўлиб, у қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятлари кўринишига эга. Ушбу ҳолатда у “юрисдикция” иборасини қамраб олади.

Давлатнинг қонун чиқарувчи органи бошқа давлатлар учун юридик мажбурий хатти-ҳаракат қоидаларини ярата олмайди. Унинг ижро ва суд органлари ўзларининг ваколатларини хорижий давлатга, хусусан дипломатик ваколатхоналар ва махсус миссияларга нисбатан қўллай олмайдилар.

Қабул қилувчи давлат қонун ҳужжатларининг хорижий давлатга нисбатан татбиқ қилинмаслиги дипломатик ваколатхона ёки махсус миссия ходимлари ваколатхона ёки миссия жойлашган давлат миллий ҳуқуқи субъектлари билан бўладиган ўзаро муносабатларида қабул қилувчи давлат ички ҳуқуқи қоидаларига риоя қилмасликлари мумкинлигини англатмайди. Аксинча, улар қабул қилувчи давлат қонунларини ҳурмат қилишлари ва унинг ички ишларига аралашмасликлари лозим. Дипломатик ваколатхона ва махсус миссия ходимлари иммунитетини мавжуд чегаралар доирасида, қабул қилувчи давлат миллий ҳуқуқининг у ёки бу юридик кўрсатмаларини уларга нисбатан мажбуран қўллаш ёки уларни ижро қилишдан озод этади холос. Бундай давлатнинг тегишли даъволари дипломатик йўллар билан давлатлараро даражада тартибга солинишини талаб қилади.

Давлат иммунитети халқаро ҳуқуқ тамойили сифатида мазкур давлатнинг хорижий давлатда жойлашган мулкига ҳам татбиқ қилинади, чунки миллий қонунчиликни хорижий давлат мулкига нисбатан қўлланиши ва мажбуран ижро этилиши ҳақиқатда, ушбу мулк эгаси бўлган давлатнинг мулк турган давлат юрисдикциясига бўйсунлигини англатади.

Дипломатик ваколатхона ва махсус миссиялар иммунитетига нисбатан айтилаётган гап, хусусан, қабул қилувчи давлат ҳудудида улар эга бўлган ва фойдаланаётган мулк тўғрисида бормоқда.

Дипломатик ваколатхона ва махсус миссиялар иммунитети қаторига:

биринчидан, улар биноларининг (хоналарининг) дахлсизлиги;
иккинчидан, ушбу бинолар (хоналар) ва уларда жойлашган буюмлар иммунитети, шунингдек, ҳаракат воситаларини тинтувдан, реквизициядан, ҳибсдан ва ижро ҳаракатларидан иммунитети;

учинчидан, архивлар ва ҳужжатларнинг ҳар қандай вақтда ва уларнинг қаерда жойлашганидан қатъи назар дахлсизлиги киради.

Дипломатик агентлар (ваколатхона бошлиғи ва унинг дипломатик ваколатхона ходимлари), юборувчи давлат махсус миссиялари вакиллари ва улар дипломатик ходимлари иммунитети қаторига:

биринчидан, улар шахсининг дахлсизлиги (жумладан, ҳибсга олинишлари ёки бошқа бирор шаклда ушланишлари мукин эмас);

иккинчидан, уларнинг шахсий хоналари, қоғозлари, хатлари (дипломатик ёзишмалари) ва мулки дахлсизлиги;

учинчидан, ваколатхона жойлашган давлат жиноий, фуқаролик ва маъмурий юрисдикцияси иммунитетига киради.

Мазкур шахслар иммунитетидан уларни юборувчи давлат возкечиши мумкин. Чунки иммунитет алоҳида шахслар фойдаси учун эмас, балки ушбу давлат номидан вакиллик қилаётган давлат органлари функциясининг самарали амалга оширилишини таъминлаш учун берилади.

Халқаро ҳуқуқнинг умумий тамойилларидан бири ҳисобланмиш давлат иммунитетидан келиб чиқувчи давлатнинг ташқи алоқалар хорижий органлари иммунитетларининг мазмуни шундай кўринишга эга. Ушбу тамойил (умумий норма) императив характер касб этмайди. Бошқача айтганда, ундан чекиниш нафақат халқаро ҳуқуққа мувофиқ, балки манфаатдор давлатлар ўртасидаги ўзаро келишув асосида (шартномада аниқ ифодаланган ёки бошқа тарзда) ҳам амалга оширилиши мумкин.

Давлатнинг ташқи алоқалар хорижий органлари (ва уларнинг ходимлари) иммунитетлардан ташқари халқаро ҳуқуққа мувофиқ маълум имтиёзлардан ҳам фойдаланишлари мумкин.

Имтиёзлар — хорижий вакиллик органлари (ва улар ходимлари) фаолиятининг имтиёзли шартлари бўлиб, одатда улардан миллий юридик ва жисмоний шахслар фойдаланмайдилар. Мазкур имтиёзли шартлар бундай вакиллик органларининг расмий халқаро-ҳуқуқий мақомини инобатга олади ва уларга ўзаро асосларда мазкур органлар функция ва ваколатларининг фаолиятини самарали амалга оширишларига кўмаклашиш мақсадида берилади.

1961 ва 1969 йиллар конвенцияларига мувофиқ бундай имтиёзлар қаторига:

биринчидан, хорижий давлат вакиллик органининг уни юборувчи давлат ҳуқумати ва унинг хорижий органлари билан барча қонуний воситалар ёрдамида, шу жумладан, дипломатик курьерлар, қоллаганган ёки шифрланган дипломатик мактублар (депеша), шунингдек, ваколатхона жойлашган давлат розилиги билан радиоузатгичлардан фойдаланган ҳолда барча расмий мақсадларда алоқаларни боғлаб туриш;

иккинчидан, хорижий давлат вакиллик органининг, у эгаллаб турган биноларга нисбатан, алоҳида кўрсатилган хизматларга тўловлардан ташқари барча давлат, район ва маҳаллий (муниципао) солиқ, йиғим ва божлардан озод этилиши;

учинчидан, вакиллик томонидан фойдаланиш учун белгиланган нарсаларни божхона божлари, солиқлар ва йиғимлари тўламасдан олиб кириш ҳуқуқи (баъзи истиснолардан ташқари);

тўртинчидан, ваколатхона ва унинг бошлиғи томонидан юборувчи давлат байроғи ва гербини ваколатхона хоналарида, шу жумладан, ваколатхона бошлиғи қароргоҳида ва у фойдаланадиган транспорт воситаларида осиб қўйиш ҳуқуқи киради.

Дипломатик агентлар, юборувчи давлат махсус миссия вакиллари ва унинг дипломатик ходимлари қуйидаги имтиёзлардан фойдаланадилар:

биринчидан, миссия жойлашган давлат ҳудуди бўйлаб эркин ҳаракат қилади (белгиланган истиснолар билан);

иккинчидан, барча давлат, район ва маҳаллий (муниципал) солиқ, йиғим ва божлардан озод этилади;

учинчидан, уларнинг характеридан қатъи назар, барча меҳнат ва давлат мажбуриятларидан, шу жумладан ҳарбий мажбуриятлардан

(реквизиция, товон тўлаш ва уйларни қўноқ ҳарбийлар қўнишидан озод қилиш кабилардан) озод этилади;

тўртинчидан, кўрсатилган шахслар ва уларнинг оила аъзолари шахсий фойдаланишлари учун белгиланган нарсаларни божхона божлари, солиқлар ва йиғимлари тўламасдан олиб кириш ҳуқуқига эга;

бешинчидан, агар уларнинг шахсий юкларида миссия жойлашган давлатга олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш тақиқланган нарсаларнинг борлигини тасдиқловчи жиддий асослар мажуд бўлмаса, уларни текширишдан озод этилади.

Бундан ташқари, қабул қилувчи давлат хорижий давлат ташқи алоқалар органига уларни ўз функцияларини самарали бажара олишлари учун барча шарт-шароитларни яратиши лозим.

Имкониятлар — ваколатхона жойлашган давлат, агар бунга зарурият бўлса, хорижий давлатга, унинг вакиллик органлари ва ходимлари тимсолида эга бўлиши учун ёрдам бериши мумкин ёки лозим бўлган неъмат ва имтиёзлардир.

Бу ерда гап ваколатхона учун бинога эга бўлиш ёки ходимлар учун яшаш хоналарини аниқлаш, турли хилдаги расмий мактубларни юборишда имтиёзли ҳуқуқлар билан таъминлаш, узоққа қатнай-диган жамоатчилик транспортларидан имтиёзли фойдаланиш, кундалик турмуш эҳтиёжлари учун зарур буюмларни олиш ва шунга ўхшаш имтиёз ва хизматлар тўғрисида бормоқда.

Дипломатик ваколатхонанинг асосий мажбурияти — ўз биносидан фақат расмий мақсадларда фойдаланиш ва расмий алоқаларни фақат ташқи ишлар идораси ёки келишилган ҳолда бошқа маҳкамалар орқали амалга оширишдир.

Дипломатик ваколатхона ходимлари мажбуриятлари дипломатик ваколатхона жойлашган давлат қонун ва қарорларини ҳурмат қилиш ҳамда унинг ички ишларига аралашмасликда ўз ифодасини топади. Дипломатик ваколатхона жойлашган давлатда дипломатга шахсий манфаатларни кўзлаб касб ва тижорат фаолияти билан шуғулланиш тақиқланади.

Давлатларнинг халқаро ташкилотлар ҳузуридаги доимий ваколатхоналари

Дипломатик ҳуқуқнинг тегишли нормалари 1975 йилда қабул қилинган Вена конвенциясида кодификация қилинган. Мазкур Конвенцияда давлатларнинг универсал характердаги халқаро таш-

килотлар ҳузуридаги вакиллиги, ушбу ташкилотларнинг органларида аъзо-давлатлар ёки аъзо бўлмаган давлатлар (кузатувчилар) вакиллиги ҳамда универсал характердаги халқаро ташкилотлар томонидан ёки уларнинг раҳбарлигида чақириладиган халқаро конференциялардаги вакиллиги тўғрисида сўз боради.

Халқаро ташкилотлар ҳузуридаги **доимий ваколатхоналар** деганда, аъзо-давлатларнинг доимий ваколатхоналари ва ташкилотга аъзо бўлмаган давлатларнинг **кузатувчи доимий миссиялари** тушунилади. Халқаро ташкилотлар органлари ва конференцияларга мослаб оладиган бўлсак, уларнинг ишида қатнашаётган давлатлар делегациялари ва улар ишини кузатиб боровчи делегациялар тўғрисида сўз боради.

Универсал характердаги халқаро ташкилот — бу Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, унинг ихтисослашган муассасалари, Атом энергияси бўйича халқаро агентлик ва аъзолари таркиби ва жавобгарлиги кенг бўлган халқаро характер касб этувчи шунга ўхшаш ҳар қандай ташкилотлардир.

Дипломатик ҳуқуққа тегишли ушбу ҳуқуқ соҳасининг ўзига хос жиҳатлари марказий муассасалар, уларнинг бўлимлари, ташкилот органлари ёки халқаро конференцияларнинг ўз фаолиятларини ўзга давлат ҳудудида унинг юрисдикциясидан озод этилган ва тегишли ўзаро келишилган имтиёз ва имкониятлардан фойдаланган ҳолда амалга оширишида намоён бўлади. Давлатнинг халқаро ташкилотлар ҳузуридаги доимий ваколатхоналари, халқаро органлар ва конференциялардаги делегациялари улар жойлашган давлат билан бевосита ҳеч қандай алоқаларга киришмаган ҳолда унинг юрисдикциясидан иммунитетга эга бўлади ҳамда, агар ушбу давлат ва халқаро ташкилот учун Конвенция кучда бўлса, унда белгиланган имтиёз ва имкониятлардан ҳам фойдаланадилар.

Қабул қилувчи давлат юборувчи давлатнинг ваколатхона ва делегацияларини тегишли иммунитет ва имтиёзлар билан таъминлашлари лозим. Улардан бирининг давлат ёки ҳукуматни тан олмаганлиги ё дипломатик ёхуд консуллик муносабатларининг йўқлиги ёки узилганлиги зарурий иммунитет ва имтиёзга эга бўла олишда тўсиқ бўлмаслиги лозим.

Буларнинг барчаси юборувчи ва қабул қилувчи давлатларнинг иммунитет ва имтиёзлар тақдим қилиш билан боғлиқ ўзаро муносабатларида маълум жиддий қийинчиликларни туғдиради.

Консуллик ҳуқуқининг тушунчаси ва манбалари

Консуллик ҳуқуқини консуллик муассасалари фаолиятини тартибга солиш ва уларнинг ходимлари мақоми, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи халқаро-ҳуқуқий тамойил ва нормалар мажмуи сифатида таърифлаш мумкин.

Консуллик ҳуқуқи манбалари халқаро шартномалар ва халқаро одат нормаларидир.

Консуллик ҳуқуқи — давлатлар ўртасидаги консуллик алоқаларини тартибга солишга хизмат қилувчи халқаро ҳуқуқ институтларидан биридир. Унинг нормалари 1963 йилги Вена Конвенциясида кодификация қилинган. Давлатларнинг кенг тарқалган амалиётларидан бири халқаро ҳуқуқнинг тегишли қоидаларини аниқлаштирувчи ёки уларга бошқача шакл берувчи икки томонлама консуллик конвенцияларининг тузилишидир. Мисол учун, **консуллик органлари** деб номланувчи консуллик муассасалари фаолияти доирасини белгиловчи консуллик ваколатхонаси жойлашган давлат ҳудуди чегараларини аниқлашга қаратилган конвенциялар.

Консуллик масалалари бўйича халқаро шартномалар ҳам икки томонлама, ҳам кўптомонлама асосда тузилади. 1963 йилда қабул қилинган **Консуллик алоқалари тўғрисидаги Вена конвенцияси** универсал аҳамиятга эга. Конвенция 1967 йил 18 мартда кучга кирди. Ўзбекистон Республикаси ушбу Конвенцияни 1995 йилда ратификация қилган.

Консуллик ҳуқуқида консуллик масалалари бўйича конвенциялар ва иккитомонлама шартномалар муҳим ўрин тутади. Шунингдек, консуллик органлари мақоми, функциялари, тузилишини ҳамда хорижий консуллик муассасалари ҳуқуқий ҳолатини белгилаб берувчи миллий қонунчилик қоидалари ҳам катта аҳамиятга эга.

Консуллик муассасалари тоифалари ва ходимлари

Консуллик муассасалари — хорижий давлат ҳудудида жойлашган ва ўз давлати, унинг фуқаролари ва ташкилотлари манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ функцияларни амалга оширувчи давлатнинг доимий ташқи алоқалар органи ҳисобланади.

Мустақил консуллик муассасалари:

биринчидан, бош консуллик;

иккинчидан, консуллик;

учинчидан, вице — консуллик;

тўртинчидан, консуллик агентликлари каби тоифаларга бўлинади. Дипломатик ваколатхоналарнинг консуллик бўлимлари мудир томонидан бошқарилади. У консул ёки бош консул деб номланиши мумкин.

Консуллик муассалари тоифаларига мос тарзда улар бошлиқларининг тоифалари:

биринчидан, бош консуллар;

иккинчидан, консуллар;

учинчидан, вице — консуллар;

тўртинчидан, консуллик агентликлари белгиланади.

Давлат консулхона мансабдор шахсини вакил қилиб тайинлашда унга **консуллик патентини** тақдим қилади. Унга асосан қабул қилувчи давлат мазкур шахсга консуллик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат топширади. Ушбу ҳужжат **экзекватура** деб номланади.

Консуллик алоқаларининг ўзига хослиги шундаки, улар дипломатик муносабатлари ўрнатилмаган ҳолатларда ҳам ўз фаолиятларини олиб боришлари мумкин ва, ҳатто, давлатлар ўртасида дипломатик муносабатларнинг узилиши ҳам *ipso facto* консуллик алоқаларининг бекор бўлишига олиб келмайди.

1963 йилги Конвенцияда белгиланган **консуллик функциялари** ҳам ўзига хос. **Консулхонанинг энг асосий функцияси** — консулхона жойлашган давлатда (одатда консулхона округи чегарасида) халқаро ҳуқуқ тамойилларига мувофиқ равишда вакил қилиб юборган давлат ва унинг фуқаролари (юримдик ва жисмоний шахслари) манфаатларини ҳимоя қилишдир.

Консуллик муассасалари:

биринчи — ҳокимият органларига консуллик муассасалари жойлашган давлатнинг иқтисодий, савдо, ижтимоий, маданий ва сиёсий ҳаёти тўғрисида ахборотлар бериб туриш;

иккинчи — ўз давлати фуқароларини консуллик муассасаси жойлашган давлат қонун ва одатлари тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш;

учинчи — консуллик муассасаси жойлашган округ ҳудудида ўз давлати фуқароларини ҳисобга олиш;

тўртинчи — консуллик муассасаси жойлашган округда жойлашган ўз давлати фуқаролари, давлат орган ва ташкилотлари вакиллари, шунингдек, ҳарбий ва фуқаролик кемалари ҳамда ҳаво кемаларига, уларнинг экипажига амалий ёрдам бериш ва консуллик фаолиятини амалга ошириш;

бешинчи — паспорт — виза фаолиятини амалга ошириш;
олтинчи — фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш идоралари функциясини бажариш, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш;

еттинчи — консуллик легализацияси билан шуғулланиш, яъни консуллик муассасаси жойлашган давлат органларидан чиқадиган ҳужжатлар имзоларни белгилаш ва уларнинг ҳақиқийлигини ва ушбу ҳужжатларнинг шу давлат қонун ва қоидалрига мувофиқлигини тасдиқлаш;

саккизинчи — талаб қилиб олинган ҳужжатлар бўйича шундай амалларни амалга ошириш;

тўққизинчи — консуллик муассасаси жойлашган давлатда вояга етмаганлар ва тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

ўнинчи — суд ва бошқа муассасаларда ўз фуқаролари манфаатларини ёқлаб чиқиш ва вакиллар билан таъминлаш бўйича зарурий чора-тадбирларини кўриш;

ўн биринчи — ўз давлати тергов ёки суд органларининг топшириқларини бажариш каби функцияларни бажаради.

Маълум бир хорижий давлатда дипломатик ваколатхонанинг йўқлиги дипломатик функцияларни бажаришни консуллик муассасасига юклаш амалиёти умум тан олинган қоидага айланган.

Халқаро ҳуқуқ, шунингдек, консул томонидан учинчи бир давлат номидан ва унинг манфаатлари йўлида маълум функцияларни бажариш имкониятига ҳам йўл қўяди.

Консуллик муассасаси у жойлашган давлат ҳудудида тегишли ҳаракатларни амалга оширганлиги учун консуллик йиғимларини ундириш ҳуқуқига эга. Ўз фаолиятларини амалга ошириш давомида консуллик муассасалари консуллик муассасаси жойлашган давлатнинг ички ишларига аралашмасликлари лозим.

Консуллик муассасаси жойлашган давлат ўз навбатида консуллик муассасасига ва унинг ходимларига ҳурмат кўрсатиши ва ишлаши учун етарли шарт-шароитларни яратиб бериши лозим.

Консуллик муассасалари ва улар ходимларининг иммунитет ва имтиёзлари

Консуллик муассасалари ва улар ходимлари учун иммунитет ва имтиёзлар 1963 йилда қабул қилинган **Консуллик алоқалари тўғри-**

сидаги Вена конвенциясида белгиланганидек, “алоҳида шахслар фойдаси учун эмас, балки консуллик муассасаларининг давлат номидан ўз функцияларини самарали амалга ошира олишларини таъмин этиш учун” берилади.

Консуллик муассасалари ва уларнинг ходимлари иммунитетлари моҳиятан дипломатик иммунитетлар билан мосдир, бироқ имтиёз ва имкониятлари консуллик функцияларининг ўзига хослигини инобатга олганда — анчайин кенг.

Консуллик муассасалари иммунитет ва имтиёзлари ичида консуллик биноларининг дахлсизлиги энг муҳим аҳамият касб этади.

Архивлар ва консуллик муассасалари ҳужжатлари ҳам ҳамма вақт қаерда жойлашганидан қатъий назар дахлсиз ҳисобланади.

Консуллик алоқалари тўғрисидаги Вена конвенцияси консуллик муассасаси жойлашган давлат ҳокимияти органлари томонидан консуллик почталарини (вализларини), агар унда олиб кетиш учун рухсат берилган нарсалардан ёки консуллик ёзишмаларидан ташқари бошқа нарса борлигига гумон қилинса, очиб кўришга рухсат берилади.

Консуллик муассасалари имтиёзлари қаторига: солиқдан имтиёзлар, божхона имтиёзлари, консуллик тамғасидан фойдаланиш ҳуқуқи (ўз мамлакати герби туширилган нишонда консуллик жойлашган давлат ва ўз давлати тилида консуллик номи) ва консуллик биносига ўз давлати байроғини ўрнатиш ҳуқуқи киради. Консуллик муассасалари ва улар ходимлари иммунитет ва имтиёзлари функционал характер касб этади. Улар оғир жиноятлар содир этганликлари учун ваколатли давлат ҳокимият органлари қарорисиз ҳибсга олиниши ва дастлабки тарзда қамоқда ушлаб турилиши мумкин эмас.

Ўзларининг расмий функцияларини амалга ошириш вақтида консулликнинг мансабдор шахслари консуллик жойлашган давлат юрисдикциясидан иммунитетга эга.

Консуллик алоқалари тўғрисидаги Вена конвенциясининг 44-моддасига мувофиқ консуллик муассасаси мансабдор шахси кўрсатма бериш учун судга чақирилиши мумкин. Бироқ уни судга кўрсатма бериш учун боришдан бош тортганлиги учун ҳеч қандай жазо чоралари қўлланмайди.

Консуллик муассасалари иммунитет ва имтиёзларининг дипломатик иммунитет ва имтиёзлар билан яқинлаштирилиши консуллик ҳуқуқининг ижобий ривожланишидаги барқарор муҳитдан далолат беради.



Такрорлаш учун саволлар

- ◆ “Дипломатия” иборасининг келиб чиқиши қандай?
- ◆ Дипломатик ҳуқуқ тушунчаси, тизими ва манбалари нимани англатади?
- ◆ Дипломатик ҳуқуққа оид асосий халқаро ҳужжатларни биласизми?
- ◆ Ташқи алоқа органларининг қандай турлари мавжуд?
- ◆ Қандай дипломатик даражаларни биласиз?
- ◆ Дипломатик ваколатхоналар қандай функцияларни бажаради?
- ◆ Дипломатик корпус деганда нимани тушунаси?
- ◆ Дипломатик ваколатхона ва унинг ходимларининг ваколатхона жойлашган давлатга нисбатан қандай мажбуриятлари мавжуд?
- ◆ Консуллик ҳуқуқининг тушунчаси ва манбалари нимани англатади?
- ◆ Консуллик ҳуқуқига оид асосий халқаро ҳужжатларни санаб беринг.
- ◆ Консуллик муассасаларининг қандай тоифа ва ходимлари мавжуд?
- ◆ Консуллик муассасалари қандай вазифаларни бажаради?
- ◆ Консуллик муассасалари ва улар ходимлари қандай иммунитет ва имтиёزلардан фойдаланадилар?
- ◆ Дипломатик ваколатхона ходимларининг қандай иммунитет имтиёзлари бор?
- ◆ Давлатларнинг халқаро ташкилотлар ҳузуридаги доимий ваколатхоналарининг мақоми қандай?
- ◆ Консуллик патенти ва экзекватураси нимани англатади?

11-мавзу. ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ҲУҚУҚИ

- Халқаро ташкилотлар тушунчаси ва таснифи.
- Халқаро ташкилотларнинг юридик табиати.
- Халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқлари, ваколатлари ва функциялари.
- Халқаро ташкилотлар органлари.
- Халқаро ташкилотлар томонидан қарорлари қабул қилиниши.
- Бирлашган Миллатлар Ташкилоти органларининг роли ва тизими.
- БМТнинг ихтисослашган муассасалари.
- Минтақавий халқаро ташкилотлар.
- Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти.
- Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги.
- Халқаро конференциялар.

Халқаро ташкилотлар тушунчаси ва таснифи

Ҳозирги замон халқаро алоқаларида халқаро ташкилотлар давлатлар ҳамкорлигининг шаклларида бири сифатида муҳим роль ўйнайди.

Халқаро ташкилотлар тизимининг мураккаблашиб бориши ва ваколатларининг кенгайтирилиши табиий тус олмоқда. ХХI аср бошида фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотларнинг сони 4 мингдан ортиқ бўлиб, 300 таси ҳукуматлараро ташкилотлардир. Улар ўртасидаги алоқалар ва олиб борилаётган ҳамкорлик кўлами халқаро ташкилотлар тизими ҳақида гапиришга имкон беради.

“Халқаро ташкилотлар” атамаси одатда давлатлараро (ҳукуматлараро) ва ноҳукумат ташкилотларга нисбатан қўлланилади. Давлатлараро (ҳукуматлараро) ташкилот учун қуйидаги белгилар характерлидир:

биринчидан, давлатларнинг аъзолиги;

иккинчидан, халқаро таъсис шартномасининг мавжудлиги;

учинчидан, доимий органларининг мавжуд бўлиши;

тўртинчидан, давлатлар суверенитетининг ҳурмат қилиниши.

Халқаро ташкилотлар халқаро ҳуқуқнинг субъектлари ҳисобланадилар.

Ноҳукумат халқаро ташкилотларнинг асосий фарқли белгилари уларнинг давлатлараро шартнома асосида ташкил этилмаганликлари, жисмоний ва юридик шахсларни бирлаштирганликлари (масалан, Халқаро ҳуқуқ ассоциацияси)дан иборат.

Аъзоларининг таркибига кўра халқаро ҳукуматлараро ташкилотлар:

биринчи, универсал, барча давлатлар иштирок этишлари учун очиқ ташкилотлар (БМТ ва унинг ихтисослаштирилган ташкилотлари);

иккинчи, минтақавий, маълум минтақада жойлашган давлатларгина аъзо бўлишлари мумкин ташкилотлар (Европа кенгаши, Африка бирлиги ташкилоти)га бўлинади.

Давлатлараро ташкилотлар **умумий ва махсус ваколатли ташкилотларга** бўлинади.

Умумий ваколатли ташкилотлар фаолияти аъзо давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг ҳамма (сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа) соҳаларига тегишли бўлади.

Махсус ваколатли ташкилотларнинг фаолият соҳаси бирор аниқ (сиёсий, иқтисодий, ижтимоий) соҳа билан чегараланган бўлади.

Ваколатлари табиатидан келиб чиққан ҳолда таснифлаш давлатлараро ва давлатлардан юқори турувчи ташкилотларни фарқлашга имкон беради. Биринчи гуруҳга мавжуд ташкилотларнинг аксарият қисми киради ва уларнинг вазифаси давлатлар ўртасида ҳамкорликни амалга оширишдан иборат бўлиб, бу борада қабул қилинган қарорлар аъзо давлатларга юборилади. Давлатлардан юқори турувчи ташкилотлар мақсади интеграцияга йўналтирилган. Бу ташкилотларнинг қарорлари аъзо ташкилотларнинг фуқаролари ва юридик шахсларига бевосита йўналтирилган бўлади.

Халқаро ташкилотларнинг юридик табиати

Халқаро ташкилотлар юридик табиатининг асосини умумий мақсадлар, қизиқишлар ташкил этади.

Халқаро ташкилотларнинг ташкил этилишида давлатлар суверен тенглиги тамойили етакчи ҳисобланади. Бу:

биринчидан, халқаро ташкилотнинг шартнома асосида ташкил этилганлиги ва аъзо бўлишнинг ихтиёрийлиги;

иккинчидан, халқаро ташкилот қарорларининг асосан тавсиявий характерга эгаллиги;

Учинчидан, халқаро ташкилотнинг давлатлараролик хусусияти, давлатларнинг ўзаро тенглиги ва суверенитетининг сақланишида кўринади.

Халқаро ташкилотнинг юридик табиати учун асосий нарса шундаки, унинг мақсадлари, фаолияти тамойиллари, ваколатлари, тузилиши ва бошқалар келишилган шартномага асосланган бўлади.

Албатта халқаро ташкилотларнинг муайян ваколатлар ва мажбуриятларга эга бўлишлари уларнинг халқаро ҳуқуқнинг асосий субъектлари ҳисобланувчи, давлатлар билан тенглаштирилиши деган маънони англатмайди.

Ўз вазифаларини бажаришлари учун халқаро ташкилотлар керакли юридик воситаларга эга бўлишлари керак. Шу ўринда БМТ Уставининг 104-моддасида: “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳар бир аъзо давлат ҳудудида ўз вазифаларини амалга ошириш ва мақсадларига эришиш учун керак бўладиган ваколатлардан фойдаланади”, — дейилади.

Халқаро ташкилотларга шартномалар тузиш ҳуқуқи берилади, яъни улар ўз ваколатлари чегарасида турли битимлар тузадилар.

Шартномалар тузиш ҳуқуқи икки хил йўл билан: ташкилот вазифа ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда исталган шартномаларни тузиш ҳуқуқини берувчи умумий низомда ёки алоҳида ваколат орқали мустақкамланади.

Халқаро ташкилотлар дипломатик алоқаларга кириша оладилар. Уларда давлатлар вакиллари аккредитация қилинишлари мумкин ёки ташкилотлар давлатларда ваколатхоналари (БМТ ахборот маркази)ни очишлари, ўзаро вакиллар алмашишлари мумкин.

1993 йилда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва БМТ ўртасида иқтисодий ўсишнинг муҳим муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш, ижтимоий соҳанинг илдамлашига кўмаклашиш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш мақсадларини кўзлаб БМТнинг органлари, фондлари ва дастурларини бирлаштирувчи қўшма ваколатхона тузиш ҳақида битим имзоланган эди.

Халқаро ташкилотлар ва уларнинг ходимлари иммунитет ва **ҳуқуқлардан фойдаланадилар**.

Халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида халқаро ташкилотлар ўз фаолиятлари натижасида келиб чиқувчи зарар учун жавобгардирлар ва даъво билан мурожаат қилишлари ҳам мумкин.

Халқаро ташкилотлар контракт асосида ходимларни ишга жалб этиш ҳуқуқига эгадир. Улар давлатлар вакиллари сифатида эмас, балки халқаро ташкилот ходимлари сифатида ва унинг номидан иш кўрадилар.

Давлатлар ички ҳуқуқида халқаро ташкилотлар юридик шахс мақомида иш олиб борадилар. Бу борада Халқаро меҳнат ташкилоти(ХМТ) Уставининг 39-моддасида ХМТ юридик шахсга тегишли барча ҳуқуқлардан, жумладан, шартномалар тузиш, кўчмас ва кўчувчи мулкка эгаллик қилиш ва судга мурожаат қилиш ҳуқуқларидан фойдаланади, дейилади.

Халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқлари, ваколатлари ва функциялари

Кўпчилик халқаро ҳуқуқ бўйича юристларнинг фикрича халқаро ташкилотнинг ваколатлари унинг фаолият соҳаси предметидан келиб чиқади ва унинг органлари ҳуқуқ ва ваколатларида намоён бўлади.

Халқаро ташкилотнинг ҳуқуқлари доираси унга бевосита берилган ваколатларни ҳам қамраб олади.

Халқаро ташкилотнинг функциялари хусусида гап кетганда, тартибга солувчи, назоратчилик, оператив ва бошқа функциялар тушунилади. Бу маънода халқаро ташкилот фақат ўз ваколатларидан келиб чиқувчи вазифаларни бажаради.

Халқаро ташкилотнинг ҳуқуқлари унинг ҳуқуқ субъектлиги каби шартномавий асосга эга бўлади ва шу шартнома доирасида чегараланади.

Давлатлар халқаро ташкилотнинг ваколатлари доирасини белгилаш билан бирга унинг мазкур ташкилот органлари ўртасида тақсимланишини ҳам белгилайдилар. Масалан, БМТ Уставининг II моддаси 2-бандига биноан исталган масала бўйича хатти-ҳаракатлар олиб бориш, яъни тажовузкор давлатга нисбатан чора кўриш ҳуқуқига фақат Хавфсизлик Кенгаши эгадир.

Халқаро ташкилот органлари

Халқаро ташкилот органлари унинг таркибий қисмлари ва бўлинмаларидир. Халқаро ташкилот органларининг хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, халқаро ташкилотнинг органи таъсис этувчи ёки бошқа акт асосида ташкил этилади;

иккинчидан, унга маълум ҳуқуқ ва ваколатлар берилган бўлади;

учинчидан, ички тузилишга ва маълум таркибга эга бўлади;

тўртинчидан, қарорлар чиқариш тартибига эга;
бешинчидан, таъсис этувчи ёки бошқа актларда унинг ҳуқуқий мақоми белгилаб берилган бўлади.

Халқаро ташкилотлар органларини турли белгиларга кўра таснифлаш (классификациялаш) мумкин. Аъзолик белгисига кўра ташкилотлар ҳукуматлараро, парламентлараро, маъмурий, жисмоний шахс сифатида қабул этилган аъзолардан, турли ижтимоий гуруҳлар вакиллари аъзолигидан иборат бўлишлари мумкин.

Аъзо давлатларнинг вакиллари юбориладиган ҳукуматлараро орган энг муҳим ҳисобланади.

Маъмурий орган ҳар қандай ташкилотнинг энг муҳим таркибий тузилмасидир. У фақат мазкур халқаро ташкилот олдида жавобгар бўлиб, унинг номидан иш кўрувчи мансабдор шахслардан таркиб топади.

Аъзоларининг сонига кўра органлар икки гуруҳга: а) умумий, яъни барча аъзо давлатлар кирувчи ва б) аъзолиги чекланган органга ажратилиши мумкин. Халқаро ташкилотларнинг сиёсатини умумий аъзоликка асосланган орган белгилайди. Қуйидаги энг асосий муаммолар:

биринчидан, умуман ташкилотнинг сиёсати ва тамойиллари;
иккинчидан, лойиҳалар, конвенциялар ва тавсияномалар қабул қилиш;

учинчидан, бюджет ва молия масалалари;
тўртинчидан, Устав (низом)ни қайта кўриб чиқиш ва унга ўзгартиришлар киритиш;

бешинчидан, ташкилотга аъзолар қабул қилиш масаласининг ечими унинг ихтиёрига қолдирилади.

Шу билан бирга кўпгина ташкилотлар фаолиятида (масалан, Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро фуқаролик авиацияси ташкилоти) аъзолиги чекланган органнинг роли ортиб бориши кўринади.

Мазкур органлар иши бир-икки аъзо давлатнинг қизиқишларидан келиб чиқиб эмас, балки барча аъзо давлатларнинг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ишларини ташкил этишлари лозим. Халқаро ташкилотнинг аъзолар таркиби чекланган органини ташкил этишда:

- ♦ одил жуғрофий тақсимот;
- ♦ алоҳида қизиқишлар мавжудлиги;
- ♦ манфаатлари мос тушмаётган давлатлар гуруҳларининг тенг вакилликка эга бўлишлари;
- ♦ кичик молиявий улуш қўшиш;
- ♦ сиёсий вакиллик тамойилларига таянилади.

Халқаро ташкилотлар томонидан қарорлар қабул қилиниши

Халқаро ташкилот томонидан қабул қилинган қарорни мазкур ташкилот уставига ва бошқа қоидаларга мувофиқ равишда айна ваколатга эга орган томонидан аъзо давлатларнинг ўз иродаларини билдиришлари, дейишимиз мумкин. Қарорларнинг шакллантирилиши жараёни:

биринчидан, таъсис этувчи ҳужжат ваколатларига;

иккинчидан, иш юритиш қоидаларига;

учинчидан, орган таркибига боғлиқ бўлиши мумкин.

Қарор қабул қилиниши жараёни ташаббуснинг туғилиши билан бошланади. Бундай ташаббус давлат, давлатлар гуруҳи, орган ёки халқаро ташкилот мансабдор шахслари томонидан кўрсатилиши мумкин. Одатда ташаббускор маълум муаммони кўриб чиқишни таклиф этади. Кўп ҳолларда у бўлажак қарорнинг лойиҳасини ҳам таклиф этиши мумкин.

Халқаро ташкилотлар тажрибасида ҳаммуаллифлик ҳам кенг қўлланилади. Бундай ҳолларда ҳаммуаллифлар сонининг ортиб кетиши лойиҳанинг айрим бандлари бўйича бир тўхтамга келишда қийинчиликлар туғдириши мумкинлигини ҳам ҳисобга олиш керак.

Қарорнинг шаклланишидаги кейинги босқич муаммонинг кун тартибига киритилишидир. Кўпгина халқаро ташкилотларда муаммонинг ялпи мажлис кун тартибига қўйилишидан олдин мазкур масала ташкилотнинг ишчи гуруҳлари томонидан кўриб чиқилади ва айна шу жараёнда қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиб, унинг тарафдорлари ва қаршилик кўрсатувчилар маълум бўлади.

Қарорнинг муҳокама этилиши халқаро ташкилотнинг қарор қабул қилиш жараёнининг муҳим босқичи ҳисобланади. Ушбу муҳокама бевосита сиёсий аҳамият ва юридик натижага эгадир. Қарор қабул қилиниши жараёнининг ҳал этувчи босқичи овоз берилишидир. Халқаро ташкилотларнинг аксарият органларида ҳар бир делегация бир овозга эга бўлади. Фақат айрим қарор қабул қилишнинг фарқли тизимига эга органларда мавжуд меъёрлардан келиб чиққан ҳолда давлатларнинг овоз беришлари ўзгариши мумкин. Масалан, БМТ тизимидаги молиявий органларда ҳар бир давлат ўз аъзолик бадалининг миқдоридан келиб чиқувчи овоз сонига эга.

Ҳар бир органнинг тартиб қоидаларида қарор қабул қилиниши учун лозим овоз миқдори белгиланади.

Қарорлар бир овоздан, кўпчилик томонидан ёки сифатий миқдор фарқи билан қабул қилиниши мумкин.

Кўпчилик овоз ва сифатий миқдор фарқи мутлақ ёки нисбий бўлиши мумкин. Мутлақ кўпчилик барча аъзоларнинг ҳисобга олинишларини англатса, нисбий кўпчилик фақат овоз бериш жараёнида ҳозир бўлган аъзоларни ҳисобга олади. Баъзи ҳолларда халқаро ташкилот органида қарор овозга қўйилмай, яъни аккламация йўли билан (маъқуллаш ёки маъқулламаслик асосида) ёки эътирозларсиз қабул қилиниши мумкин. Халқаро ташкилотлар фаолияти амалиётида сўнгги вақтларда консенсус асосида қарор қабул қилиш ҳоллари кўп учрамоқда. Бундай қарор қабул қилиш барча давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олган розиликка асосланганлиги билан ўзига хосдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти органларининг роли ва тизими

БМТ — тинчликни ва халқаро хавфсизликни қўллаб-қувватлаш, давлатлараро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган универсал ташкилотдир. БМТ Устави Сан-Францискода ўтказилган конференцияда имзоланган бўлиб, 1945 йилдан кучга кирган. БМТ Устави барча давлатлар риоя этишлари шарт бўлган ягона халқаро ҳужжатдир. БМТ Уставининг аҳамияти нафақат унинг тинчликни таъминловчи ташкилотнинг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатлигида, балки барча давлатлар учун тенг бўлган жамоа ҳимоя тизимининг яратилишида асос бўлиб хизмат қилиши ва давлатлар томонидан олиб бориладиган ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, экологик, инсонпарварлик соҳаларидаги фаолиятларини белгиловчи ўзига хос кодекс эканлигида ҳамдир. БМТ Устави доирасида кўп томонлама келишув ва шартномаларнинг кўп тармоқли тизими вужудга келган. БМТ тузилишининг асосий сабаб ва мақсадлари унинг Устави “Муқаддима”сида қўйидагича ифодаланган: **“Биз, Бирлашган Миллатлар халқлари қуйидагиларга жазм этдик:**

- ♦ келгуси авлодларни бизнинг ҳаётимизга икки мартаба инсоният бошига даҳшатли кулфатлар солган урушлардан қутқариш,
- ♦ инсон ҳуқуқлари, инсон шахсиятининг қадри ва қиммати, аёллар ва эркекларнинг тенглиги, катта ва кичик миллатлар ҳуқуқларининг тенглигига ишончни янада мустаҳкамлаш,
- ♦ адолат ва шартнома ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа манбаларидан келиб чиқувчи мажбуриятларга содиқликнинг амалга оширилиши учун шарт-шароитлар яратиш,

♦ ижтимоий тараққиёт ва ҳаёт шароитларининг катта озодлик шароитида яхшиланишига кўмаклашиш мақсадида:

— сабру-қаноат билан бир-бирларимиз билан яхши кўшнилари сингари яшаш,

— халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш учун биргаликда ҳаракат қилиш,

— тамойиллар қабул этиш ва усуллар ишлаб чиқиш йўли билан курулли кучларни кўпчилигининг мақсадларидан бошқа йўлда ишлатилмаслигини таъминлаш,

— барча халқларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиши учун халқаро аппаратни ишлатиш каби мақсадларни амалга ошириш учун биргаликда ҳаракат қилишга қарор қилдик.

Шунга асосан бизнинг керакли шаклда ўз ваколатларини тақдим этган ҳукуматларимиз ўз вакиллари орқали Сан-Францискода йиғилиб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставини тасдиқлаш орқали “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти”нинг халқаро ташкилот сифатида ташкил этилганини тасдиқлайдилар”.

БМТ Уставида унинг 6 та асосий органлари кўрсатилган. Улар куйидагилардир:

1. Бош Ассамблея;
2. Хавфсизлик Кенгаши;
3. Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш (ЭКОСОС);
4. Васийлик бўйича Кенгаш;
5. Котибият;
6. Халқаро Суд.

Бош Ассамблея — суверен давлатларнинг ҳақиқий демократик вакиллик органидир. Ҳар бир аъзо давлат худудининг ҳажми, аҳолининг сони, иқтисодий ва ҳарбий қудратидан қатъий назар, бир овозга эга. Бош Ассамблеянинг муҳим қарорлари овоз бериш жараёнида иштирок этаётган давлатларнинг кўпчилиги томонидан қабул қилинади.

У Хавфсизлик кенгашининг нодоимий аъзоларини сайлаш, ЭКОСОСнинг аъзоларини сайлаш, БМТ янги аъзоларини қабул қилиш, БМТ Бош Котибини тайинлаш, ташкилот аъзоларининг ҳуқуқ ва ваколатларини чеклаш, ташкилот аъзолигидан чиқариш, бюджет ва бошқа техник-маъмурий масалалар бўйича Бош Ассамблея бажарилиши шарт бўлган қарорлар қабул қилиш каби муҳим ишларни бажаради. Халқаро хавфсизлик ва тинчликни қўллаб-қувватлашга қаратилган масалалар бўйича у тавсиявий характерга эга резолюция ва декларациялар қабул қилади.

Бош Ассамблея ишида БМТга аъзо бўлмаган БМТ қошида доимий кузатувчиларга эга бўлган (Ватикан, Швейцария) ва эга бўлмаган давлатлар ҳам иштирок этишлари мумкин. Бундан ташқари Фаластин Озодлик Ҳаракати Ташкилоти, бошқа бир қатор халқаро ташкилотлар ва БМТнинг ихтисослашган муассасалари ҳам доимий кузатувчи мақомига эгадирлар.

Хавфсизлик Кенгаши — БМТнинг энг муҳим органи бўлиб, 15 аъзодан иборат. Ушбу аъзоларнинг бештаси (АҚШ, Буюк Британия, Россия, Франция ва Хитой) доимий, қолган ўнтаси нодоимий бўлиб, улар сайланадилар.

Хавфсизлик Кенгашининг қоидаларига тегишли масалалар бўйича қарорлар аъзоларнинг исталган тўққизтаси ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинади. Қолган барча масалалар бўйича қарорлар Кенгашининг барча доимий аъзолари овозларини қўшиб ҳисоблаганда тўққизта аъзо ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинади. Бошқача қилиб айтганда, доимий аъзолардан биттаси ёки бир неч-таси бирор бир қарорга нисбатан қарши овоз берса, бу қарор қабул қилинмайди. Бундай ҳолат **вето** қўйилиши деб аталади.

БМТ Уставига кўра Хавфсизлик Кенгаши урушнинг олдини олиш, давлатларнинг тинч ҳамкорлик қилишларига шарт-шароитлар яратишда катта ваколатларга эга.

XX асрнинг иккинчи ярмида Хавфсизлик Кенгаши эътибор қаратмаган бирорта давлатлар ўртасидаги низо ёки халқаро тинчликни хавф остига қўювчи ҳодиса бўлган эмас. БМТ Уставига мувофиқ Хавфсизлик Кенгаши икки хил юридик ҳужжатларни қабул қилиши мумкин. Булар:

- ♦ у ёки бу давлатга ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириш учун тавсия этилувчи;

- ♦ бажарилиши барча аъзо давлатлар томонидан назорат этилувчи, бажарилиши шарт бўлган ҳужжатлардир.

Хавфсизлик Кенгаши томонидан БМТ Уставига мувофиқ қабул қилинган баъзи қарорлар меъёр ўрнатувчи мазмунида бўлиши мумкин.

БМТ тизими Хавфсизлик Кенгаши томонидан қабул қилинган қарорларнинг бошқа орган томонидан қайта кўриб чиқилиши ёки даъво қилиниши имконини бекор қилади. Бу қарорлар мукамал саналади ва текширилиши мумкин эмас.

БМТ Уставига мувофиқ Хавфсизлик Кенгаши доимий фаолият кўрсатиши ва аъзо давлатлар номидан тез ва самарали иш кўрмоғи лозим. Шу мақсадда Хавфсизлик Кенгашининг ҳар бир аъзоси БМТ қароргоҳида доим ўз вакилига эга бўлиши керак.

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш (ЭКОСОС) халқаро иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорлик масалаларига доир фаолиятни олиб боради. ЭКОСОС 54 аъздан иборат бўлиб, улар Бош Ассамблея томонидан уч муддатга сайланадилар ва ҳар йили ваколатлари тугаган 18 аъзонинг ўрнига янгилари сайлаб борилади.

ЭКОСОС БМТ Уставидан келиб чиққан ҳолда давлатлар ўртасида иқтисодий илмий-техникавий ҳамкорликни таъминлаш, уни мувофиқлаштириш йўлида самарали иш олиб бориши, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилишида иштирок этиши ва давлатлар иқтисодий хавфсизлигини кафолатловчи институтлар ва механизмлар ишлаб чиқиши лозим.

Васийлик бўйича Кенгаш — бу унинг оталиғидаги ҳудудларда ҳукмронлик қилиш ҳуқуқига эга ва мажбуриятларни бажарилишини назорат қилувчи БМТ органидир. Ҳозирги кунда унинг беш аъзоси (АҚШ, Англия, Россия, Франция, Хитой) бор. Кенгаш ҳар йили Нью-Йоркда бир сессия ўтказиши мумкин. АҚШ бошқарувида бўлган дастлабки икки ҳудуддан фақат биттаси — Тинч океани ороллари (Микронезия) қолди.

БМТ Котибияти Бош Котиб ва ташкилотга лозим миқдордаги ходимдан иборатдир. Ушбу орган БМТнинг бошқа органлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг ҳаётга тадбиқ этилишини таъминлайди ва БМТ асосий ва ёрдамчи органларига конференция-вий ва бошқа хизматлар кўрсатади.

Котибият:

биринчи, Хавфсизлик Кенгаши санкцияларидан келиб чиқувчи, тинчликни таъминловчи операцияларни олиб бориш;

иккинчи, тинчлик мазмунидаги халқаро конференцияларни ташкил этиш ва ўтказиш (Денгиз ҳуқуқи бўйича конференция);

учинчи, жаҳон миқёсидаги иқтисодий ва ижтимоий муаммолар юзасидан обзорлар тайёрлаш;

тўртинчи, қуролсизланиш ва инсон ҳуқуқларининг ривожланиши каби соҳалар бўйича текширувлар ўтказиш сингари ишларни бажаради.

БМТ Котибиятининг функциялари қуйидагилардан иборат:

- ♦ БМТ тизимидаги органларга хизмат кўрсатади;
- ♦ БМТ тизимидаги органлар томонидан дастурларнинг ишлаб чиқарилиши ва улар томонидан ишлаб чиқилган сиёсатнинг амалга жорий этилишини таъминлайди;

- ♦ БМТ шуғулланувчи турли масалалар бўйича БМТ Бош Котибига ахборотлар беради;

♦ Бош Ассамблея ва унинг комитетлари ва органлари маърузалари ва резолюцияларини қабул қилади, таржима қилади, чоп этади ва тарқатади;

♦ мажлислардаги чиқишларнинг оғзаки таржимасини амалга оширади;

♦ сессия мажлислари ҳисоботларини тузади, чоп этади ва тарқатади;

♦ архивларда ҳужжатларни сақлайди ва БМТ аъзолари бўлган барча давлатларга Бош Ассамблеянинг ҳужжатларини тарқатади;

♦ БМТ аъзолари томонидан тузилган шартномаларни рўйхатга олади ва ўрганади;

♦ Бош Ассамблея талабига кўра бошқа ишларни амалга оширади. Котибият БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳида жойлашган.

Бош Котиб Котибиятни бошқаради ва бош мансабдор шахс ҳисобланади. Бош Котиб Бош Ассамблея томонидан Хавфсизлик Кенгашининг тавсиясига мувофиқ беш йил муддатга тайинланади. Бош Котиб Бош Ассамблеяга ташкилотнинг фаолияти ҳақида ҳар йили ҳисобот беради ва халқаро тинчликка таҳдид солувчи масалалар ҳақида Хавфсизлик Кенгашида маълумот беради.

Халқаро Суд — БМТнинг асосий суд органидир. У 15 та мустақил судьядан иборат бўлиб, улар фуқароликларидан қатъи назар, ўз мамлакатларида олий суд лавозимларига тайинланишлари учун талаб этилган олий ахлоқий талабларга жавоб берувчи ва халқаро ҳуқуқ соҳасида танилган юристлар орасидан сайланади.

Судьялар Бош Ассамблея ва Хавфсизлик Кенгаши томонидан қайта сайланиш ҳуқуқи билан тўққиз йилга сайланадилар. Халқаро Суд 3 йил муддатга раис, раиснинг ўринбосари ва котибни сайлайди. Халқаро Суд таркибида иккита айни мамлакат фуқаролари бўлишлари мумкин эмас.

Халқаро Суд Статутига мувофиқ аъзо давлатлар ўртасидаги низоларни кўриб чиқади ва ечимини беради; аъзо бўлмаган давлатлар бўйича Хавфсизлик Кенгаши томонидан ҳар бир ҳолат бўйича алоҳида аниқланган шартлар асосида иш кўради, ҳуқуқий масалалар бўйича консултациявий хулосалари беради (Халқаро Суд консултациявий хулосаларни бевосита сўраш ҳуқуқига Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши ва БМТнинг бошқа органлари эга. Бошқа халқаро ташкилотлар ва органлар бундай хулосани Бош Ассамблеянинг рuxсати билан сўрашлари мумкин).

Халқаро суд Гаага шаҳрида жойлашган.

БМТ Уставида муҳим сиёсий орган бўлган Хавфсизлик Кенгаши ва Халқаро Суднинг ваколатлари кескин фарқ қилади. БМТ Уставининг 36-модда 3-бандига кўра Хавфсизлик Кенгаши юридик низоларни ҳал этиш учун умумий қоидага мувофиқ Халқаро суд низомидан келиб чиққан ҳолда низодаги томонлар Халқаро судга мурожаат қилишлари кераклигини эътироф этади. Халқаро Суднинг қарори низодаги давлатлар томонидан бажарилиши шарт. Томонлардан бири бу қарорни бажармаган тақдирда, низодаги томонларнинг бири мурожаат этганидан сўнг Хавфсизлик Кенгаши қарор бажарилишини таъминловчи тавсиялар ёки хатти-ҳаракатлар қўллаши мумкин.

Халқаро Суд суд фаолиятдан ташқари юридик консултациявий фаолият ҳам олиб боради.

Халқаро Суд давлатлар ўртасидаги низоларнинг тинч йўллар билан ҳал этилиши ва жаҳонда адолат ўрнатилишига қаратилган стратегиянинг ишлаб чиқилишида асосий органлардан бири бўлиши кўзда тутилган.

БМТнинг ихтисослашган муассасалари

БМТнинг ихтисослашган муассасалари махсус соҳалардаги ҳамкорликни таъминловчи ҳукуматлараро универсал ташкилотлардир. Улар қуйидаги хусусиятларга эгадирлар:

биринчидан, бундай ташкилотларни таъсис этувчи шартномалар ҳукуматлараро характерга эга;

иккинчидан, таъсис ҳужжатлари доирасидаги кенг халқаро жавобгарликка эга бўдилар;

учинчидан, махсус: иқтисодий, ижтимоий, маданий, инсонпарварлик ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни таъминлайдилар;

тўртинчидан, БМТ билан яқин алоқададирлар.

Ҳозирги кунда БМТнинг 16 та ихтисослашган муассасалари мавжуд. Уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

биринчи, ижтимоий хусусиятли ташкилот (МОТ, ВОЗ);

иккинчи, маданий ва инсонпарварлик ташкилотлари (ЮНЕСКО);

учинчи, иқтисодий ташкилот (ЮНИДО);

тўртинчи, молиявий ташкилотлар (МБРР, МВФ, МАР, МФК);

бешинчи, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ташкилотлар (ФАО, ИФАД);

олтинчи, алоқа ва транспорт соҳасидаги ташкилотлар (ИКАО, ИМО, ВПС, МСЭ);

еттинчи, метеорология соҳасидаги ташкилот (ВМО).

Ўзбекистон Республикаси БМТдан ташқари унинг барча асосий ихтисослашган муассасалари аъзосидир.

Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти 1946 йилда ташкил этилган бўлиб, қароргоҳи Женева шаҳрида. Унинг асосий фаолият соҳалари юқумли касалликларга қарши кураш, карантин ва санитария қоидаларини ишлаб чиқиш ва ижтимоий характердаги масалалардир. Халқаро Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти соғлиқни сақлаш тизимлари ишларини ташкил этишда, самарадорлигини оширишда, кадрлар тайёрлаш ва касалликларга қарши курашда кўмаклашди.

БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) 1945 йилда ташкил этилган, қароргоҳи Париж шаҳрида. ЮНЕСКОнинг асосий мақсади давлатлар ўртасида таълим, фан ва маданият соҳаларидаги ҳамкорликнинг ва оммавий ахборот воситаларининг ишлатилиши йўли билан халқаро тинчлик ва осойишталикни таъминлашдан иборат.

Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти 1967 йилда ташкил этилган, қароргоҳи Женева шаҳрида. Унинг асосий мақсади бутун дунёда интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш ва бу соҳадаги халқаро келишувларни ҳаётга тадбиқ этишдан иборат.

БМТнинг саноат тараққиёти ташкилоти (ЮНИДО) Бош Ассамблеянинг органи сифатида 1966 йил Бош Ассамблеянинг 17 ноябрдаги резолюцияси асосида ташкил этилган. 1985 йилда ЮНИДО БМТнинг ихтисослашган муассасасига айлантирилди. Унинг қароргоҳи Вена шаҳрида. ЮНИДОнинг асосий мақсади ривожланаётган давлатлар саноатининг ўсишига ва уларнинг тезроқ индустриализациялашувига кўмаклашишдан иборат.

Халқаро тараққиёт ва қайта тиклаш банки, Халқаро валюта Фонди Бреттон-Вудсда бўлиб ўтган конференцияда БМТнинг молиявий характердаги ихтисослашган муассасалари сифатида ташкил этилган. Уларнинг қароргоҳлари Вашингтон шаҳрида.

Халқаро тараққиёт ва қайта тиклаш банки, Халқаро валюта Фонди, Халқаро тараққиёт ассоциацияси ва Халқаро молия корпорацияси бир-бирига ўзаро узвий боғлиқ. Фақат Халқаро валюта Фонди аъзоларигина Халқаро тараққиёт ва қайта тиклаш банкига аъзо бўла оладилар ва фақат Халқаро тараққиёт ва қайта тиклаш банки аъзолари қолган икки бўлинмага аъзо бўлишлари мумкин. Ушбу ташкилотларда овоз бериш тартиби фарқли бўлиб, унда ҳар бир аъзо ўз бадалининг улушига қараб овозлар сонига эга бўлади.

Халқаро валюта Фонди молиявий ташкилотлар тизимида асосий ўрин тутлади. Унинг асосий мақсади аъзо давлатлар валюта-молиявий сиёсатини мувофиқлаштириш, аъзо давлатлар валюта курсини, тўлов балансини қўллаб-қувватлаш, уларга қисқа муддатли ва ўрта муддатли қарзлар бериш кабилардан иборат.

Халқаро тараққиёт ва қайта тиклаш банкининг асосий мақсади ўзига аъзо бўлган давлатлар иқтисодиётини тиклаш ва ривожлантиришга ёрдам бериш, чет эл хусусий сармоядорларини қўллаб-қувватлаш ва саноатни ривожлантириш учун қарзлар беришдан иборат.

БМТнинг озиқ-овқат ташкилоти ва қишлоқ хўжалиги (ФАО) 1945 йилда ташкил этилган. Унинг мақсадлари озиқ-овқатлар сифатини яхшилаш, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлигини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотлари тақсимоти тизимларини яхшилаш сингарилардан иборат.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро Фонди (ИФАД) 1976 йилда ташкил этилган, қароргоҳи Рим шаҳрида. Фонднинг асосий мақсади ривожланаётган давлатлар қишлоқ хўжалигининг ривожланишига кўмак бериш ва бунинг учун қўшимча маблағлар беришдан иборат.

Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) 1944 йилда ташкил этилган. Унинг қароргоҳи Монреал шаҳрида. ИКАО халқаро аэронавигациянинг тамойиллари ва усулларини ривожлантириш, халқаро ҳаво йўлларида хавфсизликни таъминлаш, ҳаво транспортини режалаштириш ва ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш каби мақсадларни кўзлаб ташкил этилган.

Халқаро денгиз ташкилоти (ИМО) 1948 йилда ташкил этилган, қароргоҳи Лондонда. Ушбу ташкилотнинг мақсади денгизда юкларни ташиш ва денгиз савдоси соҳаларида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва денгизда хавфсизликни таъминлашдан иборат.

Жаҳон почта иттифоқи 1874 йилда ташкил этилган, қароргоҳи Бернда. Халқаро почта иттифоқининг мақсади почта алоқасини йўлга қўйиш ва уни яхшилашдан иборат. Халқаро почта иттифоқига аъзо барча давлатлар ягона почта ҳудуди ташкил этадилар ва бу ҳудудда ушбу ҳудуднинг ягоналиги, транзитнинг эркинлиги ва ягона тарифни ўрнатиш тамойилига амал қилади.

Халқаро электр алоқаси иттифоқи 1965 йилда ташкил этилган. Унинг қароргоҳи Женевада. Халқаро электр алоқаси иттифоқининг мақсади электрон алоқанинг барча турларидан самарали фойдаланиш ва уни мукамаллаштира боришга йўналтирилган халқаро ҳам-

корликни амалга ошириш, радио тўлқинларини тақсимлаш, ривожланаётган давлатларга техник ёрдам кўрсатишдан иборат.

Жаҳон метеорология ташкилоти 1947 йилда ташкил этилган, қароргоҳи Женевада. Халқаро метеорология ташкилотининг асосий мақсади метеорология бўйича халқаро ҳамкорликни ташкил этиш, метеорология хизматининг мукамаллашиб боришини таъминлаш ва унинг ютуқларидан авиация, қишлоқ хўжалиги, кемалар қатновиди ва бошқа соҳаларда фойдаланишдир. Унинг тезкор дастури асосини бутун дунё об-ҳаво хизмати ташкил этади.

БМТга алоқадор бошқа яна бир қанча ташкилотлар мавжуд бўлсада, улар ихтисослашган муассасалар жумласига кирмайди.

Атом энергияси бўйича халқаро агентлик (МАГАТЭ) БМТ қарорига мувофиқ Нью-Йоркдаги халқаро конференцияда атом энергиясидан фойдаланиш бўйича ҳукуматлараро ташкилот сифатида ташкил этилган, унинг низоми 1957 йилдан кучга кирган, қароргоҳи Венада. Унинг мақсади атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш йўлида халқаро ҳамкорликни амалга оширишдан иборат.

Атом энергияси бўйича халқаро агентлик фаолиятининг асосий йўналишлари: ядро энергетикаси соҳасидаги илмий текширишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, радиацион хавфсизлик масалалари, Агентликка аъзо давлатларга ядро қувватидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида ёрдам бериш, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланилишини назорат қилиш(кафолатлаш), атом хавфига тааллуқли масалаларни назорат қилишдан иборат.

Агентликнинг асосий фаолият йўналишларидан бири — ядро энергияси ва қурилмаларидан тинч мақсадларда фойдаланилишини назорат қилиш(кафолатлаш). 1968 йилдаги “Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисида”ги шартномага аъзо ядро қуролига эга бўлмаган давлатлар Агентлик билан ўз давлатларида ядро энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланилишини назорат этувчи шартнома имзолашлари керак. Бундай келишувлар 80 га яқин ядро қуролига эга бўлмаган давлатлар ўртасида тузилган. 900 га яқин ядро қурилмалари ёки ядровий материалга эга қурилмалар унинг назорати остига олинган. Хоҳишларига кўра АҚШ, Буюк Британия, Россия, Франция ва Хитойнинг айрим тинчлик ядровий қурилмалари агентлик назорати остига олинган.

БМТнинг савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси (ЮНКТАД) Бош Ассамблея томонидан унинг доимий органи сифатида 1964 йил 30 декбрдаги резолюциясига асосан ташкил этилган. Мақомига кўра у мустақил ташкилотдир. Унинг таркибига 170 дан ортиқ давлат

киради. ЮНКТАД халқаро савдони ривожлантириш мақсадида ташкил этилган.

БМТ Тараққиёт дастури 1965 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг мақсади ривожланаётган давлатларнинг миллий ривожланишида кўмаклашишдир.

БМТнинг атроф-муҳитни ҳимоя қилиш дастури (ЮПЕН) 1972 йилда ташкил этилган, унинг асосий мақсади атроф-муҳитнинг ҳолатини яхшилаш ва уни ҳимоя қилишдан иборат.

Минтақавий халқаро ташкилотлар

Универсал халқаро ташкилотлар билан бир қаторда минтақавий (регионал) халқаро ташкилотлар ҳам мавжуд бўлиб, унинг аъзолари маълум жуғрофий минтақа давлатлари бўлишлари мумкин. Бундай ташкилотлар фаолияти хавфсизлик, иқтисод, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳалардаги минтақавий халқаро ҳамкорликка қаратилган бўлади.

БМТ Уставида бундай ташкилотларга маълум талаблар қўйилади. Жумладан уларнинг ташкил этилиш мақсадлари ва фаолияти БМТ Уставининг мақсад ва тамойилларига тўғри келиши ва бу ташкилотлар БМТнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа муаммоларни ечишга қаратилган фаолиятига кўмаклашиши лозим.

Жуда кўп сонли турли минтақавий ташкилотлар ичидан умумий ваколатлиларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Қуйида ана шулардан айримлари тўғрисида тўхталиб ўтамиз.

Африка Бирлиги Ташкилоти — таркибига 50 дан зиёд Африка давлатлари аъзо бўлган энг йирик минтақавий халқаро ташкилотдир. Ушбу ташкилот 1963 йил 25 майда Аддис-Абебадаги Африканинг мустақил давлатлари ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этган ва мазкур ташкилотнинг Хартияси ва Низоми имзоланган Конференцияда ташкил этилган.

Хартиянинг 2-моддасига биноан Африка Бирлиги Ташкилотининг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

биринчи, Африка давлатларининг бирлиги ва дўстлигини мустаҳкамлаш;

иккинчи, улар ўртасида сиёсий, дипломатик, иқтисодий, транспорт ва алоқа, таълим, маданият, ҳимоя ва хавфсизлик ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва кучайтириш;

учинчи, уларнинг северенитетини, ҳудудий яхлитлиги ва мустақиллигини ҳимоя қилиш;

тўртинчи, Африка қитъасида мустамлакачиликнинг барча турларини тугатиш ва халқаро ҳамкорликни қўллаб қувватлаш.

Араб давлатлари Лигаси 1945 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

биринчи, аъзо-давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш;

иккинчи, аъзо-давлатларнинг сиёсий фаолиятини мувофиқлаштириш ва иқтисодий, молиявий, савдо, маданий, ижтимоий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни йўлга қўйиш;

учинчи, аъзо-давлатларнинг мустақиллиги ва суверенитетини таъминлаш.

Америка Давлатлари Ташкилотига Лотин Америкаси ва Кариб денгизининг 30 дан зиёд давлатлари ва АҚШ киради (Канада бу ташкилотга кирмайди, 1962 йилда эса АҚШ тазйиқи остида Куба ундан чиқарилган).

Унинг Уставига мувофиқ ташкилотнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

биринчи, Фарбий яримшарда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш;

иккинчи, аъзо-давлатлар ўртасидаги низоларни ҳал этиш;

учинчи, агрессияга қарши биргаликда иш олиб бориш;

тўртинчи, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, фан ва техника ва маданий соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш.

Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари Ассоциацияси(АСЕАН) 1967 йилда ташкил этилган бўлиб, кейинчалик унга Бруней ва Вьетнам аъзо бўлган. Ассоциациянинг шартномавий тарзда ташкил этилиши 1976 йилда Жанубий-Шарқий Осиё давлатларининг Дўстлик шартномасини ва АСЕАН Декларациясини имзолаганларидан кейингина юз берди.

Ушбу ҳужжатлардан келиб чиққан ҳолда Ассоциациянинг мақсадлари иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ташкил этиш, Жанубий-Шарқий Осиёда тинчлик ва барқарорликни ўрнатишдан иборат.

Европа Кенгаши Европа давлатларини бирлаштирувчи минтақавий халқаро ташкилотдир. Ҳозирги кунда 40 давлат Европа Кенгашининг аъзолари ҳисобланади. Шарқий Европанинг Болгария, Венгрия, Чехия, Словакия, Словения, Латвия, Литва ва Эстония каби давлатлари шулар жумласидандир. Россия Европа Кенгашига 1996 йилда қабул қилинди.

Европа Кенгашининг мақсадларига инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, демократияни чуқурлаштириш, асосий ҳуқуқий, таълим,

ахборот, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, соғлиқни сақлаш каби масалаларда ҳамкорлик қилиш ва Европанинг барча давлатларини яқинлаштириш кабилар киради.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти

Ҳозирги кунда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти халқаро минтақавий ташкилотдир. Унинг таъсис этувчи ҳужжатлари 1975 йилда Хельсинкида имзоланган Яқунловчи ҳужжат, 1990 йилда Парижда қабул қилинган Янги Европа учун Хартия ва унга қўшимча ҳужжат, 1992 йилда Хельсинкида қабул қилинган “Ўзгаришлар вақти чақириғи” Декларацияси ва Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг асосий фаолият йўналишлари ва тузилишини белгиловчи пакет ҳисобланади. Шунга мувофиқ Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг асосий фаолият соҳалари: хавфсизлик, қуролсизланиш, келишмовчиликларни бартараф этиш, иқтисодиёт, маданият, экология, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ва бошқа масалаларда ҳамкорлик қилишдан иборат.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти — таркибига жуғрофий жиҳатдан Ванкувердан Владивостоккача бўлган ҳудудда жойлашган 55 мамлакат аъзо бўлган хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи умумевропа ташкилотидир.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти тинчлик ва хавфсизлик масалаларига ҳар томонлама ёндашади. Унинг органлари ва институтлари ҳамкорлик асосида тинчликни мустаҳкамлаш, қуролланиш устидан назорат олиб бориш, превентив дипломатия, ишонч ва тинчликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари, сайловларда кузатувчиликни амалга ошириш, иқтисодий ва экологик хавфсизлик каби кенг масалалар доирасида фаолият кўрсатади.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти фаолиятида иштирок этувчи барча давлатлар бир хил мақомга эга ва қарорлар консенсус асосида қабул қилинади.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг ички тузилиши қуйидагичадир. Венада ҳар йили Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар делегацияларининг учрашувлари бўлиб ўтади. Ҳар ҳафтада бир марта йиғилувчи Доимий кенгаш сиёсий консультациялар ўтказувчи ва қарорлар қабул қилувчи органдир. Венада, шунингдек, қуролланиш устидан назорат ўрнатиш, ўзаро ишонч ва тинчликни мустаҳкамлаш масалалари билан

шуғулланувчи хавфсизлик йўлида ҳамкорлик Форуми, (Европада оддий қуролли кучлар бўйича шартноманинг бажарилиши билан шуғулланувчи) Қўшма консултациявий гуруҳ ва Очиқ осмон бўйича консултатив комиссиянинг йиғилишлари ўтказилади.

Ушбу органларнинг мажлислари билан бир қаторда йилда уч марта Прагада Раҳбарлик кенгаши доирасида аъзо давлатлар сиёсий департаментлари раҳбарларининг учрашуви ўтказилади. Бундан ташқари ҳар йили ташқи ишлар вазирлари иштирокида Вазирлар кенгаши чақирилади, ҳар икки йилда бир марта Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти доирасида барча давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарларининг олий даражадаги учрашувлари (саммитлари) ўтказилади.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти таркибий жиҳатдан бир неча институтлардан иборат. Венада ташкилотнинг кундалик фаолиятини таъминловчи Котибият жойлашган. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Прагада ҳам кичик бўлими бор.

Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро:

- ♦ сайловларда кузатувчилик вазифасини бажаради ва миллий сайлов органларининг вужудга келишида кўмаклашади;
- ♦ инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларининг ривожланишига кўмаклашади ва техник ёрдам кўрсатади;
- ♦ турли мамлакатларда нодавлат ташкилотларнинг ташкил этилиши ва фуқаролик жамиятининг шаклланишига ёрдам беради;
- ♦ Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг инсон ҳуқуқларининг аҳволи, сайловлар кузатувчиларини ва журналистларни тайёрлайди;

♦ Доимий кенгашнинг илтимосига кўра Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти семинарларини ўтказишда техник ёрдам кўрсатади ва ташкилотнинг махсус лойиҳаларининг амалга оширилишида кўмаклашади.

Мазкур бюро Варшавада жойлашган.

Низоларнинг олдини олиш ва тугатилишида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг кам сонли миллатлар бўйича олий комиссари институтининг роли катта. Олий комиссар низоларнинг иложи борича барвақт таҳлил қилиниши ва бартараф этилиши чораларини кўради. Консултациялар ўтказиш ва тавсиялар бериш йўли билан низодаги томонларни тўқнашувларга бормасликка чақиради.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти амалдаги раиси ижроия фаолиятининг амалга оширилиши учун жавобгар. Мазкур

лавозим ротация асосида бир давлатдан бошқасига бериб борилади: 1998 йилда Польша ва 1999 йилда Норвегия ушбу лавозим эгаси бўлган. Раис ўз фаолиятида таркибига ўзидан ташқари собиқ ва бўлажак раислар кирувчи Учликка таянади.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Бош котибининг функцияларига Ташкилотнинг тизими ва операцияларини бошқариш киради.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Уставига кўра Европадаги низоларнинг олдини олиш ва ечимини топиш мақсадида минтақавий ташкилот сифатида ташкил этилган. Ушбу ташкилот томонидан унинг амал қилиш ҳудудида Босния, Герцоговина, Македония, собиқ Югославия Республикаси, Грузия, Латвия, Молдова, Тожикистон, Украина, Хорватия ва Эстонияда миссиялар очилган.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, шунингдек, оддий қуролларни назорат қилиш ва ишончни мустаҳкамлаш борасида тадбирлар қўллашга асос яратади. Бу соҳада энг мувофиқлаштирувчи келишув 1994 йилдаги Вена ҳужжатиدير. У давлатлар олдига ўз ҳарбий фаолиятларининг ошкоралиги ва олдиндан кўра биладиган бўлиши мажбуриятини қўяди. Мазкур Ташкилот доирасида демократик жамиятда қуролли кучларнинг ўрнини белгиловчи тамойиллар келтирилган Фаолият кодекси қабул қилинган. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотида бундан ташқари тортишувларни ҳал этишнинг бир қанча механизмлари ҳам ишлаб чиқилган.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Парламент Ассамблеясининг ҳар йили ўтказиладиган сессияларида ташкилот фаолиятига тегишли масалалар муҳокама этилади, минтақада хавфсизлик ва ҳамкорликни кучайтириш борасида декларация, тавсия ва таклифлар тайёрланади. Парламент Ассамблеяси Котибияти Копенгагенда жойлашган.

Ташкилот томонидан Женевада Арбитраж ва ярашиш суди тасис этилган. Арбитраж ва ярашиш конвенциясини имзолаган давлатлар Арбитраж трибунали ёки Яраш комиссияси доирасидаги низоларни судда кўриб чиқиши учун тақдим этишлари мумкин. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, шунингдек, Европа Иттифоқи ташаббуси билан қабул қилинган Барқарорлик пактининг сақловчиси ҳамдир.

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши 1990 йилга қадар меъёр ва бурчлар ишлаб чиқувчи ва уларнинг бажарилишини мун-

тазам текшириб борувчи конференция ва кенгашлар сифатида фаолият олиб борди. 1990 йил олий даражадаги Париж учрашуви унинг фаолиятини тубдан ўзгартирди. Янги Европа учун Париж хартиясидан Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши олдига Европадаги тарихий жараёнларни бошқаришга ўз хиссасини қўшиш ва совуқ уруш тугаганидан кейинги даврда юзага келган янги талабларга жавоб бериш вазифалари қўйилди. Уларни бажариш мақсадида бир нечта институт ва муассасалар ташкил этилди, учрашувларни ўтказиш доимий асосга қўйилди.

1990 йил ноябрида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши фаолияти доирасида қуролланишни назорат қилиш борасида муҳим битим — Европада оддий қуролли кучлар бўйича шартнома ишлаб чиқилди.

Кенгаш фаолиятининг кейинги ривожланиши 1990—1999 йиллар мобайнида ўтказилган бир қатор доимий учрашувлар шаклига кириб борди. Уларда янги механизмлар ишлаб чиқилди, таркибий бўлинмалар ташкил этилди ва совуқ уруш тугаганидан кейинги давр Европасининг муаммоларини ечиш тамойиллари ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти ҳамкорлик асосида Европада хавфсизликни таъминлаш жараёнида етакчи ўрин тутаяди. Мазкур Ташкилот ўзининг бу борадаги уринишларини кучайтира борар экан, бошқа бир қанча халқаро, минтақавий ва нодавлат ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги

Ушбу минтақавий ташкилот собиқ СССР айрим республикалари томонидан тузилган эди. Уни таъсис этувчи ҳужжатлар 1991 йил 8 декабрда Минскда Белорусия, Россия ва Украина томонидан имзоланган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини тузиш тўғрисидаги битим, 1991 йил 21 декабрда (Болтиқ Бўйи республикалари ва Грузиядан ташқари) 11 собиқ Иттифоқ республикалари томонидан Олма-отада имзоланган Битимга Протокол ва 1991 йил 21 декабрда имзоланган Олма-ота Декларациялари ҳисобланади. 1993 йил 22 январда Минскда бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат бошлиқлари кенгашида (Арманистон, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон номидан) Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Устави қабул қилинди.

Ҳамдўстликнинг мақсадлари куйидагилардан иборат:

биринчи, сиёсий, иқтисодий, экологик, инсонпарварлик, маданий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни амалга ошириш;

иккинчи, умумий иқтисодий маконни яратиш;

учинчи, умуминсоний тамойиллар ва Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилотининг меъёрларидан келиб чиқувчи инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш;

тўртинчи, аъзо давлатларнинг халқаро тинчликни ва хавфсизликни таъминлаш ва қуролсизланишга йўналтирилган ҳамкорликларни амалга ошириш;

бешинчи, аъзо давлатлар фуқароларининг ҳамдўстлик ҳудудида эркин юришлари ва мулоқотларини таъминлаш;

олтинчи, ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа соҳаларида ўзаро ёрдам ва ҳамкорликни йўлга қўйиш;

еттинчи, низо ва тортишувларни тинч йўллар билан ҳал этиш.

МДХ ўз фаолиятини халқаро ҳуқуқнинг умум тан олинган тамойиллари асосида ташкил этади. Шунингдек: давлатлараро муносабатларда халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги, ўзаро бир-бирлари ва умуман ҳамдўстлик манфаатларидан келиб чиқиш, биргаликда ҳаракат қилиш ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш, ҳар бир аъзо давлат халқи маънавиятининг бутунлигини сақлаш, маданий қадриятларни сақлаш ва маданий алмашилиш соҳаларида ҳамкорлик қилиш каби қўшимча тамойиллар ҳам ишлаб чиқилган.

Ҳамдўстлик давлат бўлмаганлиги учун миллий ваколатларга эга эмас. Бу халқаро ҳуқуқнинг тенг субъектлари томонидан миллий суверенитет асосида ташкил этилган давлатлар бирлашмасидир.

Уставда ҳамдўстлик манфаатларининг мавжудлиги тан олинади ва 1991 йил 8 декабрда имзоланган битим асосида давлатларнинг ҳамкорлик соҳалари белгиланади. Улар жумласига:

♦ инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш; ташқи сиёсатни мувофиқлаштириш;

♦ умум Европа ва Евроосиё бозорларининг умумий иқтисодий ҳудудини яратиш ва ривожлантириш йўлида ҳамкорлик қилиш;

♦ божхона сиёсати;

♦ транспорт ва алоқа тизимларини ривожлантириш йўлида ҳамкорлик қилиш;

♦ соғлиқни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

♦ ижтимоий ва миграциявий сиёсат масалалари;

♦ уюшган жиноятчиликка қарши кураш;

♦ ташқи чегараларни қўриқлаш ва мудофа масалалари кабилар киради.

Ҳамдўстликдаги давлатларнинг ўзаро манфаатлари, умумий мақсадлари, бирга фаолият олиб бориш соҳаларининг мавжудлиги уни ваколатлари ва ҳуқуқий субъектлиги шартномавий асосга эга халқаро ҳукуматлараро ташкилот деб аташга имкон беради.

Ҳамдўстлик Уставидан келиб чиққан ҳолда таъсис этувчи ва аъзо давлатлар фарқланади. Биринчи гуруҳга 1991 йил 8 декабрда имзоланган Ҳамдўстликни ташкил этиш тўғрисидаги битим ва унга қўшимча 1991 йил 21 декабрда имзоланган Протоколни Ҳамдўстлик Уставининг қабул қилиниши вақтига қадар қабул қилган ва ратификация қилган давлатлар, аниқроғи Арманистон, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Ўзбекистон ва Украина киради.

Ҳамдўстликка қабул қилиниш аъзо давлатларнинг розилиги билан унинг мақсад ва тамойилларини қабул қилувчи, Уставда кўрсатилган мажбуриятларни унга қўшилиш йўли билан қабул қилувчи ҳар бир давлат учун очиқ ҳисобланади. Шунингдек, баъзи давлатларнинг Ҳамдўстликнинг айрим фаолият соҳаларида қўшилувчи аъзо сифатида иш олиб боришлари имкони ҳам кўзда тутилган.

Ҳамдўстликнинг олий органи давлатлар бошлиқларининг Кенгаши бўлиб, у аъзо давлатлар умум манфаатлари доирасида давлатлар фаолиятини муҳокама этиш ва қарор қабул қилиш ваколатига эга. Кенгаш йилда икки марта йиғилади ва аъзо давлатлардан бирининг ташаббуси билан навбатдан ташқари йиғилишлар ҳам ўтказиши мумкин.

Ҳамдўстлик ҳукуматлари раҳбарларининг Кенгаши ижроя органларининг умум манфаатлар доирасида иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларни мувофиқлаштиради. Кенгаш йилда тўрт марта йиғилади ва аъзо давлатлардан бирининг ташаббуси билан навбатдан ташқари йиғилишлар ҳам ўтказиши мумкин.

Иккала кенгашнинг ҳам қарорлари ўзаро розилик (консенсус) асосда қабул қилинади. Бирор бир давлатнинг маълум соҳага қизиқиш билдирмаслиги қарор қабул қилинишига тўсқинлик қилмаслиги керак.

Ташқи алоқаларни мувофиқлаштирувчи орган — ташқи ишлар вазирлари кенгаши; жамоа хавфсизлик ва ҳарбий-сиёсий ҳамкорлик соҳасида мудофаа вазирлари кенгаши; бирлашган кўрөлли кучлар олий кўмондонлиги, чегара қўшинлари кўмондонлари кенгаши тузилган. Шунингдек, тармоқлар бўйича ҳамкорликни мувофиқлаштириш назарда тутилиб, темир йўл транспорти кенгаши, давлатлараро фазо кенгаши, давлатлараро экологик кенгаш ҳам мавжуд.

Ҳамдўстлик доирасида иқтисодий мажбуриятларнинг бажарилиш жараёнида келиб чиқувчи низолар ва шартнома ва бошқа иқтисодий ҳужжатларни таҳлил қилишдан келиб чиқадиган фарқларни ечиб берувчи иқтисодий суд, Ҳамдўстлик аъзолари олган мажбуриятлардан келиб чиқувчи инсон ҳуқуқлари таъминланишини назорат қилувчи Инсон ҳуқуқлари комиссияси мавжуд.

Ҳамдўстлик доирасида доимий фаолият кўрсатувчи ижроия органи 1993 йил апрелда Минскда ўтган давлат бошлиқлари кенгашида жорий этилган координатив-консультатив қўмита ҳисобланади. У давлат бошлиқлари кенгаши тайинлайдиган қўмита координатори ва ҳар бир аъзо давлатнинг иккитадан доимий мухтор вакилидан иборат. Қўмита Ҳамдўстликнинг барча фаолият соҳалари бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва киритади, иқтисодий ҳамкорликнинг аниқ соҳалари бўйича шартномаларнинг бажарилишига имконият яратди, Ҳамдўстликнинг барча органларининг ишлашига имкон яратди. Унинг қошида Котибият ташкил этилган. Қўмита ва Котибият Минскда жойлашган.

Ҳамдўстлик халқаро ташкилот сифатида ўзига хосликларга эга. Уни таъсис этувчи ҳужжатлар ва Устави Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг ташкилот фаолиятида қисман иштирок этишларига имкон беради. Жумладан, Минскда 1991 йил 8 декабрда имзоланган битимнинг 10-моддаси иштирокчиларга битимни тўлалигича эмас, балки унинг айрим қисмларини тўхтатиб қўйиш имконини беради. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Уставининг 23-моддаси унинг аъзоларидан исталгани маълум масалага қизиқиши йўқлигини маълум қилиш ҳуқуқини таъкидлайди. 43-моддага кўра, таъсис этувчи давлатлар Уставни ратификация қилиш вақтида қўйидаги масалалар ва бўлимлар юзасидан бир томонлама ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга: III бўлим — “Коллектив хавфсизлик ва ҳарбий-сиёсий ҳамкорлик масалалари”, IV бўлим “Низо ва тортишувларни бартараф этиш”, VII бўлим “Парламентлараро ҳамкорлик”, шунингдек Координатив-консультатив қўмита, Мудофаа вазирлари кенгаши, Чегара қўшинлари қўмондонлари кенгаши, Иқтисодий суд ва Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия фаолиятларига тегишли 28, 30-33-моддалар.

Халқаро конференциялар

Халқаро конференция — ваколатли давлат вакилларининг халқаро миқёсдаги муаммоларни ечиш мақсадида чақирилган анжуманидир.

Халқаро конференциялар асосан ҳукуматлараро хусусиятга эга бўлади. Ҳукуматлараро халқаро конференция кўп томонлама дипломатиянинг муҳим шакли ва халқаро музокаралар воситасидир.

Замонавий халқаро конференция иштирокчи мустақил давлатларнинг келишилган мақсадларнинг амалга оширилиши учун ташкил этилган жамоа органидир. Ҳар қандай халқаро конференциянинг мақсад ва вазифалари халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф қилинган тамойилларига мос тушиши лозим.

Халқаро конференцияларнинг қандай номланиши (съезд, конгресс, конференция, йиғин) юридик маънога эга эмас.

Қатнашчиларнинг доирасига кўра ҳукуматлараро конференциялар умумий (ҳар қандай давлат иштирок этиши мумкин) ва минтақавий бўлиши мумкин. Кўпгина конференцияларга, айниқса БМТ томонидан чақирилган конференцияларга қизиқишлари мавжуд давлат ва нодавлат ташкилотлари ва конференцияда иштирок этмаётган давлатларнинг вакиллари кузатувчилар сифатида таклиф этиладилар.

Муҳокамага қўйиладиган масалаларнинг муҳимлиги, муҳокамага тайёрлиги даражаси билан белгиланувчи конференциянинг ўтказилиш даражасига кўра халқаро конференцияга юборилувчи делегациянинг раҳбари давлат ёки ҳукумат бошлиғи, ташқи ишлар вазири ёки бошқа расмий кишилар бўлиши мумкин.

Халқаро конференция халқаро ташкилот доирасида у томонидан ёки ташаббускор давлат томонидан чақирилиши мумкин. Халқаро ташкилот томонидан ёки унинг доирасида халқаро конференциянинг чақирилиши унинг *ad hoc* мустақил халқаро орган хусусиятини ўзгартирмайди. Баъзи конференциялар даврий бўлади ва бир неча йил давом этиши мумкин.

Чақирилиш мақсадига кўра ҳукуматлараро конференциялар сиёсий, иқтисодий, дипломатик, умумий ва тинчлик конференциялари бўлиши мумкин. Халқаро конференциялар шартномаларни ва халқаро ташкилотлар Уставларини тайёрлаш ва қабул қилиш, маълум халқаро муаммоларни муҳокама этиш учун чақирилади.



Такрорлаш учун саволлар

- ◆ Халқаро ташкилот нима ва улар қандай таснифланади?
- ◆ Халқаро ташкилотларнинг юридик табиати қанақа?
- ◆ Халқаро ташкилотнинг ваколатлари, ҳуқуқ ва функциялари нималардан иборат?
- ◆ Халқаро ташкилотнинг қанақа органлари бор?
- ◆ Халқаро ташкилотлар томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби қандай?
- ◆ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти нима ва унинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни қандай?
- ◆ БМТнинг қандай асосий органлари бор?
- ◆ БМТнинг ихтисослашган муассасалари нима ва уларнинг сони нечта?
- ◆ Халқаро суднинг асосий функциялари нималардан иборат?
- ◆ Минтақавий халқаро ташкилотлар деганда нима тушунилади?
- ◆ Бугунги кунда қандай минтақавий ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда?
- ◆ Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти нима?
- ◆ Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг мақсад ва вазифалари қандай?
- ◆ Халқаро конференция деганда нима тушунилади?
- ◆ Халқаро конференцияларнинг қанақа турлари бор?

12-мавзу. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

- Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари.
- Инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатлараро ҳамкорликнинг универсал концепсияси.
- Инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартлар.
- Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳужжатларнинг умумий тавсифи.
- Халқаро ҳуқуқда инсон ҳуқуқларининг таснифи (классификацияси).
- Инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатлараро ҳамкорликнинг ривожланиш тарихи.
- Инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатлараро ҳамкорлик тартиблари ва механизмлари.
- БМТ ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланувчи миллий институтлар.

Халқаро ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари

Инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатлараро ҳамкорлик кенг миқёсдаги масалаларни ўз ичига қамрайди. Унга фан, маданият, таълим, ахборот алмашиш, кишилар ўртасидаги алоқалар борасидаги ҳамкорликлар киради.

Давлатлараро ҳамкорлик марказида инсон ҳуқуқлари туради.

Халқаро ҳуқуқнинг инсон ҳуқуқлари масалаларини тартибга соловчи нормалари одатда халқаро гуманитар ҳуқуқ деб аталадиган ва қуролли можаролар даврида қўлланиладиган инсон ҳуқуқлари ҳуқуқини ўз ичига оладиган халқаро ҳуқуқ соҳасини ташкил қилади. XX асрнинг иккинчи даврини инсон ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқининг шаклланиш даври дейиш мумкин.

Халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан инсон ҳуқуқлари — ҳар қандай жамиятда шахснинг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда муҳим бўлган ҳуқуқдир. Турли жамиятлар инсон ҳуқуқларини таъминлашда турли ижтимоий имкониятларга эга. Бироқ давлатлар учун шахсга қандай ҳуқуқлар берилиши ва миллий қонунларда мустаҳкамлаб қўйилиши лозимлиги борасидаги қарашларнинг маълум даражада мос келиши характерлидир.

БМТ Уставида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисида сўз боради. Аксарият ҳолларда бу икки тушунчани қисқа қилиб “инсон ҳуқуқлари” деб юритилади, чунки гап бир тартибдаги воқелик хусусида бормоқда. Ҳуқуқ ҳам, эркинлик ҳам — шахснинг ёки бир гуруҳ шахсларнинг қонун билан кафолатланган лозим даражада хулқ-атвор ўлчовидир. Ҳуқуқни амалга ошириш тартиби у ёки бу даражада тартибга солинади. Эркинлик, баъзан инсон хулқ-атвори-ни давлат аралашмайдиган доираси сифатида қаралади.

“Инсон ҳуқуқлари” атамаси халқаро сиёсий тилда Американинг мустақиллик уруши ва Буюк француз инқилобидан сўнг пайдо бўлган. Ўша пайтларда тегишли давлатнинг ички ҳужжатларида инсон ва фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисида сўз борган. БМТ Уставида фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисида сўз юритилмайди. Зотан, айрим инсон ҳуқуқлари, масалан, давлатни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқи инсоннинг фуқаролиги билан боғлиқдир.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатлараро ҳамкорликнинг универсал концепцияси

Инсон ҳуқуқлари концепцияси кўп. Улар диний, позитив, табиий-ҳуқуқий ва бошқалар бўлиб, жамиятдаги дунёқарашнинг турлитуманлиги билан тавсифланади. Бу халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган норма ва тамойиллари асосида инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатлараро ҳамкорликнинг универсал концепциясини шакллантиришга тўсиқ бўлмайди.

Биринчидан, инсоннинг барча ҳуқуқлари ажралмас, бирдек муҳим ва ягона тизимни ташкил қилади. Бирон бир ҳуқуқ ёки эркинликни бошқа бирига қарши қўйиш мумкин эмас. Акс ҳолда бир турдаги ҳуқуқ ва эркинликларнинг таъминланишига интилиш бошқа турдаги ҳуқуқларнинг бузилишига олиб келиши мумкин. Ҳуқуқларнинг бўлинмаслигини тан олиш уларнинг маълум градация ва устунлигини истисно қилмайди. Масалан, инсоннинг яшаш ҳуқуқи доимо энг муҳим ва муқаддас ҳуқуқ сифатида биринчи ўринга қўйилади.

Иккинчидан, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойили ҳозирги халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларидан бири сифатида бошқа тамойилларга қарши турмайди, балки улар билан уйғунликда бўлади. Шу боис инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш зарурлигига бирон бир баҳона келтириш давлат суверенитетини ҳурмат қилиш, давлатлар томонидан бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, халқаро

муносабатларда куч билан таҳдид қилишни ёки куч ишлатишни тақиқлаш каби тамойилларни бузишга уринишларни оқламайди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тинчлик ва хавфсизликка, мустақилликка ва давлатларнинг тенг ҳуқуқлилигига, яъни халқаро ҳамкорлик ғояларининг ўзи таянадиган асосларга тажовуз қилиш воситаси сифатида фойдаланилмаслиги лозим.

Учинчидан, давлатларнинг суверенитетидан келиб чиқадики, унинг ўз аҳолиси билан муносабатларининг барча соҳаси — миллий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мавжуд амалиёти асосида ҳосил бўлган тасаввурга кўра, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойилини бузиш деганда, аввало давлатдаги асосий инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг оммавий равишда ва кўпол бузилиши, масалан, апартеид, ирқчилик, мустамлакачилик, хорижий оккупация натижасида давлатнинг ўз мажбуриятларига риоя қилмаётганлигини тасдиқловчи умумий сиёсий ва ҳуқуқий вазият тушунилади.

Узоқ вақт давомида муайян шахс ҳуқуқининг бузилиши (якка ҳолат)да одатда давлатнинг ички ваколатига тааллуқли ва шу боис БМТда ёки бошқа халқаро ташкилотларда кўрилмайди деб ҳисобланган. Давлат ўз аҳолиси билан ўзаро муносабатларини мустақил юридик тартибга солиши ҳолати унинг ўзбошимчалик қилишга “ҳуқуқи” борлигини аниқламайди. Бундай тартибга солиш жараёнида халқаро мажбуриятлар, аввало, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойиллари ҳисобга олиниши лозим.

Давлатларга ўз ихтиёри билан халқаро органлар муҳокамасига алоҳида шахсларнинг ҳуқуқлари бузилишига тааллуқли масалаларни киритишига ҳеч нарса тўсқинлик қилмайди. Бу, одатда, халқаро шартномалар асосида амалга оширилади. Тегишли қоидалар 1966 йилдаги сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга биринчи Факультатив протоколда, 1950 йилдаги инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясида, 1969 йилдаги инсон ҳуқуқлари Америка конвенциясида ўз аксини топган. Ушбу барча шартномалар шахсларнинг хусусий шикоятларни халқаро органларда кўриб чиқиш имкониятларини назарда тутди.

Бугунги кунда айрим индивидуал ҳолатлар халқаро даражада, шартнома асосида эмас ва хатто манфаатдор давлатнинг иштирокисиз ҳам кўрилиши мумкинлиги эътироф этилмоқда. Бироқ бундай ҳолатларни кўришнинг аниқ мезонлари ишлаб чиқилмаган.

Халқаро ҳамжамиятни алоҳида мамлакатларда инсон ҳуқуқларининг турли жиҳатларига риоя қилинишини кўриб чиқиш борасида-

ги ҳуқуқларининг кенгайиш тенденцияси кузатилмоқда. Бу, асосан, умумевропа жараёни доирасида кўзга ташланади. Европада Хавсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти, хусусан, 1991 йилда Москвада бўлиб ўтган инсон мезони тўғрисидаги Конференция ҳужжатларида “инсон ҳуқуқлари, асосий эркинликлари, демократия ва қонун устуворлиги халқаро характерга эга, чунки ушбу ҳуқуқ ва эркинликларга риоя қилиш халқаро ҳуқуқий тартибот асосларидан бирини ташкил қилади” деб таъкидланади. Шу ҳужжатнинг ўзида иштирокчи давлатлар “улар томонидан ЕХХТ инсон мезони бўйича қабул қилинган мажбуриятлар ҳар бир иштирокчи давлат учун бевосита ва қонуний манфаатга эга бўлган масала ҳисобланади ва тегишли давлатнинг мутлақ ички ваколатлари сирасига кирмайди”.

Тўртинчидан, аввало, инсон ҳуқуқлари бўйича давлатлараро ҳамкорлик соҳаси мафқурадан ва сиёсатдан ҳоли бўлиши лозим. Бу инсон ҳуқуқлари бўйича масалалар давлатлараро расмий алоқалар даражасида мафқуравий хусусиятдаги мунозаралар (баҳслар)ни четлаб ўтиш зарурлиги, муҳокамадаги масалалардан фақат тарғибот мақсадларида фойдаланиш мумкин эмаслигини англатади. Бундан ташқари, давлатлар мазкур масалаларни муҳокама қилишда фақат сиёсий манфаатлардан келиб чиқмай, имкон қадар объективликка интилиши лозим (масалан, иттифоқдош давлатларда инсон ҳуқуқларининг бузилиш миқёсини пасайтириб кўрсатиш ёки улар тўғрисида гапирмай, аксинча, бирон бир сабабга кўра ўзаро муносабатларга совуқлик тушган давлатдаги ҳолатларни бўрттириб кўрсатиш). Давлатларнинг инсон ҳуқуқлари бўйича ҳамкорлиги — давлатлараро ҳамкорликнинг бир қисми, айнан шу боис у сиёсий хусусият касб этиши мумкин эмас, у мафқурадан ҳоли бўлмоғи зарур.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатлараро ҳамкорлик концепциясини ривожлантиришда 1993 йил 25 июнда инсон ҳуқуқлари бўйича Умумжаҳон конференциясининг Вена декларацияси ва Ҳаракат дастури алоҳида аҳамиятга эга. Декларацияда инсон ҳуқуқлари масаласини кўришда универсаллик ва объективликни таъминлашнинг муҳимлиги тасдиқланади.

Инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартлар

Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойилининг мазмунини ушбу давлат юрисдикцияси остида бўлган барча шахсларга нисбатан бу ҳуқуқларни бирон-бир камситишларсиз ҳурмат қилиш ва унга риоя

этиш бўйича давлатнинг мажбуриятлари ташкил қилади. Агар халқаро ҳуқуқ ва давлат ички ҳуқуқи нисбатининг дуалистик назариясидан келиб чиқилса, давлат томонидан алоҳида шахсларга ва уларнинг гуруҳларига (жамоаларга) ички ҳуқуқ орқали тегишли ҳуқуқ ва эркинликлар берилади. Бошқача қилиб айтганда, индивидлар ва уларнинг гуруҳлари халқаро ҳамжамиятдан тўғридан-тўғри ҳеч қандай ҳуқуқ олмайдилар.

Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойили халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларидан бири сифатида 1945 йилда БМТ Уставини қабул қилиниши билан қарор топди. У Уставда халқаро ҳуқуқ тамо-йиллари орасида кўрсатиб ўтилмаган. Бироқ Уставнинг 1-моддаси (3-банди)да БМТ мақсадларидан бири “инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини барча учун ирқидан, жинсидан, тили ва динидан қатъий назар, истисносиз ҳурмат қилиш” борасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш ҳисобланади деб кўрсатилган. Ушбу тамойилни Уставда билвосита мустаҳкамланган деб ҳисобланади. Бу Уставнинг 55-моддасида ўз тасдиғини топган, унда БМТ “барча учун ирқидан, жинсидан, тили ва динидан қатъи назар истисносиз инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳар томонлама ҳурмат қилиш ва риоя этиш”-га кўмаклашади, дейилади. 1975 йилдаги Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг Яқунловчи ҳужжатида инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойили ҳақида тўғридан-тўғри сўз боради.

Халқаро ҳуқуқнинг ҳар қандай тамойилини ҳаётга тадбиқ қилиш учун уларни халқаро ҳуқуқнинг шартномавий ва одат нормаларида белгиланиши лозим. **Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойилини белгиловчи ва ривожлантирувчи халқаро-ҳуқуқий мажбуриятлар, одатда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартлар** деб аталади. Бу — давлатларнинг нафақат ўз юрисдикцияси остидаги шахсларга қандайдир муайян ҳуқуқ ва эркинликлар бериш мажбурияти, балки бундай ҳуқуқ ва эркинликларга тажовуз қилмаслик (масалан, ирқий, миллий ва бошқа турдаги камситишларга йўл қўймаслик, қийноққа солмаслик ва бошқалар)дир.

Халқаро стандартлар универсал, яъни жаҳонда эътироф этилган ҳамда минтақавий бўлиши ҳам мумкин. Минтақавий стандартлар қандайдир бир гуруҳ мамлакатларнинг ривожланиш даражаси, анъаналаридан келиб чиқадиган хусусиятларга эга бўлиб, универсал стандартлардан кенгроқ, муайянроқ (масалан, умумевропа жараёнлари доирасидаги стандартлар) бўлиши мумкин.

Баъзи вақтларда алоҳида халқаро стандартларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларнинг у ёки бу чеклашларга йўл қўйилиши мум-

кин. Бинобарин, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг қатор қоидаларида тегишли ҳуқуқ ва эркинликлар фақат қонунда белгиланган ва жамоат тартиби, давлат хавфсизлигини, аҳолининг соғлиғи ва ахлоқини муҳофаза қилиш учун зарур бўлган чеклашларга йўл қўйилиши мумкинлиги назарда тутилган. Ушбу Пактнинг 4-моддаси давлатда фавқулодда ҳолат даврида миллат ҳаёти хавф остидалиги ва бу тўғрида расман эълон қилинганда Пакт иштирокчилари муайян шартларга риоя қилган ҳолда Пактдаги мажбуриятлардан четга чиқадиган чоралар кўриши мумкин. Бироқ 4-моддага мувофиқ ирқи, ранги, жинси, тили, дини ёки ижтимоий келиб чиқишига асосан камситишни тақиқловчи, шунингдек яшаш ҳуқуқини мустақамловчи, қийноққа солиш, қулдорлик ва бошқаларни тақиқловчи стандартлардан чекиниш мумкин эмас.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳужжатларнинг умумий тавсифи

Мазкур масаланинг ечимини инсон ҳуқуқлари муаммосига бевоқифа дахлдор бўлган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш асосида кўриш мумкин.

Инсон ҳуқуқлари бўйича асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар қаторига аввало Инсон ҳуқуқлари бўйича Халқаро билл киради. Халқаро биллга:

- 1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси,
- 1966 йилдаги Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт,
- 1966 йилдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт ва унга 1966 ва 1992 йиллардаги Факультатив протоколлар киради.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар жумласига яна қуйидагилар киради:

- 1960 йилдаги Мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги Декларация.
- 1948 йилдаги Геноцид жиноятининг олдини олиш ва уни содир этганларни жазолаш тўғрисидаги Конвенция.
- 1965 йилдаги Ирқий камситишларнинг барча шаклини бекор қилиш тўғрисидаги Халқаро конвенция.
- 1973 йилдаги Апартеид жиноятларининг олдини олиш ва уни содир этганлик учун жазолаш Халқаро конвенцияси.

• 1949 йилдаги Уруш қурбонларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Женева конвенцияси ва 1977 йилдаги I ва II қўшимча протоколлар.

• 1952 йилдаги Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция.

• 1979 йилдаги Аёлларга нисбатан камситишнинг ҳар қандай шаклини бекор қилиш тўғрисидаги Конвенция.

• 1959 йилдаги Болалар ҳуқуқи Декларацияси.

• 1989 йилдаги Болалар ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенция.

• 1957 йилдаги Турмушга чиққан аёлнинг фуқаролиги тўғрисидаги Конвенция.

• 1974 йилдаги Аёллар ва болаларни қуролли можаролар давридаги фавқулодда вазиятларда ҳимоя қилиш тўғрисидаги Декларация.

• 1961 йилдаги Фуқаросизликни камайтириш тўғрисидаги Конвенция.

• 1954 йилдаги Апартридларнинг мақоми тўғрисидаги Конвенция.

• 1951 йилдаги Қочоқлар мақоми тўғрисидаги Конвенция ва 1966 йилдаги протокол.

• 1950 йилдаги БМТнинг Қочоқлар иши бўйича Олий Комиссари бошқармасининг Устави.

• 1967 йилдаги Худудий бошпана тўғрисидаги Декларация ва бошқалар.

БМТ Устави инсон ҳуқуқлари тушунчасини аниқлаштирмасида маълум даражада унга кўмаклашувчи бир неча тамойилларни ифода қилади. Жумладан, унда миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги, эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги, инсон шахсининг шаъни ва қадр-қиммати, яъни виждон, эътиқод эркинлиги ва ҳоказолар хусусида сўз боради. Уставнинг Муқаддимаси ташкилот аъзоларини “юксак эркинликда ижтимоий тараққиётга кўмаклашиш”га интилишлари тўғрисида сўз борадиган қисмида асосий демократик эркинликларга ҳавола қилинади.

Энг аввало ушбу қоидалардан келиб чиқиб кўплаб тегишли халқаро ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва ишлаб чиқилмоқда. Бу борадаги асосий ишлар БМТ доирасида ва унинг энг аввало ЮНЕСКО, Халқаро Меҳнат Ташкилоти каби ихтисослашган муассасаларида олиб борилган ва олиб борилмоқда. Қайд этилган ҳужжатларнинг бир қисми — халқаро ташкилотларнинг резолюциялари — тавсиявий хусусиятга эга. 1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси, 1981 йилдаги Дини ёки эътиқоди асосида барча шаклдаги камситишларни бартараф этиш тўғрисидаги Декларация, 1992 йилдаги Кам сонли миллий ёки этник, тил ва диний гуруҳларга

кирувчи шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги Декларация ва бошқалар ана шун ҳужжатлар сирасига киради.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро стандартларни шакллантириш ва мавжудларини аниқлаштиришда қабул қилинадиган резолюциялар муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг кўпларини ахлоқий, сиёсий нуфузи баланд, гарчи расман юридик мажбуриятлар юкламасада, давлатлар улар билан ҳисоблашади. Инсон ҳуқуқлари бўйича Умумжаҳон декларациясида биринчи марта инсон ҳуқуқлари тоифасига кирадиган ҳуқуқ ва эркинликлар санаб ўтилганлиги учун ҳам муҳим роль ўйнаган. Декларация қоидалари халқаро одат нормасига айланиб кетган, деган фикр кенг тарқалган.

Резолюциялар инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро шартномаларни ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ҳолбуки, 1975 йил 9 декабрдаги Барча шахсларни қийноққа солиш ва бошқа ғайриинсоний зулм ўтказиш ёки қадр-қимматини камситувчи муомала қилиш ва жазолашдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги Декларация 1984 йил 10 декабрдаги Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенцияни ишлаб чиқишда фойдаланилган.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги бошқа ҳужжатлар — иштирокчилар учун мажбурий характерга эга бўлган халқаро шартномалардир. Уларга 1965 йил 21 декабрдаги Барча ирқий камситишларни бартараф этиш тўғрисидаги Халқаро конвенция, 1966 йил 19 декабрдаги иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт, 1984 йил 10 декабрдаги Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция ва бошқа шартномалар киради.

Ушбу шартномалар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларни мустаҳкамлайди.

1966 йилги Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактлар — БМТнинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича давлатлараро ҳамкорлик соҳасидаги муҳим ютуқлардандир. Бу инсон ҳуқуқларига дахлдор масалалар бўйича халқаро ҳамкорлик учун универсал халқаро-ҳуқуқий негизни яратишга йўналтирилган шартномалардир. Ушбу Пактлар 1976 йилда кучга кирган.

1966 йилдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактда шундай дейилган:

“Тенг ҳуқуқлилик, камситишни тақиқлаш, давлатни бошқариш ишларида иштирок этиш ҳуқуқи, қандайдир шафқатсиз, ғайриинсоний ёки шаъни ва қадр-қимматини ерга урадиган муомала ёки

жазолаш, қулчиликни, қуллар билан савдо қилиш ва мажбурий меҳнатни таққилаш, шахсий дахлсизлик ва эркинлик ҳуқуқи, бир жойдан иккинчи жойга эркин кўчиш ҳуқуқи, фикр, эътиқод ва дин эркинлиги, тинч йиғинлар ўтказиш ҳуқуқи, уюшмаларга бирлашиш ҳуқуқи ва бошқалар.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи, ҳар бир кишининг адолатли ва яхши меҳнат шароитига эга бўлиш ҳуқуқи, касаба уюшмалари тузиш ҳуқуқи, касаба уюшмаларининг эркин фаолият юритиш ҳуқуқи, иш ташлаш ҳуқуқи, ижтимоий таъминот ҳуқуқи, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ва ёрдам олиш ҳуқуқи, етарли ҳаёт даражасига эга бўлиш ҳуқуқи, жисмоний ва руҳий соғломликнинг энг юқори даражасига эришиш ҳуқуқи, таълим ҳуқуқи, маданий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқи ва бошқалар”.

Бугунги кунда улар имкон қадар, янада самарали бўлишига эришиш алоҳида долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда, бу ана шу ҳужжатларни универсаллаштириш, яъни иштирокчилар доирасини имкон қадар кенгайтиришни назарда тутди. Бугунга қадар уларда, хатто БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоларидан ҳаммаси ҳам иштирок этмайди.

Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ) доирасида қабул қилинаётган ҳужжатлар ўзига хос хусусиятга эга. Уларнинг бир қатор қоидалари инсон ҳуқуқларига бағишланган. ЕХХТнинг Якуний ҳужжатида инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойилининг мазмуни Умумевропа жараёни иштирокчиларининг ўзаро муносабатларига қўллашга нисбатан очиб берилган. Мазкур ҳужжатда инсон ҳуқуқлари бўйича ҳамкорликка бағишланган махсус бўлим мавжуд. Инсон ўлчови (мезони) бўйича уч босқичда – 1989 йилда Парижда, 1990 йилда Копенгагенда ва 1991 йилда Москвада бўлиб ўтган ЕХХТ Конференциясида қабул қилинган ҳужжатларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

ЕХХТ иштирокчилари инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ ўзаро муносабатлар доирсидаги масалалар мажмуини “инсон мезони” атамаси билан юритилади. Конференция инсон мезони соҳасидаги қоидаларни амалда тадбиқ қилишнинг тегишли механизмини яратди.

ЕХХТ ҳужжатлари сиёсий хусусиятга эга ва халқаро ҳуқуқ манбаи ҳисобланмайди. Уларнинг қоидалари аксарият ҳолларда келишув деб юритилади. Зотан, ЕХХТ иштирокчи-давлат раҳбарлари бир неча марта мазкур келишувлар сўзсиз равишда ҳаётга тадбиқ қилиниши керак деб баёнот берган бўлсаларда, улар юридик тусга ҳам эга. Бундай баёнотларни давлатларнинг халқаро-ҳуқуқий харак-

тердаги бир томонлама мажбурияти сифатида қаралиши мумкин. Шу боис кўрсатиб ўтилган ҳужжатларнинг нафақат сиёсий, балки мувофиқлаштирилган бир томонлама халқаро-ҳуқуқий мажбуриятлар мажмуини акс эттирувчи деб ҳисобланиши мумкин. Умуман олганда, мазкур ҳужжатларнинг инсон ҳуқуқларига оид қоидалари инсон ҳуқуқлари соҳасидаги минтақавий стандартлар ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқда инсон ҳуқуқларининг таснифи (классификацияси)

Халқаро ҳужжатларда қабул қилинган таснифга (классификацияга) кўра инсон ҳуқуқлари **фуқаролик (шахсий), сиёсий, иқтисодий, ижтимоий** ва **маданий** ҳуқуқларга бўлинади. Таснифлашнинг бошқа турлари ҳам бўлиши мумкин. Тахминан XX аср 70-йилларининг бошларидан “уч авлод” концепцияси кенг тарқалган.

Бундай хронологик ёндашувни аввал инсон ҳуқуқлари деганда фақат фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларнигина (**биринчи авлод**) англашилганлиги билан тушунтирилган.

Собиқ СССР ва унинг иттифоқдошлари таъсири остида инсон ҳуқуқлари тушунчасига ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар (**иккинчи авлод**) ҳам киритила бошланди.

Ва ниҳоят, ривожланаётган мамлакатларнинг ҳиссаси билан тинчлик ҳуқуқи, қуролсизланиш ҳуқуқи, ривожланиш ҳуқуқи, соғлом атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи (**учинчи авлод** ёки «бирдамлик» ҳуқуқи) инсон ҳуқуқлари сирасига киритилган.

Учинчи авлод ҳуқуқлари рўйхатини ноҳукумат ташкилотлари даражасида давом этиришга уринишлар бўлган. Бироқ халқаро ва илмий даражада муҳокама қилинаётган бу борадаги асосий муаммо — инсон ҳуқуқлари халқлар ҳуқуқи билан боғлиқлиги муаммосидир.

Кўришиб турибдики, инсон ҳуқуқларини халқлар ҳуқуқидан ажратиш мумкин эмас. Халқлар ҳуқуқи (жамоа ҳуқуқи) ҳам инсон ҳуқуқлари сифатида қаралиши мумкин. Бундан ташқари ҳамма халқлар ҳуқуқини ҳам инсон ҳуқуқларининг учинчи авлодига киритиш мумкин эмас. 1966 йилда қабул қилинган инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги иккита халқаро Пакт ҳам халқларни ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқидан бошланади. Халқлар ҳуқуқи сўзсиз жамоа ҳуқуқидир, лекин инсоннинг жамоа ҳуқуқлари тушунчаси учинчи авлод ҳуқуқлари ёки халқлар ҳуқуқининг ўзи билан чекланмайди. У бир мунча кенг тушунча. Масалан, касаба уюшмалари ҳуқуқи ҳам жамоа ҳуқуқи

ҳисобланиши мумкин. Айрим ҳолларда турли шахсий ҳуқуқларнинг нисбатлари янги, энди жамоага тегишли бўлган умумлашган (синтетик) ҳуқуқни ташкил қилади. Ушбу маънода, масалан, тинч йиғилишлар ўтказиш ҳуқуқини кўриш мумкин.

Инсон ҳуқуқларининг учинчи авлоди тўғрисидаги масалани қўйиш ва унинг атрофидаги баҳслар, ушбу ҳуқуқларни мустақкамловчи ва улардан баъзи бирларининг мазмунини очиб берувчи халқаро ҳужжатлар қабул қилиниши, масалан, 1986 йил 4 декабрда қабул қилинган ривожланиш ҳуқуқи тўғрисидаги Декларация инсон ҳуқуқлари рўйхати қандайдир қотиб қолган нарса эмас ва у давом эттирилиши мумкинлигини тасдиқлайди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатлараро ҳамкорликнинг ривожланиш тарихи

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ айрим масалалар БМТ Устави қабул қилинишидан бир мунча илгари халқаро ҳужжатларда ўз аксини топган эди. Лекин фақат БМТ Устави инсон ҳуқуқлари соҳасида кенг кўламли давлатлараро ҳамкорликни бошлаб берди.

Бундай халқаро ҳамкорликнинг биринчи босқичи 1945 йилдан бошланиб, тахминан 80-йилларнинг бошларигача давом этган. У инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро стандартларнинг шаклланиши билан характерланади. Бу жараён ҳозирги кунда ҳам тўлиқ тугаганича йўқ. Лекин 80-йилларга келиб унинг суръати пасайди, унинг йўналиши ва урғуси ўзгарди. Умуман инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий халқаро стандартлар тизими шаклланиб бўлди.

Тахминан 80-йилларнинг ўрталаридан бу борадаги давлатлараро ҳамкорлик янги босқичга — тўпланган халқаро стандартларнинг самарадорлигини ошириш йўллари қидиришга ўтди. Жаҳон ҳам-жамиятнинг диққати тобора тегишли халқаро стандартларни амалга оширишни таъминлаш мақсадида халқаро назорат механизмларини яратиш, ушбу мақсадларга эришишда кўмаклашувчи халқаро тартибларни ишлаб чиқишга қаратилмоқда.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро тартиб ва назорат механизмларини яратиш — ҳозирги халқаро ҳаётдаги сезиларли ҳодисадир. Бундай механизмлар аввал ҳам, 80-йилларгача ҳам (масалан, Халқаро Меҳнат Ташкилоти доирасида) яратилган эди. Лекин умумий

тенденция сифатида айнан 80-йилларда пайдо бўлди. Агар шу кунгача инсон ҳуқуқлари бўйича шартномаларда аксарият ҳолларда қандайдир — бир имплементациявий қоидаларни ўз ичига олмаган бўлса, ҳозир эса инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳар қандай шартнома ишлаб чиқишда у ёки бу назорат (имплементациявий) механизмини тузишни кўзда тутадиган модда киритилади.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорлик тартиблари ва механизмлари

Барча халқаро механизмлар ва тартибларни консенсусга (умумий фикрга) асосланган ва консенсусга асосланмаган бўлиш мумкин.

Консенсусга (умумий фикрга) асосланган — бу иштирокчиларнинг умумий келишувига асосланади. Масалан, умумевропа жараёни доирасида яратилган тартиб ва механизмлар консенсусга асосланган, лекин шартномавий ҳисобланмайди, чунки уларни ташкил қилишни назарда тутувчи ҳужжатлар сиёсий хусусиятга эга. Асосан консенсусли механизмлар ва тартиблар шартнома асосида вужудга келади. Масалан, Қийноққа солишга қарши Қўмита, қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг шафқатсиз ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенцияда назарда тутилган.

Консенсусга асосланмаган механизмлар ва тартиблар яқдилликни назарда тутмайдиган халқаро ташкилотларнинг резолюциялари билан яратилади.

Халқаро механизмлар ва тартибларни айнан бир хил тушуниш жоиз эмас.

Назорат механизмлари маълум ташкилий тузилмалар (қўмита-лар, ишчи гуруҳлар, махсус маърузачилар ва бошқалар)ни билдиради, тартиблар эса — тегишли ахборотни ўрганиш усуллари ва тартибларини ва бундай ўрганиш натижаларига муносабатда бўлишни билдиради. Бир назорат органи доирасида турли тартиблардан фойдаланилиши мумкин. Халқаро ташкилотлар томонидан қўлланиладиган тартиблар бирон-бир алоҳида назорат органисиз, масалан, ўзининг ялпи мажлисларида БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссияси томонидан фойдаланилиши мумкин.

Кўпинча назорат органи таркибига кирувчи шахслар ўз номидан иштирок этадилар, яъни ўз ҳукуматидан кўрсатмалар олмайди ва уларнинг олдидан ўз фаолияти учун жавоб бермайди.

Ахборот тўплаш манбалари ва усуллари бўйича инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро тартибларни бир неча хилга бўлиш мумкин:

биринчидан, ушбу соҳада давлатларнинг ўз мажбуриятларини бажаришлари тўғрисидаги миллий маърузаларини кўриб чиқиш;

иккинчидан, халқаро мажбуриятларнинг бузилиши борасидаги давлатларнинг бир-бирига нисбатан даъвосини кўриб чиқиш;

учинчидан, ҳуқуқлари бузилиши тўғрисидаги алоҳида шахслар, гуруҳлар ёки ноҳукумат ташкилотларининг шикоятларини кўриб чиқиш;

тўртинчидан, инсон ҳуқуқларининг бузилиши билан ёки бузилиши мумкин бўлган вазиятни ўрганиш.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро назорат механизмлари жамоа органлари (қўмиталар, гуруҳлар ва бошқалар) ҳам яқка тартибда (махсус маърузачилар) бўлиши ҳам мумкин. Жамоа органлари ўз қарорларини консенсус асосида ёки кўпчилик овоз билан қабул қилади. Уларнинг қарорларининг ҳуқуқий табиати турли хилдир. Одатда улар мажбурий характерга эга эмас. Хатто, баъзан уларни (махсус маърузачиларнинг хулосалари, гарчи умумий қоидага кўра улар маърузанинг сўнггида тавсиялар берсалар-да) қарор деб бўлмайди. Айрим ҳолларда улар манфаатдор тарафлар учун мажбурий характерда бўлади (инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг қарори). Пировард натижада ҳаммаси мазкур органга берилган ваколатларга боғлиқдир.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро назорат механизмлари ва тартиблари ўз олдида турган вазифаларни тўла бажармоқда, дейиш қийин. Улар баъзан бир-бирини такрорлайди, ортиқча молиявий маблағ талаб қилади, объектив бўлмаган қарорлар қабул қилишга олиб келади. Аммо уларнинг ташкил бўлиши ва сонининг ортиб бориши — халқаро ҳаётнинг объектив тенденцияларини акс эттиради. Шу боис уларни такомиллаштириш ва улардан оқилона фойдаланиш зарурати биринчи ўринга чиқмоқда.

Инсон ҳуқуқлари билан шуғулланувчи халқаро органлар тизими инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорликнинг турли жиҳатлари билан шуғулланувчи қатор умумжаҳон ва минтақавий халқаро ташкилотлардан ташкил топган. Хусусан бундай ташкилотларга БМТ, ЮНЕСКО, Халқаро Меҳнат Ташкилоти киради. Улар асосий минтақавий ташкилотларнинг, масалан, ЕХХТ ҳам диққат марказида туради:

БМТ ваколатларига, унинг Уставига мувофиқ, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги муаммоларни ҳар томонлама кўриб чиқиш киради. Ушбу

масалалар бўйича Бош Ассамблея резолюциялар қабул қилади. У шундай масалаларнинг кўпи (ижтимоий, гуманитар ва маданий масалалар)ни ўзининг Учинчи Кўмитасига кўриб чиқиш учун беради. Кўмита улар бўйича Бош Ассамблея қабул қиладиган резолюция лойиҳаларини тайёрлайди. Шунингдек, Бош Ассамблея инсон ҳуқуқларининг у ёки бу масалалари бўйича ёрдамчи орган (масалан, мустамлакачиликни йўқотиш бўйича Махсус кўмита, апартеидга қарши Махсус кўмита)лар ҳам тузади.

БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши (ЭКОСОС) инсон ҳуқуқлари бўйича резолюциялар (шу жумладан декларациялар) ва шартномалар қабул қилади, улар маъқуллаш учун Бош Ассамблеяга юборилади. Уларга инсон ҳуқуқларига тааллуқли масалаларни кўришда ёрдам бериш учун ЭКОСОС қошида инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссия ва аёллар иши бўйича Комиссия ташкил қилинган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссия резолюциялар қабул қилади, ЭКОСОСга юбориладиган резолюция ва шартнома лойиҳаларини тайёрлайди, алоҳида масалалар (масалан, ўзбошимчалик билан ўлим жазоси тайинлаш, диний камситиш ва бошқалар)ни кўриб чиқиш ва муайян мамлакатлардаги (масалан, Афғонистондаги, Эрондаги) вазиятларни ўрганиш учун махсус маърузачиларни ёки ишчи гуруҳини тайинлайди.

Инсон ҳуқуқлари Комиссияси ўз навбатида ўзининг экспертлар органи камчиликни ҳимоя қилиш ва камситишнинг олдини олиш бўйича кичик комиссия тузган.

Инсон ҳуқуқлари билан яна БМТ Котибиятининг бўлинмалари — Бош котибнинг ўринбосари раҳбарлик қиладиган инсон ҳуқуқлари бўйича Марказ ҳам шуғулланади. Бир қатор органлар борки, улар юридик жиҳатдан БМТга ва бошқа халқаро ташкилотларга бўйсунмай, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар асосида ташкил қилинган. Мисол сифатида:

биринчидан, 1966 йил 19 декабрдаги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактда назарда тутилган инсон ҳуқуқлари бўйича (18 нафар экспертдан иборат) Кўмита;

иккинчидан, 1965 йил 21 декабрдаги Барча шаклдаги ирқий камситишларни батараф қилиш тўғрисидаги Халқаро конвенцияда назарда тутилган ирқий камситишларни бартараф қилиш бўйича (18 нафар экспертдан иборат) Кўмита;

учинчидан, 1984 йил 10 декабрдаги Қийноқ ҳамда муомила ва жазолашнинг шавқатсиз ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камси-

тувчи турларига қарши Конвенцияда назарда тутилган қийноққа қарши (10. нафар экспертдан иборат) Қўмита;

тўртинчидан, 1989 йил 20 ноябрдаги Болалар ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенцияда назарда тутилган болалар ҳуқуқи бўйича (10 нафар экспертдан иборат) Қўмитларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Одатда ушбу органлар аъзо давлатларнинг шартнома қоидаларининг бажарилиши бўйича маърузаларини кўриб чиқади.

Баъзан инсон ҳуқуқлари бўйича шартномаларда назарда тутилган ва халқаро ташкилотлар томонидан тузилган бир органда ўзига хос назорат механизмларининг бирлиги (нисбати) кўзга ташланади. Биёбарин, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактга мувофиқ унинг қоидаларининг бажарилиши борасидаги иштирокчи давлатларнинг маърузалари Бош котиб орқали ЭКОСОСга юборилади. Бундай назорат ЭКОСОС томонидан назорат функциясини ўз зиммасига олишга рози бўлгандан кейингина амалга ошган, чунки ЭКОСОС — Пактга мувофиқ тузилган орган бўлмай, балки БМТ органидир. 1985 йилда ЭКОСОС иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмитани ташкил қилган. Қўмита ЭКОСОСнинг назорат бўйича функциясини амалга оширишга ёрдамлашади.

1973 йил 30 ноябрдаги Апартеид жиноятини олдини олиш ва жазолаш тўғрисидаги Халқаро конвенцияни амалга ошириш учун назорат механизми — Учлик гуруҳини тузишда ҳам ўхшаш ҳуқуқий вазият вужудга келган эди. Конвенцияга мувофиқ Учлик гуруҳи Комиссия аъзолари ичидан ҳар йили инсон ҳуқуқлари бўйича Қўмита раиси томонидан тайинланади.

БМТ ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғуланувчи миллий институтлар

БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларга қўйидаги тузилмаларни киритади: инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссиялар, Омбудсман ва ихтисослашган институтлар.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссиялар — инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга тааллуқли қонунлар ва қоидаларнинг самарали қўлланишини таъминлаш учун тузилади. Кўпчилик комиссиялар бошқа давлат органларидан мустақил равишда фаолият кўрсатади, уларга қонунчилик органи олдида доимий равишда ҳисобот бериб

туриш вазифаси юклатилган. Ўзбекистонда бундай институт сифатида Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ фаолият кўрсатмоқда.

Омбудсмен — алоҳида шахс ёки бир гуруҳ шахслар бўлиши ҳам мумкин. Одатда у ўзининг конституциявий ваколатлари доирасида ёки махсус қонун асосида фаолият кўрсатувчи парламент томонидан тайинланади. Мазкур институтнинг асосий вазифаси ўзини давлат маъмуриятининг ноқонуний ҳаракатлари жабрланувчиси ҳисоблайдиган алоҳида шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат. Шунга кўра омбудсмен жабрланган шахс ва ҳукумат ўртасидаги ҳолис воситачи сифатида фаолият кўрсатади. Ўзбекистонда Омбудсман институти, яъни инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили 1995 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда.

Ихтисослашган институтлар — ҳар бир давлатда аҳолининг камситилиши мумкин бўлган, кам сонли табақалари мавжуд. Булар аксарият ҳолларда этник, тил ва диний камчиликни ташкил қилувчилар, маҳаллий аҳоли, чет элликлар, мигрантлар, эмигрантлар, қочоқлар, болалар, аёллар, шунингдек камбағаллар ва ногиронлардир. Ихтисослашган институтларга юқорида кўрсатилган шахсларни ҳимоя қилиш бўйича турли кенгашлар, қўмиталар ва комиссиялар кирилади.

Бошпана ҳуқуқи — маълум бир давлат томонидан ўзининг фуқаролигига эга бўлган давлатда ёки доимий яшаш жойида сиёсий қарашлари учун таъқибга олинган бирон-бир шахсга яшириниш имкониятини бериш ва бундай шахсни ушлаб бермасликдир.

Қочоқлар — миллати, диний эътиқоди, сиёсий эътиқоди учун таъқиблардан, ҳарбий ҳаракатлар ёки бошқа фавқулодда ҳолатлар натижасида доимий яшаб келган давлатини ташлаб чиққан шахслардир.

Олиб кетилган шахслар — Иккинчи жаҳон уруши даврида гитлерчилар томонидан босиб олинган ҳудудлардан турли ишларда фойдаланиш учун мажбурий тарзда олиб кетилган шахслардир.

Мажбуран кўчирилганлар — ҳарбий ҳаракатлар ўтказилиши, жамоат тартибининг оммавий равишда бузилиши ва бошқа инсон ҳуқуқларининг бузилиши натижасида миллати, тили, сиёсий ва диний эътиқоди бўйича жабрланиши ёки таъқиб остига олиниш хавфидан ўз давлат чегараси доирасида доимий яшаш жойларини ташлаб чиққан шахслар.



Такрорлаш учун саволлар

- ◆ Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳуқуқ нимани билдиради?
- ◆ Халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан инсон ҳуқуқлари қандай турларга бўлинади?
- ◆ Инсон ҳуқуқлари соҳасида универсал давлатлараро ҳамкорлик нимани англатади?
- ◆ Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро стандартлар нимани англатади?
- ◆ Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартлар халқаро ҳужжатларда қандай ифодаланган?
- ◆ Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳужжатларнинг умумий тавсифи нимани англатади?
- ◆ Инсон ҳуқуқларини қандай таснифлаш (классификациялаш) мумкин?
- ◆ Инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатлараро ҳамкорликнинг ривожланиши қандай босқичларни босиб ўтган?
- ◆ Инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатлараро ҳамкорлик тартиби ва халқаро механизмлари нималарни ўз ичига олади?
- ◆ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи миллий институтларга қайси муассасалар киради?

13-мавзу. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚ

- **Халқаро иқтисодий ҳуқуқ тушунчаси.**
- **Иқтисодий муносабатларни халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш.**
- **Халқаро иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш шакллари.**
- **Халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида халқаро ташкилотлар иштироки.**

Халқаро иқтисодий ҳуқуқ тушунчаси

Халқаро иқтисодий ҳуқуқ — халқаро ҳуқуқнинг алоҳида мустақил соҳаси бўлиб, халқаро ҳуқуқ субъектларининг халқаро иқтисодий алоқалар соҳасидаги муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидан иборат. Халқаро шартномаларнинг халқаро иқтисодий алоқаларнинг муҳим манбаи сифатида тутган ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Халқаро ҳамжамият ҳаётида иқтисодий муносабатлар мажмуини универсал асосда ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга интилиш ва зарурият кучайиб бормоқда.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқ замонавий халқаро ҳуқуқ соҳаси сифатида шаклланди, бироқ ҳали ушбу жараён ўз ниҳоясига етганича йўқ. Мазкур халқаро ҳуқуқ соҳаси унга тегишли нормаларни универсал асосда маълум тизимга солинишини (кодекслаштирилишини) талаб қилади. Давлатлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солиш шакли халқаро ҳуқуқнинг умумий ҳолатини ифодалайди.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқ нормалари шаклланишида ва қабул қилинишида халқаро ташкилотлар резолюциялари, шунингдек, халқаро конференциялар ва йиғилишларда қабул қилинган ҳужжатлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу муносабат билан халқаро ташкилотлар резолюциялари мазмуни асосида вужудга келадиган халқаро иқтисодий ҳуқуқнинг умумий нормалари аҳамиятини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Иқтисодий муносабатларни халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш

Иқтисодий муносабатларни халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш асосини халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари ташкил этади ва

давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг умумий доирасини белгилаб беради. Бироқ улар халқаро иқтисодий муносабатларни тартибга солиш учун етарли даражада аниқ шаклланмаган.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқни ташкил этувчи барча муҳим махсус тамойиллар мажмуини икки гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳга рия қилиниши барча ёки аксарият давлатлар учун мажбурий бўлган, халқаро ҳуқуқнинг асоий тамойилларидан келиб чиқувчи кенг тан олинган махсус тамойиллар киради.

Иккинчи гуруҳ тамойиллари — шартномавий, яъни давлатлараро муносабатларда фақат ўзлари учун аниқ шартномавий тамойиллар мажбурийлигини тан олганларида амалда бўладиган тамойиллардир.

Давлатларнинг миллий бойликлари ва табиий заҳиралари устидан ажралмас суверенитети тамойили давлатлар суверен тенглиги тамойилининг аниқлаштирилган шаклидир. **Ташқи иқтисодий алоқаларни ташкил этиш шаклини эркин асосларда танлаш тамойили** умумийроқ бўлган тамойил — ижтимоий-иқтисодий тузумни эркин асосларда танлаш тамойили билан узвий боғлиқ.

Давлатларнинг тенглиги тамойилидан келиб чиқувчи **иқтисодий камситмаслик тамойили** умум тан олинган одатий норма характери-га эга.

Савдо, иқтисод, фан ва техника соҳаларида ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш тамойили — ҳамкорлик ва суверен тенглик тамойилларига асосланади.

Қуйидаги тамойиллар шартномавий характер касб этади:

Мумкин қадар қулайлик бериш тамойили аҳдлашувчи давлатнинг иккинчи бир аҳдлашувчи давлат, унинг жисмоний ва юридик шахслари учун учинчи бир ҳар қандай давлат ёки унинг жисмоний ва юридик шахслари учун яратган ёки келажакда тақдим қиладиган шу каби қулай тартибни вужудга келтириш (ҳуқуқ, имтиёз, қулайликлар)ни инобатга олади.

Миллий тартиб тамойилига кўра, чет эл фуқаролари, корхоналари ҳамда маҳсулотлари шу давлат фуқаролари, миллий корхоналар ва маҳсулотлари билан тенг ҳуқуқий мавқега эга бўладилар.

Ўзаро дўстлик тамойили ҳорижий давлатга, унинг жисмоний ва юридик шахсларига маълум ҳуқуқ, имтиёз ва қулайликларни тақдим қилувчи давлатга, унинг жисмоний ва юридик шахсларига ҳам шу каби имтиёзлар бериш шarti билан тақдим этишга айтилади.

Халқаро иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш шакллари

Ҳозирги давр халқаро иқтисодий муносабатларини халқаро-ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий шаклини икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар ташкил этади.

Савдо шартномаларида (уларни, шунингдек, савдо ва денгизда сузиш, дўстлик ва савдо тўғрисидаги шартномалар ҳам деб номлашади) томонлар божхона тўловлари, маҳсулотларни олиб кириш ва олиб чиқиб кетишни тартибга солиш, транспорт, транзит, бир томон жисмоний ва юридик шахсларини иккинчи томон ҳудудидаги фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш каби масалалар белгиланади. Савдо — сиёсий тартиб тўғрисидаги низом ва томонларнинг иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ва мустақкамлашга кўмаклашиш мажбурияти савдо шартномаларининг марказий қондаси ҳисобланади. Мавжуд амалиётга мувофиқ савдо шартномалари узоқ муддатга (беш ёки ундан кўп йилга) ҳамда муддатсиз тузилади.

Савдо шартномаларининг асосий хусусиятини иқтисодий муносабатларга нисбатан тартибга солишнинг махсус шартномавий тамойиллари (мумкин қадар қулайликлар бериш тамойили, миллий тартиб тамойили)ни қўллаш тўғрисидаги қоида ташкил этади. Савдо шартномалари давлатлар ўртасидаги маҳсулот айрибошлашни тартибга солади (шунингдек, мазкур шартномалар маҳсулот етказиб бериш ёки маҳсулот айрибошлаш тўғрисидаги битимлар деб ҳам номланади). Одатда улар қисқа муддатларга (6 — 12 ойга) тузилади, бироқ охириги ўн йилликда узоқ муддатли (одатда 5 йилга) шартномалар тузиш амалиёти кенг тарқалди.

Ҳукуматлар ўртасидаги ўзаро маҳсулот етказиб бериш ҳажми битимга унинг таркибий қисми сифатида илова қилинадиган рўйхатларда кўрсатилади.

Кредит битимлари — шундай халқаро шартномаки, унга мувофиқ бир давлат (кредитор) иккинчи бир давлатга (қарздорга) маълум сумма беради ёки уларга маҳсулот етказиб беради, иккинчи давлат эса (қарздор ёки қарз олувчи давлат) шартномада кўрсатилган муддат ва шартларда (тилло, хорижий валюта, маҳсулот етказиб бериш ва бошқа тарзда) олинган қарзни узиш ва кредитдан фойдаланганлиги учун маълум ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

Ҳуқуқий нуқтаи назардан, ҳукуматлараро кредит шартномалари қарзни тўлаш тўғрисидаги мажбурият ҳисобланади. Мазкур шартномаларни тузишда қўшимча кафолатларга мурожаат қилиш зарурияти туғилади. Халқаро амалиётда кредитни тўлашни таъминлашнинг кенг тарқалган шакллари:

биринчидан, кредит шартномасини ратификация қилиш;
иккинчидан, қарз олувчи томондан ҳукуматга оид қарз мажбуриятларини бериш;

учинчидан, қарз олувчи томондан молия муассасаси қарз мажбурияти ёки миллий банк векселларини бериши шакллари мавжуд.

Халқаро ҳисоб-китоблар тўғрисидаги битимлар — халқаро иқтисодий муносабатларда етказиб берилган маҳсулотлар, кўрсатилган хизматлар, савдо ҳамда бошқа операциялар тўғрисида тузиладиган халқаро битимлар ҳисобланади. Ҳисоб-китобни амалга ошириш тартибини белгилаш тўғрисидаги шарт-шароитлар ўзга битимларга (мисол учун, маҳсулот айирбошлаш тўғрисидаги битимларга) ҳам киритилиши мумкин. Бундай ҳолатларда шартномани — “маҳсулот айирбошлаш ва ҳисоб-китоб тўғрисидаги битим” деб номлаш характерлидир.

Халқаро муносабатлар амалиётида халқаро ҳисоб-китоблар бўйича куйидаги битим турлари учрайди:

Тўлов битимлари. Тўлов битимларида давлатлар ўзаро тўловларни эркин ёки чекланган конвертация қилинадиган валюталарда амалга оширилишига ўз розилигини берадилар.

Клиринг битимлари.¹ Аҳдлашувчи томонлар ўртасида ташқи савдо ва бошқа операциялар билан боғлиқ қарз ва талаблар бўйича ўзаро ҳисоб-китобни амалга оширишни кўзда тутлади.

Тўлов-клиринг битимлари (аралаш турдаги). Ушбу битимга мувофиқ кредитор (қарз берувчи) қарздордан клиринг бўйича битимда белгиланган лимитдан (белгиланган меъёрдан) юқори бўлган қарз қисмини олтин ёки эркин валюта билан қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Иқтисод, саноат ва илмий-техника соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги узоқ муддатли комплекс битимлар савдо-иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий ҳамкорликнинг умумий истиқболлари, янги йўналишлари ва соҳаларини аниқлаб беради ҳамда унинг белгиланган муддатларда амалга ошишини таъмин этишга кўмаклашувчи ташкилий шаклларни кўрсатиб беради.

Халқаро маҳсулот битимлари. Қишлоқ ҳўжалиги ва минерал хом ашёларни етказиб берувчи экспортёр ва импортёр мамлакатлар ўртасида тузилади. Маҳсулот битимларининг асосий мақсади — қалай, каучук, бугдой, шакар ва шу каби бошқа хом ашё ва озиқ-овқат маҳсулотлари баҳосини тўсатдан ўзгаришининг олдини олишдир.

¹ Ташқи савдо муносабатларида банкларнинг ҳисоб-китоб ва бошқа ҳужжатлар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб юргизиши.

Халқаро маҳсулот битимлари — 1976 йилда ЮНКТАДнинг IV-сессиясида ҳам ашё маҳсулотлари учун қабул қилинган дастурнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Дастур ҳам ашё савдосини барқарорлаштириш, маҳсулот битимларини ишлаб чиқишни нормаллаштириш ва қайта ташкил этишга қаратилган кенг турдаги тadbирлар мажмуини белгилаб беради.

Халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида халқаро ташкилотлар иштироки

Халқаро ташкилотлар мустақил иқтисодий манфаатларга эга эмас, уларнинг бутун фаолияти давлатларнинг иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган.

Халқаро ташкилотлар ичида ўз аҳамиятига кўра биринчи ўринда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти туради.

Халқаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш — БМТнинг энг асосий мақсадларидан биридир. Ушбу масала билан БМТ доирасида Бош Ассамблея ҳамда Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш (ЭКОСОС) шуғулланади.

Бош Ассамблея ЭКОСОСга нисбатан раҳбарий функцияни олиб боради. Бош Ассамблеянинг ЭКОСОС учун қабул қилган тавсиялари юридик мажбурий кучга эга (БМТ Уставининг 60 ва 66-моддалари).

Бош Ассамблеянинг муҳим (доимий характердаги) ёрдамчи органи — Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича комиссия (ЮНСИТРАЛ)дир. Унинг асосий функцияси халқаро савдо ҳуқуқи нормаларини унификациялаштиришда кўмаклашишдан иборат.

ЭКОСОСнинг энг муҳим функцияларидан бири БМТнинг ихтисослашган муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиришдан иборат. Уларнинг кўпчилиги халқаро иқтисодий ҳамкорлик масалалари билан шуғулланади. Бу биринчи навбатда БМТнинг саноат тараққиёти бўйича ташкилоти (ЮНИДО)га тааллуқли. У 1985 йилда БМТнинг ихтисослашган муассасаси номини олган. Мазкур ташкилот ривожланаётган давлатларда саноат ривожланишига кўмаклашишда БМТ фаолиятини мувофиқлаштириб туриш билан шуғулланади.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1964 йилдаги сессиясида унинг ёрдамчи органи сифатида тузилган БМТнинг савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси (ЮНКТАД) бугунга келиб ўзининг кўп сонли ёр-

дамчи органларига эга бўлган мустақил ташкилотга айланган бўлса-да, у ўз номини ҳамон сақлаб қолмоқда. ЮНКТАДнинг асосий вазифаси халқаро савдо соҳасидаги тамойиллар ва сиёсатни аниқлашдан иборат.

Халқаро валюта Фонди (ХВФ) ва Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки (ХТТБ) — энг йирик валюта — кредит ташкилотлари ҳисобланади.

1990 йил 1 январгача бу икки ташкилот 151 тадан иборат аъзо — давлатларга эга эди. ХВФ ва ХТТБ — БМТнинг ихтисослашган муассасалари бўлиб, БМТ билан муносабатлар тўғрисидаги битимга (1947 йил) эди. Бироқ Бош Ассамблея, ЭКОСОС ва БМТ ихтисослашган муассасалари ўзаро муносабати ва мувофиқлашуви тамойил ва шакллари белгилаб берувчи ўзга битимлардан фарқли ўлароқ, ушбу битимларда ХВФ ва ХТТБнинг БМТдан сезиларли даражада мустақил эканлиги мустаҳкамланган.

1944 йилда тузилган битимга мувофиқ ХВФнинг асосий мақсадлари аъзо-давлатларнинг валюта-молия сиёсатини мувофиқлаштириб туриш ва уларга тўлов мувозанати (баланси) ва валюта курсларини қўллаб-қуватлаб туришни тартибга солиш учун (қисқа муддатли ва қисман узоқ муддатли) қарзлар бериш ҳисобланади.

ХТТБнинг бош мақсади — ишлаб чиқариш мақсадлари учун маблағ ажратишни рағбатлантириш орқали аъзо-давлатлар ҳудудини қайта қуриш ва ривожлантиришга қўмаклашишдан иборат. ХТТБнинг асосий вазифаси хусусий хорижий маблағ қўйишга кафолатлар бериш ёки бевосита иштирок этиш орқали рағбатлантириш, шунингдек, халқаро савдога ва тўлов мувозанатини қўллаб туришга қўмаклашишда намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси бу икки ташкилотнинг аъзосидир.

Тарифлар ва савдо бўйича бош битимнинг асосий фаолият шакли божхона тарифлари ва савдодаги бошқа тўсиқларни камайтириш бўйича тариф конференцияларини ўтказиш ва маслаҳатлар беришда намоён бўлади.

Аъзолари жаҳон савдосининг 90 фоизи назорат қилиб турган ушбу ташкилотга қўшилиш — Ўзбекистон ташқи иқтисодий сиёсатининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Ушбу ташкилотга қабул қилиниш амалда жаҳон бозорида кенг миқёсда олиб борилаётган савдо фаолиятида тенг асосларда иштирок эта олишни англатади. ГАТТга аъзолик истиқболлари унинг иқтисодий ва юридик талабларига риоя қилиш билан белгиланади. ГАТТ қоидалари энг умумий шаклда ушбу

ташкилотга аъзо бўлиб кираётган давлатдан ўз миллий қонунчилигини Битим қоидаларига имконият даражада мувофиқлигини таъминлашни талаб этади.

Европа Иттифоқи (ЕИ) аъзо-давлатлари 1992 йил 7 февралда Европа Иттифоқи тўғрисидаги шартномани (Маастрихт шартномасини) имзоладилар. Маастрихт шартномаси 1993 йил 1 ноябрдан эътиборан кучга кирди.

Европа Иттифоқи тўғрисидаги шартноманинг кучга кириши ғарбий Европа интеграциясида янги босқич бошланганидан далолат беради. Шартномага мувофиқ Иттифоқнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

биринчидан, иқтисодий ва ижтимоий юксалишга кўмаклашиш. Ушбу кўмак маълум мувозанатга асосланган ва барқарор бўлиши лозим. Унга ички чегараларга эга бўлмаган майдонларни яратиш, иқтисодий ва ижтимоий яқинлашувни кучайтириш, иқтисодий ва валюта иттифоқларини тузиш, хусусан ягона валютани муомалага киритиш орқали амалга оширилади;

иккинчидан, халқаро майдонда ўз мақоми ва мақсадини, биринчи навбатда умумий ташқи ва хавфсизлик сиёсатини амалга ошириш орқали мустақамлаш;

учинчидан, Иттифоқ фуқаролигини киритиш орқали аъзо-давлатлар фуқаролари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш;

тўртинчидан, адлия ва ички ишлар соҳасида яқин ҳамкорликни ривожлантириш.

Маастрихт шартномаси нафақат иқтисодий, балки сиёсий интеграцияда ҳам сезиларли силжиш юз берганидан, ЕИ функциялари кенгайганидан ҳамда унинг ҳуқуқий асослари мустақамланганидан далолат бермоқда.

Европа Иттифоқининг асосий органлари:

— Европа кенгаши (давлат ва ҳукумат бошлиқлари даражасида йилига камида икки маротаба ўз йиғилишини ўтказди);

— Кенгаш (ташқи ишлар вазирлиги ёки соҳа вазирликлари даражасида);

— Европа парламенти (518 депутатдан иборат);

— Европа судидан иборат.



Такрорлаш учун саволлар

- ◆ Халқаро иқтисодий ҳуқуқ халқаро ҳуқуқнинг мустақил соҳаси сифатида нимани англатади?
- ◆ Халқаро иқтисодий муносабатларни халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш асосини нима ташкил этади?
- ◆ Халқаро иқтисодий муносабатларни тартибга солиш соҳасида қандай халқаро ҳуқуқий шакллар мавжуд?
- ◆ Халқаро ташкилотлар халқаро иқтисодий муносабатларни тартибга солиш соҳасида қай тарзда иштирок этади?
- ◆ БМТнинг иқтисодий ва молиявий масалалар билан шуғулланувчи қандай ташкилотлари бор?
- ◆ БМТ ва уни ихтисослашган ташкилотларининг халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришдаги роли қандай?
- ◆ Европа Иттифоқининг асосий мақсадлари нимада?
- ◆ Ўзбекистон Республикасининг халқаро иқтисодий муносабатларда иштироки қандай?

- **Халқаро экология ҳуқуқи тушунчаси.**
- **Халқаро экология ҳуқуқи манбалари ва тамойиллари.**
- **Халқаро экология ташкилотлари.**
- **Денгиз муҳитини халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилиш.**
- **Атмосфера ва ер яқинидаги космик фазони муҳофаза қилишни халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш.**
- **Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилишни халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш.**

Халқаро экология ҳуқуқи тушунчаси

Халқаро экология ҳуқуқи халқаро ҳуқуқнинг алоҳида мустақил соҳаси бўлиб, халқаро ҳуқуқ субъектларининг ўзаро муносабатларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий бойликлардан ҳозирги ва келажак авлод томонидан оқилона фойдаланишни ҳуқуқий тартибга солувчи ҳуқуқий тамойиллар ва нормалар йиғиндисини ташкил этади.

Ҳозирги вақтда халқаро ҳуқуқий тартибга солишнинг икки бош йўналиши биринчи даражали аҳамиятга эга:

биринчидан, атроф-муҳитга зарарли таъсирнинг олдини олиш ва уни чеклаш;

иккинчидан, табиий бойликлардан оқилона (экологик нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ ёки барқарор) фойдаланишни таъминлаш.

Атроф-муҳитга зарарли таъсир аввало ўз табиати (кимёвий, радиоактив, “шовқинли” ва бошқалар), таъсир этиш объекти бўйича фарқ қилувчи турли ифлослантирувчи омиллардан иборат.

Табиий бойликлардан фойдаланишни тартибга солишда имконият чегарасида уларни сақлаб қолиш ва эксплуатация қилиш ўзга табиий объектларга салбий таъсир этиш оқибатларининг олдини олишга эътиборни қаратмоқ лозим.

Атроф-муҳитни халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг бошқа йўналишларига йирик табиий объектлар (қадимги тарихий ёдгорликлар) ва илмий-техникавий ҳамкорликни таъминлашни киритишимиз мумкин.

Табиатни халқаро муҳофаза қилиш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилганидан далолат берувчи муҳим воқеа 1992 йилда Рио-

де-Жанейрода бўлиб ўтган **БМТнинг атроф-муҳит ва тараққиёт бўйича конференцияси** ҳисобланади. Конференция атроф-муҳит ва иқтисодий ривожланишнинг ўзаро муносабати, Ер экотизимини сақлаб қолиш ва муҳофаза қилиш мақсадларида умумбашарий ҳамкорлик учун шарт-шароитлар яратиш каби бир қатор муҳим масалаларни муҳокама қилди.

Конференция ишида қуйидаги муҳим халқаро ҳужжатлар қабул қилинди:

1. Атроф-муҳит ва тараққиёт тўғрисидаги Рио декларацияси;
2. Биологик хилма — хиллик тўғрисида конвенция;
3. Иқлимни ўзгариши тўғрисида рамкали конвенция;
4. XXI аср кун тартиби — давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ва ноҳукумат ташкилотлар учун кенг қамровли тавсиялар тўплами.

Ушбу тавсияларнинг бажарилиши атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва унинг келгуси асрда барқарор ривожланишини таъминлаши лозим.

Дунёдаги мавжуд барча табиий бойликлар иккита асосий тоифага — **халқаро ва миллий** тоифаларга бўлинади.

Миллий табиий бойликлар (объектлар) алоҳида олинган давлатлар суверенитети ёки юрисдикцияси остида бўлади.

Халқаро табиий бойликлар (объектлар) алоҳида давлатлар суверенитети остида бўлмайди ёки ўзининг табиий даври жараёнида турли давлатлар ҳудудида вужудга келади. Шунга боғлиқ тарзда улар универсал ёки барча давлатлар учун фойдаланиш умумий бўлган (очик денгиз, Антарктика, континенталь шельфдан ташқаридаги денгиз ости, космик фазо, шу жумладан Ой ва бошқа осмон жисмлари) ва кўп миллатли, икки ёки бир неча давлатларга тегишли ҳамда улар томонидан фойдаланиладиган турларга бўлинади.

Халқаро табиий бойликларни (объектларни) муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий тартиби халқаро экология ҳуқуқи нормалари билан белгиланади. Универсал ёки умумий бойликлар мақомининг ҳуқуқий асосда ўзлаштириб олмаслик ва умумий фойдаланиш каби фундаментал тамойиллар ётади.

Халқаро экология ҳуқуқи манбалари ва тамойиллари

Халқаро экология ҳуқуқи халқаро ҳуқуқнинг муҳим таркибий қисми сифатида унинг асосий манбалари (халқаро шартнома ва одат)га эга.

Ҳозирги вақтда дунёда бевосита атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммосига тегишли уч юздан ортиқ умумий, минтақавий ва икки томонлама халқаро шартномалар мавжуд. Улардан энг муҳимлари куйидагилардан иборат:

- ♦ ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданияти ва табиат меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция (1972 йил);

- ♦ Йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ёввойи фауна ва флора турлари бўйича халқаро савдо тўғрисидаги конвенция (1973 йил);

- ♦ Табиий муҳитга нисбатан ҳарбий ёки ҳар қандай бошқа турдаги воситалардан зарарли фойдаланишни тақиқлаш тўғрисидаги конвенция (1977 йил);

- ♦ Кўчиб ўтаётган ёввойи ҳайвонлар турларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Бонн конвенцияси (1979 йил);

- ♦ Озон қатламини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Вена конвенцияси (1985 йил);

- ♦ Денгиз ҳуқуқи бўйича БМТ конвенцияси (1982 йил);

- ♦ Хавfli чиқитларни давлат чегараларидан ташқарига ташиш ва уларни чиқариб ташлашни назорат қилиш тўғрисидаги Базель конвенцияси (1989 йил).

Табиатни халқаро муҳофаза қилишда қуролсизланиш соҳасига тегишли халқаро битимлар муҳим аҳамият касб этади. Улар бевосита табиатни муҳофаза қилишга дахлдор бўлмасда, сайёрадаги муҳитни соғломлаштиришга кўмак беради. Халқаро экология ҳуқуқининг шаклланишида шартнома ва одатдан ташқари халқаро ташкилотлар ва конференциялар қарорлари каби халқаро норма ижодкорлигининг ёрдамчи манбалари ҳам муҳим ўрин эгаллайди:

- ♦ Инсонни ўраб турувчи муҳит тўғрисидаги БМТнинг Стокгольм декларацияси (1972 йил);

- ♦ Давлатларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва мажбуриятлари хартияси (1972 йил);

- ♦ БМТ Бош Ассамблеясининг давлатларнинг Ер табиатини ҳозирги ва келажак авлод учун сақлаб қолиш учун тарихий жавобгарлиги тўғрисидаги резолюцияси (1974 йил);

- ♦ Табиат умумжаҳон хартияси (1982 йил);

- ♦ Атроф-муҳит ва ривожланиш тўғрисида Рио декларацияси (1992 йил).

Халқаро экология ҳуқуқи доирасида унинг мустақил соҳавий таъмоийллари шаклланмоқда. Уларнинг атрофида катта кўламдаги меъёрий ҳужжатлар тўпланмоқда:

- ♦ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тамойили;
- ♦ давлатларнинг ўз табиий бойликлари устидан ажралмас суверенитети тамойили;
- ♦ давлат юрисдикциясидан ташқарида атроф-муҳитга зарар етказмаслик тамойили.

Халқаро экология ҳуқуқининг ушбу муҳим тамойилларидан ташқари бир қатор превентив характериға эға бўлган махсус тамо-йиллар яратилиш жараёнида турибди. Хусусан:

- ♦ атроф-муҳитга таъсир этишни баҳолаш тамойили;
 - ♦ атроф-муҳитга хавфли таъсир этиши мумкин бўлган фаолият тўғрисида олдиндан маълум қилиш ва ахборот айирбошлаш тамойили;
 - ♦ экологик жиҳатдан хавфли бўлган фаолиятни амалға оширишда ўзаро маслаҳатлашиш тамойили;
 - ♦ атроф-муҳитга нисбатан жиддий ёки олдини олиш қийин бўлган хавф мавжуд бўлган ҳолатларда эҳтиёт чораларини кўриш тамойили.
- Барча мазкур тамойиллар амалдаги кўпгина халқаро шартномаларда ўз ифодасини топган.

Халқаро экология ташкилотлари

Экология муаммоларини ҳал этиш соҳасида халқаро ҳамкорлик масалалари билан шуғулланувчи халқаро (ҳукуматларо ва ноҳукумат) ташкилотлар сони ўсиб, уларнинг фаолияти фаоллашиб бормоқда. Бу ерда марказий ўринни БМТ ҳамда у билан боғлиқ бўлган муассасалар ва органлар эгаллайди. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари доимо БМТ бош органлари: Бош Ассамблея, ЭКОСОС, шунингдек, минтақавий (регионал) ҳудудий комиссиялар, ЮНИДО, ПРООНнинг диққат марказидадир.

Инсонни ўраб турувчи ароф-муҳит тўғрисидаги БМТнинг Стокгольм декларацияси (1972 йил) тавсияларига асосан 1973 йилда БМТ доирасида атроф-муҳит бўйича БМТ Дастури (ЮНЕП) таъсис этилди. Унга БМТ тизимида табиатни муҳофаза қилиш дастурларини мувофиқлаштириш ва янги дастурларни мустақил тарзда амалға ошириш функцияси юклатилган.

БМТ тизимидаги ташкилотлар ичида ЮНЕСКО, ИМО, ВОЗ, ФАО, МАГАТЭ энг кўзга кўринарли саналади. Уларнинг ҳар бири ўз ваколатларига мувофиқ равишда унга мос келувчи экология муаммолари билан шуғулланади.

Ушбу соҳада фаолият юритувчи ноҳукумат ташкилотлари ичида энг нуфузлиси 1948 йилда барпо этилган **Табиат ва табиат бойликларини муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи (МСОП)**дир.

Денгиз муҳитини халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилиш

Денгиз муҳитини халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилиш, одатда умум-башарий ва минтақавий даражаларда олиб борилади. Универсал битимлар ичида энг муҳимлари қуйидагилардир:

биринчидан, Денгизни нефть билан ифлослантиришнинг олдини олиш бўйича Лондон конвенцияси (1954 йил, ўзгартиришлар билан 1958 йилда кучга кирган);

иккинчидан, Денгизни кемалар билан ифлослантиришнинг олдини олиш бўйича 1973 йилги Конвенция. Бу Конвенция 1978 йилги Протокол билан ўзгартирилган (МАР-ПОЛ конвенцияси 73F78; 1983 йилда кучга кирган);

учинчидан, Денгизни чиқитлар ва бошқа материаллар билан ифлослантиришнинг олдини олиш бўйича конвенция (1972 йилда тuzилган ва шу йилда кучга кирган). Ушбу Конвенция денгизда ҳар қандай экологик зарарли бўлган моддаларни кўмишни тартибга солиди. Бундай ҳодисалар оқибатларини тугатиш мақсадида 1969 йилда Очиқ денгизда нефть билан ифлослантиришга сабаб бўлаган аварияларга (фалокатларга) аралashiш тўғрисидаги Брюссель конвенцияси қабул қилинди (у 1975 йилда кучга кирган).

Бу каби ифлослантиришлар оқибатида келтирилган зарарни ундириш масалалари **Нефть билан ифлослантиришдан келиб чиқувчи зарар учун фуқаролик жавобгарлиги тўғрисидаги Брюссель конвенцияси** (1969 йил, 1975 йилда кучга кирган) нормалари билан тартибга солинади. Мазкур конвенция объектив, яъни кема эгаси айбидан қатъи назар жавобгарликни кўзда тутди ва тоvon (компенсация) тўлашнинг анчайин юқори даражасини белгилайди.

Денгиз муҳитини муҳофаза қилиш тўғрисида универсал битимлар билан бир қаторда кўпгина минтақавий битимлар ҳам мавжуд.

Атмосфера ва ер яқинидаги космик фазони муҳофаза қилишни халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш

Бугунги кунда халқаро ҳуқуқда атмосферадан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бутун муаммолар мажмуини тартибга солишга хизмат қилувчи ягона универсал ҳужжат йўқ.

Халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш биринчи навбатда жамият ва атмосферанинг ўзаро таъсири натижасида вужудга келаётган ўта долзарб муаммоларни тартибга солиш йўлидан бормоқда. Бу аввало ҳавони ифлослантириш, айниқса келтириб чиқарувчи кислотали ёмғирлар, озон қатламининг камайиши ва “иссиқхона таъсири” натижасида иқлимнинг дунё миқёсида иссиши. Атмосфера ва ер яқинидаги космик фазони муҳофаза қилишни халқаро-ҳуқуқий тартибга солишни белгиловчи қуйидаги халқаро ҳужжатларни айтиб ўтиш мумкин:

- ♦ Катта масофаларда ҳавони ифлослантириш тўғрисидаги конвенция (1979 йил, 1983 йилда кучга кирган);
- ♦ Озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича конвенция (1988 йилда кучга кирган);
- ♦ Атмосферада иссиқхона газлари тупланиши натижасида иқлимий ўзгаришлар хавфини туғдиришнинг олдини олишга қартилган чора-тадбирларни белгиловчи иқлимни ўзгартириш тўғрисидаги БМТнинг рамкали конвенцияси;
- ♦ Табиий муҳитга нисбатан ҳарбий ёки ҳар қандай бошқа турдаги воситалардан зарарли фойдаланишни тақиқлаш тўғрисидаги конвенция (1977 йилги 1978 йилда кучга кирган).

Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилишни халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш

Ҳозирги кунда ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилишни тартибга солувчи бир қатор халқаро битимлар мавжуд.

ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон маданияти ва табиат меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция (1972 йил) хусусан, табиат мерослари (йирик табиат комплексларини, йўқолиб кетаётган ҳайвонлар ва ўсимликлар мавжуд бўлган ҳудудлар ва ҳоказолар)ни жамoa бўлиб муҳофаза қилишнинг самарали тизимини яратишга хизмат қилади. Айниқса **Йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо тўғрисидаги Конвенция** (1973 йилги, 1975 йилда кучга кирган) муҳим аҳамият касб этади. Конвенция импорт-экспорт рухсатномаларини бериш тизими орқали бу тур ўсимлик ва ҳайвонлар савдоси устидан қаттиқ назоратни белгилайди.

Кучиб ўтаётган ёввойи ҳайвонлар турларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Бонн конвенцияси (1979 йил) суверен давлатлар ҳуду-

дини кесиб ўтаётган ҳайвонларга нисбатан муносабатларининг умумий нормаларини белгилайди.

Ҳуқуқий тартибга солиш асосини яратувчи умумий нормалар 1958 йилда қабул қилинган Очиқ денгиз тўғрисидаги ва балиқ овлаш тўғрисидаги ҳамда Очиқ денгиз тирик захираларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Женева конвенцияларида ўз ифодасини топган. Улар Денгиз ҳуқуқи бўйича БМТ конвенцияси (1982 йил) да янада ойдинлаштирилган ва ривожлантирилган. Ушбу ҳужжат денгиз бойликларидан оқилона фойдаланишнинг асосий шакл ва усуллари белгилаб беради.

Ниҳоят, сайёрамиз экотизимини сақлаш ва уни муҳофаза қилишда 1992 йилда Рио конференциясида қабул қилинган Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенция биринчи даражали аҳамиятга эга. Унинг мақсади биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш, унинг таркибий қисмларидан барқарор фойдаланиш, адолатли ва тенг асосларда биргаликда фойда олиш ҳисобланади.



Такрорлаш учун саволлар

- ◆ Халқаро экология ҳуқуқи нимани англатади?
- ◆ Халқаро экология ҳуқуқининг асосий манбалари ва тамойиллари қандай?
- ◆ Халқаро атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида қандай халқаро ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда?
- ◆ Уларга қандай вазифалар юклатилган?
- ◆ Қандай халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиб денгиз муҳитини муҳофаза қилиш тартибга солинади?
- ◆ Қандай халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиб атмосфера ва ер яқинидаги космик фазони муҳофаза қилиш амалга оширилади?
- ◆ Халқаро экология ҳуқуқи доирасида ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш амалга оширилади?

15-мавзу. ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ ҚУРАШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

- **Жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамкорлик тушунчаси.**
- **Халқаро жиноятчиликка қарши кураш соҳасида давлатлар ҳамкорлигининг асосий соҳалари.**
- **Халқаро жиноятчиликка қарши кураш соҳасида халқаро ҳамкорликда жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш.**
- **Ҳуқуқбузарлар билан муомала қилишнинг халқаро стандартлари.**
- **Жиноятчиликка қарши кураш бўйича халқаро ҳамкорлик ва халқаро ташкилотлар.**
- **Интерполнинг халқаро қидируви.**

Жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамкорлик тушунчаси

Жиноятчиликка қарши кураш бўйича ҳамкорликнинг бош муаммоси ишнинг категориясига қараб фуқаролик, маъмурий, жиноий ва бошқа муаммоларга ажратилади.

Давлатларнинг жиноятчиликка қарши кураш бўйича қонунчилиги асосан уларнинг миллий қонунчилиги билан белгиланади ва айрим ҳолларда мазкур давлат тан олган халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан белгиланади.

Жиноий юрисдикцияни белгилаш ҳудудийлик тамойилига асосланади, унга кўра бир давлат ҳудудида содир этилган жиноят ўша давлатнинг суди юрисдикцияси доирасига киради. Бироқ бу мутлақ қоида ҳисобланмайди.

Юрисдикцияларни аниқлашда миллий қонунчиликлардаги турли ёндашувлар муайян жиноятларга нисбатан икки ва бир неча давлатлар юрисдикцияси коллизиясини (тўқнашувини) келтириб чиқаради (масалан, жиноят содир этилган давлат ҳудудий тамойилига амал қилса, жиноятчининг давлати миллий тамойилига амал қилиши мумкин). Бундай коллизиялар давлатлар ўртасидаги келишув асосида ҳал қилиниши мумкин.

Ҳамкорликнинг шакли ва даражаси жиноят қай даражада халқаро ҳамжамият манфаатларига зарар келтиришига боғлиқ. Бу борада:

биринчидан, халқаро жиноятлар;

иккинчидан, халқаро характердаги жиноятлар;

учинчидан, умумий жиноятлар (умумжиноий ҳуқуқбузарликлар)-ни кўрсатиш мумкин.

Халқаро жиноятлар. БМТнинг Халқаро ҳуқуқ Комиссияси давлатлар томонидан халқаро ҳамжамиятнинг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш учун асосий аҳамият касб этадиган мажбуриятларни бузишни халқаро-ҳуқуқий қилмиш сифатида белгилайди. Бундай жиноятларни содир этганлик учун давлат билан бир қаторда индивидлар ҳам жавобгарликка тортилади.

Халқаро характердаги жиноятлар миллий ҳуқуқий тартиботга тажовуз қилиши билан бирга халқаро ҳамжамиятнинг муҳим манфаатларига ҳам зарар келтиради. Баъзан бу жиноятларни конвенциявий ҳам деб аталади, чунки давлатларнинг халқаро характердаги жиноятларнинг муайян турига қарши кураши кўптомонлама халқаро шартномалар асосида амалга оширилади.

Умумий жиноятлар халқаро тартиботга тажовуз қилмайди ва халқаро ҳамжамият манфаатларига зарар келтирмайди, лекин бундай жиноятлар бўйича одил судловни амалга ошириш бошқа давлатларнинг ёрдамисиз амалга ошириб бўлмайди.

Халқаро жиноятчиликка қарши кураш соҳасида давлатлар ҳамкорлигининг асосий соҳалари

Давлатлар халқаро характердаги жиноятларнинг қароқчилик, қулдорлик ва қуллар билан савдо қилиш, одамларни сотиш, террорчилик, одамларни гаровга олиш ва бошқа турларига қарши курашда ҳамкорлик қиладилар.

Қароқчилик зўрлик билан кемалар ва юкларни тортиб олиш билан боғлиқ жиноий фаолиятни англатади. 1958 йилдаги Конвенция шахсий мақсадларда хусусий кема ёки учиш аппарати экипажи ёки йўловчилари томонидан бошқа кема ёки учиш аппаратига қарши ёхуд бортдаги шахсларга ёки мол-мулкка нисбатан очиқ денгизда ёки бирон бир давлат юрисдикциясидан ташқарида содир этилган ҳар қандай ғайриҳуқуқий зўрлик ушлаб туриш ёки босқинчилик хатти-ҳаракатларини қароқчилик сифатида баҳолайди.

1958 йилдаги қароқчиликка қарши кураш билан боғлиқ Конвенция қоидалари БМТнинг 1982 йилдаги денгиз ҳуқуқи бўйича Конвенциясига киритилган (100-107 — моддалар).

Қулчилик ва қуллар билан савдо қилиш. Қулчилик ва қуллар билан савдо қилишга қарши давлатларнинг ҳозирги кунги ҳамкорлиги масалалари Қулчиликка оид 1926 йилдаги Конвенция, Қулчиликка оид 1926 йилдаги Конвенцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги 1953 йилдаги Протокол, Қулчиликни, қулларни сотиш ва қулчилик билан ўхшаш одатлар ва институтларни тугатиш тўғрисидаги қўшимча 1956 йилдаги конвенция билан тартибга солинади.

Қуллик шахснинг шундай мақоми ёки ҳолатики, унга нисбатан мулк ҳуқуқига хос тарзда айрим ёки барча ваколатларнинг амалга оширилиши билан боғлиқ. Шахсни ушлаб туриш, сотиш ёки қул қилиш мақсадида уни сотиш ёки алмаштириш учун сотиб олиш, шунингдек, ҳар қандай қуллар савдоси билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиш қулдорлик ҳисобланади.

Инсонни сотишга қарши кураш. Инсонларни сотиш ва учинчи шахслар томонидан фоҳишаларни эксплуатация қилишга қарши кураш тўғрисидаги 1950 йилдаги Конвенцияда тартибга солинган. Унга кўра аъзо давлатлар бошқа шахснинг хирсини қондириш учун фоҳишабозлик мақсадида учинчи шахсларни жалб қилиш, йўлдан уриш ва қўшмачиллик қилган, учинчи шахсларни, ҳатто, ўзининг розилиги билан фоҳишалигидан фойдаланган шахсларни жазолаш мажбуриятларини олган.

Терроризмга қарши кураш борасида 1937 йилда Женевада терроризмнинг олдини олиш ва йўқ қилиш тўғрисидаги Конвенция қабул қилинган. Унда жазолашга тортилиши зарур бўлган қилмишларни санаб ўтиш билан терроризм тушунчаси берилган. Хусусан, уларга давлат раҳбарлари ва бошқа давлат арбобларининг ҳаётига суиқасд қилиш, кўпуровчилик ҳаракатлари, кўпчиликка хавф тўғдирадиган ҳаракатлар, террористик ҳаракатларга тайёрланиш ва унга ундаш, терроризмни воситалар билан таъминлаш, қалбаки ҳужжатлар тайёрлаш, олиб кириш, бошқага бериш ва онгли равишда қасддан фойдаланиш киради. Конвенцияда кўзда тутилган жиноятлар аъзо давлатлар ўртасидаги жиноятчини ушлаб бериш тўғрисидаги шартномага мувофиқ жиноятлар рўйхатига киради. Агар жиноятчини ушлаб бериш бу борадаги шартнома бўлишини назарда тутса, икки давлат ўртасида бундай шартнома мавжуд бўлмаган тақдирда

жиноятчини ушлаб бериш учун Конвенция қоидалари ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Гаровга олиш. Сўнгги ўн йилларда шахсни гаровга олиш амалиёти кенг тарқалган. Ундан турли мамлакатларда урушаётган гуруҳлар, миллий озодлик отрядлари ва уюшган жинойий гуруҳлар фойдаланмоқда. 1979 йили БМТ Бош Ассамблеяси гаровга олишга қарши кураш тўғрисида Конвенция қабул қилган. Шахсни ушлаб туриш, уни ўлдириш ёки оғир тан жароҳати етказиш, гаровга олинганларни тўлиқ ёки қисман озод қилиш шарти сифатида учинчи тарафни у ёки бу ҳаракатларни амалга ошириш ёхуд муайян ҳаракатлардан тийилишга мажбур қилиш жиноят ҳисобланади.

Иштирокчиликка ҳаракат қилиш ҳам жиноят ҳисобланади.

Конвенцияда иштирок этган давлатлар ўз миллий қонунчилигида мазкур жиноятни оғир характердаги жиноят сифатида жазо тайинлашни назарда тутадилар. Бу борадаги жиноятларнинг олдини олишда, шунингдек, жиноятчиларни жазолаш ва унга қарши курашда ёрдам кўрсатиш масалаларида аъзо-давлатлар ҳамкорлик қилиш мажбуриятини олади.

Фуқаролик авиацияси ва денгиз кемалари хавфсизлиги учун кураш. 60-йилларда ҳаво кемаларини қўлга олиш ходисалари кўпайиши 1963 йилда ҳаво кемасида содир этиладиган жиноятлар ва айрим бошқа ҳаракатлар тўғрисидаги Токио Конвенцияси қабул қилинишига олиб келди.

1970 йилда ҳаво кемаларини ноқонуний равишда ушлаб туришга қарши кураш тўғрисидаги Гаага конвенцияси қабул қилинган. Мазкур конвенцияга кўра ҳар қандай шахснинг зўрлик ёки зўрликни қўллаш билан қўрқитиш йўли билан ҳаво кемасини қўлга олиши ёки унда назорат ўрнатишига қаратилган ноқонуний хатти-ҳаракати жиноят ҳисобланади.

1971 йили фуқаролик авиацияси хавфсизлигига қарши қаратилган ноқонуний ҳаракатларга қарши кураш тўғрисидаги Монреаль конвенцияси, 1988 йилда эса халқаро аэропортларда ноқонуний зўрлик ҳаракатларига доир Протокол қабул қилинган.

Учала конвенция гумон қилинаётган жиноятчи Конвенция иштирокчиси бўлган давлатлардан бирининг ҳудудидида бўлса, универсал юрисдикцияни назарда тутаети. Бундан ташқари ҳаво кемаларини ёки денгиз кемаларида давлат байроғини рўйхатга олиш ваколати ҳудудий юрисдикция (1971 ва 1988 йилдаги Конвенция),

фуқаролик(1988 йилдаги Конвенция), давлатнинг ҳудудига қўнадиган ҳаво кемаси ва унда гумон қилинаётган жиноятчи бўлганда юрисдикцияси (1971 ва 1988 йилдаги Конвенция) назарда тутилган. Жиноятчини бериш *aut dedere aut punere* (ушлаб бер ёки жазола) тамойили асосида тартибга солинади. Жиноятчи қайси давлат ҳудудида бўлса, ўша давлат қамоққа олади. Агар давлат жиноятчини бермаса, уни ўзининг ваколатли органларига жинойий судловни олиб бориш учун беришга мажбур.

Ҳар бир аъзо-давлат ўз жиноят қонунчилигида учала конвенцияда назарда тутилган жиноятларнинг оғирлигини ҳисобга олган ҳолда жазони назарда тутди.

Гиёвандлик воситаларини ноқонуний тарқатишга қарши кураш. Бу борада биринчи халқаро шартнома 1912 йилда Гаагада тузилган эди. Ушбу конвенция тамойиллари кейинги халқаро ҳужжатларда, жумладан ҳозирги кунда амалда бўлган 1961 йилдаги гиёвандлик воситалари тўғрисидаги Ягона конвенцияда (иштирокчилар учун аввалги конвенцияларни бекор қилган), 1971 йилдаги Психотроп моддалар тўғрисидаги Конвенцияда, 1988 йилдаги Гиёвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан ноқонуний муомала қилишга қарши кураш тўғрисидаги БМТ Конвенциясида ўзлаштирилган ва ривожлантирилган. Мазкур халқаро шартномалар гиёвандлик воситалари ва психотроп моддалардан тиббий ва бошқа қонуний мақсадларда фойдаланишни ҳамда шундай восита ва моддаларни суиистеъмол қилишга йўл қўйилмаслигини эътироф этади.

Гиёвандлик воситалари ва психотроп моддалар устидан назорат қилувчи халқаро органлар гиёвандлик воситалари бўйича ЭКОСОС Комиссияси ва гиёвандликни назорат қилиш бўйича Халқаро қўмита ҳисобланади.

1990 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 17-махсус сессияси гиёвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ноқонуний ишлаб чиқиш, сотиш ва сотиб олиш, муомала қилиш ва тарқатишга қарши кураш борасида халқаро ҳамкорлик бўйича Сиёсий декларация ва Умумжаҳон ҳаракат дастурини қабул қилган. Декларация 1991-2000 йиллар даврини гиёвандликни суиистеъмол қилишга қарши кураш бўйича БМТ Ўн йиллиги деб эълон қилган.

Ёлланган жиноятчиларни жалб қилишга қарши кураш 1989 йилдаги ёлланма жиноятчиларни ёллаш, фойдаланиш, молиялаш ва тайёрлашга қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияда ҳуқуқий жиҳатдан

мустақамлаб қўйилган. Ковенцияга қўра ёлланилган шахснинг ва ёллаш билан, бундай шахсдан фойдаланиш, молиялаш ёки ўқитиш билан шуғулланувчи шахснинг хатти-ҳаракатлари ҳам жиноят ҳисобланади. Иштирокчилик ва уриниш ҳам жазога тортилади. Аъзо-давлатлар ўз миллий қонунчилигида бундай жиноятларнинг жиддийлигидан келиб чиқиб тегишли жазони назарда тутди.

Ёлланган шахс давлатнинг конституциявий тизими ёки ҳудудий яхлитлигини бузишга қаратилган қуроли мижароларда иштирок и биргаликда зўрлик ҳаракатларини амалга ошириш учун махсус жалб қилинган шахс ҳисобланади. Ёлланган шахснинг қуроли мижароларда ва зўрлик ҳаракатларида иштирок этишининг асосий мақсади катта миқдорда моддий фойда қўришдан иборат. Ёлланган шахс қуроли мижаролар ҳолатида турган давлат ёки зўрлик ҳаракатлари қаратилган давлатнинг фуқароси бўлмайдди. Бундан ташқари ёлланган шахслар урушаётган давлатларнинг қуроли кучлари таркибига кирмайдди.

Конвенцияда юрисдикция тушунчасининг кенг тарқалган формуласи ҳудудий тамойил, фуқаролик тамойили ва универсаллик тамойилида ўз ифодасини топган.

Халқаро жиноятчиликка қарши кураш соҳасида халқаро ҳамкорликда жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш

Давлат ҳокимиятининг жиноий-процессуал ҳаракатлари унинг ҳудуди билан чегараланган. Зотан айрим вақтларда жиноий ишлар бўйича одил судловни амалга ошириш учун бошқа давлат ҳудудида ҳам процессуал ҳаракатларни амалга ошириш талаб қилинади. Ҳолбуки, давлат суверенитети тамойили бир давлат ҳокимиятини иккинчи бир давлат ҳудудида тўғридан-тўғри ҳаракатларни (шу жумладан судлов ишларини) амалга оширишни истисно қилади. Шу боис зарурий процессуал ҳаракатларни ўтказиш учун ягона имконият тегишли давлатга ёрдам сўраб мурожаат қилишдир. Давлатларнинг жиноий ишлар бўйича ҳамкорлиги икки томонлама ва минтақавий даражада ривожланади ва бундай ҳамкорликнинг фақат айрим масалалари кўп томонлама халқаро шартномаларга киритилади.

Жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш: ҳужжатларни топшириш ва жўнатиш, амалдаги ҳуқуқ ва суд амалиёти тўғрисида

ахборот бериш, айбланувчини, судланувчини, гувоҳларни, экспертларни сўроқ қилиш, экспертиза ва суд кўригини ўтказиш, далилий ашёларни бериш, жиноий иш кўзғатиш, жиноят содир этган шахсни ушлаб бериш орқали амалга оширилади.

Ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоснинг ёзма шакли назарда тутилган ва уни реквизитлари белгиланган. Илтимоснома ва унга илова қилинган ҳужжатлар сўралган тараф тилида расмийлаштирилади ва сўраган тарафнинг тилига қилинган таржима қўшиб жўнатилади. Ҳар бир томон ўз ҳудудида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни ўз зиммасига олади. Ҳуқуқий ёрдам сўралаётган тарафнинг процессуал қонунларида назарда тутилган тартибга биноан амалга оширилади. Бироқ сўраётган давлатнинг илтимосига кўра уни процессуал меъёрлари, агар улар ҳамкор давлатнинг қонунчилигига зид келмаса, қўлланиши мумкин.

Давлатларнинг халқаро ҳамкорлигида амалга ошириладиган жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатишнинг турларидан бири жиноятчини ушлаб қайтариб беришдир (экстрадиция). Экстрадиция давлат томонидан ўз ҳудудидаги шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ёки ҳукми ижро этиш учун бошқа бошқа давлатга топширишни билдиради.

Судланган шахсларни беришга нисбатан 1978 йили Берлинда озодликдан маҳрум қилинган шахсларни жазони ўташ учун фуқаролигига мансуб бўлган давлатга бериш тўғрисидаги Конвенция қабул қилинган. Жиноятчининг бериш суди ҳукм чиқарган давлатнинг ташаббуси билан ўша шахс фуқаролигига мансуб бўлган давлатнинг розилиги билан амалга оширилади.

Ҳуқуқбузарлар билан муомала қилишнинг халқаро стандартлари

БМТ доирасида одил судловни амалга оширишнинг муайян стандартларини ўрнатувчи ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Уларда одил судловни амалга ошириш ишларига у ёки бу даражада дахлдор бўлган мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракат меъёрлари, ҳуқуқбузарлар билан муомала қилишнинг қоидалари, жиноят қурбонларини ҳимоя қилувчи меъёрлар ўз ифодасини топган. Шундай ҳужжатлар жумласига Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбу-

зарлар билан муомала қилиш бўйича БМТ 1-чи Конгрессида 1955 йилда қабул қилинган ва кейинроқ ЭКОСОС томонидан маъқулланган Махбуслар билан муомала қилиш қоидаларининг Минимал стандартлари киради. Бу қоидалар халқаро шартнома ҳисобланмайди, улар фақат давлатлар учун мазкур соҳада ўз миллий ҳуқуқий меъёрларини ишлаб чиқишда намуна бўлиб хизмат қилади.

Қоида икки қисмдан иборат: биринчиси ҳамма тоифадаги маҳбусларга тегишли бўлган умумий қоидалар, иккинчиси алоҳида тоифадаги маҳбусларга тегишли, аниқроғи, руҳий касал ва ақли заиф судланганлар, фуқаролик ишлари бўйича ва хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳибсга олинган судланувчилардир. Қоида кўпгина асосларда камситишларга йўл қўймаслик тамойилига таянади ва маҳбусларнинг диний эътиқоди ва ахлоқий одатларини ҳисобга олади.

Халқаро ҳамжамият қийноққа солишни тақиқлашга катта эътибор беради. 1975 йили БМТ Бош Ассамблеяси барча шахсларни қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз гайриинсоний ёки қадр-қимматини таҳқирловчи муомала ва жазо турларидан ҳимоя қилиш тўғрисидаги Декларацияни қабул қилган.

1979 йили БМТ Бош Ассамблеяси ҳуқуқий тартиботни сақлаб туриш бўйича мансабдор шахсларнинг Ахлоқ кодексини қабул қилди. Кодекс халқаро шартнома ҳисобланмай, тавсиявий характердаги меъёрлардан иборат.

Жиноятчиликка қарши кураш бўйича халқаро ҳамкорлик ва халқаро ташкилотлар

Жиноятчиликка қарши кураш ижтимоий ва гуманитар муаммо сифатида БМТнинг амалий фаолиятининг йўналишларидан бири ҳисобланади. Жиноятчиликка қарши кураш масалалари билан бевосита БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилишнинг олдини олиш бўйича Конгресс ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича БМТ Кўмитаси шуғулланади. Конгресснинг асосий мақсади турли давлатларнинг миллий даражада эришган ютуқларини ҳисобга олган ҳолда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш ҳамда ҳуқуқбузарлар билан муомалада бўлишнинг йўналишлари ва воситаларини аниқлашдан иборат.

Жинойят полицияси Халқаро ташкилоти (Интерпол) жиноячиликка қарши кураш бўйича амалий ишларни олиб боради. Ташкилотнинг мақсади жиноят полициясининг барча органларини кенг ўзаро ҳамкорлик қилишга қўмаклашиш, шунингдек, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашга ёрдам бериши мумкин бўлган муассасаларни ташкил этишдан иборат.

Биринчидан, ташкилотнинг жиноячиларни ҳисобга олиш маркази ҳисобланиши Интерпол мақсадларига эришишига хизмат қилади.

Иккинчидан, Интерпол халқаро қидирувни амалга оширади. Жиноятчи топилганида полиция ўз давлатининг қонунларида белгиланган тартибда уни қўлга олади ва ўз Миллий Марказий Бюросини хабардор қилади.

Интерполнинг кенг маънода ахборот маркази сифатидаги ҳам роли жуда муҳим. Бу борада статистик ва ахборот хизматлари, техник ёрдам мувоффақиятли фаолият олиб бормоқда.

Интерполнинг халқаро қидируви

Интерпол қуйидагича халқаро қидирув ишларини амалга оширади:

1. Оддий қидирув — “Қизил циркуляр” барча Интерполга аъзо давлатларда қўлга олиш талаби билан амалга оширилади. “Кўк циркуляр” қидирув тўғрисидаги талаб Интерполга аъзо давлатларга тарқатилади ва бундан ташқари бедарак йўқолганлар картотекасидан фойдаланилади.

2. 3 ойгача тезкор қидирув — қўлга олиш ҳақидаги талаб муайян минтақадаги мамлакатларга ёки бир неча давлатларга радио, телеграф ва бошқа воситалар орқали берилади.

3. Оддий қидирув — “Яшил циркуляр” ваколатли органларга кузатиб бориш ва хулқ-атвори тўғрисида хабар бериш талаб қилинади.

4. Аралаш қидирув — “Қизил ва яшил циркуляр” биргаликда қўшиб олиб борилади, баъзи бир давлатларда қўлга олиш ва бошқа бир давлатларда кузатув остига олиш талаб қилинади.

“Қора циркуляр” Интерполга аъзо давлатларга жасаднинг шахсини фотосурат бўйича аниқлаш талаби билан тарқатилади. Аниқланмаган жасадлар картотекасидан фойдаланилади. Махсус нашрлар ўғирланган нарсалар фотосуратлари бюлетенидан, шунингдек, махсус картотека ва ЭҲМ маълумотлар банкидан фойдаланилади.



Такрорлаш учун саволлар

- ◆ Жиноячиликка қарши курашда халқаро ҳамкорлик соҳасида давлатлар олдида қандай ҳуқуқий муаммолар бор?
- ◆ Халқаро жиноячиликка қарши кураш борасида давлатларнинг ҳамкорлиги қандай асосий соҳаларда олиб борилади?
- ◆ Халқаро жиноятчиликка қарши кураш борасида жиноий ишлар бўйича халқаро ҳамкорликда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш қандай амалга оширилади?
- ◆ Ҳуқуқбузарлар билан муомала қилишнинг қандай халқаро стандартлари мавжуд?
- ◆ Қайси халқаро ташкилотлар доирасида жиноятчиликка қарши халқаро ҳамкорлик амалга оширилади?
- ◆ Экстрадиция нимани англатади?
- ◆ Интерпол қандай халқаро қидирув ишларини олиб боради?

16-мавзу. ХАЛҚАРО ДЕНГИЗ ҲУҚУҚИ

- Халқаро денгиз ҳуқуқи тушунчаси.
- Ички денгиз сувлари.
- Худудий денгиз тушунчаси.
- Ён-атрофдаги зона тушунчаси.
- Очиқ денгизнинг ҳуқуқий мақоми.
- Давлатга тегишли иқтисодий зона тушунчаси.
- Халқаро каналларнинг ҳуқуқий мақоми.
- Континенталь шельф.
- Халқаро денгиз ости районининг ҳуқуқий мақоми.
- Денгиздаги низоларни тинч йўл билан ҳал этиш.
- Халқаро денгиз ташкилотлари.

Халқаро денгиз ҳуқуқи тушунчаси

Халқаро денгиз ҳуқуқи — замонавий халқаро ҳуқуқнинг мустақил соҳаси бўлиб, халқаро ҳуқуқ субъектларининг дунёдаги океанларда фаолият кўрсатишлари борасидаги муносабатларини тартибга солувчи, ҳуқуқий мақом ва денгиз худудларининг режимини ўргатувчи тамойиллар ва нормаларнинг мажмуини ташкил этади.

Денгиз ҳуқуқи халқаро ҳуқуқнинг энг қадимий соҳаларидан ҳисобланади. Денгиз ҳуқуқи нормалари давлатларнинг денгизда сузиш ва балиқчилик, денгиз бойликлари ва худудларини ўрганиш ва улардан фойдаланишга қаратилган кўп асрлик амалиёти натижасида пайдо бўлган. Денгиз ҳуқуқи тарихида қадим замонларда тузилган халқаро келишувлар тўғрисида малумотлар бор. БМТнинг ташкил этилиши ва унинг қошида тузилган Халқаро ҳуқуқ комиссиясининг фаолияти денгиз ҳуқуқи нормаларини кодификациялаштириш жараёнларига катта туртки бўлди. Халқаро ҳуқуқ комиссияси, ундан кейин БМТнинг денгиз ҳуқуқи бўйича биринчи Конференцияси (1958 йил)да тўртта:

1. Очиқ денгиз тўғрисидаги;
2. Худудий денгиз ва Ён-атрофдаги зона тўғрисидаги;
3. Континенталь шельф тўғрисидаги;
4. Балиқчилик ва очиқ денгиздаги табиий ресурсларни қўриқлаш тўғрисидаги конвенциялар ишлаб чиқилди ҳамда қабул қилинди.

1973 йилдан 1982 йилгача Конференциянинг ўн битта сессияси бўлиб ўтди, уларда 164 та давлат вакиллари қатнашдилар. Бундай кўп вакиларнинг қатнашганлиги ўзининг иқтисодий ривожланганлиги ва жуғрофий жойлашганлиги билан ажралиб турувчи давлатлар ўртасида муросани топишни анча қийинлаштирди. Шундай бўлса ҳам 1982 йилнинг 10 декабрида Конференция денгиз ҳуқуқи бўйича БМТнинг янги Конвенциясини қабул қилди. Катта денгиз бўйи давлатларидан Буюк Британия, АҚШ ва ГФР конвенцияга имзо чекмади. Россия ҳам ушбу Конвенцияни ратификация қилмаган. Бундай шароит яқин келажакда ҳам сақланиб қолса керак. Шунинг учун Конвенция 60 та ратификация ҳужжатини йиғганда кучга кириди.

Ички денгиз сувлари

Ички денгиз сувлари қирғоқбўйи давлати ҳудудининг бир қисми бўлиб, ўша ҳудудларга тегишли давлатнинг суверенитети остида бўлади. Бундай ҳудудларга портлардаги, қўлтиқлардаги, бухталардаги, лиманлардаги сувлар, шунингдек, ҳудудий денгизнинг бошланиш чизиқларидан қирғоққача бўлган ҳамда тарихан тегишли бўлган сувлар кириди.

Қирғоқбўйи давлати ички денгиз сувларига бўлган суверенитетдан келиб чиқиб, ушбу ҳудудларининг ҳуқуқий мақомини белгилайди. Хусусан, ўша давлат хорижий кемаларнинг ўзининг ички денгиз сувларига киришлари тартиб-қоидаларини ўрнатади.

Ҳар бир хорижий кема қирғоқбўйи давлатининг ички денгиз сувларида ўша давлатнинг божхона, санитар ва иммиграциявий назорат қоидаларига, кема қатнови хафсизлиги, атроф-муҳитнинг қўриқлаш тартиб қоидаларини ҳурмат қилмоғи, яъни уларга амал қилмоғи лозим. Балиқ овлаш ва табиий бойликларни қазиб олиш фақат қирғоқбўйи давлатининг рухсати билан амалга оширилади. Ички денгиз сувларида сузиб юрган ҳар бир савдо кемасига қирғоқбўйи давлатининг юрисдикцияси (жиноий, фуқаровий, маъмурий) тарқалади.

Жиноий юрисдикция. Қирғоқбўйи давлатининг жиноий юрисдикциясига хорижий савдо кемаларида содир этиладаган жиноятлар кириди. Қирғоқбўйи давлатининг ваколатли органлари хорижий савдо кемасини ушлаб, ҳибсга олишлари мумкин. Амалда эса қирғоқбўйи давлати, агар ўша кема ушбу давлат, унинг жисмоний ёки ҳуқуқий шахслари билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаса, ўша ажнабий давлат савдо кемасига бўлган давони кўриб чиқишдан бош тортиши мумкин.

Маъмурий юрисдикция. Хорижий савдо кемалари қирғоқбўйи давлатларининг маъмурий норма ва кўрсатмаларига тўлиқ амал қилиши лозим.

Фуқаровий юрисдикция. Қирғоқбўйи давлатининг судлов органлари ўзининг ички денгиз сувларида сузиб юрган хорижий савдо кемасига тегишли фуқаровий даволарни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга.

Худудий денгиз тушунчаси

Худудий денгиз (худудий сувлар) — қирғоққа яқин ёки ички денгиз сувларига кўшилиб кетувчи ҳамда ўша давлатнинг суверенитети остида бўлган денгиз чизиғидир. 1982 йилги Конвенция ҳар бир давлат худудий денгиз кенглигини 12 денгиз мили ичида ўрнатиши мумкин деб уқтиради.

Худудий денгизнинг халқаро-ҳуқуқий мақоми худудий денгиз тўғрисидаги Женева Конвенцияси (1958 йил) ва БМТнинг Денгиз ҳуқуқи Конвенцияси (1982 йил) билан ўрнатилган. Худудий денгиз ҳуқуқий мақомининг асоси — қирғоқбўйи давлатининг суверенитетидир ва ушбу суверенитет худудий денгиз устидаги ҳаво бўшлиғига, денгиз қаърига, у ердаги бойликларга ҳам тарқалади. Бу ерда худудий денгизнинг ҳуқуқий мақоми ички денгиз сувлари ҳуқуқий мақоми билан ўхшашдир.

Худудий денгизда юрисдикция масаласи тинч сузиб ўтаётган кема савдо ёки ҳарбий кемалигига қараб ҳал қилинади.

Ҳарбий кемаларга ва нотижорат мақсадларда фойдаланилаётган кемалар иммунитет (дахлсизлик) ҳуқуқига эга, яъни қирғоқбўйи давлатларининг юрисдикциясига кирмайди. Лекин агар ҳарбий кема қирғоқбўйи давлатининг худудий сувларидан ўтиш қонун ва қоидаларига амал қилмаса, қирғоқбўйи давлат маъмурияти бу ҳарбий кемадан худудий сувлардан чиқиб кетишни талаб қилиши мумкин. Бу вазиятда ҳарбий кема томонидан қирғоқбўйи давлатига етказилган зиён учун ўша ҳарбий кема тегишли бўлган давлат халқаро жавобгарликка тортилади.

Жиноий юрисдикция савдо ва тижорат мақсадларида фойдаланалаётган кемаларга нисбатан қўлланилади.

Қирғоқбўйи давлати асослар бўлган тақдирда хорижий кемага нисбатан у ўша давлатнинг ички денгиз сувларидан чиқиб, худудий денгизда бўлган тақдирда юридик жавобгарлик чоралари ёки ҳибсга олишни қўллаши мумкин. Агар кема худудий денгиздан тинч мақсадларда сузиб ўтаётган бўлса, қирғоқбўйи давлати ўша кемага нис-

батан ўша сузиб ўтиш амалга оширилатган пайтда вужудга келган мажбуриятлар ва жавобгарлик туфайлигина уни ушлаб қолиши ёки хибсга олиши мумкин.

Ён-атрофдаги зона тушунчаси

Ушбу зона давлатнинг ҳудудий денгизга қўшилиб кетади. 1958 йилги Конвенция 12 миллик ён-атрофдаги зонани ўрнатади. 1982 йилги Конвенция эса ушбу зонани 24 денгиз милясигача узайтириш мумкинлигини уқтиради.

Ён-атроф зоналари қирғоқбўйи давлатлари томонидан божхона, санитар, иммиграциявий ёки молиявий қонунчилик бузилишларининг олдини олиш учун ҳамда ички сувларда сузаётган хорижий кемалар ва уларнинг экипажлари томонидан юқорида зикр этилган қонунчиликни бузганлиги учун жазо қўллаш мақсадида назорат ўрнатилади.

Ён-атроф зонасининг ўрнатилиши давлатнинг ҳуқуқи бўлиб, ўша давлат ён-атроф зонасининг барча тўртта турини ёки айримлари (божхона, молиявий, иммиграциявий, санитар)ни киритиш мумкин.

Очиқ денгизнинг ҳуқуқий мақоми

Очиқ денгиз тўғрисидаги 1958 йилги Конвенцияга асосан **очиқ денгиз деганда ҳудудий денгизнинг ташқи чегаралари ташқарисида ётган кенглик тушинилади.** Ушбу ҳудуд барча миллатлар томонидан умумий ва тенг ҳуқуқий тартибда фойдаланиш учун очиқ бўлиб, ушбу ҳудудга қандайдир бир давлатнинг суверенитети ёйилмайди.

Очиқ денгиз ҳуқуқий мақомининг асосини очиқ денгиздан фойдаланиш эркинлиги тамойили ташкил этади.

Очиқ денгиздан фойдаланиш эркинлиги тамойили одат ҳуқуқи сифатида шаклланиб, ҳозирда 1958 ва 1982 йилги Конвенцияларда ўз аксини топган.

Очиқ денгиздаги юрисдикция масаласига келсак, 1958 ва 1982 йилги Конвенциялар кема тегишли бўлган давлатнинг кемага нисбатан мутлақ юрисдикциясини мустақкамлайди.

Лекин бу ерда айрим муаммолар ҳам мавжуд. Масалан, айрим халқаро шартномаларда белгиланган, ҳарбий кемани бошқа давлатлар кемаларни тўхтатиш ва кўздан кечириш ҳуқуқи бўйича мунозарали нуқталар бор.

1982 йилги Конвенция яна миллий тенгликлиги аниқ эмас ёки санкцияланмаган радио алоқа билан шуғилланувчи, шунингдек, айрим давлатларнинг илтимосларига кўра ўша давлатнинг ноқонуний равишда гиёванд моддалар ёки психотроп воситалар билан савдо қилаётган кемасини ҳам тўхтатиш ҳамда кўздан кечириш қўланиши мумкинлиги тўғрисида сўз юритади. Агар шубҳалар асоссиз бўлса, бундай кемаларга етказилган зиён тўлаб берилиши лозим.

Кема тегишли бўлган давлат юрисдикциясига яна иссиқ излар бўйича таъқиб қилиш кирмайди (*hot pursuit, droit de poursuite*). Бундай ҳаракатлар фақат ҳарбий кемалар (ҳарбий ҳаво кемаси) ёки давлат хизматида бўлиб, ваколатга эга бўлган кема ва аппаратлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Кема қатнови хавфсизлигини таъминлаш муҳимдир. Кема тегишли бўлган давлат денгизда хавфсизликни таъминлаб берувчи барча чоратадбирларни кўриш, хусусан,

биринчидан, сузишга яроқлилиқ, конструкция ва асбоб-ускуналарнинг ишга қодирлиги;

иккинчидан, комплектация, меҳнат шароитлари ва экипажнинг тайёргарлиги;

учинчидан, сигналлардан фойдаланиш, алоқанинг яхшилиги, тўқнашувнинг олдини олиш мажбуриятига эга.

Давлатга тегишли иқтисодий зона тушунчаси

Давлатга тегишли иқтисодий зона халқаро денгиз ҳуқуқининг янги соҳаси ҳисобланади. 1982 йилги Конвенцияда давлатга тегишли иқтисодий зона ҳудудий денгиздан ташқарида бўлган ва унга бирикиб кетувчи зоналиги тўғрисида гапирилади. Ҳар бир давлат то 200 денгиз милясигача бўлган иқтисодий зонани ўрнатиш ҳуқуқига эга.

Агар давлат 12 милягача бўлган ҳудудий денгиз чизигига эга бўлса ва 200 миляга тенг бўлган тегишли иқтисодий зонани ўрнатмоқчи бўлса, тегишли иқтисодий зона ҳудудий денгизга бирикиб кетувчи 188 милялик чизиқда амал қилади.

Тегишли иқтисодий зонада давлатнинг ҳуқуқлари ва юрисдикциясига қуйидагилар киради.

Қирғоқбўйи давлати жонли ва жонсиз табиий бойликларни ушбу сувларда разведка қилиш, қазиб олиш, шунингдек денгиз қаърида сувдан, оқимлардан ва шамолдан фойдаланиб энергия ишлаб чиқариш суверен ҳуқуқларга эга.

Юқорида санаб ўтилган суверен ҳуқуқлардан ташқари қирғоқбўйи давлати ўз юрисдикциясини:

биринчидан, суъний оролларни ва иншоотларни ташкил этиш ва улардан фойдаланиш;

иккинчидан, денгизда илмий изланишларни ўтказиш;

учинчидан, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш ва сақлашга ҳам тарқатиши мумкин.

Сунъий ороллар, иншоотларга келганда қирғоқбўйи давлати уларни вужудга келтириш бўйича мутлақ ҳуқуққа, шунингдек, уларни вужудга келтиришга ва улардан фойдаланишга рухсат бериш юрисдикциясига эга. Қирғоқбўйи давлати бундай сунъий иншоотлар атрофида хавфсизлик зоналарини ташкил этиши мумкин.

Бошқа давлатларнинг бундай иқтисодий махсус зоналарга бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларига келганда шуни айтиш мумкинки, улар бундай зоналарда бемалол сузиб юриш, учиб ўтиш, сув ости кабелларини олиб ўтиш, трубопроводларни ўтказиш ҳуқуқига эга. Лекин улар 1982 йилги Конвенция талабларини тўлиқ бажаришлари лозим. Уларнинг очиқ денгиздаги бошқа ҳуқуқлари қирғоқбўйи давлатининг ҳуқуқлари ва юрисдикциясига мос равишда амалга оширилади.

Қора денгиз бўғозлари (Босфор ва Дарданелл)нинг ҳуқуқий режими Монтреда 1966 йилда имзоланган махсус конвенция билан тартибга солинади. Ушбу конвенция савдо ва ҳарбий кемалар учун турлича бўлган сузиб ўтиш режимини ўрнатади.

Болтиқ бўғозлари (Катта ва кичик Белът Зунд)нинг ҳуқуқий мақоми Копенгаген шартномаси билан тартибга солинади. Ушбу шартнома зунд божлари деб аталадиган солиқларни бекор қилиб, сузиб ўтиш эркинлигини ўрнатган.

Халқаро кема қатновида фойдаланиладиган кўпгина бўғозлардан сузиб ўтиш махсус шартномалар асосида ҳал этилмаган. Ушбу бўғозлардан сузиб ўтиш XX асрнинг иккинчи яримидан бошлабоқ эркин тарзда амалга оширилмоқда. Ушбу тамойил 1958 йилда қабул қилинган ҳудудий денгиз ва ён-атроф зоналари тўғрисидаги Конвенцияда ўз аксини топган.

Кўпгина бўғозлар очиқ денгизнинг бир қисмидан иккинчи қисмига ҳамда очиқ денгиздан ҳудудий денгизга сузиб ўтишда жуда қўлай ёки ягона бўлган жойлардир.

Халқаро каналларнинг ҳуқуқий мақоми

Суэц, Панама ва Килл каналлари халқаро кема қатнови учун жуда қўлай бўлган ва аҳамиятли каналлардир. Суэц канали 1869 йилда очилган, 1888 йилда эса Суэц каналдан эркин сузиб ўтишни таъ-

минлаш борасидаги Константинопол (Истамбул) Конвенцияси қабул қилинган. 1957 йилнинг 24 апрелида Миср Республикаси махсус Декларация билан чиқиб, ушбу ҳужжатларда юқоридаги Конвенция қоидаларини тўлиқ амалга оширажагини айтиб ўтди.

Панама канали 1920 йилда расмий равишда очилган. Унинг ҳуқуқий мақоми ҳали канал қуриб битказилмасдан олдин ишлаб чиқилган эди. 1901 йилда АҚШ ва Буюк Британия Тинч ва Атлантик океанларини бирлаштириб турувчи денгиз канали тўғрисидаги шартнома (Хее-Паун-Сфорта)га имзо чекдилар. Бундай канални қуриқлаш ва бошқариш АҚШга топширилди. Ушбу канал бетараф деб эълон қилинди ҳамда 1901 йилги шартномага асосан барча давлатлар кемалари учун сузиб ўтиш эркинлиги таъкидланди. Бу каналдан барча давлатларнинг ҳарбий кемалари очиқ ўтиши мумкин, лекин биринчи бўлиб АҚШ ва Панаманинг ҳарбий кемалари ўтиши лозимлиги таъкидлаб ўтилган.

Килл канали кема қатнови учун 1896 йилда очилган бўлиб, Германия томонидан ўз ҳудудида қурилгани учун ушбу давлат каналдан сузиб ўтиш тартибини ўрнатган. Ҳозирги даврда каналдан сузиб ўтиш ГФР ички нормалари — Килл каналидан сузиб ўтиш қоидалари билан тартибга солиниб, барча давлатларнинг савдо кемалари сузиб ўтиши, очиқ ҳарбий кемалар эса маълумот берганларидан кейин ўтишлари мумкинлиги уқтирилган.

Континентал шельф

1958 йилги Конвенцияга биноан **континентал шельф** деганда **ҳудудий денгиз ташқарисида бўлган 200 милгача бўлган денгиз қаъри, ёки бойликлари жойлашгани тушунилади**. Ороллар ўз континентал шельфига эга.

Қирғоқбўйи давлати континентал шельфнинг табиий ресурсларини разведка қилиш ва қазиб олиш бўйича суверен ҳуқуқларга эга.

Бошқа давлатлар бундай ишларни фақат қирғоқбўйи давлатининг розилиги билан амалга ошириши мумкин.

1982 йилги Конвенция ушбу институтга сезиларли ўзгартиришлар киритган. Улар континентал шельфнинг ташқи чегараси ва ҳуқуқий мақомига тегишлидир. 1982 йилги Конвенцияга биноан континентал шельф бу ҳудудий денгиздан ташқарида бўлган денгиз қаъри ҳудудлари, қирғоқбўйи давлатининг қирғоғи бўйича, то 200 милгача бўлган масофадаги ҳудудлар тушунилади. Лекин қитъанинг сув ости қисми қирғоқдан 200 милдан ортиқроқ масофага

чўзилган бўлса, то континентал шельфнинг ташқи чегараси ёки 350 мил билан чегараланади ёки 2500 метр чуқурликдан 100 миля масофагача ўлчанади.

1986 йилги Конвенция 200 милдан ташқарида бўлган континентал шельфнинг ташқи чегараларини ўрнатиш ишларини байналмилаллаштирди. Конвенцияга асосан континентал шельфнинг чегаралари бўйича комиссия ташкил этилмоқда. Давлатлар эса 200 милдан ташқарида бўлган чегараларни ўрнатиш борасидаги таклифларни ушбу комиссияга тақдим этадилар. Комиссия эса тавсия бериш ҳуқуқига эга. Шу асосда давлатлар континентал шельф чегараларини ўрнатишлари мумкин. Қирғоқбўйи давлатининг ҳуқуқлари континентал шельфни ўраб турувчи сув ва ҳаво бўшлиғи мақомини чекламайди.

Давлатлар ўртасида континентал шельфни бўлиб олиш, агар қарама-қарши ва қўшилиб кетган қирғоқлар бўлса, халқаро ҳуқуқ асосида тузилган шартнома билан тартибга солинади.

Халқаро денгиз ости районининг ҳуқуқий мақоми

БМТнинг 1982 йилги денгиз ҳуқуқи бўйича Конвенцияси миллий юрисдикцияга тегишли бўлмаган денгиз ва океанлар қаъри ва бойликлари тушуниладиган худуднинг ҳуқуқий мақомини байналмилаллаштириш борасида бир қанча қоидалар ўрнатган. Халқаро райондаги фаолият у ердаги бойликларни разведка қилиш ва қазиб олишни билдиради. Ресурслар (бойликлар) деганда шу райондаги барча минерал бойликлар тушунилади. У ердан қазиб олинаётган бойликлар фойдали қазилмалар сифатида эътироф этилади.

Ушбу район ва унинг бойликлари инсониятнинг умумий бойлигидир. 1982 йилги Конвенцияда эса барча давлатларни бундай районларга ўз суверенитети ёки ҳуқуқларини эълон қила олмаслиги, у ердаги табиий бойликларни ўзи учун ўзлаштира олмаслиги ва бундай районлардаги барча ресурслар бутун инсониятга тегишли эканлиги тўғрисида уқтирилади.

Бундай районлардаги фаолият бутун инсоният фойдасини кўзлаб амалга оширилади, лекин бу ерда ривожланаётган давлатлар манфаатлари алоҳида ҳисобга олиниши лозим; улар томонидан бундай зонадаги фаолият рағбатлантирилади. Районнинг махсус тартиби уни ўраб турган сувлар ва унинг устидаги ҳаво бўшлиғига тегишли бўлган ҳуқуқий мақомга ҳалақит қилмайди.

Райондаги фаолият иштирокчи давлат корхоналари ёки, агар давлат номидан бўлса, жисмоний ва юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Денгиздаги низоларни тинч йўл билан ҳал этиш

Дунё океанларидан фойдаланиш бўйича давлатлараро муносабатларнинг мукаммаллашуви халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этишнинг янги ва самарали тизимини барпо этишни тақозо этди. БМТнинг Денгиз ҳуқуқи бўйича учинчи конференцияси олдига айнан шу масалани ҳал этиш вазифаси қўйилган эди. Ушбу конференцияда қабул қилинган 1982 йилги Конвенцияга асосан барча низолар БМТ Устави асосида тинч йўл билан ҳал этилиши лозим. Музокаралар ёрдамида ҳал этилмай қолган низолар томонларнинг ихтиёрига кўра, келишув келиштирув жараёнига, бир томоннинг ихтиёрига кўра албатта қарор чиқариладиган (ҳал этилган) жараён ихтиёрига ҳавола этилди. Конвенцияда бундай турдаги тўртда жараён:

- биринчидан, БМТнинг халқаро суди;
- иккинчидан, денгиз ҳуқуқи бўйича халқаро трибунал;
- учинчидан, арбитраж;
- тўртинчидан, махсус арбитраж тўғрисида сўз юритилади.

Халқаро денгиз ташкилотлари

Ҳозирги даврда фаолияти денгиз ҳудудлари ва бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган 60 дан ортиқ халқаро ташкилотларни санаб ўтиш мумкин. Улар орасида марказий ўринни:

- Халқаро денгиз ташкилоти;
- Денгиз йўлдош алоқаси халқаро ташкилоти;
- ЮНКТАДнинг кема қатнови бўйича қўмитаси;
- ЮНЕСКОнинг ҳукуматлараро океанографик комиссияси эгаллайди.

Халқаро денгиз ташкилоти (ХДТ) БМТнинг ихтисослаштирилган муассасаси бўлиб, 1958 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Бу ташкилот БМТнинг халқаро денгиз конференциясида 1948 йида қабул қилинган конвенцияси асосида ташкил этилган. 1990 йилга келиб 133 давлат шу ташкилотнинг аъзоси эди.

ХДТ ички тузилиши қуйидагича:

- Ассамблея-олий вакиллик органи;

♦ Кенгаш-ижроя органи;
♦ Кўмиталар: денгизда хафсизлик бўйича, денгиз бойликларини химоя қилиш, юридик океанографик комиссия. Ушбу комиссия 1972 йилдан бошлаб мустақил муассаса тариқасида иш олиб бормоқда.

ХДТнинг асосий вазифаси денгиз савдо флотлари фаолияти билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этишда давлатлар ҳамкорлигига ёрдам бериш, денгизда хафсизликни таъминлаш ва кема қатнови самарадорлигини ошириш, кемалардан денгизга тушаётган захарли моддалардан атроф-муҳитни муҳофаза этишдан иборат. Ушбу муаммоларни ҳал этишда ХДТ ҳар хил халқаро ҳужжатларни ишлаб чиқиш ишларида иштирок этади.

1960 йилда ЮНЕСКО қошида ЮНКТАДнинг кема қатнови бўйича Ҳукуматлараро кўмитаси ташкил этилди. У молларни денгизда ташишнинг иқтисодий жиҳатларини ишлаб чиқиш ва ушбу турдаги фаолиятни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш масалаларини ҳал этишга чақирилган.



Такрорлаш учун саволлар

- ♦ Халқаро денгиз ҳуқуқи нима?
- ♦ “Ички денгиз сувлари” нимани билдиради?
- ♦ Ҳудудий денгиз тушунчасини беринг.
- ♦ Очиқ денгиз нимани англатади?
- ♦ Ён-атрофдаги зона тушунчаси нима?
- ♦ Очиқ денгиз ҳуқуқий тартиби нималардан иборат?
- ♦ Эркин иқтисодий зона нима?
- ♦ Эркин иқтисодий зона қандай давлат томонидан амалга оширилади?
- ♦ Халқаро денгиз йўлларида фойдаланиш тартиби қайси халқаро ҳужжатларда кўрсатилган?
- ♦ Савдо кемаларига тадбиқ этиладиган юрисдикция ички сувларда қайси давлатга тегишли?
- ♦ Ҳозирги кунда қандай халқаро каналлар ишлаб турибди?
- ♦ Континентал шельф нима дегани?
- ♦ Денгиз қаъри халқаро раёнининг ҳуқуқий мақоми қандай?
- ♦ Қандай халқаро ҳужжатлар ёрдамида денгиз низолари тинч йўл билан ҳал этилади?
- ♦ Қандай халқаро денгиз ташкилотлари ҳозирда фаолият олиб бормоқда? Уларнинг вазифаси қандай?

17-мавзу. ХАЛҚАРО ҲАВО ҲУҚУҚИ

- Халқаро ҳаво ҳуқуқи тушунчаси ва тамойиллари.
- Халқаро ҳаво қатновини ҳуқуқий тартибга солиш.
- Халқаро ҳаво транспортда тadbиркорлик ҳуқуқи.
- Халқаро фуқаролик авиацияси Ташкилоти (ИКАО).

Халқаро ҳаво ҳуқуқи тушунчаси ва тамойиллари

Халқаро ҳаво ҳуқуқи ўзида ҳаво кенглиги ва халқаро ҳаво алоқаларидан фойдаланиш борасида давлатлар орасидаги муносабатларни тартибга солиб турувчи норма ва тамойилларни мужассамлаштиради.

Халқаро ҳаво ҳуқуқий нормаларнинг биринчи гуруҳи халқаро қатновлар, яъни ҳаво бўшлиғи режими ва халқаро қатновларни тартибга солади.

Иккинчиси — ҳаво транспорти (халқаро йўналишлар)нинг тadbиркорлик фаолиятини тартибга солади.

Халқаро ҳаво ҳуқуқининг асосий ва махсус тамойили давлатларнинг ўз ҳаво бўшлиғи устидан тўлиқ ва мутлақ ҳукмронлиги тамойилидир.

Ҳаво бўшлигини унинг ҳуқуқий табиатидан келиб чиқиб икки турга бўлиш мумкин.

Биринчиси: суверен ҳаво кенглиги.

Иккинчиси: Халқаро ҳаво кенглиги.

Биринчи турга мустақил давлат ҳудуди устидаги кенглик, иккинчи турга эса очиқ денгиз, халқаро бўғозлар ва Антарктида устидаги ҳаво кенглиги киради.

Ушбу ҳудудларга нисбатан барча давлатлар ҳаво кемаларининг учиши эркинлиги тамойили амал қилади. Бироқ ушбу тамойил айрим мажбуриятларни ҳам белгилаб беради. Масалан, давлатлар эркин фойдаланиш ҳуқуқига зид ҳаракатларга қўл урмаслиги лозим.

Халқаро ҳаво ҳуқуқининг яна бир махсус тамойили халқаро фуқаролик авиациясининг хавфсизлигини таъминлаб бериш деганда, бир томондан, авиация техникасидан бенуқсон фойдаланишни таъминлаш бўлса, иккинчи томондан, фуқаролик авиацияси фаолиятига ноқонуний аралашишлар билан курашдир.

Халқаро ҳаво қатновини ҳуқуқий тартибга солиш

Халқаро ҳаво қатнови 1944 йилги Чикаго конвенцияси ва миллий қонунчилик билан тартибга солинади. Ҳар бир давлат мустақил равишда хорижий кемаларини ўз ҳаво кенглигига киритиш масалаларини белгилайди.

Рухсатномалар доимий ва доимий бўлмаган учишлар учун зарурдир. Агар учиш бир давлатдан ортиқ давлатлар ҳудуди орқали амалга оширилса, у халқаро ҳисобланади.

Халқаро ҳаво ҳуқуқи давлатлар ҳудудига хорижий давлатлар ҳаво кемаларини учиб кириши ёки ундан учиб кетишига тааллуқли бир хил қоидаларга эга эмас. Бундай масалалар давлатларнинг ички ваколатига киради.

Ҳаво навигациясига киритилган ҳар бир ҳаво кемаси қайд этиш гувоҳномаси, учишларга лойиқлик тўғрисидаги гувоҳнома, борт журнали ва шунга ўхшаш бошқа ҳужжатларга эга бўлиши лозим.

Агар ҳаво кемаси бир давлат ҳудудида фалокатга учраса, ҳудудида фалокат рўй берган давлат ушбу ҳаво кемасига ёрдам бериш чораларини кўради. Агар ҳаво кемаси билан бошқа бир давлат ҳудудида фалокат (нохуш воқеа) рўй берса, ўша давлат фалокат тавсилотларини ўрганиб чиқиш учун тергов ҳаракатлари белгилайди.

Халқаро ҳаво транспортида тадбиркорлик ҳуқуқи

Халқаро ҳаво транспортида тадбиркорлик ҳуқуқи деганда авиа-корхоналар томонидан йўловчилар, юк ва почталарни ҳақ тўлаш эвазига ташиб беришга рухсат этиш тушунилади.

Ҳаво алоқаларини ҳуқуқий тартибга солиш ҳаво транспорти тўғрисидаги икки томонлама келишув асосида амалга оширилади. Ушбу келишувлар икки намунавий лойиҳа — Чикаго ва Страсбург лойиҳалари (1944 ва 1959 йиллар)да акс эттирилган қоидалар асосида амалга оширилади.

Ҳаво алоқалари борасида амалда бўлган кўптомонлама конвенциялардан 1929 йилда қабул қилинган Варшава конвенциясини айтиб ўтиш лозим. Ушбу конвенция халқаро ҳаво транспортида юк ва йўловчи ташишга тааллуқли айрим қоидаларни унификация қилиш учун ишлаб чиқилган. Конвенция, хусусан, ҳаво кемасида йўловчи ва юк ташувчининг йўловчи ва юкка зиён етказилганда жавобгарлигини белгилаб, бир хил турдаги юк ва йўловчи ташиш ҳужжатларини келтиради.

Халқаро фуқаролик авиацияси Ташкилоти (ИКАО)

Ушбу ташкилот 1944 йилда фуқаро авиацияси масалаларига бағишланган Чикаго конференциясида тузилган.

Ҳозирги вақтда ИКАО — фуқаро авиацияси соҳасидаги энг йирик халқаро ташкилот бўлиб, таркибида 150 дан ортиқ мамлакатни бирлаштиради. 1944 йилги Чикаго конвенциясига биноан ИКАОнинг асосий мақсади халқаро фуқаролик авиацияси хавфсизлиги ва бир маромда ривожланишини таъминлашдан иборат.

ИКАОдан ташқари, фуқаролик авиацияси соҳасида фаолият олиб бораётган бир қатор минтақавий халқаро ташкилот ва органлар ҳам мавжуд.



Такрорлаш учун саволлар

- ◆ Халқаро ҳаво ҳуқуқи деганда нима тушунилади? Унинг ёрдамида қандай халқаро муносабатлар тартибга солинади?
- ◆ Халқаро ҳаво ҳуқуқи қандай тамойилларга асосланади?
- ◆ Халқаро ҳаво қатнови қандай халқаро ҳужжатлар билан тартибга солинади?
- ◆ Халқаро ҳаво транспортида тadbиркорлик ҳуқуқи деганда нима тушунилади?
- ◆ Халқаро фуқаролик авиацияси ташкилоти (ИКАО) нима? У қандай мақсадларни кўзлаб фаолият олиб боради?

18-мавзу. ХАЛҚАРО КОСМИК ҲУҚУҚ

- Халқаро космик ҳуқуқ тушунчаси ва манбалари.
- Космик фазодан ҳарбий мақсадда фойдаланишнинг чекланиши.
- Халқаро космик ҳуқуқда жавобгарлик.
- Космик фазо ва самовий жисмларнинг ҳуқуқий мақоми.
- Космик фазони тадқиқ этиш ва ундан фойдаланиш борасидаги халқаро ҳамкорлик.
- Космик объектларнинг ҳуқуқий мақоми.

Халқаро космик ҳуқуқ тушунчаси ва манбалари

Халқаро космик ҳуқуқ — халқаро ҳуқуқнинг мустақил соҳаси бўлиб, космик фазони (самовий жисмларни ҳам) тадқиқ этиш ва ундан фойдаланиш борасида халқаро космик ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб туради.

Халқаро космик ҳуқуқ манбалари орасида — аввало БМТ томонидан ишлаб чиқилган асосий халқаро шартномаларни келтириш лозим.

♦ Давлатларнинг космик фазо, Ой ва бошқа самовий жисмларни тадқиқ этиш ва улардан фойдаланиш борасидаги фаолияти тамойиллари тўғрисидаги 1967 йилги шартнома,

♦ Космонавтларни қутқариш, уларни ва бошқа объектларни қайтариш тўғрисидаги 1968 йилги келишувдир.

Космонавтларнинг умуминсоний манфаатларни ҳисобга олган ҳолдаги фаолиятлари аҳамиятини инобатга олиб, космос тўғрисидаги шартнома (5-модда) уларни “инсонларнинг космосдаги вакиллари” деб тавсифлайди. Бу билан космонавтларга миллий мақомдан устун турадиган қандайдир бир мақом берилмайди. Улар космик парвоз қилиб, ўз давлатларининг фуқаролари бўлган ҳолда, космик кема қайд этилган давлат назорати остида бўладилар ва унинг юрисдикциясига бўйсунадилар.

Ҳар бир давлат ўз космик объектлари ва уларнинг экипажларига нисбатан космик фазода ёки самовий жисмларда бўлганларида суверен ҳуқуқларини сақлаб қолади.

Космос тўғрисидаги шартномага асосан, космик объектлар ва уларнинг таркибий қисмлари космосда бўлган даврларида ва ерга

қайтганларидан сўнг учишдан олдин кимга тегишли бўлсалар, ўша давлат юридик ёки жисмоний шахсларга тегишли бўлади.

Халқаро космик ҳуқуқ космонавтларни қутқариш, авария содир бўлса уларни ерга қайтариш, фалокат ёки учиш амалга оширилган давлат ҳудудидан ташқарида мажбурий қўниш амалга оширилган тақдирда, амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида батафсил тўхталиб ўтади.

Халқаро космик ҳуқуқ бундан ташқари космонавтлар ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза этишга қаратилган турли чора-тадбирларни, масалан, космонавтларнинг космик фазо ёки самовий жисмларда бўлган пайтларида ўзаро ёрдам беришлари тўғрисидаги тадбирларни ҳам назарда тутди.

Космик фазодан ҳарбий мақсадларда фойдаланишнинг чекланиши

Халқаро космик ҳуқуқ Ойда ва бошқа самовий жисмларда ҳар қандай ҳарбий фаолиятни тақиқлайди. У космик фазода ҳарбий фаолият олиб боришга айрим чеклашларни ҳам киритади.

Ой ва бошқа самовий жисмлар давлатлар томонидан фақат тинчлик йўлида фойдаланилиши, уларда ҳарбий базалар ташкил этиш, қалъалар қуриш, турли қуролларни синаш ва ҳарбий машқларни ўтказиш тақиқланади.

Космик фазодан ҳарбий мақсадларда фойдаланишни ман этиш ёки унинг чекланиши космик фазодан тинч мақсадларда фойдаланиш борасидаги халқаро-ҳуқуқий тамойилларнинг шаклланаётганидан далолат беради.

1963 йил 5 августдаги Москва шартномасига биноан космик фазода ядро қуролларининг синовларини ўтказиш қатъиян ман этилган.

Халқаро космик ҳуқуқда жавобгарлик

Космос тўғрисидаги 1967 йилги шартноманинг V-моддасига биноан барча мамлакатлар давлат миқёсидаги ёки хусусий ташкилотлар томонидан олиб борилган космик фаолият учун жавобгардир.

Космосда “ноҳукумат юридик шахслар”нинг фаолияти фақат тегишли давлатларнинг руҳсати ва назорати остида олиб борилиши мумкин.

Космосга тааллуқли халқаро-хуқуқий ҳужжатлар сирасига қуйидагилар киради:

- ♦ Космик объектлар томонидан етказилган зиён учун халқаро жавобгарлик конвенцияси (1972 йил).

- ♦ Космик фазога учирилаётган объектларни қайд этиш конвенцияси (1975 йил).

- ♦ Давлатларнинг Ойда ва бошқа самовий жисмлардаги фаолияти тўғрисидаги келишув (1979 йил).

Ушбу шартномалар орасидаги энг аҳамиятлиси Космос тўғрисидаги 1967 йилги шартномадир. Ушбу шартнома космик фаолиятга тегишли энг умумий халқаро-хуқуқий тамойилларни ўрнатади. Айнан шу шартнома ёрдамида халқаро космик ҳуқуқ халқаро ҳуқуқнинг мустақил соҳасига айланиши мумкин.

Иккинчи гуруҳни давлатларнинг космосда биргаликдаги фаолиятларини тартибга солиб турувчи турли халқаро илмий-техникавий келишувлар ташкил этади.

Халқаро космик ҳуқуқ давлатларнинг фақат космик фазодаги ва самовий жисмлардаги фаолиятларига тегишли бўлмай, балки уларнинг ердаги космос билан боғлиқ фаолиятларига ҳам тегишлидир.

Космик фазо ва самовий жисмларнинг ҳуқуқий мақоми

Космик фазо ва у ерда жойлашган самовий жисмларнинг умумий ҳуқуқий мақоми давлатларнинг уларга нисбатан суверенитетини тарқатмаслиги билан белгиланади. Космик фазо барча давлатларга тегишли бўлиб, улар томонидан эркин равишда изланишлар олиб борилиши мумкин.

Космоснинг барча давлатлар учун очиқлиги амалда ушбу эркинликларнинг маълум даражада чекланиши билан изоҳланади. Ушбу ҳол барча давлатларнинг умумий манфаатларига мос келади. Космоснинг ҳамма учун очиқлиги ҳамда космосда хоҳлаган ишни қила олишлик бир хил тушунчалар эмас. Уларни бир-биридан ажратиб турувчи кўприк шартномаларда белгиланган космосдаги фаолият халқаро ҳуқуқ асосида амал оширилишидир.

Космик техникадан кенг фойдаланиш Ерда, ҳаво бўшлиғида ҳамда космосда моддий зарар кўриш эҳтимолини келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам космик объектлар томонидан етказилган моддий зиён учун жавобгарлик масаласи халқаро космик ҳуқуқ томондан тўлиқ тартибга солинади.

Космик фазони тадқиқ этиш ва ундан фойдаланиш борасидаги халқаро ҳамкорлик

Давлатларнинг ҳамкорлиги тамойили умумий халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб, космик фазони тадқиқ этиш ва ундан фойдаланиш ишларида ҳам катта роль ўйнайди.

Космос тўғрисидаги шартноманинг Муқаддимасида космик фазодан тинч мақсадларда фойдаланишнинг илмий ва юридик жиҳатлари ҳамда кенг халқаро ҳамкорлик тўғрисида гапириб ўтилади.

Космос тўғрисидаги шартноманинг айрим қисмлари ҳамкорлик тўғрисидаги тамойилдан келиб чиқади ҳамда уни тўлдириб туради.

Космосдан тинч мақсадларда фойдаланиш, кенг халқаро ҳамкорликни амалга ошириш мақсадида давлатлар ушбу соҳага тегишли икки томонлама ва кўп томонлама шартномаларга имзо чеккан.

Халқаро космик ҳуқуқда ҳаво ва космик фазо ўртасидаги чегарани ўрнатувчи шартномавий нормалар ҳозирча мавжуд эмас.

БМТ нинг космос бўйича қўмитасига аъзо давлатларнинг бир қанчаси космик фазо океан сатҳидан 110 километрли баландликдан бошланиши тўғрисидаги таклифлар билан чиқмоқда. Ушбу вазиятда космик объектлар бирмунча пастда жойлашган баландликда учиб ўтиш, орбитага чиқиш ёки Ерга қайтиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Космик объектларинг ҳуқуқий мақоми

Табийий ҳолда пайдо бўлган фазовий жисмлардан фарқли равишда халқаро космик ҳуқуқда **космик объектлар** сифатида инсон қўли билан яратилган ҳар хил мақсадларга мўлжалланган космик аппаратлар ва уларнинг таркибий қисмлари эътироф этилади.

Халқаро космик ҳуқуқ космик объектлар фаолиятини, хусусан уларнинг учирилишидан ёки космик фазода (самовий жисмларда) қурилишидан бошлаб тартибга солади. Унгача, яъни космик объектларнинг учирилишигача ёки космосда қурилишигача бўлган ҳолат, агар давлатлар ўртасида махсус келишув бўлмаса, давлатларнинг ички қонунчилиги ваколатига киради.

1961 йилдан бошлаб БМТда фазога учирилган космик объектлар қайд этиб борилади. 1975 йилда қабул қилинган космик фазога учирилаётган объектларни қайд этиш тўғрисидаги конвенция бундай қайд этишни мажбурий равишда эканлигини эътироф этади.



Такрорлаш учун саволлар

- ◆ Халқаро космик ҳуқуқ қандай муносабатларни тартибга солиб туради?
- ◆ Халқаро космик ҳуқуқнинг манбаларини кўрсатиб беринг.
- ◆ Космик фазодан ҳарбий мақсадларда фойдаланиш борасида чеклашлар мавжудми?
- ◆ Халқаро космик ҳуқуқда юридик жавобгарлик масаласи қандай ҳужжатлар билан тартибга солинади?
- ◆ Космик фазо ва самовий jismlarнинг ҳуқуқий мақоми қандай?
- ◆ Космик фазодан фойдаланиш ва уни тадқиқ этиш борасида халқаро ҳамкорлик амалга ошириладими?
- ◆ Космик объектлар нима ва уларнинг ҳуқуқий мақоми қандай?

19-мавзу. ХАЛҚАРО НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ВОСИТАЛАРИ

- Халқаро низо тушунчаси.
- Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойилининг юридик табиати.
- Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш воситалари.
- Халқаро ташкилотларнинг халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этишдаги ўрни.

Халқаро низо тушунчаси

“Халқаро низо” тушунчаси асосан давлатлар ўртасидаги ўзаро келишмовчиликларни ва зиддиятларни, хусусан тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солинаётган вазиятни белгилаш учун ишлатилади.

Низо ёки зиддият пайдо бўлган пайтдан бошлаб, то унинг ўсиши ва ҳал этилишига қадар халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойили амалда бўлиши лозим. Зеро ушбу тамойил халқаро ҳуқуқнинг ҳамма томонидан тан олинган ва умумэътироф этилган императив тамойилидир.

БМТ Уставида низоли халқаро муносабатларни квалификация қилиш учун “низо” ва “вазият” тушунчалари қўлланилади.

Халқаро ҳуқуқ назарияси, Хавфсизлик Кенгаши амалиёти ҳамда БМТ Халқаро Судининг тажрибасига асосан, **низо** — иккита давлат ўзларини қизиқтираётган бир соҳа бўйича бир-бирларига талабларни эълон қилишларидир.

Вазият эса давлатлар манфаатларининг тўқнашувидан келиб чиқиб, ўзаро талабларсиз пайдо бўлади, яъни иккита давлат ўртасида қандайдир тушунмовчиликлар пайдо бўлса ҳам улар бир-бирларига ўзаро талаблар эълон қилмайдилар. “Вазият” тушунчаси “низо” тушунчасига қараганда кенгроқдир.

БМТ Устави низо ва вазиятларни юқорида кўрсатилган икки тоифага бўлиш қоидаларини ўрнатмайди, ушбу масала ечимини тўлиқ Хавфсизлик Кенгашига топширади. Шунинг учун халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойили тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солишдан қатъи назар, барча халқаро низолар ва вазиятларга тегишлидир.

Халқаро низолар турли асослар:

биринчидан, низоларнинг объекти ёки предметиға;
иккинчидан, тинчликка солинаётган хавф-ҳатарнинг даражасига;
учинчидан, турли ҳудудлар (дунё миқёсидаги, минтақавий, маҳаллий)га ёйилганлигига;

тўртинчидан, субъектлар сони (иккитомонлама ва кўптомонлама)га кўра таснифланади.

БМТ Уставида ҳуқуқий ва сиёсий низолар орасида аниқ чегара ўрнатилмаган. Шу билан бирга БМТ Халқаро Суди Статути 36-моддасининг 2-бандида юридик характердаги низолар, деганда нималарни англаш зарурлиги тўғрисидаги тушунчалар кўрсатилган. Масалан, БМТ Халқаро Суди юрисдикцияси остидаги юридик низо деганда у ёки бу соҳадаги низолар, халқаро ҳуқуқнинг барча соҳаларига тегишли турли қоидабузарликлар тушунилади.

Халқаро низолар орасида ҳудудий низолар алоҳида ўрин тугади. Ушбу низолар кўпинча хавфли сиёсий бўҳронлар ва қуролли тўқнашувларни келтириб чиқаради.

Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойилининг юридик табиати

Замонавий халқаро ҳуқуқда умумэътироф этилган низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойили шаклланган.

Давлатлар халқаро низоларни фақат тинч йўл билан ҳал этишлари лозим. 1970 йилги Халқаро ҳуқуқ тамойиллари Декларацияси: “Ҳар бир давлат халқаро низоларни ҳал этишда куч ишлатиш ёки куч билан таҳдид солишдан ўзини тийиши лозим. Давлатлар, албатта, халқаро низоларни ҳал этишлари лозим” деган қоидаларни ўзида мужассамлаштирган.

Юқорида келтирилган фикрлар, **биринчидан**, халқаро низони тезлик билан ҳал этишни, **иккинчидан**, томонлар ўртасидаги низони қандайдир бир восита ёрдамида ҳал этишга имкон бўлмаса, ижобий натижага олиб келиши мумкин бўлган бошқа бир воситани қидириб топиш зарурлигини англатади.

Давлатлар низонинг мушкуллашувиға олиб келиши мумкин бўлган, халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид соладиган, низода қатнашаётган бошқа бир томонга зарар етказадиган ҳаракатлардан воз кечишлари лозим.

Давлатлар низоларни халқаро ҳуқуқ ва ҳаққонийлик асосида ҳал этишлари зарур. БМТ Халқаро Суди Статутининг 38-моддасига асо-

сан низоларни халқаро ҳуқуқ асосида ҳал этиш қуйидагиларни англатади:

биринчидан, низода қатнашаётган давлатлар томонидан тан олинган умумий ва махсус халқаро конвенциялардан фойдаланиш;

иккинчидан, ҳуқуқий меъёр сифатида тан олинган халқаро одатлардан фойдаланиш;

учинчидан, ривожланган миллатлар томонидан тан олинган ҳуқуқнинг умумий тамойилларидан фойдаланиш;

тўртинчидан, халқаро ҳуқуқ бўйича тажрибали юрист-мутахассисларнинг назариялари (доктриналари) ва суд қарорларидан фойдаланиш.

Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш воситалари

Давлатлар ўзаро келишув асосида низоларни ва зиддиятларни ҳал этиш учун муайян воситаларни танлаш ҳуқуқига эга.

Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойилини амалга ошириш механизми халқаро-ҳуқуқий воситалар тизими сифатида намоён бўлади. БМТ Уставининг 23-моддасига биноан, “давлатлар халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солиши мумкин бўлган низоларни фақат музокаралар, воситачилик, ярашув, арбитраж, судлов ёрдамида ўрганиш ва шу каби бошқа воситалар ёрдамида ҳал этишлари лозим”.

Юқорида низоларни тинч йўл билан ҳал этишнинг деярли барча воситалари келтирилган. Музокараларда қатнашувчи томонларнинг таркиби, мақсади, ташкилий шакллари ва бошқа масалалар низода қатнашаётган томонлар ёрдамида белгиланади.

Замонавий халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари ва меъёрларига мувофиқ музокаралар ўзаро тинчлик асосида амалга оширилиши лозим. Бу вазиятда низода қатнашаётган манфаатдор томонларнинг хоҳиш-иродаси бузилиши мумкин эмас ҳамда ҳеч қандай ультиматив шартлар, мажбурлаш, таҳдидлар ёки хавф солишсиз амалга оширилиши лозим.

Музокаралар халқаро низони ҳал этиш билан ёки бошқа бирон воситани қўллаш тўғрисидаги қарор билан тугалланиши мумкин. Лекин музокаралар қандайдир бир натижага олиб келмаса, томонлар ўзаро манфаатли қарор топиш устида иш олиб боришга мажбурдирлар.

Томонларнинг маслаҳатлашувлари низоларни тинч йўл билан ҳал этишнинг воситаси сифатида иккинчи жаҳон урушидан кейин қўлла-

нила бошланди. Ушбу восита қўлгина иккитомонлама ва қўптомонлама шартномаларда халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан ўз аксини топган.

Маслаҳатларда қатнашувчи томонлар олдиндан учрашувларнинг муддатларини, маслаҳат комиссияларини белгилашлари мумкин. Бу эса ўз навбатида икки томонга ҳам маъқул бўладиган қарорларни ишлаб чиқилишига, улар орасидаги алоқаларнинг доимийлигига, янги низолар ва бўхронолди вазиятларнинг олдини олишга кўмаклашди.

Доимий маслаҳатлар ўтказиш жараёни ушбу маслаҳатларнинг бир қанча афзал томонларини кўрсатиб беради. Масалан, низоларни ҳал этишда мустақил восита сифатида намоён бўлади. Низоларнинг олдини олиш ҳамда бошқа воситаларни қидириб топишда катта мавқега эгадир.

Ўрганиш ёки кўриб чиқиш низоларни тинч йўл билан ҳал этиш воситаси бўлиб, низода қатнашувчи томонлар унга аниқ (далилий) шарт-шароитларга баҳо беришда бир фикрга кела олмаганларида мурожаат этадилар. Ўрганиш жараёнини амалга ошириш учун томонлар тенглик асосида халқаро тергов комиссиясини тузадилар. Томонлар ушбу тергов комиссияси хулосаларидан ўз хоҳишларича фойдаланишлари мумкин.

Келишув (келишув жараёни) фақат аниқ шарт-шароитларни ўрганмай балки халқаро келишув комиссиясини тенглик асосларда тузган томонлар учун муайян таклифларни ҳам ишлаб чиқади.

Келишув комиссиясининг хулосалари тавсиявий характерга эга бўлиб, низода қатнашувчи томонларнинг илтимосига кўра хайрли ёрдам кўрсатиши мумкин.

Хайрли ёрдамни таклиф этиш низоли тарафлар томонидан дўстона бўлмаган ҳаракат сифатида қаралмаслиги лозим. Хайрли ёрдам кўрсатувчи (жисмоний ёки юридик) шахс низони ҳал этиш музокараларида шахсан қатнашмайди, хайрли ёрдам кўпинча воситачиликка айланиб кетади.

Воситачилик низони тинч йўл билан ҳал этишда учинчи томон қатнашишини шарт қилиб қўяди.

Халқаро ташкилотларнинг халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этишдаги ўрни

БМТ Хавфсизлик Кенгаши низо ёки вазият вужудга келган пайтда томонлар қабул қилган жараёни ҳисобга олиб, тегишли чоралар ёки низони бартараф этиш усулларини таклиф этиши мумкин. Юридик

характерга эга бўлган низолар (БМТ Уставининг 36-моддаси асосан) томонлар таклифи билан Халқаро судга берилиши лозим.

Тинчликка хавф солинганда ёки агрессия содир этилган вақтда Хавфсизлик Кенгаши “манфаатдор томонлардан ўзи лозим топган вақтинчалик чора-тадбирларни кўришни талаб қилиши мумкин” (БМТ Уставининг 40-моддаси).

БМТ амалиётида тўлиқ ёки қисман демилитаризация қилинган зоналарни ташкил этиш, томонлар хоҳишларини чеклаш, қўшинларни орқага қайтариш, вақтинчалик демаркация чизиқларини ўтказиш каби вақтинчалик чора-тадбирлар қўлланилган.

БМТ иштирокидаги вақтинчалик чора-тадбирларни қўллаш одатда низо бошлангандан кейин амалга оширилган. Ҳозирги вақтда ҳукуматлар ёки барча манфаатдор томонлар илтимоси ёки уларнинг розилигига кўра, рўй бериши мумкин бўлган қўшилмаган ҳодисалар (масалан, миллий бўҳрон шароитида) вужудга келиши мумкин бўлган вазиятда вақтинчалик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш масаласи кўндаланг бўлиб турибди.

БМТ Устави минтақавий органларни халқаро низоларни бартраф этиш борасидаги ҳаракатларини ушбу органлар низомларида мустақамланган ваколатлари билан боғламайди. У фақат ушбу ваколатларни БМТ Уставига мос келишини таъминлайди.



Такрорлаш учун саволлар

- ◆ Халқаро низо нима?
- ◆ Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойилининг ҳуқуқий аҳамияти қандай?
- ◆ Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этишнинг қандай турлари мавжуд?
- ◆ Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этишда халқаро ташкилотларнинг роли қандай?

20-мавзу. ҚУРОЛЛИ ЗИДДИЯТЛАР ДАВРИДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ

(халқаро гуманитар ҳуқуқ)

- Уруш олиб боришни халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш. Халқаро гуманитар ҳуқуқ тушунчаси.
- Урушнинг бошланиши ва унинг ҳуқуқий оқибатлари.
- Ҳарбий ҳаракатлар иштирокчилари.
- Уруш олиб боришнинг усул ва воситаларини тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий нормалар.
- Уруш қурбонлари ва маданий қадриятларни халқаро-ҳуқуқий ҳимоя қилиш.
- Бетараф давлатлар.
- Урушнинг тамом бўлиши ва унинг ҳуқуқий оқибатлари.
- Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой ҳаракатининг асосий тамойиллари.

*Уруш олиб боришни халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш.
Халқаро гуманитар ҳуқуқ тушунчаси*

Халқаро гуманитар ҳуқуқ нормалари фақат тинчлик даврида эмас, балки уруш ва қуроли зиддиятлар даврида ҳам амал қилади. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг 200 дан ортиқ қуроли тўқнашувлар ва зиддиятлар бўлиб ўтди. Улар ўзининг ижтимоий характери ва мақсадидан (давлатлараро, фуқаролик уруши), қонунийлиги (мудофаа, миллий-озодлик, БМТ Уставига асосан ҳарбий санкциялар) ёки ноқонунийлиги (агрессив урушлар, уруш агрессияси)дан қатъи назар, ҳарбий зиддиятлар қаторига киради.

Бундай халқаро ҳуқуқий нормалар уруш қонунлари ва анъаналари ёки халқаро гуманитар ҳуқуқ деб аталади.

Халқаро гуманитар ҳуқуқи — қуроли можаролар даврида қўлланиладиган, қуроли кураш олиб боришнинг маълум усуллари ва воситаларини қўллашни тақиқловчи ёки чекловчи, бундай курашлар давомида инсон ҳуқуқларини таъминловчи ва улар бузилганлиги учун халқаро-ҳуқуқий жавобгарликни белгиловчи юридик нормалар ва тамойиллар тизимидир.¹

¹ Халқаро ҳуқуқнинг ушбу соҳаси турли манбаларда турлича: қуроли можаролар даврида қўлланиладиган ҳуқуқ, халқаро гуманитар ҳуқуқ, уруш ҳуқуқи, қуроли можаролар ҳуқуқи, уруш қонунлари, одатлари ва ҳоказолар тарзида номланади.

Халқаро гуманитар ҳуқуқнинг тартибга солиш предмети қуйидаги давлатлараро муносабатлардир:

- ♦ Урушнинг бошланиши;
- ♦ Урушда қатнашмайдиган давлатларнинг бетарафлиги;
- ♦ Курашаётган тарафларнинг урушни олиб бориш усуларини чеклаш;
- ♦ Уруш қурбонларини ҳимоя қилиш;
- ♦ Уруш даврида маданий ёдгорликларни ҳимоя қилиш;
- ♦ “Ҳарбий ҳаракатларнинг тугаши” ҳарбий оккупация режими;
- ♦ Урушнинг тугатилиши;
- ♦ Ҳуқуқ бузилиши учун давлатларнинг жавобгарлиги;
- ♦ Қуроли мижозлар ҳуқуқи нормаларининг бузганлиги учун жисмоний шахсларнинг жиноий жавобгарлиги ва бошқалардир.

Халқаро ҳуқуқнинг амалдаги нормалари халқаро қуроли зиддиятларга ҳам, халқаро мақомга эга бўлмаган қуроли зиддиятларга ҳам тааллуқлидир.

Халқаро қуроли зиддиятларга давлатлар ўртасидаги қуроли тўқнашувлар, мустамлакачилик тузуми ва чет эл боқинчилари ҳамда ирқий режимларга қарши ўз мустақилликлари учун олиб борадиган тўқнашувлар киради. Ушбу ҳуқуқ БМТ Устави ҳамда бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган.

Халқаро мақомга эга бўлмаган қуроли зиддиятларга ҳукумат қўшинлари ва ҳукуматга қарши бўлган қуроли гуруҳлар ёки фуқаролик уруши давридаги қуроли гуруҳлар ўртасидаги тўқнашувлар киради.

Давлатлар ва бошқа иштирокчиларнинг қуроли тўқнашувлар давридаги фаолиятини тартибга солиб турувчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар орасида 1899 ва 1907 йилги Гаага конвенциялари алоҳида ўрин тутди. Ушбу конвенциялар уруш ҳаракатларининг бошланиши, қуруқликдаги урушнинг қонун-қоидалари, бетараф давлатлар ва шахсларнинг қуруқлик ёки денгиздаги уруш ҳаракатлари давридаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар, савдо кемаларини ҳарбий кемаларга айлантириш борасидаги тартиб-қоидалар келтирилган. Мазкур тартиб-қоидалар 1949 йилги Женева конвенциясида ўзининг ривожини топган. Мазкур конвенциялар уруш олиб бориш қоидаларини миллий-озодлик ва фуқаролик урушларига ҳам тарқатди, партизанлар ва қаршилик ҳаракати иштирокчиларига комендантлик ҳуқуқи берилишини ёқлаб чиқди. 1977 йилда Женева конвенциясига қўшимча равишда иккита протокол қабул қилинди: Биринчи Протокол, халқаро қуроли зиддиятларнинг қурбонларига бағишланган бўлса, Иккинчи Протокол халқаро мақомга эга бўлмаган қуроли зиддият-

лар қурбонларини ҳимоя қилишга бағишланган. Ушбу Протоколлар халқаро гуманитар ҳуқуқ ҳимоясида бўлган шахслар сафини янада кенгайтирди.

Урушнинг бошланиши ва унинг ҳуқуқий оқибатлари

Халқаро гуманитар ҳуқуқ урушнинг олдиндан эълон қилинишини талаб этади.

1907 йилда қабул қилинган III Гаага конвенцияси давлатлар ўртасидаги уруш ҳаракатлари огоҳлантиришдан бошланишини талаб қилади. У икки хил шаклда бўлиши мумкин:

биринчиси — асосий равишда уруш эълон қилиш;

иккинчиси — ультиматум, яъни бир давлатнинг иккинчи давлатга эътирозлари бажарилмаса, ушбу давлатларга қарши урушни бошлашидир.

Халқаро гуманитар ҳуқуқда асосан уруш эълон қилиниши агрессиянинг бир тури сифатида эълон қилинсада, уруш бошланишини олдиндан эълон қилинмаслик бу жиноятни янада оғирлаштиради.

Уруш ҳолатининг бошланиши амалда уруш ҳаракатлари бошланмаса ҳам бир қанча халқаро-ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради.

Уруш ҳолати оқибатларига урушаётган давлатлар ўртасида барча алоқалар (масалан, дипломатик, консуллик, савдо ва бошқалар)нинг тўлиқ тўхтатилиши киради. Уларнинг дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ёпилади, ваколатхона ходимлари эса ўша давлат ҳудудини ташлаб чиқиб кетади.

Урушаётган давлатлар ўртасидаги шартномалар (уларнинг турлари ва характерига қараб) тўхтатилади ёки бекор қилинади. Уруш бошланишига мўлжаллаб ишлаб чиқилган шартномалар (Гаага ва Женева конвенциялари) амалга киритилади, яъни кучга киради.

Уруш ҳаракатлари урушаётган давлатлар ҳудудида ҳам, халқаро ҳудуд (масалан, очик денгиз)да ҳам олиб борилади. Ушбу ҳудуд таркибига урушаётган давлатларнинг қуруқлик, сув ва ҳаво ҳудудлари ҳамда очик денгиз ва унинг устидаги ҳаво бўшлиғи киради. Бетараф давлатлар ва доимо бетараф давлатлар ҳамда бетараф ҳудудларда уруш ҳаракатлари олиб борилиши мумкин эмас. Ушбу ҳудудлар махсус шартномаларга асосан ҳарбий ҳаракатлар олиб бориладиган ҳудудлар қаторидан олиб қўйилади. Ушбу ҳудудларга Магелан бўғози, Суэц канали, Аланд ороллари, Антарктика, Ироқ ва Саудия Арабистони ўртасидаги бетараф ҳудуд киради. Уруш ҳаракатлари олиб

бориладиган ҳудуддан давлат ҳудудининг айрим қисмлари махсус(-масалан, санитар) зона ва жойлар сифатида чегаралаб қўйилиши мумкин.

Замонавий халқаро гуманитар ҳуқуқ очиқ шаҳарлар ва катта маданий меросга эга бўлган марказлар ҳам уруш ҳаракатлари олиб бориладиган ҳудудлар қаторидан чиқаради. Иккинчи жаҳон уруши даврида Париж ва Рим очиқ шаҳар деб эълон қилинган. Ушбу нормалар 1954 йилда қабул қилинган маданий бойликларни ҳимоя қилиш борасидаги Гаага конвенциясида 180 модда ҳамда 1949 йилги Женева конвенциясига 1-Қўшимча Протокол (59 ва 60 — моддалар)да ўз аксини топган.

Ҳарбий ҳаракатлар иштирокчилари

Уруш даврида амалда бўладиган ва халқаро гуманитар ҳуқуққа тегишли бўлган асосий тамойилларидан бири бу уруш даврида фақат душманнинг қуроли кучларига қарши (тинч аҳолисига эмас) ҳарбий ҳаракатларнинг олди олиб борилишдир. Тинч аҳоли ҳар доим дахлсиз деб ҳисобланади. Қуроли кучлар билан тинч аҳолини ажратмаган ҳолда ёппасига уруш ҳаракатлари олиб борилиши халқаро жиноятдир. Ҳуқуқий жиҳатдан қараганда қуроли кучлар ҳам: комбатантлар (жанг қилувчилар) ва нокомбатантлар (жангда қатнашмайдиганлар)га бўлинади.

Комбатантлар — қуроли кучлар таркибига кирувчи ва шахсан уруш ҳаракатларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган шахслардир(1977 йилги Қўшимча протоколнинг 43-моддаси, 2-банди). Улар қўлга қурол олиб душманга қарши уруш ҳаракатлари олиб борадилар ва фақат уларга нисбатан ҳарбий зўровонлик, йўқ қилишгача бўлган чора-тадбирларни қўллаш мумкин. Улар душман қўлига тушиб қолсалар, ҳарбий асирларга айланадилар. Улар таркибига:

биринчидан, доимий қуроли кучларнинг шахсий таркиби;
иккинчидан, доимий бўлмаган кучлар — партизанлар, кўнгиллилар, лекин шу шарт биланки,

- ушбу отрядларга бош-қош бўладиган жавобгар шахс бўлса,
- узоқдан яққол кўзга ташланадиган белгилари бўлса,
- ўз ҳаракатларида урушнинг қонун ва урф-одатларига амал қилсалар,

● ҳар бир қуроли тўқнашувларда очиқ ҳолда, хусусан уруш олдидан сафланганда душман кўз олдидан (оптик асбоблар ёрдамида ҳам аниқланиши мумкин) очикдан-очик қурол олиб юрсалар;

учинчидан, денгиз савдо кемалари ва фуқаро самолётлари экипажлари, (агар улар ҳарбий кема ва самолётларга айлантилган бўлса);

тўртинчидан, миллий-озодлик урушида қатнашаётган жангчилар; бешинчидан, босиб олинган ҳудудлар аҳолиси (агар улар душман бостириб келганда доимий қўшинга айланишга улгурмай қўлларига қурол олиб жанг қилсалар ва қурол олиб юриб, уруш қонунлари ва урф-одатларига риоя этсалар) таркиби киради.

Ёлланганлар комбатантлар сифатида тан олинмайди. Ушбу шахслар ҳақ тўлаш эвазига ноқонуний (мустамалакачилик, ирқчилик каби) режимларни ҳимоя қиладилар. Ёлланганлар халқаро гуманитар ҳуқуқ таъсири доирасида бўлмай, жиноятчилар сифатида жазоланади.

БМТда ёлланма аскарларни ёллаш, улардан фойдаланиш, ёрдам кўрсатиш ва уларни ўқитишга қарши қаратилган конвенцияни ишлаб чиқиш бўйича махсус қўмита ташкил этилган. Ёлланма аскарларга ҳарбий инструкторлар ва маслаҳатчилар таркиби кирмайди. Ушбу шахслар икки томонлама шартномаларга асосан қуролли кучларни шакллантириш, ҳарбий кадрлар ва қўшинни жангларга тайёрлаш мақсадида жўнатилади. Лекин улар шахсан ҳарбий ҳаракатларда қатнашмайдилар.

Уруш даврида ҳарбий жосус ва ҳарбий разведкачи тушунчаларини ажрата олиш масаласи пайдо бўлади. Ҳарбий жосус ўз шахсиятини ва ўз фаолиятини беркитиб, душман қуролли кучлари тўғрисида хуфёна тарзда маълумот йиғади. Ҳарбий разведкачилар жосуслардан фарқли ўлароқ душман ҳудудига ўз ҳарбий кийим-бошларида кириб оладилар ва душман қўлига тушиб қолгудек бўлсалар, ҳарбий асирлар сифатида тан олинадилар.

Урушаётган томонларнинг қуролли кучлари таркибига **нокомбатантлар** ҳам киради. Улар комбатантлардан фарқли равишда фақат қуролли кучларнинг фаолиятини таъминлаб бериш билан шуғулланиб, фақат ўзларини ҳимоя қилиш учунгина қурол ишлатишлари мумкин. Нокомбатантларга тиббиёт ходимлари ва индендентлар таркиби, ҳарбий юристлар, мухбирлар, репортёрлар, диний шахслар киради.

Нокомбатантларга нисбатан қурол ишлатилиши мумкин эмас. Лекин улар вазият таъсири остида уруш ҳаракатларида ва жангларда қатнашсалар, комбатантларга айланадилар. Душман асирлигига тушиб қолсалар, уларга ҳам ҳарбий асирлар режими тадбиқ этилади (тиббиёт ходимлари ва диний арбоблардан ташқари, улар ўз вазифаларини бажаришни тўхтатмайдилар).

Парламентёрлар алоҳида ҳуқуқий мақомга эга. **Парламентёр** — ҳарбий қўмондонлик томонидан душман ҳарбий қўмондонлиги билан музокаралар олиб бориши учун тайинланган шахсдир. 1907 йилги IV-Гаага конвенциясига асосан, парламентёр, унга ҳамроҳлик қилувчи трубачи, горнист ёки барабанчи, байроқ кўтариб олган шахс ва таржимон дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Парламентёрнинг алоҳида хусусияти оқ байроқдир. Парламентёр душман томонидан қабул қилиниши ёки қайтариб юборилиши мумкин. Нима бўлганда ҳам у орқага — ўз қўшини ҳудудига қайтиш учун хавфсизлик чора-тадбирлари билан таъминланиши мумкин. Парламентёрларнинг дахлсизлигини бузиш ёки уларни ўлдириш ҳарбий жиноятлар турига киради.

Уруш олиб боришнинг усул ва воситаларини тартибга солиб турувчи халқаро-ҳуқуқий нормалар

1907 йилги IV-Гаага конвенцияси “урушаётганлар ўз душманларига зиён етказишнинг барча воситаларидан фойдалана олиш ҳуқуқига эга эмаслар деб номланувчи махсус нормага эга. Халқаро гуманитар ҳуқуқ нуқтаи назаридан урушни олиб боришнинг воситалари рухсат этилган (ҳуқуққа мос) ва рухсат этилмаган (ҳуқуққа хилоф) воситларга бўлинади.

Ҳуқуққа зид деб уруш вақтидаги халқаро гуманитар ҳуқуқ тамойиллари ва нормаларига қарама-қарши бўлган барча турдаги қурол-яроқлар тан олинади. Ушбу қуролларга ялпи қирғин қуроллари, керагидан ортиқроқ жабр берувчи, табиатга катта, узоққа мўлжалланган ва жиддий зиён етказувчи воситалар киради.

Рухсат этилмаган, ҳуқуққа хилоф бўлган воситалар муайян халқаро шартномаларда ман этиш объекти эмас. Булар ядровий, нейтрон, радиологик ва бошқа турдаги қуроллар: инфратовуш (инсоннинг ички органларига зарар етказиш учун), генетик (инсон наслига зарар етказиш учун), этник (аҳолининг алоҳида гуруҳларига танлаб зарар етказиш учун), психотроп (ҳарбий мақсадларда инсон руҳиятига таъсир кўрсатиш мақсадида), геофизик (табиат ва иқлимни сунъий равишда ўзгартириш учун).

Халқаро гуманитар ҳуқуқ нуқтаи назаридан шу нарсани айтиш лозимки, тўлиқ ман этилган ҳолат бўлмаса ҳам ушбу турдаги қуроллар рухсат этилмаган, қонуний қуроллар сирасига кирмайди.

Шу билан бирга халқаро гуманитар ҳуқуқ уруш олиб боришнинг айрим усулларини чеклайди ёки ман этади. Уларга асосан мунофиқ

усуллар киради. Халқаро гуманитар ҳуқуқ азалдан давлатларга урушда мунофиқ усуллардан фойдаланишни ман этган. 1907 йилги IV-Гаага конвенцияси:

биринчидан, душман қўшинларига ёки аҳолисига тегишли шахсларни сотқинлик билан ўлдириш ёки ярадор қилиш;

иккинчидан, таслим бўлганларни ўлдириш ёки ярадор қилиш;

учинчидан, ҳеч кимга раҳм қилинмаслик тўғрисида эълон қилиш;

тўртинчидан, парламентёрлик ёки миллий байроқдан, Қизил Хоч байроғидан, ҳарбий белгилар ва душманнинг ҳарбий кийим-бошидан ноқонуний тарзда фойдаланиш сингари мунофиқ усулларни ман этади.

Женева конвенциясига қўшимча сифатида қабул қилинган 1977 йилги Биринчи қўшимча Протокол ноинсоний ҳаракатларга баҳо бериб, уни халқаро-ҳуқуқий ҳимоя борасида ишончини алдаш деб тушунтиради. Масалан, сулҳ тўғрисида музокараларни гўё олиб боришга ўхшатиш, касаллик ёки ярадор бўлишга ўхшатиш, сўзсиз таслим бўлишга симуляция қилиш.

Халқаро гуманитар ҳуқуқ ҳарбий хийлаларни ман этмайди, чунки улар халқаро гуманитар ҳуқуқ томонидан бериладиган ҳимояларга тегишли бўлган чора-тадбирларни кўзлаб душман ишончини алдамайди. Улар сирасига маскировка ишлатиш, чалғитувчи операцияларни қўллаш, қўшинларни бир жойдан иккинчи жойга алдаб кўчириш, душманга ёлғон ахборот бериш ва бошқалар киради.

Уруш олиб боришнинг ман этилган усулларига турли сабабларга кўра ҳимоя қилинмаган уй-жойларни ёки иншоотларни бомбардирмон қилиш, маданият обидалари, мачит, черковлар, госпиталларни йўқ қилиш ёки уларга зиён етказиш киради. Шаҳарлар ва аҳоли яшайдиган жойларни талашга ҳам йўл қўйилмайди.

1977 йилги конвенция табиий муҳитга бўлган барча сунъий аралашишлар, масалан, ер тизими, таркиби ва динамикасига сунъий таъсир кўрсатиш (биота, литосфера, гидросфера, атмосфера) ёки коинотга таъсир кўрсатишни тақиқлайди. Ҳарбий мақсадларда сунъий равишда ер қимирлаш, тегишли районнинг экологик мувозанатини бузиш, об-ҳавони ўзгартириш (булут, ёғингарчилик, довуллар, штормлар), иқлимни ўзгартириш, океан оқимларини ўзгартириш, озон қатламни, ионосферани ўзгартиришни ман этади.

Халқаро гуманитар ҳуқуқ уруш олиб боришнинг ваҳшийларча усулларини ҳам ман этади. Улар сирасига, масалан, аҳолига қаттиққўллик муносабатида бўлиш, гаровга олиш ва гаровга олинганларни ўлдириш, калтаклаш ва қийноққа солишдан фойдаланиш киради.

1977 йилги Биринчи Қўшимча Протокол ҳеч кимни тирик қолдирмаслик тўғрисида буйруқ бериш, душманни шу восита билан қўрқитиш ёки уруш ҳаракатларини шу асосда олиб бориш усули сифатида фойдаланишни ман этади.

Уруш қурбонлари ва маданий қадриятларни халқаро-ҳуқуқий ҳимоя қилиш

Уруш қурбонларига ҳарбий асирлар, касаллар ва ярадорлар, денгиздаги қуролли кучлар таркибидаги кема ҳалокати қурбонлари, шунингдек, босиб олинган ҳудудлардаги тинч аҳоли киради. Ушбу шахсларнинг ҳар бир тоифаси 1949 йилги Женева конвенцияси ва 1977 йилги Қўшимча протоколларнинг тегишли тўртта конвенцияси ҳимоясида бўладилар.

Ушбу халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан, уруш қурбонлари нима бўлса ҳам ҳеч қандай камситишларсиз (ирқи, терининг ранги, дини, жинси, келиб чиқиши ёки моддий таъминланганлигидан қатъи назар) ҳимоя билан таъминланишга ва уларга нисбатан инсоний муносабатда бўлишга ҳақлидирлар. Уларнинг ҳаётига қасд қилиш ва шахсий дахлсизлигини бузиш, хусусан ўлдириш, тан жароҳати етказиш, ноинсоний муносабатда бўлиш, қийноққа солиш, инсоний қадриятига тегиш, ҳақоратомуз муносабатда бўлиш, суд иштироксиз ҳукм чиқариш ва жазони ижро этиш, содир этилмаган ҳуқуқбузарлик учун, шунингдек, умумий тарзда жазолаш ман этилади.

Болалар алоҳида ҳимоя ва васийликка эгадирлар. Аёлларга алоҳида ҳурмат билан қараш таъкидлаб ўтилади.

Ҳарбий асирларга нисбатан урушаётган томонлар инсоний муносабатда бўлишлари лозим. Уларни ўлдириш, жисмоний зиён етказиш, улар асосида илмий ёки тиббий тажриба ўтказиш ман этилади. Улар вақтинча душман қўлида ҳисобланиб, душман томони уларнинг тақдирига тўлиқ жавоб беради. Шунинг учун урушаётган томонлар ҳарбий асирларни зўравонлик ва қўрқитишлардан, ҳақоратлардан ҳимоя қилиб, уларнинг шахси ва кадр-қимматларини ҳурмат қилмоғи даркор, аёл жинсидаги ҳарбий асирларга нисбатан, эркакларга қилингандек муносабатда бўлиш, уларга ҳеч қандай қийнаш усулларини қўлласликлари ва уларни қандайдир маълумотлар олишга мажбур қилмасликлари лозим. Ҳарбий асир фақат ўзининг фамилияси, исми, ота исми, унвони, туғилган вақти ва шахсий рақамини айтишга мажбур.

Ҳарбий асирлар ўз меҳнатига ҳақ олишлари, ҳарбий ҳаёт учун хавfli ва кадр-қимматни пастга урувчи ишларга жалб қилинмасликлари лозим. Ҳарбий асирлар ўзлари учун махсус мўлжалланган лагерларда жойлаштирилиши мумкин. Улар озиқ-овқат, кийим-кечак ва тиббий ёрдам билан таъминланишлари лозим.

Умумий тарздаги жазолар ман этилади. Ҳарбий асирларга якка тартибда интизомий ва жиноий жазо қўлланиши, лекин фақат бир қилмиш ёки жиноят учун битта жазо берилиши мумкин. Ҳарбий асирнинг қочиб кетиши жиноий хатти-ҳаракат эмас, агар у муваффақиятли амалга ошмаса, фақат интизомий жазога тортилиши мумкин.

Уруш тугаганидан сўнг давлатлар барча ҳарбий асирларни махсус келишувлар асосида умумий репатриация (қайтариш) тартибида доимий яшаш жойларига қайтаришлари лозим. Қисман бўлган репатриация уруш тугагунга қадар ҳам ўтказилиши мумкин.

Урушаётган томонларнинг қуроли кучлари таркибидаги шахслар ярадор ёки касал бўлганларида махсус ҳимояга эга. 1949 йилги Женева Конвенциялари ва 1977 йилги Қўшимча протоколлар урушаётган томонларга душманнинг ярадор касалларига тиббий ёрдам кўрсатилиши ва худди ўз аскарларига кўрсатилган мулозамат амалга оширилиши лозим. Урушаётган томонлар ярадор бўлган касаллар ва ўлганларнинг фамилияларини эълон қилишлари, уларни дафн этишлари, ўғирликнинг олдини олиш, маҳаллий аҳолига (денгизда бетараф давлатлар ҳарбий ва савдо кемаларига) ярадорлар, уларга ёрдам кўрсатишларига рухсат беришга ҳамда душманнинг госпитал кемаларига босиб олинган портлардан чиқиб кетиш учун рухсат беришга мажбурдир.

Санитар гуруҳлари (санитар отрядлари, госпиталлар, поездлар, кемалар, самолётлар) ҳарбий ҳаракатлар объекти бўла олмайди, улар дахлсиздир. Санитар хизматларининг ажратиб кўрсатувчи асосий белгиси қизил хоч, қизил ярим ой ёки қизил шер тасвирланган оқ байроқдир. Госпитал кемалар тегишли эмблемаларга эга бўлган оқ ранга бўялиши лозим.

Урушаётган томонлар барча касаллар, ярадорлар, ҳарбий асирлар ҳамда уларнинг ўлими тўғрисидаги маълумотларни тезлик билан Швецарияда жойлашган ҳарбий асирлар ишлари бўйича Марказий ахборот агентлигига етказиши лозим.

Ҳарбий ҳаракатлар оқибатларидан тинч аҳоли ва ҳарбий бўлмаган объектлар халқаро-ҳуқуқий ҳимоя остидадир.

Тинч аҳоли дахлсиз. Улар зўравонлик объекти бўлиши мумкин эмас. Тинч аҳолига инсоний муносабатда бўлиб, уларни зўравонлик, қўрқитиш, террор ва ҳақоратлардан ҳимоя қилиш даркор. Улар

репрессалиялар объекти бўлишлари мумкин эмас. Тинч аҳолининг яшаши учун зарур бўлган объектлар (қора-мол, экинлар, озиқ-овқатлар, сув захиралари)га ҳужум қилиш ва йўқ қилиш ман этилади.

Урушаётган давлатлардан бирининг ҳудуди вақтинча оккупацияга тушиб қолиши мумкин. Бу ҳолда ушбу ҳудуд ҳарбий оккупация режимини олади, шунинг учун суверенитет оккупант томонга ўтмайди ва аннексия деб ҳисобланмайди.

1907 ва 1954 йиллардаги Гаага конвенциялари ва 1949 йилда қабул қилинган IV-Женева конвенцияларига асосан босиб олувчи томон босиб олинган ҳудудда чекланмаган эркинликка эга эмас, балки бир қанча мажбуриятларни ўз зиммаларига олади. Улар жамоат тартибини қайта тиклаш, аҳоли осойишталигини, уларни озиқ-овқат, санитар жиҳозлари билан таъминлаш, маданий бойликлар сақланишига қаратилган барча чора-тадбирларни кўришлари лозим.

Аҳолининг шаъни, қадр-қиммати, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳурмат қилинмоғи лозим.

Ҳаракатда бўлган хусусий мулк мусодара қилиниши мумкин эмас. Айрим ҳолларда босиб олувчи вақтинча кўчмас хусусий мулкдан ҳарбий мақсадларда фойдаланиши мумкин. Жамоа мулки (қишлоқ жамоаси, черковлар, ҳайрия ва илмий муассасалар, қишлоқ хўжалиги кооперативлари) ўз мақомига кўра хусусий мулкка тенглаштирилган. Уни мусодара қилиш ёки бузиш ман этилади. Давлатнинг ҳаракатдаги мулки (пуллари, валюта, қурул-яроғ омборлари, ҳаракат воситалари, темир йўл воситалари) мусодара қилиниши мумкин.

Босиб олувчи давлатнинг босиб олинган ҳудудидаги аҳолини олиб кетиши, депортация қилиниши (мажбуран кўчирилиши) ёки у ерга ўз аҳолисини олиб келиши, болаларнинг фуқаролигини ўзгартириши ёки уларни ота-онасидан ажратиб олиши, босиб олинган ҳудуд аҳолисини ўз қурулли кучларига хизматга, ҳарбий мақсадлардаги ишларни бажаришга мажбур қилиши, маданий бойликларни йўқ қилиши ёки олиб кетишга уринишлари қатъиян ман этилади.

Бетараф давлатлар

Бетараф давлатларнинг қуруқликдаги урушда ҳуқуқ ва мажбуриятлари V Гаага конвенцияси билан, денгиздаги урушда эса — XIII Гаага конвенцияси (1907) билан тартибга солинади. Ушбу Конвенцияларга асосан бетараф давлатларнинг ҳудуди уруш ҳаракатлари бўлаётган ҳудуд (уруш театри) бўла олмайди, ушбу ҳудуд урушаётганлар томонидан ҳарбий мақсадларда фойдаланилиши мумкин эмас.

Бундай ҳудудларда ҳарбий отрядларни тузиш ишлари олиб борилиши мумкин эмас. Урушаётган томонлар бетараф давлатлар ҳудудига қуроли қўшинларини олиб киришлари мумкин эмас, агар улар олиб кирилса, бетараф томон бўлгунича уларни интернироват қилиши лозим. Бетараф давлат ҳудудига бўлган барча хуружлар қуроли кучлар ёрдамида қайтарилиши мумкин.

Бетараф давлатлар ҳеч қандай чеклашларсиз ва тўсиқларсиз бошқа бетараф ва урушаётган томонлар билан савдо-сотиқни амалга оширишлари мумкин. Лекин бетараф давлатлар ҳарбий мақсадларда фойдаланилиши мумкин бўлган кемалар, қурол-яроғ, ўқ-дорини урушаётган томонга бермасликлари лозим. Улар ҳарбий контрабанда бўлиб, урушаётган томонлар уни мусодара қилишлари мумкин. Денгиз урушларида урушаётган томонларнинг кемалари бетараф давлатлар қатновлари ва денгиз ҳудудларида 24 соатдан ортиқ бўлишлари мумкин эмас.

Урушнинг тамом бўлиши ва унинг ҳуқуқий оқибатлари

Урушнинг тамом бўлиши халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан уруш ҳолатларининг тугатилиши, яъни урушаётган томонлар ўртасида тинчлик муносабатларининг қайта тикланишидир. Давлатлар уруш оқибатида тўхтатилган дипломатик, консуллик ва савдо алоқаларини қайта тиклайдилар, фуқаролар (юридик шахслар)га бўлган чеклашларни олиб ташлайдилар, чунки улар уруш вақтида душман бўлган давлат фуқаролари сифатида қабул қилинар эди.

Уруш ҳолатини тўхтатиш ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш демакдир. Уруш ҳаракатлари тўхтатилишининг энг кўп тарқалган шакли — сулҳ тузишдир. У кичик бир ҳудудда (фронтнинг айрим олинган қисмида) ёки умумий (бутун фронт бўйлаб), муддатли ёки муддатсиз бўлиши мумкин. Уруш ҳаракатлари капитуляция асосида ҳам тугатилиши мумкин.

Капитуляция — голиб келган томоннинг шартларига биноан уруш ҳаракатларининг тўхтатилишидир.

Кўп ҳолларда сулҳ ва капитуляция уруш ҳолатини йўқ қилмайди. Ушбу ҳолатни ҳуқуқий жиҳатдан баргараф этиш учун давлатлар турли халқаро-ҳуқуқий воситалар ва шаклларга мурожаат этадилар. Бу бир томоннинг хоҳшига кўра бир томонлама ҳужжат бўлиши мумкин. Уруш ҳолатининг тугатилиши икки томоннинг келишувига асосан тузилган декларация натижасида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Тинчлик шартномаси — уруш ҳолатини тугатилишига қаратилган махсус халқаро-ҳуқуқий шаклдир. Тинчлик шартномасида тинчлик муносабатларини қайта тиклаш билан боғлиқ масалалар, яъни ҳудудий муаммолар, енгилган давлат қуроли кучларининг тақдири, ҳарбий асирлар, зиённи қоплаш (репарация), ҳарбий жиноятчиларнинг жавобгарлиги масалалари батафсил ва тўлиқ равишда ёзилган бўлади.

Халқаро Қизил Хоч ва Қизил ярим ой Ҳаракатининг асосий тамойиллари

Халқаро Қизил Хоч ва Қизил ярим ой ҳаракатининг асосий тамойилларига қуйидагилар киради.

1. **Инсонийлик.** Жанг майдонларида истисносиз ҳамма ярадорларга ёрдам кўрсатишга интилиш натижасида вужудга келган Халқаро Қизил Хоч ва Қизил ярим ой Ҳаракати ҳар қандай ҳолатларда халқаро ва миллий даражада инсон азоб уқубатларини енгиллаштириш ёки олдини олишга интилади. Ҳаракат инсонларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш ва инсон шахсига ҳурматни таъминлашга йўналтирилган. У халқлар ўртасида мустақкам тинчлик ҳамкорлик, дўстлик ва ҳамжиҳатликка эришишга кўмаклашади.

2. **Холислик.** Ҳаракат ирқӣ, дини, синфи ёки сиёсий эътиқоди бўйича ҳеч кимни ажратмайди. У фақат инсонларнинг, биринчи навбатда, бунга муҳтож кишиларнинг азоб-уқубатларини енгиллаштиришга интилади.

3. **Қўшилмаслик.** Умумий ишончни сақлаб туриш учун Ҳаракат қуроли моҳароларда бирон-бир томон тарафига ўтмайди ва сиёсий, ирқӣ, диний ёки мафқуравий характердаги бахсларга аралашмайди.

4. **Мустақиллик.** Ҳаракат миллий жамиятлар ўз ҳукуматларига уларнинг инсонпарварлик фаолиятларида ёрдам бериш, ўз мамлакатининг қонунларига бўйсунуш билан бирга Қизил Хоч тамойиллари асосида ҳаракат қилиши учун ҳар доим автономликни сақлаб қолиши зарур.

5. **Ихтиёрийлик.** Ҳаракат ёрдам кўрсатиш бўйича ўзининг ихтиёрий фаолиятида ҳеч қачон фойда олиш мақсадига интилмайди.

6. **Бирдамлик.** Мамлакатда фақат битта Қизил Хоч ва қизил ярим ой Миллий жамияти бўлиши мумкин. У ҳамма учун очиқ ва ўз инсонпарварлик фаолиятини мамлакатнинг барча ҳудудида амалга оширади.

7. Универсаллик. Ҳаракат умумжаҳон ҳисобланади. Ҳамма Миллий жамиятлар тенг ҳуқуқлардан фойдаланади ва бир-бирларига ёрдам беришга мажбурдир.



Такрорлаш учун саволлар

- ◆ Халқаро гуманитар ҳуқуқ тушунчасини беринг?
- ◆ Халқаро гуманитар ҳуқуқнинг манбаалари қандай?
- ◆ Халқаро гуманитар ҳуқуқнинг асосий тамойилларини санаб беринг?
- ◆ Уруш олиб боришни халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш зарурати борми?
- ◆ Қандай халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар уруш олиб боришни тартибга солади?
- ◆ Урушни бошлаш акти нима, унинг ҳуқуқий оқибатлари қандай?
- ◆ Кимлар уруш ҳаракатларининг иштирокчиси сифатида тан олинади?
- ◆ Уруш олиб боришнинг восита ва усуллари тартибга солиб турувчи халқаро-ҳуқуқий нормалар мавжудми?
- ◆ Қандай халқаро ҳужжатларда уруш қурбонлари ва маданий бойликларни халқаро-ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисида гапирилади?
- ◆ Давлатлар урушда бетараф бўла оладиларми?
- ◆ Бетараф давлатларнинг ҳуқуқий мақоми қандай халқаро ҳужжатлар билан тартибга солинади?
- ◆ Урушнинг тугатилиши нимани англатади ва унинг ҳуқуқий оқибатлари қандай?

21-мавзу. ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИК ҲУҚУҚИ

- Халқаро хавфсизлик ҳуқуқи тушунчаси.
- Хавфсизликни таъминлашнинг халқаро-ҳуқуқий воситалари.
- Коллектив хавфсизлиги тушунчаси.
- Ядровий урушни бартараф этиш ҳамда давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш борасидаги халқаро-ҳуқуқий чоралар.
- Қўшилмаслик ҳаракати.

Халқаро хавфсизлик ҳуқуқи тушунчаси

Ҳар бир давлат ўзини суверен давлат сифатида сақлаб қолиш учун миллий хавфсизлигини таъминлаш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўради. Асосий масала шундаки, ушбу мақсадга қандай йўл билан эришилади.

Замонавий қурол-яроғлар ҳеч бир давлатга ҳарбий-техник воситаларни, қурол-яроғларни ва қуролли кучларни такомиллаштириш йўли билан ўзининг миллий хавфсизлигини тўла таъминлаш имконини бермайди. Чунки ядровий урушда, қолаверса, қуролланиш пойгасида ҳеч ким ғалаба қозона олмайди. Шунинг учун миллий хавфсизликни таъминлашда ХХI асрда сиёсий, хусусан, халқаро-ҳуқуқий воситалардан кенг фойдаланиш биринчи ўринга чиқиши зарур.

Дунёда тинчликни сиёсий-ҳуқуқий воситалар ёрдамида таъминлаш — халқаро хавфсизликни таъминлашдаги ягона йўл эмас.

Фақат кучига ишониб ўзини ҳимоя қилиш ҳам етарли эмас. Миллий хавфсизликни таъминлаш учун барча давлатлар бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишлари лозим. Айниқса ядровий қуролга эга бўлган давлатлар ушбу сермасьулият ишларда бошқаларга ўрناк бўлиши лозим. Фақат умумий ялпи хавфсизлик таъминлаб берилган тақдирдагина минтақавий ва миллий хавфсизлик кафолатланиши мумкин. Бу ерда барча давлатларнинг қонуний манфаатларини ҳисобга олиш зарур. Халқаро ҳуқуқ бўйича бир давлат ўз хавфсизлигини бошқа бир давлат ҳисобига таъминлашига йўл қўйилмайди.

Халқаро ялпи хавфсизлик миллий манфаатлар мувозанати асосига — пойдеворига қурилади ва ушбу мувозанатни сақламай туриб мустаҳкам хавфсизликни таъминлаб бўлмайди.

Замонавий қуроллар ва қуролли кучлар миллий хавфсизликни таъминлаб бера олмаслигини ҳисобга олиб, тинчликни сақлаш ва

мустақамлаш, қуролсизланиш, қуролланиш даражасини камайтириш, оммавий қиргин қуролларни, айниқса ядровий қуролларни тўлиқ ман этиш орқали таъминлаб бериш мумкин.

Хавфсизликни таъминлашга бўлган янгича ёндашув умумий ялпи халқаро хавфсизлик концепциясини ишлаб чиқишни тақозо этади. Ушбу концепциянинг мазмуни шундан иборатки, халқаро муносабатлар шундай ташкил этилиши керакки, улар уруш бошланишининг олдини олиши зарур. Унинг асосий хусусияти, мустақам, ялпи тинчликни ўрнатишга қаратилган чора-тадбирларнинг умумий маъқега эга эканлигидир. Ушбу ҳол ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, гуманитар, экологик, маданий ва бошқа муносабатларга тааллуқлидир. Халқаро хавфсизлик муаммосини самарали ҳал этиш ҳар томонлама ёндашувни талаб этади. Ушбу вазиятда асосий эътибор ҳар қандай тўқнашувларнинг олдини олишга қаратилган бўлиши лозим.

Халқаро ялпи хавфсизлик концепцияси жаҳон ҳамжамияти томонидан маъқулланган. БМТ Бош Ассамблеяси 1986 йил 5 декабрь ва 1987 йил 7 декабрларда Халқаро тинчлик ва хавфсизлик тизимининг ялпи структурасини яратиш тўғрисида махсус резолюциялар қабул қилган, 1988 йилнинг 7 декабрида эса “БМТ Уставига асосан Халқаро тинчлик ва хавфсизликни мустақамлашга ялпи ёндашиш” резолюциясини қабул қилган.

Халқаро ҳуқуқнинг хавфсизликка бўлган умумий ёндашувини амалга оширишдаги асосий вазифаси:

биринчидан, ҳозирда халқаро амалиётда қўлланилаётган тинчликни сақлаш механизмининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш;

иккинчидан, янги халқаро-ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқишдан иборат.

Халқаро ялпи хавфсизлик концепцияси БМТ Устави қоидаларидан келиб чиққани учун, унинг муваффақиятли амалга оширилиши БМТ ва унинг институтларининг кўп қиррали ва сермазмун фаолият кўрсатиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Хавфсизликни таъминлашнинг халқаро-ҳуқуқий воситалари

Замонавий халқаро ҳуқуқ ўз моҳияти жиҳатидан тинчлик ҳуқуқи деб аталади. Шунинг учун халқаро ҳуқуқнинг урушнинг олдини олишга тегишли бўлмаган қонун-қоидалари ҳам халқаро хавфсизликни мустақамлашга ёрдам беради. Халқаро хавфсизликни таъминлаб беришнинг асосий йўналишларидан бири давлатлар томо-

нидан халқаро ҳуқуқ асосида зиммаларига олинган мажбуриятларни тўлиқ амалга оширишдир.

Халқаро хавфсизлик ҳуқуқининг асосини халқаро ҳуқуқнинг:

- ♦ куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик;
- ♦ низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;
- ♦ куролсизланиш тамойиллари ташкил этади.

Ҳозирги кундаги асосий вазифа юқорида келтирилган тамойилларнинг тинчликни сақлаш ва урушнинг олдини олишдаги мавқеи, уларнинг самарадорлигини оширишдир.

Ушбу мақсадга бир қанча йўллар билан эришиш мумкин.

Биринчи йўл — барча давлатларнинг ўзини-ўзи назорат этиши ва жавобгарлигини, халқаро ҳамжамият олдида масъулиятларини ошириш.

Иккинчи йўл — куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид солмаслик ҳамда низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойилларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни миллий қонунчиликда мустаҳкамлаш.

Учинчи йўл — халқаро ҳуқуқ тамойилларини ривожлантириш ва аниқлаштириш.

Тўртинчи йўл — халқаро назорат ва мажбурлаш механизмларининг самарали фаолият кўрсатиши учун мавжуд халқаро механизмларни ривожлантириш.

Халқаро хавфсизликнинг махсус тамойиллари меъёрий характерга эга. Уларнинг орасида ўзаро тенг хавфсизлик тамойилини ва бошқа давлатлар хавфсизлигига зиён етказмаслик тамойилини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Ўзаро тенг хавфсизлик тамойилининг асосий бўғинлари:

биринчидан, ҳар бир давлатнинг хавфсизликка бўлган ҳуқуқи; иккинчидан, барчани бир хил равишда хавфсизлик билан таъминлаш;

учинчидан, музокараларда қатнашаётган томонларнинг (муайян даражаларга ажратмай) хавфсизлик соҳасидаги манфаатларини бир хил ҳисобга олиш;

тўртинчидан, манфаатлар мувозанати асосида келишувга эришишдан иборат.

Бошқа давлатлар хавфсизлигига зиён етказмаслик тамойилига асосан, хавфсизликни бошқалар ҳисобидан мустаҳкамлаб бўлмайди. Ҳеч ким, ҳеч бир давлат бир томонлама устунликка эга бўлиши мумкин эмас.

Шу ерда халқаро ҳуқуқнинг урушнинг олдини олишда шарт-шароит яратиб берадиган нормаларига тўхталиб ўтиш зарур.

Халқаро ялпи хавфсизлик тўғрисидаги концепция юқорида зикр этилган нормалар ҳақидаги фикрларни кенгайтиради. У анънавий ҳарбий ва сиёсий йўналишлардан ташқари бошқа гуманитар ва экологик муаммоларни ҳам қамраб олди.

Халқаро ҳуқуқ халқаро хавфсизликни таъминлаб беришнинг аниқ чора-тадбирларига эга бўлиб, уларга:

- ♦ низоларни тинч йўл билан ҳал этиш воситалари, коллектив хавфсизлик (умумий ва минтақавий);
- ♦ қуролсизланиш;
- ♦ халқаро хавф-хатарни камайтириш, қуролланиш пойгасининг олдини олиш ва уни чеклаш чора-тадбирлари;
- ♦ ядровий уруш ва тўсатдан ҳужум қилишнинг олдини олиш чоралари, қўшилмаслик ва бетарафлик;
- ♦ агрессия, тинчликни бузиш ёки унга таҳдид солиш ҳаракатларини бартараф этиш (ўзини ўзи ҳимоя қилиш, халқаро ташкилотларнинг ҳаракатлари);
- ♦ алоҳида худудларни нейтраллаштириш ва демилитаризация қилиш;
- ♦ чет эл ҳарбий базаларини йўқ қилиш;
- ♦ тинчлик зоналарини ташкил этиш;
- ♦ давлатлар ўртасида ишончни мустақкамлаш чора-тадбирлари киради.

Юқорида келтирилган воситалар халқаро-ҳуқуқий воситалар бўлиб, шартномалар томонидан тартибга солинади ва замонавий халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва нормалари асосида ҳаётга татбиқ этилиши лозим.

Коллектив хавфсизлик тушунчаси

Коллектив хавфсизлик — бу барча давлатларнинг ёки маълум минтақада жойлашган давлатларнинг тинчликка таҳдид солишнинг олдини олиш, агрессия ҳаракатларини бартараф этишга қаратилган биргаликдаги чора-тадбирларининг тизимидир.

Коллектив хавфсизлик тизими юридик жиҳатдан халқаро шартнома томонидан расмийлаштирилади. Ушбу шартноманинг мазмуни иштирок этаётган давлатлар томонидан белгиланади.

Лекин коллектив хавфсизлик тизимининг асосини қатнашаётган давлатларнинг камида учта мажбурияти ташкил этади:

биринчидан, куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид солмаслик;

иккинчидан, ўртада пайдо бўлган низоларни фақат тинч йўл билан ҳал этиш;

учинчидан, халқаро тинчликка зиён етказиши мумкин бўлган хавф-хатарнинг олдини олиш борасидаги фаол ўзаро алоқалар.

Коллектив хавфсизлик тизимининг икки тури: 1) **универсал** коллектив хавфсизлик ва 2) **минтақавий** коллектив хавфсизликни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Универсал коллектив хавфсизлик. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти коллектив хавфсизликнинг универсал ташкилоти ҳисобланади.

БМТ Уставига кўра коллектив хавфсизлик чора-тадбирлари тизими қуйидагиларни қамраб олади:

биринчидан, давлатлар ўртасида куч ишлатиш ёки куч билан таҳдид солишни ман этиш чора-тадбирлари (2-модданинг 4-банди);

иккинчидан, халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш чоралари (VI боб);

учинчидан, қуролсизланиш чоралари (11, 26, 47-моддалар);

тўртинчидан, ўтиш даврида хавфсизликни таъминлаб бериш чоралари (XVIII-боб);

бешинчидан, хавфсизлик бўйича минтақавий ташкилотлардан фойдаланиш чоралари (VIII боб);

олтинчидан, тинчликни бузганликни бартараф этишнинг вақтли чоралари (40-модда);

еттинчидан, қуролли кучлардан фойдаланмасдан қўлланадиган мажбурлаш чоралари (41-модда);

саккизинчидан, қуролли кучлардан фойдаланиб қўлланадиган мажбурлаш чоралари (42-модда).

Минтақавий коллектив хавфсизлик. БМТ Устави минтақавий келишувлар бўлишини инкор этмасда, уларга қуйидаги талабларни қўяди:

биринчидан, уларда фақат битта сиёсий жўғрофий ҳудуд давлатлари қатнашиши мумкин;

иккинчидан, ушбу келишувлар асосида олиб бориладиган ҳаракатлар шу ҳудуд ташқарисига чиқиб кетмаслиги лозим;

учинчидан, ушбу ҳаракатлар БМТ ҳаракатлари билан ҳамоҳанг бўлиши лозим.

БМТнинг Хавфсизлик кенгаши минтақавий келишувлар асосида халқаро хавфсизлик ва тинчликни сақлаш учун амалга оширилган ва режаланаётган чора-тадбирлар тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиши лозим (67-модда).

Иштирокчи-давлатлар, бундан ташқари коллектив хавфсизлик тизимига аъзо давлат қуролли ҳужумга учраган барча вазиятларда тез ёрдам кўрсатиш мажбуриятини олишлари мумкин.

Минтақавий хавфсизлик ташкилотлари коллектив хатти-ҳаракатлари тизимида урушнинг олдини олиш борасидаги тинчлик воситалари асосий ҳисобланади.

Қуролли куч ишлатиш билан боғлиқ мажбурлаш чоралари фақат қуролли ҳужум амалга оширилгандан сўнг қўлланилиши мумкин. Бундан ташқари, минтақавий хавфсизлик ташкилоти БМТ Хавфсизлик кенгаши раҳбарлиги остида мажбурлов чораларини кўриши мумкин.

Бандунг (Индонезия, 1955 йил) конференцияси қарорларида Осиёда коллектив хавфсизлик тизимини вужудга келтириш тўғрисида гапириб ўтилган эди, лекин ушбу фикрлар амалга оширилмай қолган.

Америка Давлатлари ташкилоти (АДТ) Шимолий ва Жанубий Америка давлатларини ўз ичига олади. АДТда коллектив хавфсизлик масалалари билан тўлиқроқ танишиш учун 1947 йилги Узаро ёрдам тўғрисидаги ва 1948 йилги Низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тўғрисидаги шартномаларга мурожаат этиш лозим.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Европада ўзига хос вазият, яъни иккита ҳарбий-сиёсий ташкилот: 1949 йилда ташкил этилган НАТО ва 1955 йилда ташкил этилган Варшава шартномаси ташкилоти мавжуд бўлган эди. Ҳозирда эса собиқ СССР ҳам, Варшава шартномаси ташкилоти ҳам йўқ бўлганидан кейин, собиқ СССР таркибига ҳамда Варшава шартномаси ташкилоти таркибига кирган давлатлар НАТО таркибига киришга интилмоқда.

1991 йилнинг 8 декабрида Россия, Украина ва Беларусь Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (кейинчалик ушбу ташкилот таркибига собиқ Совет Иттифоқига аъзо бўлган республикалар ҳам кирди) ташкил этдилар.

1992 йилнинг 15 майида Тошкентда (МДХ раҳнамолигида) коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномага имзо чекилди. Шу нарса аён бўлдики, Ҳамдўстлик кўшимча равишда хавфсизлик функцияларини ҳам бажариши лозим.

Европада (АҚШ ва Канада иштирокида) умумевропа хавфсизлик тизими шакллана бошлади. 33 та Европа мамлакатлари (АҚШ ва Канада билан 35 та) томонидан 1975 йил 1 августда имзоланган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг Яқунловчи акти умумевропа хавфсизлик ва ҳамкорлик тизимининг вужудга келти-

рилишини бошлаб берди. Ушбу тизимда 4 та таркибий қисмни ажратиб кўрсатиш мумкин:

биринчидан, куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид солмаслик ҳамда низоларни тинч йўл билан ҳал этиш ва чегараларнинг дахлсизлиги тамойиллари;

иккинчидан, Европада хавфсизликни таъминлаш борасидаги келишилган ва амалий чора-тадбирлар комплекси (қуролсизланиш бўйича самарали чораларни кўриш, низоларни тинч йўл билан ҳал этишнинг барчасига мос усулларни ишлаб чиқиш, ҳарбий соҳада ишончни мустаҳкамлаш);

учинчидан, иқтисодий, илмий-техникавий, инсонпарварлик ва бошқа соҳаларда кўп қиррали ҳамкорлик дастури;

тўртинчидан, бир томонлама, иккитомонлама ва кўптомонлама асосда Яқунловчи акт қоидаларини ҳаётга тадбиқ этишнинг ташкилий чора-тадбирлари.

Давлатларнинг коллектив хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳозирги вақтда давлатларни қуролсизлантириш ёки тўпланган қурол-яроқларни қисқартириш борасидаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Қуролсизланиш — бу давлатлар томонидан уруш олиб боришнинг моддий воситаларини қисқартириш ёки тўлиқ йўқ қилишга қаратилган келишилган чора-тадбирлар йиғиндисидир.

Қуролсизланиш — халқаро ҳуқуқнинг тамойилларидан биридир. Ушбу тамойилнинг юридик моҳиятини қуйидаги учта меъёрий элементлар ташкил этади:

биринчидан, умумий ҳаракатдаги мажбуриятлар — қуролсизланиш борасида амалий чораларни ишлаб чиқиш;

иккинчидан, дастурий ҳаракатдаги нормалар — қуроллар ва қуролли кучларни тўлиқ йўқ қилиш йўли билан қуролсизланишга эришиш;

учинчидан, кафолат ҳаракатига эга бўлган мажбуриятлар — амалдаги шартномалар қоидаларини тўлиқ бажариш.

БМТ Устави қуролсизланиш дастурларини кўриб чиқиш қоидаларини белгиламайди.

БМТда ушбу масъул топшириқ икки асосий орган — Бош Ассамблея ва Хавфсизлик Кенгашига топширилган. БМТ қошида барча ташкилот аъзоларидан иборат Қуролсизланиш бўйича комиссия ташкил этилган.

Умумий тарзда қуролсизланишнинг иккита тури, яъни: **ялпи** ва **қисман қуролсизланиш** тўғрисида гапириш мумкин.

Ялпи қуролсизланиш қуйидагиларни билдиради:

биринчидан, қуролли кучларни йўқ қилиш, ҳарбий ташкилотларни бартараф этиш, қурол ишлаб чиқаришни тўхтатиш, шунингдек, уларни йўқ қилиш ҳамда тинчлик даврида улардан фойдаланишни ман этиш;

иккинчидан, ядровий, кимёвий, бактериологик ва бошқа оммавий қирғин қуролларининг барча захираларини йўқ қилиш ҳамда шу туркумдаги қуролларни ишлаб чиқаришни тўхтатиш;

учинчидан, оммавий қирғин қуролларини элтиб бериш воситаларининг барча турларини йўқ қилиш;

тўртинчидан, мамлакат ҳарбий фаолиятини ташкил этиб берувчи муассасалар ҳамда ташкилотларни бартараф этиш, ҳарбий таълим беришни тўхтатиш, ҳарбий ўқув юртларини беркитиш;

бешинчидан, маблағларни ҳарбий мақсадларда ишлатишни тўхтатиш.

Давлатлар фақат ядровий бўлмаган қуролли кучлар, воситалар ва ташкилотларни сақлаб қолиши мумкин. Улар келишувга биноан ички тартиб-қоида ва фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш учун зарурдир (2-модда).

Қисман қуролсизланиш қуйидагиларни англатади:

1. **Ядровий қуролсизланиш.** Ядровий қуролсизланиш — қуролсизланиш тўғрисидаги муаммоларнинг муаммоси бўлиб, инсоният цивилизациясининг омон қолиши гаровидир.

2. **Ядровий қуроллардан фойдаланишни ман этиш.** Замонавий халқаро ҳуқуқ ўзида ядровий қуроллардан фойдаланишни ман этадиган конвенциявий нормаларни мужассамлаштиради.

БМТ Бош Ассамблеяси ядровий қуроллардан фойдаланишни ман этадиган бир қанча резолюцияларни қабул қилган. Уларнинг ичида энг асосийлари 1961 йил 24 ноябрда қабул қилинган Ядровий ва термойдровий қуролларни ман этиш ва улардан фойдаланишни таъқиқлаш тўғрисидаги ҳамда 1972 йил 29 ноябрда қабул қилинган халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик ва ядровий қуроллардан фойдаланишни абадий тўхтатиш тўғрисидаги Декларациялардир.

3. **Ядровий қуроллар синовларини ман этиш.** Ушбу масалага ядровий қуролларни атмосферада, космик фазода ва сув остидаги синовларни ман этиш тўғрисидаги Москва шартномаси (1963 йил 5 августда қабул қилинган) бағишланган.

4. **Ядровий қуролларни тарқатмаслик.** Ушбу туркумдаги қуролларнинг тарқалиб кетишининг олдини олиш учун 1968 йилнинг июлида ядровий қуролларни тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага имзо чекилган.

5. **Ядровий қуроолардан озод зоналар.** Бу ядровий қурооларни маълум ҳудудда жойлаштиришни ман этишдир. Космик фазо ядровий қуроолардан озод зона деб эълон қилинган. 1967 йил 27 январдаги Космос тўғрисидаги шартнома осмон жисмларини тўлиқ демилитаризация этилган деб эълон қилган. Қолган космик ҳудудда ядровий ва оммавий қирғин қурооларини жойлаштирамаслик тўғрисидаги норма амалдадир.

1971 йилнинг 11 феввалида денгиз ва океан қаърида ядровий ва оммавий қирғин қурооларининг бошқа турларини жойлаштиришни ман этадиган шартнома имзоланган.

1967 йилда Лотин Америкасининг 14 давлати Лотин Америкасида ядровий қурооларни ман этиш тўғрисидаги шартномага имзо чекди (Тлателоако шартномаси). 1969 йил 25 январиди ушбу шартнома кучга кирган.

6. **Ўрта ва яқин масофага учувчи ракетааларни йўқ қилиш.** Ядровий қуроолсизланиш борасида 1987 йил 8 декабрда имзо чекилган собиқ СССР ва АҚШ ўртасида ўрта ва яқин масофага учувчи ракетааларни йўқ қилиш борасидаги Вашингтон шартномаси катта аҳамиятга эга.

7. **Тактик ядровий қурооларни йўқ қилиш муаммоси.** Ушбу туркумдаги қурооларни йўқ қилиш борасидаги таклифлар бир неча марта келтирилган. 1987 йилги Вашингтон шартномаси қабул қилингандан сўнг ядровий артиллерия ва яқин масофага учувчи ракетааларни йўқ қилиш муаммоси ўта долзарб бўлиб қолди.

8. **Стратегик қуроол-ярогларни чеклаш ва камайтириш.** Ушбу туркум қурооллар энг замонавий ва энг қудратли ҳисобланади. 1972 йилда Москвада икки битим — Ракетааларга қарши мудофаа тизимини чеклаш тўғрисидаги шартнома ва стратегик ҳужумкор қуроолларни чеклаш соҳасидаги айрим идора тадбирлари тўғрисидаги вақтли битимга имзо чекилган эди.

1979 йилда Венада собиқ СССР ва АҚШ ўртасида стратегик ҳужумкор қуроолларни чеклаш тўғрисидаги шартномага имзо чекилган.

1991 йилда собиқ СССР ва АҚШ ўртасида томонларнинг ядровий заҳираларини 30 фоизга камайтириш борасидаги шартномага имзо чекилган. Мисол қилиб шуни айтиш мумкинки, ўрта ва яқин масофага учадиган ракетаалар тўғрисидаги шартномага асосан ядровий қурооллар заҳиралари таҳминан 4 фоизга қисқартирилади.

1993 йилнинг январиди Москвада Россия ва АҚШ ўртасида стратегик ҳужумкор қуроолларни янада қисқартириш борасида янги шартномага имзо чекилди. Ушбу шартномага асосан томонлар 10 йил ичида ушбу туркумдаги қуроолларни таҳминан 2F3 қисмга қисқартириш мажбуриятини олганлар.

9. **Кимё ва бактериологик қурооларни ман этиш.** Бундай ман этиш 1925 йилги Женева Протоколи билан кўзда тутилган. Аммо ушбу Протокол юқоридаги туркум қурооллардан фойдаланиш борасидаги ман этишларга тегишли. 1993 йил 13 январдаги конвенция эса кимёвий қуроолларни яратиш, ишлаб чиқиш, тўплашни ман этиб, тўпланган кимёвий қуроолларни йўқ қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ушбу келишув билан бир қаторда бир қанча туркум (нейтрон, генетик, инфратовуш, нурли, радиоактив материаллар ёрдамида таъсир кўрсатадиган) қуроолларни ман этиш борасидаги шартномаларга имзо чекиш таклиф қилинмоқда.

10. **Оддий қуроолларни ва қуроолли кучларни қисқартириш.** Европадаги оддий қуроолли кучлар тўғрисидаги 1990 йил 10 ноябрда қабул қилинган шартномага асосан ҳужум қилиш имкониятига эга бўлган қуроолларнинг қуруқликдаги ва ҳаводаги турлари (танклар, ҳарбий зирҳли транспорёрлар, артиллерия тизимлари, ҳарбий самолётлар, ҳужумкор вертолётлар) қисқартирилган. Ушбу қурол-яроғлар НАТО мамлакатлари, Варшава шартномаси давлатлари, Озарбайжон, Белорусь ва Украинага тегишли эди. Европа тарихида биринчи марта оддий қуроолли кучларнинг хавфсизроқ ва барқарор мувозанати ўрнатилиб, тўсатдан ҳужум уюштириш имкониятига чек қўйилди.

Ядро урушни бартараф этиш ҳамда давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш борасида халқаро-ҳуқуқий чоралар

XX асрнинг 80-йилларига келиб ядро урушининг олдини олишга бағишланган бир бутун шартномалар тизими шаклланди. Бундай шартномаларни икки гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳ шартномалар (уларга собиқ СССР ва АҚШ ўртасида тузилган ядро урушининг олдини олишга қаратилган 1973 йил 22 июндаги келишув мисол бўла олади) давлатлараро муносабатларни яхшилашга қаратилган бўлиб, ушбу муносабатларнинг ёмонлашувига олиб келадиган, ядро қуролидан фойдаланиб, қуроолли тўқнашувга олиб келувчи ҳолатларни бартараф этишга қаратилган. Томонлар ядро урушидан ўзларини тийиб туриш мажбуриятини олганлар (тезкор маслаҳатлашув ва бошқалар).

Иккинчи гуруҳ шартномалар ядро қуролидан беҳосдан ёки санкцияланмаган тарзда фойдаланишга йўл қўймайдиган механизмни яратишни мақсад қилиб қўяди (масалан, собиқ СССР ва АҚШ ўртасидаги 1971 йил 30 сентябрда тузилган, собиқ СССР ва Франция ўртасида 1976 йил 16 июлда тузилган, собиқ СССР ва Буюк Брита-

ния ўртасида 1977 йил 10 октябрда тузилган келишувларни келтириш мумкин). Ушбу шартномалар гуруҳига собиқ СССР ва АҚШ ўртасида 1987 йил 15 сентябрда тузилган ядро хавфини камайтириш марказларини вужудга келтириш тўғрисидаги келишув ҳам киради. Юқоридаги келишувлар ядровий тўқнашувлар тўғрисидаги маълумотларни тезликда етказиш, ҳукуматлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқа тармоғини вужудга келтириш борасидаги ташкилий ва техник чораларни такомиллаштиришни кўзда тутди.

Низоларнинг олдини олиш Марказининг мақсадлари ҳам жуда кенгдир. Ушбу марказ 1990 йилда Парижда ўтказилган қарорларга мувофиқ тузилган. У Европадаги ҳарбий-сиёсий вазият билан танишиб, турли оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларга баҳо бериши зарур.

Қўшилмаслик ҳаракати

Ушбу ҳаракат Иккинчи Жаҳон урушидан кейин пайдо бўлган ва ҳозирда 100 дан ортиқ давлатни бирлаштиради. Ушбу ҳаракатда мустамлакачилик асоратидан озод бўлган давлатларнинг қўпчилиги иштирок этади. Қўшилмаслик ҳаракати иштирокчилари мавжуд ҳарбий блоklarда иштирок этишдан бош тортганликларини эълон қилганлар.

Қўшилмаслик ҳаракатида қатнашувчи давлатлар 1961 йилда “Қўшилмасликнинг беш тамойили”ни эълон қилганлар:

биринчидан, турли тузумдаги давлатлар билан тинч-тотув яшаш, қўшилмаслик;

иккинчидан, халқларнинг мустамлакачиларга қарши қаратилган миллий-озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш;

учинчидан, буюк давлатлар ўртасидаги низоларга тааллуқли ҳарбий иттифоқларда қатнашмаслик;

тўртинчидан, ҳарбий келишувларда қатнашмаслик;

бешинчидан, ўз ҳудудларида хорижий ҳарбий базаларни жойлаш-тирмаслик.

Ушбу тамойилларнинг мажмуи Қўшилмаслик ҳаракатининг юридик маъносини англатади. Улар қуролли тўқнашувларда қатнашувчи томонларни ва ушбу тўқнашувларда қатнашмайдиган тарафлар томонидан ушбу соҳага тегишли махсус нормаларга риоя этилишини тақозо этади.



Такрорлаш учун саволлар

- ◆ Халқаро хавфсизлик ҳуқуқи тушунчасини беринг.
- ◆ Халқаро хавфсизлик ҳуқуқининг манбаларини санаб беринг.
- ◆ Халқаро хавфсизлик ҳуқуқи тамойилларининг аҳамияти қандай?
- ◆ “Халқаро хавфсизликка ялпи ёндашиш” нимани англатади?
- ◆ Ялпи халқаро хавфсизликни таъминлашда БМТнинг роли қандай?
- ◆ Хавфсизликни таъминлашнинг халқаро-ҳуқуқий воситалари нима?
- ◆ Коллектив хавфсизлик нима дегани?
- ◆ Коллектив хавфсизликнинг қандай турлари мавжуд?
- ◆ Ҳозирги даврда ядро урушининг олдини олиш ва давлатлар ўртасида ишончни мустаҳкамлаш борасида қандай чоралар кўрилмоқда?
- ◆ “Кўшилмаслик ҳақаракати” нима ва унинг асосий тамойиллари қандай?
- ◆ “Қуролсизланиш” дегани нимани англатади ва унинг қандай турлари бор?
- ◆ Марказий Осиёни ядровий қуролдан ҳоли зона деб эълон қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг ташаббуси амалиётга қандай тадбиқ этилмоқда?

УЧИНЧИ ҚИСМ

Халқаро ҳуқуқ ва Ўзбекистон Республикаси

- **Ўзбекистон ташқи сиёсати ва дипломатиясининг моҳияти ва асосий йўналишлари.**
- **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Ўзбекистон Республикаси**

22-мавзу. ЎЗБЕКИСТОН ТАШҚИ СИЁСАТИ ВА ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ МОҲИЯТИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

- Давлат суверенитети ва ташқи сиёсат.
- Ўзбекистон дипломатиясининг асосий тамойиллари.
- Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари.

Давлат суверенитети ва ташқи сиёсат

Суверенитет ҳар бир давлат учун мустақил ташқи сиёсат олиб боришнинг асосий шартидир. Ташқи сиёсат, дипломатия — юксак талаб, маҳорат, зўр ақл-заковат, кучли ирода, юқори малака талаб қиладиган давлат фаолият туридир.

Жаҳон ҳамжамиятида фаол иштирок этиш ва Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама ташқи сиёсат юритиш — давлат суверенитетини мустаҳкамлашнинг муҳим шартидир. Бунинг учун энг муҳим шарт-шароит — Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари томонидан тан олинганлиги ва уларнинг аксарияти билан дипломатик алоқалар ўрнатилганлигидир. Эндиликда Ўзбекистон жаҳон сиёсий майдонидан борган сари муносиб ўрин эгалламоқда.

Қўйилаётган амалий қадамлар: Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиш, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти ишига қўшилиш, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ихтисослашган муассасалари фаолиятида қатнашиш Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятда узоқ муддат мобайнида яратувчилик фаолияти билан шуғулланиш истиқболга мўлжалланган. Ўзбекистон Республикасининг Парламентлараро Иттифоққа кирганлиги ёш ўзбек давлатининг демократия ва парламентаризм ғояларига содиқлигидан далолат беради. Ўзбекистон етакчи жаҳон молиявий-иқтисодий ташкилотлари таркибига кирди. У чет мамлакатлар билан юзлаб шартнома ва битимлар тузди. Ўзбекистоннинг Ўрта Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш ва тинчлик ўрнатувчилик ролига, унинг бутун дунёда вазмин ва ошқора юритаётган ташқи сиёсатига жаҳон ҳамжамияти юқори баҳо бермоқда.

Мустақилликка қадар “қизил империя” маркази Ўзбекистонни қўлида маҳкам ушлаб турган ва, жуда деганда, чет эллардан келган юқори мартабали меҳмонлар олдида “гуллаб-яшнаётган Совет Шарқи”ни ифодалаш ролини бажарар эди. Расман миллий давлатчилигига эга бўлган Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида содир бўлаётган жараёнларда иштирок этишдан четлаштириб қўйилган эди. Айниқса жаҳон иқтисодий тизимидан ажратиб қўйилганлик Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига катта путур етказган.

Истиқлол туфайли Ўзбекистоннинг халқаро майдондан четлаштирилишига абадий барҳам берилди. Энди худди Турон, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Амир Темур ва Темурийлар, ўзбек хонликлари замонида бўлгани сингари, Ўзбекистон яна ўзининг давлатлараро ишини, ташқи сиёсатини мустақил белгиламоқда ва олиб бормоқда.

Бугунги кунда ўз мустақил ташқи сиёсатини конституциявий қоидаларга таяниб юритмоқда. “Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади” дейилади 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида.

Ўзбекистон дунёда ўзини ташқи сиёсий ва маданий алоқаларнинг бой тарихига эга бўлган ва мустақил равишда замонавий дипломатик алоқаларни амалга ошираётган тинчликсевар ҳуқуқий давлат сифатида фаолият юритмоқда. Халқаро ҳуқуқ нуқтаи назаридан Ўзбекистон учун асрлар оша буюк бўлиб келган давлатлар ҳам, давлатчилик тарихи кўп жиҳатдан бизга ўхшаш ёш мамлакатлар ҳам баб-баравардир.

Ўзбекистон Конституциясининг 93-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасининг Президенти халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради. У Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартнома ва битимларини имзолайди, Республика томонидан тузилган шартномаларга, битимларга ва унинг мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди. Халқаро ва миллий анъанага мувофиқ, ўзбек давлатининг бошлиғи мамлакат ташқи сиёсатининг олий мартабали раҳбаригина бўлиб қолмай, балки унинг самарали амалга оширилишини ҳам бевосита таъминлайди.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг жўғрофияси узлуксиз кенгайиб бормоқда. Бу эса давлатимизнинг стратегик йўлига мос келади. Давлатимиз суверенитетининг энг муҳим кафилларидан бири эса жаҳон ҳамжамиятининг ишонч ва қўллаб-қувватлашидир.

Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосида давлат мустақиллиги ва миллий манфаатлари, халқ фаровонлиги ва хавфсизлиги ётади. Табиийки, бунда ўз шерикларининг манфаатлари, уларнинг геосиёсий йўналишлари ҳисобга олинмоқда, чунки муштараклик бўлмаса, ташқи сиёсат ҳам бўлмайди.

Халқаро муносабатларда фойдалилик деганда фақат ҳозирги моддий манфаатнинг ўзигина тушунилмайди. Агар шундай деб тушуниладиган бўлса, ҳурмат ва ишончни бой бериб қўйиш мумкин.

Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги амалий қадамлари муносабатларимизнинг давлат шаънига ва ҳурматига йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти ҳаётида фаоллик кўрсатишни ўз ташқи сиёсатидаги устуворлиги деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон дипломатиясининг асосий тамойиллари

Инсонпарварликнинг юксак тамойилларига таяниш Ўзбекистон дипломатиясининг асосини ташкил қилади. Бу тамойиллар Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолиятида намоён бўлмоқда. Бу йўл Ўрта Осиёда тинчликни сақлашнинг мураккаб муаммоларини ҳал этишда Ўзбекистоннинг иштироки – самимий, инсонпарварона ва беғараз ҳаракатлар эканлигида яққол кўринмоқда. Ўзбекистон дипломатиясининг асосий тамойилларига қуйидагилар киради.

Биринчидан, чет элдаги бутун илғор тажрибани ўрганиш Ўзбекистон дипломатиясининг энг муҳим тамойилларидандир. Шу маънода ҳар бир музокара жараёни мустақил иқтисодий ва сиёсий фикрни бойитишга ҳисса қўшади, ўзининг янгилиниш ва тараққиёт йўлидан илгарилаб боришига туртки беради.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида иқтисодий омиллар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ўзбекистон халқаро иқтисодий соҳани ўзлаштира бориб, ўз мустақиллигини унинг энг жиддий йўналиши бўлган иқтисодиётида мустаҳкамламоқда. Халқаро валюта фонди, Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки, Европа тараққиёт ва тикланиш банки билан яқиндан алоқалар ўз самарасини бермоқда. Дунёнинг етакчи

банклари билан алоқалар йўлга қўйилди. Чет мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида, шу жумладан хорижий инвестицияларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисида кўплаб ташқи иқтисодий ҳужжатлар амал қилиб турибди. Ўзбекистонда юзлаб қўшма корхоналар очилди.

Иккинчидан, Ўзбекистон дипломатиясининг яна муҳим бир тамойили, унинг музокарадош давлатлар эътироф этишича, ҳар бир халқаро битимнинг мустақкам ҳуқуқий заминга эга бўлиши тўғрисида, ташқи иқтисодий йўналишлар бўйича амалий жиҳатдан келишиб олиш тўғрисида ғамхўрлик қилишдир. Шу боисдан ҳам Олий Мажлисида халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилиш билан боғлиқ бўлган ҳеч қандай муаммолар йўқ.

Ўзбекистон қонунлари барча ташқи сиёсий мажбуриятларни бажарилишини таъминлашга қаратилган бўлиб, давлат чегараларининг барқарорлиги масаласида ҳам, инсон ҳуқуқлари ва кам сонли миллий гуруҳларнинг ҳуқуқлари бўйича ҳам, чет эллик сармоядорлар ва инвесторлар, фуқароларнинг риоя этилиши хусусида ҳам бу ҳуқуқларнинг бажарилиши кафолатланганлигига йўналтирилган.

Ўзбекистон ўзининг ўзига хос ҳуқуқий йўлига содиқ қолган ҳолда, жаҳон ҳамжамиятига кириш учун зарур бўлган халқаро талаб ва стандартларга риоя қилмоқда. Бу ерда гап Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясига асосланган кафолатлар тўғрисида, БМТ Устави ва Хельсинки битимлари тўғрисида, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг асосий ҳужжатлари — ҳужум қилмаслик, халқаро муносабатларда уруш билан таҳдид солишдан воз кечиш ва ҳоказолар тўғрисида, халқаро ҳуқуқнинг миллий ҳуқуқдан устунлиги тўғрисида бормоқда. Ташқи сиёсатни халқимизнинг маънавияти, маданияти ва цивилизациясини чуқур билмай туриб олиб бориб бўлмайди.

Учинчидан, ташқи ва ички сиёсатнинг, стратегик ва устувор йўналишлар бўйича халқаро ва ташқи иқтисодий битишувларнинг ўзаро боғлиқлиги — Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолиятига сингиб кетган самарали прагматик тамойилидир. Ҳар бир музокара, ҳар бир ташриф, амалий учрашув ва хорижий меҳмонларни қабул қилиш, давлат бошлиғининг ҳар бир сафари Ўзбекистоннинг суверен тараққиёти йўлидан ислоҳ қилиб боришдек ғоят муҳим ишга фойда келтиришига қаратилган. Айтиш мумкинки, И.А.Каримовнинг дипломатик менталитети халқимизнинг миллий менталитетига тамомила мос келади.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида пешқадамликка ёки мустақил ташаббускорликка бирон-бир даъвонинг йўқлиги ҳам тасодифий эмас.

Холис кузатувчи ҳамма нарсада ва ҳар доим бизнинг мамлакатимиз жаҳон ҳамдўстлиги, Ўрта Осиёдаги қушни-дўстларимиз, МДХдаги иттифоқчиларимиз, барча ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий шерикларимиз олдидаги юксак масъулиятини ҳис этишини пайқамай қолмайди. Булар мамлакатларми, халқаро ташкилотларми, тадбир-корларми ёхуд нодавлат ташкилотларими, барибир.

Ўзбекистон дипломатиясининг ўзига хос хусусияти шуки, бизнинг мамлакатимиз Халқаро ҳамжамияти учун муаммо келтириб чиқараётгани йўқ. Аксинча, минтақавий тинчликни, сиёсий барқарорликни мустаҳкамлашда, давлат чегараларининг бузилмаслигини таъминлашда ўз имконияти даражасида фаол иштирок этишга ҳаракат қилмоқда.

Туртунчидан, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор тамойили кўптомонламалиқдир, чунки давлатимизнинг геосиёсий аҳволи, тарихий тажрибаси ва иқтисодий эҳтиёжлари шундай. У, энг аввало, Шарқий Осиё — мусулмон цивилизациясига мансубдир. Бизнинг ташқи сиёсий майлларимиз Ўзбекистоннинг аксарият кўп фуқароларига жуда яқин бўлган ислом қадриятларини ҳисобга олади.

Бундан қарийб 2,5 минг йил муқаддам Искандар Зулқарнайнинг босқинчилик юришидан бошлаб биз Европа цивилизацияси билан ўзаро алоқада бўлиб келмоқдамиз. Европа буюк аждодларимиз бўлмиш Ал-Хоразмий ва Ал-Берунийнинг математикага оид асарларини ўзлаштириб олган, тиббиётни ибн Сино “Тиб қонунлари”дан, астрономияни Ал-Фарғоний ва Улуғбек жадвалларидан ўрганган, Испан Кордовасининг ислом университетлари орқали иккинчи Арасту деб аталмиш файласуф Абу Наср Форобийнинг бир бутун дунёқараши билан танишган.

Ўзбекистоннинг эшиклари очилганлиги туфайли иқтисодиётни жонлантириш ва жаҳон бозорига кириш учун зарур бўлган замонавий технологияларни олиш имконига эга бўлмоқдамиз. Ўзбекистон давлатининг раҳбари ташриф буюрган мамлакатларнинг ҳаммаси ҳам ўз вақтида миллий маънавиятни, ўз бойликлари ва кучларига таянишни фан-техника тараққиёти билан уйғунлаштириб борувчи ана шундай йўлни танлаган эдилар. Ўзбекистон қадимги замонда Ўрта Осиё орқали Узоқ ва Яқин Шарқни, Ҳиндистон ва Европани бирлаштирган Буюк Ипак йўлини қайта тиклашни қаттиқ ёқламоқда.

Ташқи давлатлараро алоқалар мувозанати барча ички ва халқаро омилларни ҳисобга олади. Иттифоқчилар танлаш ҳамиша ҳар қандай давлат учун, айниқса ўзининг халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлаётган давлат учун жуда муҳим ва қийин иш бўлган.

Аввалги мафкуравий ёндашувлардан воз кечган ҳолда Ўзбекистон дипломатиясининг устувор йўналишларини танлашга давлат, тарихий, маданий, миллий, диний, ҳуқуқий анъаналарнинг турлитуманлиги ўз таъсирини ўтказмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий ҳамкорлиги янгилашиш ва тараққиёт йўналишларининг бир бутунлигини акс эттиради. Дунёнинг ҳар қандай мамлакати билан давлатлараро муносабатларнинг мезонлари орасида бизнинг мустақиллигимизни тан олиш ва амалда тасдиқлаш биринчи ўринда туради. Бизнинг ўз тараққиёт йўлимизнинг хусусиятларини бошқа давлатлар томонидан тушунилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Собиқ Иттифоқ ҳудудидаги барча янги мустақил давлатлар билан ҳам, бутун дунё мамлакатлари билан ҳам икки томонлама ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш — Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий тамойилидир. Бундай ёндашув мамлакатимизнинг жуда аниқ натижаларга эришувини кўп жиҳатдан кафолатлайди. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий мувозанати учун ҳар бир шерик давлат ёки давлатлар гуруҳи билан ўзаро муносабатлар муҳим аҳамиятга эга.

Фарбнинг ривожланган мамлакатлари, яъни АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Швейцария, Италия ҳамда Япония, Россия, Туркия, ислом ва араб давлатлари, Хитой, Ҳиндистон, Жануби-Шарқий Осиёдаги, Узоқ Шарқдаги янги индустриал давлатлар билан юксак давлатлараро даражада алоқалар боғланганлиги халқаро обрў учун алоҳида аҳамиятга моликдир.

Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари уларнинг сиёсий жўғрофиясида акс этади. Бунда у ёки бу мамлакатлар гуруҳини ажратиб кўрсатар эканмиз, асло уларни бошқаларга қарама-қарши қўймаймиз, чунки уларнинг ҳаммаси ўзича устувордир.

Ўзбекистон дипломатиясининг ташқи сиёсий таъсир минтақаси Ўрта Осиёдаги янги мустақил давлатлар бўлмиш Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистондир ҳамда ўз маънавияти, турмуш тарзи, иқтисоди жиҳатдан қон-қардош ҳисобланган, тарихий илдизи ва тақдири умумий бўлган шу минтақа халқларининг тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлигини мустаҳкам-

лашдир. Ўзбекистон қардош халқларнинг қўшничилик ва биродарлик тамойилларига қатъий амал қилмоқда, уларнинг ўзаро мақбул йўл топиш борасидаги улкан имкониятларини алоҳида таъкидлаб кўрсатмоқда. Фикримизча, бундай ҳамкорлик йўли ислом цивилизациясига бориб тақалувчи бирдамлик ва ўзаро ёрдам анъаналарида намоён бўлади.

Сўнги 200-250 йил мобайнида Ўзбекистон худудидаги давлатлар — Қўқон ва Хива хонликлари, Бухоро амирлиги, Туркистон, сўнгра эса Ўзбекистон ССР Россия империясининг ва собиқ СССРнинг манфаатлари зонасида ва бевосита таркибида бўлиб келган. Истиқлол туфайли мустамлака ва ярим мустамлака ҳолатга қатъиян барҳам берилди. Шунингдек, ички сиёсатда ҳам, ташқи сиёсатда ҳам бизнинг давлатимиз суверендир. Мустақил Ўзбекистон Россия билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тарафдоридир. Янги Россия билан ўзаро иқтисодий алоқалар уларнинг ўзаро манфаат кўришига ҳалал берувчи ҳамма нарсадан халос этилмоғи лозим, бунда таркиб топган ва мутлақо янги хўжалик-иқтисодий муносабатларни ҳисобга олмоқ керак.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ўзбекистон учун узилиб қолган ўзаро иқтисодий-хўжалик алоқаларини тезроқ тиклаш аҳолига ижтимоий ёрдам беришни, мудоффа сиёсатини, илмий-техникавий тадқиқотларни, жиноятчиликка, айниқса уюшган жиноятчиликка қарши курашни мувофиқлаштириш имконият деб тушунади. Ўзбекистон дипломатияси МДҲда империя ёки изоляционизм тарафдорлари психологиясининг ҳар қандай жинояткорона такрорланишидан, алоҳидаликдан холи бўлган янги давлатлар ўртасидаги алоқалар сифатининг янгиланишига катта эътибор бермоқда.

Ғарб ва Шарқнинг ривожланган мамлакатлари билан ҳамкорлик бу ерда ишлаб чиқиляётган технологиялардан, ХХI асрда қўл келадиган техника ютуқларидан Ўзбекистоннинг баҳраманд бўлишини таъминлайди.

Ўзбекистон ташқи сиёсати “тиланчилик” дипломатиясига асосланмаган. Шунинг учун бўлса керак, олий мартабали давлат раҳбарлари, энг йирик молиячилар ва тадбиркорлар, гарчи баъзи масалаларда биз билан бир фикрда бўлмасаларда, мамлакатимизга ҳурмат билан қарамоқдалар.

Азалдан Ўрта Шарқда жаҳоншумул сиёсий манфаатларнинг муҳим чорраҳаларидан бирида турган Ўзбекистон қардош мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий ҳамкорлигини юқори даражада олиб бормоқда.

Мусулмон давлатларнинг анчагина қисми Ўзбекистон билан алоқаларни ривожлантиришга интилоқда. Шу маънода Ўрта Осиё ва Қозоғистон мамлакатларининг Туркия, Эрон, Покистон иштирокидаги учрашувлари амалий ишларга ўтишга имкон берди. Биргаликда Трансоиё магистраль темир йўли қурилиши ташқи иқтисодий режалар миқёси кенглигини кўрсатади. Мамлакатимизнинг Миср, Иордания, Саудия Арабистони, Қувайт ва Уммон каби араб мамлакатлари билан қилаётган ҳамкорлигида уларнинг бир-бирига маънавий интилиши сезилоқда.

Ташрифлар, музокаралар, имзоланган давлатлараро ҳужжатлар, улар қанчалик муҳим бўлмасин, ҳар доим ҳам дарҳол йирик натижаларга олиб келмайди. Кўпгина давлатлар, одатда, шеригининг ниятлари жиддийлигига, сиёсий барқарорлигига ишонч ҳосил қилиш учун эҳтиёткорлик билан қарамоқда. Айниқса, бу Хитой каби буюк мамлакатнинг дипломатик методи учун характерлидир. Бу буюк давлат билан ўзаро иқтисодий ва ижтимоий-маданий алоқаларнинг, тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг аста-секин ўсиб бориши Ўзбекистон учун айниқса истиқболлидир. Бунинг устига ўз ҳудуди жиҳатидан Ўзбекистонга жуда яқин жойлашган буюк бир мамлакатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг бутун ташқи сиёсий фаолияти ватанпарварлик, ватанга, ўзбек халқининг тарихи ва маданиятига, Мовароуннаҳр-Туркистон цивилизациясига муқаддас муҳаббат руҳи билан суғорилган. Президент, аввало, ўз суҳбатдошларига Ўзбекистонда қўшма иқтисодий ва маданий объектлар қуриш, ташқи инвестициялар, одамлар ва мутахассислар, янги технологиялар айирбошлаш учун қулай имкониятлар яратиб берилишини кўрсатиб, исботлаб бермоқда.

Агар қаердадир, кимдир ахборот етишмаслиги сабабли Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари ҳақида тасаввурга эга бўлмаса, у ҳолда Президент ўзининг чет эллик суҳбатдошларига диёримизнинг қанчалик бойлигини, бизнинг жаҳон цивилизациясидаги маънавий илдиэларимиз қанчалик чуқурлигини, одамларимиз қанчалик истеъдодли ва меҳнатсеварлигини тушунтиришга астойдил ҳаракат қилади. И.А.Каримовнинг дипломатия методида ўзбекларнинг миллий руҳига самимий садоқат Ўзбекистоннинг ягона, кўп миллатли халқига раҳбарлик, унинг бахт-саодати йўлида ҳамма нарсага тайёрлик руҳи билан узвий равишда уйғунлашиб кетади. Ишчанлик, янги алоқаларга тайёр туришлик, янги ташқи сиёсий ишларга юксак билимдонлик билан тайёргарлик кўриш, ше-

рикларни қаттиқ ҳурмат қилиш — миллий манфаатларига жавоб берувчи, XXI асга йўналтирилган самарали ташқи сиёсатининг асосидир.



Такрорлаш учун саволлар

- ◆ Нима учун ташқи сиёсат Ўзбекистон суверенитетини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим давлат фаолияти йўналиши деб ҳисобланади?
- ◆ Ўзбекистон дипломатиясининг асосий тамойиллари нималардан иборат?
- ◆ Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларини санаб беринг.
- ◆ Ўзбекистон ташқи сиёсати ва дипломатиясининг ҳуқуқий асослари қандай?

23-Мавзу. БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

- Дунё ҳамжамияти ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти.
- Ўзбекистон Республикаси — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси.
- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси.
- ЮНЕСКО ва Ўзбекистон.

Дунё ҳамжамияти ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти

“Дунё ҳамжамияти” тушунчаси жаҳонда мавжуд давлатларнинг ҳозирда инсоният олдидаги глобал муаммоларни биргаликда ҳал қилиш, умумий мақсад йўлида фаолият кўрсатиш бирлигини англади. Дунё ҳамжамияти тушунчаси юридик тушунча эмас.

Ҳозирги кунда жаҳондаги давлатлар сони 200 тага яқинлашиб қолди. Улар ҳудудлари, аҳолисининг сони, иқтисодий таррақиёти даражаси, сиёсий тизимига кўра фарқланади. Лекин дунё ҳамжамияти асосида барча давлатларнинг суверен тенглиги халқаро-ҳуқуқий тамойили ётади.

Энг йирик халқаро ташкилотнинг бунёд этилиши Иккинчи жаҳон уруши даврида гоят катта машаққатлар билан эришган асосий натижа бўлди. Аксилгитлерчи иттифоқ аъзолари бўлмиш давлатлар шундай ташкилот тузиш ғоясининг ташаббускори бўлганлар. 1942 йил 1 январда Бирлашган Миллатлар Декларацияси номи билан машҳур бўлган Вашингтон декларацияси имзо чекилиши бу йўлда муҳим қадам бўлди. 1945 йил 26 июнда БМТ Уставининг тўла матни Бирлашган Миллатларнинг Сан-Франциско (АҚШ)да бўлиб ўтган анжуманида ишлаб чиқиб имзоланди. БМТ Устави ўша йили 24 октябрда қатнашувчи мамлакатлар томонидан ратификация қилинган, кучга кирган. Бу кун “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Куни” деб эълон қилинди.

Ўзига хос Бутунжаҳон парламенти деб аталувчи Бош Ассамблея БМТнинг асосий органидир. Ҳамма давлатлар унга аъзо бўлиб, уларнинг ҳар қайсиси бир овозга эга. Одатдаги жўн масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Муҳим масалаларни ҳал этишда эса учдан икки овоз лозим бўлади.

Бош Ассамблея ҳар йили навбатдаги сессияга сентябрь ойининг учинчи сешанбасида тўпланади. Бош Ассамблея сессияси дастлабки уч ҳафтани умумий музокараларга қаратади. Бу жараёнда делегацияларнинг бошлиқлари Бош Ассамблеяда кўрилаётган ҳамма масалаларга оид ўз ҳукуматлари нуқтаи назарини баён этишлари мумкин.

Бош Ассамблея ҳамма масалаларни БМТ Устави доирасида муҳокама этиш ва улар юзасидан тавсиялар бериш ҳуқуқига эга. У давлатларни бирон бир хатти-ҳаракатга мажбур этиш ҳуқуқига эга эмас, аммо унинг тавсиялари жаҳон ҳамжамияти фикрини намоён этади. Бош Ассамблея БМТ Бош Котибининг сиёсати ва фаолиятига раҳбарлик қилади, муҳим масалалар юзасидан умумжаҳон анжуманларини чақиради ва диққат-эътиборни аниқ масалаларга қаратиш мақсадида халқаро вазифаларни эълон қилади. БМТда марказий ўринни эгаллар экан, Бош Ассамблея бошқа ҳамма органлардан маърузалар олади, Бош Котибни тайинлайди ва бошқа ташкилотларнинг аъзоларини сайлайди.

Дунё ҳамжамияти — халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан ташкилот ҳисобланмайди. Ҳозирда дунё ҳамжамиятини акс эттирувчи универсал ташкилот — 1945 йилда ташкил этилган Бирлашган Миллатлар Ташкилотидир. БМТ таркибига дунёда мавжуд давлатларнинг аксарияти киради. Ўзбекистон — 1992 йил 2 мартдан БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида белгиланишича, “Ўзбекистон Республикаси халқаро алоқаларнинг тенг ҳуқуқли субъектидир”. Мустақил Ўзбекистон ўзини дунё ҳамжамиятининг бир қисми деб билади. У инсоният, дунё ҳамжамияти олдида турган муаммоларни ҳал қилишда фаол иштирок этмоқда.

1992 йилги Ўзбекистон Конституциясининг Муқаддимасида халқаро ҳуқуқнинг умум тан олинган нормалари устуворлиги мустаҳкамланган. Бу дегани, Ўзбекистон Республикаси нафақат ўз халқи, балки бутун дунё давлатлари халқларининг демократик ривожланиши шарти сифатида халқаро ҳуқуқнинг умум тан олинган тамойиллари ва нормаларига амал қилиш, бошқа давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш мажбуриятларини олади.

Ўзбекистон Республикаси — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси

Ҳур Ўзбекистон 1992 йилнинг мартада БМТга яқдиллик билан қабул қилинди. Бизнинг мамлакатимиз халқаро ҳуқуқнинг энг асосий тамойилларига, БМТ Уставига содиқлигини мустаҳкамлади.

Ўзбекистон Конституцияси ва қонунлари қатъий амал қилинаётган халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойил ва меъёрларига тўла мос келади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов тарихда биринчи марта БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзга чиқди. Бизнинг мустақил мамлакатимиз жаҳоннинг энг олий анжуманида зўр қадр-қиммат билан иштирок этди. Бош Ассамблеяда сўзлаш янги мустақил мамлакат учун умуммаърифатли инсоният кўз олдида ўзлигини намоён этиш билан тенгдир. И.А.Каримов БМТнинг бутунжаҳон ҳамжамияти учун энг муҳим муаммоларни муҳокама этиш ва ҳал қилишдаги, тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлашдаги, жамики халқлар тараққиётига кўмаклашишдаги ролини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон сиёсий барқарорликнинг, тинчлик ва миллатлараро ҳамжихатликнинг сақланиб турилганлиги бунинг яққол исботидир. Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлардаги, маданий ва маърифий тажриба алмашинувдаги қадимий ва улуғвор роли БМТ Бош Ассамблеяси минбаридан туриб аниқ-равшан айтилганидек, истиқлол йиллари янги Уйғониш босқичига кирди. БМТ ишида тўла қонли иштирок этиш Ўзбекистон учун нафақат фахрланиш манбаи, балки ҳамкорлик ва кенг манфаатлар сари катта имкониятлар очилди дегани ҳамдир.

Хавфсизлик Кенгаши фаолият кўрсата бошлаганидан сўнгги 44 йил давомида 13 та тинчликпарвар ва кузатувчилик комиссиясини тузган бўлса, сўнгги йилларда ҳам шунчаси ташкил топди. Кўпгина операциялар урушаётган томонларни яраштиришдан иборат бўлди. Эндиликда тинчликпарвар саъй-ҳаракатлари қочоқларнинг қайтишига кўмаклашиш, сайловларни кузатиш, инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва инсон ҳуқуқларига риоя этилишини назорат қилишни қамраб олмақда. Кўпгина нуфузли кузатувчилар тинчликни сақлаш операциялари амалга ошириляётган минтақаларни белгилаш Хавфсизлик Кенгаши тартибига кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини таъкидламоқдалар.

Ҳозир БМТда Фарб ва Шимол мамлакатлари устун даражада таъсир кучига эгалар. Шу боис қўшилмаган мамлакатлар БМТ ҳарбий операцияларига оид қарорларни қабул қилишда жуда эҳтиёткор бўлмоқ керак, деб ҳисоблайди. Тинчликни сақлаш, кучли тинчликпарвар сиёсат биринчи ўринга чиқмоқда. Бироқ бунда БМТнинг молиявий қийинчиликлари жиддий ғов бўлиб турибди.

Ҳозирги кунда БМТ тинчликпарварлик саъй-ҳаракатларида сиёсий усуллар янада фаолроқ қўлланмоқда. Бунда давлатларнинг мин-

тақавий интеграцияси, уларнинг биргаликдаги куч-ғайратлари аҳами-
яти ортиб бормоқда.

БМТнинг инқирозларни бартараф этиш учун олиб борган му-
ваффақиятли операцияларидан бири сифатида Камбоджа қиролли-
гидаги вазиятнинг барқарорлашганини айтиб ўтиш мумкин. Ишлар
ўта зиддиятли кечаётган собиқ Югославия ва Сомалини тилга олса
ҳам бўлади. БМТнинг воситачилик ва кузатувчилик миссияси собиқ
Иттифоқ худудида — Қорабоғ, Днестрбўйи, Грузия, Тожикистонда-
ги зиддиятларда ҳам намоён бўлди.

Мамлакатлар ўртасидаги мафкуравий адоватлар туфайли БМТ
саъй-ҳаракатлари самараси узоқ муддат сусайиб қолган эди. Даври-
миз тарихининг бу машъум саҳифаси йўқолишини бутун инсоният
тан олди. Бинобарин, ҳар бир мамлакатнинг ўз мустақил тараққиё-
тида ҳамда иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг бутун жаҳон
ҳамжамияти олдида масъулияти анча ошди.

Ўзбекистон БМТ мақсадлари ва қонун-қоидаларига мувофиқ
ҳамма минтақаларда, хусусан Ўрта Осиёда хавфсизлик ва барқарор-
ликни таъминлаш муаммосини ўз ташқи сиёсатига асос қилиб олди.
Ўзбекистон минтақавий хавфсизлик тамойилини тақлиф этмоқда.
Унда кўпмиллатли минтақадаги воқеалар номувофиқ ривожланган
тақдирда бутун дунёда барқарорлик ўчоғига айланиши мумкин бўлган
вазият ҳисобга олинган.

Эътироф этмоқ керакки, БМТнинг анъанавий ва кўп жиҳатдан
фойдали тинчликпарвар тамойиллари ривожланаётган мамлакатлар
ўртасидаги таназул ва ихтилофларнинг асосий сабабларини барта-
раф этишга ҳали қодир эмас. БМТ Хавфсизлик Кенгаши кўп ҳол-
ларда айрим минтақалардаги ихтилофли вазиятлар ривожланиши
ҳақида ўз вақтида ва тўла ахборотга эга бўлаолмайди. БМТнинг во-
қеалар олдини олиш имкониятларини кучайтириш учун Ўзбекистон
Ўрта Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалаларига
оид мунтазам ишловчи семинар ташкил қилишни тақлиф этди.

Ўзбекистон Бош Ассамблеяси сессиясида қуролсизланишнинг
чинакам ёқловчиси сифатида ўзини кўрсатди. Бизнинг мамлақати-
миз ядровий қуролларни бутунлай йўқотиш ва Ўрта Осиёни ядросиз
минтақага айлантиришни, ядровий қуролларни тарқатмаслик
тўғрисидаги Шартноманинг самарали ва чекланмаган муддатларда
амал қилишини ёқлаб чиқди.

Ўзбекистон кимёвий қуролларни тақиқлаш ва бактериологик
қуроллар муаммосига оид Конвенцияга қўшилиш, уларни бизнинг
минтақага ўтишига йўл қўймаслик учун халқаро назорат тўғрисида
зарур музокаралар олиб бориш мақсадларини таъкидламоқда.

Аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш ва уларни иш билан таъминлаш сиёсатига, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига кўмаклашиш БМТнинг асосий вазифаларидан биридир. Бош Ассамблея сайёрамизнинг тўртдан уч қисми аҳолиси истиқомат қилувчи ривожланаётган мамлакатлар дунё миқёсидаги тизимдан ўзининг муносиб ўрнини эгаллай олишлари учун халқаро иқтисодий муносабатларни қайта қуриш зарурлигини уқтиради.

Ихтилофларнинг олдини олиш муаммоси табиатан яхлитлик касб этади. Шу боис бизнинг мамлакатимиз Шимолий мамлакатлар билан Жанубдаги ривожланаётган давлатлар ўртасидаги безовталиклар кучайишидан ташвишда. Бунинг илдизи иқтисодий зиддиятлардир. Зиддиятли минтақалардаги табиий ва ишчи кучлари ресурсларини ҳаракатга соладиган иқтисодий, молиявий ва илмий-техникавий чораларни биргаликда ўйлаб топиш зарур. БМТнинг дунёни кўра билиши ва жаҳон миқёсидаги стратегияси иқтисодий-ресурсий сабабларни унинг сиёсий оқибатлари билан бирга қўшиб, ўзаро мувофиқлаштириш сари йўналтиришга муҳтождир.

БМТ даражасида узоқ муддатли йўналиш ва ўзаро ёрдам андозаларини асослаб, жаҳон ҳамжамияти ҳукмига ҳавола этиш зарур. Бу йўналиш ва андозаларни ривожланаётган мамлакатлар халқаро ёрдам шарти билан ўзларига олишлари мумкин.

Етакчи иқтисодий ривожланган мамлакатлар мустақил иқтисодий ислохотлар учун ривожланаётган мамлакатларга кўмаклашишнинг самарали деб билган шарт-шароитларини таклиф этишлари мумкин бўлади. Бу тинчлик ва барқарорлик ишига, тоталитаризмга барҳам беришга капитал маблағ сарфлаш бўлар эди. Ана шунда ҳамма давлатларнинг тараққиёти учун замин яратилади. БМТнинг Устави ҳам буни кўзда тутди.

Гиёвандлик иллатига қарши кенг кўламда кураш олиб бориш муаммоси Ўрта Осиёдаги иқтисодий қолоқлик ва халқаро наркобизнеснинг кучайиши билан боғлиқдир. Ўрта Осиёда БМТнинг наркобизнесга қарши кураш юзасидан ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштирувчи минтақавий марказ тузиш таклифини Ўзбекистоннинг ўзи киритди.

Гиёвандлик экинлари қўплаб етиштирилаётган мамлакатлар ҳудудида ҳаракат қилиши учун БМТ ва Интерполнинг тезкор кучларини ташкил этиш зарурати етилди. Тўғри, бунинг учун ўша мамлакатлар ҳукуматининг розилиги керак. Ўзбекистон ўз ҳудудидаги гиёвандлик экинларининг ҳатто энг майда манбаларини ҳам йўқ қилиш учун халқаро миқёсда фаол ҳамкорлик қилишга киришди.

Орол денгизининг ҳалокати бутун дунё учун олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлар келтириб чиқармоқда. Ўзбекистоннинг так-

лифига биноан БМТнинг Орол денгизи бўйича махсус комиссияси тузилди.

Минтақамиздаги мамлакатлар Оролни қутқариш халқаро жамғармасини туздилар. БМТ Оролни асраб қолиш халқаро-лойиҳасини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда, бу лойиҳа Ўрта Осиёнинг экологик жиҳатдан кафолатланган иқтисодий тараққиёти билан узвий боғлиқдир.

БМТнинг жаҳон ҳамжамияти учун юксак қиймати шундаки, у бутун асосий ресурсларни бир қатор жиддий минтақавий низоларни тугатишга қаратишга мойиллик кучаймоқда. Шу билан бирга бутун жаҳон ҳамжамиятининг дунёвий муаммолари гўё кейинги ўринга тушиб қолди. Ҳар бир минтақавий низонинг айрим минтақа ва мамлакат доирасида ташқарига чиқувчи маълум сабаблари бор.

БМТ аъзолари бўлган давлатлар ўртасидаги бирлашишга мойиллик кайфияти кучайиб бормоқда. БМТнинг барқарорлаштирувчи роли ва жаҳон сиёсатида интеграция жараёнларига ёрдами ортомоғи зарур. Халқаро муносабатларда кўп нарса нуфузли мамлакатларнинг ташқи сиёсий йўл-йўриғига боғлиқ бўлади. Ҳар бир мамлакатда инсон ҳуқуқларига амал қилиниши ўта муҳим бўлганидек, ҳар бир давлат жаҳон ҳамжамиятида ҳуқуқий кафолатланган бўлмоғи лозим.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 48 ва 50-сессияларида сўзлаган нутқлари юзасидан фикр юрита туриб, мамлакатимиз ташқи сиёсий йўли тўғрисида умумий хулосалар чиқариш мумкин бўлади.

Биринчидан, минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик муаммоларини ҳал этиш йўл-йўриғи дунё миқёсидаги муаммолар билан бирга қўшиб очиб берилди.

Иккинчидан, Ўзбекистоннинг миллий-давлат манфаатлари нуқтаи назаридан ҳамда мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти ва минтақадаги давлатлар олдидаги масъулиятини ҳисобга олган ҳолга қараганда, ҳар бир муаммо ўзининг аниқ баҳосига эга.

Учинчидан, Ўзбекистоннинг кенг қўламли ҳамкорликка оид ҳамма тақлифларида уни БМТ фаолияти ва бу ташкилотнинг иxtисослашган муассасалари орқали амалга ошириш тамойиллари илова қилинган.

Тўртинчидан, мустақил Ўзбекистон ташқи сиёсатининг маънавий йўналиши инсонпарварлик, инсонийлик, ошкоралик, қадр-қиммат, ўз имкониятларига таяниш ва инсониятнинг ягона оиласида ўз тараққиёт йўлига эга бўлишлиқдир.

Мамлакатимиз тугган халқаро йўлнинг И.А.Каримов томонидан асослаб берилган муфассал моҳияти ҳамма янги мустақил давлатлар

учун шу жиҳатдан қизиқиш уйғотадики, у айна вақтда прагматик ва истиқболли, миллий ва умуминсонийдир. Ўзбекистон фуқаролари ташқи сиёсатимиз ички ислохотларни муваффақиятли ўтказишга қаратилганига яна бир бор ишонч ҳосил қилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси

БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси 1993 йил 24 августда очилган. У БМТ тизимидаги ихтисослашган ташкилотлар фаолиятлари ва дастурларини бирлаштириб, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан биргаликда белгиланган асосий йўналишларга қаратади. Ваколатхона таркиби БМТнинг: Тараққиёт Дастури (ПРООН), Ахборот ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими, Гиёвандликка қарши кураш Дастури, Қочоқлар ишлари бўйича олий комиссар бошқармасининг ваколатхонаси, Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ), Саноатни ривожлантириш ташкилотининг ваколатхонаси (ЮНИДО), Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Аҳоли жамғармаси ва бошқа кўпгина дастурларидан иборат.

БМТ тизимининг асосий мақсади — тегишли дастурларни амалга ошириш орқали мамлакат аҳолиси ҳаёт даражасини яхшилаш, барқарор инсоний тараққиётни таъминлашдир.

Ваколатхонанинг мақсади бозор иқтисодиётига ўтиш даврига хос ислохотларни амалга ошириш, ижтимоий, таълим, илм-фан ва маданият, инсон ҳуқуқлари, демократия ва бошқарувни ривожлантириш, оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш, гиёвандликка қарши кураш, Орол муаммоларини ҳал этиш соҳасидаги халқаро алоқаларни йўлга қўйишда махсус дастурларни ишлаб чиқишда Ўзбекистон билан БМТ ўртасида амалий ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат.

БМТ тизими доирасида **БМТ Тараққиёт Дастури** алоҳида роль ўйнайди. У грантлар бериш асосда молиявий кўмак бериш учун асосий манба ҳисобланади.

БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг биринчи навбатдаги мақсади — аҳолини моддий таъминотини яхшилашни ва уларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётда фаолроқ иштирок этишларини таъминлашдир. БМТТД ҳукуматга турли дастурлар тайёрлаш ва амалга оширишда кўмаклашади, улар орасида инсон манфаатлари биринчи ўриндадир.

БМТ Тараққиёт дастурининг беш устувор йўналиши мавжуд. Булардан:

биринчидан, ислоҳотлар стратегияси ва келаётган ёрдамни мувофиқлаштириш;

иккинчидан, ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар, шу жумладан, маданий-маънавий қайта уйғониш масалалари;

учинчидан, хусусийлаштириш ва хусусий секторни ривожлантириш;

тўртинчидан, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш;

бешинчидан, бошқарув тизими ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш.

БМТнинг гиёвандлик моддаларига қарши кураш Дастурининг минтақавий вакиллиги Ўрта Осиё давлатларига гиёвандлик моддалари тарқалишига йўл қўймаслик ва миллий қонунчиликни шу соҳадаги халқаро меъёрларга мувофиқлаштиришда кўмаклашиш борасида ёрдам беради.

Бундан ташқари унинг асосий вазибаларидан бири — минтақавий институтларни ташкил этиш ва минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришдир.

Қочоқлар ишлари бўйича Олий Комиссар вакиллигининг Ўзбекистондаги асосий мақсади моддий-техник асосларни яратиш ва кадрлар тайёрлаш орқали аҳолининг кўчиб юришини тартибга солиш механизмини кучайтиришдир. Бу борада мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун махсус дастурлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга қочоқларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича аниқ тадбирларни амалга оширади (қочоқлар бўйича халқаро меъёрларни тарғиб қилиш ва оммалаштириш, қочоқ мақомини белгилаш, миллий қонунчиликни халқаро талабларга мувофиқлаштиришда кўмаклашади).

БМТнинг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) болалар иммунизацияси (эмлаш), болалар озиқ-овқатларини яхшилаш, бошланғич таълим, сув таъминоти ва санитария масалалари билан шуғулланади.

Саноатни ривожлантириш ташкилотининг ваколатхонаси (ЮНИДО) хусусийлаштириш, хорижий сармояларни жалб қилиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш соҳаларида ҳамкорлик қилади.

Бундан ташқари ўқув-тайёрлов дастурлари, лойиҳаларни асослантириш методологияси ва бошқа техник масалалар бўйича семинарлар ўтказади.

БМТнинг Аҳоли жамғармаси аёллар ва ёшлар ўртасида жинсий маданиятни юксалтириш, бу соҳада билимларни кенгайтириш ва тарқатиш, аҳолини турли контрацептивлар билан таъминлаш масалалари билан шуғулланади.

БМТнинг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маслаҳатчиси бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг маслаҳатчи-

си ҳисобланади. У барча шу соҳада ихтисослашган муассасалар фаолиятларини мувофиқлаштириш, бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ва шу соҳада миллий тадбирлар дастурини тақдим этиш масалалари билан шуғулланади.

БМТ кўнгиллийлари ўқув юртларида иқтисод, менежемент, чет тиллари соҳаларида ўқитувчилар сифатида фаолият кўрсатмоқдалар. Улар аёлнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, қашшоқликка барҳам бериш, аҳоли бандлигини ошириш ва фуқаролик жамиятини юксалтириш масалалари билан шуғулланмоқдалар.

Ахборот ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари ва уларнинг фаолияти тўғрисида ахборот тўплаш, умумлаштириш ва тарқатиш, оммавий ахборот воситалари, ўқув юртлари билан доимий ҳамкорлик қилиш масалалари билан шуғулланади.

1997 йил июлида БМТ Тараққиёт Дастури ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасида “Демократиялаш, инсон ҳуқуқлари ва бошқарувни такомиллаштириш” Дастури имзоланди. Мазкур дастур доирасида инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар (Инсон ҳуқуқлари Миллий Маркази, Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис Вакили)-га ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг касбий маҳоратини оширишда, демократия ва инсон ҳуқуқларига оид билимларни тарқатишда, ноҳукумат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришда ёрдам кўрсатилади.

ЮНЕСКО ва Ўзбекистон

ЮНЕСКО — Бирлашган Миллатларнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ташкилоти — БМТнинг ихтисослашган муассасаларидан биридир. ЮНЕСКО Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг, 44 давлат вакиллари Лондонда конференцияга йиғилиб, ЮНЕСКОни таъсис этувчи Уставини қабул қилишлари билан ташкил топган. ЮНЕСКОнинг амалий фаолияти 1946 йил 20 ноябрдан бошланган. Қароргоҳи — Парижда. Тузилиш даврида 28 давлат аъзо бўлган бўлса, ҳозирги кунда унга 186 та давлат аъзо. ЮНЕСКО ярим аср ичида энг катта нуфузли халқаро ташкилотлардан бирига айланди. Ўзбекистон Республикаси 1993 йил 29 октябрда ЮНЕСКОга аъзо бўлди.

ЮНЕСКОнинг асосий мақсади — тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, таълим, фан ва маданиятни юксалтиришга хизмат қилишдир. ЮНЕСКО Устави бўйича, “БМТ Уставида эълон қилинган ирқи,

жинси, тили ва динидан қатъи назар, барча халқлар учун адолатга, қонунийликка, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига умумий ҳурматни таъминлаш мақсадида таълим, фан ва маданиятни ривожлантириш орқали халқлар ҳамкорлигига” кўмаклашиши ташкилотнинг устувор вазифасидир.

ЮНЕСКО умумжаҳон интеллектуал ташкилоти, гоёлар яратувчиси, куррамизнинг энг яхши мутафаккирларининг ҳамкорлиги ташкилотчиси, олий умуминсоний қадриятларни ҳимоя қилиш марказидир.

ЮНЕСКОнинг раҳбар органлари қуйидагилардан иборат:

Бош конференция. Бу орган барча давлатларни ўз ичига олади ва ҳар икки йилда бир марта бўлиб ўтади. Бир давлат — бир овоз таъминлайди асосида асосий дастурлар ва ЮНЕСКО бюджети бўйича қарор қабул қилади.

Ижроия Кенгаши. Ундан 58 давлат вакили жой олган бўлиб, ҳар йили икки маротаба йиғилади. Бу ўзига хос маъмурий кенгаш бўлиб, бош конференция йиғилишларини тайёрлайди, унинг қарорларини тўғри ижросини таъминлайди. 1997 йил Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг Ижроия Кенгашига аъзо бўлиб сайланди.

ЮНЕСКО котибияти аъзо-давлатлар томонидан қабул қилинган қарорларни ҳаётга тадбиқ қилишга мажбур.

ЮНЕСКОда энг юқори мансабдор шахс Бош директор бўлиб, Бош конференцияда 6 йилга сайланади.

1995 йил августида Ўзбекистон Республикаси ва ЮНЕСКО ўртасида ўзаро ҳамкорлик ҳақида битим тузилди, шунингдек, фан, таълим, маданият, коммуникация ва маълумотлар масалалари ва Орол муаммосини ҳал қилиш бўйича Меморандум имзоланди.

ЮНЕСКО Уставига кўра аъзо-давлатларда шу давлат ҳукуматлари томонидан Миллий Комиссиялар тузилади.

ЮНЕСКОга аъзо 177 давлатда ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссиялар тузилган бўлиб, улар таълим, фан, маданият ва коммуникация вакилларини ЮНЕСКО фаолиятида қатнашишларига ёрдамлашиш билан шуғулланадилар.

Ўзбекистон Республикаси ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссияси 1994 йил 29 декабрда ташкил этилган бўлиб, унинг таркиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган. Комиссиянинг асосий вазифаси ЮНЕСКО дастурларини Ўзбекистонда амалга оширилишига кўмаклашиш ва республика вазирликлари ва муассасаларининг бу соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштиришдир.

ЮНЕСКО 50 дан ортиқ ахборотнома ва 20 дан ортиқ даврий нашрлар чиқаради. Улар орасида энг машҳурлари “ЮНЕСКО қуръери” ойномаси (30 тилда нашр этилади), “Келажак”(таълим соҳаси-

даги ҳафталик), “Музей”, “Ижтимоий фанлар халқаро ойнамаси”, “Табиат ва ресурслар”, “Муаллифлик ҳуқуқи бўйича Ахборотнома”, “Таълим бюроси халқаро Ахборотнома”си, “Импакт: фан ва жамият” кабилардир. ЮНЕСКО ҳар икки йилда бир марта чоп этилувчи таълим, фан, маданият ва коммуникация ҳолати ҳақида умумжаҳон маърузаларини чоп этади. ЮНЕСКО “Инсониятнинг илмий ва маданий ривожланиши тарихи” (6 жилд), “Ислом маданиятининг турли жиҳатлари” (6 жилд), “Лотин Америка давлатлари тарихи” (7 жилд), “Кариб ҳавзаси давлатлари тарихи” (6 жилд), “Африка умумий тарихи” (8 жилд), “Марказий Осиё цивилизацияси тарихи” (6 жилд) каби фундаментал китоблар чоп этмоқда.

Олти жилдли “Марказий Осиё цивилизацияси тарихи” халқаро ҳамкорлик доирасида яратилмоқда, бунда биринчи навбатда, Марказий Осиё тарихий-маданий минтақасига кирувчи қатор давлатлар, жумладан, Ўзбекистон олимлари иштирок этмоқдалар.

ЮНЕСКО доирасида Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Синоларнинг минг йиллик, Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик, Амир Темурунинг 660 йиллик тантаналари, Тошкент шаҳрининг 2000 йилиги бутун жаҳон миқёсида кенг нишонланди. 1997 йили ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий бойликлари рўйхатига киритилган Хива ва Бухоро шаҳарларининг 2500 йиллиги нишонланди.



Такрорлаш учун саволлар

- ◆ “Дунё ҳамжамияти” тушунчасини беринг.
- ◆ Ҳозирги замонда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг роли қандай?
- ◆ Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлигининг асосий йўналишларини айтиб беринг?
- ◆ БМТ тизимида Ўзбекистоннинг иштироки қандай?
- ◆ БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси фаолияти тўғрисида нималар биласиз?
- ◆ Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлигининг асосий йўналишларини айтиб беринг?

И Л О В А Л А Р

- **Халқаро ҳуқуқ фани бўйича дастур**
- **Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатлар рўйхати**
- **Дунё давлатларининг миллий байрмалари**
- **Ўзбекистон Республикаси дипломатик алоқалар ўрнатган давлатлар**
- **Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва минтақавий ташкилотлардаги аъзолиги**
- **Ўзбекистон Республикаси ратификация қилган ёки қўшилган халқаро кўптомонлама конвенциялар ва шартномалар рўйхати**

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ФАНИ БЎЙИЧА ДАСТУР

Дунёда содир бўлаётган тарихий ўзгаришлар давлатлар ўртасидаги алоқаларни янги bosқичга олиб чиқди. Ушбу алоқалар ўзаро ҳамкорлик, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, дунёвий аҳамиятга эга муаммоларни биргаликда ечиш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, табиатни муҳофаза этиш, ишсизликка қарши биргаликда кураш олиб бриш тамойилларига асосланган. Бу ишларни амалга оширишда халқаро ҳуқуқ етакчи ўринни эгаллайди. Ушбу ҳуқуқ халқаро ҳуқуқ субъектлари ўртасидаги алоқаларни мувофиқлаштириб туради.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритгач, халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъектига айланди. Мамлакатимиз жадал суръатларда халқаро ҳамжамиятга қўшилиб, бошқа давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни олиб бормоқда. Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлик функцияси ҳамда дипломатик тажрибаси кенгаймоқда.

Ушбу шароитларда халқаро ҳуқуқ фанини олий юридик маълумот тизимида ўрганиш катта аҳамият касб этиб, курс мустақил фан сифатида ўргатилади. Курсни ўқитишдан мақсад талаба ва тингловчиларни халқаро ҳуқуқнинг умум тан олинган тамойиллари ҳамда нормалари билан таништириш, улар томонидан халқаро ҳуқуқнинг ҳам умумий, ҳам соҳавий муаммоларини ўрганишидир. Шуни таъкидлаш зарурки, курс дастурида Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатидаги халқаро-ҳуқуқий масалаларга катта эътибор берилган.

УМУМИЙ ҚИСМ

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ ВА ИНСТИТУТЛАРИ

1-мавзу. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ ТУШУНЧАСИ, МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

Халқаро ҳуқуқ ўқув фани сифатида. Халқаро ҳуқуқ фанининг предмети ва вазифалари. Халқаро ҳуқуқ курсининг юрист-мутахассисларни тайёрлашидаги ўрни.

Халқаро ҳуқуқ тушунчаси. Халқаро муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш.

Халқаро ҳуқуқнинг янги концепцияси. Халқаро ҳуқуқнинг моҳияти. Халқаро ҳуқуқнинг умумдемократик ҳарактери. Замонамизнинг

оламшумул муаммолари, уларнинг халқаро ҳуқуқ нормалари ривожига таъсири.

Халқаро жамоатчилик фикрининг халқаро ҳуқуқ ривожига таъсири. Халқаро ҳуқуқнинг самарадорлигини ошириш муаммолари.

Халқаро ҳуқуқнинг замонавий тизими. Халқаро ҳуқуқ соҳалари ҳамда институтлари.

Ўзбекистон Республикаси амалиётида халқаро ҳуқуқ масалалари. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда халқаро ҳуқуқ.

2-мавзу. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ

Халқаро ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ва унинг тарихий даврларга бўлиниши.

Қадимги дунёда халқаро ҳуқуқ.

Қадимги дунёда халқаро ҳуқуқнинг асосий институтлари.

Ўрта асрларда халқаро ҳуқуқ. Ўрта асрларда халқаро ҳуқуқнинг асосий институтлари.

Ўрта асрларда Мовороуннаҳрда халқаро ҳуқуқнинг ривожланиши. Амир Темурнинг ташқи сиёсати ҳамда унинг дипломатияси.

Халқаро ҳуқуқнинг ривожланишига буюк француз инқилоби ва бошқа инқилобларнинг қўшган ҳиссаси. 1815 йилги Вена конгресси. 1856 йилги Париж, 1878 йилги Берлин конгресслари, уларнинг халқаро ҳуқуқдаги аҳамияти.

Халқаро ҳуқуқ соҳасида XIX аср охири XX аср бошларидаги асосий ривожланиш доктриналари.

Ўрта Осиёда халқаро ҳуқуқ фанининг ривожланиши.

Иккинчи жаҳон уруши ва халқаро ҳуқуқ. Атлантика харитаси (1945), Москва (1943), Техрон (1943), Потсдам (1945), Ялта (1945) конференциялари. Антигитлерчи коалициянинг ғалабаси ҳамда халқаро ҳуқуқнинг ривожланиши.

Мустамлакачилик тизимининг емирилиши ҳамда янги мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг халқаро ҳуқуққа бўлган муносабати.

Халқаро ҳуқуқнинг ҳозирги замонадаги ривожланиши. БМТ ҳамда бошқат халқаро ташкилотлар. БМТ Устави қабул қилингандан кейин халқаро ҳуқуқ ривожиди. Замонавий халқаро ҳуқуқнинг моҳияти ҳамда аҳамияти. Халқаро ҳуқуқ умуминсоний қадрият сифатида. Халқаро ҳуқуқнинг Ўзбекистонда шаклланиш жараёни ҳамда унинг ўзига хос хусусиятлари.

3-мавзу. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ МАНБАЪЛАРИ

Давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектларининг келишиши жараёни натижасида халқаро ҳуқуқ нормаларининг пайдо бўлиши ҳамда ривожланиши.

Халқаро ҳуқуқ манбаълари тушунчаси ва унинг турлари. Халқаро шартнома. Халқаро одат. Халқаро ҳуқуқнинг умумий тамойиллари тўғрисидаги резолюция тавсияномаларининг аҳамияти.

Халқаро анжуманларнинг ҳужжатлари. БМТ Халқаро суди ва халқаро арбитражлар қарорларининг ўрни. Миллий ҳуқуқнинг ўрни.

Халқаро ҳуқуқ доктранасининг аҳамияти.

Шарқда халқаро ҳуқуқ манбаъларининг ўзига хос кодификацияси ва унинг прогрессив ривожланиши.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳуқуқ манбаъларини яратишдаги иштироки.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро-ҳуқуқий нормалари.

4-мавзу. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ СУБЪЕКТЛАРИ

Халқаро ҳуқуқ субъектлари тушунчаси ва уларнинг турлари. Халқаро ҳуқуқий муомаланинг ўзига хос моҳияти.

Давлатлар — халқаро ҳуқуқнинг асосий субъектлари сифатида.

Давлат суверенитети тушунчаси ҳамда унинг белгилари ва ижтимоий-сиёсий моҳияти.

Халқаро ҳуқуқнинг субъекти бўлмиш давлатларнинг турлари. Халқаро ҳуқуқда мураккаб давлатлар. Федерация аъзоларининг ҳуқуқий лаёқати.

Ўзбекистон Республикаси — халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида. Ўзбекистон Республикаси томонидан халқаро-ҳуқуқий лаёқатни амалга ошириш.

Давлатларни тан олиш. Тан олишнинг ҳуқуқий оқибатлари ва аҳамияти. Тан олишнинг конституциявий ҳамда декларатив назариялари. “Де-юре” тан олиш. “Де-фак-то” тан олиш. Ҳукуматни тан олиш. Кўзғолон кўтарган, озодлик учун курашаётган миллатни ҳамда қаршилик кўрсатувчи ташкилотни тан олиш.

Кувфин (эмиграция)даги ҳукуматларни тан олиш.

Ўзбекистон Республикасини тан олиш, унинг халқаро аҳамияти. Давлатнинг ҳуқуқ бўйича ворислиги масаласи.

Ижтимоий инқилоб вазиятида ҳуқуқий ворислик. Деклонизация ва ҳуқуқий ворислик натижасида давлатларнинг бирлашиб, ташкил

топиши. Давлатларнинг бирлашиши ва давлатнинг икки ёки унда ортик кўп қисмларга бўлинган вақтидаги ҳуқуқ ворислиги. Ҳудудий ўзгаришлар натижасида ҳуқуқий ворислик.

1978 йилги халқарошартномаларга нисбатан давлатларнинг ҳуқуқий ворислиги тўғрисидаги Вена конвенцияси.

1983 йилги давлат мулки, давлат ҳужжатлари (архивлари) ва давлат қарзлари бўйича Вена конвенцияси.

Мустақиллик учун курашаётган миллат ва халқларнинг халқаро ҳуқуқий лаёқати.

Халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқий лаёқати. Халқаро ташкилотлар ҳуқуқий лаёқатининг иккиламчи ҳарактери. Халқаро ташкилотлар ҳуқуқий лаёқатининг ҳуқуқий ворислиги.

Халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари: эркин шаҳарлар. Ватикан, собиқ Ғарбий Берлин ва бошқалар.

Доимий бетераф давлатлар. Индивидлар ва юридик шахсларнинг халқаро ҳуқуқий лаёқати. Индивид халқаро жиноятлар учун жиноий жавобгарлик субъекти сифатида.

5-мавзу. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойили тушунчаси. БМТ Уставида халқаро ҳуқуқ асосий тамойилининг мустаҳкамланганлиги.

Халқаро ҳуқуқ тамойиллари тўғрисидаги 1970 йилги БМТ Декларацияси. 1975 йилги Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши Якунловчи ҳужжатининг аҳамияти.

Куч ишлатмаслик ва куч билан тақдид солмаслик тамойили. Ушбу тамойилнинг шаклланиш жараёни. 1928 йилги Париж ҳужжати. БМТ Устави. Куч ишлатмаслик ва куч билан тақдид солмаслик тамойили моҳияти. Агрессия тушунчаси. Урушни тарғиб қилишнинг ман этилиши. Куч ишлатмаслик тамойили ҳамда давлатни ўзини ҳимоя этиш ҳуқуқи. Куч ишлатишдан воз кечиш самарадорлигини кучайтириш тўғрисидаги БМТнинг 1987 йилги Декларацияси.

Давлатнинг ҳудудий яхлитлиги тамойили. Ушбу тамойил моҳияти. Чегараларнинг бўлинмаслиги тамойили. Ушбу тамойилнинг моҳияти.

Бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойили. Давлатнинг ички компетенцияси тушунчаси. Бошқа давлат тузумини куч ишлатиб ўзгартиришга қаратилган ҳаракатларнинг халқаро ҳуқуққа хилофлиги.

Халқларнинг миллат бўлиб шаклланишига йўл қўйилмаслик учун куч ишлатишнинг халқаро ҳуқуққа хилофлиги. Давлатнинг ўз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ав маданий тизимини четдан аралашмаслик асосида танлаш ҳуқуқи.

Халқаро мажбуриятларнинг ҳалол бажарилиши тамойили ва унинг моҳияти. БМТ Бош Ассамблеясининг 1960 йилги “Мустамлака давлатлар ва халоқларга мустақиллик бериш тўғрисида”ги резолюцияси.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш тамойили ва унинг моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда қонунчилигида халқаро ҳуқуқ тамойилларининг намоён бўлиши. “Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати асосий принциплари тўғрисида”ги Қонун.

6-мавзу. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА ХУДУД ВА БОШҚА МАЙДОНЛАР

Халқаро муносабатларда ҳудудий муаммолар аҳамияти. Давлат ҳудуди тушунчаси. Ҳудудий устуворлик. Давлат ҳудуди таркиби. Давлат ҳудуди таркиби. Давлат суверенитетига тааллуқли бўлмаган ҳудудлар (очиқ денгиз, ҳаво бўшлиғи, космос ва Антарктика).

Давлат ҳудудининг дахлсизлиги ва яхлитлиги тамойили. Давлат чегаралари. Чегара келишмовчиликлари ва низоларини бартараф этиш тушунчаси, турлари ва тартиби.

Давлат ҳудудининг халқаро-ҳуқуқий ижараси. Давлатларнинг ҳуқуққа зид амалиёти (Гуантанамо, Форс кўрфази зонаси).

Халқаро ҳуқуқда ҳудудларнинг демилитаризацияси ва нейтрализацияси.

Тўлиқ ва қисман демилитаризация. Ядро қуролидан озод зоналар, келиштириш ва тинчлик зоналарини вужудга келтириш муаммолари.

Халқаро дарёларнинг ҳуқуқий ҳолати. Дунай ва Рейн дарёларининг ҳуқуқий ҳолати.

Арктика ва Антарктика бўшлиқларининг ҳуқуқий ҳолати. Антарктика тўғрисидаги 1959 йил 1 декабридаги шартнома. Арктиканинг ҳуқуқий ҳолати ва унинг хусусиятлари.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг ҳуқуқий мақоми.

7-мавзу. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА АҲОЛИ

Халқаро ҳуқуқда аҳоли тушунчаси. Аҳоли таркиби. Халқаро ҳуқуқнинг аҳоли ҳаётига таъсири.

Фуқаролик ва унинг давлатлараро муносабатлардаги ўрни. Фуқаролик тушунчаси. Давлатларнинг қонун ижодкорлиги ва шартномавий амалиётда фуқароликка эга бўлиш ҳамда фуқароликдан маҳрум этиш.

Фуқароликка эга бўлмаслик. Икки фуқаролик.

Фуқаролик масалалари бўйича халқаро шартномалар.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик тўғрисидаги қонуни. Чет эл фуқароси тушунчаси ва унинг ҳуқуқий ҳолати. Ҳуқуқий ҳолат турлари. Чет эл фуқароларининг ўз давлатлари ҳамда хизмат юзасидан борган давлатлари билан ўзаро муносабатларининг умумий тавсифи.

Халқаро амалиётда миллий озчилик. Замоनावий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда миллий озчиликка тегишли шахсларнинг ҳуқуқлари.

Қочоқлар ва бошқа жойга кўчирилган шахслар. Минтақаларда қочоқлар муаммолари билан шуғулланадиган органлар. БМТнинг қочоқлар ишлари билан шуғулланувчи Олий комиссариати бошқармаси.

Бошпана ҳуқуқи. Ҳудудий ва дипломатик бошпана. Дипломатик ҳимоя. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунчилигида аҳоли масалалари.

8-мавзу. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚДА ЖАВОБГАРЛИК

Халқаро ҳуқуқий жавобгарлик тушунчаси. Халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик асослари. Халқаро жиноятлар ва халқаро жиноятлар ва халқаро ҳуқуққа хилоф ҳаракат (деликт). Сиёсий ва молиявий жавобгарлик. Сакциялар. Қўшимча меросхўрлик (субституция). Репарация. Халқаро ҳуқуқ томонидан ман этилган ҳаракатнинг салбий оқибатлари учун жавобгарлик.

Жисмоний шахсларнинг халқаро жиноятлари учун жавобгарлиги. Жисмоний шахсларнинг жиноий жавобгарлиги тўғрисидаги асосий халқаро ҳуқуқий ҳужжатларлар. Нюренберг ва Токио ҳарбий трибуналларининг дастурлари.

Геноцид жиноятининг олдини олиш ва жавозо тайинлаш тўғрисидаги 1948 йилги Конвенция. Инсониятга қарши жиноятларга нисбатан вақт ўтганлиги тўғрисидаги 1968 йилги Конвенция. Халқаро ҳуқуқ бўйича жисмоний шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш тартиби.

МАҲСУС ҚИСМ

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ АСОСИЙ СОҲАЛАРИ 9-Мавзу. ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР ҲУҚУҚИ.

Халқаро шартнома тушунчаси. Халқаро шартном субъектлари. Давлатлараро шартномалар ва халқаро ташкилотлар шартномалари. Уларнинг шартномавий ҳуқуқ лаёқати хусусиятлари.

Ўзаро тенг ва тенг бўлмаган шартномалар. Шартномаларнинг объектлар бўйича турлари. Шарқда халқаро шартномавий ҳуқуқ ва амалиёти хусусиятлари.

Халқаро шартнома ҳуқуқи кодификацияси. Шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги 1969 ва 1986 йилги Вена конвенциялари. Турли давлатлар Конституциялари ва қонун ҳужжатларининг халқаро шартномалар ҳуқуқини шаклланиши ва ривожланишидаги ўрни.

Шартномаларнинг тузилиши. Матнни келишиш жараёни. Матнни қабул қилиш. Консенсус. Матн аутентлигининг пайдо бўлиши. Шартномани дастлабки имзолаш (парафирование). Шартноманинг мажбурийлигига бўлган розилик. Имзо чекиш ва унинг турлари. Алтернат. Ратификация. Расмий розилик. Қўшилиш. Қўп томонлама шартномаларга бўлган қўшимчалар. Шартноманинг кучга кириши. Шартномани рўйхатга олиш ва унинг эълон қилиниши. Халқаро ташкилотлар иштирокида тузиладиган шартномаларнинг ўзига хос хусусиятлари. Шартноманинг шакли ва ички тузилиши. Преамбула, Асосий ва Хулоса қисимлар. Шартномалар тили. Шартномаларнинг номи.

Шартномаларнинг кучга кириши ҳамда амал қилиши. “Шартномаларга албатта амал қилиш зарур” тамойилининг моҳияти. Шартномаларнинг амал қилиш муддати. Пролонгация. Шартномаларнинг қайта кучга кириш тартиби. Шартнома ва бетараф давлатлар Шартномаларнинг бир-бирига зидлиги (коллизияси). Шартнома ва миллий қонун. Шартномаларнинг бажарилишини таъминлаш.

Шартномаларга шарҳ бериш. Шартномаларга шарҳ берувчи субъектлар бўйича шарҳлаш турлари. Аутентик шарҳлаш. Суднинг шарҳ бериши.

Шартномани ўз кучини йўқотган деб топиш асослари. Шартноманинг кучига эга эканлиги презумпцияси. Ҳуқуқа килоф шартномалар. Шартноманинг ўз кучини йўқотганлик асослари: хато, алдаш, сотиб олиш, конституциявий ва уставга оид нормаларни бузиш. Шартноманинг ўз кучини йўқотганлиги оқибатлари. Муддатнинг тугаши. Шартномани бажариш. Денонсация. Бекор қилиш. Шартноманинг бузили-

ши натижасида уни вақтинча тўхташтиш ёки бекор қилиш. Шартноманинг бузилиши натижасида уни вақтинча тўхтатиш ёки бекор қилиш. Шарт-шароитларнинг тубдан ўзгариши. Уруш ҳаракатларининг шартномаларга таъсири. Уруш ҳаракатлари тугатилгандан кейин шартномалар амал қилинишининг қайта тикланиши.

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартнома ҳуқуқи ва амалиёти.

10-мавзу. ДИПЛОМАТИК ВА КОНСУЛЛИК ҲУҚУҚИ

Дипломатик ҳуқуқ тушунчаси. Дипломатик ҳуқуқ кодификацияси. Дипломатик алоқалар тўғрисидаги Вена конвенцияси (1961).

Шарқона дипломатик ҳуқуқ ривожланишининг қисқа тарихи. Ўзбекистон Республикасининг ташқи алоқалар борасидаги қонун ҳужжатлари.

Давлат диплолатмик ваколатхоналарининг ташкил этилиши ва фаолиятини халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш. Дипломатик ваколатхоналар функциялари ва дипломатик миссиянинг тугатилиши. Дипломатик вакилларнинг ҳамда дипломатик даражанинг турлари.

Ваколатхона раҳбари. Элчининг ҳуқуқий мақоми. Аккредитация. Ишонч ва чақирув ёрлиқлари. Агреман. Дипломатик персонал. Дипломатик ваколатхоналарнинг имтиёзлари ва дахлсизлиги. Корреспонденциянинг дахлсизлиги.

Дипломатик почта ва дипкурьерлар. Дипломатик агентнинг шахсий дахлсизлиги. Хусусий резиденция. Юрисдикциядан дахлсизлик масалалари. Дахлсизликдан воз кечиш шароитлари.

Солиқ, тўлов ва мажбуриятлардан озод этиш. Божхона имтиёзлари. Дипломатик агентнинг транзити. Фаолият олиб борилаётган давлат қонун-қоидаларини ҳурмат қилиш.

Дипломатик ҳуқуқ ва кўп томонлама дипломатия. Халқаро ташкилотларда иш олиб борувчи дипломатик ваколатхоналарнинг ҳуқуқий мақоми.

Халқаро ташкилотларда фаолият юргазётган кузатувчиларнинг ҳуқуқий мақоми. Махсус миссия тушунчаси. Махсус миссия ва унинг аъзоларига нисбатан имтиёз ва дахлсизлик масалалари. Махсус миссия мажбуриятлари ва қабул қилувчи давлатнинг муносабати.

Ўзбекистонда ташқи сиёсатнинг амалга оширилишининг конституциявий механизмлари. Ўзбекистон Республикаси давлат бошлиғи, парламенти ва ихтисослашган давлат органлари. Хорижий давлатга тегишли дипломатик ваколатхоналарнинг Ўзбекистондаги фаолияти.

Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарининг хориждаги фаолияти.

Консуллик ҳуқуқи тушунчаси. Консуллик муносабатлари ҳақидаги Вена конвенцияси (1963).

Ўзбекистон Республикасининг консуллик устави (1996 й.)

Консуллик муносабатларининг ўрнатилиши. Консулхона бошлиғи.

Консуллик патенти. Консуллик округи. Консуллик функцияси. Консуллик таркиби. Консулнинг ҳуқуқий мақоми. Консуллик унвонлари ва даражалари. Фахрий консуллар.

Консуллик ваколатхонаси дахлсизлиги ва имтиёзлари, ваколатхона таркиби.

Хизматхоналар, ҳужжатхоналар ҳамда корреспонденциянинг дахлсизлиги. Муносабатлар эркинлиги? Ваколатхона шахсий таркибининг маҳаллий ҳуқуқ эркинлиги ҳамда имтиёзлари.

Консуллик ваколатхонасининг фаолият юритаётган давлат билан муносабатидаги ўзаро мажбуриятлар.

Хорижий давлатларга тегишли консуллик ваколатхоналарининг Ўзбекистондаги фаолияти. Ўзбекистон Республикаси консуллик ваколатхоналарининг хориждаги фаолияти.

11-мавзу. ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ҲУҚУҚИ

Халқаро ташкилотлар тушунчаси ва уларнинг таснифи. Халқаро ҳукуматлараро ва ҳукуматларга тегишли бўлмаган ташкилотлар. Халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқий лаёқати. Ҳозирги замон халқаро муносабатларда халқаро ташкилотларнинг ўрни. Халқаро ташкилотларнинг таъсис ҳужжатлари ва уларнинг ваколатлари. Халқаро ташкилотларда аъзолик.

Бирилашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган муассасалари. БМТнинг вужудга келиш тарихи. БМТнинг Устави. БМТнинг мақсад ва тамойиллари. БМТнинг асосий органлари.

БМТнинг Бош Ассамблеяси. БМТ Бош Ассамблеяси резолюцияларининг аҳамияти ўрни ва уларнинг юридик кучи.

БМТнинг Ҳавфсизлик кенгаши. БМТ Ҳавфсизлик кенгашининг қарорлари ва резолюциялари. Вето ҳуқуқи.

БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (экосос) Васийлик кенгаши. БМТ Котибияти. БМТ Котибиятининг Женева, Вена ва Найробидаги бўлимлари.

БМТ Котибиятининг асосий тузилмалари. БМТ Бош котибининг ҳуқуқий мавқеи.

БМТнинг Халқаро суди. Халқаро суднинг ҳуқуқий мақоми. Суд таркиби. Мажбурий юрисдикция тўғрисидаги масала. Суд ваколатлари. БМТ Уставини ўзгартириш тартиби ва уни қайта кўриб чиқиш.

XXI асрда БМТ тараққиётининг истиқболлари.

Ўзбекистон — БМТнинг тўлақонли аъзоси.

БМТнинг ихтисослашган муассасалари. Ихтисослашган муассасаларнинг БМТ билан ҳуқуқий алоқалари. Улар фаолиятининг йўналишлари ва характери. Ўзбекистон Республикасининг БМТ фаолиятида ихтисослашган муассасалар ҳамда бошқа халқаро ташкилотлардаги иштироки.

Минтақавий халқаро ташкилотлар. Африка Бирлиги Ташкилоти. Араб давлатлари лигаси. Ислом конференцияси ташкилоти. Осиё-Африка юридик маслаҳат қўмитаси. АСЕАН. Ҳарбий блоклар: НАТО, АНЗЮС.

Қўшилмаслик ҳаракати. Унинг халқаро ҳуқуқ ривожланишидаги ўрни. Ўзбекистон Республикасининг Қўшилмаслик ҳаракатидаги иштироки.

Ҳукуматга тегишли бўлмаган халқаро ташкилотлар, уларнинг мақоми.

Халқаро ташкилотларнинг қонун ижодкорлиги фаолияти. БМТнинг халқаро ҳуқуқ комиссияси.

Давлатларнинг халқаро ташкилотлардаги ваколатхоналари. Кузатувчилар. Халқаро ташкилотларнинг органлари сессияларида делегациялар иштироки.

Халқаро анжуман тушунчаси. Ҳукуматлараро ва ҳукуматларга тегишли бўлмаган анжуманлар. Иштирокчилар таркиби. Кузатувчилар.

Универсал ва минтақавий халқаро анжуманлар. Уларни ташкил этиш тартиби. “Халқаро ташкилотлар” номи остида ўтказиладиган анжуманлар. Халқаро анжуманлар процедураси қоидалари. Қарор қабул қилиш механизми. Консенсус. Овоз бериш. Халқаро ташкилотларнинг қабул қиладиган қарорлари турлари.

12-мавзу. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари тушунчаси. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқида инсон ҳуқуқларини ҳукумат қилиш та-

мойили. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши Яқунловчи ҳужжатининг инсон ҳуқуқларига бўлмаган ҳукуматини ривожлантириш борасидаги аҳамияти. Инсон ҳуқуқлари борасидаги асосий халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларида инсон ҳуқуқлари.

БМТ Устави инсон ҳуқуқлари тўғрисида. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси. Фуқаролик ва сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги 1966 йилги халқаро пактлар.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги минтақавий ҳужжатлар. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 1950 йилги Европа конвенцияси, Европа социал харитаси (1961), Инсон ҳуқуқлари тўғрисида Америка конвенцияси (1969), инсон ва халқаро ҳуқуқлар тўғрисидаги Африка хартияси (1981), инсон ҳуқуқлари борасидаги умумжаҳон ислом Декларацияси (1981).

Инсон ҳуқуқларини ёппасига бузиш ҳолларига қарши халқаро кураш. Ирқий камситишларни тугатиш борасидаги 1965 йилги халқаро конвенция. Аппартеиднинг олин олиш ва унга нисбатан жазо тўғрисидаги халқаро Конвенция (1973). Геноцидни олдини олиш ва унга нисбатан жазо тўғрисидаги конвенция (1948). Қийнаш, инсонга хос бўлмаган бошқа муносабатларга қарши жазо белгиловчи конвенция (1984). Халқаро терроризмга қарши кураш.

Аҳолининг айрим гуруҳларини ижтимоий ҳимоя қилиш. Аёлларга нисбатан ҳар-хил камситишларга қарши қаратилган конвенция (1979). Болалар ҳуқуқи тўғрисидаги Декларация (1959) ва Конвенция (1979).

Халқаро ташкилотларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссари. БМТнинг аёллар муаммолари бўйича Комиссияси. Халқаро Меҳнат Ташкилоти ва ЮНЕСКОнинг инсон ҳуқуқлари бўйича фаолияти. Европа Кенгаши.

Ҳукуматларга тегишли бўлмаган халқаро ташкилотларнинг фаолиятида инсон ҳуқуқлари муаммолари.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича конвенциявий органлар. Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмита. Ирқий камситишларни бартараф этиш бўйича қўмита.

Инсон ҳуқуқларини бузганлик учун халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик. Жавобгарлик субъектлари. Давлатларнинг инсон ҳуқуқларининг поймол этилишига қарши курашдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

13-мавзу. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚ

Халқаро иқтисодий муносабатлар ва уларни ҳуқуқий тартибга солиш воситалари. Халқаро иқтисодий алоқаларни тартибга солишда халқаро ҳуқуқнинг туганган ўрни.

Ҳозирги замонда иқтисодий интеграция жараёнларининг объектив асослари ҳамда уларнинг моҳияти. Халқаро иқтисодий интеграциянинг ижтимоий-сиёсий турлари.

Халқаро иқтисодий алоқаларни қайта кўриб чиқиш муаммолари ҳамда янги иқтисодий тартиб-қонданинг ўрнатилиши.

Давлатларнинг иқтисодий хавфсизлигига тааллуқли ҳуқуқий жиҳатлар. Янги халқаро иқтисодий тартиб-қоидаларини ўрнатиш тўғрисидаги Декларация (1974). Давлатларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва мажбуриятлар хартияси (1974). Саноат ривожланиши ва ҳамкорлик борасидаги Лима Декларацияси (1975).

Хельсинки жараёни доирасидаги учрашув ҳужжатлари.

Халқаро иқтисодий ҳуқуқ тамойиллари. Давлатларни ўз табиий бойликларига эгалик қилиш тамойили; давлатнинг ўз ташқи иқтисодий алоқалари шаклини танлаш -уқуқи тамойили; иқтисодий дискриминация қилмаслик тамойили; ўзаро тенг асосда иқтисодий ҳамкорлик қилиш тамойили.

Халқаро ҳамкорликнинг шартномавий тамойили; кенгроқ имтиёзлар бериш тамойили; миллий режим тамойили; тенглик тамойили.

Халқаро иқтисодий ташкилотлар. БМТ органлари (Бош Ассамблея, ЭКОСОС, минтақавий комиссиялар). БМТ тизимига кирувчи халқаро иқтисодий ташкилотлар (ЮНЕСКО, ЮНИДО, ХФФ, ХРРБ, МФК, МАР ва бошқалар).

Халқаро иқтисодий интеграция. Европа Иттифоқи. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотлари.

Халқаро иқтисодий шартномалар тушунчаси, турлари ва тизими. Савдо-сотиқ шартномаси, товар айирбошлаш тўғрисидаги келишув шартномаси, давлатлараро товар айирбошлаш шартномалари, товар айирбошлаш тўғрисидаги кредит шартномалари; техник ёрдам кўрсатиш ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар, халқаро ҳисоб-китоб шартномалари; саноат, савдо-сотиқ ва иқтисодий ҳамкорликнинг бошқа турлари бўйича муддатли дастурий шартномалар.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро иқтисодий шартномалари. Ўзбекистоннинг халқаро иқтисодий ташкилотлар фаолиятидаги иштироки.

14-мавзу. ХАЛҚАРО ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ

Халқаро экология ҳуқуқи тушунчаси. Дунё таркибий бойликларини эъозлаш ва улардан оқилона фойдаланиш халқаро экология ҳуқуқи объекти сифатида. Уларни таснифлаш. Халқаро экология ҳуқуқи таъмоиллари. Табиатни муҳофаза қилишни халқаро-ҳуқуқий тартибга солишда халқаро ҳуқуқнинг тутган ўрни. Халқаро ташкиотларнинг бу соҳадаги фаолияти: БМТ, атроф-муҳит бўйича БМТ дастури (ЮНЕП), БМТнинг ихтисослашган ташкилотлари. Табиатни муҳофаза қилиш ва табиий бойликларни қўриқлаш бўйича бутун дунё харитаси (1982). ЮНЕСКОнинг “Инсон ва биосфера” дастури (1970).

Дунё океанларини муҳофаза этиш. Универсал ва минтақавий даражада денгиз ва океанларни қўриқлашни конвенциявий мувофиқлаштириб туриш. Денгизларни нефть маҳсулотлари билан ифлослаштиришни олдини олиш ҳақидаги Лондон конвенцияси (1954). Сув кемаларини ифлослантиришнинг олдини олиш тўғрисидаги конвенция (1973). Денгизни ахлат ва бошқа моддалар билан ифлослантиришнинг олдини олиш тўғрисидаги конвенция (1972). Антарктика ресурсларини сақлаб қолиш тўғрисидаги конвенция (1980).

Атмосферанинг заҳарланиши ва бошқа салбий оқибатлардан муҳофаза этиш.

Ҳавони узун масофаларгача заҳарлаш масалалари тўғрисидаги Европа конвенцияси (1979). Азон қатламини муҳофаза этиш тўғрисидаги конвенция (1977).

Йўқ бўлиб кетиш арафасида турган ҳайвонлар ва ўсимликларни сақлаб қолиш. Йўқ бўлиб кетиш арафасидаги турган ҳайвонларнинг халқаро савдоси тўғрисидаги 1973 йилги конвенция. Бутунжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза этиш тўғрисидаги 1972 йилги конвенция.

Космос бўйича 1967 йилги ва Ой курраси бўйича 1979 йилги шартномаларнинг табиатни муҳофаза қилишдаги аҳамияти.

Радиоактив заҳарланишдан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Ядровий қуроолларни синаш ва жойлаштириш оқибатида бутунлай ҳамда минтақавий радиоактив заҳарланиш хавфи.

Ядро қуроолларини атмосферада, космосда ва сув тагида синашларни ман этиш тўғрисидаги 1963 йилги Москва шартномаси. Атом энергиясидан тинч йўлларда фойдаланишда атроф-муҳитнинг радиоактив заҳарланишининг олдини олиш.

МАГАТЭнинг ядро билан бўлган ҳодисалар тўғрисидаги 1986 йилги конвенцияси.

Ўзбекистон ва атроф-муҳитни муҳофаза этишнинг халқаро масалалари. Орол денгизини халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилиш муаммолари.

15-мавзу. ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Давлатларнинг жиноятчиликка қарши курашдаги ўзаро ҳамкорлиги. Жиноий ва фуқаровий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасидаги шарномалар. Интерпол БМТ қармоғида оғир жиноятларга қарши курашда давлатларнинг ҳар томонлама ҳамкорлиги. БМТнинг жиноятчиликни олидини олиш ва унга қарши кураш кўмитаси. Жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарлар билан муамалада бўлиш тўғрисидаги халқаро конгресслар.

Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомалада бўлиш тўғрисида VIII Гавана конгресси (1990).

Қулчилик, қул сотиш ва шунга ўхшаш одатлар билан курашиш. Қулчилик тўғрисидаги 1926 йилги конвенция. Қулчилик, қул сотиш ва шунга ўхшаш одатларни бекор қилиш бўйича қўшимча конвенция (1956). Одамларни сотиш ва қўшмачиликка қарши кураш тўғрисидаги 1949 йилги конвенция.

Қароқчилик билан курашиш. Очиқ денгиз тўғрисидаги 1958 йилги Женева конвенциясида ҳамда БМТнинг 1982 йилги денгиз ҳуқуқи тўғрисидаги конвенциясида қароқчиликка тушунча бериш.

Ҳаво кемаларини ноқонуний эгаллашга қарши кураш. 1963 йилги Токио (Япония) конвенцияси. 1971 йилги Гаага (Голландия) конвенцияси. 1971 йилги Монреаль (Канада) конвенцияси.

Халқаро терроризмга қарши кураш. Терроризмга қарши курашиш тўғрисидаги Европа конвенциясида (1976) терроризмга тушунча бериш. Халқаро ҳимоя ҳуқуқидан фойдаланувчи (шунингдек, дипломатик агентлар) шахсларга қарши қаратилган жиноятлар билан курашиш ва уларнинг олидини олиш тўғрисидаги 1973 йилги конвенция.

Шахсларни гаровга олиш билан курашишга қарши кураш борасидаги 1979 йилги халқаро конвенция. Пул бирликларини соҳталаштиришга қарши кураш борасидаги 1929 йилги халқаро конвенция. Халқларининг миллий маданий меросларига тажовуз қилиш.

Жиноятчиликка қарши халқаро ҳамжамият томонидан кураш олиб бориш ишларида Ўзбекистон Республикасининг иштироки.

16-мавзу. ХАЛҚАРО ДЕНГИЗ ҲУҚУҚИ

Халқаро денгиз ҳуқуқи тушунчаси. Денгиз ҳуқуқи бўйич 1958 йилги Женева конвенцияси.

Ҳозирги замон халқаро денгиз ҳуқуқининг долзарб муаммолари.

Ички денгиз. Ички денгизнинг таркибий қисмлари. “Тарихий сувлар”.

Ички денгизнинг ҳуқуқий режими. Денгиз портининг тушунчаси ва ҳуқуқий режими. Очиқ денгиз портларида ҳорижий кемаларнинг дахлсизлиги.

Ҳудудий денгизнинг ҳуқуқий режими ва унинг тушунчаси. Қирғоқдан ҳудудий денгизга чиқадиган давлатнинг ушбу денгиз устидан суверенитети. Ҳудудий сувлар чегаралари. Хавф-хатарсиз ўтиш ҳуқуқи.

Ҳудудий денгизда ҳорижий кемалар устидан қирғоғи ушбу денгизда чиқадиган давлатларнинг юрисдикцияси. Денгизда балиқ овлаш жойлари. Архипелаг сувлари. Тегишли зоналар (тушунча, чегара, режим). Халқаро-ҳуқуқий режим. Очиқ денгиз. Очиқ денгизда эркинлик тамойили. Кемалар қатнови эркинлиги. Балиқ овлаш эркинлиги. Денгизда кабеллар ва турбопроводлар ўтказиш эркинлиги. Очиқ денгиз устидан ўтиш эркинлиги. Илмий кемалар эркинлиги. Инсон ҳаётини денгизда ҳимоя этиш.

Мутлақ иқтисодий зона. БМТнинг 1982 йилги денгиз ҳуқуқи тўғрисидаги конвенцияси иқтисодий зона тўғрисида. Ушбу конвенцияга асосан иқтисодий зонанинг ҳуқуқий мақоми. Иқтисодий зонанинг ҳуқуқий мақоми. Иқтисодий зонанинг делимитацияси.

Континентал шельф. 1958 йилги Женева конвенцияси ва денгиз ҳуқуқи тўғрисидаги 1982 йилги БМТ конвенциясида шельфни белгилаш, унинг ҳуқуқий мақоми ва режими. Шельфнинг делимитацияси. Денгиз сатҳи ва уни бутунлай делимитаризация қилиш.

Ядро ва бошқа оммавий қирғин қуроқларини ман этиш тўғрисидаги 1971 йил 11 февралдаги шартнома.

Ёпиқ денгизларни алоҳида ҳуқуқий режими. Халқаро бўғозларнинг ҳуқуқий режими. Болтиқ, Гибралтар, Магеллан бўғозлари. Ла-Манш, Паде-Кале бўғозлари. Қора денгиз бўғози.

1936 йилги конвенция. Транзит ўтиш ва ҳавф-хатарсиз ўтиш. Архипелагга яқин ўтиш.

Халқаро каналларнинг ҳуқуқий режими. Суэц, Панама, Коль каналлари.

Денгиз бойликларини ҳимоя қилиш ва муҳофаза этиш. Халқаро ва минтақавий ҳамкорлик. Денгизни ифлослантиришдан муҳофаза

этиш, унинг олдини олиш бўйича халқаро нормалар ва миллий қонунчилик.

Денгиз сатҳи. Денгиз қаърининг халқаро майдони тушунчаси, халқаро-ҳуқуқий режим. “Инсониятнинг умумий мероси” конвенцияси. Денгиз сатҳидан фақат тинч мақсадларда фойдаланиш.

Континентал шельфдан ташқарида бўлган денгиз ва океанлар ресурсларидан фойдаланиш бўйича халқаро орган. Денгиз сатҳи бўйича халқаро орган ва денгиз ҳуқуқи бўйича халқаро трибунални ташкил этиш бўйича ташкилий қўмита.

Халқаро денгиз ташкиллари. ЮНИТАРнинг денгизда сузиш бўйича қўмитаси. ЮНЕСКОнинг ҳукуматлараро океанларга бағишланган комиссияси. Денгизда йўлдош орқали алоқа халқаро ташкилоти.

17-мавзу. ХАЛҚАРО ҲАВО ҲУҚУҚИ

Халқаро ҳаво ҳуқуқи тушунчаси. Халқаро ҳаво ҳуқуқининг амал қилиши чегаралари. Халқаро фуқаровий авиациясида 1944 йилги Чикаго конвенцияси. Фуқаро авиацияси халақаро ташкилти (ИКАО) ва унинг ваколатлари.

Халқаро авиация стандартлари ва регламентлари (Чикаго конвенциясига иловалар) ва уларнинг ҳуқуқий аҳамияти.

Ҳаво ҳудудида давлатларнинг ҳуқуқлари. Давлатларнинг ҳаво ҳудудига бўлган тўлиқ ва мутлақ суверенитети. Давлатларнинг ҳаво ҳудудига бўлган суверенитети чегаралари.

Ҳаво ҳудуди режими вва халқаро рейслари тартибга солиш. Ҳаво ҳудудий режимининг ҳуқуқий маъноси ва унинг тушунчаси.

Хорижий ҳаво кемаларининг тегишли давлат ҳаво ҳудудидан доимий ва нодоимий равишда учиб ўтиши.

Ҳавода алоқа қилиш бўйича икки томонлама ҳукуматлараро шартномалар. Ҳаво кемасининг ҳуқуқий мақоми. Фуқаровий ҳаво кемаси тушунчаси.

Ҳаво кемаларига нисбатан ҳудудий юрисдикция тамойили. Ҳаво кемасига нисбатан аралаш юрисдикция тамойили. Ҳаво кемасидан фойдаланиш муддатларининг нормалари. Кема экипажи аъзоларининг ҳужжатлари.

Учиш вақтида ҳаво кемаси командирининг ҳуқуқлари.

Фуқаро авиацияси фаолияти хавфсизлигини таъминлаш тамойили. Самалётни олиб қочиш ва фуқаро авиацияси фаолияти хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа ҳақатлар билан халқаро-ҳуқуқий

кураш олиб бориш. 1963 йилги Токио конвенцияси. 1970 йилги Га-ага конвенцияси. 1971 йилги Монреаль конвенцияси.

Халқаро ҳаво ҳуқуқида жавобгарлик. Ҳаво ҳуқуқида “Варшава тизими” шартномалари тушунчаси. Автотранспорт корхоналари фаолиятини халқаро-ҳуқуқий тартибга солиш.

Келишилган ҳаво йўналишлари. Ҳаво транспорти халқаро ассоциацияси (ИАТА).

18-мавзу. ХАЛҚАРО КОСМИК ҲУҚУҚ

Халқаро космос ҳуқуқ тушунчаси. Халқаро космик ҳуқуқ кодификацияси ва унинг прогрессив ривожланиши. БМТнинг космос бўйича космос бўйича қўмитасининг фаолияти. Халқаро космос ҳуқуқининг асосий тамойиллари. Космос ҳуқуқидан фойдаланиш ва уни тадбиқ этиш бўйича давлатларнинг фаолияти тамойиллари тўғрисидаги 1967 йилги шартнома.

Космос ҳуқуқи ва коинотдаги жисмларнинг ҳуқуқий мақоми. Ҳаво ва космик ҳудуд ўртасидаги чегара муаммолари. 1967 йилги шартномага асосан давлатларнинг космос ҳудудига (Ой ва бошқа жинсларга ҳам) нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Давлатларнинг Ойдаги ва коинотдаги бошқа жисмлардаги фаолияти тўғрисидаги 1979 йилги келишув. Ойдаги табиий бойликларнинг халқаро-ҳуқуқий мақоми ва инсониятнинг умумий мероси концепцияси. Космос ҳудуди, Ой ва бошқа жисмларни демилитаризация қилиш.

Космосдаги объектларнинг ҳуқуқий мақоми. Космос ҳудудига учирладиган объектларни рўйхатга олиш тўғрисидаги 1975 йилги конвенция.

Космонавт (астронавт)ларнинг ҳуқуқий мақоми. Космонавтларни қутқариш, космонавтларни қайтариш ва космосга учирилган объектларни қайтариш тўғрисидаги 1968 йилги келишув.

Космосдаги фаолият учун халқаро жавобгарлик. Космосдаги объектлар томонидан келтирилган зарар учун халқаро жавобгарлик тўғрисидаги 1972 йилги конвенция. Қопланиши лозим бўлган зарар турлари. Мутлақ жавобгарлик. Келтирилган зарар учун айблов асосида жавобгарлик белгилаш. Ноқонуний хатти-ҳаракат оқибатида келтирилган зарар учун жавобгарлик. Космосда биргаликда фаолият қилиш процедураси. Космосни тадқиқ этиш ва ундан фойдаланиш ишларида халқаро ҳамкорликнинг халқаро-ҳуқуқий муаммолари. Космосда алоқа қилиш бўйича халқаро ташкилотлар: Интер-

спутник, Интелеат, Инмарсат. Сунъий йўлдошлар ёрдамида телевизион алоқа ўрнатиш. Сунъий йўналишлардан метеорология ва навигация ишларида фойдаланиш. Энергиянинг ядровий манбаларидан коинотда фойдаланиш. Икки томонилама ҳамкорлик. Халқаро коинот ҳуқуқини прогрессив ривожланишнинг асосий йўналишлари ва келажаги.

19-мавзу. ХАЛҚАРО НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ ВОСИТАЛАРИ

Халқаро низолар тушунчаси. Халқаро низоларни тинч йўл билан -ал этиш тамойиллари. БМТ устави ҳалқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тўғрисида.

Музокаралар — халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш воситаси сифатида. Музокаралар даражаси, иштирокчилар сони. Музокаралар шакли. Музокаралар процедураси. Музокаралар натижалари. Маслаҳатлашувлар. Мажбурий маслаҳатлашувлар.

Халқаро келиштирув процедураси. Холис (беминнат) хизмат ва воситачилик. Ўзбекистоннинг халқаро низоларни ҳал этишдаги воситачилик фаолияти.

Тергов ва келиштирув комиссиялари. Улар қабул қилинган қарорларнинг юридик кучи. Низоларни халқаро ташкилотларда ҳал этиш. БМТ хавфсизлик кенгашининг низоларни тинч йўл билан ҳал этишдаги ўрни. БМТ органларида халқаро келиштирув процедураси. Минтақавий ташкилотлар томнидан халқаро низоларнинг ҳал этилиши.

Халқаро арбитраж (Холис суд). Халқаро арбитраж тушунчаси ва турлари. Гаагадаги халқаро арбитражнинг доимий палатаси. Халқаро арбитраж томонидан қабул қилинган қарорларнинг юридик кучи ва процедураси. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик-процессуал кодекси.

Халқаро судлар. Халқаро судлар ҳуқуқий мақомининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг давлатлар ўртасидаги низоларни ҳал этишдаги ўрни.

Халқаро одил судловнинг доимий палатаси. БМТнинг халқаро суди: ваколатлари, таркиби, тузилиши. Халқаро суд юрисдикцияси ва унинг турлари.

Халқаро суд томонидан қабул қилинган қарорлар ва маслаҳат хулосаларининг юридик кучи.

20-мавзу. ҚУРОЛЛИ ЗИДДИЯТЛАР ДАВРИДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ. ХАЛҚАРО ГУМАНИТАР ҲУҚУҚ

Халқаро гуманитар ҳуқуқ тушунчаси ва тамойиллари. Халқаро гуманитар ҳуқуқ нормаларини татбиқ этиш соҳаси.

Халқаро гуманитар ҳуқуқнинг кодификацияси. 1899-1907 йилги Гаага конвенциялари. 1925 йилги Женева конвенцияси. 1949 йилги Женева конвенцияси.

1947-1977 йилги халқаро гуманитар ҳуқуқ нормаларидан фойдаланиш борасидаги Женева конвенцияси. Жуда оғир жароҳат етказиши мумкин бўлган оддий қуроллардан фойдаланишни ман этиш ёки чегаралаш борасидаги конвенция (1981 йил 10 апрель).

Халқаро ҳуқуқ уруш олиб боришнинг руҳсат этилган воситалари ва кўринишлари тўғрисида. Урушнинг бошланиши ва унинг ҳуқуқий оқибатлари. Урушнинг олиб борилиши. Уруш ҳаракатларининг иштирокчилари. Комбатантлар ва некомбатантлар.

Разведкалар ва кузатувчилар. Парламентарийлар. Асирга тушганлар, ярадорлар ва беморларнинг ҳуқуқий мақоми. Уруш даврида маданий меросни ҳимоя қилиш. 1954 йилги Гаага конвенцияси.

Денгизда ва ҳавода уруш олиб бориш хусусиятлари. Ракета-ядро қуроллари даврида уруш олиб боришнинг ман этилган восита ва усуллари.

Бетарафлик. Уруш давридаги бетараф давлатлар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг умумий тавсифи. Қуроликда, денгизда ва ҳавода уруш олиб бориш даврида бетараф давлатларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Уруш ҳаракатларида қатнашмаётган давлат тўғрисидаги бетараф ва урушда қатнашмаётган давлатлар ҳудудидаги ҳарбий базалар. Урушнинг тугаши ва унинг халқаро-ҳуқуқий оқибатлари. Уруш ҳаракатларини тугатишни ҳуқуқий расмийлаштириш.

Урушда жафо чекканларни халқаро-ҳуқуқий ҳимоя қилиш. Уруш қурбони тушунчаси. Ҳимоянинг умумий асослари. Қизил ҳож халқаро қўмитаси.

21-мавзу. ХАЛҚАРО ХАВФСИЗЛИК ҲУҚУҚИ

Халқаро хавфсизлик умумий тизимининг тушунчаси ва концепцияси. Янгича сиёсий фикрлаш ва умуминсоний қадриятлар устуворлиги концепцияси.

БМТ Уставига асосан коллектив хавфсизлик тизими. БМТнинг умумий хавфсизлик тизимини яратиш ишларидаги самарадорлиги-

ни ошириш. Халқаро ҳуқуқнинг ядро қуролидан озод ва тинчлик-осойишталик ҳукмрон дунёдаги ўрни. Ядро қуролидан озодлик ҳамда тинчлик тамойиллари тўғрисидаги Совет-Ҳинд Декларацияси (Дехли, 1986).

Қўшилмаслик ҳаракатининг умумий хавфсизлик тизимини яратишдаги ўрни. “Дехли олтилиги”нинг фаолияти. Европада хавфсизлик ташкилотининг аҳамияти. “Умумевропа уйи” концепцияси.

Минтақавий хавфсизликни мутаҳкамлаш муаммолари. Афғонистон бўйича Женева келишувлари (1988).

Халқаро иқтисодий хавфсизлик концепцияси. Янги халқаро ахборот тартибларини ўрнатиш учун кураш.

Умумий хавфсизлик тизимини ўрнатиш фаолиятида инсонпарварлик ва маданий соҳалардаги халқаро ҳамкорлик.

Халқаро хавфсизликни таъминлаш ишларида бетарафлик ва қўшилмасликнинг аҳамияти. Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари. Ўзбекистоннинг Ўрта Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш ишларидаги таклифлари.

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РЎЙХАТИ

БМТга аъзо давлатлар	қабул қилинган вақти
Афғонистон	19.11.1946
Албания	14.12.1955
Жазоир	08.10.1962
Андорра	28.07.1993
Ангола	01.12.1976
Антигуа и Барбуда	11.11.1981
Аргентина	24.10.1945
Арманистон	02.03.1992
Австралия	01.11.1945
Австрия	14.12.1955
Озарбайжон	02.03.1992
Бахамас	18.09.1973
Бахрайн	21.09.1971
Бангладеш	17.09.1974
Барбадос	09.12.1966
Беларус	24.10.1945
Белгия	27.12.1945
Белизе	25.09.1981
Бенин	20.09.1960
Бутан	21.09.1971
Боливия	14.11.1945
Босния ва Герцоговина	22.05.1992
Ботсвана	17.10.1966
Бразилия	24.10.1945
Бруней Даруссалам	21.09.1984
Болгария	14.12.1955
Буркина Фасо	20.09.1960
Бурунди	18.09.1962
Камбоджа	14.12.1955
Камерун	20.09.1960
Канада	09.11.1945

Кэйп Вард	16.09.1975
Марказий Африка Республикаси	20.09.1960
Чад	20.09.1960
Чили	24.10.1945
Хитой	24.10.1945
Колумбия	05.11.1945
Коморос	12.11.1975
Конго	20.09.1960
Коста Рика	02.11.1945
Кот д ивуар	20.09.1960
Хорватия	22.05.1992
Куба	24.10.1945
Кипр	20.09.1960
Чехия Республикаси	19.01.1993
Халқ демократик Республикаси Корея	17.09.1991
Конго Демократик Республикаси	20.09.1960
Дания	24.10.1945
Жибути	20.09.1977
Доминик	18.12.1978
Доминик Республикаси	24.10.1945
Эквадор	21.12.1945
Миср	24.10.1945
Эл Салвадор	24.10.1945
Экваториал Гвинея	12.11.1968
Эритрея	28.05.1993
Эстония	17.09.1991
Эфиопия	13.11.1945
Микронезия Федерал Штатлари	17.09.1991
Фиджи	13.10.1970
Финляндия	14.12.1955
Франция	24.10.1945
Габон	20.09.1960
Гамбия	21.09.1965
Грузия	31.06.1992
Германия	18.09.1973

Гана	08.03.1957
Греция	25.10.1945
Гренада	17.09.1974
Гватемала	21.11.1945
Гвинея	12.12.1958
Гвинея-Биссау	17.09.1974
Гуяна	20.09.1966
Гаити	24.10.1945
Гондурас	17.12.1945
Венгрия	14.12.1955
Исландия	19.11.1946
Ҳиндистон	30.10.1945
Индонезия	28.09.1950
Эрон	24.10.1945
Ироқ	21.12.1945
Ирландия	14.12.1955
Исроил	11.05.1949
Италия	14.12.1955
Ямайка	18.09.1962
Япония	18.12.1956
Иордания	14.12.1955
Қозоғистон	02.03.1992
Кения	16.12.1963
Кувайт	14.05.1963
Қирғизистон	02.03.1992
Лаос Халқ Демократик Республикаси	14.12.1955
Латвия	17.09.1991
Лебанон	24.10.1945
Лесото	17.10.1966
Либерия	02.11.1945
Ливия Араб Жамҳурияти	14.12.1955
Лихтенштейн	18.09.1990
Литва	17.09.1991
Люксембург	24.10.1945
Мадагаскар	20.09.1964

Малави	01.12.1964
Малайзия	17.09.1957
Малдива	21.09.1965
Мали	28.09.1960
Мальта	01.12.1964
Маршалл ороллари	17.09.1991
Мавритания	27.10.1961
Мауритус	24.04.1968
Мексика	07.11.1945
Монако	28.05.1993
Монголия	27.10.1961
Марокко	12.11.1956
Мозамбик	16.09.1975
Муанмар	19.04.1948
Намибия	23.04.1990
Непал	14.12.1955
Нидерландия	10.12.1945
Янги Зеландия	24.10.1945
Никарагуа	24.10.1945
Нигер	20.09.1960
Нигерия	07.10.1960
Норвегия	27.11.1945
Оман	07.10.1971
Покистон	30.09.1947
Палау	15.12.1994
Панама	13.11.1945
Папуа янги Гвинея	10.10.1975
Парагвай	24.10.1945
Перу	31.10.1945
Филиппин	24.10.1945
Польша	24.10.1945
Португалия	14.12.1955
Катар	21.09.1971
Корея Республикаси	17.09.1991
Молдова Республикаси	02.03.1992

Руминия	14.12.1955
Россия Федерацияси	24.10.1945
Рванда	18.09.1962
Саинт Киттс ва Невис	23.09.1983
Саинт Лусия	18.09.1979
Саинт Винсент ва Гренадия	16.09.1980
Самоа	15.12.1976
Сан Марино	02.02.1992
Сао Томе ва Принсипе	19.09.1975
Саудия Арабстони	14.10.1945
Сенегал	28.09.1960
Сейшеллес	21.09.1976
Сиерра Лионе	27.09.1961
Сингапур	21.09.1965
Словакия	19.01.1993
Словения	22.05.1992
Соломон Исландия	19.09.1978
Сомалия	20.09.1960
Жанубий Африка	07.11.1945
Испания	14.12.1955
Шри Ланка	14.12.1955
Судан	12.11.1956
Суринам	04.12.1975
Швейцария	24.09.1968
Швеция	19.11.1946
Сирия Араб Республикаси	24.10.1945
Тожикистон	02.03.1992
Тайланд	16.12.1946
Собиқ Югославия Республикаси Македония	08.04.1993
Того	20.09.1960
Тринидад ва Тобаго	18.09.1962
Туниция	12.11.1956
Туркия	24.10.1945
Туркменистон	02.03.1992
Уганда	25.10.1965

Украина	24.10.1945
Бирлашган Араб Амирлиги	09.12.1971
Буюк Британия	24.10.1945
Бирлашган Танзания Республикаси	14.12.1961
АҚШ	24.10.1945
Уругвай	18.12.1945
Ўзбекистон	02.03.1992
Ванауату	15.09.1981
Венесуэла	15.11.1945
Вьетнам	20.09.1977
Йемен	30.09.1947
Югославия	24.10.1945
Замбия	01.12.1964
Зимбабве	25.08.1980

ДУНЁ ДАВЛАТЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМЛАРИ

Январь

1 январь	Словакия Республикаси	Республика ташкил топган кун (1993 й.)
26 январь	Австралия	Австралия куни (1788 й.)
26 январь	Ҳиндистон Республикаси	Республика куни (1950 й.)

Февраль

6 февраль	Янги Зеландия	Вайтанг куни (1840 й.)
11 февраль	Эрон Ислом Республикаси	Инқилоб куни (1979 й.)
16 февраль	Литва Республикаси	Литва давлатининг тикланиши куни (1918 й.)
23 февраль	Бруней-Даруссалом давлати	Миллий кун (1984 й.)
24 февраль	Эстония Республикаси	Мустақиллик куни (1918 й.)
25 февраль	Қувайт Республикаси	Миллий кун (1965 й.)

Март

1 март	Босния ва Герцеговина	Мустақиллик куни (1992 й.)
3 март	Болгария Республикаси	Усмон империясидан озод бўлган кун – Миллий байрам (1878 й.)
3 март	Марокаш қироллиги	Тахт куни (1961 й.)
6 март	Гана Республикаси	Мустақиллик куни (1957 й.)
17 март	Ирландия Муқаддас	Патрик куни
20 март	Тунис Республикаси	Мустақиллик куни (1956 й.)
23 март	Покистон Ислом Республикаси	Покистон куни (1940 й.)
25 март	Греция Республикаси	Мустақиллик куни (1821 й.)
26 март	Бангладеш Халқ Республикаси	Мустақиллик куни (1971 й.)

Апрель

4 апрель	Сенегал Республикаси	Мустақиллик куни (1960 й.)
16 апрель	Дания қироллиги	Қироличанинг туғилган куни (1940 й.)
17 апрель	Сурия Араб Республикаси	Эвакуация куни (1946 й.)
27 апрель	Югославия Иттифоқ Республикаси	Конституция куни (1992 й.)
27 апрель	Жанубий Африка Республикаси	Республика куни (1995 й.)
30 апрель	Нидерланд Қироллиги	Қиролича куни (1949 й.)

Май

3 май	Польша Республикаси	Миллий байрам (1990 й.)
14 май	Исроил давлати (қўчувчи байрам)	Мустақиллик куни (1948 й.)
17 май	Норвегия Қироллиги	Конституция куни (1814 й.)
22 май	Яман Республикаси	Миллий кун (1990 й.)
25 май	Иордания Ҳошимийлик Қироллиги	Мустақиллик куни (1946 й.)
25 май	Аргентина Республикаси	Май инқилоби йиллиги (1810 й.)
26 май	Грузия Республикаси	Мустақиллик куни (1991 й.)
28 май	Арманистон Республикаси	Мустақиллик куни (1918 й.)
28 май	Озарбайжон Республикаси	Озарбайжон Республикаси тикланиши куни (1918 й.)
28 май	Эфиопия ХДР	Тинчлик ва Демократиянинг жорий қилиниши йиллиги (1991 й.)
30 май	Хорватия Республикаси	Мустақиллик куни (1990 й.)

Июнь

2 июнь	Италия Республикаси	(Июннинг биринчи якшанбасида нишонланади) Республика эълон қилинган кун (1946 й.)
5 июнь	Дания Қироллиги	Конституция куни (1849 й.)
6 июнь	Швеция Қироллиги	Швед байроғи куни. Швеция Миллий куни (1983 й.)
9 июнь	Иордания Ҳошимийлик Қироллиги	Коронация куни
10 июнь	Португалия Республикаси	Португалия куни (1580 й.)
12 июнь	Филлипин Республикаси	Мустақиллик куни (1898 й.)
12 июнь	Россия Федерацияси	Давлат суверенитети тўғрисида Декларация қабул қилинган кун
17 июнь	Исландия	Республика деб эълон қилинган кун (1944 й.)
18 июнь	Буюк Британия ва Шимолий Ирландия	Қўшма Қироллиги Қиролича туғилган кун (1926 й.)
25 июнь	Словения	Давлатчилик куни (1991 й.)

Июль

1 июль	Канада Канада куни	(1867 й.)
3 июль	Беларусь Республикаси	Мустақиллик куни (1990 й.)
4 июль	АҚШ	Мустақиллик куни (1776 й.)
5 июль	Венесуэла Республикаси	Мустақиллик куни (1811 й.)
11 июль	Монголия	Халқ инқилоби куни (1921 й.)

14 июль	Франция Республикаси	Бастилия олинган кун (1789 й.)
17 июль	Ироқ Республикаси	Инқилоб куни (1968 й.)
21 июль	Бельгия Қироллиги	Қирол қасамёди куни (1831 й.)
23 июль	Миср Араб Республикаси	Инқилоб куни (1952 й.)
26 июль	Мальдив Республикаси	Мустақиллик куни (1965 й.)

Август

1 август	Швейцария Конфедерацияси	Конфедерацияга асос солинган кун (1291 й.)
7 август	Ямайка	Мустақиллик куни (1962 й.)
9 август	Сингапур Республикаси	Миллий кун (1965 й.)
11 август	Чад Республикаси	Мустақиллик куни (1960 й.)
15 август	Ҳиндистон Республикаси	Мустақиллик куни (1947 й.)
15 август	Покистон Ислом Республикаси	Мустақиллик куни (1947 й.)
15 август	Корея Республикаси	Мустақиллик куни (1945 й.)
17 август	Индонезия Республикаси	Мустақиллик эълон қилинган кун (1945 й.)
19 август	Афғонистон Ислом Давлати	Мустақиллик куни (1919 й.)
20 август	Венгрия Республикаси	Муқаддас Иштван куни — Венгрия давлатининг асосчиси
24 август	Украина	Мустақиллик куни (1991 й.)
27 август	Молдова Республикаси	Мустақиллик куни (1991 й.)
31 август	Малайзия	Миллий кун (1957 й.)
31 август	Қирғизистон Республикаси	Мустақиллик куни (1991 й.)

Сентябрь

1 сентябрь	Ўзбекистон Республикаси	Мустақиллик куни (1991 й.)
2 сентябрь	Вьетнам Социалистик Республикаси	Мустақиллик куни (1945 й.)
3 сентябрь	Катар Давлати	Мустақиллик куни (1971 й.)
7 сентябрь	Бразилия Федератив Республикаси	Мустақиллик куни (1822 й.)
8 сентябрь	Македония	Республика куни (1992 й.)
9 сентябрь	Корея ХДР	Корея ХДР ташкил топган кун (1948 й.)
9 сентябрь	Тожикистон Республикаси	Мустақиллик куни (1991 й.)
16 сентябрь	Мексика Қўшма Штатлари	Мустақиллик куни (1810 й.)
18 сентябрь	Чили Республикаси	Мустақиллик куни (1810 й.)
21 сентябрь	Арманистон Республикаси	Мустақиллик тўғрисидаги референдумнинг йиллиги
21 сентябрь	Мальта Республикаси	Мустақиллик куни (1964 й.)
22 сентябрь	Мали Республикаси	Мустақиллик куни (1960 й.)
23 сентябрь	Суадия Арабстони Қироллиги	Миллий кун (1927 й.)

Октябрь

1 октябрь	Кипр Республикаси	Мустақиллик куни (1960 й.)
1 октябрь	Хитой Халқ Республикаси	Республика эълон қилинган кун (1949 й.)
1 октябрь	Нигерия Федератив Республикаси	Мустақиллик куни (1960 й.)
2 октябрь	Гвинея Республикаси	Мустақиллик куни (1958 й.)

3 октябрь	Германия Федератив Республикаси	Германия бирлиги куни (1990 й.)
3 октябрь	Корея Республикаси	Давлат ташкил топган кун
12 октябрь	Испания Қироллиги	Испания Миллати куни (1492 й.)
18 октябрь	Озарбайжон Республикаси	Мустақиллик куни
22 октябрь	Ватикан (Муқаддас II тахт)	Папа Иоанн Павел II нинг олий бошқаруви бошланган кун (1978 й.)
23 октябрь	Венгрия Республикаси	Инқилоб ва озодлик кураши бошланган кун (1956 й.) ва Венгрия республикаси эълон қилинган кун (1989 й.)
24 октябрь	Замбия Республикаси	Мустақиллик куни (1964 й.)
24 октябрь	БМТ	БМТ ташкил топган кун (1947 й.)
25 октябрь	Козоғистон Республикаси	Мустақиллик куни (1992 й.)
26 октябрь	Австрия Республика	Миллий байрам (1955 й.)
28 октябрь	Чехия Республикаси	Миллий кун (1918 й.)
29 октябрь	Туркия Республикаси	Республика эълон қилинган кун (1923 й.)

Ноябрь

1 ноябрь	Жазоир Халқ Демократик Республикаси	Жазоир Инқилоби куни (1954 й.)
9 ноябрь	Камбоджа Қироллиги	Мустақиллик куни (1958 й.)
15 ноябрь	Фаластин давлати	Давлат эълон қилинган кун (1988 й.)
18 ноябрь	Омон султонлиги	Миллий кун (1970 й.)
18 ноябрь	Латвия Республикаси	Латвия Республикаси эълон қилинган кун (1918 й.)

25 ноябрь	Босния ва Герцеговина	Давлатчилик куни (1943 й.)
29 ноябрь	Албания Республикаси	Озодлик куни (1944 й.)

Декабрь

1 декабрь	Руминия	Руминия Миллий куни (1918 й.)
2 декабрь	Бирлашган Араб Амирликлари	Давлат эълон қилинган кун (1971 й.)
2 декабрь	Лаос Халқ Демократик Республикаси	Республика эълон қилинган кун (1975 й.)
5 декабрь	Таиланд Қироллиги	қирол туғилган кун (1927 й.)
6 декабрь	Финляндия Республикаси	Мустақиллик куни (1917 й.)
12 декабрь	Туркманистон	Нейтралитет куни
13 декабрь	Мальта Республикаси	Республика куни
16 декабрь	Бахрейн давлати	Миллий кун (1971 й.)
23 декабрь	Япония	Император туғилган кун (1933 й.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАР ЎРНАТГАН ДАВЛАТЛАР

№	Давлат	Сана
1.	Австралия	26.12.1991
2.	Хитой Халқ Республикаси	02.01.1992
3.	Вьетнам Социалистик Республикаси	17.01.1992
4.	Миср Араб Республикаси	23.01.1992
5.	Монголия	25.01.1992
6.	Дания Қироллиги	25.01.1992
7.	Япония	26.01.1992
8.	Корея Республикаси	29.01.1992
9.	Корея Халқ Демократик Республикаси	07.02.1992
10.	Буюк Британия ва Шимолий Ирландия қўшма қироллиги	18.02.1992
11.	Америка Қўшма Штатлари	19.02.1992
12.	Саудия Арабстони Қироллиги	20.02.1992
13.	Малайзия	21.02.1992
14.	Исроил давлати	22.02.1992
15.	Финляндия Республикаси	26.02.1992
16.	Франция Республикаси	01.03.1992
17.	Венгрия Республикаси	03.03.1992
18.	Туркия Республикаси	04.03.1992
19.	Германия Федератив Республикаси	06.03.1992
20.	Бельгия Қироллиги	10.03.1992
21.	Греция Республикаси	16.03.1992
22.	Мексика Қўшма Штатлари	16.03.1992
23.	Испания Қироллиги	17.03.1992
24.	Ҳиндистон Республикаси	18.03.1992
25.	Польша Республикаси	19.03.1992
26.	Янги Зеландия	19.03.1992
27.	Россия Федерацияси	20.03.1992
28.	Италия Республикаси	24.03.1992
29.	Австрия Республикаси	25.03.1992

30.	Канада	07.04.1992
31.	Швеция Қироллиги	08.04.1992
32.	Филлипин Республикаси	13.04.1992
33.	Омон Султонлиги	22.04.1992
34.	Сурия Араб Республикаси	24.04.1992
35.	Таиланд Қироллиги	06.05.1992
36.	Швейцария Конфедерацияси	07.05.1992
37.	Эрон Ислом Республикаси	10.05.1992
38.	Покистон Ислом Республикаси	10.05.1992
39.	Яман Республикаси	25.05.1992
40.	Бахрейн давлати	29.05.1992
41.	Люксембург Буюк Герцоглиги	10.06.1992
42.	Норвегия Қироллиги	10.06.1992
43.	Индонезия Республикаси	23.06.1992
44.	Жазоир Халқ Республикаси	30.06.1992
45.	Литва Республикаси	05.08.1992
46.	Португалия Республикаси	12.08.1992
47.	Жанубий Африка Республикаси	12.08.1992
48.	Украина	25.08.1992
49.	Нигерия Федератив Республикаси	28.08.1992
50.	Лаос Халқ Демократик Республикаси	10.09.1992
51.	Болгария Республикаси	Сентябрь, 1992
52.	Афғонистон Ислом Давлати	13.10.1992
53.	Ватикан шаҳар-давлати	17.10.1992
54.	Бангладеш Халқ Республикаси	15.10.1992
55.	Тожикистон Республикаси	20.10.1992
56.	Қозоғистон Республикаси	23.10.1992
57.	Бирлашган Араб Амирликлари	25.10.1992
58.	Латвия Республикаси	03.11.1992
59.	Нидерланд қироллиги	24.11.1992
60.	Тунис Республикаси	26.11.1992
61.	Чехия Республикаси	01.01.1993
62.	Словакия Республикаси	01.01.1993
63.	Туркманистон	07.01.1993
64.	Беларусь Республикаси	21.01.1993

65.	Иордания Ҳошимийлик Қироллиги	15.02.1993
66.	Қирғизистон Республикаси	16.02.1993
67.	Мальта Республикаси	25.02.1993
68.	Бразилия Федератив Республикаси	30.04.1993
69.	Ироқ Республикаси	19.06.1993
70.	Гвинея Республикаси	24.06.1993
71.	Аргентина Республикаси	09.09.1993
72.	Марокаш Қироллиги	11.10.1993
73.	Гана Республикаси	28.10.1993
74.	Албания Республикаси	23.11.1993
75.	Замбия Республикаси	01.02.1994
76.	Кувайт Давлати	08.07.1994
77.	Грузия Республикаси	19.08.1994
78.	Молдова Республикаси	23.08.1994
79.	Чили Республикаси	15.09.1994
80.	Чад Республикаси	16.09.1994
81.	Фаластин Давлати	25.09.1994
82.	Эстония Республикаси	25.10.1994
83.	Европа Ҳамжамияти Комиссияси	16.11.1994
84.	Мальдив Республикаси	07.12.1994
85.	Македония Республикаси	31.12.1994
86.	Словения Республикаси	16.01.1995
87.	Югославия Иттифоқ Республикаси	18.01.1995
88.	Хорватия Республикаси	06.02.1995
89.	Камбоджа қироллиги	07.09.1995
90.	Озарбайжон Республикаси	02.10.1995.
91.	Руминия	06.10.1995
92.	Сенегал Республикаси	06.10.1995
93.	Арманистон Республикаси	27.10.1995
94.	Венесуэла Республикаси	26.04.1996
95.	Босния ва Герцеговина	14.05.1996
96.	Бруней-Даруссалом	20.06.1996
97.	Эфиопия Халқ Демократик Республикаси	15.07.1996
98.	Ямайка	08.08.1996
99.	Мали Республикаси	13.02.1997

100.	Сингапур Республикаси	08.08.1997
101.	Кипр Республикаси	30.05.1997
102.	Исландия Республикаси	25.09.1997
103.	Ирландия Республикаси	07.11.1997
104.	Катар Республикаси	27.11.1997
105.	Уругвай Шарқ Республикаси	25.05.1998
106.	Ливан Республикаси	22.10.1998
107.	Маврикий Республикаси	04.08.1999

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ХАЛҚАРО ВА МИНТАҚАВИЙ ТАШКИЛОТЛАРДАГИ АЪЗОЛИГИ

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — БМТ, 2.03.1992, Нью-Йорк.
2. Саноат тараққиёти бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — ЮНИДО, апрель 1994, Вена.
3. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — ЮНЕСКО, 26.10.1993, Париж.
4. Болаларга ёрдам бериш бўйича БМТ жамғармаси (БМТ Болалар жамғармаси) — ЮНИСЕФ, 20.04.1994, Нью-Йорк.
5. Наркотиклар устидан назорат бўйича БМТ Халқаро дастури — ЮНДКП, февраль 1995, Вена.
6. Умумжаҳон туристик ташкилоти — УТТ (ВТО), 1993, Мадрид.
7. Умумжаҳон почта иттифоқи — УПИ (ВПС), апрель 1992, Берн.
8. Умумжаҳон соғлиқ ташкилоти — УСТ (ВОЗ), 22.05.1992, Женева.
9. Халқаро меҳнат ташкилоти — ХМТ (МОТ), 13.07.1992, Женева.
10. Умумжаҳон метеорологик ташкилот — УМТ (ВМО), 23.01.1993, Женева.
11. Атом энергияси бўйича Халқаро агентлик — АТЭХА (МАГАТЭ), 15.01.1994, Вена.
12. Осиё ва Тинч Океани учун БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий комиссияси — ОТОИИК (ЭСКАТО), 22.06.1994, Бангкок.
13. Европа учун БМТ иқтисодий комиссияси — ЕИК, сентябрь 1994, Женева.
14. Тараққиёт ва ривожланиш Халқаро банки — ТРХБ (МБРР), 21.10.1992, Вашингтон.
15. Халқаро валюта фонди — ХВФ (МВФ), 21.10.1992, Вашингтон.
16. Тараққиёт ва ривожланиш Европа банки — ТРЕБ (ЕБРР), 27.04.1992, Лондон.
17. Осиё ривожланиш банки — ОРБ (АБР), 31.08.1995.
18. Божхона ҳамкорлик кенгаши — БХК (СТО), 22.07.1992, Брюссель.
19. Халқаро молия корпорацияси — ХМК (МФК).
20. Сармояларнинг кафолати бўйича кўптарофлама агентлик — СККА (МАГИ).
21. Тарифлар ва савдо бўйича бош битим (кузатувчи мақоми) — ТСББ (ГАТТ), июнь 1994, Женева.
22. Ривожланиш халқаро уюшмаси — РХУ (МАР).

23. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик бўйича ташкилот — ЕХҲТ (ОБСЕ), 30.01.1992, Прага.
24. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти — ИҲТ (ОЭС), 17.02.1992, Техрон.
25. Шимолий атлантик ҳамкорлик кенгаши — ШАҲК (ССАС), 10.03.1992, Брюссель, 1997 й. майда Евро — атлантик ҳамкорлик кенгаши деб қайта ном берилган — ЕАҲК, 1997, Брюссель.
26. қўшилмаслик ҳаракати — қҲ (ДН), 01.09.1992, Жакарта.
27. Ислом конференцияси ташкилоти — ИКТ (ОИК), 02.10.1996, Жидда.
28. Халқаро олимпия қўмитаси — ХОқ (МОК), 22.03.1992, Лозанна.
29. Жиноят полицияси халқаро ташкилоти — Интерпол, 28.09.1994, Рим.
30. Умумжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти — УИМТ (ВОИС), 25.12.1991, Женева.
31. Халқаро электроалоқа иттифоқи — ХЭИ (МЭС), 10.07.1992, Женева.
32. Эпизоотия бўйича халқаро бюро — ЭХБ (МБЭ), 09.10.1992, Париж.
33. Фуқаролик авиацияси халқаро ташкилоти — ФАХТ (ИКАО), 12.11.1992, Монреаль.
34. Европа Энергетик Хартияси — ЕЭХ, 05.04.1995, Брюссель.
35. қизил Хоч ва қизил Ярим ой халқаро қўмитаси — қҲқЯ (МККК), 21.01.1993, Женева.
36. Сув таъминоти бўйича халқаро уюшма — СТУ (МАВ).
37. Стандартлаштириш бўйича халқаро ташкилот — СХТ (ИСО).
38. Спорт халқаро федерацияси — СХФ (МФС).
39. Мотоциклет спорти халқаро федерацияси — МСХФ (МФНС).
40. Спортнинг авиация турлари халқаро федерацияси — САТХФ (МФАС).
41. Халқаро автомобиль федерацияси — ХАФ (МАФ).
42. Сув — мотор халқаро иттифоқи — СМХИ (МВС).
43. Умумжаҳон сув ости фаолият федерацияси — УСОФФ (ВФПД).
44. Кема моделлаштириш умумжаҳон ташкилоти — КМУТ (ВОЕ).
45. Автомоделлаштириш умумжаҳон ташкилоти — АУТ (ВОА).
46. Халқаро радиоҳаваскорлар иттифоқи — ХРИ (МРС).
47. Денгиз кўпкурашчилар халқаро уюшмаси — ДКХУ (МАМИ).
48. Пахта бўйича халқаро консультатив қўмита — ПХКқ (МККХ).
49. Умумжаҳон божхона ташкилоти — УБТ (ВТО), 1992, Брюссель.
50. Темир йўллар ҳамкорлиги ташкилоти — ТЙҲТ (ОСЖД), 1993, Варшава.
51. Йўл ҳаракати халқаро ташкилоти — ЙҲҲТ (МОДД), 15.08.1994, Женева.

52. Аёллар манфаатлари ривожланиши учун БМТ жамғармаси, Нью Йорк.
53. Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича БМТ комиссияси — ЮНСИТРАЛ, 1992, Вена.
54. Савдо ва тараққиёт бўйича БМТ конференцияси — ЮНКТАД, 1992, Женева.
55. Парламентлараро иттифоқ — ПИ (МПС), 1992, Женева.
56. Кимё қурулларини тақққлаш бўйича ташкилот — КқТТ (ОЗХО), 24.11.1995, Гаага.
57. Ядро синовларини ялпи тақққлаш бўйича Шартнома ташкилоти - ЯСУТШТ (ОДВЗЯИ), 03.10.1996, Вена.
58. Халқаро телекоммуникациявий сунъий йўлдошлар ташкилоти — Интелсат, 07.05.1997, Вашингтон.
59. Кўргазмалар халқаро бюроси, 03.06.1997, Париж.
60. Халқаро кураш федерацияси, 1999, Тошкент.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛГАН ЁКИ ҚЎШИЛГАН
ХАЛҚАРО КЎПТОМОНЛАМА КОНВЕНЦИЯЛАР
ВА ШАРТНОМАЛАР РЎЙХАТИ**

Хужжатнинг номи	Ратификация қилиш вақти (Олий Мажлиснинг қарорлари)
Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси	30.09.91. № 366-ХП
Халқаро фуқаролик авиацияси тўғрисидаги Конвенция	03.07.92 № 666-ХП
Бола ҳуқуқи тўғрисидаги Конвенция	09.12.92 № 757-ХП
Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартнома	09.12.92. № 760-ХП
Измир Шартномаси ва Ўзбекистон Республика- сининг иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ)га кириш тўғрисидаги Хужжат	06.05.93. № 830-ХП
Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвен- цияга доир тузатиш ҳақида Протокол 93-модда	07.05.93. № 865-ХП
Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвен- цияга доир тузатиш ҳақида Протокол 45-модда	07.05.93. № 865-ХП
Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвен- цияга доир тузатишлар ҳақида Протокол (48а,49е ва 61-моддаларнинг бандлари)	07.05.93. № 865-ХП
Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвен- цияга доир тузатиш ҳақида Протокол (50-модданинг а банди)	07.05.93. № 865-ХП
Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвен- цияга доир тузатиш ҳақида Протокол 48-модданинг а банди	07.05.93. № 865-ХП

Хужжатнинг номи	Ратификация қилиш вақти (Олий Мажлиснинг қарорлари)
-----------------	--

Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенцияга доир тузатиш ҳақида Протокол 50-модда а банди	07.05.93. № 865-ХП
Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенцияга доир тузатиш ҳақида Протокол 56-модда	07.05.93. № 865-ХП
Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенцияга доир тузатиш ҳақида Протокол 50-модда а банди	07.05.93. № 865-ХП
Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенцияга доир тузатиш ҳақида Протокол (17-Якуний қоидалар)	07.05.93. № 865-ХП
Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенцияга доир тузатиш ҳақида Протокол 83-модда	07.05.93. № 865-ХП
Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенцияга доир тузатиш ҳақида Протокол 3-модда	07.05.93. № 865-ХП
Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенцияга доир тузатиш ҳақида Протокол 56-модда	07.05.93. № 865-ХП
Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги Конвенцияга доир тузатиш ҳақида Протокол 50а-модда	07.05.93. № 865-ХП
Иқлимни ўзгартириш бўйича андозавий Конвенция	03.09.93. № 946-ХП
Ҳаракатдаги армиялардаги ярадорлар ва беморларнинг қисматларини энгиллаштириш тўғрисида Женева Конвенцияси	03.09.93. № 946-ХП
Ҳалокатга учраган кемаларнинг денгиздаги қуролли кучлар таркибидан бўлмиш ярадорлар, беморлар ва шахсларнинг қисматларини энгиллаштириш тўғрисида Женева Конвенцияси	03.09.93. № 946-ХП

Хужжатнинг номи	Ратификация қилиш вақти (Олий Мажлиснинг қарорлари)
Харбий асирлар билан қилинадиган муомала тўғрисида Женева Конвенцияси	03.09.93. № 946-ХІІ
Уруш вақтида тинч фуқаро аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисида Женева Конвенцияси	03.09.93. № 946-ХІІ
Халқаро қуролли можаролар қурбонларини ҳимоя қилишга тааллуқли Женева Конвенциясига доир 1977 йил 26-сентябрдаги қўшимча Протокол (1-Протокол)	03.09.93. № 946-ХІІ
Халқаро бўлмаган тусдаги қуролли можаролар қурбонларини ҳимоя қилишга тааллуқли Женева Конвенциясига доир 1977 йил 26 сентябрдаги қўшимча Протокол (2-Протокол)	29.12.93. № 1016-ХІІ
Янги Европа учун Париж Хартияси	27.11.93 Париж
Ҳаво кемаларини гайриқонуний тарзида эгаллаб олишга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция	29.12.93. № 1016-ХІІ
Фуқаро авиацияси хавфсизлигига қарши йўналтирилган ноқонуний актлари билан курашиш тўғрисидаги Конвенция	29.12.93. № 1016-ХІІ
Фуқаро авиацияси хавфсизлигига қарши йўналтирилган ноқонуний актлари билан курашиш тўғрисидаги Конвенцияни тўлдириб борадиган Аэропортларда халқаро фуқаро авиациясига хизмат қилиш, гайриқонуний зулм актлари билан курашиш тўғрисидаги Протокол	29.12.93. № 1016-ХІІ
Давлатлар ва ажнабий шахслар ўртасидаги инвестицияларга оид низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисидаги Конвенция (17.03.94. Вашингтонда имзоланган)	06.05.94. № 1077-ХІІ

Хужжатнинг номи	Ратификация қилиш вақти (Олий Мажлиснинг қарорлари)
Дипломатия муносабатлари тўғрисидаги Вена Конвенцияси	06.05.94. № 1078-XII
Консуллик муносабатлари тўғрисидаги Вена Конвенцияси	06.05.94. № 1079-XII
Тинчлик учун ҳамкорлик: андозавий ҳужжат	13.07.94 Брюссель
Йўл ҳаракати тўғрисидаги Конвенция	06.05.94 № 1079-XII
Йўл белгилари ва билдиришлари тўғрисидаги Конвенция	19.12.94. МИД Комилов
Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисидаги Вена Конвенцияси	24.02.95. № 29-I
Гиёвандлик воситалари тўғрисидаги Ягона Конвенция	24.02.95. № 30-I
Психотроп моддалар тўғрисидаги Конвенция	24.02.95. № 31-I
Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни гайриқонуний равишда муомалага киритишга қарши кураш тўғрисидаги БМТнинг Конвенцияси	24.02.95. № 32-I
Халқаро ҳаво транспортида ташишларга доир айрим қоидаларни бирхиллаштириш ҳақидаги Конвенция	06.05.95. № 80-I
Халқаро ҳаво транспортида ташишларга доир айрим айрим қоидаларни бирхиллаштириш ҳақидаги 1929 йилги Конвенцияга тузатишлар киритиш тўғрисида Баённома	06.05.95. № 80-I
Ҳаво кемаси бортида содир этиладиган жиноят- лар баъзи бошқа актлар тўғрисидаги Конвенция	06.05.95. № 81-I

Хужжатнинг номи	Ратификация қилиш вақти (Олий Мажлиснинг қарорлари)
-----------------	--

Биологик ранг-баранглик тўғрисидаги Конвенция	06.05.95. № 82-1
Ишнинг давом этиш муддатини ҳафтасига 40 соатгача қисқартириш тўғрисидаги 47-Конвенция	06.05.95. № 83-1
Ҳақ тўланадиган йиллик таътиллار тўғрисидаги 52-Конвенция	06.05.95. № 84-1
Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 103-Конвенция (28.06.52 қайта кўриб чиқилган)	06.05.95. № 85-1
Иш билан таъминлаш сиёсати тўғрисидаги 122-Конвенция	06.05.95. № 86-1
Хотин-қизларни камситилишининг барча шакллари-га барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция	06.05.95. № 87-1
Осиё ривожланиш банки Шартномаси	31.08.95. № 124-1
Қаттиқ қурғоқчиликни бошдан кечираётган ва /ёки/ чўлга айланиб бораётган мамлакатларда, айниқса Африкада чўлга айланиб боришларга қарши кураш бўйича БМТ Конвенцияси	31.08.95. № 125-1
Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт	31.08.95. № 126-1
Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт	31.08.95. № 127-1
Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактга доир факультатив Баённома	31.08.95. № 128-1
Ирқий камситишнинг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги Халқаро Конвенция	31.08.95. № 129-1

<p style="text-align: center;">Ҳужжатнинг номи</p>	<p style="text-align: center;">Ратификация қилиш вақти (Олий Мажлиснинг қарорлари)</p>
<p>Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриқонуний ёки қадр-қимматини таҳқирловчи турларига қарши Конвенция</p>	<p>31.08.95. № 130-1</p>
<p>Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги божхона Конвенцияси</p>	<p>31.08.95. № 131-1</p>
<p>Юкларни халқаро йўлларда ташиш дафтарчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш Шартномаси тўғрисидаги Конвенция</p>	<p>31.08.95. № 132-1</p>
<p>1954 йилда имзоланган Куролли можаро чиққан ҳолда маданий бойликларнинг ҳимоя қилиниши тўғрисидаги Конвенция</p>	<p>22.12.95. № 180-1</p>
<p>1970 йилда имзоланган Маданий бойликларни ноқонуний равишда олиб келиш, олиб кетиш ва уларга бўлган эгалик ҳуқуқини ўзгача беришни ман этиш ва олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисидаги Конвенция</p>	<p>22.12.95. № 181-1</p>
<p>1972 йилда имзоланган Умумжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция</p>	<p>22.12.95. № 182-1</p>
<p>1954 йил 1 мартда имзоланган Фуқаролик процесси масалаларига доир Гаага Конвенцияси</p>	<p>22.12.95. № 183-1</p>
<p>1958 йил 10 июнда имзоланган Чет эл мамлакатлари ҳакамлик қарорларини эътироф этиш ва ижро этиш тўғрисидаги Нью-Йорк Конвенцияси</p>	<p>22.12.95. № 184-1</p>
<p>Бактериологик (биологик) ва токсик қурол-роғларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш ва тўплашни ман этиш ҳамда уларни тугатиш тўғрисидаги Конвенция</p>	<p>22.12.95. № 185-1</p>

Хужжатнинг номи	Ратификация қилиш вақти (Олий Мажлиснинг қарорлари)
1992 йил 15 декабрда имзоланган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгаши доирасидаги муросага келтириш ва ҳамкорлик бўйича Стокгольм Конвенцияси	22.12.95. № 186-1
Қитъа ичкарасидаги давлатларнинг транзит савдроси тўғрисидаги Конвенция	22.12.95. № 187-1
Хавфли чиқиндиқларни чегаралараро ташиш ва йўқ қилиб юбориш устидан назорат қилиш тўғрисидаги Базель Конвенцияси	22.12.95. № 188-1
БМТ Болалар Жамғармаси билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги Асосий Шартнома	22.12.95. № 189-1
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва БМТнинг ЮНИСЕФ ўртасида асосий Битим	22.12.95. № 189-1
БМТнинг болаларни ривожланиши, ҳимояланиши, ва тирик қолишини таъминлаш тўғрисидаги Умумжаҳон Декларацияси	22.12.95 №189-1
Озон қатламини сақлаб қолиш бўйича Конвенция	18.05.95 Монреаль
Озон қатламини бузувчи моддалар бўйича Монреаль Протоколи	18.05.95 Монреаль
1995 йил апрелда Лиссабонда имзоланган Энергетика Хартиясига доир Шартномани ҳамда энергетика самарадорлиги ва турдош экологик жиҳатлар масалалари бўйича энергетика Хартиясига доир Протокол	22.12.95. № 192-1
ЕХҲТ энергетика Хартияси бўйича Шартнома	22.12.95. № 192-1

<p style="text-align: center;">Ҳужжатнинг номи</p>	<p style="text-align: center;">Ратификация қилиш вақти (Олий Мажлиснинг қарорлари)</p>
<p>БМТ ва турли ихтисослашган муассасалар фойдаланадиган имтиёзлар ва дахлсизлик ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция</p>	<p>26.04.96. № 234-I</p>
<p>БМТ ходимлари ва унга алоқадор ходимларнинг хавфсизлиги тўғрисидаги Конвенция</p>	<p>26.04.96. № 235-I</p>
<p>Кимёвий қуролни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тўплаш ва қўллашни тақиқлаш ҳамда уни йўқ қилиш ҳақидаги Конвенция</p>	<p>26.04.96. № 236-I</p>
<p>Ўзбекистон Республикаси, бир томондан ва Европа Ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо давлатлар, иккинчи томондан ўртасида шерикчилик таъсис этувчи шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим</p>	<p>30.08.96. № 292-I</p>
<p>Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти (НАТО)га аъзо мамлакатлар ва “Тинчлик йўлида шерикчилик” дастурига аъзо мамлакатлар ўртасида уларнинг Қуролли Кучлари мақоми тўғрисидаги шартномани ҳамда Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти (НАТО)га аъзо мамлакатлар ва “Тинчлик йўлида шерикчилик” дастурига аъзо мамлакатлар ўртасида уларнинг Қуролли Кучлари мақоми тўғрисидаги шартноманинг қўшимча Баёни</p>	<p>30.08.96. № 293-I</p>
<p>БМТнинг халқаро товарлар олди-сотди шартномалари тўғрисидаги Конвенция</p>	<p>30.08.96. № 294-I</p>
<p>Контейнерлар хусусида 1972 йилда қабул қилинган Божхона Конвенцияси</p>	<p>30.08.96. № 295-I</p>
<p>Пулга топширилган ва халқаро юк ташиш учун фойдаланиладиган контейнерларга нисбатан</p>	<p>30.08.96. № 296-I</p>

Хужжатнинг номи	Ратификация қилиш вақти (Олий Мажлиснинг қарорлари)
-----------------	--

қўлланиладиган божхона тартиботи хусусидаги Конвенция (Контейнер пули тўғрисидаги Конвенция)	
Чегараларда юклар назоратини амалга ошириш шартларини келишиш тўғрисидаги Халқаро Конвенция	30.08.96. № 297-1
Юкларни халқаро йўлларда ташиш шартномаси шартномаси тўғрисидаги Конвенция (ЮТК) Баёни	30.08.96. № 298-1
1929 йилда Варшавада имзоланган шарнома бўйича ташувчи ҳисобланмайдиган шахслар тарафидан амалга ошириладиган ҳаво орқали халқаро ташишга тааллуқли айрим қоидаларни бирхиллаштиришга доир Конвенциясига қўшимча Конвенция	27.12.96. № 359-1
Халқаро ҳаво йўлларида транзит тўғрисидаги Битим	27.12.96. № 360-1
1929 йил 12 октябрда Варшавада имзоланган ва 1975 йил 25 сентябрда Монреалда тузилган Протокол билан ўзгартирилган ҳаво орқали халқаро ташишга тааллуқли айрим қоидаларни бирхиллаштиришга доир Конвенцияни ўзгартириш тўғрисидаги 1-қўшимча Протокол	27.12.96. № 361-1
1929 йил 12 октябрда Варшавада имзоланган ва 1955 йил 28 сентябрда Гаагада тузилган Протокол билан ўзгартирилган ҳаво орқали Халқаро ташишга тааллуқли айрим қоидаларни бирхиллаштиришга доир Конвенцияга ўзгартиришлар тўғрисидаги 2-Қўшимча Протокол	27.12.96. № 362-1
1929 йил 12 октябрда Варшавада имзоланган ва 1955 йил 28 сентябрда Гаагада тузилган Протокол	27.12.96. № 363-1

Хужжатнинг номи	Ратификация қилиш вақти (Олий Мажлиснинг қарорлари)
-----------------	--

билан ўзгартирилган ҳаво орқали Халқаро ташишнинг айрим қоидаларни бирхиллаштиришга доир Конвенцияга ўзгартиришлар тўғрисидаги 4-Монреаль Протоколи

Ҳаво кемаларига ҳуқуқларнинг халқаро тан олинishi тўғрисидаги Конвенция	27.12.96. № 364-I
Ядро синовларини ялпи тақиқлаш тўғрисидаги Шартнома	25.04.97. № 432-I
Йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликлар турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги Конвенция	25.04.97. № 433-I
Халқаро вакциналар институтини тузиш тўғрисида	25.04.97. № 434-I
Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги Конвенция	30.08.97. № 492-I
Бир хил қимматга эга бўлган меҳнат учун эркеклар ва хотин-қизларни тенг рағбатлантириш тўғрисидаги Конвенция	30.08.97. № 493-I
Корхоналарда меҳнаткаш вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисидаги Конвенция	30.08.97. № 494-I
Жамоа музокараларига кўмаклашиш тўғрисидаги Конвенция	30.08.97. № 495-I
Жамоа музокараларини ташкил этиш ва юритиш ҳуқуқи принципларини қўлланиш тўғрисидаги Конвенция	30.08.97. № 496-I
Таълим соҳасидаги камситишларга қарши кураш тўғрисидаги Конвенция	30.08.97. № 497-I

Хужжатнинг номи	Ратификация қилиш вақти (Олий Мажлисининг қарорлари)
-----------------	---

Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисидаги Конвенция	30.08.97. № 498-I
Меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камситишлар тўғрисидаги Конвенция	30.08.97. № 499-I
Оддий қуролнинг ҳаддан ташқари қўп зарар келтиради ёки барча нарсага баравар таъсир этади деб ҳисобланиши мумкин бўлган конкрет турлари қўлланилишини тақиқлаш ёки чеклаш тўғрисида- ги Конвенцияга қўшилиш ҳақида ҳамда мазкур Конвенцияга оид I,II,III ва VI, бённомалар республика учун мажбурий эканлигига розилик билдириш ҳақида	30.08.97. № 500-I
Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция	30.08.97. № 501-I
Техникавий ва ҳунар таълими тўғрисидаги Конвенция	30.08.97. № 502-I
Халқларнинг тинчликка бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги Декларация	30.08.97. № 503-I
Ривожланиш ҳуқуқи тўғрисидаги Декларация	30.08.97. № 504-I
Дин ёки этиқодлар замиридаги муросасизлик ва камситишларнинг барча шакллари бартараф этиш тўғрисидаги Декларация	30.08.97. № 505-I
Халқаро маданий ҳамкорлик принциплари Декларацияси	30.08.97. № 506-I
Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш юзасидан мансабдор шахсларнинг ахлоқ кодекси	30.08.97. № 507-I
Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари	30.08.97. № 508-I

Ҳужжатнинг номи	Ратификация қилиш вақти (Олий Мажлиснинг қарорлари)
-----------------	--

Халқаро кўламда йўловчи ва юкларни автомобилларда ташиш тўғрисидаги Конвенция	26.12.97. № 552-I
Халқаро ҳимоядан фойдаланувчи шахсларга, шу жумладан дипломатия агентларига қарши жиноятларнинг олдини олиш ва бундай жиноятлар учун жазолаш тўғрисидаги Конвенция	26.12.97. № 553-I
Одамларни гаровга олишга қарши кураш тўғрисидаги Халқаро Конвенция	26.12.97. № 554-I
Ёлланма жиноятчиларни ёллаш, улардан фойдаланиш, молиявий таъминлаш ва ўқитишга қарши кураш тўғрисидаги Халқаро Конвенция	26.12.97. № 555-I
Ядровий материални жисман ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенция	26.12.97. № 556-I
Пластик портловчи моддаларни топа олиш мақсадида уларни маркировка қилиш тўғрисидаги Конвенция	26.12.97. № 557-I
Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреаль протоколига Лондонда қилинган тузатиш	01.05.98 № 627-I
Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреаль протоколига Копенгагенда қилинган тузатиш	01.05.98 № 628-I
Болаларни бошқа мамлакатларга ўғирлаб олиб кетишнинг фуқаролик жиҳатлари тўғрисидаги Гаага Конвенцияси	01.05.98 № 629-I
Товар белгиларига доир қонунлар тўғрисидаги Шартнома	01.05.98 № 630-I
Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юривчи турларини сақлаб қолишга доир Конвенция	01.05.98 № 631-I

<p style="text-align: center;">Хужжатнинг номи</p>	<p style="text-align: center;">Ратификация қилиш вақти (Олий Мажлиснинг қарорлари)</p>
<p style="text-align: center;">Бомбали терроризмга қарши кураш тўғрисидаги халқаро Конвенция</p>	<p style="text-align: center;">29.08.98 № 684-1</p>
<p style="text-align: center;">Халқаро автомобилда ташишни амалга оширувчи транспорт-воситалари экипажлари ишига дахлдор Еропа Битими</p>	<p style="text-align: center;">29.08.98 № 685-1</p>
<p style="text-align: center;">Юкларни йўл орқали халқаро ташишда фойдаланиладиган, юкни йўл орқали ташувчи воситаларга солиқ солиш тўғрисидаги Конвенция</p>	<p style="text-align: center;">29.08.98 № 686-1</p>
<p style="text-align: center;">Товарларни тавсифлаш ва кодлаштиришнинг уйғунлаштирилган тизими тўғрисидаги Халқаро Конвенция</p>	<p style="text-align: center;">29.08.98 № 687-1</p>
<p style="text-align: center;">Ташиш воситаларини тижорат мақсадларида фойдаланиш учун вақтинчалик олиб кириш тўғрисидаги Божхона Конвенция</p>	<p style="text-align: center;">25.12.98 № 731-1</p>
<p style="text-align: center;">Тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини халқаро ташишлар тўғрисидаги ҳамда ушбу ташишлар учун мўлжалланган махсус транспорт воситалари ҳақидаги Битим</p>	<p style="text-align: center;">25.12.98 № 732-1</p>
<p style="text-align: center;">Уяли кўчма алоқа тизимларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш борасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим</p>	<p style="text-align: center;">25.12.98 № 733-1</p>
<p style="text-align: center;">Болаларни бошқа мамлакатларга ўғирлаб олиб кетишнинг фуқаролик жиҳатлари тўғрисидаги Гаага Конвенциясининг 26-модданинг иккинчи абзацига Қўшимча</p>	<p style="text-align: center;">15.04.99 № 776-1</p>

Хужжатнинг номи	Ратификация қилиш вақти (Олий Мажлиснинг қарорлари)
------------------------	--

БМТ Иқлим ўзгаришлари тўғрисидаги Ҳадли
Конвенциясига доир Киото Баённомаси

20.08.99
№ 834-1

Геноцид жиноятининг олдини олиш ва бундай
жиноят учун жазо тўғрисидаги Конвенция

20.08.99
№ 835-1

МУНДАРИЖА

Кириш	5
-------------	---

УМУМИЙ ҚИСМ

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ ВА ИНСТИТУТЛАРИ

<i>1-мавзу.</i> Халқаро ҳуқуқнинг тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти	17
<i>2-мавзу.</i> Халқаро ҳуқуқнинг ривожланиши тарихи	30
<i>3-мавзу.</i> Халқаро ҳуқуқ манбалари	46
<i>4-мавзу.</i> Халқаро ҳуқуқ субъектлари	58
<i>5-мавзу.</i> Халқаро ҳуқуқ тамойиллари	85
<i>6-мавзу.</i> Халқаро ҳуқуқда ҳудуд ва бошқа майдонлар	99
<i>7-мавзу.</i> Халқаро ҳуқуқда аҳоли	113
<i>8-мавзу.</i> Халқаро ҳуқуқда жавобгарлик	123

МАХСУС ҚИСМ

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИНГ АСОСИЙ СОҲАЛАРИ

<i>9-мавзу.</i> Халқаро шартномалар ҳуқуқи	133
<i>10-мавзу.</i> Дипломатик ва консуллик ҳуқуқи	148
<i>11-мавзу.</i> Халқаро ташкилотлар ҳуқуқи	164
<i>12-мавзу.</i> Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорлик	190
<i>13-мавзу.</i> Халқаро иқтисодий ҳуқуқ	207
<i>14-мавзу.</i> Халқаро экология ҳуқуқи	215
<i>15-мавзу.</i> Жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамкорлик	222
<i>16-мавзу.</i> Халқаро денгиз ҳуқуқи	232
<i>17-мавзу.</i> Халқаро ҳаво ҳуқуқи	242
<i>18-мавзу.</i> Халқаро космик ҳуқуқ	245

19-мавзу. Халқаро низоларни ҳал этишнинг халқаро-ҳуқуқий воситалари	250
20-мавзу. Қуролли зиддиятлар даврида халқаро ҳуқуқ (халқаро гуманитар ҳуқуқ)	255
21-мавзу. Халқаро хавфсизлик ҳуқуқи	268

У Ч И Н Ч И Қ И С М

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

22-мавзу. Ўзбекистон ташқи сиёсати ва дипломатиясининг моҳияти ва асосий йўналишлари	283
23-мавзу. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Ўзбекистон Республикаси	292

И Л О В А Л А Р

Халқаро ҳуқуқ бўйича дастур	305
Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо давлатлар рўйхати	325
Дунё давлатларининг миллий байрамлари	331
Ўзбекистон Республикаси дипломатик алоқалар ўрнатган давлатлар	338
Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва минтақавий ташкилотлардаги аъзолиги	342
Ўзбекистон Республикаси ратификация қилган ёки қўшилган халқаро кўптомонлама конвенциялар ва шартномалар рўйхати	345

Ўзбек тилида

Акмал Холматович САИДОВ,
Ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ
(Дарслик)

Муҳаррир *Ҳ. Жалолов*
Рассом *З. Абдурасулов*
Техн. муҳаррир *М. Мирилёсова*

Босишга рухсат этилди 05.08.2000. Қоғоз бичими 60×84 ¹/₁₆.
Босма табағи 23,0. Нашр босма табоқ 20,6. Буюртма № К-8299.
Адади 3000 нусха. Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги "Адолат" нашриёти.
700047. Тошкент, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.

Ижарадаги Тошкент полиграфия комбинати, 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Юридик ва жисмоний шахслар диққатига!

**Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлиги «Адолат» нашриёти**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИГИ
АСОСЛАРИ**

(Хрестоматия)

китобини ўзбек ва рус тилларида қаттиқ муқовада
нашр этди.

Мурожаат учун манзилгоҳ.

Тошкент, Сайилгоҳ кўчаси, 5
«Адолат» нашриёти

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
700197, Тошкент, Интизор кўчаси, 68.

ҚАЙДЛАР УЧУН

ҚАЙДЛАР УЧУН

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ